

Н.А. Кун

ҚАДИМГИ ЮНОН АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИ

*Рус тилидан
Пошали УСМОН ва
Фазлиддин ШУКУР
таржимаси*

**«Зарафшон» нашриёти
Самарқанд – 2005**

Николай Альбертович КУН
ҚАДИМГИ ЮНОН
АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИ

Рус тилидан

Пошали УСМОН ва Фазлиддин ШУКУР таржимаси.

“Зарафшон” нашриёти, Самарқанд, 2005, 250 бет.

Илоҳий куч-қудрат ва баҳодирлар ҳақида ҳикоя қилувчи қадимги афсоналар уммонининг чек-чегараси йўқ. Н.А. Кун томонидан улардан энг қизиқарли ва ўзига хослари қайта жонлантирилган бўлиб, мазкур китобга жамлангандир. Бу афсона ва ривоятлар фақат мутахассисларнигина эмас, балки кенг ўқувчилар доирасига ҳам қизиқарлидир.

© Тошкент, “Ёш гвардия”, 1986.

© Самарқанд, “Зарафшон”, 2005.

УМРИБОҚИЙ РИВОЯТЛАР

Маданият тарихи, адабиёт ва санъат билан қизиқувчи киши учун қадимги Юнонистон ва қадимги Рим мифологияси билан танишиш тамоман эарурдир. Ахир, Уйғониш давридан бошлаб ёзувчилар, рассомлар ва ҳайкалтарошлар қадимги юнонлар ва римликларнинг миф (асотир) ларидан ўз асарлари учун сюжет танлашда кенг фойдалана бошладилар.

Истаган бадиий музейлардан бирига илк бор қадам қўйган тажрибасиз, анойи киши буюк рус тасвирий санъат усталари – П. Соколовнинг «Икарга қанот боғлаётган Дедал», К.Брюлловнинг «Аполлон ва Диананинг учрашуви», Ф.Брунининг «Горацийнинг синглиси – Камилланинг ўлими», В. Серовнинг «Европанинг ўғирланиши» ва И. Айвазовскийнинг «Денгиз узра елаётган Посейдон» каби маҳобатли суратларини, М. Козловскийнинг «Ахилл ва Патроклнинг жасади», В. Демут-Малиновскийнинг «Прозерпинанинг ўғирланиши», М. Шchedриннинг «Марсий» сингари ҳайкалтарошлик санъатига мансуб асарларини кўрганда уларга мафтун бўлиши табиий, аммо унга уларнинг мазмуни мажхул бўлиб қолаверади. Ғарбий Европа санъатининг шоҳ асарлари бўлмиш Рубенснинг «Персей ва Андромеда», Пуссеннинг «Полифем тасвири», Рембрандтнинг «Даная» ва «Флора», Тьеполонинг «Муций Сцевола Порсенна қароргоҳида» ёки Бернининг «Аполлон ва Дафна» ҳайкаллар гуруҳи, Торвальдсеннинг «Пигмалион ва Галатея», Канованинг «Амур ва Психея» ҳамда «Ҳеба» асарлари хусусида ҳам шундай хулосага келиш мумкин.

Юнон-Рим мифологияси рус адабиётига шу даражада теран сингиб кетганки, мифологик персонажлардан беҳабар киши А.С. Пушкин шеърларини (айниқса унинг илк шеърларини) ўқиганда унинг учун у ёки бу асарининг лирик ёки сатирик мазмуни ҳаммиша ҳам тушунарли бўлмайди. Г.Р. Державин, В.А. Жуковский, М.Ю. Лермонтов шеърлари, И.А. Крылов ва бошқаларнинг масалларига нисбатан ҳам шундай фикр юритиш мумкин.

Антик маданиятнинг барча Европа халқлари тараққиётига кўрсатган таъсири мутлақо шакшубҳасиздир. Шунини эътироф этиш керакки, мўъжазгина грек халқининг мифлари умумбашарий маданият асосини ташкил этган ҳолда оҳанрабо қудратига молик бўлиб, у ҳозирги замон кишисининг тасавури ва тафаккури тарзига жуда чуқур кириб боргандир. Бадиий адабиётда кучли инсон Геркулес (грекларда Ҳеракл)га, жасур ва барқарор аёл амазонкага ўхшатилади. Рассомлар, шоирлар ва ҳайкалтарошларни даставвал мифик тимсолларнинг теранлиги ва бадиийлиги жалб этади. Одамларга таъсир этадиган ўша куч-қудрат изоҳи фақат юнон мифологиясида мужассамдир дейиш тамоман ўринли эмас. Чунки мифология қадимгиларнинг ерда ҳаётнинг пайдо бўлишини, табиатдаги стихияли ҳодисаларнинг юз бериши сабабларини тушунтиришга бўлган уриниши сифатида, инсон ўз атроф-муҳитидаги ўрнини аниқлашга ожиз бўлган даврда пайдо бўлган эди.

Мифлар яратилишининг ўзи инсоннинг ижодга ва ўз-ўзини билиб олишга қўйган илк қадами эди. Тадрижий суратда юнон заминининг турфа вилоятларида вужудга келган айрим асотирлардан қахрамонлар ва уларга ҳомийлик қилган маъбудларнинг тақдирлари ҳақида бутун бошли туркумлар таркиб топган. Элма-эл кезиб юрган аэд – қўшиқчилар томонидан ижро этилган барча афсоналар, мадҳиялар ва қўшиқлар замонлар ўтиши билан Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея», Ҳесиоднинг «Теогония» ҳамда «Меҳнат ва кунлар», бизнинг давримизгача етиб келмаган жуда кўп нарсалар катта эпик дostonларга айланиб кетган. Эрамизгача V асрда яшаган қадимги буюк юнон шоир-драматурглари – Эсхил, Софокл, Еврипидлар ўз трагедияларини худолар ва қахрамонлар ҳақидаги қадимги асотирлар мазмунига асосланиб яратган эдилар.

Қадимги юнонлар фаол, қатъиятли, серғайрат халқ бўлиб, гарчи унда инсонга таҳдид соладиган, унга душман бўлган жонзотлар мавжуд бўлсада, реал дунёни билиб олишдан тап тортишмасди. Лекин ушбу дунёни билиб олишга бўлган чексиз ташналик номаълум, кўзга кўринмас хавф-хатар олдидаги кўркувдан устун келарди. Одиссейнинг саргузаштлари, аргонавтларнинг олтин жунли терини қўлга киритиш учун қилган юриши – мана шуларнинг барчаси инсон ҳаёт кечираётган ер ҳақида иложи борича кўпроқ билишга бўлган ўша интилишларнинг шеърий шаклда ифодаланишидир. Инсон иродасига бўйин эгмайдиган даҳшатнок кучлардан ҳимояланиш мақсадида юнонлар ҳам бошқа халқлар сингари кейинчалик уларнинг жуда кўплаб худоларини тасвирлаган маҳобатли ҳайкалларда сақланиб қолган илоҳийлик –фетишизм жонсиз табиат (тошлар, маъданлар, дарахтлар)нинг илоҳийлигига сиғинишни бошдан кечирди. Уларнинг диний эътиқод ва ривоятларида анимизм (ҳар нарсанинг рухдорлиги), шунингдек, энг дағал хурофотларнинг мавжудлигини ҳам пайқаш мумкин.



Аммо юнонлар ўз худоларини кишилар тимсолига ўхшатиб яратарканлар, антропоморфизмга анча эрта ўтишди, айни замонда уларга гўзаллик, истаган қиёфага кириш санъати, ўзгармас ва ўткинчи бўлмаган сифатларни, энг асосийси – умрбоқийлик ато этишди. Қадимги юнон маъбудлари ҳар жиҳатдан одамларга ўхшаш бўлиб, мард, олижаноб ва раҳмдил, лекин гоҳо кўп ҳолларда золим, қасоскор ва доғулидирлар. Инсон ҳаёти муқаррар ўлим билан тугарди, худолар эса умрбоқий бўлиб, ўз истакларини амалга оширишда чегара билишмасди, бироқ барибир тақдир илоҳалари – мойралардан ўтиб, ўз қисматини ҳеч ким ўзгартиролмади. Шундай қилиб, умрбоқий маъбудлар қисматини ҳам фоний одамлар тақдири билан ўхшаш деб билардилар. Чунончи, Ҳомернинг «Илиада»сида қахрамонлар Ҳектор ва Ахилл курашининг ниҳояси қандай бўлишини Зевс ҳам ҳал қилишга ҳақли эмас. У олтин тарози паллаларига ҳар иккала қахрамон тақдирини билмоқ учун қуръа ташлайди. Ҳекторнинг ўлимини кўрсатувчи қуръа пастга тушади, пировардида Зевснинг барча илоҳий ҳукми ўз суюқлисига ёрдам беришда ожизлик қилади. Зевснинг истагига зид ўлароқ, тақдир тақозосига мувофиқ шавкатли Ҳектор Ахилл найзасидан ҳалок бўлади. Бундай ҳолни биз римлик шоир Вергилийда ҳам кўришимиз мумкин. «Энейнома»да Троя қахрамони Энейнинг италияликлар дохийси Турн ўртасидаги ҳал қилувчи яккама-якка олишувини тасвирлаётиб, шоир римликларнинг олий маъбудди Юпитерни «тарозининг паллаларини тенглаштириб» иккала қуръани ҳам паллаларга ташлашга мажбур этади. Турннинг қуръаси солинган палла пастга тушади, шунда Эней ўз рақибини қиличининг даҳшатли зарбаси билан нобуд қилади.

Юнон ривоятчилигига мансуб худо ва қахрамонлар оддий фонийлар билан бевосита фикр алмашадилар, улар билан севги алоқалари ўрнатадиган, ўз ошиқ ва маъшукларга ёрдам берадиган жонли ҳамда тўлақонли жонзотлардир. Шу боис қадимги юнонлар худолар шахсиятида одамга хос бўлган барча ҳодисанинг бирмунча пурвиқор ва кўтаринки даражада зухур этганини кўрар эдилар. Ҳеч сўзсиз бу ҳол юнонларга худолар орқали ўзларини яхшироқ тушунишга, ўзларининг хусусий ниятларини ва хулқ-атворини англаб етишга, ўз кучларини муносиб равишда баҳолашга ёрдам берарди. Чунончи, пурқудрат денгизлар худоси Посейдон томонидан таъкиб этилган «Одиссея» қахрамони сўнгги халоскор кучларини ишга солиб, жасорат ва иродалик намоён этиб, мушкул вазиятдан ғолибона кутулиш мақсадида маъбудлар иродасига кўра кутурган табиат кучларига сабот билан қаршилиқ кўрсатиш учун қояга ёпишиб олади. Қадимги юнонлар ҳаётда юз берадиган барча мушкул ходисаларни бевосита идрок этишарди, бинобарин, уларнинг асотирлари қахрамонлари ҳам умидсизликка тушганда ва қувонганда ўша дулварликни намоён этадилар. Улар соддадил, олижаноб ва айни замонда душманларга нисбатан бешафқатдирлар. Бу қадимул аввалги реал ҳаёт ва реал инсоний сийратларнинг акс этишидир. Худолар ва қахрамонлар ҳаёти жасорат, ғалаба ва изтироблар билан тўлиб-тошгандир. Ўзининг соҳибжамол маъшуқи Адонисдан жудо бўлган Афродита ғамга ботади, зулмат салтанати худоси Аид суюкли қизи Персефонани ўғирлаб кетганлиги учун Деметра азобда. Олимпдан одамлар учун илоҳий оловни ўғирлагани туфайли баҳайбат қояга занжирбанд қилинган ва Зевснинг бургути томонидан изтироб тортаётган титан (пахлавон) Прометейнинг азоб-уқубатлари бешумор ва чидаб бўлмас даражада. Уччала фарзанди ҳам Аполлон ва Артемида камон ўқларидан ҳалок бўлган Ниоба ғам-аламдан хуши бошидан учган. Троя урушининг энг жасур қахрамонларидан бири Агамемнон жангу жадалдан қайтган заҳотиёқ хотини Клитемнестра томонидан хиёнаткорона ўлдирилади. Юнонистоннинг энг буюк қахрамони, одамларни уларга хужум қилиб, ерларини пайҳон этган бир талай баҳайбат махлуклардан ҳалос қилган Ҳеракл бағоят даҳшатли изтироблар ила гулхан ичида жонидан жудо бўлади. Билмасдан йўл қўйган жиноятларидан талвасага тушган жафокаш Эдип шоҳ иккала кўзини ўйиб, юнон заминида қизи Антигона билан ҳеч жойда осойиш топмай сарсон-саргардон кезади. Шундай бахти қаро кишилар кўпинча қачонлардир бобокалонлари йўл қўйган жиний ҳаракат туфайли жазога маҳкум этиладилар. Гарчи бунинг ҳаммаси олдиндан, тақдирул азалдан шунга маҳкум этилган бўлишса-да, улар ўзлари ҳам шерик бўлган бирор ҳодиса учун худоларнинг жазосини кутмасдан ўзларини ўзлари жазолайдилар. Юнон мифларида кишиларга ўз олдадаги масъулият ҳисси, яқинлари ва ватанга бўлган муносабати туйғуси ҳосдир. Юнонлар мифологиясида бадий тўқима ўзининг ёркинлиги, ранг-баранглиги ва бойлиги билан китобхонни тонг қолдиради.

А.А. НЕЙХАРДТ.





Биринчи қисм

ХУДОЛАР ВА ҚАҲРАМОНЛАР

ХУДОЛАР

ДУНЁ ВА ХУДОЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Худолар ва уларнинг гигантлар ҳамда титанлар билан кураши ҳақидаги афсоналар асосан Ҳесиоднинг «Теогония» («Худоларнинг келиб чиқиши») достонида баён этилган. Айрим ривоятлар эса Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея» ҳамда римлик шоир Овидийнинг «Метаморфозала» («Эврилишлар») номли достонларидан олинган.

Кадимул аввал ҳадди-худуди бўлмаган, мангулик қадар тубсиз, бепоён Хаос (бетартиб ҳаракат) мавжуд бўлган, холос. Унда бўлажак ҳаёт манбаи тажассумланган эди. Ўша чексиз Хаосдан ҳамма нарса – бутун олам ва умрибоқий худолар пайдо бўлди. Маъбуда Гея – Ер ҳам ўша Хаосдан вужудга келди. Ўзида яшаётган ва ўсаётган ҳамма нарсага ҳаёт бахш этувчи қудратли Ер беҳад катта масофага чўзилган эди. Узоқда, Ернинг тагида, бепоён беғубор осмон биздан қанча йироқда бўлса, ўшанча узоқликда, таги-туби кўринмаган чуқурликда, зим-зиё, даҳшатли тубсизлик ва мангу тун қоронғулигига чўмган Тартар – Ер қаъри дунёга келди. Ҳаёт манбаи Хаосда ҳамма нарсани жунбишга келтирадиган қудратли туйғу – Муҳаббат – Эрос туғилди. Шу зайлда дунё вужудга кела бошлади. Сарҳадсиз Хаос мангу зулмат – Эреб ва қоронғу Тун – Никтани яратди. Тун ва Зулматдан мангу Ёғду – Эфир ва қувноқ Кун – Гемера пайдо бўлди. Ёғду бутун жаҳонга тарқалди, шундан буён тун билан кун алмашинадиган бўлди.

Қудратли, ноз-неъматларга бой бўлган Ер беҳудуд кўмкўк Осмон – Уранни яратди, шундай қилиб, Ер узра Осмон пайдо бўлди. Ер яратган юксак тоғлар унга томон бўй чўза бошлади, мудом ловуллаб мавж урар денгизлар яралди. Чексиз Осмон, баланд чўкқили тоғлар ва тошқин Денгиз Она Ер томонидан яралди, уларнинг отаси йўк.

Уран – Осмон дунёга ҳукмрон бўлди. У ноз-неъматларга бой Ерни ўзига хотин қилиб олди. Уран ва Геядан олти нафар кучга тўла, ҳайбатли ўғил ва олти нафар қиз – титанлар туғилди. Уларнинг қирғоқсиз дарё янглиғ бутун ер атрофидан оқадиган ўғли титан Океан (Ўкёнус) ва маъбуда Фетида ўз тўлқинларини денгиз сари йўналтирган барча дарёларни ҳамда уммон илоҳалари бўлмиш ўкёнусзодаларни дунёга келтиришди. Титан Ҳиперион ва унинг хотини Тейя дунёга Ҳелиос – Қуёш, Селена – Ой, қизил бармоқли Эос – алвон рангли Тонг каби фарзандларни ато этишди. Астрей ва Эосдан қоронғи тун осмонида ёниб турган юлдузлар ҳамда суронли шимол Шамоли Борей, шарқий Эвр, рутубатли жанубий Нот ва ёмғирларга бой булутларни ўзи билан бирга олиб юрадиган ардоқли ғарб шамоли Зефир пайдо бўлди.

Пурқудрат Ер титанлардан ташқари, яккаю ягона кўзи манглайига битган уч нафар циклоп, уч нафар тоғлар каби басавлат эллик бошли, юз қўлли(гекатонхейр) улкан зотларни яратди. Уларнинг ҳар бирида юзтадан қўл бўлганлиги учун шундай деб аталарди. Уларнинг бағоят катта қудрати олдида ҳеч нарса дош беролмасди, уларнинг фавқулудда табиий кучининг чеки-чегараси йўк эди.

Уран ўз болалари – улканларни ёмон кўриб қолди, уларни маъбуда Ер қаъри – зим-зиё зулматга маҳкум этди, уларга ёруғликка чиқишни ман қилди. Уларнинг онаси Ер изтироб чекарди. Уни ўз қаъридаги ўша зилдай оғир ва даҳшатли юк эзар эди. У ўз болалари – титанларни оталари – Уранга қарши исён кўтаришга даъват этарди, аммо улар оталарига қўл кўтаришга журъат этишолмасди. Лекин уларнинг кенжаси доғули Крон айёрлик билан отасини тахтдан туширди ва ҳокимиятни ўз қўлига олди.



Маъбуда Тун Кронни жазолаш мақсадида бутун бошли дахшатли худолар галасини дунёга келтирди. Танат – ўлим, Эрида – хусумат, Аната – ёлғон, Кер – махвият (йўқотиш), Ҳипнос – уйқу, ваҳимали манзаралар намоён этишга қодир ва меҳру шафқат билмайдиган, жиноят учун интиқом оладиган Немезида ва бошқа бир талай худоларни вужудга келтирди. Мазкур худолар оталари Крон хукмрон бўлган дунёга дахшат, хусумат, ёлғон, кураш ва бахтсизликни келтирдилар.

З Е В С

ЗЕВСНИНГ ТУҒИЛИШИ

Крон ҳокимият ўз қўлида мангу қолмаслигини яхши биларди. У болаларининг ўзига қарши бош кўтариб, ўзи отаси Уранни қандай аҳволга солган бўлса, ўзининг бошига ҳам шундай кулфат тушишини англаб етганди. Шунинг учун улардан ўлғудай кўрқарди. Крон хотини Реяга туғилган болаларини ўзига келтириб беришни амр этди. У уларни шафқатсизларча бирин-кетин ютмоқда эди. Рея болаларининг тақдирини кўриб, дахшатга тушди. Крон аллақачон Хестия, Деметра, Ҳера, Аид (Ҳадес) ва Посейдонни, яъни бештасини ютиб юборди.

Рея ўзининг сўнгги боласини ҳам йўқотишни истамасди. Ота-оналари Уран – Осмон ва Гея – Ернинг маслаҳатига биноан Крит оролига кетиб қолди, у ерда, чуқур бир ғорда унинг кенжа ўғли Зевс дунёга келди. Ўша оролда Рея боласини золим отадан яшириб, унга йўргакка ўралган тошни бериб юборади, Крон хотини алдаганидан мутлақо шубҳаланмасдан, тошни ютар эди.

Шу аснода Зевс Критда ўсиб-улғайди. Жажжи Зевсни нимфалар -Адрастея ва Идея аллалар, уни илоҳий эчки сути билан боқар эдилар. Асаларилар жажжи Зевсга Дикта тоғининг юксак чўққиларидан бол келтиришарди. Ғор оғзида турган ёш куретлар – Зевсни кўриқловчи ярим худолар Зевс йиғлаганда унинг йиғи товушини жаллоди Крон эшитмасин ва Зевснинг қисмати акалари ва опалариникига ўхшамасин дея дамбадам қиличларини қалқонларига уриб турардилар.

ЗЕВС КРОННИ ҚУЛАТДИ. ОЛИМП ХУДОЛАРИ БИЛАН ТИТАНЛАР КУРАШИ

Ғоят гўзал ва қудратли худо Зевс ўсиб – улғайди, вояга етди. У отасига бош кўтарди ва уни ютиб юборган болаларини қайтадан дунёга келтиришга мажбур қилди. Крон ўз болалари – худоларни бирин-кетин оғзидан чиқараверди, улар бағоят келишган ва кучга тўлган йигит-қизлар эди. Улар дунёга хукмронлик қилиш учун Крон ва титанлар билан кураш бошлашди.

Бу жуда дахшатли ва қаттиқ кураш эди. Кроннинг болалари юксак Олимпда мустаҳкам ўрнашиб олишди. Айрим титанлар ҳам улар томонига ўтишди, биринчи бўлиб титан Океан (Ўқенус) ва қизи Стикс унинг болалари Шижоат, Қудрат ва Нусрат (Ғалаба) ўтди. Ушбу кураш Олимп худолари учун ўта хатарли эди. Уларнинг рақиблари титанлар бениҳоя куч ва шижоатга молик эдилар. Аммо Зевсга циклоплар ҳам ёрдам қўлини чўзишди. Улар Зевсга момоқалдиروق ва чакмоқ ясаб беришарди, Зевс уларни титанларга томон итқитарди. Кураш ўн йил давом этди, бироқ ғалаба на у томонга, на бошқа томонга кулиб боқди. Ниҳоят, Ер қаъридаги юз қўлли улканлар – гекатонхейрларни озод қилишга жазм этди: у уларни ёрдамга чорлади. Тоғлардай баҳайбат, ваҳимадор улканлар ер қаъридан чиқиб, жангга киришди. Улар тоғлар бағридаги қояларни юлиб, титанларга қаратиб итқита бошладилар. Улар Олимпга яқинлашаркан, титанларни нишонга олган юзлаб қоялар итқитиларди. Ер инграр, хавони гулдурос овозлар чулғаб олган, бутун теварак-атроф ларзага келган эди. Бу жангнинг дахшатидан Тартар – Ер қаъри ҳам жунбишга келганди. Зевс бетиним алангали чакмоқ ва кулоқни қар қилгудек ўқираётган момоқалдиروقларни итқитар эди. Ер ловуллаб ёнар, денгиз жўшар, ҳамма нарса бадбўй тутун қаърига чўмарди.

Пировардида қудратнок титанлар саросимага тушиб қолишди. Улар ҳолдан тойиб, мағлуб бўлишди. Олимп посбонлари уларни исканжага олиб, зим-зиё Тартар – Ер қаъридан бир умрга чиқмайдиган қилишди. Юз қўлли гекатонхейрлар Тартарнинг устувор мис қопқалари олдида соқчилик қила бошлади, улар қудратсохиб титанлар тагин Ер қаъридан озодликка чиқмасин дея кўриқчилик қилмоқда. Шундай қилиб, дунёда титанлар хукмронлигига чек қўйилди.



ЗЕВСНИНГ ТИФОН БИЛАН КУРАШИ

Лекин кураш ҳали ниҳоясига етмаган эди. Гея – Ер мағлуб бўлган болалари – титанларга нисбатан Прахмсизларча муносабатда бўлгани учун Олимп посбони Зевсдан ғазабланган эди. У зим-зиё Тартар – Ер қаърига эрга чикди ва юзбошли баҳайбат хилқат – Тифонни дунёга келтирди. Юзта аждар бошига эга бўлган хайбатли Тифон ер қаъридан қад кўтарди. У ёввойиларча уввос тортаркан, бутун дунёни ларзага соларди. Унинг увиллашида итларнинг вовиллаши, одамларнинг овози, кутурган хўкизнинг бўкириши ва арслон наърасини пайқаш мумкин эди. Тифоннинг теграсида шиддатли аланга осмонга ўрлар, унинг залварли таъсирида ер тебранар эди. Барча худолар ваҳимага тушишди, лекин яшинчақнатар Зевс унга қарши жасурана ҳужум қилганда қизгин жанг бошланиб кетди. Зевснинг қўлида яна яшин чақнаб, момақалдироқ гумбур-гумбури авжига чикди. Ер ва осмон гумбази тамоман ларзага келганди. Титанлар билан бўлган жангдаги каби ер тагин ёрқин аланга ичида қолди. Тифоннинг ҳар ҳамласи чоғида денгизлар жўш урарди. Яшинчақнатар Зевснинг юзлаб ўтли чақмоқ ўқлари ёғиларди, уларнинг ўтида ҳаво ва қоп-қора ёмғирли булутлар ёнаётганга ўхшарди. Зевс Тифоннинг юзта бошини ҳам ёндириб, кулини кўкка совурди. Тифон ерга қулади. Унинг танасидан тарқалган ёлқиндан теварак-атрофдаги ҳамма нарса эримокда эди. Зевс Тифонни кўтариб, уни дунёга келтирган Тартар – Ер қаърига итқитди. Лекин Тифон Ер қаърида ҳам тинчимасдан, худоларга ва барча тирик жонзотга таҳдид солади. У бўронларни кўзғотади, вулқонлар отилишига сабабчи бўлади, у ярим аёл – ярим илон Эхидна билан даҳшатли икки бошли ит – Орфни, дўзахий ит – Церберни, кўпбошли Лерней аждарини ва арслонбошли баҳайбат иблисни дунёга келтиради. Тифон дамбадам ерни тебратиб туради.

Олимп посбонлари бўлмиш худолар ўз душманларини мағлуб этишди. Уларнинг ҳокимиятига энди ҳеч ким монелик қилолмасди. Улар бундан сўнг эмин-эркин дунёни бошқаришлари мумкин эди. Уларнинг ичида энг забардаст ва азмқори яшинчақнатар Зевс осмонни ўз тасарруфига олди, Посейдон денгизга эга бўлди, Аид эса марҳумлар арвоҳи жам бўлган ер ости салтанатини танлади. Ер ҳар уччаласининг тасарруфида қолганди. Гарчи Кроннинг ўғиллари дунёни бошқаришни ўзаро бўлиб олган бўлсалар-да, уларнинг ҳаммасининг устидан Зевс ҳукмронлик қиларди, у самовот ҳукмдори эди. Одамлар ва худолар – дунёдаги ҳамма нарсани ўша идора этади.

ОЛИМП

Гўзал ва фароғатли Олимпда худолар аҳли қуршовида Зевс ҳукмрон. Зевс ва унинг рафиқаси Ҳера, олтин кокилли Аполлон ва синглиси Артемида, олтин сочли Афродита ҳамда Зевснинг барваста кизи Афина ва бошқа бир талай худолар ҳам шу ерда маскан қуришган. Юксак Олимп қопқасини уч нафар соҳибжамол Ҳора (Хўра) кўриқлайди, улар худолар ерга тушмоқчи бўлганларида ёки Зевснинг ҳашаматли қасрига кўтарилишини истаганларида қопқаларни қамраган қалин булутларни тарқатадилар. Юксак Олимп узра кўмкўк бепоён осмондан заррин нурлар ёғилади. Зевс салтанатида на ёмғир, на қор ёғади, у ерда мангу рўшнолик ва ёз сурури ҳукм суради. Қуйида булутлар ўрлаб, гоҳо улар узок ер жамолини кўришга халал берадилар. У ерда, ер юзида баҳор ва ёз, куз ва қиш алмашинади, шодлик ва бахтиёрлик ўрнини ғамгинлик ва бадбахтлилик эгаллайди. Тўғри, ғамаламнинг нималигини худолар ҳам билади, бироқ улар тез ўтиб кетади, Олимпда тагин шодхуррамлик қарор топади.

Худолар ўзларининг Зевснинг ўғли Ҳефест томонидан бунёд этилган олтин қасрларида кайф-сафо қилишади. Шоҳ Зевс олтиндан ясалган баланд тахтида савлат тўкиб ўтирибди. Зевснинг жасур, маъбудона гўзал чехраси унинг ҳукмронлик ҳамда забардастликни улуғворлик ва осойишта виқор билан англаганини намоён этмоқда. Зевснинг тахти қошида осойишталик маъбудаси Эйрена ва унинг доимий йўлдоши бўлган ғалаба маъбудаси қанотли Нике ҳозир у нозир. Мана унинг хузурига соҳибжамол ва латофатли маъбуда, Зевснинг хотини Ҳера киради. Зевс ўз хотинини улуғлайди, никоҳ хомийси Ҳерани Олимпдаги барча худолар қуршаб олишади ва улуғлашади. Ўз гўзаллиги, ҳашаматли либосини намойиш этган маҳобатли Ҳера зиёфат қасрига ташриф буюрганида барча худолар ўринларидан қалқиб, яшинчақнатар Зевснинг хотинига таъзим бажо келтирадилар. Ўз иқтидори билан ғурурланган алпозда олтин тахтга томон келади ва худолар ҳамда одамлар подшоси бўлган Зевс билан ёнма-ён ўтириб олади. Ҳеранинг тахти ёнидан унинг чопари, камалак маъбудаси,



укпар қанотларини қоқиб, Ҳеранинг амрини ижро этмоқ учун ернинг энг олис ўлкаларига елишга шай турган Ирида ўрин олган.

Худолар базм қурмоқда. Зевснинг қизи Ҳеба ва Троя подшосининг ўғли – Зевснинг арзандаси, у туфайли боқийликка эришган Ҳанимед уларга (маъбудларга) хос емак – амврозия ва нектар – оби ҳаёт улашмоқдалар. Соҳибжамол харита – назокат ва шодлик маъбудалари ҳамда музалар – кўшиқ ва шеърят, мусиқа ҳамда ракс маъбудалари уларга ўзларининг дилрабо кўшиқ ва ракслари билан роҳат-фароғат бағишлайдилар. Улар қўлни қўлга бериб, давра қуришар, худолар бўлса уларнинг қушдай енгил ҳаракатлари ва мангу тароватли ёшлиги ҳамда латофатидан завққа тўларди. Худоларнинг зиёфати борган сайин авжга чиқарди. Худолар ана шу зиёфатларда барча ишларини ҳал қилишади, дунё ва одамларнинг тақдирини белгилайдилар.

Зевс Олимпдан ўзининг одамларга атаган совға-армуғонларини юборади, ер юзида тартиб-интизом ва қонунларни қарор топдиради. Одамларнинг тақдир-қисмати Зевснинг қўлида: бахт ва мусибат, эзгулик ва ёвузлик, ҳаёт ва мамот – ҳаммаси. Зевс қасрининг қопқаси олдида иккита каттакон идиш турибди. Бирида – эзгулик, бошқасида ёвузлик совғалари сақланади. Улардаги эзгулик ва ёвузликдан муайян ҳиссадан олиб, одамларга юбориб туради, яшинчақнатар кимга фақат ёвузлик солинган идишдаги совғалардан юборса, ўша кишининг шўри қурийдиган деяверинг. Шунингдек, кимки ерда Зевс томонидан ўрнатилган тартибни бузса ва унинг қонунларига риоя қилмаса, ўшанинг ҳам шўри қурийдиган. Кроннинг ўғли қуноқ қошларини чимирса борми, осмонда қора булутлар пайдо бўлаверади. Буюк Зевс ғазабланса, бошидаги сочлари ваҳимали тарзда тикка бўлиб кетади, кўзлари ажабтовур чақчайди. Ўнг қўлини силтаса, момоқалдирак зарбалари бутун само бўйлаб гулдираб кетади, алангали яшин чақнаб, юксак Олимпни ларзага келтиради.

Қонунларни қўриқлаш фақат Зевснинг иши эмас. Унинг тахти ёнида қонунларни қўриқлайдиган одиллик маъбудаси Фемида турипти. У яшинчақнатар Зевснинг амри билан муаззам Олимпда анжуман, тартиб ва қонун бузилмасин дея ерда халқ йиғинларини ўтказади. Олимпда Зевснинг қизи, маъбуда Дикэ одил ҳакамлик (суд) бўлишини кузатувчи. Зевс чиқарган қонунларнинг бузилаётганлиги ҳақидаги хабарни унга етказганда Зевс ноодил ҳакамларни қаттиқ жазолайди. Маъбуда Дикэ – ҳақиқат ҳомийси ва ёлғоннинг душмани.

Зевс дунёда тартиб ва ҳақиқатни қўриқлайди, одамларга ғам-алам ҳамда бахт юборади. Гарчи Зевс одамларга бахт ва мусибат юборса-да, лекин уларнинг тақдирини муаззам Олимпда яшовчи тақдир маъбудалари – мойралар белгилайди. Зевснинг тақдири ҳам ҳатто улар қўлидадир. Қисмат фонийлар (умри боқий бўлмаган) ва худолар устидан бирдай ҳукмрондир. Шафқатсиз қисмат амридан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Худолар ҳамда фонийлар қисматини озгина бўлсада ўзгартира оладиган на бир қуч ва на бир ҳокимият мавжуд. Қисмат олдида тиз чўкиб, унга тобе бўлишдан бошқа чора йўқ. Баъзибир мойралар қисмат амрини билишади. Клото исмли мойра инсон ҳаётининг муддатини белгиларкан, унинг ҳаёт риштасини йигиради. Ўша ришта узилса, ҳаёт ҳам тугайди. Лахесис исмли мойра ҳаётда одам чекига тушадиган қисмат риштасини чиқариб олиш қобилиятига эгадир. Мойралар белгиллаган тақдирни ўзгартириш қудратига молик эмас, зероки учинчи бир мойра Атропос одамга унинг ҳаётида сингиллари нимани раво кўрган бўлса ўшани ўрамномага битиб қўяди, тақдирномага битилгани эса ҳеч шубҳасиз, муқаррардир. Буюк мойралар бешафқат, уларнинг қаҳри қаттиқ.

Олимпда тагин бир тақдир маъбудаси бор, у маъбуда Тухэди. У бахт ва хотиржамлик маъбудаси. У одамларга фаровонлик мугузидан, ўз сути билан Зевснинг боққан муқаддас эчки Амалфеянинг мугузидан совғалар сочади, ўз ҳаёти давомида бахт маъбудаси Тухэни учратган киши бахтлидир, афсуски, бунақаси камдан кам кишиларга насиб этади, ўз армуғонларини улашган Тухэ кейин ундан юз ўгирган бўлса, қандай бахтсизлик!

Худолар ва одамларнинг улуғ подшоси Зевс бутун оламдаги тартибот ҳамда ҳақиқатни қўриқларкан, Олимпда, дилнавоз маъбуд ва маъбудалар қуршовида ана шундай ҳукмронлик қилади.

ПОСЕЙДОН ВА ДЕНГИЗ ХУДОЛАРИ

Чуқур денгиз қаърида яшинчақнатар Зевснинг улуғ биродари, ерни титратувчи Посейдоннинг маҳобатли қасри қад кўтарган. Посейдон уммонлар устидан ҳукмронлик қилади, дахшатли уч айрили асо билан қуролланган маъбуд сал имо қилса бас, барча долғалар унга бўйин эгиб туради. У ерда, уммон қаърида Посейдон билан бирга унинг соҳибжамол рафиқаси, кароматли чол Нерей-



нинг қизи – Амфитрита у билан бирга яшайди, у уни отасидан ўғирлаб келганди. Денгиз тубининг буюк ҳукмдори бир куни унинг сингиллари – nereидзодалар давра куриб, Наксос ороли соҳилида рақс килаётганини кўриб қолади. Денгиз худоси соҳибжамол Амфитритага мафтун бўлади ва уни маҳодасига ўтказиб, олиб кетишга қарор қилади. Лекин Амфитрита қудратли елкаларида осмон гумбазини ушлаб турган титан Атласникида яширинади. Нерейнинг гўзал қизини Посейдон узоқ вақт қўлга туширолмади. Ниҳоят, унинг яширинган жойидан дельфин (Юнус балиғи) огоҳ этади, ана шу хизмати учун Посейдон дельфинни самовий юлдузлар туркумига жойлаштирди. Посейдон Атласдан Нерейнинг қизини ўғирлаб, унга уйланди.

Ўша пайтдан бўён Амфитрита ўз эри Посейдон билан сувости қасрида истиқомат қилади. Баланда, қаср узра денгиз долғалари тиним билмай мавж уради. Посейдон ўз иродасига тобе бўлган денгиз маъбудлари аҳли қуршовида эъзозланади. Посейдоннинг чиғаноқдан қилинган гулдираган овозли бурғуси билан ваҳимали пўртаналар қўзғовчи ўғли Тритон ҳам улар орасида. Шунингдек, Амфитританинг гўзал сингиллари - nereидзодалар ҳам худолар билан бирга. Посейдон уммон устидан ҳукмронлик қилади. У ғаройиб аргумоқлар қўшилган маҳодасида уммон узра елганда мангу мавждор долғалар икки томонга сурилиб, ҳукмдор Посейдонга йўл берадилар. Гўзалликда Зевсга тенглашадиган Посейдон чексиз денгиз узра шитоб ила елганда унинг атрофида денгиз тубидан сузиб чиққан юнус балиқ(дельфин)лар ўралишади ва унинг маҳодаси теғрасида ғужғон ўйнашади. Посейдон ўзининг таҳдидкор уч айрили асосини силтаган чоғи оппоқ кўпик ўрқачлар билан қопланган денгиз тўлқинлари бамисоли тоғлардек баландликка қалқийди ва шу он денгизда шиддатли пўртана авжига чиқади. Шунда денгиз долғалари сохилбўйи қояларига суронли тарзда уриладида, ерни ларзага келтиради. Аммо, Посейдон ўзининг уч айрили асосини тўлқинлар узра чўзса борми, улар дарҳол осойишталик касб этишади. Бўрон тинади, денгиз яна тинч, ойнадек текис, фақат қирғоқда мовий чексизлик чайқалади.

Зевснинг улуғ биродари Посейдонни бир талай худолар қуршаб олади. Улар орасида келажакнинг барча сир-синоатидан воқиғ бўлган кароматсоҳиб чол Нерей ҳам бор. Ёлғон ва ғалат Нерейга ёт. У худолар ва фонийларга фақат ҳақиқатни баён этади. Кароматли чол берган маслаҳатлар ғоят пурмазмун ва донолик ила йўғрилган. Нерейнинг эллик нафар лобар қизлари бор. Ёш nereидзодалар ўзларининг илоҳий гўзаллиги билан тўлқинлар ичра ярқираб, масрурона долғаларга қўшилиб кетади. Бир-бирларининг қўлларидан ушлашиб, турнақатор бўлиб, денгиз қаъридан сузиб чиқишади ва секин уммон тўлқинларининг қирғоққа оҳиста урилаётган ёқимли шовуллашига жўр бўлган ҳолда давра куриб, қўшиқ айтишади. Ўшанда уларнинг денгизнинг майин шовуллаши янглиғ нафис хониши сохилбўйи қояларда акс-садо бўлиб такрорланади. Nereидзодалар денгизчиларга ҳомийлик қиларкан, уларга бехатар сузиш бахтини бахш этадилар.

Денгиз худолари ўртасида денгизга ўхшаб ўз қиёфасини ўзгартирадиган, агар хоҳласа, истаган жонивор ёки махлуқотга айлана оладиган Протей ҳам бор. Кекса Протей башоратсоҳиб худолардан, аммо уни кутилмаганда учратиб, унинг диққатини ўзига қаратган кишигина келажак сир-синоатини баён этишга мажбур қилиши мумкин. Ерни тебратувчи Посейдоннинг йўлдошлари орасида денгизчи ва балиқчилар маъбуди Главк ҳам каромат қилиш салоҳиятига эгадир. У дамбадам денгиз қаъридан сузиб чиқиб, келажакни баён этар ва фонийларга доно маслаҳатлар берар эди. Денгиз худолари иқтидорли, улар ҳукми қатъий, бироқ уларнинг барчасининг устидан Посейдоннинг улуғ биродари Зевс ҳукмронлик қилади.

Барча уммонлар ва ерлар атрофида нуфузи ва шуҳрати жиҳатдан Зевсга тенг бўлган титан – худо кекса Ўкёнус оқади. У узоқ-узоқларда, дунё сарҳадида яшайди, замин ташвишлари унинг қалбига ғулғула солмайди. Ўкёнусда дарё худоларининг уч минг ўғлони ва уч минг нафар қизи – ўкёнусзодалари, жилға ва булоқ маъбудалари мавжуд. Улуғ маъбуд Ўкёнуснинг ўғиллари ва қизлари фонийларга мангу ҳаракатдаги тириклик манбаи сув – хотиржамлик ато этади, улар у билан ер ҳамда барча жонзотларнинг ташналигини қондирадилар.

ДАҲШАТЛИ АИД САЛТАНАТИ

Чуқур ер остида Зевснинг шафқатсиз, даҳшатли укаси Аид ҳукмронлик қилади. Унинг салтанати зулмат ва ваҳшатдан иборат. Ёркин ва саховатли қуёшнинг илиқ нурлари у ерга ҳеч қачон тушмайди. Тубсиз жарликлар ер юзидан ғам-алам макони бўлмиш Аид салтанатига бошлайди. Унда



окаётган дарёлар ҳам кўримсиз. У ерда сувлари билан худолар қасам ичадиган, ҳамма нарсани музлатадиган Стикс дарёси оқади. У ерда Кокит ва Ахеронт ўз тўлқинларини елдай учиради. Ғам-андухга тўла марҳумларнинг арвоҳлари ўзларининг нолаю афғонлари билан уларнинг қирғоқларини ларзага келтирадилар. Ер ости салтанатида инчунин замин ташвишларини унутмоқ учун Лета дарёсининг сувлари ёрдамга келади. Ер ости салтанатининг сўлғин ёввойи гуллар ўсиб ётган ваҳимали далаларида марҳумларнинг жисмсиз енгил кўланкалари елиб югуради. Улар ўзларининг нурсиз, бемақсад хазин ҳаётларидан нолийдилар. Уларнинг инграшлари кузнинг сарсари шамоли таъқиб этган заъфарон япроқларнинг илғаб бўлмас шитирлаши янглиғ кулоққа зўрға чалинади. Ушбу ғам-андух салтанатидан ҳеч ким қайтиб чиқолмайди. Қопқа олдида унинг кўриқчиси – бўйнида вишиллаб турган даҳшатли илонлар осилган уч бошли дўзахий кўппак – Цербер турипти. Ўлганларнинг арвоҳларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юрадиган баджаҳл ва кекса қайиқчи Херон Ахеронтнинг қоп-қора сувлари оша бирорта ҳам руҳни ўша ҳаётбахш қуёш чараклаб нур сочиб турган ерга олиб чиқмайди. Зулматга чўмган Аид салтанатидаги арвоҳлар мангу бахтсиз ҳаёт кечиришга маҳкум этилгандир.

На ёруғлик, на қувонч ва на ердаги ҳаёт ғам-аламлари кириб борадиган ушбу салтанатда Зевснинг укаси Аид ҳукмрон. У олтин тахт узра хотини Персефона билан ёнма-ён ўтирипти. Бешафқат интиком маъбудалари Эриниялар унинг атрофида гирди капалак бўлиб хизмат қилмоқдалар. Улар жуда кўрқинчли, жазоланганларни қамчи илонлар билан таъқиб этадилар. Бир дақиқага бўлса-да, тинчлик беришмайди, маҳкумлар эса яширинишга жой топишолмайди, қаерга боришмасин, азоб-укубатга дучор бўладилар. Аиднинг тахти қошида ўликлар салтанатининг ҳакамлари – Минос ва Радамант жойлашган, кўлида қилич, ўзи қора ридо кийган, қоп-қора, баҳайбат қанотли ўлим худоси Танат ҳам шу ерда, тахт ёнида. Танат ўлаётган кишининг тўшаги сари унинг сочларини қиркиб ташламоқ ва жонини суғурмоқ учун учиб келаркан, унинг ваҳимали қанотларидан ўлим тўфони уфурди. Даҳшатли кералар ҳам Танат билан ёнма-ён ўтирипти. Улар жанг майдонида дарғазаб бўлиб, елдай югурадилар. Мағлуб бўлган қахрамонларни кўрган кералар беҳад суюнишади, ўзларининг кондек қип-қизил лаблари билан ҳалок бўлганларнинг иссиқ қонини очкўзларча симирадилар ва уларнинг танидан жонини суғуриб оладилар.

Уйқу маъбуди ёш Ҳипнос ҳам шу ерда, Аид тахти қошида. У кўлида қизғалдоқ қалпоқчаларини ушлаб, билинар-билимас ер узра қанот қоқиб оларкан, мугузидан ухлатадиган шира оқизади. Ўзининг жозибали ҳассасини одамларнинг кўзларига авайлаб теккизган заҳотиёқ қовоқлар юмилади, шу зайлда фонийлар ширин уйқуга чўмадилар. Уйқу худоси бағоят қудратлидир, унга на фонийлар, на маъбудлар қаршилиқ қила оладилар, ҳатто яшинчақнатар Зевс ҳам унинг олдида ожиздир. Ҳипнос унинг ваҳимали кўзларини қидиради ва уйқуга чўмдиради.

Қоп-қоронғу Аид салтанатида, шунингдек, туш (рўё) худолари ҳам елиб югуради. Улар орасида машъум ва қувноқ тушлар кўрсатувчи худолар мавжуд, улар кишиларни руҳан эзадиган ва изтиробга соладиган тушлар кўрсатадилар. Сохта тушлар кўрсатувчи худолар ҳам бор, улар кишиларни йўлдан оздириб, уларни кўпинча ҳалокатга бошлайдилар.

Шафқатсиз Аид салтанати зулмат ва даҳшатдан иборатдир. У ерда, қоронғуда эшакоёкли Эмпсунинг ваҳимали шарпаси кезиб юради. У тун қоронғусида одамларни айёрлик билан узлатга тортиб, уларнинг қонини сўради ва ҳали совуб улгурмаган жасадларни ямлайди. У ерда баҳайбат Ламия ҳам санқиб юради. У тунда бахтиёр оналарнинг хобгоҳларига билдирмасдан кириб олади, болаларини ўғирлаб, уларнинг қонини ичмоқчи бўлади. Барча шарпа ва баҳайбат зотларга улуғ маъбуда Ҳеката ҳукмронлик қилади. Унинг учта боши ва учта гавдаси бор. Ойсиз тунда зим-зиё йўллар ва қабрларда ўзининг даҳшатли надимлари ва атрофидаги Стикс итлари билан изғийди. У ерга ҳалокатли ваҳималар, кўрқинчли тушлар юборади ва одамларни ҳалок этади. Жодугарликка қарши ёрдамга Ҳекатани чорлайдилар, лекин унинг ўзи унга уч йўл айримида ким ит қурбон қилган бўлса, ўшанга жодугарликка қарши курашда ҳомийлик қилади.

Аид салтанати ўта даҳшатли, одамлар ундан нафратланадилар.

ҲЕРА

Буюк маъбуда Ҳера, олампаҳо Зевснинг хотини бўлиб, никоҳларга ҳомийлик қилади, эр-хотинлик муносабатларининг муқаддаслиги ва бузилмаслиги учун курашади. У эр-хотинларга сон-саноксиз авлод ато этади, ҳомиладор оналарни кўзлари ёриётганда дуо қилади. Зевсдан енгилган Крон буюк маъбуда Ҳерани, унинг укалари ва сингилларини бирин-кетин оғзидан чиқаргач, онаси Рея уни дунёнинг нариги чеккаси – кекса Ўқёнус ҳузурига олиб кетди. У ерда Ҳерани Фетида тарбиялайди. Ҳера Олимпдан йироқда кўп йиллар осойишта ва хотиржам ҳаёт кечирди. Улуғ яшинчақнатар Зевс уни бир кўришдаёқ ёқтириб қолади ва Фетидадан ўғирлаб кетади. Маъбудлар Ҳера ва Зевснинг тўйини катта ҳашамат билан ўтказишади. Ирида ва хариталар Ҳерани бекиёс гўзал либосларга буркайдилар, худолар ва одамларнинг буюк подшоси Зевс билан ёнма-ён ўтираркан, у ўзининг навкирон ёшлиги, бағоят чиройлилиги билан гул-гул ёнарди. Барча маъбудлар ва маъбудалар ҳокима Ҳерага ўз армуғонларини тақдим этишарди. Маъбуда Гея – Ер эса ўз қаъридан Ҳерага туҳфа дея олтин мевали олма дарахтини ўстиради. Табиатдаги ҳамма нарса малика Ҳера ва шох Зевсни шарафлайди.

Ҳера баланд ва нурафшон Олимп узра ҳукмронлик қилмоқда. У эри Зевс янглиғ момоқалдирак ва яшинларга амр этади, унинг сўзи билан осмон қоп-қора булутлар ила қопланади, кўли билан ишора қилса, у шиддатли бўронларни вужудга келтиради.

Буюк Ҳера ғоят маҳобатли, шахло кўз, қўллари нилуфар сингари, унинг тожи остидан тўлқинсимон, кишини ҳайратга соладиган қўнғир сочлари товланиб туради, салобатли ва пурвиқор, кўзлари чўғдай ёниб туради. Маъбудлар Ҳерани эъзозлайдилар, уни эри – булутқувар Зевс ҳам чин дилдан кадрлайди, кўпинча у билан маслаҳатлашади ҳам. Лекин Ҳера билан Зевс ўртасида дамбадам баҳс-муноқашалар ҳам юз беради. Ҳера кўп ҳолларда Зевсга эътироз билдириб, у билан худолар кенгашида баҳслашади. Ўшанда яшинчақнатар ғазабланиб, хотинига «таъзирингни бераман» дея таҳдид солади. Шунда Ҳера сукут сақлаб, ғазабини босади. У ўзини Зевс қандай савалаганини, олтин занжир билан кишанлаганини, оёқларига зилдай оғир иккита сандонни боғлаб, ер билан осмон ўртасига осиб кўйганини унутмайди.

Ҳера қудратли, амр-фармоликда унга тенг келадиган маъбуда йўқ. У Афинанинг ўзи тиккан кенг барли ҳашаматли либосга бурканган ҳолда икки умрбоқий от қўшилган маҳодада виқор билан ўтириб, Олимпдан тушиб келади. Унинг маҳодаси кумушдан, ғилдираклари соф олтиндан, кегайлари мисдан. Ҳера юриб ўтган ердан муаттар хидлар таралади. Олимпнинг буюк маликаси олдида барча жонзот таъзим бажо келтиради.

ИО

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Ҳерани кўпинча ўзининг эри Зевс ранжитади. Зевс соҳибжамол Иони севиб қолганида шундай бўлганди, у уни рафиқаси Ҳерадан пинҳон тутиш учун Иони сигирга айлантирди. Лекин яшинчақнатар бу билан Иони халос этолмади. Ҳера қордай оппоқ сигирни кўриб қолганда уни Зевсдан ўзига совға қилишини талаб этади. Зевс Ҳеранинг талабини рад этолмасди. Ҳера Иони эгаллаб олгач, уни асраб юришни юзкўзли Аргусга топширади. Боёқиш Ио азият тортар, аммо ўз изтиробларини бировга айтишга ботинолмасди. Сигирга эврилган Ио сўзлаш қобилиятидан маҳрум бўлган эди. Ҳамиша бедор Аргус Иони кўриқларди, Ио унинг кўзидан нари кетолмасди. Зевс унинг изтиробларидан хабардор эди. У ўғли Ҳермесни ҳузурига чақириб, унга Иони ўғирлаб келишни амр этди.

Ҳермес дарҳол юз кўзли соқчи – Аргусни излаб, у Иони кўриқлаётган тоғ чўққисига ғизиллаб югура кетди. Ҳермес тинимсиз гапиравергач, Аргус уйкуга кетди. Эндигина унинг юзинчи кўзи юмила бошлаганда Ҳермес ўзининг ёй шаклидаги қиличини суғуриб, Аргуснинг бошини узиб ташлади. Ио озод этилди. Лекин, Зевс Иони бу билан Ҳеранинг ғазабидан халос этолмади. У баҳайбат Сўнани ишга солди. Сўна ўзининг заҳарли ниши билан азоб-уқубат чекиб, ақлдан озган бахти қаро ва жафокаш Иони элдан элга қуварди. Қайда бўлмасин, уни фақат безовталиқ таъқиб этарди. Ғазабнок Ио жон ҳолатда югургани югурган эди, сўна бўлса ғизиллаб учар ва дамбадам нишини унинг танига санчарди. Сўнанинг ниши Ионинг жисмини бамисоли чўғдай ёндирарди. Ио қаерларда тентирамади, не не элларда бўлмади? Пировардида, узоқ саргардонликдан сўнг, узоқ шимолдаги, Прометей занжир-

банд қилинган қояга етиб келди. У шўрлик Ионинг азоб-укубатдан Мисрда халос бўлажagini каромат қилди. Сўнанинг дастидан кувғинди Ио югуришда давом этарди. Мисрга етгунча у қанчадан қанча азиат ва изтироб тортди, сон-саноксиз хатарга дуч келди. Ўша ерда, ноз-неъматларга бой баҳри Нил соҳилларида Зевс унга аввалги тимсолини қайтарди, ундан Эпаф исмли ўғил дунёга келди. У Мисрнинг биринчи подшоҳи ва буюк авлод қахрамонларининг бобокалони эди, Юнонистоннинг энг улуғ қахрамони Ҳеракл ҳам ўшаларга мансуб эди.

АПОЛЛОН

АПОЛЛОННИНГ ТУҒИЛИШИ

Ёруғлик маъбуди, олтин сочли Аполлон Делос оролида туғилди. Ҳеранинг ғазаби туфайли Кувғинди бўлган онаси Латона ҳеч жойда ўзига бошпана тополмади. У Ҳера юборган Пифон номли Тимсоҳ таъкибида овораи жаҳон бўлиб, ниҳоят ўша замонларда суронли денгиз долғалари ичра елиб юрган Делос оролида паноҳ топди. Делосга Латона оёқ босган заҳотиёқ денгиз қаъридан баҳайбат устунлар кўтарилиб, одамзот яшамайдиган ўша оролни таққа тўхтатди. У ҳозирги замонда турган жойидагидек қўзғалмас бўлиб қолди. Делоснинг тўрт гирдида ҳам уммон тинмай шовуллайди. Ўсимликдан нишона ҳам кўринмаган яланғоч Делосда қояларгина ғамгин қад кўтариб турарди. Улар ўзларининг мунгли қийқириқлари билан ҳаммаёкни янграиб юборган денгиз чорлоқлари учун қўнолға эди, холос. Ёруғлик худоси Аполлон дунёга келди-ю, ҳар томон чароғон бўлиб кетди. Ёғдуга чўмган Делос қоялари олтин янглиғ товланарди. Атрофдаги барча мавжудот: соҳилбўйи қоялари, Кинт тоғи, водий ва денгиз ёрқин қиёфа касб этганди. Делосда йиғилган маъбудалар янги туғилган маъбудни шарафлаб, унга лаззатли худолар таоми (амврозия) ва оби-ҳаёт тақдим этишарди. Маъбудалар билан бирга табиат ҳам сурурга тўлганди.

АПОЛЛОННИНГ ПИФОН БИЛАН КУРАШИ ВА ДЕЛЬФА КАРОМАТСОҲИБИНИНГ ШАРТИ

Навқирон ва нурафшон Аполлон кўлида кифара, елкасида кумуш ёй билан ложувард осмон бўйлаб елиб кетди. Унинг садоғидаги олтин ўқлар жарангоси самоларни тўлдириб юборди. Мағрур ва масрур Аполлон зулмат ва зиллат ҳамда барча ёвузликка таҳдид солиб, баланд-баландларда елмоқда эди. У онаси Латонани таъкиб этган кўрқинчли Пифон яшаётган томонга йўл олди. Аполлон онасига нисбатан қилинган бутун ёвузликлар учун интиқом олишни истарди.

Орадан кўп ўтмай Аполлон Пифон яшаётган зим-зиё дарага етиб келди. Ҳар ёнда кўкка ўрлагандек баҳайбат қоялар қад кўтариб турарди. Дарада машъум зулмат ҳукм сурарди. Теранликда оппоқ кўпикларга бурканган тоғ дарёси хайқириб оқар, унинг устидаги қалин туман тутун сингари осмонга ўрлар эди. Шунда даҳшатли Пифон инидан чиқиб келмоқда эди. Унинг тангачалар билан қопланган баҳайбат ва бесўнақай танаси қоялар орасида бамисоли бешумор халқаларни эслатарди. Танасининг оғирлиги тоғу тошларни ларзага соларди. Дарғазаб Пифон йўлидаги ҳамма нарсени ер билан яксон қилар, атрофга ўлат уруғини сочарди. Саросимага тушган нимфалар ва барча тирикзот ундан ҳазар қиларди. Ўта кучли ва хайбатли Пифон олтин сочли Аполлонни ютмоқ бўлиб, оғзини юҳодек очди-да, қаддини баланд кўтарди. Шу он кумуш ёйнинг камалак риштаси жаранглаб, олтин ўқлар бирин-кетин учкун янглиғ ярқираб, нишонга тегаверди. Пифоннинг устига ўқлар ёмғирдай ёғиларди, у ниҳоят жонидан жудо бўлиб, ерга қулади. Олтин сочли Аполлоннинг зафар қўшиғи янграб, маъбуд кифарасининг олтин торлари унга жўр бўлиб кетди. Аполлон Пифоннинг жасадини муқаддас Дельфа жойлашган ерга кўмди ва Дельфада одамларга отаси Зевснинг иродасини башорат қилиш мақсадида ибодатхона ва оракул (башоратгоҳ)га асос солди.

Аполлон юксак қирғоқда тураркан, узоқда, денгизда сузиб кетаётган Крит денгизчиларини кўриб қолди. У дельфин қиёфасига кириб, ўзини денгизга ташлади, кемага етиб олди-да, уммон тўлқинлари қаъридан чиққан дурахшон юлдуздай кеманинг қуйруқ қисмига отилди. Аполлон кемани Криса шаҳри бандаргоҳига бошлаб келди ва олтин кифарасини чала-чала Крит денгизчиларини серунум водийлар орқали Дельфага бошлаб борди. Уларни ўзининг ибодатхонасига илк қоҳинлар қилиб олди.

ДАФНА

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Мунаввар ва масрур маъбуд Аполлон алам-андух тортмоқдан бегона эмасди, унинг вужудини ҳазинлик чулғаб олди. Пифон устидан қозонилган ғалабадан сўнг кўп ўтмай Аполлон қайғуга чўмди. Аполлон ўз ўқидан мағлуб бўлган ўша махлуқот тепасида мағрур турганда ёнгинасида ўзининг олтин ёйини таранглаштираётган севги худоси ёш Эротни кўриб қолди. Аполлон унинг устидан куларкан, шундай деди:

– Ҳой болакай, бундай даҳшатли курул сенга нечун керак бўлиб қолди? Зарба берувчи ўша ўқларни яхшиси, менга берсанг, уларни мен отсам. Ҳозиргина ўшандай ўқлар билан Пифонни ер тишлатдим. Наҳотки, ўқ узарда менга тенглашмоқчи бўлсанг, шоввоз? Мендан ҳам кўпроқ шуҳрат орттирмакчимисан, ё?

Истеҳзолардан ранжиган Эрот Аполлонга шундай жавоб берди:

– Сен отган ўқлар, Феб-Аполлон, беҳуда кетмайди, аммо менинг ўқларим сенга зарба беради.

Эрот олтин қанотларини қоқиб, бир зумда юксак Парнасга томон парвоз этди. У ерда садоғидан икки дона ўқни суғурди: улардан бири юракни жароҳатлаб, севги-муҳаббат уйғотарди, шуниси билан Аполлоннинг юрагини нишонга олди, ишқ-муҳаббатни сўндирувчи ўқни эса дарёлар худоси Пенейнинг кизи Дафнага қаратиб узди.

Аполлон кунлардан бир кун соҳибжамол Дафнага дуч келиб, уни севиб қолди. Аммо, Дафна олтин сочли Аполлонга кўзи тушганда тутқич бермас кийикдай югуриб кетди, ахир Эрот унинг юрагини севгини сўндирувчи ўқ билан жароҳатлаган эди-да. Кумуш ёй соҳиби бўлган маъбуд унинг кетидан кува кетди.

– Тўхта, соҳибжамол нимфа, – чорларди уни Аполлон, – нега гўё бўридан қочган кўзичоқ сингари мендан қочасан? Худди бургут чангалидан қутилмоқчи бўлган кабутар каби елмоқдасан! Мен сенга душман эмасман-ку, ахир! Қара, тиконлар ичра елиб, оёқларинг қонга беланди-ку! Ҳой, бундай бурилиб қарасанг-чи, тўхта! Мен яшинчақнатар Зевснинг ўғлиман, ахир, оддий чўпон ё фонийлардан эмасман.

Бироқ соҳибжамол Дафна борган сайин тез югурарди. Унинг ортидан қанот боғлагандек Аполлон еларди. У унга етай деб қолди. Ҳозир етиб олади! Дафна ҳатто унинг нафас олаётганини сезиб турипти. У ҳолдан тойиб борарди. Дафна отаси Пенейга ёлворади:

– Отажоним, Пеней, ёрдам бер! О, замин, ёрил, мени қаъринга ол! Кошкийди мени ушбу киёфамдан жудо қилсангиз, у менга нуқул изтироб келтиради!

Дафна шу сўзларни айтган заҳотиёқ бутун узвийти увушиб қолди. Унинг нозик баданини дарахт пўстлоғи қоплади, сочлари япроқларга, айланди, самовотга ёлвориш учун кўтарилган қўллари бутоқларга эврилди. Ғамга ботган Аполлон узоқ вақт дафна дарахти олдида туриб қолди, ниҳоят тилга кирди:

– Ушбу дарахтнинг яшил баргларидан бўлган гултож менинг бошимни музайян этсин, бугундан буён менинг кифарам ва садоғимни япроқларинг бирла безайсан, япроқларинг ҳеч қачон сўлмасин, мангу яшилликка чулғаниб тур!

Дафна Аполлонга жавобан розилик рамзи сифатида ям-яшил бутоқларини секингина шитирлатиб қўйди.

АПОЛЛОН АДМЕТ ҲУЗУРИДА

Аполлон Пифоннинг қонини тўқкани учун гуноҳларини ювиши керак эди. Ахир, унинг ўзи қотиллик қилган кишиларни тозартирарди. У Зевснинг амрига биноан олижаноб ва соҳиби ҳусн Фессалия подшоси Адмет ҳузурига равона бўлди. Аполлон у ерда подшонинг подаларини боқиб, шу хизмати билан ўз гуноҳини юварди. Аполлон сайҳон ичра ўзининг қамиш найи ёхуд кифарасини чалганда уларнинг куйига мафтун бўлган ёввойи ҳайвонлар ўрмон чангалзорларидан чиқиб келаверарди. Қоплонлар ва йиртқич арслонлар подаларга қўшилиб, бемалол ва ҳеч нарсага човут солмасдан юраверарди. Оҳулар ва тоғ эчкилари най товушини эшитгач, югуриб келишарди. Атрофда осойишталик, сурур ва қувонч ҳукм сурарди. Адметнинг хонадони хотиржамлик масканига айланганди. Унинг боғларидагидек мевалар, унинг отларидек отлар, подаларидагидек моллар Фессалияда ҳеч кимда йўқ эди. Унга бундай бахтни олтин сочли маъбуд бахш этганди. Аполлон Адметга подшо Йолк Пелийнинг кизи бўлмиш Алкестага уйланишда ёрдам берди. Отаси кизига айиқ ва арслонни ўз маҳодасига

қўшиш кудратига молик бўлган кишигагина хотинликка беражагини ваъда қилганди. Аполлон ўз арзандаси – Адметга енгилмас куч ва ирода бахш этди-ю, Пелий ўртага ташлаган шартнинг урдасидан чиқди. Аполлон Адмет ҳузурида саккиз йил хизмат қилди, гуноҳларини ювиш хизмати муддатини ўтагач, Дельфага қайтди.

Аполлон баҳор ва ёзни Дельфада ўтказди. Куз келиб, гуллар сўлганда ва дарахтларнинг япроқлари заъфарон бўлганда, Парнас чўққиси қор билан қопланадиган пайт – қаҳратон қиш яқинлашганда Аполлон қордай оппоқ оққушлар қўшилган маҳодасида хипербореяларнинг қиш нелигини билмайдиган мангу баҳор мамлакатига елади. Бутун қиш бўйи ўша ерда бўлади. Дельфада ҳамма нарса қайтадан яшил тусга кирса, кўкламнинг ҳаётбахш нафасидан гуллар унса ва Криса водийсини турфа рангга буркаса, ўшанда олтин сочли Аполлон ўз оққушлари бирла Дельфага яшинчакнатар Зевс иродасини башорат қилмоқ учун қайтиб келади. Ўша пайтда кароматсоҳиб – маъбуд Аполлоннинг хипербореялар мамлакатидан қайтишини байрам қилишади. Кўклам ва ёзни у Дельфада ўтказади, у айни замонда маҳобатли ибодатхонаси жойлашган ватани – Делосни ҳам зиёрат қилади.

АПОЛЛОН ВА ИЛҲОМ МАЪБУДАЛАРИ

Кўклам ва ёзда Ҳеликоннинг сердарахт ёнбағирларида, Ҳиппокрена булоғининг муқаддас сувлари сирли жилдираб оқаётган жойда ҳамда Парнасининг юксак чўққисиди, Кастил сарчашмасининг мусаффо сувлари бўйида Аполлон тўққиз нафар илҳом маъбудалари билан давра курмоқда. Зевс ва хотира маъбудаси – Мнемосинанинги ёш қизлари, соҳибжамол илҳом маъбудалари Аполлоннинг доимий йўлдошлари. Илҳом маъбудалари даврасига раҳнамолик қилиб, уларнинг қўшиқларига олтин кифараси билан жўр бўлади. Дафна япроғидан ясалган гултожга бурканган Аполлон илҳом маъбудалари хори (давраси) олдида виқор билан юриб бормоқда, унинг ортидан эса тўққиз нафар илҳом маъбудаси, Эвтерпа – лирика, Каллиопа – эпик шеърийят, Эрато – севги қўшиқлари, Мельпомена – трагедия, Талия – комедия, Терпсихора – ракс, Клио – тарих, Урания – астрономия маъбудаси ва Полигимния – муқаддас мадҳиялар маъбудаси бормоқда. Уларнинг хори тантанавор янграйди, илоҳий куйларига табиат ҳам мафтун бўлгандек қулоқ осади.

Аполлон илҳом маъбудалари ҳамроҳлигида маъбудлар куршовида мунаввар Олимпда пайдо бўлганда унинг кифарасининг жарангоси ва илҳом маъбудаларининг шўх куйлари эшитилганда Олимпдаги барча мавжудот сукутга чўмади. Арес – уруш худоси қонли жанглари шовкин-суронини унутди, булутлар галасини қувғувчи Зевс қўлидаги яшин чакнамайди, худолар хусуматни фаромуш этади, Олимпда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлади. Ҳаттоки, Зевснинг бургути ўзининг зийрак ва тийран кўзларини очмайди, у ўзининг қудратли қанотларини қоқмайди, унинг ваҳимадор киркирашлари қулоққа чалинмайди, у Зевснинг асосига қўниб, сокин мудрайди. Аполлон кифарасининг торлари сукунат ичра тантанавор жаранглайди. Аполлон сурурга тўлиб, кифарасининг олтин торларини чертганда нурафшон ёғдуга чулганган давра худоларнинг зиёфат масканида охиста кўзгалади. Илҳом маъбудалари, хариталар, мангу навқирон гўзаллик маъбудаси – Афродита, Арес ва худолар даракчиси, савдо ва фасоҳат (нозик сўз санъати) маъбуди Ҳермес – ҳамма қувноқ даврада иштирок этади, барчадан аввал маҳобатли бокира, Аполлоннинг синглиси – Артемида бормоқда. Олтин ёғду дарёсига чўмган ёш худолар Аполлон кифарасининг шодиёна таронасига маҳлиё бўлиб ўйин курмоқда.

АЛОЭЙ ЎҒИЛЛАРИ

Жароҳаткор Аполлон дарғазаб чоғида жуда қўрқинчли қиёфа касб этади, ўшанда унинг олтин ўқлари шафқат билмайди. Улар кўпларни жароҳатлаган, зарбидан ўз кучига бино қўйган, ҳеч кимга бўйин эгишни билмаган Алоэйнинг мағрур ўғиллари От ва Эфиальт ҳалок бўлишди. Улар болалигидаёқ ўзларининг келишган алпқоматлилиги, куч-қудрати ва бекиёс жасурлиги билан шуҳрат қозонган эдилар. От ва Эфиальт йигитлик чоғларидаёқ Олимп соҳиб маъбудларга таҳдид сола бошлаган эдилар:

– Эҳ, кошқийди бизга вояга етишга, ғайритабиий кучимизнинг такомил топишига имкон берсайдингиз. Ўшанда биз Олимп, Пелион ва Осса тоғларини бир-бирининг устига тўнтариб, улар оша осмонга чиқамиз, ўшанда сиздан, Олимп соҳиблари, Ҳера ва Артемидани ўғирлаб кетамиз.

Алоэйнинг ботир ўғиллари титанлар сингари нукул Олимп соҳибларига таҳдид солишарди. Улар ўз таҳдидини амалга ошириши ҳеч гап эмасди. Даҳшатли уруш худоси Аресни ўшалар занжирбанд

килишганди-ку, ахир, у ўттиз ой мобайнида мис зиндонда изтироб тортган. Агар ҳолдан тойган Аресни уддабурро Ҳермес ўғирлаб кетмаганда эди, урушга тўймаган Арес асирликда хийла азоб чеккан бўлурди.

От ва Эфиальтнинг айна кучга тўлиқ пайти эди. Аполлон уларнинг таҳдидига чидаш беролмади. Жароҳаткор маъбуд ўзининг кумуш ёйини ишга солди. Унинг олтин ўқлари ҳавода гўё аланга учқуни янглиғ чакнади-ю, От ва Эфиальт ўқлар зарбидан ҳалок бўлишди.

МАРСИЙ

Аполлон Фригия сатири Марсийни ўзи билан мусиқа чалишда беллашишга журъат этгани учун жуда қаттиқ жазолаган эди. Кифара чолғувчи Аполлон унинг бу тахлит журъатига тоқат қилолмади. Кунлардан бир кун Фригия далаларида санқиб юаркан, Марсий камиш най топиб олди. Афина ўзи ихтиро этган найни чалганда маъбудона гўзал чехрасини хунуклаштиргани туфайли уни итқитиб юборганди. Афина ўз ихтиросини лаънатларкан, шундай деган:

– Ушбу найни кўлига олган одам ўз жазосини топсин.

Афина нима деганидан беҳабар Марсий найни ердан кўтариб олди ва кўп ўтмай уни шундай маҳорат билан чаладиган бўлдики, ушбу оддий мусиқани барча кишилар бутун вужуди кулоқ бўлиб тингларди. Марсий ғурурга тўлиб, ўзига бино кўйди ва мусиқа ҳомийси бўлмиш Аполлоннинг ўзини мусобақага чорлади.

Аполлон бошида Дафна япроғидан бўлган тожи устида узун, ҳашаматли сербар либоси ва кўлида олтин кифараси билан даъватга биноан келиб қолди.

Пурвиқор ва соҳибжамол Аполлон олдида ўрмон ва далалар маъбуди бўлмиш Марсий ўзининг арзимас найи билан нақадар ҳақир ҳолга тушганди! Наҳотки, илҳом маъбудалари раҳнамоси Аполлоннинг олтин кифараси торларидан таралган ғаройиб куйларга найдан чиққан товушлар эш бўлолса! Аполлон ғолиб келди. Марсий даъватидан ғазабланиб, Аполлон уни кўлидан осишга ва тириклайин терисини шилишга амр этди. Ўз журъати туфайли Марсий ана шундай жазоланган эди. Марсийнинг терисини Фригиядаги Келен ғорига осиб кўйдилар, ривоят қилишларича, Фригия камишидан қилинган най товуши ғорга етиб борган-да у (*Марсийнинг териси. – Тарж.*) худди рақс тушаётгандек ҳаракатга келармиш, кифаранинг ғаройиб товуши эшитилганда эса такка тўхтар эмиш.

АСКЛЕПИЙ (ЭСКУЛАП)

Лекин Аполлон ҳалоскор ва фақат ўзининг олтин ўқлари билан ажал уруғини сочувчигина эмас, балки у дардмандларга дармон элтувчи ҳамдир. Ахир, Аполлоннинг ўғли Асклепий табиблар ва табиблик санъатининг маъбуду-ку! Асклепийни донишманд кентавр Хирон Пелион тоғ ёнбағирларида тарбиялаб, вояга етказган, Асклепий унинг раҳнамолигида шундай моҳир табиб бўлиб етишдики, у ҳатто ўз устози Хирондан ҳам ўзиб кетди, Асклепий фақат дардларни даволабгина қолмай, ҳатто ўлганларга жон киргизарди. Ана шу билан у ўлиқлар салтанатининг ҳукмдори ва яшинчакнатар Зевснинг ерда ўрнатган тартиб ва қонунини бузганди. Дарғазаб бўлган Зевс чакмоғини тўғрилаб, Асклепийни жароҳатлади. Аммо одамлар Аполлоннинг ўғлини шифокор-худо сифатида севиб қолишганди. Улар унинг шарафига жуда кўплаб ибодатхоналар тиклашди, шулар орасида энг машҳури Асклепийнинг Эпидаврдаги ибодатхонасидир.

Аполлонни бутун Юнонистонда эҳтиром ила ёд этадилар. Юнонлар унга ёруғлик худоси, инсонни иллатлардан тозаловчи маъбуд, жазоловчи, гоҳо касалликлар тарқатувчи ва уларни даволовчи худо, отаси Зевс иродасини башорат қилувчи маъбуд сифатида эъзозлардилар. Юнон йигитлари уни ўзларининг ҳомийси сифатида ҳурматлашарди. Аполлон денгизчилик ҳомийси, у янги шаҳар ва сарҳадларга асос солишга кўмаклашади. Рассомлар ва шоирлар, мутриб ва муғаннийлар, маъбудалар даврасини бошқарувчи кифаранавоз Аполлон ҳомийлигидадирлар. Юнонлар наздида Аполлон ва яшинчакнатар Зевс бир хил эҳтиромга моликдир.

АРТЕМИДА

Мангу навқирон, соҳибжамол маъбуда, зар кокилли биродари Аполлон билан бир вақтда Делосда дунёга келди. Улар – эгизак. Ака-сингил бир-бирига самимий муҳаббат ришталари билан чамбарчас боғлангандир. Улар онаси – Латонани ҳам жуда яхши кўрадилар.

Артемида ҳамма-ҳамма нарсага ҳаёт улашади. У ерда яшаб турган барча жонзотга, ўрмон ва дала-ларда ўсаётган турфа ўсимликларга ғамхўрлик қилади. У ёввойи ҳайвонлар, уй ҳайвонлари подаси ва одамлар ҳақида қайғуради. Артемида майса, гул ва дарахтларнинг бўй чўзишига кўмаклашади, туғилиш, тўй ва никоҳга ҳомий. Грек (юнон) аёллари Зевснинг донгдор, никоҳ чоғида эзгуликпарвар ва бахт улашувчи, гоҳо касалликлар тарқатувчи ва даволовчи кизи Артемида шарафига катта курбонлар келтиришади.

Ҳамиша ёш ва навқирон, ёрқин ойдек келишган маъбуда Артемида елкасида ёйи ва садоғи, қўлида овчи найзаси билан салқин ўрмонларда ва қуёш нурига ғарқ бўлган сайҳонларда шодон ов қилиб юради. Унга довруғи оламга кетган нимфалар ҳамроҳлик қиладилар, у бўлса, тиззагача чўзилган қисқагина овчи аёл кийимида салқин тоғ ёнбағирлари бўйлаб виқор билан елади. Унинг янглишиш нелигини билмаган ўқларидан на асов жайронлар, на юраксиз оҳулар, на қамишзорларда паноҳ топган кутурган қобонлар омон қоладилар. Артемиданинг йўлдош-маъбудалари унинг ортидан қолишмайди. Узоқ-узоқларда қувноқ кулги, қийқириқлар, итлар галасининг вовуллаши қулоққа чалинади, тоғ уларга жавобан акс-садо беради. У ҳадеб нимфалари билан бирга муқаддас Дельфа сари, сеvimли акаси, тирандоз Аполлон ҳузурига ошиқса, ов қилишдан маъбуда толикмасмикан? Ов қилиш унинг учун роҳатбахш ва мароқли бир нарса-ку!

Аполлон кифарасининг илоҳий товушларига жўр бўлган Артемида нимфа ва илҳом маъбудалари билан ўз даврасини бошқаради, Артемида даврабоши. У барча нимфа ва илҳом маъбудаларидан сулув бўлиб, улардан бир поғона устундир. Артемида рутубат уфуриб турган ва кўмкўк майсалар билан қопланган, фонийлардан узоқдаги ғорларда дам олишни афзал билади. Унинг осойишталигини бузган кишининг шўри қуриydi. Фива подшоси Кадмнинг қизи Автоноянинг ўғли ёш Актеон шундай ҳалок бўлган эди.

АКТЕОН

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Кунлардан бир кун Актеон ўз дўстлари билан Киферон ўрмонларида ов қиларди. Жазирама туш пайти эди. Толикқан овчилар ҳордиқ чиқариш учун қуюқ ўрмоннинг қўланкасида ётиб олишди, ёш Актеон эса улардан ажралиб, Киферон водийларида ўзига қўланка қидириб кетди. У маъбуда Артемидага тегишли бўлган ям-яшил яшнаб турган Гаргафия водийсига келиб қолди. Водийда чинорлар, хушбўй мирта ва арчалар гурқираб ўсарди. Ўқдай тик ўсган сарвлар осмонга бўй чўзган, ям-яшил майсалар, гуллар ҳиди ҳар ённи чулғаган эди. Водийда зилол сой сувлари шилдирарди. Ҳамма ёқда сокинлик, осойишталик ва саринлик ҳукм суларди. Актеон тоғнинг тик ёнбағрида кўм-кўк ўсимликларга бурканган ғорни кўриб қолди. У ўша томон борди, аммо унинг Зевснинг кизи Артеми-данинг дам олиш маскани эканидан беҳабар эди.

Артемида эндигина у ерга кирганида Актеон ғорга яқинлашиб келганди. У ўқ-ёйларини нимфаларидан бирига тутқазиб, чўмилишга тайёрланмоқда эди. Нимфалар маъбуданинг оёқ кийимларини ечиб, сочларини турмаклашарди, улар эндигина сойга бориб, муздай сувга шунғимокчи бўлганларида ғорга кираверишда Актеонга кўзлари тушди. Кириб келаётган Актеонни кўрган нимфалар қаттиқ чинқириб юборишди. Улар Артемидани ўраб олишиб, уни ёт фоний кўзлардан яширишга уринишарди.

Чиқаётган қуёш ўзининг алвон нурлари билан булутларни қандай ёндирса, ғазаб ўти маъбуданинг юзини шундай қуйдирган эди, унинг кўзлари ғазабдан ялтираб кетганда у янада гўзаллашган эди. Артемида Актеон унинг осойишталигини бузгани учун ҳам қаҳрланган эди, Артемида жаҳл устида бадбахт Актеонни чиройли оҳуга айлантириб юборди. Актеоннинг бошидан айри шохлар ўсиб чиққанди. Оёқ-қўллари кийикнинг оёқларига ўхшаб кетганди. Унинг бўйни чўзилиб, қулоқлари сўппайиб кетганди, бутун танаси эса олачипор жун билан қопланган эди. Ҳуркак кийик кўрққанидан ғизиллаб югуриб кетди. Актеон жилғада сув ичаётиб ўз аксини кўрди. У «Шўрим курсин!» деб қичқирмоқчи

эди, бироқ тилдан махрум бўлганди. Унинг кўзларидан ёш тиркираб оқарди, лекин у кийикнинг кўзларидан тўкиларди. Унда инсоний идрок сақланиб қолганди, холос. У нима ҳам қила олади? Қаёққа югурсин?

Актеоннинг итлари кийик изларини кўриб қолишди, улар ўз эгаларини танимадилар ва ғазабнок бўлиб, унинг ортидан қувиб кетишди. Ёқимли ва хушқомат кийик бутуқсимон шохларини ортга қайириб, водийлар, Киферон даралари, тик жарликлар. ўрмон ва далалар, қиру адирлар оша шамолдек еларди, унинг кетидан эса итлар югурарди. Итлар тобора унга яқинлашиб борарди, ниҳоят улар бадбахт кийик – Актеонга етиб олишди, уларнинг ўткир тишлари унинг танасига пичоқдек санчилди. Актеон: «Ҳой ачининглар! Ахир, мен эгаларинг Актеон бўламан!» деб қичқиргиси келарди, бироқ фарёду фиғон кийик кўксидан чиқарди, ушбу инграшда инсонга хослик мавжуд эди. Актеон-кийик тиззаси букилиб, йиқилди. Унинг кўзларида ғам-алам, даҳшат ва илтижо намоён эди. Ҳа, ўлим – муқаррар, ғазабдан қутурган итлар унинг танасини тилка-пора қилиб ташлашди.

Актеоннинг ўртоқлари унинг шундай ажойиб ов пайтида йўқлигидан ачинишарди. Итлар ғаройиб кийикни абгор этишганди. Ушбу кийикнинг Актеон эканлигини ўртоқлари билишмасди. Яшинчақнатар Зевс ва Латонанинг қизи маъбуда Артемиданинг осойишталигини бузган, унинг самовий гўзаллигини кўрган ягона фонийзот Актеон ана шу тарзда халок бўлган эди.

АФИНА-ПАЛЛАДА

АФИНАНИНГ ТУҒИЛИШИ

Маъбуда Афина-Паллада¹ Зевснинг ўзи томонидан дунёга келган эди. Яшинчақнатар Зевс ақл-идрок маъбудаси Метисдан икки нафар бола туғилишини биларди: бири қизи – Афина ва ғайритабиий ақл ва куч-қудрат эгаси бўлган ўғил. Тақдир маъбудалари – мойралар Зевсни маъбуда Метиснинг ўғли тахтдан ағдариб, дунё устидан ҳукмронликни ўз қўлига олади дея огоҳлантиришди. Буюк Зевс кўрқиб қолди. Тақдир маъбудалари дарак берган тахдид солувчи тақдирдан халос бўлиш мақсадида у маъбуда Метисни эркаловчи сўзлар билан ухлатиб, қизи – маъбуда Афина дунёга келмасдан бурун ютиб юборади. Орадан бироз вақт ўтгач, Зевс қаттиқ бош оғриғига дучор бўлади. Ўшанда у ўғли Хефестни чақириб, унга тоқат қилиб бўлмайдиган бош оғриғи ва бошидаги шовқиндан халос бўлиш учун ўз бошини олиб ташлашга амр этади. Хефест болтаси билан бир зарба туширгач, Зевсга ҳеч қандай зарар етказмасдан унинг бош суягини икки бўлиб юборгач, яшинчақнатарнинг бошидан қудратли жангчи кийимида маъбуда Афина-Паллада чикди. Бошида ғаройиб дубулға, найза ва қалқон кўтарган бошдан оёқ куролланган ҳолда, ҳаммани ҳайратга солиб, Олимпсоҳиблари – худолар кўз ўнгида намоён бўлади. У ўзининг яркираган найзасини даҳшат ила силкитиб қўйди. Унинг жанговар хитоби само бўйлаб янграб кетди, нурафшон Олимп эса тамоман ларзага келди. Малоҳатсоҳиб, пурвиқор Афина худолар қошида савлат тўкиб турарди. Унинг мовий кўзлари маъбудона донишмандлик касб этган алпозда ёниб, ўзининг самовий гўзаллиги билан яшнаб турарди.

Афина юнон қахрамонларига ҳомийлик қилади, уларга доно маслаҳатлар беради, хавф-хатар чоғида уларга ёрдамлашади. У одамларга санъат ва ҳунар ўргатади, уларга донолик ва илму урфон улашади. У шаҳарлар, қалъалар ва уларнинг деворларини қўриқлайди. Афина хунармандликка ўргатгани учун уни Юнонистон қизлари ҳам ҳурмат қилишади. Тўкиш санъати бобида Афинадан ўтадиган на фоний ва на маъбуда бор эди. Ушбу хунар бобида Афинадан ўтишга уринишнинг нақадар хатарлилигини, бу соҳада Афинадан ўзмокчи бўлган Идмоннинг қизи Арахнанинг қандай жазоланганини ҳамма билади.

¹ Паллада – грекча сўз бўлиб, бокира лъиз, ифбатли маъносини англатади. Таржимада «Афина-Паллада» ўрнига «Бокира – Афина» атамасини қам ишлатамиз, маъбуда Афинанинг лаъбаби шундай. (Тарж. *изоқи*)

АРАХНА

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Арахна ўз санъати билан бутун Лидияда донг таратган эди. Тмола ёнбағирлари ва олтинга кон Пактола қирғоқларидаги нимфа (ўрмон маъбудалари)лар тез-тез йиғилишиб, унинг юмушидан завкланишарди. Арахна туманга ўхшаш газламадан ҳаводек шаффоф (тиник) ип йигирарди. Тўқиш санъати бобида дунёда ўзига тенг келадиган аёлнинг йўқлигидан фахрланарди. Кунлардан бир кун у шундай дея хитоб қилди:

– Мен билан беллашишга Афина-Палладанинг ўзи келсин! У мени енголмайди, ундан кўрқадиган жойим йўқ.

Арахна кўз ўнгида оппоқ сочли, бели букчайган, таёққа суянган кампир сифатида маъбуда Афина намоён бўлди ва унга шундай деди:

– Арахна, кексаликнинг нуқсони битта бўлмайди. Йиллар ўтгач, тажриба ҳам ортиб боради. Гапимга кулоқ сол: сен ўз санъатинг билан фонийлардан ўзишга интил, холос. Маъбудани мусобақага даъват эта кўрма. Бошингни эгиб, кибру ҳаво билан айтган сўзларинг учун ундан кечирим сўра. Маъбуда илтижо қилганларнинг гуноҳидан кечади.

Арахна нозиккина эшилган ипни кўлидан тушириб юборди, ғазабидан кўзлари чакнаб кетди. Ўз санъатига ишонган ҳолда дадиллик билан жавоб қайтарди:

– Ақлинг жойида эмас, шекилли, кампир? Кексалик сени ақлдан жудо қилганга ўхшайди. Бу ўғитларингни ўз келин ва қизларингга бергин, мени эса тинч кўй. Мен ўзимга ўзим жуда яхши маслаҳат бера оламан. Нима деган бўлсам ўшандай бўлади. Нега Афина келмаяпти, мен билан мусобақалашмоқчи эмасмикан ё?

– Мен шу ердан, Арахна! – хитоб қилди маъбуда ўзининг ҳақиқий тимсолини намоён этаркан.

Нимфалар ва Лидия аёллари Зевснинг суюкли қизи олдида бош эгиб, таъзим бажо келтиришди, уни шарафлашди. Фақат Арахна лом-мим демай турарди. Тонг худоси Эос ўзининг дурахшон қанотларини ёзиб, само сахнига парвоз этганда эрталаб осмон қандай алвон тусга кирса, дарғазаб бўлган Афинанинг юзи ҳам шундай қизариб кетди. Арахна ҳамон ўз қароридан қайтмасдан, эҳтирос ичра Афина билан мусобақалашмоқчи. Аммо ўзига ўлим таҳдид солиб турганини сезмайди.

Мусобақа бошланди. Буюк маъбуда Афина ўз чойшабининг ўртасига маҳобатли Афина Акрополини, унинг устида эса Атикага ким ҳукмронлик қилиши ҳақидаги Посейдон билан ўзи ўртасида бўлиб ўтган баҳсни тасвирлади. Ушбу баҳс устидан ҳукм чиқаришда Олимпнинг ўн икки нафар до-нишманд маъбудиди, улар ўртасидан отаси – яшинчакнатар Зевс ҳам ўрин олган. Ерни тебратувчи Посейдон ўз гурзисини кўтариб, у билан қояга бир зарба туширган эди, самарасиз қоядан дафъатан шўр сув булоғи пайдо бўлди. Дубулға кийган, қалқон кўтарган Афина найзасини бир силтаб ерга санчган эди, ҳаммаёқ ларзага келди. Ер бағридан эса муқаддас зайтун дарахти ўсиб чиқди. Худолар Афинанинг Атикага қилган армуғонини бағоят юксак баҳолашди ва уни ғолиб деб топишди. Афина чойшабининг бурчакларига маъбудларнинг одамларни осийлиги учун қандай жазолашларини тасвирлади, теварак-атрофига зайтун япроқларидан тож тўқиб чиққан эди. Арахна эса ўз чойшаби узра маъбудлар ҳаётдан кўп сахналар намоён этган бўлиб, уларда худоларнинг ожизлиги ва инсоний эҳтирослардан маҳрум эмасликларини тасвирлаган эди. Арахна унинг гир-арофига гуллардан, чиройли чирмовиклардан тож тўқиган эди. Арахнанинг ишлари мукамал бўлиб, санъатининг гўзаллиги жиҳатдан у Афинадан сира қолишмасди, бироқ унинг тасвирида худоларга ҳурматсизлик, ҳатто уларга нафрат бўртиб турарди. Афина ўта дарғазаб бўлиб, Арахнанинг тасвирлари туширилган чойшабни тилка-пора қилиб, йиртиб ташлади, бошига эса моки билан туширди. Бадбахт Арахна шармандаликка чидай олмади, арқон эшиб, бўйнига сиртмоқ қилиб солди-да, ўзини осди. Афина уни сиртмоқдан халос этаркан, унга шундай дерди:

– Яшайвер, осий банда. Лекин умрбод осилиб турасан ва умрбод тўқийсан, бутун уруғ-аймоғинг шундай жазога маҳкумдир.

Афина Арахнанинг баданига сеҳрли майса шираси пуркади, шу заҳотиёқ унинг танаси сиқилиб, қалин сочлари бошидан тўкилиб, ўргимчакка айланди қолди. Ўшандан бўён у ўз уясида осилиб, ҳаёт бўлган пайтдагидек ҳамон уни тўқигани тўқиган.

ҲЕРМЕС

Аркадиядаги Киллена тоғи ғорида Зевс ва Маянинг ўғли, худолар элчиси маъбуд Ҳермес туғилди. У кўлида асоси (ҳассаси) билан қанотли шиппак кийган ҳолда дунёнинг у бошидан то Олимпга-ча бўлган масофани фикр тезлигида босиб ўта оларди. Ҳермес йўлларни кўриқлайди, унга бағишлаб йўл чеккаларига, чорраҳаларга, уйларга кираверишда, қадимги Юнонистоннинг ҳамма жойида ўрнатилган ҳермларни (тепасида Ҳермеснинг боши тасвирланган тош устун) кўриш мумкин. У (Ҳермес) сайёҳларга ҳомийлик қилади, ўлганларнинг арвоҳини сўнгги йўлга кузатаркан, уларни ғам-андух салтанати бўлмиш Аид – Ер остига бошлаб боради. У ўзининг сеҳрли асоси билан одамларнинг кўзини юмдиради ва уларни уйкуга кеткизади. Ҳермес йўлларга ва йўловчиларга, савдо муносабатлари ҳамда тижоратга ҳомийлик қилувчи худодир. У тижоратга фойда бахш этади ва кишиларга бойлик юборади. Ҳермес ўлчов, сон ва алифбони ихтиро этган, уларни одамларга ўргатган маъбуддир. У, шунингдек, нотиклик, ҳозиржавоблик, удабурролик, чаптастлик ва алдоқчилик, ҳатто ўғирлик худоси ҳамдир, чунки у бағоят эпчил ўғридир. Кунлардан бир кун ҳазил тариқасида Зевснинг салтанат асо(ҳасса)сини, Посейдоннинг гурзисини, Аполлоннинг олтин ўқлари ва кумуш ёйини, Ареснинг қиличини ўғирлаган ҳам ўшадир.

ҲЕРМЕС АПОЛЛОННИНГ СИГИРЛАРИНИ ЎҒИРЛАЙДИ

Ҳермес Килленанинг салқин ғорида туғилиб улгурмасдан ўзининг дастлабки хийла-найрангини ўйлаб кўйганди. У Македониянинг Пиэрия водийсида худоларнинг подасини боқиб юрган кумуш ёйли Аполлоннинг сигирларини ўғирлашга қарор қилди. Ҳермес секингина, онасига билдирмасдан йўргакдан чиқиб, бешикдан сакрадида, ғор эшиги томон йўналди. У ғорга кираверишда бир тошбақани кўриб қолди, унинг қалқонига уч дона бутокни таранг қилиб тортди, шундай қилиб, ёқимли овоз чиқадиған дастлабки лирани ихтиро этди. Ҳермес пинҳона ғорга қайтди ва лирани бешигига яширдида, ўзи тагин чиқиб кетди, у Пиэрия сари елдай учиб кетди. У ерда у Аполлон боқиб юрган сигирлардан ўн бештасини ўғирлаб, изни йўқотиш учун уларнинг оёғига қамиш ва шох-шабба боғлаб қўйди ва сигирларни Пелопоннес дарёси томон ҳайдаб кетди. Ҳермес кеч тунда сигирларни Беотия орқали ҳайдаб кетаётганда у ўз узумзорида ишлаётган чолни учратди.

– Ушбу сигирлардан бирини ол, – деди унга Ҳермес, – лекин менинг бу ердан сигирларни ҳайдаб кетганлигим ҳақида ҳеч кимга оғиз очмагин.

Саховатпешалик билан қилинган совгадан қувонган чол унинг сигирларни қайси томонга ҳайдаб кетганини ҳеч кимга кўрсатмаслик ва айтмаслик ҳақида Ҳермесга сўз берди. Ҳермес йўлида давом этди. Лекин у ҳали кўп узоқ кетмасдан, чолнинг сўзида турган турмаганлигини синаб кўрмоқчи бўлди. Сигирларни ўрмонга яширдида, ташқи қиёфасини ўзгартириб, ортига қайтди ва чолдан сўради:

– Айт-чи, шу ердан бир ўспирин бола сигир ҳайдаб ўтмадими? Агар – сигирларни қаерга ҳайдаб кетганини айтсанг, сенга битта сигир ва битта ҳўкиз бераман.

Чол айтсамми-айтмасамми дея кўп иккиланмади, яна бир сигир ҳамда ҳўкизга эга бўлгиси келди ва Ҳермесга болақайнинг сигирларни қайси томонга ҳайдаб кетганини кўрсатди. Шунда у сўзида турмагани учун чолдан ўта ғазабланди ва жаҳл устида мангу жим турсин, берган ваъдани бузмаслик вожиблигини унутмасин дея чолни мангу жим бўлиб турадиған қояга айлантирди.

Шундан сўнг сигирларининг олдига қайтиб келди ва уларни узоқ-узоқларга ҳайдаб кетди. Ниҳоят, у уларни Пилосга ҳайдаб келди. У иккита сигирни маъбудларга қурбон қилдида, кейин қурбон келтирганини ҳеч ким билмасин дея унинг барча изларини йўқотди, қолган сигирларни эса ғорга қамади, уларнинг ғорга кирганлигини билдирмаслик учун сигирларни ғорга кети билан киритди. Барча хийла-найрангларни амалга оширгач, ҳеч нарса кўрмагандай ғорга, онасининг ёнига қайтиб келдида, секин йўргакка бурканиб, бешикка ётиб олди. Аммо онаси Мая ўғлининг йўқлигини сезган эди. У ўғлига таъна қиларкан, шундай деди:

– Қинғир ишга қўл урибсан. Нечун Аполлоннинг сигирларини ўғирладинг? У ғазаб отига минади. Аполлоннинг қаҳри келганда қандай бешафқат бўлиб кетишини биласан-ку, ахир. Наҳотки, сен унинг нишонга бехато тегадиған ўқларидан кўрқмасанг?

– Мен Аполлондан кўркмайман, – жавоб берди Ҳермес онасига, - жаҳли чикса чиқаверсин. Агар у сени, ё мени ранжитишни хаёлига келтирса, мен унинг Дельфадаги ибодатхонасини тунаб, учоёкли курсиларини, олтин, кумуш ва либосларини ўғирлаб, ундан интиқом оламан.

Аполлон сигирларнинг ўғирланганини сезиб, уларни излай кетди. Бироқ уларни ҳеч қаердан тополмади. Ниҳоят, кароматсоҳиб куш уни Пилосга бошлаб келди, лекин зар кокилли Аполлон сигирларини ўша ерда ҳам топа олмади. Сигирлари яширилган ғорга эса у кириб ўтирмади, чунки излар ичкарига эмас, ташқарига бошларди.

Ниҳоят, натижасиз узоқ изланишлардан сўнг у Маянинг ғорига келди. Аполлоннинг яқинлашиб келаётганини сезиб турган Ҳермес бешикка маҳкам ўрнашиб, йўргагига бурканиб олди. Жаҳли чиққан Аполлон Маянинг ғорига кириб келганда бешикда ётган Ҳермеснинг маъсум чехрасига кўзи тушди ва ундан сигирларни ўғирлагани учун ўпкалана бошлади, у Ҳермесдан уларни қайтариб беришни талаб қилар, Ҳермес эса ҳеч нарсадан хабари йўқлигини баён этар эди. У Аполлонни унинг сигирларини ўғирлашни хаёлига ҳам келтирмаганига, уларнинг қаерда эканлигини мутлақо билмаслигига ишонтирмоқчи бўларди.

– Билиб қўй, болакай! – хитоб қилди ғзаби тошган Аполлон, – сени зулматга чўмган Тартарга итқитаман, агар сигирларимни қайтариб бермасанг, сени на отанг, на онанг халос эта олади.

– Эй Латонанинг ўғли! – жавоб қилди Ҳермес. – Сенинг сигирларингни кўрмаганман, улар ҳақида ҳеч нарса эшитмаганман ҳам. Шундан бошқа ишим йўқми, ўзимнинг юмушим ва ташвишларим бошимдан ошиб ётипти. Билганим уйку, ўй-хаёлимда онамнинг сути ва йўргагимда. Йўқ, мен ҳатто сенинг сигирларингни ўғирлаган ўғиларни ҳам кўрмаганман.

Аполлон қанча ғзабланмасин, айёр ва чапдаст Ҳермесдан ҳеч нарсани билиб ололмади. Пировардида зар кокилли маъбуд Ҳермесни бешикдан суғуриб олди ва уларнинг баҳсини ҳал қилсин дея уни йўргаги билан отаси Зевснинг хузурига боришга мажбур этди. Иккала маъбуд ҳам Олимпга келишди. Ҳермес қанча чапдастлик қилмасин, қанча айёрлик кўрсатмасин, Зевс унга Аполлонга ўғирлаган сигирларини қайтариб беришни амр этди.

Ҳермес Аполлонни Олимпдан Пилосга бошлаб бораркан, тошбақа қалқонидан ясаган лирани ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Пилосда сигирлар яширилган жойни Аполлонга кўрсатди. Аполлон сигирларни ғордан ҳайдаб чиққунча Ҳермес ўша ерга яқин жойдаги тошга ўтириб, лирани чала бошлади. Ундан таралган ғаройиб товушлар водий ва денгизнинг кум соҳилини янградиб юборди. Ҳайратга тушган Аполлон Ҳермеснинг лирасига қувончга тўлиб кулоқ осарди. Лиранинг дилрабо товушлари уни шундай мафтун этгандики, у ўғирланган сигирларни Ҳермеснинг лирасига алмаштирди. Ҳермес эса сигирларни боққанда эрмак бўлади дея юнон чўпонлари учун суюкли чолғу асбобига айланган найни ихтиро этди.

Чапдаст, чаққон, дунё бўйлаб фикрдан тез еладиган Мая ва Зевснинг ўғли гўдаклигидаёқ ўзининг удадурро ва айёрлигини исботлаган Ҳермес, шунингдек, йигитлик қудратининг рамзи сифатида намён бўлганди. Ҳамма жойда палестраларда – унинг ҳайкаллари турарди. У ёш, навқирон атлетлар маъбудидир. Кураш ва тез югуриш мусобақалари олдидан уни эслашар ва мадад бўлишга даъват этишарди.

Қадимги Юнонистонда йўловчи ҳам, нотик ҳам, тожир ҳам, атлет ҳам, ҳатто ўғилар ҳам унга сиғинарди.

АРЕС, АФРОДИТА, ЭРОТ ВА ГИМЕНЕЙ

АРЕС

Уруш худоси, оташин Арес яшинчақнатар Зевс ва Ҳеранинг ўғли. Зевс уни ёқтирмайди. У ўз ўғлини Олимп маъбудлари орасида изза қилиб, сен маъбудлар ўртасидаги энг манфурисан деб ҳақорат қилади. Зевс ўз ўғлидан унинг қонхўрлиги учун нафратланади. Агар Арес унинг ўғли бўлмаганда эди, уни аллақачон титанлар азоб чекаётган дўзах Тартарга итқитарди. Ареснинг ёвуз қалбига бешафқат муҳорабаларгина фараҳ бағишлайди. Қуроллар гумбураган, жангда курашаётганлар наъраси, оху фарёд ва инграшига кулоқ тутиб, улкан қалқон ушлаган ва бошдан оёқ қуролланган ҳолда тиним билмай, ғзаб ичра нари-бери югуради. Унинг кетидан ўғиллари, Деймос ва Фобос – даҳшат ва кўрқув, улар билан ёнма-ён эса хусумат маъбудаси Эрида ва киргин уругини сочувчи



маъбуда Эньюо елиб-югуришади. Жанг авжида, ҳар ёнда гулдурос овозлар. Ареснинг кўнгли шод, жангчилар инграб, бирин-кетин ерга қуламоқда. Ўзининг даҳшатли қиличи билан жангчиларни жароҳатлаганидан боши осмонда, қон дарё янглиғ оққани билан иши йўқ. Кимни ўлдираётгани билан кизикмайди, ўнгу сўлга бирдай қилич чопади, бешафқат маъбуднинг гир атрофида тўда-тўда мурдалар чўзилиб ётади.

Арес баджаҳл, бераҳм, золим, аммо у ҳамиша ҳам ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлавермайди. Арес жанг майдонида кўпинча Зевснинг жанговар кизи Афина-Палладага тан беради. У Аресни донолик ва шуур қудрати билан енгади. Кўп ҳолларда Арес устидан фоний қаҳрамонлар ҳам ғолиб келади, алаҳусус, уларга шаҳло кўз Афина-Паллада кўмаклашганда шундай бўлади. Қаҳрамон Диомед Аресни Троя деворлари ёнида ўзининг мис найзаси билан ана шундай жароҳатлаган эди. Ўша зарбани Афинанинг ўзи йўналтирган эди. Яраланган маъбуднинг ваҳимали чинқириғи Троя ва юнонлар кўшинига овоза бўлиб кетди. Мис совутли Арес оғриқнинг зўрлигидан тумонат жангчилар қаҳр билан жангга кираётиб қандай қичқиришса, ўшандай шиддат билан чинқирди. Қонга беланган, қоп-қора булутга бурканган бешафқат Арес Афина устидан шикоят қилиш учун отаси Зевс ҳузурига елдай учиб кетди. Бироқ Зевс унинг шикоятларига қулоқ осмади. У фақат фитнаю низолар, жангу жадал ва котилликни ёқтирадиган ўғлини ўлгудай ёмон кўрарди.

Ареснинг хотини, маъбудалар ичида энг соҳибжамол Афродита ўз эрига ёрдамга келган чоғда ҳам, жанг авжига чиққанда ҳам Арес Афина билан юзма-юз келса бас, яшинчақнатар Зевснинг суюкли кизи ғолиб чиқади. Жанговар Афина соҳибжамол муҳаббат маъбудаси Афродитани бир зарба билан ерга қулатади. Мангу навқирон, бағоят гўзал Афродита кўз ёшларини тирқиратиб, Олимп сари елади, унинг ортидан Афинанинг тантанавор ва кинояли кулгуси янграйди.

АФРОДИТА

Қонли жангларга кириш нозик ва енгилтак маъбуда Афродитанинг иши эмас. У маъбудлар ва фонийлар қалбига меҳру муҳаббат бахш этади. Ана шу қудрати туфайли у бутун дунё устидан ҳукмронлик қилади.

Ундан ҳеч ким, ҳатто худолар ҳам қочиб қутулолмайди. Фақат жанговар Афина, Ҳестия ва Артемида унинг ҳукмига бўйин эгмайди. Баланд бўйли, сарвқомат, чехраси хушбичим, бошида бамисоли тождек майин тўлқинли олтин сочларга молик бўлган гўзал Афродита илоҳий малоҳат ва мангу навқиронлик рамзидир. У муаттар либосларини кийиб, маҳобатини намойиш этганда куёш ўзгача нур таратади, гуллар шуқуҳ касб этади. Ўрмондаги ёввойи ҳайвонлар ҳам унга пешвоз чиқади, у ўрмонда кезаркан, қушлар гала-гала бўлиб, унга қараб талпинадилар. Арслон, қоплон, сиртлон ва айиқлар ҳам унга эркаланиб, суйканишади. У ваҳший ҳайвонлар ўртасида бемалол ва мағрур юраверади. Афродитанинг йўлдошлари Ҳоралар ва харитлар – гўзаллик ва назокат маъбудалари унинг хизматида. Улар Афродитани дабдабали либосларга буркайдилар, унинг олтин сочларини тарайдилар, унинг бошини турфа жиғаю тиллақошлар билан безайдилар.

Ураннынг кизи Афродита Кифера оролига яқин жойда денгиз тўлқинларининг оппоқ кўпикларидан дунёга келган бўлиб, енгил ва ёқимли шамол уни Кипр оролига келтирган. У ерда денгиз тўлқинларидан чиққан севги маъбудасини ёш Ҳоралар ўраб олганди. Улар уни зарҳал билан тикилган либосга буркашди ва унга хушбўй гуллардан тож кийгизишди. Афродитанинг қадами теккан жойда гуркираб гуллар униб чиқарди. Ҳаво муаттар ҳидга тўлиб кетарди. Эрот ва Ҳимерот ғаройиб маъбудани Олимпга бошлаб боришди. Ўшандан буён мангу навқирон, маъбудалар ичра энг гўзали олтин сочли Афродита Олимп худолари билан бирга истиқомат қилади.

ПИГМАЛИОН

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Афродита ўзига садоқат билан хизмат қилган кишига бахт улашади. Кипрлик буюк рассом Пигмалионга шундай бахт насиб этган эди. Пигмалион аёлларни ёмон кўрар, шу боис никоҳдан қочиб, узлатда ҳаёт кечирарди. Кунлардан бир кун у оқ фил суягидан ғайритабиий гўзалликка молик бўлган кизнинг ҳайкалини ясади. Ўша ҳайкал рассомнинг устахонасида худди тирикдек турарди. Ҳаёлида у нафас олаётгандек, ҳозир жойидан жиладию, юриб кетади, шу заҳот тилга кираётгандек туюларди унга. Рассом ўз асарига соатлаб маҳлиё бўлиб тураркан, ниҳоят ўзи яратган ҳайкалга ошиқ



бўлиб қолади. У унга қимматбаҳо маржонлар, билакузук ва сирғалар улашди, уни ҳашаматли либосларга буркади, бошини анвойи гуллардан ясалган гулчамбарлар билан безади. Пигмалион дамбадам ўзига ўзи пичирлаб қўярди:

– Кошкийди, тирик бўлсанг, кошкийди сўзларимга жавоб беролсанг, мен қандай бахтли бўлурдим! Аммо ҳайкалдан садо чиқмасди.

Афродита шарафига ўтказиладиган байрам кунлари келди. Пигмалион севги маъбудасига мугузлари зарҳалланган оппоқ бир бузокни қурбон қилдида, қўлларини маъбуда томон ёзиб, муножот қиларкан, пичирлаб қўярди:

– О, умрибоқий маъбудлар, олтин сочли Афродита! Ҳар бир илтижо қилувчига ато этганингиздек, менга ҳам ўзим ҳайкалини яратган киздек соҳибжамол бир хотин ато этингиз.

Пигмалион маъбудлардан ўзи ясаган ҳайкалга жон киргишини илтижо қилишга ботинолмади, бу тахлит илтижо билан Олимпсоҳиб худоларни ғазаблантиришдан қўрқарди. Севги маъбудаси Афродита тасвири олдида қурбон алангаси ловуллаб кетди. Бу маъбуданинг Пигмалионга худолар сенинг муножотингни эшитишди деган нидоси эди.

Рассом уйига қайтди. У ҳайкалга яқинлашди: аё бахт, аё қувонч! Ҳайкалга жон кирди! Унинг юраги урмоқда, унинг кўзларида тириклик ёғдуси порламоқда... Шундай қилиб, маъбуда Афродита Пигмалионга соҳибжамол хотин ато этган эди.

НАРЦИСС

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Кимки олтин сочли Афродитани эъзозламаса, кимки унинг армуғонларини рад этса, кимки унинг ҳукмига қарши бўлса, ўшани севги маъбудаси бешафқатларча жазолайди. Дарё худоси Кефис ва нимфа Ларионанинг ўғли, келишган, аммо илтифотсиз ва мағрур Нарциссни у шундай жазолаган эди. У ўзидан бошқа ҳеч кимни севмас, фақат ўзини муҳаббатга муносиб деб ҳисобларди.

Кунлардан бир кун ов пайтида қалин ўрмонда адашиб, сарсон юрганда уни нимфа Эхо – Акс-садо кўриб қолди. Нимфанинг ўзи Нарцисс билан тил топишолмади. Унга маъбуда Ҳеранинг жазоси малол келганди, яъни у нимфа Эхони жим туришга маҳкум этган эди. Саволларга жавоб тариқасида у фақат уларнинг сўнги сўзларини такрорларди. Эхо чангалзор оша келишган йигитга ич-ичидан сурруга тўлиб, нигоҳ ташлаб турарди. Нарцисс қаерга боришини билмай, теварак-атрофга олазарақ бўлиб қараб олдида, кучининг борича кичқириб юборди:

– Ҳой, ким бор бу ерда?

– Бу ерда! – Эхонинг жавоби қулоққа чалинди.

– Бу ёққа! – жавоб берди Эхо.

Келишган йигит Нарцисс ҳайрат ичра теварак-атрофга назар ташлайди. Ҳеч ким йўқ. Ажабланган Нарцисс қаттиқ хитоб қилди:

– Тез бўл, ёнимга кел!

Шунда қувончга чулганган Эхо жавоб берди:

– Ёнимга кел!

Нимфа ўрмон томондан қўлларини чўзганча Нарцисс сари талпинади, бироқ соҳибжамол йигит уни ғазаб билан рад этади. У шошилиш тарзда нимфани тарк этиб, қалин ўрмон ичра пинҳон бўлди.

Рад этилган нимфа ҳам ўрмоннинг одам ўтиб бўлмайдиган жойига яширинди. У Нарциссга бўлган муҳаббат дардида изтироб тортарди, ҳеч кимга кўринмасдан, бахти қаро Эхо ҳар қандай хитобга ғамгинона жавоб берарди, холос.

Нарцисс ҳамон илгаригидай мағрур, ўзига бино қўйган. У ҳамманинг севгисини рад этарди. Унинг мағрурлиги бир талай нимфанинг бахтини қаро қилганди. Кунлардан бир кун у севгисини рад этган нимфалардан бири шундай хитоб этди:

– Нарцисс, сен ҳам бировни севиб қол, сен севган киши севгинга севги билан жавоб бермасин!

Нимфанинг тилаги ижобат бўлди. Севги маъбудаси Афродита ато этган армуғонларини рад этгани учун ғазабланиб, Нарциссни жазолади.

Баҳор кунларининг бирида Нарцисс жилғага бориб, унинг муздеккина сувидан ичмоқчи бўлди. Ушбу жилғанинг сувидан на чўпон ва на тоғ эчкилари баҳраманд бўлганди, жилғанинг сувига на бир чўп тушганди, на шамол гурқираб ўсиб ётган гуллар баргини келтирганди. Унинг суви тоза ва зилол. Унда ҳамма нарса: атрофда, соҳил бўйлаб ўсган буталар, қадди расо сарвлар, кўм-кўк осмон худди



кўзгудагидек акс этарди. Нарцисс сувдан бўртиб чиққан қояга кўллари билан таяниб, жилгага энгашган эди, унда ўзининг чиройи бутун борлиғича акс этди. Ана шунда у Афродитанинг жазосига гирифтор бўлди. У хайратда қолиб, сувдаги ўз аксидан кўз узолмади, уни кучли севги чулғайди. У муҳаббат ўтида ёниб, сувдаги ўз тасвирига тамоман мафтун бўлиб, унга қарагани қараган, у ўз аксига кўллари чўзиб, уни чорлайди. Нарцисс ўз аксини ўпай деб сувга эгилади, аммо лаблари сойнинг муз янглиғ сувларига тегади, холос. Нарцисс ҳамма нарсени унутди, у жилгадан нари кетолмайди, ундан ажрала олмайди, у ўз аксидан завқланиш билан овора. У на ейди, на ичади, на ухлайди. Ниҳоят, ҳафсаласи пир бўлган Нарцисс кўллари ёзиб, ўз аксига қараркан, шундай хитоб қилади:

– Бошига шундай изтироб тушган бормикан? Ажабо! Орамизда на тоғлар, на денгизлар бор, бироқ бирга бўлиш имкони йўқ. Чиксанг-чи, ахир жилгадан!

Нарцисс сувдаги аксидан кўзини олмай, ўйга ботди. Дафъатан калласига даҳшатли фикр келди, сувга томон энгашаркан, ўз аксига пичирлайди:

– Шўрим курсин! Ўз-ўзимни севиб қолмадиммиканман деб кўрқаман! Ахир, сен менинг ўзимсан-ку! Мен ўз-ўзимни севиб қолибман. Ҳа, умрим оз қолганини нақ сезиб турибман. Гуллаб улгурмасдан сўламану зимзиё кўланкалар салтанатига қулайман. Ўлим менга даҳшат солмайди, ўлим муҳаббат азоб-укубатига чек қўяди.

Нарцисснинг кучи кетиб, мадори қурийди, аммо ҳамон ўз аксини тарк этолмайди, унга қарагани қараган. Унинг ранги оқаради, у ўлимнинг яқинлашаётганини сезиб турипти. Нарцисс йиғлайди. Унинг кўз ёшлари жилғанинг зилол сувларига кўшилиб кетади. Сувнинг сатҳида пуфакчалар пайдо бўлгач, гўзал тасвир ҳам ғойиб бўлади. Даҳшатга тушган Нарцисс чинқириб юборди:

– Ҳой, қайдасан! Қайт! Кетмай тур! Мени тарк этма! Бу бедодлик-ку! Жилла бўлмаса, тагин бир бор кўриб қолай!

Сув яна осойишталик касб этди, тасвир тагин пайдо бўлди, Нарцисс ҳамон ундан кўз узолмасди. У гулга тушган шабнам қуёш нуридан кўригандек эриб бормоқда эди. Нарцисснинг изтироб чекаётганини бадбахт нимфа Эхо (Акс-Садо) ҳам кўриб турарди. У Нарциссни аввалгидек севади, Нарцисснинг изтироби унинг қалбини ҳам эзади.

– Шўрим курсин! – хитоб қилади Нарцисс.

– Шўрим курсин! – жавоб беради Эхо.

Ниҳоят, ҳолдан тойган Нарцисс ўз аксига нигоҳ ташларкан, сўниқ товуш билан хитоб айлади:

– Алвидо!

Секингина, пичирлагансимон Эхонинг овози эшитилди:

– Алвидо!

Нарцисснинг боши жилга соҳилидаги кўм-кўк майсалар узра эгилди, унинг кўзларини ўлим зулмати қоплади. Нарцисс ўлди. Ўрмондаги барча ёш нимфалар зор қақшаб йиғлашди, Эхо ҳам йиғлади. Нимфалар ёш Нарциссга қабр қазиди, аммо унинг жасадини топишолмади. Нарцисснинг боши майса узра эгилган жойда оппоқ хушбўй гул – ўлим гули ўсиб чиққан эди. Уни Нарцисс (Наргис) деб атайдилар.

АДОНИС

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Нарциссни жазолаган севги маъбудасининг ўзи ҳам муҳаббат изтиробини бошидан кечирганди, унга суюқлиси Адонис учун ёш тўкишга тўғри келган. У Кипр подшосининг ўғли Адонисни севиб қолган эди. Фонийлар ичида гўзалликда унга тенг келадиган киши йўқ эди, у ҳатто Олимпсоҳиб маъбудлардан ҳам чиройли эди. Афродита уни дея Патмос ва яшнаётган Киферани ҳам унутган эди. Адонис унинг наздида нурафшон Олимпдан ҳам ёқимли эди. У ўзининг барча вақтини ёш Адонис билан ўтказарди. Афродита бокира Артемида янглиғ у билан тоғларда ва Кипр ўрмонларида ов қиларди. Афродита муҳаббат ўтида ёнаркан, ўзининг олтин зар-зеварларини ҳам фаромуш этганди. У қуёшнинг жазирама иссиғида ҳам, ёган-сочин чоғида ҳам қуён, оҳу ва тоғ кийикларини овлар, аммо даҳшатли арслон ва қобонларни овлашдан ҳазар қиларди. Бошига бирор мусибат тушмасин дея Адонисдан арслон, қобон ва айиқларни овлашмасликни илтимос қиларди. Маъбуда подшонинг ўғлини камдан кам тарк этарди, ундан олислашаркан, ҳар гал ўзининг илтимосларини унутмасликни илтижо қиларди.



Кунлардан бир кун Афродита бирга бўлмаган пайтда Адониснинг итлари баҳайбат бир қобоннинг изидан тушишди. Улар ваҳший ҳайвонни жойидан кўзготиб, ўзларининг даҳшатли вовиллаши билан ҳайдаб юборишди. Шундай катта ўлжани кўргач, Адонис беҳад қувониб кетди. Афсуски, Адонис бу ўзининг сўнгги ови эканини олдиндан сезмаган эди. Итларнинг вовиллаши тобора яқиндан эшитила бошлади, буталар орасидан баҳайбат қобон кўриниб қолди. Адонис дарғазаб ҳолатдаги қобонни ўз найзаси билан чавоқлашга тайёрланаётганда илқисдан қобон унинг устига отилди ва ўзининг сўйлоқ тишлари билан Афродитанинг суюклисини қаттиқ жароҳатлади. Адонис ярасининг оғирлигидан оламдан ўтди.

Афродита Адонисни ўлими ҳақидаги хабарни эшитгач, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада ғамга ботиб, навқирон йигитнинг жасадини излаб Кипр тоғларига чиқиб кетди. Тоғларда кўрқинчли даралар ва тик жарликлар оша узок йўл юрди. Пичокдай ўткир тошлар ва чақир тиконлар маъбуданинг нозик оёқларини ярадор қилди. Маъбуда юрган ерларда оёқларидан оққан қонлар из қолдирарди, Ниҳоят Афродита Адониснинг жасадини топди. Бевақт ҳалок бўлган йигитнинг жасади устида роса кўз ёшлари тўкди. Мангу хотирот бўлиб қолсин дея маъбуда Адониснинг қонидан лолаи Нўъмон (анемон) гулининг ўсиб чиқишини амр этди. Маъбуданинг жароҳатланган оёқларидан оққан қонлардан алвондай қип-қизил атиргуллар униб чиқди. Яшинчақнатар Зевс ғам-андухга ботган маъбудага раҳми келди ва укаси Аид ҳамда унинг хотини Персефонага Адониснинг ҳар йили ўликлар қўланкалари ғамгин салтанатидан ерга чиқишга ижозат берилишини амр этди. Ушандан буён Адонис Аид салтанатида ярим йил қолиб, ярим йил эса ер юзиде маъбуда Афродита билан яшайди. Олтин сочли Афродитанинг гўзал ва навқирон суюклиси Адонис ерга, ёрқин қуёш нурларига қайтганда бутун табиат яйраб, яшнаб кетади.

ЭРОТ

Соҳибжамол Афродита дунёга ҳукмронлик қилади. Унинг ҳам Зевсникидек яшинчақнатар элчиси Бор: ўша орқали ўз ҳукмини ижро этади. Афродитанинг элчиси – унинг қувноқ, шўх, доғули, гоҳо ўта бешафқат ўғли Эротдир. Эрот ўзининг дабдабали олтин қанотларини қоқиб, ер ва денгизлар узра елади, у чаққон ва шамолдек югурик. Унинг қўлида жажжи олтин ёй, елкасида эса ўқдони. Ўша олтин ўқлардан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Эрот янглишиш нима билмайди, мудом нишонга уради.

У мерган сифатида олтин сочли тирандоз Аполлондан қолишмайди. Эрот нишонга урганда қувончдан кўзлари чакнаб кетади, у қўнғир сочли бошини тантанавор тарзда ортга ташлаб, бор овози билан хохолаб кулади. Эротни ўқлари шодлик ва бахт келтиради, лекин кўпинча улар азоб-укубат, севги, изтироб, ҳатто ўлимга маҳкум этади. Олтин сочли Аполлоннинг ўзига, булутқувар Зевсга ҳам хийла азият беришган ўша ўқлар.

Олтин сочли Афродитанинг ўғли дунёга қанча ғам-алам ва ёвузлик келтиришини Зевс биларди. Уни туғилаётган пайтдаёқ ўлдиришларини истарди. Ахир онаси бунга йўл қўярмиди! У Эротни ўтиб бўлмайдиган ўрмонга яширди, уни – буюк Эротни ўша жойда, ўрмон чангалзориде икки йиртқич она шер ўз сути билан боқиб катта қилишди. Ёш, келишган Эрот дунё бўйлаб елади, ўз ўқлари билан гоҳ бахт, гоҳ ғам-андух, гоҳ эзгулик, гоҳ ёвузлик уруғини сочади.

ХИМЕНЕЙ

Афродитанинг тагин бир дастёри ва йўлдоши бор, у никоҳ маъбуди навқирон Хименей. У ўзининг Аоппоқ қанотларини ёзиб, тўй тантаналарини бошлаб боради. Унинг никоҳ машъалининг ёрқин алангаси осмонга ўрлайди, тўй чоғиде қизлар хори (давраси) Хименейга ёшлар никоҳига фотиҳа беришни, уларга оқ йўл тилашни, қувонч ва бахт келтиришни илтижо қиладилар.

ХЕФЕСТ

Хефест Зевс ва Херанинг ўғли, олов худоси, темирчи худо, босқончилик санъатида у билан ҳеч қим беллаша олмайди, у нурафшон Олимпда дунёга келди. У туғилганда заиф ва оқсоқ эди.



Маъбудалар Ҳерага хунук ва дармонсиз ўглини кўрсатишганда буюк Ҳера каттиқ ғазабланди. У болани кўлига оларкан, уни Олимпдан ерга итқитиб юборди.

Бадбахт гўдак ҳавода узоқ елгач, ииҳоят, бепоён денгиз долғаларига кўшилиб кетди. Денгиз маъбудалари – Буюк Океан (Ўкёнус)нинг қизи Эвринома, кароматсоҳиб қария Нерейнинг қизи Фетидаларнинг унга раҳми келди. Улар денгизга тушиб кетган жажжи Ҳефестни кўтариб олишди ва ўзлари билан бирга кекса Ўкёнус сувлари қаърига олиб кетишди.

Ҳефестни у ерда, ложувард ғорда тарбия қилишди. Ҳефест бадбашара, оқсоқ бўлиб ўсса-да, кўкраги кенг, кўллари кучга тўла, бўйни сермушак эди. Ўзининг усталиги билан қандай ажойиб санъаткор эди у! У ўзининг мураббиялари Эвринома ва Фетидага олтин ва кумушдан бир талай ғаройиб зебу зийнат буюмлари ясаб берди.

Ҳефест узоқ вақт қалбида ўз онаси маъбуда Ҳерага нисбатан кек саклаб юрди, ниҳоят, у ўзини Олимпдан итқитиб юборгани учун онасидан интиқом олишга қарор қилди. У олтиндан гўзалликда тенги йўқ курси ясади ва Олимпга, онасига совға деб юборди. Ғаройиб совғани кўраркан, яшинчакнатар Зевснинг хотини суюнганидан оғзи қулоғига етди. Дарҳақиқат, бундай нафис ва ўнғай оромкурсига фақат маъбудлар маликасигина ўтириши мумкин эди. Аммо қандай фалокат юз берди денг! Ҳера эндигина оромкурсига ўтирган эди ҳамки, унга мустаҳкам халқали занжир урилди. Ҳера оромкурсига занжирбанд бўлиб қолганди. Барча худолар унга ёрдамга шошилди. Уларнинг чираниши беҳуда бўлиб, бирортаси ҳам малика Ҳерани халос этиш имконига молик эмас эди. Маъбудлар оромкурсини ясаган Ҳефестгина волидаи меҳрибонини халос этиши мумкинлигини англаб етишди.

Шу заҳотиёқ улар худоларнинг хабарчиси маъбуд Ҳермесни темирчи хузурига юборишди. Ҳермес Ўкёнус соҳилларига елдай учиб кетди. У кўз очиб юмгунча денгизлар оша Ҳефест ишлаётган ғорга етиб келди. У Ҳефестдан ўзи билан бирга юксак Олимпга бориб, малика Ҳерани халос этишни қанча илтимос қилмасин, темирчи – маъбуд узил-кесил рад жавобини берди: у онаси қилган ёмонликни ёдидан чиқармаганди. Ҳермеснинг илтижою ялинишлари беҳуда кетди. Хушчакчак май (вино) худоси Дионис унга ёрдамга келди. У Ҳефестга муаттар май тўла қадахларни бирин-кетин тутқазаверди. Ҳефест маст-аласт бўлди қолди. Энди унга истаган юмушингни қилдиришинг мумкин эди. Май маъбуди Дионис Ҳефест устидан ғолиб келган эди. Ҳермес билан Дионис Ҳефестни эшакка ўтқазиб, Олимпга олиб келишди. Ҳефест гандираклаб борарди. Ҳефестнинг атрофида чирмовиқ гулларга бурканган кўлларида тирс (бахмал билан ўралган асо) ушлаган менадалар (Диониснинг йўлдошлари) ўзларининг қувноқ рақсларини намоён этиб боришарди, улар кулишар, куйлашар ва яйрашарди. Ширакайф сатирлар (шўх, кулгили зотлар) беўхшов ва бесўнақай ҳаракатлар қилар, қулоқни батанг этадиган тимпанларини (доирага ўхшаш чолғу асбоби) даранглантишарди, довул товушлари ҳамма ёқни ларзага келтирарди. Олдинда узум япроқларидан ясалган тож кийган маъбуд Дионис борарди, унинг кўлида чирмовиқ гулига бурканган тирс бор эди. Улар тантанавор ва кўтаринки кайфиятда Олимпга етиб келишди. Ҳефест зум ўтмай онасини азобдан халос этди, у онаси ўтказган ситамни унутган эди.

Ҳефест Олимпда яшаб қолди. У маъбудлар учун ҳашаматли олтин саройлар қурди. Ўзи учун ҳам олтин, кумуш биринждан (бронзадан) қаср бунёд этди. Унда у ўзининг соҳибжамол, самимий хотини Харита – назокат ва гўзаллик маъбудаси билан яшайди.

Ҳефестнинг устахонаси ҳам ўша қасрнинг ўзида жойлашган. Ҳефест вақтининг аксарият қисмини ўзининг мўъжизаларга бой устахонасида ўтказди. Ўртада улкан босқон, бурчакдан эса олов ловуллаб турган ўтхона ўрин олган. Босқонлар жуда ғаройиб, уларни қўл билан ҳаракатга келтиришнинг ҳожати йўқ, уларга Ҳефестнинг бир оғиз сўзи кифоя, бас, босқонлар ўт пуркаб, ишлагани ишлаган. Уст-бошини қоп-қора чанг ва қурум босган, ўзи терга ботган темирчи-худо устахонасида бетиним ишларди. Ҳефест ясаган нарсалар шундай ажойибки! У олтин ва кумушдан зебу зийнат, жом ва қадахлар ҳам худди тирик жонивордек ғилдирайдиган олтин ғилдиракли уч оёқли курсилар бунёд этарди. Ишни тугатгач, Ҳефест хушбўй сувда тер ва қурумлардан халос бўларди, сўнгра оксокланиб, кучсиз оёқларини зўрға судраб, маъбудлар зиёфатига, отаси – Зевс хузурига ташриф буюради. Самимий ва олижаноб Ҳефест кўп ҳолларда Зевс ва Ҳеранинг авжига чиқадиган баҳсига чек қўяди. Худолар зиёфат дастурхони атрофида оёқларини аранг судраб ўзларига майи ноб куяётган маймоқ Ҳефест устидан кулишдан ҳам қайтмайдилар. Қулгу худоларни баҳсни унутишга мажбур этарди.

Лекин маъбуд Ҳефест гоҳо даҳшат ҳам солади. Кўпчилик унинг олови қудратини, баҳайбат болғасининг ваҳимали ва кучли зарбаларини бошидан кечиришган. Ҳефест Троя яқинидан қутуриб оқайтган Ксанф ва Симонс дарёларининг долғаларини ўз олови билан тинчитган эди. Қудратли титанларга ҳам ўзининг баҳайбат болғаси билан зарба берган.



Илоҳий ва моҳир темирчи Ҳефест буюк олов худоси бўлиб, у илиқлик ва шодлик келтиради, у суюкли ва самимий, аммо айни замонда бешафқатларча жазолайди.

ДЕМЕТРА ВА ПЕРСЕФОНА

Буюк маъбуда Деметра бағоят қудратлидир. У ерга ҳосилдорлик бағишлайди, унинг баракали куч-қувватидан баҳра олмаган нарса на салқин ўрмонларда, на ўтлоқларда ва на унумли шудгорда ўсади.

ПЕРСЕФОНАНИНГ АИД ТОМОНИДАН ЎҒИРЛАНИШИ

Хомернинг мадҳияси асосида баён этилган

Буюк маъбуда Деметранинг ёш ва соҳибжамол Персефона исмли қизи бор эди. Персефонанинг отаси – Кроннинг ўғли яшинчақнатар Зевс эди. Кунлардан бир кун соҳибжамол Персефона ўз дугоналари Ўкёнус (Океанида) зодалар билан бирга гулларга чулғанган Нисей водийсида беғам, бепарво ўйнаб юрганди. Деметранинг жажжи қизчаси нозик қанотли капалак янглиғ гулдан гулга югурарда. У гуркираб ўсган атиргулларни, хушбўй бинафшаларни, оппоқ нилуфарларни ва қип-қизил сумбула гулларини юлиб-юлқирди. Персефона отаси Зевс белгилаб қўйган тақдирдан беҳабар эди, шу боис у бепарво юрарди. Бу қиз кўп ўтмай куёшнинг ёрқин нурларини кўришдан маҳрум бўлажагини, муаттар гуллар билан завқланмаяжагини, уларни тўйиб-тўйиб хидламаяжагини хаёлига ҳам келтирмасди. Зевс уни бадқовоқ укаси – ўликлар қўланкаси салтанатининг ҳукмдори – Аидга хотинликка берган эди. Ёруғлик ва иссиқ жануб куёшидан мосуво бўлган Персефона Ер ости салтанати зулмати ичра яшашга мажбур эди.

Аид Персефонанинг Нисей водийсида ҳеч нарсани ўйламасдан, парвои фалак бўлиб ўйнаб юрганини кўриб қолди ва ўша захотиёқ уни ўғирлашга қарор қилди. У маъбуда Геядан (Ердан) илтимос қилиб, уни фавқулодда гўзалликка молик бўлган гул ўстиришга кўндирди. Маъбуда Гея розилик берди. Нисей водийсида беқиёс бир гул униб чикди, унинг кишини маст қилувчи хушбўй хиди узоқ-узоқларга таралди. Персефона гулни кўраркан, унга томон югуриб борди-да, поясидан ушлаб, юлқиб олди. Туйқусдан ер ёрилдию, унинг ичидан олтин маҳодада ўтирган ўликлар қўланкалари салтанатининг ҳукмдори бадқовоқ Аид пайдо бўлди. У ёш Персефонани ушлаб олдию, қора отлар қўшилган маҳодасига миндириб, бир зумдаёқ ўзининг югурик отлари билан Ер қаърига кириб кетди. Персефона қичқиришга улгурди, холос. Деметранинг ёшгина қизининг даҳшатли қийқириғи олис-олисларга тарқалди, у денгиз пўртаналари, сарбаланд ва нурафшон Олимпгача етди. Бадқовоқ Аиднинг Персефонани ўғирлаганини ҳеч ким кўрмади, уни фақат Ҳелиос – Куёшгина кўрди.

Маъбуда Деметра Персефонанинг қийқириғини эшитди. У дарҳол Нисей водийсига шошилди, қизини қидирмаган жойи қолмади. Унинг дугоналари – Океанидалар – Ўкёнусзодалардан сўради, бироқ ундан дарак йўқ эди. Персефонанинг қаёққа ғойиб бўлганлигини кўришолмаган эдилар.

Деметранинг кўнглини яккаю ягона суюкли қизидан жудо бўлганлиги туфайли ғам-алам чулғади. Буюк маъбуда қора либосга бурканиб, тўққиз кун давомида ҳеч нарса емай, ҳеч нарсани ўйламай, ҳеч нарсанинг фаҳмига етмай, аччиқ кўз ёшларини тўкиб, ер юзида сарсон саргардон кезиб юрди. Персефонани излаб хийла азоб-азият тортди, кўзи тушган ҳар бир кишидан ёрдам сўрарди, лекин ҳеч ким унинг ғамгин қалбига таскин бўлолмасди. Ниҳоят, ўнинчи куни маъбуда Ҳелиос-Куёш хузурига келиб, кўз ёши тўкаркан, ялина бошлади:

– О, нурга тўла, Ҳелиос! Сен ўзингнинг олтин маҳодангда чексиз Еру Кўкни кезасан, сен ҳамма нарсани илғайсан, сенинг нигоҳинг тушмаган жой йўқ. Гар бахтиқаро онага жиндай раҳминг келса, менга айт-чи, қизим Персефона қайда, айт-чи, уни қайдан излаб, қайдан топай? Мен унинг қийқириғини эшитдим, уни мenden ўғирлаб кетишди. Айт, уни ўғирлаган ким? Уни изламаган бирор пучмоқ қолмади, ва лекин қайдалигин билмайман!

Нурафшон Ҳелиос Деметрага шундай жавоб қайтарди:

– Улуғ Маъбуда! Сенга бўлган эҳтиромимнинг нечоғлик теранлигини биласан, ғам-андухингни нечук баҳам кўриб турганим ўзингга аён. Билиб қўй, қизингни буюк булутқувар Зевс ўзининг даҳшатли укаси – ҳукмдор Аидга хотинликка берди. Персефонани ўша ўғирлаб, уни ўзининг зиллату

вахшат маскани бўлмиш салтанатига олиб кетди. Бошинга тушган ушбу кулфатни енгмасанг бўлмайди, маъбуда. Ахир қизингнинг эри буюк зот, у буюк Зевснинг қудратли укасига хотин бўлди.

Маъбуда Деметра баттар ғамга ботди. У яшинчақнатар Зевсдан онасининг розилигисиз Аидга хотинликка бергани учун жуда ғазабланди. У маъбудларни тарк этди, нурафшон Олимпни ҳам тарк этиб, оддий фоний мардум қиёфасига кириб, қоп-қора кийимга бурканиб, аччиқ кўз ёшлари тўкиб, узоқ вақтлар фонийлар орасида тентираб юрди.

Ер юзида ҳар қандай ўсиш тўхтади. Дарахтларнинг япроқлари сўлди. Ўрмонлар яланғочланиб, майсалар қовжираб, гулларнинг тожи эгилиб куриб қолди. Боғлар мева бермай қўйди, ям-яшил узумзорлар куриди, уларнинг узуми пишмади, тоқлар бесамар бўлиб қолди, Илгари серҳосил бўлган экинзорлар тамоман бўшаб, уларда ўсимликдан нишона ҳам кўринмай қолди. Ерда ҳаётдан асар қолмади. Ҳар ёнда очлик ҳукм суларди. Ҳамма ёқда оҳ-воҳ, дод-фарёд эшитиларди. Инсон зоти ҳалокат ёқасида қолганди. Суюкли қизининг аҳволига ачиниб ғамга чўмган Деметранинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, қулоғига гап кирмас эди.

Ниҳоят, Деметра Элевсин шаҳрига келиб қолди. У ўша ерда, шаҳар деворлари ёнида, зайтун дарахти қўланкасида «ғам-андуҳ тоши» устига, нақ «қизлар қудуғи»нинг ёнида ўтирарди. Деметра ҳайкалга ўхшаб кимирламай ўтирарди. Унинг бурмали қоп-қора либоси ергача тушиб турарди. Боши қуйи солинган, кўзларидан тиркираб оққан ёшлар қўкрагига тушиб турарди. Деметра ёлғиз, кўнгли ғаш, сира таскин тополмай турарди. У ўша жойда хийла вақтгача ўтириб қолди.

Уни Элевсин подшоси Келейнинг қизлари кўриб қолишади. Улар булоқ бошида йиғлаб ўтирган қора кийимли аёлни кўргач, хайрон бўлишди, унга яқин келиб, самимият билан кимлигини сўрашди. Бироқ маъбуда Деметра уларга сир бой бермади. У асли критлик бўлиб, исмининг Део эканлигини, бу ерга уни қароқчилар олиб келганини, улардан қочиб, узоқ саргардонликдан сўнг Элевсинга келиб қолганини айтди. Деметра Келейнинг қизларидан ўзини оталарининг уйига олиб боришни илтимос қиларкан, уларнинг онасига чўри бўлиб, болаларини тарбия қилиш ва Келей хонадонида хизмат этишга розилигини билдирди. Келейнинг қизлари Деметрани Метанейра хузурига бошлаб келишди.

Келейнинг қизлари оталари хонадонига буюк маъбудани бошлаб келганлигини хаёлига ҳам келтиришмаганди. Улар Деметрани оталари хонадонига бошлаб келганларида уйга қираётиб, Деметранинг боши эшик тепасига тегиб кетганда уй ажабтовур нурга чўмди. Метанейра маъбуданинг истикболига чиқаркан, қизлари бошлаб келган меҳмоннинг оддий фоний банда эмаслигини англади. Келейнинг хотини нотаниш аёл олдида тиз чўкиб, таъзим бажо келтирди ва ўзининг – маликанинг жойига ўтиришни таклиф этди. Деметра таклифни рад қилдида, ҳеч нарса демасдан оддий чўри хотин ўриндиғига ўтирди. У илгаригидек теварак-атрофда юз бераётган барча ҳодисаларга бепарво бўлиб ўтирарди. Метанейранинг чўриси – хушчақчақ Ямба нотаниш аёлнинг чуқур қайғуга ботганини кўриб, унинг кўнглини ёзишга ҳаракат қиларди. У ўз бекаси Метанейра ва нотаниш аёлга хушчақчақона хизмат этарди: унинг кулгиси қаттиқ жаранглаб кетар, ҳазил-мутойибаси авж пардасига кўтариларди. Деметра кизи Персефонанинг ўғирланишидан сўнг биринчи бор кулимсиради ва бир неча бор емакдан татиб кўришга розилик берди.

Деметра Келей хузурида қолди. У унинг ўғли Демофонтни тарбиялай бошлади. Маъбуда Демофонтга умрибоқийлик ато этишга қарор қилди. У гўдакни ўзининг илохий кўксида, тиззасида ушлаб турарди. Гўдак маъбуданинг умрибоқийлик нафаси билан нафас оларди. Деметра унинг танасига амврозия (умрибоқийлик ато этувчи маъбудлар емаги) суртарди. Тунда Келейнинг хонадонида ҳамма уйқуга кетганда у Демофонтни беланчақка ўраб, ловуллаб ёниб турган ёркин печка ичига ётқизарди. Лекин Демофонт умрибоқийлик касб этмади. Бир куни Метанейра ўғлининг печка ичида турганини кўриб, даҳшатга тушиб кетди ва Деметрага бундай қилма дея ёлвора бошлади. Деметра Метанейрадан ғазабланиб, Демофонтни печкадан суғуриб оларкан шундай деди:

– Э нодон аёл! Мен сенинг ўғлингга умрибоқийлик, ато этмоқчи, унинг танасига ўқ ўтмайдиган қилмоқчи эдим. Билиб қўй, мен фоний ва умрибоқийларга куч ҳамда шодлик бахш этувчи Деметраман.

Деметра Келей ва Метанейрага ўзининг кимлигини баён этди, кейин одатдаги маъбудалик тимсолига қайтди. Келей салтанати илохий ёғдуга чулғанди. Маҳобатли ва соҳибжамол маъбуда пурвиқорлилик касб этган, олтин янглиғ сочлари елкаларига тушиб турар, маъбудона донишмандлик ёғилиб турган кўзлари ёнар, либосларидан муаттар хидлар тараларди. Метанейра ва унинг эри Деметра олдида бош эгиб, тиз чўкишди.

Маъбуда Деметра Элевсинда, Каллихора сарчашмаси ёнида ибодатхона тиклашни амр этди ва ўша ерда яшайверди. Ўша ибодатхона қошида Деметранинг ўзи байрамлар таъсис этди.

Бағоят суюкли қизи ҳақидаги ғам-андух Деметрани сира тарк этмас, у ўзининг Зевсга бўлган ғазабини ҳам унутган эмасди. Ер ҳамон бесамар эди. Очарчилик кун сайин авж оларди, зероки зироатчиларнинг далаларида оддий майса ҳам униб чиқмаганди. Хўкизлар деҳқон омочини беҳудага судрагани судраган, уларнинг чиранишидан фойда йўқ эди. Бутун бошли қабилалар ҳалок бўларди. Очнахор юрганларнинг оху фарёди самовотга етса-да, Деметра асло парво қилмасди. Ерда маъбудларга келтириладиган қурбонлар тўхтаб қолди. Барча тирик зотга ҳалокат таҳдид солмоқда эди. Аммо буюк булутқувар Зевс фонийларнинг беҳуда ўлиб кетишини истамасди. У худоларнинг хабарчиси Иридани Деметра хузурига юборди. У ўзининг камалак қанотларини қоқиб, Деметранинг Элевсиндаги ибодатхонаси сари елиб кетди, уни нурафшон Олимпга, маъбудлар масканига қайтишга кўндириш учун ёлворди. Лекин, Деметра унинг илтижоларига қулоқ осмади. Буюк Зевс Деметра хузурига бошқа худоларни ҳам юборди, бироқ маъбуда Аид қизи Персефонани Олимпга қайтармагунча ҳеч ёққа жилмаяжани таъкидлади.

Шунда буюк Зевс ўзининг даҳшатли укаси Аид хузурига фикрдек тезкор Ҳермесни юборди. Ҳермес даҳшатга тўла Аид салтанатига тушиб, ўлик руҳлар салтанатининг ҳукмдори олдида ҳозир бўлди ва унга Зевснинг ҳукмини баён этди.

Аид Персефонага онасининг олдига қайтишга розилик берди, аммо унга даставвал никоҳ рамзи бўлган анор меваси уруғини ютишни амр этди. Персефона эри билан Ҳермес ўтирган олтин маҳодага миниб олди.

Аиднинг умрибоқий отлари елдай югуриб кетди, уларга ҳеч нарса ваҳм солмасди, улар зум ўтмай Элевсинга етиб келишди.

Қувонганидан ҳамма нарсани унутган Деметра қизининг истиқболига отилди ва уни ўз оғушига олди. Унинг суюкли қизи Персефона яна у билан эди. Деметра қизи билан бирга Олимпга қайтди. Ўшанда буюк Зевс Персефонага йилнинг учдан икки қисмини онаси билан ўтказишга, қолган қисмини эса эри – Аид билан ўтказишга ижозат берди.

Буюк Деметра ерга яна файзу барака ва ҳосилдорлик бахш этди, тагин ҳамма нарса гуллаб-яшнаб кетди. Ўрмонлар нафис баҳор япроқларига бурканди. Ўтлоқлар ичра зумраддек яшнаган ўт-ўлан ва гуллар чаппар уриб очилди. Кўп ўтмай одамларга нон бахш этувчи далаларда арпа-буғдойлар бошоқ чиқара бошлади. Боғлар гуллаб, ҳар ён хушбўй ҳидларга тўлиб кетди. Қуёш ёғдусида узумлар барг ёза бошлади. Бутун табиат уйғонди. Барча тирик зот яйрар ва буюк маъбуда Деметра ҳамда унинг қизи Персефонани шарафларди.

Лекин Персефона онасини ҳар йили муайян муддатга ташлаб кетади, ўшанда Деметра яна қайғуга чўмади, тагин қоп-қора либосга бурканади. Она табиат ҳам унга ҳамдард бўлиб, унинг аламларини баҳам кўради. Дарахтларнинг барглари сарғайиб кетади, уларни кузнинг шамоли юлқиб ташлайди. Гуллар сўлади, далалар бўшаб қолади, қиш киради. Персефона ғамгин Аид салтанатидан онасининг бағрига қайтгунча табиат уйқуга чўмади. Деметра қизи хузурига қайтиб келганда ҳосилдорлик маъбудаси одамларга саховат кўрсатади: уларга ўз армуғонларини улашаркан, деҳқон меҳнатини шарафлаб, унга бой ҳосил тўплашда ҳомийлик қилади.

ТРИПТОЛЕМ

Заминга ҳосилдорлик бахш этувчи буюк маъбуда Деметранинг ўзи одамларга уларга ризку рўз улашувчи экинзорларга қандай ишлов беришни ўргатди. У Элевсин подшосининг навкирон ўғли Триптолемга буғдой уруғини тақдим этди, биринчи бўлиб, Элевсин яқинидаги Рарий даласини уч маротаба шудгор қилди ва қора тупроққа уруғ сочди. Деметранинг марҳамати туфайли далалар бой ҳосил берди. Маъбуданинг амри билан қанотли илонлар кўшилган ғаройиб маҳодада барча мамлакатларни кезиб чиқди ва барча одамларга улар яшаган жойларда зироатчиликни ўргатди.

Триптолем узок Скифияда, унинг подшоси Линх хузурида ҳам бўлди. Унга ҳам деҳқончилик билан шуғулланишни ўргатди. Лекин скифларнинг мағрур подшоси Триптолемни зироатчилик устози шарафидан маҳрум этмоқчи, ўша шухратни унинг ўзи ўзлаштирмоқчи бўлди. Линх буюк Триптолемни ухлаётган чоғида ўлдирмоқчи эди. Аммо Деметра ёвузликнинг юз беришига йўл қўймади. У меҳмондўстлик удумини бузиб, Триптолемга қўл кўтаргани учун Линхни жазолашга жазм этди.



Тунда Триптолем тинчгина ухлаётган хонага Линх билдирмасдан кириб, уйқудаги йигитга ханжар урмоқчи бўлган сонияда Деметра скифлар подшосини ёввойи силовсинга эвирди (айлангирди).

Силовсинга айланган Линх зулматга чўмган ўрмонлар ичра ғойиб бўлиб кетди, Триптолем эса скифлар юртини тарк этиб, ўзининг ҳашаматли маҳодасида Деметранинг буюк армуғони – зироатчиликни одамларга ўргатаман деб элма-эл кезиб юрарди.

ЭРИСИХТОН

Деметра фақат скифлар подшоси Линхнигина эмас, балки у Фессалия подшоси Эрисихтонни ҳам жазолаган эди. Эрисихтон ўзига бино қўйган ва ўтакетган муртад бўлиб, ҳеч қачон маъбудларга қурбон келтирмас, уларни ҳурмат қилмас эди. Ўзининг муртадлигидан ташқари, буюк маъбуда Деметрани дағалларча ҳақорат қилишга журъат этганди. У Деметранинг муқаддас ўрмонида дриада(дарахтлар ҳомийси)нинг қўнолғаси бўлмиш Деметра ғоят севган юз йиллик эман дарахтини кесиб ташлашга қарор қилганди. Эрисихтонга ҳеч нарса монелик қилолмади.

– Ҳали бу-ку Деметранинг суюкли дарахти экан, маъбуданинг ўзи бўлса ҳам кесиб ташлайман! – дея хитоб қилганди ўша муртад.

Эрисихтон хизматкорининг қўлидан болтани юлиб олиб, дарахт танасига зарда билан урганди ундан инграган овоз эшитилди ва қобикларидан қон сиркираб оқа бошлади. Эман олдида подшонинг хизматкорлари хангу манг бўлиб туришарди. Улардан бири подшонинг ҳатти-ҳаракатига чек қўймоқчи бўлди, бироқ қаҳри келган Эрисихтон хизматкорини ўлдирди ва шундай хитоб этди:

– Бу сенинг худоларга бўлган итоаткорлигинг учун мукофот!

Эрисихтон юз йиллик эманни ҳеч кимдан тап тортмай кесиб ташлади. Эман инграгансимон товуш чикардию, ерга қулади, ундаги дриада ҳаётдан кўз юмди.

Муқаддас ўрмондаги дриадалар қора либосга бурканиб, маъбуда Деметра ҳузурига келишди ва ундан қадрдон дугоналарини ўлдирган Эрисихтонни жазолашни илтимос қилишди. Деметра ғазаб отига минди. У очлик маъбудасига хабар юборди. Деметранинг қанотли илонлар қўшилган маҳодасига ўтирган дриада Скифия Кавказ тоғлари сари елдай учиб борди, у очлик маъбудасини бе-самара бир тоғда кўзлари киртайган, рангпар, заҳил, сочлари тўзгиган, танаси дағаллашган, суяклари бир-бирига қапишган ҳолатда учратаркан, унга Деметранинг ҳукмини етказди. Очлик маъбудаси Деметранинг амрини ижро этишга тайёр эканлигини баён этди.

Очлик маъбудаси Эрисихтон хонадониди пайдо бўларкан, уни бутун ичак-чавоғини куйдириб юборадиган, ҳеч қачон очлигини қондирилмайдиган очофатлик дардига гирифтор қилди. Эрисихтон еган сайин очлик азобини тортарди. У ўзининг топган-тутган бойлигини ҳар хил овқатлар учун сарфлади, лекин еган таомлари уни баттар очликка маҳқум этаверди. Ниҳоят, Эрисихтоннинг қизидан бошқа ҳеч нарсаси қолмади. Пул топиб, очлигина қондириш учун у кизини қулликка берди. Аммо маъбуд Посейдон унинг кизига турфа қиёфага кириш қобилятини ато этди, шу боис у ўзини сотиб олганлардан гоҳо қуш қиёфасига, гоҳо от қиёфасига, гоҳо сигир қиёфасига кириб қулликдан халос бўларди. Эрисихтон кизини бир неча бор сотди, бироқ олган пуллари унинг очлигини қондиришга сира етмасди. Очлик уни борган сайин ҳолдан тойдирар, қаттиқ эзар, унинг изтиробларини чексиз даражада чўзар эди. Пировардида Эрисихтон ўз баданини ғажийдиган бўлди ва даҳшатли азоб-уқубатлар уни халок этди.

ТУН, ОЙ, ТОНГ ВА ҚУЁШ

Маъбуда Тун – Нюкта ўзининг қора отлар қўшилган маҳодасида осмон бўйлаб секин жилмоқда. У ерни ўзининг қора пардасига ўрайди. Атрофни қоронғулик қоплайди. Тун маъбудасининг маҳодаси теварагида юлдузлар ўрмалашади, булар маъбуда Тонг – Эос ва Астрейнинг навнихол фарзандлари бўлиб, ерга ўзларининг хира, милтиллаган ёғдусини сочиб турарди. Улар бешумор бўлиб, бутун бошли тун осмонига сочилгандир.

Мана шарқда қизғиш шафақ излари кўзга чалингандай бўлди. Бу само саҳнида пайдо бўлган Ой – Селенадир. Унинг осмон узра оҳистагина юриб бораётган маҳодасига ўткир мугузли ҳўкизлар қўшилган. Маъбуда Ой ўзининг оппоқ ҳамда кенг барли ҳарир либосига бурканиб, камалаксимон бош кийимида осмон бўйлаб секин ва виқор билан сузмоқда. У бутун борлиқни ўзининг кумуш нур-



ларига тўлдириб, уйку оғушидаги ерга осойишталик билан нур таратмоқда. Осмон гумбазини айла-ниб ўтаркан, маъбуда Ой Кариядаги Латма деган тоғ яқинидаги горга тушиб кетади. У ерда мангу мудроққа чўмган соҳибжамол йигит Эндимион ётибди. Селена уни севади. У унинг боши узра энга-шиб эркалайди ва севги изхор этади. Лекин унинг сўзларини мудроқ босган Эндимион эшитмайди, шу боис Селена махзун, шу боис унинг тунда Ер узра сочаётган нурлари ғира-ширадир.

Тонг тобора яқинлашмоқда. Маъбуда Ой осмон гумбазидан пастга иниб кетганига анча бўлди. Шарқ сал ёриша бошлади. Тонг жарчиси – Эос-Форос – тонг юлдузи (Чўлпон) шарқда ёрқин ёғду та-рата бошлади. Енгил шамол эсди. Шарқ борган сайин ойдинлашмоқда. Алвон янглиғ маъбуда Тонг – Эос дарвозасини ланг очиб қўйди, кўп ўтмай ундан нурафшон маъбуда Қуёш – Ҳелиос тантанавор кириб келади. Ярқираган заъфар ранг либосга бурканиб, алвон қанотларини ёйиб, маъбуда Тонг арғувон тусга чулганган осмонда парвоз этади. Маъбуда олтин идишдан заминга шабнам ёғдиради, шабнам эса майсалар ва гулларга олмосдай ялтираган томчиларини сочади. Ердаги ҳамма нарса му-аттар ҳид таратади. Уйғонган ер чиқиб келаётган маъбуда Қуёш – Ҳелиосни шодон олқишлайди.

Худо Ҳефест ўзи ясаган тўрт от қўшилган олтин маҳодасида Ўқёнус сохилларидан нурафшон само саҳнига чиқади. Чиқиб келаётган қуёш нурлари тоғлар чўққисини мунаввар айлайди, улар гуё оловга чулгангандек юксакликка ўрлайди. Маъбуд – Қуёшни кўргач, юлдузлар осмон гумбазини тарк этиб, бирин-кетин қоронғу тун оғушида ниҳон бўлишади. Ҳелиоснинг маҳодаси борган сайин баландга интилади. Унинг дурахшон тожи ва ярқираган кенгбар либосига бурканган Қуёш само бўйлаб сузади ва ўзининг ҳаётбахш нурларини замин узра сочади, унга ёғду, ҳарорат ва ҳаёт бахшида этади.

Ўзининг ҳар кунлик йўлини босиб ўтаркан, қуёш худоси Ўқёнуснинг муқаддас сувлари томон бо-тиб боради. У ерда уни олтин қайик кутиб туради, у унга ўтириб, ортга, шарққа, ўзининг маҳобатли қасри жойлашган қуёш юртига қайтиб келади. Қуёш маъбудни тагин илгаригидек ярқираб намоён бўлмоқ учун тунда ўша ерда дам олади

ФАЭТОН

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Дунёда ўрнатилган тартиб фақат бир марта бузилган эди, ўшанда одамларга нур сочмоқ учун қуёш Ҳудоси осмонга чиқмади. Бу воқеа шундай бўлган эди: Қуёш – Ҳелиоснинг денгиз маъбудаси Фе-тидининг қизи Клименадан кўрган ўғли бўлиб, унинг исми Фаэтон эди. Кунлардан бир кун Фаэтон-нинг қариндоши, яшинчақнатар Зевснинг ўғли Эпаф унинг устидан кулиб, шундай деганди:

– Сенинг нурафшон Ҳелиоснинг ўғли эканингда ишонмайман. Онанг сени алдайди. Сен оддий фо-ний фарзандисан.

Жаҳли чиққан Фаэтон уялганидан ерга киргудек бўлди. У онасининг олдига югуриб келди-да, унинг кўксига отилди ва ҳақоратланганидан шикоят қиларкан, кўзларидан ёш тирқираб оқарди. Бироқ онаси кўлларини нурафшон қуёшга қарата чўзиб, хитоб қилди:

– Эй ўғлим! Сенга бизни кўраётган ва эшитаётган, сенинг отанг эканлигини ўзинг ҳам кўриб тур-ган Ҳелиос номидан онт ичаман! Агар ёлғон айтаётган бўлсам, мени ўзининг нуридан бебаҳра этгай. Унинг ҳузурига бор, унинг қасри бизга яқин. Сўзларимнинг тўғрилигини сенга унинг ўзи исботлайди.

Фаэтон шу ондаёқ отаси Ҳелиос ҳузурига йўл олди. У Ҳелиоснинг олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлар билан музайян этилган қасрига бир зумда етиб келди. Маъбуд Ҳефест қасрни шундай безаган эдики, унда камалак рангларининг барчаси жилваланарди. Фаэтон қасрга кираркан, у ерда алвондай кип-қизил либосга бурканиб тахтда ўтирган Ҳелиосга кўзи тушди. Бироқ Фаэтон нурафшон маъбудга яқинлаша олмади, унинг фонийларга хос кўзлари Ҳелиос тожидан таралаётган нурга дош беролмади. Қуёш худоси Фаэтонни кўргач, ундан сўради:

– Сени менинг қасримга бошлаб келган нарса недир, ўғлим?!

– Эй, дунёни нурга чулғаган, отагинам, Ҳелиос! Лекин сени ота деб аташга ҳаддим сиғармикан? – хитоб этди Фаэтон. – Менинг отам эканингни исботла. Сендан ўтиниб сўрайман, иштибоҳларимга чек қўй, шубҳалардан халос бўлай.

Ҳелиос нур сочувчи тожини бошидан олиб, Фаэтонни ёнига чорлади, уни маҳкам кучаркан, шун-дай деди:

– Ҳа, сен менинг ўғлимсан, онанг Климена тўғриси айтган. Сендаги гумонлар туманининг тарқалмоғи учун муқаддас Стикс дарёси сувлари билан онт ичаманки, истаган нарсангнинг ҳаммасини бажо келтираман.



Ҳелиос фикрини баён этишга улгурмасдан Фаэтон ундан олтин маҳодада осмон бўйлаб юришга ижозат беришни сўради. Нурафшон маъбуд даҳшатга тушди.

– Нима деб вайсаяпсан, хой нодон! – дея хитоб этди Ҳелиос. – Кошкийди қасамимни бузолсам! Бу талабингни адо этиш ғоят мушкул, Фаэтон. Ахир, бу сенинг кўлингдан келмайди. Сен фоний зотсан, бу фоний зотнинг иши эмаслигини наҳот билмасанг? Ҳатто умрибоқий худолар ҳам менинг маҳодамга чидаш беролмайди. Яшинчакнатар Зевснинг ўзи ҳам уни бошқаролмайди, ундан қудратли ким бор? Ўйлаб ол: йўлнинг ибтидоси шундай тикки, ҳатто менинг қанотли отларим ҳам уни зўрға босиб ўтишади. Унинг ўртасига етганда шундай баланд кўтариладики, у ердан туриб пастга – денгиз ва ерга қарасам, мени ҳам кўрқув босади. Йўл сўнгига етганда маҳода Ўкёнуснинг муқаддас соҳиллари томон шундай шиддат билан тушиб кетадики, агар тажрибасизлик килсам борми, у кирғоқларга урилиб, чилпарчин бўлиб кетши табиий. Сен йўл-йўлакай ғаройиботларни кўраман деб ўйларсан. Йўқ, йўл хавф-хатар, даҳшат ва ваҳший ҳайвонлар ўртасидан ўтади. У ниҳоятда тор. Агар сағал бир томонга қийшайсанг, ваҳимали бузоқ мугузларига дуч келасан, ўша ернинг ўзида кентаврнинг ёйи таҳдид солади, бунинг устига, дарғазаб арслон, баҳайбат чаён ва қисқичбақалар тузоғига тушиб кетасан. Осмон йўли битмас-туганмас даҳшатларга тўла. Сўзимга ишон, сенинг умрингга зомин бўлгим келмайди. О, кошкийди, сен юрагимда борини кўролсанг! Сен учун нечоғлик кўрқиб турганимни билсайдинг! Истаган нарсангни сўра, муҳайё қилай, аммо бу ҳақда мутлақо оғиз очма. Сен мендан муқофот эмас, даҳшатли жазони талаб қилаяпсан.

Бироқ Фаэтон ҳеч нарсани эшитгиси келмайди. Ҳелиоснинг бўйнидан маҳкам кучиб, ўзининг талабини бажо келтиришни сўрайди.

– Майли, илтимосингни бажо келтираман. Ташвишланма, мен Стикс дарёси сувлари билан онт ичаман. Сўраган нарсангни оласан, афсуски, мен сени ақли-хуши жойида деб ўйлагандим, – дея ғамгин жавоб берди Ҳелиос.

У Фаэтонни маҳодаси турган жойга бошлаб борди. Фаэтон уни завқ-шавқ билан кўздан кечирди. У олтиндан ясалган бўлиб, дуру гавҳар ва забаржадлар билан музайян этилган эди. Ҳелиоснинг амврозия ва нектар – оби ҳаёт билан боқилган қанотли отларини келтиришди. Арғувоний Тонг – Эос куёш қопқаларини ланг очиб юборди. Ҳелиос куёш нурларининг алангаси ёндирмасин дея Фаэтоннинг юзига муқаддас малҳамдан суртди ва бошига ялтироқ тож кийгизди. Афсуски, ғам-алам ва надоматга ботган Ҳелиос Фаэтонга сўнгги ўғитларини берарди:

– Ўғлим, менинг сўнгги ўғитларимни ёдингда тут, кўлингдан келганича уларга риоя қил. Отларни қувма, жиловини қаттиқ ушла. Менинг отларимнинг ўзлари югуради. Уларни қантариш қийин. Йўлни ғилдирак изларидан яққол кўришинг мумкин, улар бутун осмон бўйлаб боради. Осмонни куйдирмаслик учун ўта баланд кўтарилма, ўта пастга тушма, ерни қовжиратиб юборасан. Ёдингда бўлсин: ўзингни четга тортма: на ўннга, на чапга. Сенинг йўлинг илон ва қурбонгоҳ (юлдузлар туркуми) ўртасидан ўтади. Қолганини тақдирга ҳавола этаман, бирдан бир умидим ўша. Вақт ҳам бўлди, тун осмонни тарк этди, арғувоний тусга кирган Тонг-Эос намоён бўлмоқда. Жиловини маҳкам ушла. Балки, ниятингдан қайтарсан – ахир у сенга ҳалокат келтиради! Қўй, ерни ўзим ёритай! Сен ўзингни ҳалок этма!

Аммо Фаэтон дарҳол маҳодага сакрадио, жиловга ёпишди. У қувнар, яйрар, отаси Ҳелиосни олқишлар ва йўлга ошиқарди. Отлари депсинар, улар бурунларидан ўт пурқарди, улар маҳодани кўтариб, тик йўл орқали туманлар оша осмонга елдай чиқиб кетишди. Отлар учун маҳода ўта енгил. Улар осмон бўйлаб елар, Ҳелиоснинг одатий йўлини қолдириб, мутлақо бетартиб ҳаракат қилишарди. Фаэтон йўлнинг қаердалигини билмайди, у отларни бошқаришга ожизлик қилади. Фаэтон осмон чўққисидан заминга назар ташларкан, кўрққанидан ранглари оқариб кетди, ер эса ҳали жуда узоқда эди. Унинг тиззалари қалтирар, кўзлари зулмат ичра тиниб борарди. У отасидан маҳодани бошқаришни илтижо қилиб олганидан пушаймон бўлди. У энди нима қилиши керак? Фаэтон бағоят кўп юрди, бироқ олдинда ҳали йўл узоқ эди. У маҳодани тамоман бошқаролмай қолди, отларнинг исмини билмайди, уларнинг жиловини тортиб тўхтатишга эса мадори йўқ эди. Теграсида самовий ваҳший ҳайвонларга кўзи тушгач, баттар кўрқиб кетди.

Осмонда баҳайбат ва даҳшатли чаён чўзилиб ётган жой мавжуд эди, отлар Фаэтонни худди ўша ерга элтмоқда эди. Бадбахт йигит қоп-қора захар билан қопланган чаён ва унинг захри қатл нишини кўргач, кўрққанидан ақлдан озиб, отларнинг тизгинини қўйиб юборди. Отлар ўзларини эркин сезгач, борган сайин тез елиб кетишди. Улар гоҳ юлдузлар томон ўрлашар, гоҳ пастга тушиб, қарийб ернинг устидан учиб ўтишарди. Ҳелиоснинг синглиси – ой маъбудаси Селена акасининг отларининг

бошқарувчисиз осмон бўйлаб нечук издан чиқиб югурганини ҳайрат ичра кузатиб турарди. Пастлашиб кетган маҳодадан чиққан олов ерни чулғаб олганди. Унинг тафтидан улкан ва бой шаҳарлар ҳалок бўлар, бутун бошли қабилалар маҳв бўларди. Ўрмон билан қопланган маҳобатли Парнас, соясалқин Киферон, ям-яшил Ҳеликон, Кавказ тоғлари, Тмол, Ида, Пелион ва Осса тоғлари ловуллаб ёнмоқда эди. Ҳамма ёқни аччиқ тутун босиб кетди. Фаэтон куюқ тутун ичида қолиб, қаерда юрганини ҳам билмасди. Дарё ва жилғаларда сувлар қайнайди. Нимфалар дод-фарёд солиб, ўзларининг чуқур ғорларидан зўрға паноҳ топадилар. Евфрат, Оронт, Алфей, Эврот ва бошқа дарёларнинг сувлари қайнаб кетди. Ҳароратнинг кучлилигидан ер ёрилади, куёш нурлари Аиднинг зулмат салтанатига кириб боради. Денгизлар қурий бошлади, жазирама иссиқдан денгиз маъбудлари изтироб тортади. Ниҳоят, буюк маъбуда Гея – Ер қаддини кўтариб, каттиқ хитоб қилди:

– Э маъбудларнинг сарвари, улуғ яшинчақнатар Зевс! Наҳотки, мен ҳалок бўлишим керак, наҳотки уқанг Посейдон салтанати таназзулга маҳкум этилса, наҳотки, барча жонзот қирилиб кетмоғи керак? Қара! Атлас осмон залварини зўрға ушлаб турипти. Ахир худоларнинг ер ва осмондаги қасрлари кулаб кетиши мумкин-ку! Наҳотки, ҳамма нарса ибтидоий зулматга эврилса?! Жилла бўлмаса колганини ўтдан ҳалос этгин!

Маъбуда Гея – Ернинг илтижолари Зевснинг қулоғига етиб борди, у ўнг қўлини даҳшатли суратда силтаб юборганди, яшин чақнаб, ўз алангаси билан оловни сўндирди. Зевс яшин билан маҳодани чилпарчин қилиб юборди. Ҳелиоснинг отлари турфа томонларга тумтарақай бўлиб кетишди. Абжағи чиққан маҳоданинг бўлақлари ва Ҳелиос отларининг абзаллари кўк юзига сочилиб кетганди.

Бошида кўнғир сочлари ёниб бораётган Фаэтон эса қулаётган юлдуз янглиғ Эридан дарёси тўлқинларига кўшилиб кетди. У ердаги Ҳисперий нимфалари унинг жасадини топиб, дафн этишди. Чуқур қайғуга ботган Фаэтоннинг отаси Ҳелиос юзига ҳижоб тортиб, кун бўйи кўк юзиде кўринмади. Ўша кунни Ерни ёнғин ёлқини ёритиб турди.

Фаэтоннинг онаси, бахти қаро Климена ҳалок бўлган ўғлининг жасадини хийла вақтгача излади. Ниҳоят, у Эридан дарёси бўйида ўғлининг жасадини эмас, мақбарасини топди. Кўнгли синиқ она ўғлининг мақбараси ёнида узоқ йиғлади, Клименанинг кизлари – хелиадалар ҳам ҳалок бўлган акалари учун кўз ёши тўкишди. Уларнинг қайғусининг чеки йўқ эди. Йиғлаётган хелиадаларни буюк маъбудлар теракларга айлантди. Хелиада – тераклар Эридан узра эгилиб туради, уларнинг кўз ёшлари – елим муздай сувга оқиб тушади. Елим қотиб, шаффоф қахрабога эврилади. Фаэтоннинг ҳалокати учун унинг дўсти Кики ҳам қайғуга чўмди. Унинг нолишлари Эридан соҳилларига ёйилди. Кикининг кўнгли тасалли топмаётганини кўрган худолар уни оппоқ оққушга айлантди. Ўшандан буён оққуш Кики сувда, дарёларда ва чеки йўқ кўлларнинг зилол сувлари ичра ҳаёт кечиради. У дўсти Фаэтонни ҳалок этган оловдан кўрқиди.

ДИОНИС

ДИОНИСНИНГ ДУНЁГА КЕЛИШИ ВА ТАРБИЯЛАНИШИ

Яшинчақнатар Зевс Фива подшоси Кадмнинг соҳибжамол қизи Семелани севарди. Кунлардан бир кун Зевс унга қандай бўлишдан қатъий назар, ҳар қандай илтимосини бажо келтиражани ваъда бериб, маъбудларга хос бўлган бузилмас қасам – ер ости дарёси Стикснинг муқаддас сувлари билан онт ичди. Лекин Семелани буюк маъбуда Ҳера жуда ёмон кўрар эди, шу боис уни маҳв этмоқчи бўлди. У Семелага шундай дейди:

– Сен Зевсдан ёнингга яшинчақнатар маъбуд, Олимп подшосига хос улуғворлик билан келишини сўра. Агар у сени чинданам севса, илтимосингни рад этмайди.

Ҳера Семелани ишонтирди, у ҳам Зевсдан айнан шу илтимосни бажо келтиришни сўради. Зевс Семелага ҳеч нарсани рад этолмасди, зероки у Стикс сувлари билан қасамёд этганди. Яшинчақнатар унинг ёнига маъбудлар ва одамлар маъбудига хос виқор ва ўзининг шухратига ҳашамат ичра ташриф буюрган эди. Зевснинг қўлида ёрқин чакмоқ чакнарди. Момоқалдирак гулдуриси Кадмнинг қасрини ларзага келтирди. Зевс чакмоғидан ҳар ён нурга тўлди. Сарой ловуллаган ўт ичида қолди, теваратрофдаги ҳамма нарса ўпирилиб, ерга куламоқда эди. Даҳшатга тушган Семела ерга йиқилди, аланга уни ёндирмоқда эди. У нажот йўқлигини, уни Ҳеранинг талаби билан қилинган илтижо ҳалок этганини сизди.



Ўлаётган Семеладан яшашга қобил бўлмаган заифгина ўғил Дионис дунёга келди. У ҳам олов ичра қолиб ўлишга маҳкум этилганга ўхшарди. Лекин нахотки, буюк Зевснинг ўғли ҳалок бўлса! Сеҳрли салтанат таёғи (асоси)нинг бир имоси билан ҳар тарафда қалин, яшил чирмовиқ ўсиб чиқди. У ўзининг ям-яшил япроқлари билан бадбахт гўдакни қоплаб, уни ўлимдан олиб қолди.

Бола ғоят жажжи ва ожиз бўлганлиги туфайли яшамаслиги ҳам мумкин эди, бироқ Зевс кутқазилган болани олиб, уни ўзининг белига маҳкам тикиб қўйди. Дионис ўз отаси – Зевснинг тана-сида кучга тўлди ва иккинчи бор яшинчақнатар Зевснинг белидан туғилди. Шунда маъбудлар ва одамлар подшоси Зевс ўғли маъбудларнинг чаққон элчиси Ҳермесни чақириб, унга жажжи Дионисни Семеланинг синглиси – Ино ва унинг эри – Орхомен подшоси Атамантга элтиб беришни амр этди, болани улар тарбиялаши керак эди.

Маъбуда Ҳера ўзи ёмон кўрган Семеланинг ўғлини ўз тарбиясига олганлиги учун Ино ва Атамантдан ғазабланди ҳамда уларни жазолашга қарор қилди. У Атамантни жинниликка маҳкум этди. Жиннилиги тутган Атамант ўз ўғли Леархни ўлдирди. Ино иккинчи ўғли Меликарт билан ўлимдан қочиб кутулишга зўрға улгурган эди. Эри унинг ортидан қувиб, унга етиб олишига озгина қолганди. Олдинда тик қояли денгиз соҳили, пастда денгиз долғалари, орқада телба эри қувиб келмоқда – Инонинг халос бўлиши амри маҳол. Талвасага тушган она соҳилбўйи қояларидан ўғли билан бирга ўзини денгизга ташлайди. Ино ва Меликартни денгиздаги нереидалар ўз бағирларига олади. Дионис-мураббияси ва унинг ўғли денгиз илоҳаларига эврилган эдилар, улар ўшандан буён денгиз пўртаналарида хаёт кечирадилар.

Дионисни телба Атамантдан Ҳермес кутқазган эди. У кўз очиб юмгунча уни Нисей водийсига келтириб, у ердаги нимфалар тарбиясига топширади. Дионис соҳибжамол, қудратли май худоси, кишиларга куч ва шодлик келтирувчи, ҳосилдорлик бахш этувчи худо сифатида вояга етди. Диониснинг мураббиялари бўлмиш нимфаларни Зевс мукофот сифатида қабул қилди, улар бошқа юлдузлар туркуми қаторида Ҳиадалар номи билан қоронғу юлдузли тунларда ёғду сочадилар.

ДИОНИС ВА УНИНГ МУЛОЗИМЛАРИ

Гултожлар билан ясанган менадалар ва сатирлар тўдаси билан хушчақчақ Дионис олам бўйлаб элма-эл кезади. Қўлида чирмовиқ ўралган таёқ ва бошида узумдан гултож кийган Дионис олдинда боради. Унинг теграсида кўшиқ айтиб ракс тушаётган ёш менадалар. Винодан маст-аласт бесунақай сатирлар думлари ва эчкиоёқларини ўйнатиб, бемъаниларча ирғишлагани ирғишлаган. Тантанали юришда Диониснинг доно устози, эшак минган кекса Силен ҳам иштирок этмоқда. У ёнидаги вино мешига суянган, ўзи росмона ичиб олган, эшак устида зўрға ўтирипти. Чирмовиқдан қилинган гултож унинг сочи тўкилган бошидан сирғалиб чеккасига тушган. У содаларча кулимисираб, чайқалиб бормоқда. Чол эҳтиёткорона одимлаётган эшакдан йиқилиб тушмасин деб, ёш сатирлар уни суяб боришмоқда. Тантана най ва турфа чолғу садолари остида тоғларда, соя-салқин ўрмонларда, кўм-кўк кўлларда сурур ила давом этади. Ҳамма нарсани ўз ҳукмига бўйсундириб, қувноқ Дионис – Вақх замин бўйлаб бормоқда. У кишиларни узум ўстиришга ва унинг қиёмига етган мевасидан вино (майи ноб) ясашга ўргатади.

ЛИКУРГ

Дионис ҳукмини ҳамма ерда ҳам эътироф этмайдилар. У кўп ҳолларда зиддиятларга дуч келади. Унга кўпинча шаҳар ва мамлакатларни куч билан бўйсундиришга тўғри келади. Ахир буюк маъбуд, Зевснинг ўғли билан ким ҳам беллаша олади? Унга қаршилиқ қилган, уни худо сифатида эътироф этмаганларни у шафқатсиз жазолайди. У биринчи марта Фракияда соя-салқин водийда ўзининг йўлдош-аёллари билан мусиқа чалиб, қўшиқ куйлаб, май нашидасидан ширакайф бўлиб ўтирганда таъқиб қилинади. Ўшанда эдон (фракияли қабила)ларнинг золим подшоси Ликург унга хужум қилганди. Дахшатга тушган менадалар Диониснинг муқаддас идишларини ташлаб, ҳар томонга тумтарақай бўлиб кетишди. Ҳатто Диониснинг ўзи ҳам қочишга мажбур бўлди. Ликург таъқибидан халос бўлиш мақсадида у ўзини денгизга ташлади. У ерда уни маъбуда ўз паноҳига олди. Диониснинг отаси яшинчақнатар Зевс ёш маъбудни ҳақорат қилишга журъат этган Ликургни қаттиқ жазолади: Зевс Ликургни кўриш қобилиятидан маҳрум этди ва умрини камайтирди.

МИНИЙНИНГ ҚИЗЛАРИ

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Орхоменда ҳам, Беотияда ҳам Дионисни худо сифатида эътироф этишни истамасдилар. Хуллас, унга дархол мойиллик билдиришмади. Диониснинг коҳини Орхоменга келиб, барча қиз-жувонларни май худоси шарафига ўрмон ва тоғларда ўтадиган шодлик байрамига чорлаганда шоҳ Минийнинг уч нафар қизи байрам тантаналарига бормади, улар Дионисни худо сифатида тан олишни хошлашмади. Орхоменлик барча аёллар шаҳарни тарк этиб, соя-салқин ўрмонларга бориб, у ерларда қўшиқ, ўйин-кулгу билан буюк илоҳни олқишлашди. Чирмовикқа бурканишган, қўлларида тирслар (узум барглари билан ўралган таёқлар) ушлаган ҳолда қаттиқ кийкириқлар билан менадаларга (фидойи аёлларга) ўхшаб, тоғма-тоғ кезиб, Дионисни шарафлашарди. Орхомен подшосининг қизлари уйда ўтириб, бамайлихотир йигиришар ва тўқишарди. Улар маъбуд Дионис ҳақида ҳеч нарса эшитишни истамасдилар. Окшом қўниб, қуёш ботганда ҳам подшонинг қизлари ҳамон ўз юмушларидан воз кечишмасди, улар қандай бўлмасин ўз юмушларини тугатиш пайида эдилар. Дафъатан уларнинг кўз ўнгида мўъжиза юз берди. Саройда най ва тимпан садоари янграб кетди, урчуқлардаги иплар узум новдаларига айланди, уларнинг тепасида йирик-йирик узум бошлари (шингиллари) осилиб қолди. Тўқув дастгоҳлари ям-яшил тусга кирди: уларни чирмовик буркагани. Ҳамма ёққа мирта ва турфа гулларнинг муаттар ҳиди таралди. Шоҳнинг қизлари ушбу мўъжизани ҳайрат ичра томоша қилишарди. Тўсатдан окшом шафағига чўмган саройда машъалларнинг машъум ёғдуси чарақлай бошлади. Ёввойи ҳайвонларнинг ўқириши эшитилди. Саройнинг барча хоналарида арслонлар, қоплонлар, силовсин ва айиқлар пайдо бўди. Улар ваҳимали увлаб, сарой ичида югуришар, ғазабдан кўзлари чакнаб ириллашарди. Даҳшатга тушган подшонинг қизлари машъалларнинг жилваси ва ваҳший ҳайвонларнинг ўқиришини эшитмайин дея саройнинг энг қоронғу жойларига беркиниб олишди. Бироқ бари беҳуда – улар ҳеч жойга яширина олмадилар. Худо Диониснинг жазоси қаттиқ бўлиб, унинг чеки йўқ эди. Подшо қизларининг танаси қисилиб, қора сичқон тукига бурканишди, уларнинг қўллари ўрнига нозик пардали қанотлар ўсиб чиқди. Ўшандан буён улар кун ёруғлигидан қочиб, қоронғу ва зах харобаларда ҳамда ғорлардан паноҳ топадилар. Дионис уларни шундай жазолаган эди.

ТИРРЕННИНГ ДЕНГИЗИ ҚАРОҚЧИЛАРИ

Ҳомер мадҳияси ва Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Дионис Тиррен денгизи қароқчиларини ўзини худо сифатида тан олмаганлари учун эмас, балки унга оддий фонийларга нисбатан қилмоқчи бўлган ёвузликлари учун жазолаган эди.

Кунлардан бир кун ёш Дионис ложувард денгиз соҳилида турган эди. Денгиз ели унинг қора қўнғир сочларини майингина елпитар ва ёш маъбуднинг кенг елкаларидан тушиб турган алвон рангли абосининг қатларини секин тебратарди. Узокдан денгиз узра сузиб келаётган кема кўринди. У қирғоқ сари жадаллаб келмоқда эди. Кема қирғоққа яқинлашганда денгизчилар – улар Тиррен денгизи қароқчилари эди, денгизнинг хилват соҳилида ғаройиб йигитнинг савлат тўкиб турганини кўриб қолишди. Кемани тезлик билан боғлаб қўйгач, соҳилга чиқишди ва Дионисни ушлаб кема томон бошлаб кетишди. Қароқчилар маъбудни асир олганларини қайдан ҳам билишсин. Улар шундай ажойиб, бой ўлжани қўлга туширганларидан ўзларида йўқ хурсанд бўлдилар. Соҳибжамол йигитни кул қилиб сотиш эвазига катта миқдорда олтинларга эга бўлишларига ишончлари комил эди. Кемага киргач, қароқчилар Дионисни оғир занжирлар билан боғламоқчи бўлишди, аммо улар ёш маъбуднинг қўл ва оёқларидан тушиб кетаверди. Дионис қароқчиларга майин табассум қилиб қараб турарди. Кема дарғаси йигитнинг қўлларидан занжирларнинг сирғалиб тушаётганини кўргач, даҳшатга тушиб, ўз шерикларига қараб шундай деди:

– Бадбахтлар! Нима қиляпсиз ўзи? Биз маъбудни занжирбанд қиляётган бўлмайдик тагин? Қаранглар, уни кемамиз зўрға ушлаб турипти! Бу Зевснинг ўзи эмасмикан, балки кумуш ёйли Аполлон ёки ерни тебратиб турувчи Посейдонмикан? Йўқ, у мутлақо фоний зот эмас, фоний зотга ҳечам ўхшамайди! Бу ҳойнаҳой нурафшон Олимпда яшайдиган маъбудлардан биридир. Уни дархол қўйиб юборинглар, ерга туширинглар! У денгизда кутурган шамоллар, даҳшатли бўронлар кўзғотмасин тагин!



Лекин кема саркори доно дарғага қахр билан ўшқирди:

– Малъун! Қара, бодимурод дейдилар бун! Кемамиз сарҳадсиз денгиз узра долғаларни ёриб ўтмоқда. Йигитга бўладиган ғамхўрликни сўнг бажо келтирамиз! Биз Миср ё Кипрга ёхуд гипербореяларнинг олис мамлакатига қараб сузамиз, уни ўша ерда пуллаймиз. Йигитга ўзининг дўст-биродарларини ўша ерда топишни таклиф этамиз. Ҳа, уни бизга маъбудларнинг ўзлари насиб этди!

Қароқчилар шошмасдан елканларини кўтаришди, кема очик денгизга чиқиб, йўлга равона бўлди. Дафъатан мўъжиза рўй берди: кеманинг саҳнига хушбўй вино (маи ноб) оқиб келаверди ва ҳаммаёкни муаттар ҳид чулғаб олди. Қароқчилар ҳайрат ичра қотиб қолишди. Елканлар устида тоқлар кўкара бошлади, йирик узум шодалари осилиб турарди. Мачтани ям-яшил чирмовиқ буркади. Ҳар ёнда ғаройиб мевалар пайдо бўлаверди. Эшаклар кулоғида гулдасталар пайдо бўлди. Ушбу ходисани кўрган қароқчилар доно дарғадан кемани қирғоққа томон буришни илтимос қилишди. Лекин энди кеч бўлганди! Йигитча арслонга айланиб, палуба устида туриб, даҳшатли ўқира, ғазабнок кўзлари ўтдек чакнарди. Кема палубасида жунлари хурпайган она айиқ пайдо бўлди. У ваҳимали ириллар, қароқчиларни тилка-пора қилмоққа шай эди. Кўрқиб кетган қароқчилар бирин-кетин кеманинг орқа томонига ўтиб, дарға атрофида уймалашиб туришарди. Арслон узоқдан туриб капитанга ташланди ва уни бурда-бурда қилиб ташлади. Нажот йўқлигига ишонч ҳосил қилган қароқчилар ўзларини денгиз тўлкинларига уришди. Дионис уларни дельфинга (юнус балиғига) эвирди. Дарғани эса аяди. У ўзининг аввалги қиёфасига кириб, самимий табассум қиларкан, дарғага деди:

– Қўрқма! Сен менга ёқиб қолдинг. Мен яшинчақнатар Зевс ва Кадмнинг қизи Семеланинг ўғли – Дионисман!

ИКАРИЙ

Дионис ўзини маъбуд сифатида эъзозлаганларни тақдирлайди. Ўзини меҳмоннавозлик билан қабул қилган Аттикалик Икарийни шундай эҳсон қилган. Дионис унга узум новдасини совға қилганди. Икарий Аттикада илк бор узум етиштирган киши бўлган. Аммо Икарийнинг қисмати ачинарли эди.

Бир куни у чўпонларга вино ичирганди, улар мастликнинг нима эканини билмаганликлари туфайли Икарий бизларни заҳарлаган деган қарорга келишди ва уни ўлдириб, жасадини тоққа олиб бориб, пинҳона кўмиб ташлашди. Икарийнинг қизи Эригона отасини хийла вақт излади. Ниҳоят Майра исмли ити ёрдамида отасининг қабрини топиб олди. Талвасага тушган бахтиқаро Эригона тагида отасининг жасади кўмилган дарахтга ўзини осади. Дионис Икарий, Эригона ва унинг ити Майрани осмонга олиб кетади. Ўшандан буён улар само бағрида ойдин тунларда чарақлаб туради – булар Волопас (чўпон), Дева (Бокира) ва Улкан Кўппак юлдузлар туркумларидир.

МИДАС

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Кунлардан бир кун хушчақчақ Дионис шўх менада сатирлар тўдаси билан Фригиядаги Тмола тоғининг соя-салқин қоялари ичра сайр қилиб юрган эди. Диониснинг мулозимлари орасида Силен кўринмасди, холос. У ҳар қадамда қоқилиб тушар, ортда қолиб кетар, роса ичиб, маст-аласт ҳолда Фригия далаларида кезиб юрарди. Уни дафъатан деҳқонлар кўриб қолишдию, гулмаржонлар билан боғлаб, подшо Мидас ҳузурига олиб боришди. Мидас Диониснинг устозини дарҳол таниди, уни иззат-икром ила ўз саройида қабул қилди ва тўққиз кун давомида унинг шарафига зиёфат берди. Ўнинчи куни Мидас Силенни маъбуд Диониснинг ҳузурига бошлаб борди. Силенни кўрган Дионис ғоят севинди, Мидасга устозига кўрсатган эҳтироми учун қандай совға танлашни унинг ўзига хавола этди. Мидас шундай хитоб қилди:

– Эй буюк маъбуд Дионис, қўлим теккан нарса соф ялтироқ олтинга айланишини амр этсанг бас.

Дионис Мидаснинг истагини бажо келтирди. Лекин Мидас ўзи учун кирови совға танламаганига ачинди.

Мидас ўзида йўқ хурсанд ҳолда уйига қайтди. Совға олганига қувонган Мидас эман дарахтининг яшил бутоғига қўл теккизган эди, у шу заҳотиёқ олтинга айланди. Далада бошоқларга қўли тегиб кетса, донлар олтин бўлиб товланарди, олмага қўл тегизса, олтинга айланади. Хуллас, Мидаснинг қўли теккан нарса олтинга айланаверади. У қўлларини юваётганда сув томчилари олтин бўлиб оқди. Мидаснинг қувончининг чеки йўқ эди. У ўз саройига қайтди. Хизматкорлари дабдабали зиёфат тайёрлашган эди, саодатманд Мидас дастурхон атрофида ўтираркан, ёнбошлаб олди. Шунда у Дионисдан

дахшатли совға сўраб олганини фахмлади. Мидаснинг кўли теккан нарса олтинга айланарди. Унинг оғзидаги нон ва емак ҳам, вино ҳам олтин бўлиб қоларди. Мидас ўшанда очликдан ўлишини англамаган эди. У қўлларини ёзиб, самовотга қараб хитоб этарди:

– Раҳм қил, Дионис, раҳм қил! Мени кечир! Сендан нажот тилайман! Совғангни қайтариб ол!

Шу ондаёқ Дионис пайдо бўлди ва Мидасга деди:

– Пактол булоқларига борда, унинг сувларида танангдаги ушбу совғани ва гуноҳингни юв.

Мидас Дионис амрига бўйин эгиб, Пактолнинг зилол сувларига шўнғиди. Пактолнинг сувлари олтин бўлиб окди ва Мидаснинг танасидан Дионисдан илтижо қилиб олган совғани ювиб ташлади. Ўшандан буён Пактол сувлари олтинбахш бўлиб қолганди.

ПАН

Дионис мулозимлари орасида кўпинча маъбуд Панни ҳам учратиш мумкин эди. Буюк Пан дунёга келганда унинг онаси нимфа Дриоба ўғлига қараб дахшатга тушган, ундан юз ўгириб қочиб қолган. Пан эчки оёқли, эчки мугузли ва узун эчки соқолли бўлиб туғилган эди. Бироқ отаси Ҳермес ўғлининг туғилишидан қувонган ҳолда уни кўлига олиб, нурафшон Олимпдаги худолар хузурига келтирган эди. Барча маъбудлар Паннинг туғилганидан бағоят суюнишиб, унга қараб роса қулган эдилар.

Маъбуд Пан Олимпдаги худолар билан яшаб қолмади. У соя-салқин ўрмон ва тоғларни афзал билиб, улар бағрига интилди. У ерларда Пан хушовоз найини чалиб, пода бокиб юради. Нимфалар Пан найининг жозибали товушини эшитар-эшитмас унинг олдига югуриб келишар, унинг атрофида, ям-яшил водийда Паннинг мусиқа садолари остида давра куриб олишар эди. Паннинг ўзи ҳам нимфалар рақсида иштирок этишни хуш кўрарди. Пан вақтичоғлик қилганида тоғ ёнбағирларидаги ўрмонлар шўх кийкириқларга тўлиб кетарди. Эчки оёқли бакироқ Панга қувноқ нимфа ва сатирлар ҳам жўр бўлиб кетардилар. Жазирама туш пайти яқинлашди дегунча Пан ўрмоннинг энг қуюқ жойига ёки салқин ғорга кириб дам олади. Ўшанда Панни безовта қилиш ниҳоятда хатарли. У қизиққон бўлиб, жаҳли чиққанда кишиларни ғафлат уйқусига чўндириши, унга халал берган йўловчини тўсатдан кўрқитиб юбориши мумкин эди. Бунинг устига, у гоҳо одамларни шундай дахшат, ваҳимали дахшатга маҳкум этиши мумкинки, одамзот кўрққанидан югура бошлайди, ўшанда у йўлини йўқотиб, ўрмонлар оша, тоғлар оша ҳалокат ёқасига келиб қолганини билмай қоларди. Шундай ҳоллар ҳам бўлгандики, Пан бутун бошли кўшинни шу тахлит ваҳимага тушириб, уни гумроҳликка дучор этган эди. Унинг жаҳлини чиқариш мумкин эмас, акс ҳолда у ўта дахшатлидир. Пан дарғазаб бўлмаган чоғда раҳмдил ва олижанобдир. У чўпонларга беҳисоб ноз-неъмат бахш этарди. Пан юнонлар подасини бало-қазолардан асрайди, у ғазабкор менадалар рақсида ҳозирю нозир, май худоси Диониснинг суюкли ва содиқ йўлдоши.

ПАН ВА СИРИНГА

Олтин қанотли Эротнинг ўқларидан буюк Пан ҳам қочиб қутулолмаганди. У соҳибжамол нимфа Сирингани ёктириб қолганди. Мағрур нимфа ўзига ошиқ бўлганларнинг барчасининг севгисини рад этганди. Латонанинг кизи буюк маъбуда Артемида учун ов қандай бўлса, Сиринга учун ҳам шундай завқли эди. Ўзининг калта кийимига бурканиб, елкасида садоғи, кўлида ёйи билан юрган ёш ва соҳибжамол Сирингани кўпинча Артемида деб ўйлашарди. У Артемидага жуда-жуда ўхшарди, аммо унинг ёйи буюк маъбуданикидек олтиндан эмас, балки мугуздан ясалган эди.

Кунлардан бирида Пан Сирингани кўриб қолди ва унинг ёнига бормоқчи бўлди. Нимфа Панга назар ташлаган заҳотиёқ дахшатга тушиб, қочиб кетди. Унга етиб олишга интиларкан, Пан елдай учарди. Аксига олиб, Панга тутқич беришни истамаган Сиринганинг олдидан дарё чиқиб қолди. Нимфа боёқиш қаерга ҳам қочиб қутуларди? Шунда у дарёга қараб қўлларини ёзиб, дарё худосидан нажот тилаб, ёлвора бошлади. Дарё маъбудни нимфанинг илтижоларини инобатга олиб, уни қамишга айлантирди. Жон ҳолатда югуриб келган Пан Сирингани қучмоқчи бўлди, бироқ унинг қучгани қайишқоқ, секин шитирлаётган қамиш эди. Пан ғамгин оҳ тортиб ўтирганди, шунда қамишнинг нафис шитирлашидан соҳибжамол Сиринганинг видолашув саломи қулоққа чалинди. Пан бир талай қамишдан найбопини қирқиб олдида, улардан ёқимли овоз чиқадиган най ясади. Пан уни нимфанинг хотирасига



Най-Сиринга деб атади. Ўшандан буён буюк Пан ўрмонда ўзини узлатга тортиб, атрофдаги тоғларни нозик садоларга чулғайдиган най – сиринга (най-бурғуси) чалишни ёқтиради.

ПАННИНГ АПОЛЛОН БИЛАН БЕЛЛАШУВИ

Пан ўзининг най чалиши билан фахрланарди. Кунлардан бирида Аполлонни ўзи билан мусобақага тушишга даъват этди. Бу воқеа Тмола тоғи ёнбағирларида юз берганди. Мусобақага ўша тоғнинг худоси ҳакамлик қилганди. Дафна япроғидан гултож такқан, алвондай кип-қизил абоси(қалта хилъати)га бурканган, кўлида олтин кифара ушлаган Аполлон мусобақага ташриф буюрди. Мусобақани даставвал Пан бошлади. Унинг чўпонларга хос найидан оддий куйлар таралар ва Тмола ёнбағирлари бўйлаб нафис янграрди. Пан найининг товуши тинди. Шунда Аполлон ўз кифарасининг олтин торларини чертиб юборди. Илоҳий мусиканинг кўтаринки ва маҳобатли садолари ўзгача янграб кетди. Атрофдаги барча жонзот Аполлон мусикасини сеҳрлангандек тингларди. Кифаранинг олтин торлари тантанавор жаранглаганда бутун табиат теран сукунатга чўмарди, дам ўтмай, ғаройиб гўзаллик касб этиб, куй тўлқиндек қуйилиб келарди. Аполлон мусикаси тинди. Унинг кифарасининг сўнгги садолари ҳам тинди. Тмола тоғи тангриси Аполлонни ғолиб деб топди. Ҳамма буюк кифаранавоз маъбудни шарафлар эди. Фақат Мидасгина Аполлон мусикасидан завқланмади, у Паннинг оддий найини мақтарди. Жаҳли чиққан Аполлон Мидаснинг кулоқларидан ушлаб, чўзиб юборди. Шундан сўнг Мидас ўзининг эшакниқига ўхшаган кулоқларини салла билан ёпиб юрадиган бўлди. Аполлондан енгилган ғамгин Пан эса ўрмоннинг куюқ жойидан паноҳ топди. У ердан унинг ҳасрат тўла найининг нозик садолари эшитилиб турарди, ёш ва сулув нимфалар уларни меҳр билан тинглайдилар.

ҚАҲРАМОНЛАР

БЕШ АСР

Ҳесиоднинг «Ишлар ва кунлар» достони асосида баён этилган

Нурафшон Олимпда яшаётган умрибоқий худолар илк инсон зотини бахтли қилиб яратишганди. Бу ўзига хос олтин аср эди. Ўшанда осмонда маъбуд Крон ҳукмронлик қиларди. Ўша замонларда одамлар маъбудлар янглиғ на ташвиш, на машаққат ва на ғам-аламни биларди. Уларга бемажол кексалик ҳам ёт эди. Уларнинг қўл ҳамда оёқлари ҳамиша кучли ва бақувват эди. Беозор ва саодатли ҳаётлари эса мангу зиёфатлардан иборат эди. Узоқ умр кўргандан сўнг бошга тушган ўлим улар учун осойишта ва осуда уйқуни эслатарди. Уларнинг тирик чоғидаги турмуши фаровон ва бадастур бўлди. Ернинг ўзи беқиёс бойлик бахш этарди, шу боисдан меҳнат сарфлаб, ерга ишлов беришга тўғри келмайдиган ширин-шакар мевалар келтирувчи боғларни айтмайсизми! Подаларининг сонисаноғи йўқ эди, улар серўт сайхонларда бемалол ўтлаб юрардилар. Олтин асрда яшаётганлар тинч ва осуда ҳаёт кечирарди. Худолар одамлар билан бамаслаҳат иш қилишарди. Бироқ олтин аср абадий эмас экан, тамом бўлди, ўша одамлар авлодидан ҳеч ким қолмади. Олтин аср одамлари ўлгандан кейин арвоҳлар янги авлод кишиларининг ҳомийларига айланиб кетди. Улар туманга чулганган ҳолда елиб, ҳақиқатни муҳофаза қиладилар, ёвузликни жазолайдилар. Уларни ўлимдан сўнг Зевс шундай тақдирлаган эди.

Иккиламчи одам зоти ва иккиламчи аср бирламчисидек бахтли эмасди. Бу кумуш асри эди. Кумуш асри одамлари олтин асри одамларига на куч-қудратда, на ақлан тенг эдилар. Улар оналари бағрида ақли нуқслигича юз йиллаб яшар, вояга етар, ўшандагина уларни тарк этишарди. Камолот ёшига етганда кўп яшамасдилар, ақлсизликлари туфайли ҳаётда кўпинча бахтсизлик ва ғам-аламни бошдан кечирар эдилар. Кумуш асрининг одамлари итоаткор эмасди. Умрибоқий маъбудларга тобелик бажо келтиришмас, уларга қурбонлик келтиришни истамасдилар. Кроннинг буюк ўғли Зевс ер юзидан уларнинг уруғини бутунлай қуритди. Зевс улардан нурафшон Олимпда яшаётган маъбудларга тобе бўлмаганликлари учун ғазабланарди. Зевс уларни ер қаъридаги зулумот салтанатига кўчирди. У ерда улар на шодликни, на ғам-аламни билиб яшайдилар. Уларга одамлар хурмат бажо келтирардилар, холос.

Ҳазрати Зевс учламчи зот ва учламчи аср – мис асрини яратди. Лекин у кумуш асрига ўхшамасди. Зевс найза дастасидан даҳшатли ва қудратли одамларни вужудга келтирди. Мис асрининг одамлари



нолаю афгон келтирувчи уруш ва такаббурликни маъкул кўришди. Улар зироатчиликни билмас, улар боғлар ва далалар бахш этаётган самаралардан бебахра эдилар. Зевс уларга улкан бўй ва енгилмас куч-қудрат ато этган эди. Уларнинг қалби саркашлик ва жасоратга тўла, қўллари эса букилмас эди. Уларнинг қурол-аслаҳаси мисдан, уйлари ҳам мисдан бўлган, уларнинг иш қуроли ҳам мисдан эди. Ўша замонларда қора темирни ҳали билишмасди. Мис асрининг одамлари бир-бирларини ўз қўллари билан махв этишарди. Улар кўп яшамасдан қоп-қоронғи ва ваҳшатли Аид салтанати – Ер қаърига кириб кетардилар. Нечоғлик кучли бўлишмасин, барибир уларни бешафқат ўлим олиб кетарди, шу зайл ёрқин куёш ёғдусини бевақт тарк этардилар.

Мазкур зот қўланкалар салтанатини ихтиёр этди дегунча буюк Зевс шу заҳотиёк ҳаммани боқувчи замин узра анча олижаноб, анча одил яримхудолар деб аталган қахрамонларга тенг келадиган янги одамзотни яратди. Улар ҳам манфур уруш ҳамда дахшатли жангларда ҳалок бўлиб кетишди. Баъзилари етти дарвозали Фива ёнида, Кадм мамлакатада Эдипдан қолган мерос учун курашиб ҳалок бўлдилар. Бошқалари зебо кокилли соҳибжамол Еленани ўғирлаш учун ўз кемаларида кенг денгизни сузиб ўтиб, Троя ёнида ҳалок бўлишди. Уларнинг барчаси ўлимга дучор бўлгач, яшинчақнатар Зевс уларни тирик одамлар кўзидан узокқа, ернинг нариги чеккасига кўчирди. Яримхудо қахрамонлар Ўқёнуснинг суронли сувларига яқин оролларда саодатманд ва беғам ҳаёт кечиришарди. У ерларда ер бир йилда уч марта асалдай ширин ҳосил келтиради.

Сўнги, бешинчи аср одамзотнинг темир давридир. У ер юзида ҳамон давом этаркан, тун-кун тиним билмай ғам-андух ва тинкани қуритадиган машаққатли меҳнат одамларни ҳалок этади. Маъбудлар одамларни оғир ташвишларга дучор қилади. Тўғри, худолар ёвузлик ва яхшиликни бир-бирига аралаштириб юборишса-да, барибир ёвузлик устун, у ҳамма жойда ҳукмрондир. Болалар ота-онани менсимайдилар. Дўст дўстга содик эмас. Меҳмон меҳмоннавозликдан маҳрум. Ака-ука ўртасида меҳру оқибат йўқ. Кишилар ичган онтларига риоя қилмайдилар, ҳақиқат ва эзгуликнинг кадрига етишмайди. Виждон ва одилҳакамлик маъбудалари одамларни мутлақо тарк этган. Улар ўзларининг оқ либосларига бурканиб, сарбаланд Олимпдаги умрибоқий тангрилар томон парвоз этиб кетдилар, одамлар оғир мусибатга ҳукм этилган бўлиб, ёвузликдан ҳимояланишга ҳам ожиздилар.

ДЕВКАЛИОН ВА ПИРРА (ТЎФОН)

Мис асрининг одамлари хийла катта жинойтларга йўл қўйишди. Такаббур ва муртадлар Олимп худоларига, бўйин эгишмади, шу боисдан яшинчақнатар Зевс уларга қаҳрини сочди. Зевсни алалхусус Аркадиядаги Ликосура подшоси Ликаон ғазаблантирган эди. Кунлардан бир кун Зевс оддий одам сифатида Ликосурага келди. У ерда яшовчилар унинг худо эканлигини билишлари учун уларга қаромат кўрсатди, барча халойиқ унинг олдида тиз чўкиб, уни худо ўрнида кўриб, эҳтиром бажо келтиришди. Ёлғиз Ликаонгина Зевсга ҳурмат кўрсатмади ва унга эҳтиром бажо келтирганлар устидан кулди. Кейин Ликаон Зевснинг худолигини синашга қарор қилди. У саройида истиқомат қилиб турган гаров тариқасида олинган одамни ўлдириб, жасадининг бир қисмини пишириб, бир қисмини ковуриб, буюк яшинчақнатарга емак сифатида таклиф этди. Зевс унинг бундай аблаҳлигидан қаттиқ ғазабланди. Яшин зарбаси билан Ликаоннинг саройини вайронага, ўзини эса конхўр бўрига айлантирди.

Одамлар баттар муртадлашди, буюк булуткувар, қаттиққул Зевс одам зотини махв этишга қарор қилди. У ер юзига шундай жала куйдирдики, ҳамма нарса сув тагида қолди. Зевс шамолларнинг эсини ман этди, фақат рутубатли жануб шамоли Нот осмон бўйлаб қора булутларни ҳайдарди. Ерга челақдан қуйгандай жала ёғарди. Денгиз ва дарёлар суви ҳамон баланд кўтарилар, бутун борлиқ сув ичра сузар эди. Шаҳар деворлари, ибодатхона ва уйлар сув остида қолиб кетди, ҳатто шаҳар деворларидан анча юксак бўлган миноралар ҳам кўринмай қолди. Борган сайин ҳамма нарса – ўрмонлар билан қопланган тепаликлар, баланд чўққили тоғлар ҳам сув тагида қолди. Бутун Юнонистон денгизнинг кутурган тўлқинлари остида ғойиб бўлди. Фақат икки бошли Парнаснинг чўққисигина тўлқинлар ўртасидан қад кўтарган эди. Илгари деҳқон ўз далаларига ишлов берган ва маржон донасидай узум шодаларига кон бўлган тоқзорлар ўрнида балиқлар сузар, сув билан қопланган ўрмонларда эса дельфинлар тўдаси яйрарди.

Мис асридаги одамзот шу зайлда ҳалок бўлган эди. Ушбу ҳалокат чоғида икки нафар кишигина омон қолганди – бири Прометейнинг ўғли Девкалион ва хотини Пирра. Отасининг маслаҳатига кўра

Девкалион улкан кути ясади, уни егуликлар билан тўлдириб, ичига хотини билан ўзи кириб олди. Девкалионнинг кутиси тўққиз кечаю тўққиз кун бутун рубъи маскунни қоплаган денгиз тўлқинлари узра елиб юрди. Ниҳоят, тўлқинлар уни икки бошли Парнас тоғи чўққисига олиб чиқишди. Зевс юборган жала тинди. Девкалион ва Пирра кутидан эсон-омон чиқиб олишди. Уларни кутурган тўлқинлар гирдобиди омон қолдиргани учун Зевсга миннатдорлик рамзи сифатида қурбон келтиришди. Сув чекиниб, тагин тўлқинлар тагидан чўлдай бўм-бўш бўлиб қолган ер кўринди.

Ўшанда пурқудрат Зевс худолар хабарчиси Ҳермесни Девкалион хузурига юборди. У бўшаб қолган ер узра шамолдай елиб, Девкалион хузурида ҳозир нозир бўлди ва унга деди:

– Маъбудлар ва одамлар ҳукмдори Зевс сенинг олижаноблигингни инобатга олиб, қандай мукофотни танлашингни амр этди. Истагингни баён этсанг бас, Кроннинг ўғли уни албатта бажо келтиради.

Девкалион Ҳермесга шундай жавоб берди:

– О, буюк Ҳермес, Зевсдан ягона истагим, токи у ер юзини тагин одамлар билан обод этса.

Илдамқадам Ҳермес нурафшон Олимпга етиб келди ва Зевсга Девкалионнинг илтижосини баён этди. Буюк Зевс Девкалион да Пиррага тошларни йиғиб, уларни орқага ўгрилмасдан бошдан ошириб ташлашни амр қилди. Девкалион қудратли яшинчакнатарнинг амрини бажо келтирди, ўзи ташлаган тошлардан эркаклар, хотини Пирра ташлаган тошлардан хотинлар яралди. Ана шу зайл Ер тўфондан сўнг яна одамлар масканига айланди, унда янги – тошдан яралган одам зоти яшай бошладди.

ПРОМЕТЕЙ

Эсхилнинг «Занжирбанд Прометей» – фожиаси асосида баён этилган

Ернинг нариги чеккасидаги, одам оёғи тегмаган, скифлар мамлакатадаги овлоқ бир пучмок, хилват бир жой. Учи ўткир, даҳшатли ва чўнг қоялар булутлар сари ўрлайди. Атрофда ўсимликдан нишона йўқ, заррача бўлсин майса кўринмайди, ҳамма томон яланғоч ва зулмат қўйнида. Қаерга қараманг қоялардан узилган улкан, қоп-қора тош парчалари қалашиб кетган. Ўз долғалари билан қоялар бағрига урилаётган денгиз шовқин солиб гумбурлайди, шўр томчилар осмонга сапчийди. Соҳилбўйи қоялари денгиз кўпиги билан қопланган. Олис-олисларда, қоялар ортида Кавказ тоғларининг қорли чўққилари кўришиб турипти. Булутлар борган сайин баландга ўрлаб, кўёш нурларини бекитади. Теварак-атроф тобора даҳшатга чўмади. Бефайз ва ваҳимали бир маскан. Бу ерларга ҳеч қачон инсон оёғи тегмаган. Худди шу ерга, ернинг бир чеккасига Зевснинг хизматкорлари қоя чўққисига метиндек мустаҳкам занжирлар билан занжирбанд қилмоқ учун оёқ-қўли боғланган титан – паҳлавон Прометейни олиб келишди. Прометейни яшинчакнатарнинг енгилмас хизматкорлари, Куч ва Ҳукм етаклаб борарди. Уларнинг баҳайбат жуссалари худди гранит(харсанг)дан ўйилгандай. Уларнинг қалби ачиниш нелигини билмайди, кўзларида раҳмдиллик ёғдусидан асар ҳам йўқ, уларнинг турқи атрофда қад кўтарган улкан қоялардек совуқ. Уларнинг ортида қўлида чўнг болғаси билан ғамгин қадам ташлаб маъбуд Ҳефест бормоқда. Уни даҳшатли юмуш кутмоқда. Ҳефест дўсти Прометейни ўз қўли билан занжирбанд қилмоқчи. Ҳефестни дўстининг қисмати ҳақидаги чуқур ғам-андух эзмокда, аммо у отаси, яшинчакнатар Зевснинг ҳукмига қарши чиқишга журъат этолмайди. У Зевснинг ўзига итоаткорлик кўрсатмаганларни қандай жазолашини яхши билади.

Куч ва Ҳукм Прометейни қоя чўққисига олиб чиқди, улар Ҳефестни шошилтирмоқда. Бу бешафкат сўзлар Ҳефестни дўсти учун янада қаттиқ изтироб чекишга мажбур этади. У истар-истамас улкан болғасини қўлига олади, заруриятгина уни итоаткор бўлишга мажбур этади. Лекин Куч уни беомон қистайди:

– Тезроқ, тезроқ кишанларни ол! Болғангнинг оғир зарбалари билан Прометейни қояга занжирбанд қил. Унинг учун беҳуда ғам тортаяпсан, ахир сен Зевснинг душмани учун қайғурмоқдасан.

Куч Ҳефестга Прометейни ҳеч нарса озод қилолмайдиган даражада занжирбанд қилмоғинг лозим дея Зевснинг ғазабини рўқач қилиб, таҳдид солади. Ҳефест Прометейнинг қўлларини ва оёқларини қояга узилмас занжирлар билан боғлайди. У ҳозир ўз санъатидан қандай нафратланарди, ахир, ўша туфайли дўстини чексиз азобга дучор этмоқда. Зевснинг бераҳм малайлари дам-бадам Ҳефестнинг ишини кузатиб турарди:

– Болғангни яхшилаб ур! Кишанларни маҳкамроқ боғла! Уларни бўш кўя кўрма! Прометей айёр, у хар қандай енгиб бўлмайдиган тўсиқлардан ўтиб кетишга қодир, – дейди Куч. – Уни маҳкам боғла, токи у шу ерда Зевсни алдашнинг қандайлигини билиб олсин.

– Сенинг золимларча айтаётган сўзларинг бераҳм турқингга қандай мос келади-я! – хитоб қилди Ҳефест ишга киришаркан.

Болғанинг залворли зарбаларидан қоя ларзага келади, кучли зарбаларнинг гумбури ернинг у бошидан бу бошигача тарқалади. Ниҳоят, Прометей занжирбанд қилинади. Бу ҳали ҳеч нарсамас, яна унинг кўксига қаттиқ пўлат тиг санчиб, уни қояга михлаб қўйиш лозим. Ҳефест ҳаяллайди.

– Эҳ, Прометей! – хитоб қилади у. – Сенинг изтиробингни кўриб, қандай ғам чекаётганимни билсайдинг!

– Сен ҳамон ҳаялламоқдасан! – дейди Ҳефестга дарғазаб ҳолда Куч. – Сен Зевснинг душмани ҳақида қайғураяпсан! Ҳой, менга қара, тагин ўз ҳақингда ғам тортишга тўғри келмасин!

Пировардида ҳамма иш ниҳоясига етди. Ҳаммаси Зевс амр этгандек яқунланди. Паҳлавон занжирбанд этилди, унинг кўксига пўлат тиг санчилди. Прометей устидан куларкан, Куч унга дерди:

– Мана энди, шу ерда истаганча такаббурлик қилишинг мумкин. Илгаригидек мағрур туравер! Фонийларга худолардан ўғирлаган совғаларни улашавер! Қани, ўша фонийлар сенга қандай ёрдам бериш қудратига моликлигини кўрайлик. Ушбу кишанлардан озод бўлиш ҳақида ўйлаб кўришга тўғри келади.

Аммо Прометей мағрур сукут сақларди. Ҳефест қояга занжирбанд қилиш асносида у ҳатто оғиз очмади, секингина бўлсада, инграмади, у ўз изтиробларини асло фош этмади.

Зевснинг малайлари – Куч ва Ҳукм, улар билан бирга юраги ғамга тўлган Ҳефест ҳам кетди. Прометей ёлғиз қолди. Унинг оху ноласини фақат денгиз ва қора булутларгина эшитиши мумкин эди. Қудратли титан-пахлавоннинг жароҳатланган кўксидан эндигина оғир ингроқ овози эшитилди, эндигина у ўзининг шум тақдирдан нолий бошлади. Прометей қаттиқ хитоб қилди. Унинг нолишларида сўз билан ифодалаб бўлмайдиган изтироб ва алам мавжуд эди:

– О, илоҳий самовот ва елиб-югурувчи шамоллар, о, дарёларнинг манбалари, денгиз тўлкинларининг тиним билмас шов-шуви, о, умумбашар онаси – ер, о, аламни илғаган офтоб – барчангизни гувоҳликка даъват этаман! Кўриб турибсиз, чидаш бермоқдаман! Кўриб турибсиз, йиллар бўйи қандай шармандаликка бардош бермоғим лозим! О, шўрим курсин, шўрим курсин! Азоб-уқубат ичра ғоят кўп йиллар инграйман ҳали! Изтиробларимга қандай чек қўйишимни билмайман. Нималар деяпман ўзи мен? Ахир мен оқибати қандай бўлишини билардим-ку! Бу азиятларга мен қутилмаганда дучор бўлмаганман. Машъум тақдирнинг муқаррарлигини билардим. Энди бу изтиробларга чидаш бермоғим шарт! Хўш, қайси нуқсоним учун? Чунки мен умрибоқий бўлмаган фоний зот-одамларга буюк салоҳиёт бахш этганман, ана шунинг учун бардош бериб бўлмайдиган азобларни бошдан кечирмоғим лозим, ўша азоблардан сира қочиб қутулолмайман. О, шўрим курсин, шўрим!

Мана тўсатдан қанотлар қоқилганда пайдо бўладиган секин шовқин кулоққа чалинди, гўёки энгил жисмларнинг учиши ҳавони ҳаракатга келтиргандай бўлди. Кекса Океан (Ўқёнус)нинг узок соҳилларидан, соя-салқин ғордан қояга томон энгил шаббода ёрдамида маҳодада океанид (Ўқёнусзода)лар жадаллаб келишди. Улар Ҳефест болғасининг зарбаларини эшитган эдилар, уларнинг кулоғига Прометейнинг инграшлари ҳам етиб борган эди. Қояга занжирбанд қилинган қудратли титан – паҳлавонни кўрганларида ўқёнусзодаларнинг қуралай кўзларидан ёш тирқираб кетаверди. У ўқёнусзодаларнинг жигаргўшаси эди. Прометейнинг отаси Япет ўқёнусзодаларнинг отаси – Ўқёнуснинг укаси, Прометейнинг хотини Ҳесиона эса уларнинг синглиси эди. Ўқёнусзодалар қояни ўраб олишди. Улар Прометей олдида чуқур қайғуга чўмишганди. Лекин Прометейнинг Зевс ва барча Олимпсоҳиб худоларни лаънатлаётгани уларнинг кўнглига кутку солади. Улар Зевс паҳлавоннинг изтиробларини баттар кўпайтирмасин деб кўрқишади. Унинг нечун бундай жазога маҳкум этилганидан ўқёнусзодалар беҳабар эди. Улар Прометейга бағоят ачинган ҳолда ундан Зевс нима сабабдан жазолагани, паҳлавон уни нечун ғазаблантиргани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдилар.

Прометей уларга Зевсга титанларга қарши курашда қандай ёрдам берганини, қандай қилиб онаси Фемидани ва буюк ер маъбудаси – Геяни Зевс тарафида бўлишга кўндирганини сўзлаб берди. Зевс Прометейнинг маслаҳати туфайли титанларни енгиб, уларни даҳшатли Тартар – жаҳаннам қаърига иткитиб юборган эди. Зевс дунё устидан ҳукмронликни қўлга киритиб, уни янги Олимпсоҳиб маъбудлар билан баҳам кўрди, ўзига ёрдам берган ўша титанларга дунёда ҳеч қандай ҳокимиятни раво кўрмади. Зевс титанларни ёмон кўради, уларнинг даҳшатнок кучларидан кўрқади. Зевс Прометей-

га ҳам ишонмас, ундан нафратланарди. Прометей Крон ҳукмронлик қилган даврда ҳам яшаган, аммо Зевс маҳв этмоқчи бўлган бахтиқаро фонийзот – одамларни ҳимоя қила бошлаган вақтда айниқса Зевснинг унга бўлган нафрати ошиб кетган эди. Прометей ҳали ақлга эга бўлмаган одамларни аяди, у уларнинг бадбахтларча даҳшатли Аид салтанатига ноил бўлишларини истамасди. У уларга умид бахш этди, улар учун илохий унсур – оловни ўғирлади, ҳолбуки бунинг учун қандай жазоланишини яхши биларди. Ваҳимали қатл даҳшати одамларга ёрдам бериш истаги билан ёнган мағрур титанга монелик қилолмасди. Унга афсунгар онаси Фемиданинг огоҳлантиришлари ҳам қаршилиқ қилолмади.

Ўқёнусзодалар Прометейнинг ҳикоясини теран ҳаяжон билан тинглашарди. Ва ниҳоят, ўзининг жадал қанотли маҳодасида қоя ёнига афсунгар Океан (Ўқёнус)нинг ўзи етиб келди. Ўқёнус Прометейни Зевс ҳукмига бўйин эгишга кўндиришга уринади: ахир, у даҳшатли Тифоннинг устидан ғолиб келган Зевс билан тенглашишнинг бефойда эканлигини билиши лозим. Океан Прометейга ачинади, у бардош бериб турган азоб-уқубатни кўриб, ўзи ҳам изтироб чекади. Кекса афсунгар нурафшон Олимпга бориб, Зевсдан титанга раҳм қилишини илтижо этишга, у ҳатто ўз илтижолари билан яшинчақнатарнинг ғазабига дучор бўлишга ҳам тайёр. У бировни ҳимоя қилиш учун айтилган доно фикр кўпинча жаҳлни юмшатишини билади. Бироқ Ўқёнуснинг ёлворишлари беҳуда, Прометей унга мағрурона шундай жавоб беради:

– Йўк, ўзингни халос қилишга урин. Менга ачинишларинг тагин бошингга бало келтирмасин дея кўрқаман. Тақдир насиб этган ёвузлик қадаҳини тубигача сипқораман. Сен-чи, Ўқёнус, мен учун ёлвориб, Зевснинг ғазабини кўзғотишдан ҳазар қил.

– Ҳа, билиб турибман, – ғамгин жавоб беради Ўқёнус Прометейга, – бундай дейиш билан сен мени ҳеч нарсага эришмай қайтишга мажбур этаяпсан. Сўзимга ишон, Прометей, мени бу ерга фақат сенинг қисматинг ҳақидаги ўйларим ва сенга бўлган меҳрим етаклаб келди!

– Йўк! Кет! Тезроқ, тезроқ жўнаб қол бу ердан! Мени тинч қўй! – дея хитоб қилади Прометей.

Ўқёнус Прометейни юраги ҳасрат-надоматга тўлган ҳолда тарк этди. У ўзининг қанотли маҳодасида учиб кетди. Прометей эса ўқёнусзодаларга Зевс иродасига қарши бориб, одамлар учун нималар қилганини, уларга қандай марҳамат кўрсатганини ҳикоя қилишда давом этарди. Лемносдаги Мосх тоғида Прометей ўз дўсти Ҳефестнинг ўчоғи (ўтхонаси)дан одамларга олов ўғирлаб берганди. У одамларга хунармандчиликни ўргатди, уларга билим берди, уларни ўқиш ва ёзишга, ҳисоблашга ўргатди. У уларни турфа маъданлар билан таништирди, уларни ер қаъридан қандай қилиб олиш ва уларга қандай ишлов беришни ўргатди. Одамлар ҳўкизларнинг кучидан фойдалана олсин деб Прометей фонийзот – одамлар учун ёввойи ҳўкизни қўлга ўргатди ва унга бўйинтуруқ кийгизди, кишилар ерга ишлов беришда ҳўкиз кучидан фойдаланадиган бўлдилар. Прометей отни маҳодага қўшиб, уни одамларга бўйсунадиган қилди. Донишманд титан биринчи кемани ясади, уни жиҳозлади, одамни сарҳадсиз денгиз узра тезда манзилига етказсин дея унга зиғир поясидан тўқилган елканлар ўрнатди. Қадимул аввал кишилар дориларнинг нималигини билмас, касалларни даволай олмасдилар, одамлар касалликлар олдида ожиз эдилар, бироқ Прометей уларга дорининг кучини кўрсатди, шундай қилиб, одамлар касалликни даволайдиган бўлишди. У ҳаётнинг ғам-ҳасратини енгиллаштирадиган, уни бахтли ва масъуд қиладиган ҳамма нарсага ўргатди. Шу боисдан у Зевснинг ғазабини кўзғотди, шу сабабдан яшинчақнатар уни жазолади.

Аммо Прометей мангу изтиробга маҳкум этилмаган. У Зевснинг бошига ҳам шум қисмат кулфатининг тушажагини билади: у ўз тақдирдан қоча олмайди! У сарбаланд Олимп салтанатидан маҳруму Мосуво бўлиши табиий. Афсунгар титан Зевснинг ушбу қисматдан қандай қутулишини билади, аммо бу буюк сирни у Зевсга зинҳор очмайди, ҳеч қандай куч, ҳеч қандай таҳдид, ҳеч қандай азоб-уқубат мағрур Прометейни сирни очишга мажбур этолмайди.

Прометей ўз қиссасини тугатди. Ўқёнусзодалар уни ҳайрат ва мароқ билан тинглашди. Улар қудратли титаннинг буюк донишмандлигига, унинг руҳан кучлигига, яшинчақнатар Зевсга қарши исён кўтаришга журъат этганига таажжубланишарди.

Прометейнинг Зевснинг бошига кулфат тушажагини билишидан воқиф бўлган ўқёнусзодаларни даҳшат чулғаб олди. Агар ушбу таҳдидлар Олимпга етиб борса, яшинчақнатарнинг ўша ҳалокат келтирувчи сирни билиб олиш учун ҳеч нарсадан қайтмаслигини ўқёнусзодалар билар эдилар. Шафқатсиз қисматнинг муқаррарлиги ҳақидаги фикрдан даҳшатга тушган ўқёнусзодаларнинг кўзларидан юм-юм ёш келарди. Қоя узра чуқур сукунат ҳукм сурарди. Уни фақат денгизнинг тиним билмас шовкини бузарди.

Дафъатан узоқ-узоқлардан кулоққа эшитилар-эшитилмас, зўрға илгаса бўладиган инграш товуши чалинди. У шубҳасиз қоя томондан келарди. Ингроқ овози борган сайин яқинлашар ва кучаярди. Арголиданинг биринчи подшоси, дарё худоси Инахнинг қизи Ио Ҳера юборган улкан ари – сўна томонидан таъқиб этилган ҳолда кўпикка ботиб, ҳаммаёғи қонга беланган, ғазабга тўлиб, телбаларча югуриб келмоқда эди. Сарсон саргардонликда ҳолдан тойган, сўнанинг нишидан жароҳатланган бахти қаро Ио занжирбанд Прометей олдида тўхтаб қолди. У дод солиб, зорланаркан, бошидан кечирганларини сўзлаб беради, афсунгар титанга-ялина бошлайди:

– О, Прометей, шу ергача овораи жаҳон бўлиб келдим, сендан илтижоим шудир: каромат қилиб айт-чи, азоб-укубатларимнинг чеки борми, менга осойишталик насиб этадими-йўқми?

– Сўзимга ишон, о, Ио! – жавоб берди Прометей. – Буни билгандан кўра билмаганинг яхши. Сен ҳали кўп мамлакатларда бўласан, йўлингда бир талай балою даҳшатларга дуч келасан. Сенинг машаққатли йўлинг скифлар мамлакатидан, қорли юксак Кавказ тоғларидан, амазонкалар юртидан Босфор сари ўтади, уни сузиб кечганингдан кейин, сенинг шарафингга унга номингни берадилар. Осиё бўйлаб узоқ йиллар сарсон бўласан. Сўнгра эса ўлим келтирувчи Горгонлар мамлақати ёнидан ўтасан. Уларнинг бошларида соч ўрнига вишиллаган илонлар тўлғонади. Улардан эҳтиёт бўл! Грифлар – танаси арслон, бургут бошли баҳайбат махлуқлардан ва бир кўзли аримасплардан эҳтиёт бўл, чунки йўлингда уларга ҳам дуч келасан. Ниҳоят, сен Бобилин тоғларига етасан, Нил дарёси хузурбахш сувларининг ибтидоси ўша ерда. Худди ўша ерда, Нил сувларидан баҳра олаётган ўша мамлакатда, ўша дарёнинг мансабида осойишталик топасан. Ўша ерда Зевс сени аввалги соҳибжамол киёфангга қайтаради, сендан Элаф исми ўғил туғилади. У бутун Мисрга ҳукмрон бўлади, у шонли қахрамонлар авлодининг бобокалони бўлади. Мени кишанлардан озод қиладиган фонийзот – одам ҳам ўша уруғдан дунёга келади. Сенинг тақдиринг ҳақида, Ио, афсунгар онам Фемиданинг баён этганлари шулардан иборат.

Ио қаттиқ хитоб этди:

– Шўрим курсин, оҳ, менинг шўрим курсин! Шум қисматим мени ҳали не қуйларга соларкан! Даҳшат! Юрагим қинидан чиқиб кетай дейди! Тагин жунунлик балосига гирифтор бўламан, эзилган танамга тагин ўша бешафқат ниш санчилади, мен яна тилдан қолмоқдаман! Эҳ, шўрим курсин, шўрим!

Телбаларча кўзларини ола-кула қилиб, Ио гўё кутургандек қоядан узоқлашаркан, ғизиллаб кетди. У бамисоли қуюндек узоқ-узоқларга еларди. Унинг ортидан овозининг борича ғўнғиллаб, сўна еларди.

Унинг оғули ниши бечора Ионинг баданини ўтдай ёндириб юборарди. У чанг-тўзон булути ичра ниҳон бўлиб, Прометей ва ўкёнусзодалар кўзига кўринмай қолди. Унинг оху фарёди борган сайин пасайиб, ниҳоят тинди.

Бахти қаро Ио ҳақида қайғураркан, Прометей ва ўкёнусзодалар жим қолишди, Прометей бирдан ғазабга тўлиб, хитоб қилди:

– Эй яшинчақнатар Зевс, сен менга қанча азоб бермагин, сенинг бошингга ҳам фақирлик ва нота-вонлик тушадиган кун келади албатта. Салтанатингдан маҳрум бўлиб, зулмат дунёсига тушиб кетасан. Ўшанда отанг Кроннинг лаънатлари ижобат бўлади! Бу шум тақдирнинг олдини олишга худоларнинг ҳеч бири қодир эмас. Бу фақат менга аёндир! Сен ҳозирча соҳиби қудрат бўлиб ўтирибсан, нурафшон Олимп сенга маскан, яшину чакмоқларингни истаганча итқитмоқдасан, аммо улар сенга кўмак бўлолмайди, улар муқаррар қисмат олдида ожиздирлар. Эй хоки-туроб, ҳокимлик ва қуллик ўртасида нечук тафовут борлигини ўшанда биларсан!

Прометейнинг жасураона баён этган сўзларидан кўрқиб кетган ўкёнусзодаларнинг кўз ўнги қоронғилашди, даҳшатга тушганларидан алвондай юзларида қон қолмагани. Ниҳоят улар денгиз кўпигидай оппоқ қўлларини Прометей томон ёзиб, хитоб қилишди:

– Телба! Наҳотки маъбудлар ва одамлар худоси Зевсга таҳдид солишдан кўрқмасанг? О, Прометей, у сени бундан баттар қийноқларга солиши мумкин-ку! Ўз тақдирингни ўйласанг-чи, ўзингни асра!

– Мен ҳаммасига тайёрман!

– Лекин донолар шафқатсиз тақдирга тан беришади-ку, ахир!

– Майли ялининглар, раҳм-шафқат сўранглар! Даҳшатли ҳукмдор олдида тиз чўкиб эмаклайверинглар! Аммо яшинчақнатар Зевс мен учун кўрқинчли эмас, менинг ундан кўрқадиган жойим йўқ!

Мен ўлимга маҳкум эмасман! Майли Зевс хоҳлаганини қилаверсин. Унинг худолар устидан ҳукмронлиги узоққа бормайди!

Прометей ушбу сўзларни айтиб улгурмасдан, ҳаводан шиддат билан ағдарилиб тушаётган юлдуздай худолар элчиси Ҳермес Прометей олдида ҳозир у нозир бўлди. Уни титандан, Зевсни ким кулатади, қисмат амридан қандай қутулиш лозим деган саволга жавоб талаб қилиш учун яшинчақнатар Зевс юборган эди. Ҳермес Прометейга осийлиги учун қўрқинчли жазолар билан таҳдид солади. Бироқ қудратли паҳлавон ўз сўзида қатъий туриб, Ҳермесга истехзо билан жавоб қайтаради:

– Заррача бирор нарса билиб олиш ниятинг бўлса, демак, сен ҳали гўдақларга хос ақлга молик экансан, билиб қўй, мен ўз ғам-аламимни Зевсга кулларча хизмат қилишга алмашмайман асло. Мустабид Зевсга содиқ малай бўлгандан кўра шу ерда қояга занжирбанд бўлганим минг бор афзал. Зевс ўзининг қатл ва азоб-уқубатларини рўқач қилиш билан мени сирни очишга мажбур этолмайди. Йўқ, тақдир амридан қандай қутулишни у билмайди, ундан ҳокимият тортиб олинажагини мустабид Зевс ҳеч қачон билиб ололмайди!

– Сўзимга қулоқ сол, Прометей, Зевснинг иродасига қарши бораверсанг, аҳволинг не кечади, – жавоб беради Ҳермес. – Ахир у чақмоғининг зарбаси билан сени қоя билан бирга кунпаякун қилиб, ер қаърига киритиб юбориши ҳеч гапмас. У ерда, тоғ зиндонда талай асрлар куёш нуридан маҳрум бўлиб, қоп-қоронғи теран ер қаърида эзиласан. Асрлар ўтади, Зевс сени ер қаъридан ёруғликка олиб чиқади, аммо у сенга сира қувонч бахш этмайди. Ҳар куни Зевс юборган бургут учиб келади, у ўзининг ўткир чангали билан жигарингни бурдалаб ташлайди. У тагин илгариги ҳолига қайтади, изтиробларинг кун сайин кўпаяди. Сенинг ўрнингга бошқа биров даҳшатли Аид салтанатига тушишга кўнгилли суратда рози бўлмагунча қояда осилиб тураверасан. Ўйлаб кўр, Прометей, Зевсга бўйин эгганинг маъқулдир балки! Зевснинг ҳеч қачон беҳудага таҳдид солмаслигини биласан-ку!

Мағрур титан қатъиятлилигича қолди. Унинг қалбига нима ҳам қутқу сола оларди? Тасодифан ер зириллаб кетди, атрофдаги ҳамма нарса ларзага келди. Момоқалдирак қулоқни қар қилгудек гумбурлаб кетди-ю, фавқулодда чакнаган яшин ҳамма ёқни нурга чўмдирди. Бирдан кутурган қоп-қора қуюн ҳуружи бошланди. Денгиздан кўтарилган пўртаналар баҳайбат тош палахсаларини эслатарди. Ўқирган бўрон, гулдираган момоқалдирак ва зилзиланинг гумбурлаши Прометей фарёдига жўр бўлиб кетганди:

– Эҳ, қалбимга кўркув солмоқ учун Зевс менга қарши қандай зарбалар юбормоқда-я! О, муҳтарама онам, Фемида, о, жаҳонни нурга фарқ айлагувчи самовот! Қаранг, нечук истибдод ила жазоламоқчи мени Зевс!

Қоя ўзига занжирбанд қилинган Прометей билан бирга мангу зулмат ҳукм сурган тубсиз чуқурликка гурсиллаб ағдарилди!

Орадан неча-неча асрлар ўтди-ю, Зевс Прометейни тагин зулматдан ёруғликка олиб чиқди. Лекин унинг изтиробларига чек қўйилмади. Улар баттар оғирлашди. У ҳамон баланд қояга миҳланган, кишанланган ҳолда ястаниб ётибди. Унинг танасини жазирама куёш нурлари ёндиради, унинг тепасида эса совуқ бўрон ўқиргани ўқирган, унинг озиб-тўзиб кетган баданини ёмғир ва дўл аёвсиз савалайди, қишда эса Прометей устидан паға-паға қор ёғади, муздек изғирин унинг аъзои-баданини жунжиктириб юборади. Шунча азоб-уқубат озлик қилгандай, ҳар кун баҳайбат бургут қудратли қанотларини қоқиб, қояга учиб келади. У Прометейнинг кўксига кўниб, уни ўзининг пўлатдай ўткир тирноқлари билан бурдалайди. Бургут титаннинг жигарини чўқирди. Қон селдай қуйилиб, қояни қип-қизил тусга бўйяди. Қон оқими қоя тагида лахта-лахта бўлиб қотиб қолади. У куёш чиққач, сасийди ва бутун атрофдаги ҳавони бадбўй ҳид чулғаб олади. Бургут ҳар куни тонг чоғи учиб келади ва ўзининг қонли таомини ошай бошлайди. Тун бўйи яралар битиб, жигар яна ўсиб чиқади, у тагин бургутга янги таом бўлиб қолади. Ушбу азоб-уқубат йиллар ва асрлар бўйи давом этади. Қудратли титан Прометей ҳолдан тойган, аммо унинг мағрур руҳини изтироблар чўқтиролмаган.

Титанлар аллақачон Зевс билан ярашиб, унга тобе бўлишган эди. Улар унинг ҳокимиятини эътироф этишгач, Зевс уларни Тартар – қоронғи жаҳаннам қаъридан қутқазган эди. Энди бўлса баҳайбат ва қудратли титанлар Прометей занжирбанд бўлган қоя ёнига келиб, Прометейни Зевсга бўйин эгишга кўндирмоқдалар. Прометейнинг онаси Фемида ҳам келди, у ўғлига ғурурингни бос, Зевсга қаршилиқ кўрсатма дея ялинарди. У сенинг изтиробларингни кўравериб, изтироб чекаётган онангга ачин дея ёлворади. Зевс ҳам сенга бўлган илгариги ғазабини унутган. Энди унинг давлати қучли, унга ҳеч нарса таъсир этолмайди, ҳеч нарса даҳшат сололмайди, дейди ўғлига. Ҳа, у илгаригидек мустабид

хам эмас, у давлатни ва қонунларни қўриқлайди. У одамлар ва улар ўртасидаги адолатлиликка хомийлик қилади. Уни безовта қилаётган бирдан бир нарса – Прометей билган сир. Агар Прометей ўша ҳалокат келтирувчи сирни баён этса, Зевс қудратли титаннинг гунохидан ўтишга тайёр. Прометей азоб-укубатдан халос бўладиган вақт яқин: Титанни у маҳкум этилган кишанлардан қутқазадиган буюк қаҳрамон дунёга келиб, вояга етган эди. Бехисоб азиятлар туфайли эзилган Прометей куч-қувватдан ажралса-да, ҳамон қатъиятлилигини йўқотмай турарди, сирни очмасди. Ниҳоят, Прометейни озод қилишга ноил буюк баҳодир ўзининг узоқ саёҳатларидан сўнг бу ерга, замин чеккасига келиб қолди. Ўша қаҳрамоннинг номи – Ҳеракл, у одамларнинг энг кучлиси бўлиб, бамисоли маъбуддек қудратли эди. У Прометейнинг изтиробларидан даҳшатга тушиб разм соларкан, уни ачи-ниш хисси чулғаб олди. Титан Ҳераклга ўзининг шум қисмати ҳақида хикоя қилади, у, шунингдек, унинг келажакда қандай буюк қаҳрамонликлар кўрсатишини каромат қилади. Ҳеракл титаннинг хикоясини диққати шоён бўлиб тинглайди. Лекин Ҳеракл Прометей бошидан кечирган азобларнинг ҳаммасини кўрмаган. Узоқдан қудратли қанотларнинг шовқини эшитилади, бу ўзининг қонли таомига учиб келаётган ўша бургут. У осмонда, Прометей устидан баландлаб учиб ўтар, унинг кўксига кўнишга интиларди. Ҳеракл унга Прометейнинг кўксини тилка-пора қилишга қўймади. У ўқ-ёйини кўлга олдида, садоғидан ажал сочувчи ўқини суғурди, ўқнинг учишини тўғри йўлга солиш учун ўқотар мерган Аполлонни ёрдамга чорлади ва ўқни узди. Камалак ипи қаттиқ жаранглади, ўқ визиллаб учиб кетди, жароҳатланган бургут шундайгина қоя тагига, чайкалиб турган денгизга кулаб тушди. Озодлик они келди. Юксак Олимпдан илдам қадам Ҳермес етиб келди. У қудратли Прометейга хушмуомалалик билан мурожаат қилди ва Зевснинг шум қисматдан қандай кутулиб қолиш ҳақидаги сирни баён этса, уни дарҳол озод қилажагини айтди. Ниҳоят қудратли Прометей Зевсга сирни очишга розилик билдирди ва деди:

– Яшинчақнатар денгиз маъбудаси Фетидага уйланмасин, чунки тақдир илоҳалари – афсунгар мойралар башоратига кўра Фетида Зевсга хотин бўлади, унинг эри ким бўлишидаи қатъий назар, ундан ўғил туғилади, у отасига нисбатан кучли бўлади. Маъбудлар Фетидани қаҳрамон Пелейга хотинликка беришсин, Фетида билан Пелейнинг ўғли Юнонистоннинг фонийзот қаҳрамонларидан энг улуғи бўлади.

Прометей буюк сирни очди. Ҳеракл зилдай оғир кишанларни ўзининг улкан гурзиси билан чилпарчин қилиб ташлади, унинг кўксидан метиндек қаттиқ пўлат тиғни суғуриб олди. Титан оёққа турди, энди у озод бўлган эди. Азоб-укубатларига чек қўйилди. Ўзини фонийзот озод қилажаги ҳақидаги каромати ижобат бўлди. Прометейнинг озод бўлишини титанлар шодон қийқириқлар билан кутиб олишди.

Ўшандан буён талай асрлар давомида сўз билан таърифлаб бўлмайдиган азоб-укубатга бардош берган ва ўзи занжирбанд қилинган ўша қоядан олинган тош парчаси ўрнатилган темир халқани кўлида олиб юради.

Ер ости – ўликлар салтанатига Прометей ўрнига донишманд кентавр Ҳирон тушишга рози бўлди. Шу билан у Ҳеракл томонидан бехосдан берилган зарбадан олган бедаво жароҳат изтиробидан халос бўлди.

ПАНДОРА

Прометей фонийзот – одамлар учун маъбудлардан ўт (олов) ўғирлаб, уларга хунар ва санъат ўргатганда ва уларга билим берганида ерда саодатманд ҳаёт вужудга келган эди. Прометейнинг қилмишидан ғазабланган Зевс уни шафқатсизларча жазолагач, ердаги одамларга ёвузлик юборган эди. У донғи кетган темирчи – худо Ҳефестга тупроқ билан сувни аралаштириб, ўша аралашмадан инсоний куч-қувват, нозик овоз ва умрибоқий маъбудларники янглиғ нигоҳга молик бўлган соҳибжамол қизни яратишни амр этди. Зевснинг қизи Афина-Паллада унинг учун бекиёс гўзал либос тайёрламоғи лозим эди. Муҳаббат маъбудаси олтин сочли Афродита эса унга тенги йўқ гўзаллик бахш этмоғи керак эди. Ҳермес бўлса унга айёрлик ва чапдастликни ўргатмоғи зарур эди.

Маъбудлар ўша заҳотиёқ Зевс амрини бажо келтиришди. Ҳефест тупроқдан бағоят гўзал қиз яратди. Маъбудлар унга жон ато этдилар. Афина-Паллада хариталари (гўзаллик илоҳа) билан бирга қизни куёш сингари ялтироқ либосларга буркади, унинг бўйнига олтин мунчоқлар тақишди. Хура (йил фасллари алмашиниши илоҳа)лари – Зевснинг чўрилари унинг ҳашаматли кўнғир сочларига муаттар

бахор гулларида гулчамбарлар тақиб қўйишди. Ҳермес унинг оғзидан чиқадиган сўзларга алдоқчилик ва ялтоқлик муҳрини босди. Маъбудлар унга Пандора (барча совғалар соҳибаси) деган ном беришди, зероки уларни турфа худолар бахшида этгандилар. Пандора ўзи билан бирга одамларга бахтсизлик келтириши шарт эди.

Одамлар учун ушбу ёвузлик тайёр бўлганда Зевс Ҳермесни Прометейнинг укаси Эпиметей хузурига юборди, у Пандорани Эпиметейга хотинликка бериши керак эди. Донишманд Прометей ўзининг калтафаҳм укасини бир неча бор огоҳлантириб, унга яшинчақнатар Зевснинг совғаларини қабул қилмасликни маслаҳат берганди. Лекин Эпиметей доно акасининг маслаҳатларига қулоқ осмади. Пандора, уни ўзининг гўзаллиги ва латофати билан мафтун этган эди, у уни хотинликка олди. Эпиметей орадан кўп ўтмай Пандоранинг кишилар бошига не-не кулфатлар келтиражагини билиб олди.

Эпиметейнинг уйида қопқоғи маҳкам ёпилган каттакон идиш турарди. Ушбу идишда нима борлигини ҳеч ким билмасди, уни очишга ҳеч ким журъат этолмасди, чунки унда одамларга фалокат келтирувчи нарсалар борлигини ҳамма биларди. Қизиқувчанлиги тутган Пандора ҳеч кимга билдирмасдан идишнинг қопқоғини очиб юборди, қачонлардир унинг ичига қамалган барча балою кулфат бутун ер юзига сочилиб кетди. Улкан идишнинг тагида Умидгина қолганди, холос. Идишнинг қопқоғи яна ёпилиб қолди, шу боисдан Эпиметейнинг уйдан Умид учиб кетолмади. Яшинчақнатар Зевс бундай бўлишини истамади.

Қадим замонларда одамлар ёмонликни, оғир меҳнатни ва ўлим келтирувчи касалликларни билишмаган – бахтли ҳаёт кечиришган. Энди эса одамлар ўртасида сон-саноксиз дарду мусибатлар тарқалган. Ҳозир ерда ҳам, денгизда ҳам ёвузлик ҳукм суради. Кишилар куппа-кундуз куни ҳам, тунда ҳам ногаҳоний ёвузлик ва касалликка дучор бўлишади, улар одамларга изтироб келтирганлари келтирган. Улар сира билдирмасдан, пинҳона келишади, зероки Зевс уларни сўзлаш қобилиятидан маҳрум этгандир, у ёвузлик ва касалликларни гунгу лол қилиб яратган.

ЭАК

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Яшинчақнатар Зевс дарё худоси Асопнинг соҳибжамол қизини ўғирлаб, уни Ойнопий оролига олиб кетди, ўшандан сўнг у Асопнинг қизининг номи билан – Эгина деб аталадиган бўлди. Ўша оролда Зевс ва Эгинанинг ўғли Эак дунёга келди. Эак ўсиб, вояга етганда Эгина оролининг подшоси бўлди, бутун Юнонистонда ҳақиқатгўйлик ва адолатпарварликда ҳеч ким у билан тенглашолмасди. Бандаликни бажо келтиргач, Эак Минос ва Радамант сингари худолар иродаси билан ер ости салтанатида ҳакамлик рутбасига эга бўлганди.

Буюк маъбуда Ҳерагина Эакни ёмон кўрарди. Ҳера Эак салтанатини катта мусибатга дучор этди. Эгина оролини тўрт ой давомида қалин туман қоплади. Ниҳоят уни жануб шамоли тарқатиб юборди. Мазкур шамол мусибатлардан халос бўлиш эмас, билъакс ҳалокат келтирган эди. Ҳалокатли ўша туман оқибатида Эгинадаги ҳовузлар, сув манбалари ва жилғалар сон-саноксиз захарли илонлар билан тўлиб кетди. Илонлар одамларни захарлагач, Эгинада даҳшатли ўлат бошланди. У ердаги барча жонзот қирилиб кетди, Эак ва унинг ўғилларигина тирик қолишди, холос. Талвасага тушган Эак кўлларини самовот сари ёзиб, шундай хитоб қилди:

– О пурқудрат буюк Зевс, агар сен чиндан ҳам Эгинанинг эри бўлсанг, агар чиндан ҳам менинг отам бўлсанг, агар ўз авлодиндан кечмаган бўлсанг, менга халқимни қайтариб бер ёки мени ҳам қабр зулматида итқит!

Зевс Эакка сенинг илтижоларингга қулоқ осдим дея ишорат қилди. Яшин чақнаб, булутсиз беғубор осмонда момоқалдиروق гулдираб кетди. Эак ўзининг илтижоси Зевсга етиб борганини фаҳмлади. Эак отасига ёлворган жойида яшинчақнатарга бағишланган улкан эман дарахти қад кўтарганди, унинг томирлари орасида чумолилар уяси бор эди. Ногаҳон Эакнинг нигоҳи бешумор захматкаш чумолилар уясига тушди. Эак чумолиларнинг қандай ҳаракат қилиб, ўзларининг чумолиларга хос шахрини нечук қураётганларини узоқ вақт кузатди-да, шундай деди:

– О, раҳмдил отам Зевс, менга ушбу чумолилар уясида қанча чумоли бўлса, ўшанча захматкаш фуқаро берсанг бас.

Эак ушбу гапларни баён қилиб улгурмасдан, атрофда тик этган шамол бўлмаса-да, эманнинг чўнг бутуқлари шитирлаб кетди. Зевс Эакка яна бир бор аломат кўрсатди.

Оқшом кўнди. Тунда Эак ажойиб бир туш кўрди. У Зевснинг муқаддас эман дарахтини кўрди, унинг бутуқлари сон-саноксиз қумурсқа билан қопланган эди. Эман бутуқлари шовуллаганда улардан чумолилар ёмғирдай сочилиб тушарди. Улар ерга тушаркан, борган сайин катталашиб, дуркунлашиб борарди, улар кўтарилиб оёққа туриб олишди, қадрларини ростлашди, уларнинг қоп-қора ранги ва ориклиги йўқола борди, улар аста-секин одамларга айланардилар. Эак уйғониб кетди, аммо қароматли тушига ишонгиси келмасди. У ҳатто ёрдам беришмаяпти дея худолардан нолимоқда эди. Тўсатдан каттиқ шовқин эшитилди. Эакнинг қулогига кўпдан буён чалинмаган қадам ташлаётган одамларнинг товуши келди. «Бу тушим эмасмикан?» дея ўйларди у. Кўкқисдан ўғли Теламон ичкарига югуриб кираркан, отасининг кўксига отилиб, шодон қичқирди:

– Ота, ташқарига чиқиб, атрофга қаранг! Сиз сира кутмаган мисли кўрилмаган мўъжизани кўрасиз.

Эак хобгоҳидан ташқарига чиқди ва тушида кўрган ўша одамлар тирик юришарди. Илгари чумоли бўлган одамлар Эакни ўзларига подшо деб эълон қилишди, у уларни мирмидон (чумоли)лар деб атади. Шундай қилиб, Эгина тағин одамлар масканига айланган (эврилган) эди.

ДАНАЙЛАР

Асосан Эсхилнинг «Ҳимояга муҳтожлар» фожеаси асосида баён этилган

Зевс ва Ионинг Эпаф исмли ўғиллари бор эди, унинг Бел исмли ўғли, Белниинг эса Египт ва Данай исмли ўғиллари бўларди. Ноз-неъматларга бой Нил сувидан баҳра олаётган мамлакатнинг ҳукмдори Египт бўлиб, мамлакат ҳам ўз номини ўшандан олган. Данай эса Ливия ҳукмдори эди. Маъбудлар Египтга эллик нафар ўғил, Данайга эса эллик нафар соҳибжамол қиз ато этганди. Данайнинг қизлари ўзларининг эболиги билан Египтнинг ўғилларини мафтун қилишганди, улар соҳибжамол қизларга уйланишмоқчи бўлишди, бироқ Данай ва унинг қизлари уларга рад жавобини беришди. Египтнинг ўғиллари катта қўшин йиғиб, Данайга қарши уруш очмоқчи бўлишди. Данай ўз жиянларидан енгилди, у ўз салтанатидан воз кечиб, қочишга мажбур бўлди. Маъбуда Афина-Палладанинг кўмаги билан биринчи бор эллик эшаккли кема ясаб, қизлари билан бирга сарҳадсиз, мангу суронли денгизга тушиб, йўлга равона бўлди.

Данайнинг кемаси денгиз тўлқинлари ичра узоқ сузди ва ниҳоят улар Родос оролига етиб келишди. У қизлари билан қирғоққа чиқди, ўз ҳомийси – маъбуда Афинага бағишлаб ибодатхона қурдирди ва унга атаб катта қурбонлар келтирди. Данай Родосда муқим бўлиб қолмади. Египтнинг ўғиллари таъқибидан қўрқиб, қизлари билан Юнонистон қирғоқлари, Арголида – бувиси Ионинг ватани сари сузишни давом эттирди. Сарҳадсиз денгизда сузиб бораётган кемани Зевснинг ўзи кўриқларди. Узоқ йўл босган кема Арголиданинг ноз-неъматларга бой соҳилларига етиб келди. Данай ва унинг қизлари шу ерда Египтнинг ўғиллари талаб қилган манфур никоҳдан халос бўлиш ва ҳимояланишдан умидвор эдилар.

Данайнинг қизлари қўлларида зайтун новдалари ушлаган ҳолда ҳимоя сўраб илтижо қилувчилар сифатида соҳилга чиқишди. Қирғоқда ҳеч ким кўринмас эди. Пировардида узоқда чанг булути кўринди. У жадаллик билан яқинлашиб келарди. Чанг булути ичидан қалқон, дубулға ва найзалар ярқираб кўзга ташланарди. Жанговар маҳодаларнинг ғилдарақлари шовқини эшитиларди. Бу Арголида подшоси – Палехтоннинг ўғли Пеласгнинг қўшини эди. Кеманинг келишидан хабардор бўлган Пеласг денгиз соҳилига ўз қўшини билан келганди. У ерда подшо душманни эмас, балки, кекса Данай ва унинг эллик нафар соҳибжамол қизларини учратди. Улар подшони ундан ҳимоя сўраб илтижо қилувчи сифатида қўлларида зайтун новдаси ушлаган тарзда кутиб олдилар. Данайнинг соҳибжамол қизлари кўзларидан ёш тўкиб, қўлларини ёзиб, Египтнинг мағрур ўғилларига қарши курашда ҳомийлик қилишга даъват этардилар. Данайнинг қизлари Зевсни ўртага солиб, Пеласгни сеҳрламоқда эдилар. Улар ундан ўзларини душманга сотмасликни, ўзларига ҳомийлик қилишни сўраб, илтижо қилишмоқда эдилар. Ахир улар Арголидада бегона эмас эдилар – у уларнинг бувикалони Ионинг ватани эди-да.

Пеласг ҳамон иккиланарди – унга қудратли Египт ҳукмдорлари билан бўладиган уруш даҳшат соларди. У нима қилмоғи керак? Бордию, у яшинчақнатарнинг қонунларига хилоф йўл тутиб, унинг



номини ўртага солиб ёрдам сўраб ялинувчиларнинг раъйини қайтаргудек бўлса, Зевснинг газабига учрайди. Ниҳоят, Пеласг Данайнинг ўзига Аргосга бориб, ўша ерда маъбудлар меҳробига зайтун новдаларини ҳимоя илтижоси рамзи сифатида қўйишни маслаҳат беради. Ўзи эса халқни йиғиб, ундан маслаҳат сўрашга қарор қилади. Пеласг Данай ва унинг қизларини Аргос фуқаролари ўз ҳимояси остига олиши учун қўлидан келадиган барча имкониятларни ишга солажагига ишонтиради.

Пеласг кетади. Данай ва унинг қизлари халқ кенгашининг қарорини ҳаяжон билан кутишмоқда. Улар Египтнинг ўғилларининг саркашлигини, уларнинг жангдаги шижоатини яхши билишади. Улар Арголида қирғоқларига яқинлашиб келдимиз, бас, Египт кемаларининг ҳужум қилиши табиийлигини ҳам билишарди. Мабодо Аргосда яшовчи халқ уларни бошпанаю ёрдамдан маҳрум этса, ҳимоясиз қизларнинг холи не кечади? Улар қарийб ҳалокат ёқасига келиб қолишган. Египт ўғилларининг хабарчиси етиб келди. У Данайнинг қизларини куч билан олиб кетамиз деб таҳдид солмоқда, улардан бирининг қўлидан ушлаб олган, қулларига бошқаларини ҳам ушлаб келишни амр этди. Лекин шу заҳот подшо Пеласг пайдо бўлади. У Данайнинг қизларини ўз ҳимоясига олади, Египтнинг хабарчиси унга қарши уруш очамиз деб таҳдид солади, бироқ Пеласгни унинг таҳдиди асло қўрқитолмайди.

Данай ва унинг қизларига ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарор Пеласг ва Арголида аҳолисига ҳалокат келтирди. Қонли жангда мағлубиятга учраган Пеласг тасарруфидаги ҳудуднинг энг шимолий ўлкаларига кочиб кетишга мажбур бўлди. Тўғри, Данайни Аргосга шоҳ қилиб сайлашди, аммо Египтнинг ўғиллари уни тинч қўйсин деса, соҳибжамол қизларини уларга хотинликка бериши лозим эди.

Египтнинг ўғиллари Данайнинг қизлари билан бўлган никоҳ тўйини дабдабали тарзда ўтказишди. Ушбу никоҳ уларни қандай кўргуликларга дучор этажасидан улар мутлақо беҳабар эдилар. Ҳашаматли тўй зиёфати ниҳоясига етди. Тўй мадҳиялари тинди, никоҳ машъаллари сўнди. Аргосни тун зулмати чулғади. Уйқу оғушидаги шаҳарда чуқур сукунат ҳукм суларди. Ногаҳон ўлим талвасаси чоғидаги сингари оғир бир инграш эшитилди, у борган сайин кучайди, бирин-кетин инграшлар давом этарди. Данайнинг қизлари тун қоронғусида мисли кўрилмаган ёвузлик қилишди. Улар оталари берган ханжарлар билан эрлари кўзларини юмиб улгурмасданок уларнинг кўксига ханжар қадашди. Египтнинг ўғиллари ана шундай даҳшатли ўлим оқибатида ҳалок бўлдилар. Улардан бири – чирой ва келишган Линкейгина омон қолганди, холос. Данайнинг кенжа қизи Гипермиестранинг унга раҳми келганди. У ўз эрининг кўксига ханжар уришга журъат этолмаганди. У уни уйғотиб, саройдан ташқарига олиб чиққанди.

Данай Гипермиестранинг ўз амрига бўйин эгмаганидан жуда қаттиқ қаҳри келганди. Шунда у зилдай оғир занжирлар билан қизининг оёқ-қўлини боғлаб, зиндонга ташлади. Отасининг сўзига кулоқ солмагани учун Гипермиестранинг устидан ҳукм чиқариш мақсадида Аргос кекса ҳакамлари кенгаши бўлди. Данай ўз қизини ўлимга маҳкум этмоқчи эди. Лекин ҳукм чиқариш чоғи муҳаббат маъбудаси олтинсочли Афродитанинг ўзи ҳозир бўлди. У Гипермиестрани ҳимоя қилиб, шафқатсиз қатлдан ҳалос этди. Данайнинг раҳмдил ва меҳрибон қизи Линкейга хотин бўлди.

Зевс Данайнинг бошқа қизларига ҳам ўлимни раво кўрмасди. Зевснинг амрига биноан Афина ва Ҳермес Данайнинг қизларини тўкилган қон гуноҳидан ҳалос этишди. Шоҳ Данай Олимпсоҳиб маъбудлар шарафига катта ўйинлар уюштирди. Ушбу ўйинларда ғолиб чиққан Данайнинг қизларидан бирини мукофот сифатида хотинликка оларди.

Аммо Данайнинг қизлари қилинган ёвузлик учун жазодан қочиб кетолган эмас. Бериладиган жазони улар ўлгандан сўнг Аид қаърида тортмоқлари керак. Данайнинг қизлари таги йўқ улкан идишни сув билан тўлдирмоғи шарт эди. Улар ер ости дарёсидан сув олиб идишга қуярдилар, улар мангуликка шундай қилишга маҳкум этилган. Идиш тўлганга ўхшайди, бироқ дам ўтмай бўшаб қолади, сув оқиб кетади. Данайнинг қизлари тагин ишга киришадилар, тагин сув келтирадилар, аммо идиш ҳамон куруқ. Уларнинг бесамара юмуши шу зайлда давом этарди.

ПЕРСЕЙ

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

ПЕРСЕЙНИНГ ТУҒИЛИШИ

Аргос подшоси, Линкейнинг невараси, Акрисийнинг ўзининг фавқуллодда гўзаллиги билан донғи Акетган Даная исмли қизи бор эди. Акрисийга оракул (қароматсоҳиб)лар томонидан Данаянинг ўғли қўлидан ҳалок бўлажаги башорат этилган эди. Бундай машъум қисматдан қутулмоқ учун Акри-



сий чукур ер тагида курч (бронза) ва тошдан кенг хоналар курди ва кизи Данаяни ўша ерда, ҳеч ким кўрмайдиган жойда асрашга қарор қилди.

Лекин буюк яшинчақнатар уни ёқтириб қолди, олтин ёмғир шаклида ер остига, Данаянинг хобгоҳига кириб олди, Акрисийнинг кизи Зевсга хотин бўлди. Ўша никоҳдан Даная ажойиб ўғил кўрди. Онаси уни Персей деб атади.

Ёш Персей ер тагида, онасининг хобгоҳида узоқ яшамади. Кунлардан бир кун Акрисий ёш Персейнинг овози ва шўх кулгусини эшитиб қолди. У нима учун кизининг хобгоҳида боланинг кулгуси эшитилмоқда, шуни билиш учун Данаянинг хобгоҳига тушди. Акрисий у ерда келишган ўғил болани кўраркан, ҳайратда қолди. Унинг Даная ва Зевснинг ўғли эканини билиб олгач, шундай кўрқиб кетдики! Ўша заҳотиёқ оракулнинг башорати эсига тушиб кетди. У тагин бундай шум қисматдан қандай кутулиш керак деган ўйга ботди. Пировардида Акрисий улкан бир ёғоч қути ясашга амр қилди, Даная ва унинг ўғли Персейни унинг ичига жойлаб, қутининг оғзини миҳлаб, денгизга ташлашга фармойиш берди.

Қути шўр денгизнинг суронли тўлқинларига урилиб, узоқ сузди. Даная ва унинг ўғли Персейга ҳар қадамда ҳалокат таҳдид соларди. Тўлқинлар қутини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга итқитар, гоҳо ўз ўрқачларидан баланд кўтарар, гоҳо эса денгиз пўртанаси уни ўз комига тортар эди. Ниҳоят, мангу шовкин солувчи тўлқинлар қутини Сериф ороли сари ҳайдаб келишди. Ўша онда Диктис исмли балиқчи қирғоқда туриб балиқ овламоқда эди. У эндигина денгизга тўр ташлаганди. Тўрга қути илашиб қолди, Диктис соҳилга олиб чиқди. У қутининг оғзини очди-ю, таажжубда қолди, унинг ичида бағоят соҳибжамол аёл ва чиройлигина ўғил болани кўрди. Диктис уларни ўз акаси – Сериф подшоси Полидект хузурига бошлаб борди.

Персей подшо Полидект саройида ўсиб, вояга етди, у кучли ва келишган, қадди-басти ўзига хос йигит бўлиб етишди. Илоҳона гўзаллик соҳиби бўлган Персей Сериф йигитлари орасида ўзининг чиройлилиги, кучлилиги, чаптадлиги ва жасорати билан бошқалардан ажралиб турарди.

ПЕРСЕЙ МЕДУЗА ГОРГОНАНИ ЎЛДИРАДИ

Полидект соҳибжамол Данаяни зўравонлик билан ўзига хотин қилиб олишни кўнглига тугиб кўйганди, аммо Даная раҳмсиз подшо Полидектни ёмон кўрарди. Персей онасининг ёнини олди. Жаҳли чиққан Полидект ўша пайтдаи бошлаб фақат бир нарсани – қандай қилиб Персейни маҳв этишни ўйлаб юрадиган бўлди. Охир оқибат мустабид Полидект Персейни медуза Горгонанинг бошини олиб келишга юборади. У Персейни хузурига чакириб, шундай дейди:

– Агар сен чиндан ҳам яшинчақнатар Зевснинг ўғли бўлсанг, буюк қаҳрамонлик қилишдан бош тортмайсан. Сенинг юрагинг ҳеч қандай хавфу хатар олдида безилламайди. Менга сенинг отанг Зевс эканлигини исботла, менга медуза Горгонанинг бошини келтир. Аминманки, Зевс ўз ўғлига кўмаклашади!

Персей Полидектга мағрурона қараб қўйди-да, секин жавоб берди:

– Бўпти, мен сенга медуза Горгонанинг бошини келтираман.

Персей узоқ йўлга равона бўлди. У ернинг ғарбий чеккасига бориб, маъбуда Тун ва ўлим худоси Танат хукмрон, бўлган мамлакатга етиши керак эди. Ана шу мамлакатда энг даҳшатли Горгоналар яшарди. Уларнинг танаси ялтироқ ва пўлатдай қаттиқ садаф билан қопланган. Ўша садафни Ҳермеснинг қайрилма қиличидан бошқа бирорта ҳам қилич чополмасди. Горгоналарнинг улкан қўллари мисдан бўлиб, тирноқлари пўлатдек ўткир эди. Уларнинг бошларида соч ўрнида вишиллаб турган заҳарли илонлар бўларди. Горгоналарнинг турқи, ханжардай ўткир сўйлоқлари, қип-қизил кондек лаблари, ғазабга тўлиб, ёниб турган кўзларида шундай ёвузлик ва даҳшат бор эдики, уларга бир бор қараган ҳар қандай зот тошга айланарди. Горгоналар ўзларининг ялтироқ олтин патли қанотларини қоқиб, осмон бўйлаб елдай учишарди. Уларга дуч келиб қолган одамнинг шўри курсин! Горгоналар уни ўзларининг мис қўллари билан бурда-бурда қилиб ташлар ва иссиққина қонни сими-рар эдилар.

Персейни оғир, одамга хос бўлмаган жасорат кўрсатиш кутарди. Бироқ Олимп маъбудлари Зевснинг ўғлининг ўлимига йўл қўёлмасдилар. Худолар элчиси Ҳермес ва Зевснинг суюкли кизи жанговар Афина фикр тезлигида унга ёрдамга келишди. Афина Персейга ҳамма нарса кўзгудагидек акс этадиган ажойиб бир қалқон берди. Ҳермес эса Персейга ўзининг энг қаттиқ пўлатни ҳам мумдай

киркадиган ўткир қиличини берди. Худолар элчиси навқирон қаҳрамонга Горгоналарни қандай топишни ўргатди.

Персей босиб ўтадиган йўл узок эди. У талай мамлакатлар оша йўл босиб, кўп элату халқлар билан танишди. Ва ниҳоят, у кекса граялар яшайдиган қоронғулик мамлакатига бориб қолди. У ерда яшайдиганларнинг учтасига битта тиш ва битта кўз тўғри келарди. Улар ўша кўз ва тишдан навбат билан фойдаланишарди. Ҳозирча кўз граялардан бирида бўлиб, қолган иккитаси кўр эди, ўша кўзли грая кўр ва бечора опаларини етаклаб борарди. Грая кўзни жойидан олиб, бошқа опасига узатаётганда ҳар уччаласи ҳам кўр бўларди. Горгоналарга олиб борадиган йўлни ўша граялар қўриқлар, уни фақат ўшаларгина биларкан. Персей қоронғида билдирмасдан, секингина уларга томон бордида, Ҳермес маслаҳатига биноан граяларнинг бири кўзни бошқасига узатаётган пайтда қўлидан юлиб олди. Даҳшатга тушган граялар чинқириб юборишди. Энди уччала опа-сингил ҳам кўр эди. Кўзи кўр ва бечораларнинг қўлидан нима ҳам келарди? Кўзни қайтариб берсин дея улар худоларни ўртага солиб, Персейга ёлвора бошладилар. Улар қаҳрамоннинг барча шартларини ижро этишга тайёр, уларнинг ягона бойлиги – кўзни қайтариб берса, бас. Шунда Персей улардан кўзни қайтариб бергач, горгоналарга борадиган йўлни кўрсатишни талаб қилди. Граялар хийла вақтгача иккиланишди, лекин улар кўзни қайтариб олиш учун йўлни кўрсатишга мажбур бўлишди. Горгоналар оролига қандай бориш йўлини Персей шундай қилиб билиб олди ва йўлига равона бўлди.

Кейинги йўлни босиш жараёнида у нимфалар манзилига келиб қолди. Улардан учта совға олди: ер ости салтанати ҳукмдори Аиднинг дубулғаси – уни бошига кийган киши бошқаларнинг кўзига кўринмайдиган бўлиб қоларди, осмон бўйлаб елдай учишга ёрдам берадиган қанотли шиппақлар ва сеҳрли тўрва – ўша тўрва ичидаги нарсанинг катталигига кўра, гоҳ кенгайар, гоҳ тораярди. Персей қанотли шиппақларни, Аиднинг дубулғасини кийиб, сеҳрли тўрвасини елкасига ташлаб, ҳавода горгоналар оролига елдай учиб кетди.

Персей осмонда елдай учиб борар эди. Пастда ям-яшил водийлар ерни янада маҳобатли қилиб кўрсатарди, кумуш тасмалар янглиғ дарёлар иланг-биланг бўлиб оқарди. Қуйида шаҳарлар намоён бўлар, уларда оқ мрамрдан қад кўтарган худоларга атаб қурилган ибодатхоналар ярқираб кўринарди. Узок-узокларда ям-яшил ўрмонларга бурканган тоғлар осмонга бўй чўзган, уларнинг қор билан қопланган чўққилари куёш нурларида олмосдай товланарди. Персей қуондай жадаллаб олға босмоқда эди. У шундай юксакликда учардики, ҳатто ўзларининг қудратли қанотлари билан бургутлар ҳам шундай парвоз қилолмайди. Олис-олисларда эритилган олтиндек ялтираб денгиз кўзга ташланди. Энди Персей денгиз устидан учиб ўтмоқда эди, денгиз тўлқинларининг шовқини унинг қулоғига зўрға етиб келарди, ер мутлақо кўринмасди. Кўз илғагунча, Персей қаерга қарамасин, сувдан бошқа нарсани кўрмасди. Ниҳоят мовий уммоннинг бир бўлагида қора доғдек орол кўзга ташланди. У борган сайин яқинлашарди. Худди шу – горгоналар ороли. Ушбу оролда нимадир куёш нурларида дабдабали тарзда порламоқда. Персей парвозини пасайтирди. У орол устида бургут сингари қанотларини ёзиб учаркан, қоя узра учта кўрқинчли горгонанинг ухлаб ётганини кўрди. Улар мис қўлларини икки томонга ташлаб ухларди, уларнинг пўлат тангачаси ва олтин қанотлари куёшда оловдай ёниб турарди. Бошларидаги илонлар уйқусираб, секин ғимирлашарди. Персей горгоналардан жадаллик билан юз ўгиришга улгурди. У уларнинг ваҳимали турқларидан кўркади – агар яна бир бор назар ташласа, тошга айланади қолади. Персей Афина-Палладанинг қалқонини ишга солади, унда горгоналар гўё кўзгудагидек акс этарди. Хўш, уларнинг қайси Медуза экан? Горгоналар олманинг икки палласидек бир-бирига ўхшайди. Лекин ўша уччала горгонададан фақат бири фонийзот, ўшани ўлдириш керак. Персей хаёлга чўмди. Шунда Персейга чапдаст Ҳермес ёрдамга келди. У Персейга Медузани кўрсатаркан, унинг қулоғига шивирлади:

– Тез бўл, Персей! Кўрқмасдан пастга туш. Ана, четда денгизга яқин тургани – Медуза. Унинг бошини ол. Эсингда бўлсин, унга қарама! Қарадингми, ҳалок бўлдим деявер. Горгоналар уйғонмасин, тез бўл!

Бургут кўзига кўринган ўлжаси устига осмондан қандай ташланса, Персей ҳам ухлаётган Медузага шундай ташланди. У зарба беришда янглишмаслик учун ёрқин қалқонга қарайди. Медузанинг бошидаги илонлар ғанимни сезиб қолишди. Улар даҳшатли вишиллаганча тик туришди. Уйқудаги Медуза кимираб кўйди. У аллақачон кўзини очган эди. Шу сонияда ўткир қилич яшиндек ялт этиб кетди. Персей бир зарба билан Медузанинг бошини узиб ташлади. Унинг қоп-қора қони қоя узра дарё бўлиб оқарди. Медузанинг танасидан оққан қонга беланган учқур Пегас ва девқомат Хрисаор осмонга ўқдай учиб кетишди. Медузанинг бошини зудлик билан сеҳрли тўрвага яширди. Бошидан жудо бўлган Ме-

дузанинг танаси эшилиб, қоядан денгизга кулаб кетди. Унинг кулашидан ҳосил бўлган шовқиндан сингиллари – Стейно ва Эвриала уйғониб кетдилар. Улар кучли қанотларини қоқиб, орол устида ўқдай учиб юришарди. Ғазабдан ёниб турган кўзларини ўқрайтириб, теварак-атрофни кўздан кечиришарди. Горгоналар осмонда шовқин солиб учишарди, аммо уларнинг опаси – Медузанинг қотили исиз ғойиб бўлганди. На оролда, на денгизда тирик жондан асар бор эди. Аид дубулғасида кўзга кўринмаган Персей шовуллаган уммон устида елдай учиб кетарди. Мана у Ливия кумликлари устидан учиб кетмоқда. Сеҳрли тўрвадаги Медузанинг бошидан оққан оғир қон томчилари кумга тушиб кетди-ю, ўша қон томчиларидан кумликда оғули илонлар дунёга келди. Бутун атрофни илонлар босиб кетди, барча жонзот улардан халос бўлмоқ учун чўлни тарк эта бошлади. Пировардида илонлар Ливияни чўлга айлантиришди.

ПЕРСЕЙ ВА АТЛАС

Персей горгоналар оролини ортда қолдириб, олға елмоқда. У осмон бўйлаб шиддатли шамол қувган булут каби учади. У ниҳоят Прометейнинг укаси титан Япетнинг ўғли девқомат Атлас подшолик қилаётган мамлакатга етди. Атлас далаларида минглаб майин жунли кўйлар, тик мугузли сигир ва ҳўкизлар подаси боқиларди Унинг худудида ҳашаматли боғлар, улар ўртасида эса олтин новдали ва япрокли олма дарахти ўсарди, ўша дарахт олмалари ҳам олтиндан. Ушбу дарахтни Атлас кўз қорачиғидек асрарди, чунки у унинг битмас – туганмас хазинаси эди. Маъбуда Фемида унга кунлардан бир кун Зевснинг ўғли келиб, ўша олтин олмаларни ўғирлаб кетади дея башорат қилган эди. Шу боисдан Атлас кўрқиб юрарди. У олтин дарахт ўсган боғни баланд девор билан ўради, кираверишида эса оғзидан ўт пуркайдиган баҳайбат аждарҳони қоровул қилиб қўйди. Атлас ўз худудига ёт одамларни киритмасди, лекин улар орасида Зевснинг ўғли ҳам бўлиши мумкин дея ҳадиксирарди. Ниҳоят, Персей ўзининг қанотли шиппақларини кийиб, унинг ҳузурига учиб келди ва Атласга самимий сўзлар билан мурожаат этди:

– О, Атлас, мени хонадонингда меҳмон қил. Мен Медуза горгонани ўлдирган Зевснинг ўғли – Персейман. Буюк жасоратимдан сўнг ҳузурингда истироҳат этишга руҳсат бергайсан.

Атлас Персейнинг Зевсни ўғли эканини эшитган заҳотиёқ маъбуда Фемиданинг башоратини эслади ва Персейга дағаллик билан жавоб берди:

– Йўқол бу ердан! Буюк жасоратинг ва яшинчақнатарнинг ўғли эканлигинг ҳақидаги ёлғон сенга ёрдам беролмайди.

Атлас қаҳрамонни қандай бўлмасин эшикдан ҳайдаб чиқармоқчи. Кучли, девқомат зот Атлас билан кураша олмаслигини кўрган Персейнинг ўзи уйдан чиқиб кетишга шошилади. Персейнинг ғзаби қайнайди. Атлас унга меҳмондўстликни раво кўрмай, тагин бунинг устига, уни ёлғончи дея қаҳрини келтиради.

Персей аччиқ устида девқомат Атласга шундай дейди:

– Яхшиямки, Атлас, сен мени қувиб юбормоқдасан! Жилла бўлмаса, менинг совғамни қабул қил!

Шундай деркан, Персей дарҳол Медузанинг бошини тўрвадан чиқаради, ундан ўзи юз ўғираркан, Атласга кўрсатди. Шу ондаёқ девқомат Атлас тоққа айланди. Унинг соқоли ва сочлари – қалин ўрмонга, қўл ва елкалари – баланд қояларга, боши осмонга ўрлаган чўққи бўлди. Шундан буён Атлас тоғи барча юлдузлар туркуми билан бирга бутун осмон гумбазини ушлаб туради.

ПЕРСЕЙ АНДРОМЕДАНИ ҚУТҚАЗАДИ

Персей узок йўл босгандан сўнг Океан (Ўқёнус) соҳилида жойлашган Уфиопия (Ҳабашистон)даги Кефей салтанатига етиб келди. У ерда, шундайгина денгиз қирғоғидаги қояга занжирбанд қилинган подшонинг қизи Андромедани кўриб қолди. У онаси – Кассиопейанинг гуноҳини ювиши керак эди. Кассиопея ўзининг ҳаммадан гўзаллигини пеш қилиб, ғурурланган эди. Малика Кассиопейанинг бу қилиғи денгиз нимфаларининг ғзабини келтирди. Қаҳрланган нимфалар денгиз маъбуди Посейдондан подшо Кефей ва малика Кассиопеяни жазолашни талаб қилган эдилар. Посейдон нимфаларнинг талабига кўра, девқорона балиққа ўхшаган махлуқотни юборганди. У денгиз қаъридан сузиб чиқиб, Кефей худудини харобазорга айлантормоқда эди. Кефей салтанати нолаю афғонларга кўмилиб кетди. Ниҳоят, у Зевснинг оракул (қароматсоҳиб)и Аммонга мурожаат қилиб, ушбу бахтсизликдан қандай халос бўлишни сўради. Оракул шундай жавоб қилди:



– Қизинг Андромедани ўша махлуққа ем қилсанг, Посейдон бераётган жазога чек қўйган бўласан.

Оракулнинг жавобидан хабардор бўлган халқ подшони Андромедани денгиз бўйидаги қояга занжирбанд қилишга мажбур этди. Ўлим даҳшатидан ранги қув учган, оғир кишанлар билан боғланган Андромеда қоя ёнида турарди. У ҳозир ўша баҳайбат махлуқ денгиздан чиқиб келадию, ўзини тилка-пора қилади дея даҳшат ичра денгиздан кўзини узмасди. Унинг кўзларидан қатра-қатра ёшлар оқарди, уни шундай гўзал ёшлик чоғида, ҳаёт шодликларини татиб кўрмаган ва кучга тўлиб турган бир пайтда ҳалок бўлиш ҳақидаги фикр сира тарк этмасди. Уни шу алпозда кўрган Персей агар денгиз шамоли унинг сочларини тўзгитиб юбормаганда, қуралай кўзларидан тирқираётган ёшларни кўрмаганда, у уни Пароснинг оқ мрамаридан ясалган ғаройиб ҳайкал деб ўйлаган бўларди. Навқирон баҳодир унга завққа тўлиб нигоҳ ташлади ва шу ондаёқ унинг қалбида Андромедага муҳаббат куртак отди. Персей дарҳол унинг олдига келдида, самимият билан сўради:

– Ҳой соҳибжамол қиз, бу кимнинг мамлақати, менга исмингни айт! Айт-чи, нечун сен бу ерда қояга занжирбанд бўлгансан?

Андромеда кимнинг айби учун изтироб чекаётганини сўзлаб берди. Табиийки, соҳибжамол қиз навқирон баҳодирнинг, ўз гуноҳини ювиш учун занжирбанд қилинган экан деб ўйлашини истамасди. Андромеда ўз ҳикоясини тугатмасдан, денгиз жунбишга келиб, пўртана бошланди, қутурган тўлқинлар ичра баҳайбат махлуқ кўзга ташланди. У беўхшов жағларини кенг очиб, бошини баланд кўтарди. Андромеда кўрққанидан қаттиқ чинқириб юборди. Ақлдан озган Кефей ва Кассиопея қирғоққа югуриб келишди. Улар қизни кучишаркан, аччиқ алам ичра зор-зор йиғлайдилар. У ҳадемай ҳалок бўлади!

Шунда Зевснинг ўғли Персей тилга кириб, хитоб айлади:

– Кўз ёши тўкишга улгурасиз, аммо қизингизни ҳалос этиш учун вақт оз қолмоқда. Мен Зевснинг ўғли Персейман, боши илонлар билан чирманган горгона Медузани ўлдирган мен бўламан. Қизингиз Андромедани менга хотинликка беринг, мен уни ҳалос этаман.

Кефей ва Кассиопея суюнишиб, дарҳол рози бўлишди. Улар қизларининг ҳалоскори учун ҳамма нарсга тайёр эдилар. Персей Андромедани қутқазса, бас, Кефей унга ҳатто салтанатини сеп сифатида беражагини ваъда қилди. Ҳайбатли махлуқ тобора яқинлашмоқда. У кенг кўкраги билан тўлқинларни ёриб, жадаллик билан қояга интилмоқда, тўлқинлар ичра елиб кетаётган кемадай елмоқда. Персей осмонга парвоз этганда унинг кўланкаси денгизга тушганди, шунда махлуқ ғазаб билан навқирон баҳодирнинг кўланкасига ташланди. Персей кўрқмасдан, жасурона баланддан туриб ўзини махлуқ устига отди ва қайрилган қиличини махлуқнинг орқасига санчди. Оғир жароҳатни сезган ҳайбатли махлуқ тўлқинлар қаъридан баландга сакради. У ғазабнок итлар галасига дуч келган қобондек ўзини денгизга урарди. У гоҳ чуқур денгизга шўнғир, гоҳо яна сузиб чиқарди. Баҳайбат махлуқ ўзининг балиққа хос улкан думи билан сувни тўлқинлантирар, қирғоқ бўйидаги қоялар сувга ғарқ бўлар эди. Денгиз кўпик билан қопланди. Ҳайбатли махлуқ жағини кенг очиб, Персейга ташланмоқчи бўларди, лекин у чорлоқдай чакқонлик билан қанотли шиппақлари ёрдамида баландга парвоз этар, махлуққа чап берарди. Персей унга зарба устига зарба берарди. Ўлар даражада жароҳатланган махлуқнинг бўғзидан сув ва қон шариллаб қуюларди. Персейнинг қанотли шиппақлари ивиб кетганди, улар баҳодирни ҳавода зўрға ушлаб турарди. Данаянинг қудратли ўғли денгиздан чиқиб турган қоя томон елдай учиб ўтдию, махлуқнинг кенг кўкрагига қиличини уч бор қадаб олди. Даҳшатли жанг ниҳоясига етди. Қирғоқ томондан шодиёна қийқириқлар эшитилади. Ҳамма навқирон баҳодирни қутлади. Соҳибжамол Андромеданинг оёқ-кўлларидан кишанлар ечилган, ғалабасини тантана қилган Персей ўз қайлиғини Кефей саройига бошлаб борарди.

ПЕРСЕЙНИНГ ТҶЙИ

Персей отаси Зевс, Афина-Паллада ва Ҳермеснинг шарафига катта қурбонликлар келтирди. Шо-диёна тўй тантанаси Кефейнинг саройида ўтди. Ҳименей ва Эрот ўзларининг муаттар хид тара-тувчи машғалларини ёқиб юбордилар. Кефейнинг саройи яшиллик ва турфа гулларга кўмилди. Ки-фаралар ва лираларнинг жарангоси қулоқни қоматга келтирар, қувноқ тўй кўшиқлари авж пардасига чиқарди. Сарой қопқалари ланг очилган. Тантанали базм уйи олтин янглиғ товланади. Кефей ҳамда Кассиопея ёш келин ва куёв билан базм куради, барча халойиқ кайфу сафога берилади, теварак ат-рофда қувонч ва сурур ҳукмрон. Зиёфат давомида Персей ўз жасоратлари ҳақида ҳикоя қилади. Ногаҳон зиёфат берилаётган уйда гўмбурлаган қурол овози эшитилди. Қасрда қутурган шамол



таъқиб этган тўлкинлар баланд қояли соҳилга урилган чоғда ўқирган денгиз шовқинига ўхшаш харбий наъра янграб кетди. Бу катта кўшин тортиб келган Финей – Андромеданинг биринчи қайлигининг хитоби эди.

Финей қасрга қадам қўяркан, найзасини ўйнатиб, каттиқ қичқирди ва шундай деди:

– Ҳой бировлар қайлигини ўғирлаган зот, энди ҳолингга вой! Сени менинг ғазабимдан на қанотли шиппақларинг, на яшинчақнатар Зевс қутқаза олади!

Финей Персейни нишонга олиб, унга найза ташламоқчи бўлди, аммо шоҳ Кифей уни ниятдан қайтариб, шундай деди:

– Бу нима қилганинг? Сени бундай телбаликка мажбур этган нима ўзи? Персейнинг жасоратини шундай қилигинг билан тақдирламоқчимисан ҳали? Бу сенинг тўйга қилаётган тухфангми ё? Нахотки, Персей қайлиқни сендан ўғирлаган бўлса? Йўқ, уни сендан қояга занжирбанд қилиш учун олиб кетганларида ва уни ўлимга маҳкум этганларида ўғирлаган эдилар. Сен бўлсанг ғолиб баҳодирдан унинг армуғонини тортиб олмоқчисан! Нега Андромеда қояга занжирбанд қилинганда келмадинг, нечун ўшанда уни баҳайбат махлуқдан тортиб олишга журъат этолмадинг?

Финей Кефейга умуман жавоб қайтармади, у гоҳ Кефейга дарғазаб ҳолда қараб қўяр, гоҳ Зевснинг кадди-қомати келишган ўғлига ўқрайиб боқарди, лекин кутилмаганда барча кучларини бир жойга жамлаб, Персейга қарата найза итқитди. Найза унинг ёнидан ўтиб кетди ва Персейнинг тўшагига санчилди. Ёш баҳодир уни бақувват қўллар билан суғуриб олдида, ўрнидан сакраб турди ва жаҳл билан унга найза ўқталди. Персей итқитган найза Финейни мажақлаб ташлаган бўларди, лекин қурбонгоҳ орқасига яширинишга улгурди, найза баҳодир йигит Ретнинг бошига тегди, у йиқилиб жон берди. Даҳшатли жанг бошланаб кетди. Олимпдан жадаллик билан жанговар Афина-Паллада ўз укаси Персейга ёрдамга келди. У ўз қалқони билан унга паноҳ бўлди ва унга енгилмаслик руҳини бахш этди. Персей жангга кирди. Унинг қўлидаги – Медузани ўлдирган ажал уруғини сочувчи қилич худди яшиндай ялтирарди. У Финей билан бирга келган баҳодирларнинг бошларини сапчадай узиб ташлайверди. Персей оёғи остида қонга беланган ўликлар тоғдек уюлиб ётарди. Тўй учун тайёрланган шароб тўлдирилган каттакон қурч идишни баҳодир Эвритойнинг бошига тўнкариб ташлади. Баҳодир яшин урган дарахтдай ерга қулади-ю, арвоҳи қўланкалар салтанатига равона бўлди. Не-не баҳодир йигитлар бирин-кетин ҳаёт билан видолашардилар, Финей ўзи билан бирга бениҳоя кўп йигитларни олиб келган эди. Бундай олиб қараганда Персей Кефей салтанатига ёт одам эди, у билан бирга жанг қилаётганлар сони жуда оз бўлиб, душманларга қарши қарийб бир ўзи курашмоқда эди. Персейнинг шериклари – сафдошларининг аксарияти ушбу даҳшатли жангда ҳалок бўлди. Олтин торли кифарасини чалиб, ўзининг дилрабо кўшиқлари билан зиёфатчиларга завқ бағишлаётган кўшиқчи ҳалок бўлди. Кўшиқчи йиқилаётган, кифара торларига тегиб кетганди, улар ўлим дақиқасидаги инграш сингари ғамгин жаранглади, лекин қиличларнинг тарақлаши ва жон бераётганларнинг сўнгги ингроғи торлар жарангосини босиб кетди. Ўқлар бамисоли шиддатли дўлдай ёғиларди. Шохсутунга суяниб, Афинанинг ғаройиб қалқони билан кўксини қоплаган Персей душманга қарши жанг қиларди. Душманлар уни ҳамма томондан ўраб олишганди. Атрофда жанг тобора авжига чиқмоқда эди. Муқаррар ҳалокатнинг таҳдид солаётганини фаҳмлаган Данаянинг ўғли кучининг борича наъра тортиб, хитоб айлади:

– Мендан енгилган душманнинг ўзи менга ёрдам беради! Ундан ҳимоя сўрашга мени ўзларинг мажбур этмоқдасанлар. Тезроқ, менга дўст бўлганлар тескари бурилсин!

Шу заҳот Персей сеҳрли тўрвадан Медузанинг бошини суғурди ва баланд кўтарди. Персейга хужум қилаётган баҳодирлар бирин-кетин тошга айланаверди. Уларнинг баъзи бирлари душман кўксига қадамоқ бўлиб найзани ўқталган ҳолатда, бошқалари ўткир найзасини эндигина ташлайман деб турган вазиятда, кимлардир қалқон билан кўксини қоплаган алпозда тошга айланган эди. Медузанинг бошига ташланган бир нигоҳ уларни мрамар ҳайкалларга айлантирди. Зиёфат тантанаси давом этаётган уй мрамар ҳайкалларга тўлиб кетди. Барча дўстларининг тошга айланганини кўрган Финейни ваҳима босди. Қўлларини ёзиб, тиз чўкканича Персейга ёлвораркан, шундай дея хитоб қиларди:

– Сен ғолиб келдинг, Персей! О, Персей, ўша Медузанинг даҳшатли қалласини яшир, ялинаман сенга, яшир уни. О, Зевснинг буюк ўғли, ҳамма нарсани ол, барча нарсага эга бўл, фақат ҳаётимдан жудо қилма мени!

Персей Финейга истехзо билан жавоб қайтарди:

– Қўрқма, разил номард! Сени менинг қиличим ўлдирмайди. Сенга умрбод мукофот бўлгулик ҳаёт бахшида этаман! Сен мана шу қасрда мангу қоласан, хотиним ўзининг биринчи қайлиғи тасвирига



қараб таскин топади. Навкирон баходир Медузанинг бошини Финейга узатди. Финей горгонанинг бошига қарамасликка қанчалик уринмасин, барибир унинг нигоҳи горгонанинг даҳшатли бошига тушди-ю, у алҳол мрамар ҳайкалга эврилди қолди. Тошга айланган Финей Персей олдида қулдек букилиб турарди. Ҳайкал – Финей кўзларида кўркув ва қулларча ёлвориш ифодаси мангуликка сақланиб қолди.

ПЕРСЕЙНИНГ СЕРИФГА ҚАЙТИШИ

Конли жангдан сўнг Персей Кефей салтанатида узоқ қолиб кетмади. Ўзи билан гўзал Андромедани қолиб, у Серифга, Полидект салтанатига қайтиб келди. Персей онаси Данаяни чуқур қайғуга ботиб турган аҳволда учратди. У Полидектдан халос бўлгач, Зевс ибодатхонасида паноҳ топишга мажбур бўлган эди. У маъбад (ибодатхона) ни бир зумга бўлсада тарк этишга журъат қилолмаганди. Қаттиқ ғазабланган Персей Полидект саройига келиб, уни дўстлари билан бирга зиёфат қилиб ўтирган жойида учратди. Полидект Персейнинг қайтиб келишини сира кутмаганди, у баходир йигит горгоналар билан бўлган курашда ҳалок бўлган деб ўйлаганди. Сериф подшоши кўз ўнгида турган Персейни кўриб, ҳайратда қолди, Персей бўлса, шошмасдан подшога шундай деди:

– Амрингни адо этдим, сенга Медузанинг бошини келтирдим.

Полидект Персейнинг шундай буюк жасорат кўрсатганига ишонмади. У маъбудларга тенг баходир устидан қулиб, уни ёлғончи деб атади. Персейнинг устидан Полидектнинг дўстлари ҳам қулди. Персейнинг ғазаби қайнаб кетди, у ҳақоратларга дош беролмади. Даҳшатли кўзлари ёнаркан, тўрвадан Медузанинг бошини суғурди ва хитоб қилди:

– Сўзимга ишонмасанг, Полидект, мана сенга исботи!

Полидект горгонанинг бошига қараркан, шу заҳотиёқ тошга айланди. У билан бирга базм қуриб ўтирган дўстлари ҳам ушбу қисматдан қочиб қутулолмади.

ПЕРСЕЙ АРГОСДА

Сериф устидан ҳукмронликни Персей бир пайтлар онаси ва ўзини қутқазган Диктис – Полидектнинг акасига топширди, ўзи эса Даная ҳамда Андромедани олиб, Аргосга жўнаб кетди. Персейнинг бобоси Акрисий неварасининг келаётганини билиб олганда оракул (қароматсоҳиб) нинг башоратини эслаб, шимол томонга, Лариссага қочиб кетди. Персей эса жонажон Аргосда ҳукмронлик қила бошлади. У Аиднинг дубулғасини, нимфаларнинг қанотли шиппаклари ва сеҳрли тўрвасини ҳамда Ҳермеснинг ўткир қиличини қайтариб берди. Медузанинг бошини эса у Афина-Палладага берди, у уни кўксига порлаб турган совутига қадаб қўйди. Персейнинг Аргосдаги ҳукмронлиги бахтли кечди.

Бобоси Акрисий ўша бешафқат қисматдан қочиб қутулолмади. Кунлардан бир кун Персей дабдабали ўйинлар уюштирди. Унда бир талай баходир йигитлар иштирок этди. Томошабинлар ичида кексайиб қолган Акрисий ҳам бор эди. Оғир гардиш ирғитиш мусобақаси чоғида Персей ўзининг кучли қўллари билан зилдай оғир биринж (бронза) гардишни ирғитган эди. Биринж гардиш осмону фалакка парвоз этди, аммо у ерга тушаётиб бекиёс катта куч билан Акрисийнинг бошига урилди ва уни ўлар даражада жароҳатлади. Оракулнинг (башоратсоҳиб) қаромати ана шундай рўёбга чиққан эди. Персей ғайриихтиёрий суратда бобосининг қотили бўлганидан нолиб, Акрисийни иззат-икром ила дафн этди. Персей ўзи томонидан ўлдирилган Акрисийнинг салтанатида ҳукмронлик қилишга кўнгли бўлмади. У Тиринфга кетиб қолди ва у ерда кўп йиллар подшолик қилди. Аргосни эса қариндоши Мегалент тасарруфотида топширди.

СИЗИФ

Ҳомернинг «Илиада» ва Овидийнинг «Қаҳрамон аёллар» достонлари асосида баён этилган

Сизиф барча шамоллар ҳукмдори Эолнинг ўғли бўлиб, у қадим замонларда Эфира деб аталган Коринф шаҳрининг асосчисидир. Юнонистонда ҳеч ким доғулилик, маккорлик ва зукколикда Сизиф билан тенглашолмасди. Сизиф ўзининг маккорлиги туфайли Коринфда бешумор бойлик тўплаган эди. Унинг хазиналарининг довуғи узоқ-узоқларга ёйилган эди.



Ўлим худоси кўркинчли Танат уни қоронғи Аид салтанатига туширмоқчи бўлиб, унинг хузурига келганда ўлим худоси келаётганини олдиндан сезган Сизиф худо Танатни макр билан алдаб, кишанлаб ташлайди. Ўшанда ер юзида одамларга ўлим йўламайди. Ер ости салтанати худосига қурбонлар келтириш ҳам расм бўлмай қолди. Дабдабали дафн этишларга чек қўйилган эди. Хуллас, ер юзида Зевс ўрнатган тартиб-интизом издан чиқади. Ўшанда яшинчақнатар Зевс Сизиф хузурига уруш худоси Аресни юборди. У Танатни кишанлардан озод қилди, Танат эса Сизифнинг арвоҳини ўликлар кўланкаси салтанатига бошлаб кетди.

Лекин учига чиққан хийлагар ва маккор Сизиф ўшанда ҳам ўзига мадад излаб топди. У хотинига ўз жасадини кўмдирмасликни тайин этди ва ер ости худоларига қурбонлик келтирмасликни қатъий уқдирди, Сизифнинг хотини эрининг маслаҳатини бажо келтирди. Аид ва Персефона дафн қурбонларини узоқ вақт кутишди. Улардан ҳамон дарак йўқ эди. Ниҳоят, Сизиф Аиднинг тахтига яқинлашиб, ўликлар салтанатининг ҳукмдорига шундай деди:

– О, ўлик жонлар ҳукмдори, буюк Аид, қудратлиликда Зевсга тенг ҳукмдор, мени кўйиб юбор, ёруғ дунёга чиқай. Хотинимга сенга катта қурбонлар келтиришни амр этиб, тагин кўланкалар салтанатига қайтиб келаман.

Сизиф ҳукмдор Аидни шундай йўл билан алдади, у унга ерга чиқишга рухсат берди. Табиийки, Сизиф Аид салтанатига қайтиб келмади. У ўзининг мухташам қасрида қолиб, қоронғи кўланкалар салтанатидан қайтиб келишга муваффақ бўлган ягона фонийзот эканлигидан оғзи қулоғига етиб, шод-хуррамлик билан базм қуради.

Аиднинг қаҳри келиб, Танатни тагин Сизифнинг арвоҳини олиб келиш учун юборди. Танат фонийзотлар ичида энг маккорининг қасрига қадам ранжида қилди ва уни базми жамшид чоғида учратди. Худолар ва одамлар учун манфур зот бўлиб қолган Сизифнинг арвоҳини суғуриб олди, арвоҳи эса энди мангуликка кўланкалар салтанатига учиб кетди.

Сизиф нариги дунёда ер юзидаги барча макру хийла, барча каззобликлари учун оғир жазога маҳкум этилади. У улкан бир тошни баланд ва тик кўтарилган тоғ чўққисига юмалатиб олиб чиқишга маҳкум этилган эди. Сизиф бор кучини ишга солиб меҳнат қилади. Меҳнатининг оғирлигидан танидан тер дўлдай қуйиларди. Ҳадемай чўққига чиқади. Яна бир бор зўр берса, бас, Сизифнинг машаққатига чек қўйиларди. Афсуски, тош унинг қўлидан сирғалиб, чанг-тўзон кўтарганча пастга юмалайди. Сизиф тагин ишга киришади.

Шундай қилиб, Сизиф мангу машаққатга маҳкум этилган бўлиб, тоққа олиб чиқиш учун тош юмалатади, бироқ ҳеч қачон мақсади – тоғ чўққисига етолмайди.

БЕЛЛОРОФОНТ

Ҳомернинг «Илиада» достони ва Пиндар шеърлари асосида баён этилган

Сизифнинг Главк исмли баҳодир ўғли бор эди, у отасининг ўлимидан сўнг Коринфда ҳукмронлик қиларди. Главкнинг эса Беллорофонт деган ўғли бўларди, у Юнонистоннинг энг буюк қахрамонларида бири бўлиб, худо янглиғ келишган, чиройли йигит саналиб, у жасорат бобида эса умрбоқий маъбудлар билан тенглаша оларди. Беллорофонт ҳали йигит чоғидаёқ бошига мусибат тушганди: у билмасдан, Коринф шаҳри фуқароларидан бирини ўлдириб қўйганди, шу сабабдан у жонажон шаҳридан қочиб кетишга мажбур бўлди. Беллорофонт Тринф подшоси Пройт хонадонидан паноҳ топди. Тринф подшоси баҳодир йигитни теран эҳтиром ила қабул қилди ва уни ўша қонли қабоҳатидан тозалади. Беллорофонт Тринфда узоқ яшаб қололмади. Пройтнинг маъбудамонанд хотини Антейяни йигитнинг гўзаллиги мафтун этди. Лекин Беллорофонт унинг муҳаббатини рад қилди. Малика Антейяда Беллорофонтга нисбатан нафрат ўти аланга олди ва уни маҳв этишга қарор қилди. У эрини хузурига чақираркан, унга шундай деди:

– Ҳой шоҳ! Беллорофонт сенинг иззат-нафсингга тегаяпти. Уни ўлдирмасанг бўлмайди. Мана унинг меҳмондўстлигининг учун сенга кўрсатаётган миннатдорлиги!

Пройтнинг ғазаби қайнаб кетди, бироқ у ўз меҳмонига қўл кўтаришга ботинолмади, зероки меҳмондўстлик ҳомийси бўлмиш Зевснинг қаҳридан ҳайиқарди. Беллорофонтни қандай маҳв этиш ҳақида Пройт турфа хаёлларга борди ва ниҳоят уни қўлига мактуб тутқазиб, Антейянинг отаси – Ликия подшоси Иобат хузурига юборишга қарор қилди. Икки қат қилиб букланган ва муҳрланган ушбу мактубда Пройт Беллорофонтдан шикоят қилиб, унинг ўзини қандай қаттиқ таҳқирлаганини таъриф-

лаб, ундан қасос олишни илтимос этганди. Беллорофонт хатни олиб, ўзига қандай хавф-хатар таҳдид солаётганидан бехабар ҳолда Иобат ҳузурига равона бўлди.

Узоқ йўлни босиб ўтгач, Беллорофонт Ликияга келиб қолди. Подшо Иобат навкирон баҳодирни очиқ юз билан кутиб олди, тўққиз кун унинг шарафига зиёфат берди. Ниҳоят Иобат ундан Ликияга келиш сабабини сўради. Беллорофонт сира шопилмасдан Ликия подшосига Пройтнинг мактубини узатди. Иобат устма-уст қилиб муҳрланган мактубни очиб ўқиркан, даҳшатга тушди. У ўтган тўққиз кун ичида ёқтириб қолишга улгурган навкирон баҳодир йигитни маҳв этиши керак эди. Лекин Иобат ҳам Пройт сингари меҳмондўстликнинг муқаддас удумларига путур етказишга журъат этолмади. Беллорофонтни маҳв этиш мақсадида уни баҳодир йигитга муқаррар ўлим келтирадиган жасорат кўрсатиш учун юборишга жазм этди. Иобат Беллорофонтга даҳшатли баҳайбат махлук Ҳимерани ўлдиршни топширди. Уни кўрқинчли Тифон ва девқомат Эхидна дунёга келтирган эди. Ҳимеранинг боши арслон, гавдасининг ўртаси – ёввойи тоғ эчкиси, кети, яъни орқа томони аждарҳодан иборат эди. У ҳар уччала жағидан ҳам олов пуркарди. Ҳимеранинг ёвузлигидан ҳеч ким омон қолмасди. У билан бақамти бўлиш ўлим билан баробар эди.

Ушбу жасоратнинг хатарлилиги Беллорофонтни ниятидан қайтаролмади, қудратли баҳодир бу топширикни ижро этишни ўз гарданига олди. У Ҳимерани фақат Персей томонидаи ўлдирилган Медузанинг танасидан учиб чиққан қанотли от – Пегасга молик бўлган кишигина енгизиши мумкинлигини биларди, шунингдек, ўша ғаройиб отнинг қаердалигини ҳам биларди. Пегас кўпинча Акрокоринф тоғининг чўққисига қўнар ва у ердаги Пирена булоғидан сув ичарди. Беллорофонт тўппа-тўғри ўша ерга отланди. У булоқ ёнига Пегас айна булутлар орасидан учиб келиб, совуқ, биллурдай зилол сувли Пирена булоғидан ташналигини қондираётган чоғда етиб келди. Беллорофонт Пегасни ўша заҳотиёк ушламоқчи бўлди. Уни кечаю кундуз таъқиб этди, аммо барча саъйи-ҳаракатлари бехуда кетди, унинг айёрлиги ҳам ёрдам беролмади. Навкирон баҳодир қанотли отга яқинлашиб келдим дегунча у ўзининг кучли қанотларини қоқиб, бургут сингари булутлар ортига яшинар ва ўша ерларда парвоз этиб юрарди. Ниҳоят, Беллорофонт кароматсоҳиб Полииднинг маслаҳатига кўра, Пирена булоғи ёнидаги Афина-Паллада қурбонгоҳига яқин жойда, Пегасни илк бор кўрган ерда ухламоқчи бўлди. Беллорофонт тушида худолардан нидо келишини истарди. Филҳақиқат тушида яшинчақнатар Зевснинг суюкли қизи Афина унга Пегасни қандай ушлашни ўргатди ва унга олтин жиловни тутқазаркан, денгиз худоси – Посейдонга қурбон келтиришни амр этди. Беллорофонт уйқудан турди. Ёнида олтин жиловнинг ётганини кўриб, ҳайратда қолди. Беллорофонт эҳтиром ила муножот бажо келтириб, буюк маъбудага миннатдорлик изҳор айлади. Энди у Пегасни қандай забт этажагини биларди.

Кўп ўтмай ғаройиб от ўзининг оппоқ қанотларини қоқиб, Пирена булоғига учиб келди. Беллорофонт отга жасуруна ирғиб миниб олдида, унинг бошига олтин жиловни ўтказди. Пегас осмон бўйлаб елдай учаркан, Беллорофонтни хийла вақт нари-бери олиб чиқди ва ниҳоят ювош торта бошлади, ўшандан у Беллорофонтга содиқона хизмат қиладиган бўлди.

Учқур Пегасни минган Беллорофонт, навкирон баҳодир ҳайбатли Ҳимера яшаётган Ликия тоғлари сари шамолдай учди. Душманнинг яқинлашиб келаётганини сезган кучли ва ваҳимали Ҳимера қоронғи ғордан судралиб чиқди. Унинг уччала жағидан ҳам кишини ёндириб жизғанак қиладиган олов отиларди, бутун атрофни буруксиган тутун босиб кетди. Пегас Беллорофонт билан бирга осмонга сапчийди, навкирон баҳодир баландда туриб, Ҳимерага қаратиб бирин-кетин ўқ уза бошлади. Ғазабнок Ҳимера қояларга урилар, уларни остин-устин этиб, ағдариб ташларди. Баҳайбат махлук қаҳрланган ҳолда тоғма-тоғ еларди. Унинг алангасидан теварак-атрофдаги барча жонзот ҳалок бўлди. Қанотли от устида ўтирган Беллорофонт уни бетиним таъқиб этарди. Ҳимера навкирон баҳодирнинг мўлжалга бехато тегадиган ўқларидан ўзини қўярга жой тополмасди, ажал уруғини сочаётган ўқлар унга қаерда бўлмасин етиб борарди. Беллорофонт даҳшатли махлукни маҳв этиб, подшо Иобатнинг ҳузурига катта шон-шараф билан қайтиб келди.

Бироқ Иобат унинг зиммасига бошқа топширикни адо этишни юклади. У баҳодир йигитни жанговар солимлар қабиласига қарши жангга юборди. Солимлар билан бўлган жангларда ғоят кўп ботирлар ер тишлаган эди, аммо Беллорофонт уларни енгди. Иобат учун ушбу жасорат ҳам озлик қилди, ахир у баҳодир йигитни маҳв этишга интиларди. Шунинг учун навкирон баҳодирни мағлубият нелигини билмаган амазонкаларга қарши жангга юборди. Ушбу жангда ҳам Беллорофонт ғолиб чиқди. Шунда Иобат шавкатли ғалаба билан қайтиб келаётган қаҳрамонга тўсатдан хужум қилиб, енгилмас Беллорофонтни ўлдирсинлар дея унинг истиқболига Ликиянинг энг кучли йигитларини юборди. Ликияликлар уни пистирмага жалб этишди, лекин у бу ерда ҳам ҳалок бўлмади. Ликиянинг барча кучли

йигитлари ёш баходир зарбасидан ўлиб кетишди. Иобат ўшанда қандай буюк қаҳрамон йигитни меҳмон сифатида қабул қилганини англади. У қаҳрамон йигитни буюк ҳурмат билан қарши олди. Иобат унга ўз қизини хотинликка, салтанатининг ярмини эса сеп сифатида бахшида этди. Ликияликлар ўзларининг серунум ерларидан Беллорофонт учун жой ажратиб, унинг тасарруфига топширишди.

Ўшандан сўнг Беллорофонт Ликияда қолиб, у ерда ҳурмат ва шуҳрат гаштини суриб яшай бошлади. Аммо Беллорофонтнинг ҳаёти бахтсизлик билан тугади. Буюк қаҳрамон ўзига бино қўйиб юборди. Бекиёс довруғи эс-хушини олди чоғи, у Олимпсоҳиб маъбудларга тенглашмоқчи бўлди. Беллорофонт нурафшон Олимпга – умрбоқий маъбудлар ҳузурига қанотли от Пегасда парвоз қилмоққа шайланди. Ана шундай кибру ҳавоси ва манманлиги учун Зевс Беллорофонтни жазолади: яшинчақнатар Пегасга бағоят каттик қаҳру ғазаб юборди. Беллорофонт Олимпга кўтариламан дея Пегасга ўтирганда от уни ерга ташлаб юборди. Ерга қулаётиб, буюк баходир ақлдан озди. Даҳшатли ўлим худоси унинг жонини суғуриб, қоронғи Аид қаърига олиб кетгунча Беллорофонт хийла вақтгача ақлдан озган ҳолда «жунун водийсида» сарсонликни бошидан кечирди. Шу зайл буюк баходир Беллорофонт ғамгин қўланкалар салтанатига равона бўлди.

ТАНТАЛ

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Лидияда, Сипил тоғи яқинида шу ном билан аталган бой бир шаҳар жойлашган эди. Ушбу шаҳарда Зевснинг ўғли, маъбудларнинг эркатойи, тантик Тантал ҳукмдорлик қиларди. Худолар унга ҳамма нарсани мўл-кўл қилиб беришганди. Дунёда Сипил подшоси Танталдан бой ва бахтиёр зот йўқ эди, Сипил тоғидаги бой олтин конлари унга беҳисоб бойлик келтирарди. Шундай серҳосил далаларга ҳеч ким молик эмасди, ҳеч кимнинг боғ ва узумзорлари шундай ажойиб самара бермасди. Маъбудлар эркатойи Тантал салтанатида ҳамма нарса бадастур бўлиб, Тантал ўтлоқларида майин жунли қўйлар, тикмуғузли ҳўкизлар, сигирлар подаси ва елдай югурик йилқилар уюри боқиларди. Тантал мункиллаган чол бўлгунча бахт-саодатли ва фаровон ҳаёт кечирган бўларди, аммо ўта манманлик ҳамда жиноят унинг бошига етди: маъбудлар ўз эркатойи Танталга тенгқур сифатида муносабатда бўлардилар. Олимпсоҳиблар Танталнинг олтин янглиғ товланган кўшқу қасрларига тез-тез ташриф буюришар ва у билан қувноқ базмлар қуришарди. Бирорта ҳам фонийзот қадам қўймаган нурафшон Олимпга Тантал неча бор меҳмон бўлган, уни худолар даъват этарди. У худолар кенгашида иштирок этар, у ерда, отаси яшинчақнатар Зевснинг саройида улар билан бир дастурхон атрофида ўтириб, базму сафодан баҳраманд бўлган. Ана шундай беҳад бахту саодат уни такаббурлик йўлига бошлади. Тантал бориб турган манманга айланди. У ўзини ҳатто буюк булутқувар Зевсга тенглаштира бошлади. Тантал кўп ҳолларда Олимпдан қайтаётиб, ўзи билан бирга маъбудлар емаги – амврозия ва оби-ҳаёт олиб келар, уларни фонийзот дўстларига берар, ўз қасрида базм қуради. Ҳатто маъбудларнинг дунё тақдири ҳақида нурафшон Олимпда кенгашиб қабул қилган қарорлари мазмунини Тантал одамларга маълум қилар эди. У отаси Зевс тайинлагандек эмас, тамоман тескари йўл тутиб, сир сақламасди. Кунлардан бир кун Олимпда, зиёфат чоғида буюк Кроннинг ўғли Танталга мурожаат қилиб, шундай деди:

– Ўғлим, истаган нарсангнинг барчасини муҳайё қиламан, нима керак бўлса, мендан сўра. Сенга бўлган муҳаббатим туфайли сенинг ҳар қандай илтимосингни ижобат этгайман.

Лекин Тантал ўзининг фонийзот эканлигини фаромуш қилиб, отаси пурқудрат Зевсга ғурур билан шундай жавоб қайтарди:

– Сенинг илтифотингга муҳтож эмасман. Менга ҳеч нарса керак эмас. Менинг чекимга тушган қисмат умрбоқий маъбудлар қисматидан аълороқ деб ўйлайман.

Яшинчақнатар ўғлига лом-мим демади. У даҳшатли ҳўмрайди, аммо ғазабини ичига ютди. Унинг манманлигига қарамасдан, у ўғлини ҳамон севарди. Орадан кўп ўтмай, Тантал худоларни шафқатсизларча икки маротаба таҳқирлади. Фақат ўшандагина Зевс такаббур ўғлини жазолади.

Яшинчақнатарнинг ватани – Критда олтин ит бор эди. У бир пайтлар янги туғилган Зевс ва уни ўз сути билан боққан эчки – Амалфеяни кўриқларди. Зевс вояга етиб, Крондан дунё устидан ҳукмронликни қўлга киритганда ўша итни ўзининг Критдаги ибодатхонасини кўриқлаш учун қолдирган эди. Бу итнинг гўзаллиги ва кучига ҳаваси кетган Эфес подшоси Пандарей ҳеч кимга билдирмасдан Критга келиб, уни ўз кемасида олиб кетганди. Лекин шундай ажойиб жониворни яшириб бўлармиди? Пандарей йўлда кетаётиб, турфа хаёлларга толди ва, ниҳоят олтин итни асрашни Тантал-

га топширди. Сипил подшоси ғаройиб жониворни худолардан яширди. Зевснинг қаттиқ қаҳри келди. У маъбудларнинг элчиси – ўғли Ҳермесни чақириб олди ва уни Танталдан олтин итни қайтариб беришни талаб қилиш учун юборди. Эпчил ва чаққон Ҳермес кўз очиб юмгунча Олимпдан Сипилга етиб келди ва Тантал олдида ҳозир у нозир бўлди, у Танталга деди:

– Эфес подшоси Пандарей Критдаги Зевс ибодатхонасидан олтин итни ўғирлаб, уни асраш учун сенга берган экан. Олимп худолари ҳамма нарсдан хабардор, улардан фонийзотлар ҳеч нарсани яширолмайдилар! Итни Зевсга қайтариб бер! Яшинчақнатарнинг ғазабига дучор бўла кўрма!

Тантал эса худолар хабарчисига шундай жавоб берди:

– Сен беҳудага Зевснинг ғазабини пеш қилиб, менга таҳдид солмоқдасан. Олтин итни кўрмаганман. Худолар адашади, у менда эмас.

Тантал ҳақиқатни баён этаётганлиги хусусида жиддий қасам ичди. Бу қасами билан у Зевснинг баттар жаҳлини чиқарди. Танталнинг худоларга қаттиқ ботган биринчи ҳақорати шу эди. Яшинчақнатар уни бу гал ҳам жазоламади.

Тантал худоларнинг ғазабига уларни иккинчи бор – ўта даҳшатли ёвузлиги туфайли ҳақоратлаганда дучор бўлган. Олимпсоҳиблари Танталнинг саройида зиёфатга йиғилганларида у маъбудларнинг ҳамма нарсдан воқифлигини синамоқчи бўлди. Сипил подшоси Олимпсоҳибларининг ҳамма нарсдан воқифлигига ишонмасди. Тантал худоларга ўта ярамас емак тайёрлади. У ўз ўғли Пелопсга ўлдириб, зиёфат чоғида унинг гўшtidан бўлган овқатни бағоят тансиқ емак сифатида худоларга тортиқ этди. Худолар шу заҳотиёқ Танталнинг ёвуз ниятини пайқашди, уларнинг бирортаси ҳам номаъқул емакка қўл урмади. Ўғирланган қизини, фақат ўшани ўйлаб, ғамга ботган маъбуда Деметрагина атрофдагиларга эътибор бермай ёш Пелопснинг елкасини еб қўйган эди, холос. Худолар номаъқул емакни олиб, барча гўшт ва суякларни қозонга солиб, ловуллаб ёниб турган ўт устига қўйдилар. Ҳермес ўзининг сеҳру жодусини ишга солиб, болакайга жон киргизди. Худолар олдида аввалгидан ҳам келишган, чиройли болакай намоён бўлди, фақат унинг маъбуда Деметра билмасдан еб қўйган елкаси етишмасди. Зевснинг амри билан буюк Ҳефест шу ондаёқ оппоқ фил суягидан Пелопс учун елка ясади. Ўшандан буён Пелопс авлодларининг ўнг елкасида оппоқ доғ мавжуддир.

Танталнинг жиноятлари худолар ва одамларнинг буюк худоси Зевснинг сабр қосасини тўлдириб юборди. Яшинчақнатар Тантални укаси Аиднинг қоронғи салтанатига итқитиб юборди. Ўша ерда қилмишига яраша жазосини тортади. У зилол сувлар ичида туриб, очлик ва ташналик машаққатини чекади, сув унинг иягига келади. У энгашса, бас, ўзини қийноққа солиб турган чанқоқликдан халос бўлади. Аммо Тантал энгашдим дегунча сув ғойиб бўлади, бундай қараса оёғининг тагида қуп-қурук қора тупроқ. Танталнинг боши узра мевали дарахтларнинг новдалари эгилиб турипти. Унинг тепасида ширали анжирлар, анвойи олмалар, анорлар, ноклар ва зайтун мевалари. Зилдай оғир, ғарқ пишган болдай ширин узум қарийб сочларига тегади. Очликдан тинкаси қуриган Тантал ажойиб меваларга қўл узатади, бироқ илкисдан хуруж қилган кучли шамол мевадор бутоқларни учириб кетади. Тантални фақат очлик ва ташналик эмас, балки мангу кўрқув ҳам эзади. Чунки унинг тепасида омонатгина илиниб турган қоя осилган бўлиб, Танталнинг бошига истаган дақиқада тушиб кетиши мумкин. Сипил подшоси, Зевснинг ўғли – Тантал Аиднинг даҳшатли салтанатида шу зайлда мангу кўрқув, очлик ва ташналик изтиробини тортишга маҳкум этилган.

ПЕЛОПС

Овидийнинг «Эврилишлар» достони ва Пиндарнинг шеърлари асосида баён этилган

Танталнинг ўлиmidан кейин Сипил шаҳрида мўъжизакор маъбудлар томонидан халос этилган унинг ўғли Пелопс ҳукмдорлик қила бошлади. У жонажон Сипилда узоқ турмади. Троя подшоси Ил Пелопсга қарши уруш бошлади. Мазкур уруш Пелопсга бахтсизлик келтирди. Троянинг қудратли подшоси уни мағлуб этди. Пелопс ватанини тарк этишга мажбур бўлди. У ўзининг хазиnasi ва борбудини тезюрар кемаларга юклаб, содиқ хамроҳлари билан денгиз орқали узоқ юртга – Юнонистоннинг жанубидаги ярим оролга келиб, ўша ерда қўним топди. Ўшандан буён орол Пелопс номи билан Пелопоннес деб аталадиган бўлди.



Кунлардан бир кун Пелопс янги ватани Писа шаҳрининг подшоси Эномайнинг соҳибжамол қизи Хипподамеяни кўриб қолди. Қаҳрамонни Эномайнинг қизи ўз гўзаллиги билан мафтун этганди, у уни хотинликка олишга қарор қилади.

Аммо Хипподамеянинг розилигнни олиш амри маҳол эди. Бунинг устига, кароматсоҳиб Эномайга кизингнинг эрининг кўлидан ҳалок бўласан деб башорат қилишган. Шу қисматнинг олдини олиш учун Эномай қизини эрга бермоқчи эмасди. Хўш, у нима қилмоғи керак? Хипподамеянинг розилигини сўраган йигитларнинг ҳаммасига қандай қилиб бўлсада рад жавобини беради. Эномайнинг хузурига бир талай баҳодир йигитлар келиб, қизига совчилик қилган. Агар уларнинг ҳаммасига рад жавобини бераверса, уларни ҳақорат қилган бўларди. Ниҳоят, Эномай йўлини топди. У Хипподамеяни ўзи билан маҳода ҳайдаш мусобақасида ғолиб чиққан қаҳрамонга хотинликка беражанини, ўзи ғолиб бўлса, мағлуб бўлган қаҳрамонни маҳв этажанини баён этди. Эномайнинг бундай қарорга келишининг сабаби шундаки, бутун Юнонистонда маҳодани бошқариш санъатида унга тенг келадиган киши йўқ, бунинг устига, унинг шимолнинг ўқирик ва довулли Борей шамолдек тез елар отлари бор эди. Писа подшоси ўзидан устун келадиган баҳодирнинг йўқлигига ишонарди. Лекин шафқатсиз Эномайнинг кўлидан ҳалок бўлиш хавфи Юнонистон қаҳрамонларидан бирортасини ҳам ниятидан қайтараолмасди. У билан мусобақалашини учун шай турган йигитлар саройга бирин-кетин келаверди, Хипподамеяни хотинликка олса бас – у шундай соҳибжамол. Эномай уларнинг барчасини ўлдирди, уларнинг бошларини эса қанчалар шавкатли йигитлар ажал топганини билиб қўйсинлар дея саройи эшикларига миҳлаб кўярди. Бундай ҳол қаҳрамон йигит Пелопсни ҳам ниятидан қайтаролмади. У қандай бўлса ҳам Хипподамеяни қўлга киритишга азму қарор этганди, бағритош подшо Эномай хузурига жўнади.

Эномай Пелопсни ғазабнок ҳолатда қабул қилди ва унга шундай деди:

– Сен қизимни хотинликка олмақчимисан? Бу хатарли мусобақада қанчадан қанча доврўғи кетган йигитлар бошларидан жудо бўлганларини нахотки эшитмаган бўлсанг? Ўйлаб кўр, сени ҳам ўшаларнинг қисмати кутади!

– Ҳалок бўлган баҳодирлар тақдири менинг қалбимга қутқу сололмайди, – жавоб берди Пелопс. – Менга Олимп худолари мададкор бўлишига ишонаман! Хипподамеяни хотинликка олишда уларнинг ёрдамига таянаман.

Эномайнинг лабларида захарханда табассум ўйнаб кетди. У бунақа фасоҳатни кўп эшитган.

– Сўзимга кулоқ ос, Пелопс, – деди у, – мусобақа шарти шундай: йўл Писа шаҳридан бошланиб, Пелопоннес бўйлаб Истмгача чўзилади, у денгизлар ҳукмдори Посейдон қурбонгоҳи ёнида тугайди. Ўша қурбонгоҳ Коринфдан сал берида жойлашган. Қурбонгоҳга биринчи бўлиб борсанг, сен ғолибсан, агар йўлда мен сенга етиб олсам, шўринг қуриди деявер! Ўшанда найзам кўксингга санчилади, шу пайтгача кўпларнинг кўксига санчилганидек, сенинг кўксингга ҳам санчилади-ю, беному нишон Аид салтанатига равона бўласан. Сенга битта илтифот кўрсатаман: сен мендан аввал йўлга чиқасан, мен даставвал буюк яшинчақнатарга қурбон келтиргач, маҳодамга ўтираман. Мен қурбон келтиргунча сен иложи борича кўпроқ йўл босишга интил.

Пелопс Эномайникидан чиқиб кетди. У мустабид подшони фақат айёрлик билан енгиш мумкинлигини фаҳмлади. Пелопс ўзига мададкор топиб олди. У Эномайнинг маҳода ҳайдовчиси – Ҳермеснинг ўғли – Миртилникига хуфёна бориб, унга катта совғалар ваъда қилиб, Эномай маҳодаси ғилдираклари чиқиб кетсин ва подшо йўлда бир муддат ушланиб қолсин дея ундан подшонинг маҳодаси ғилдиракларига чувчўп қўймасликни илтимос қилди. Миртил анчагача иккиланди, бироқ ниҳоят, Пелопс уни катта совғалар билан йўлдан урди, шундан сўнг Миртил унинг илтимосини бажо келтиришга сўз берди.

Тун ўтиб, тонг отди. Балқиб чиқаётган алвон рангли Эос осмон гумбазини олтин тусига чулғади. Мана осмон узра ўзининг олтин маҳодасида елаётган нурафшон Хелиос (Куёш) ҳам зухур эта бошлади. Энди мусобақа бошланади. Пелопс еру кўкни тебратувчи буюк Посейдон шарафига дуолар ўқиб, ундан мадад сўраркан, маҳодасига ирғиб минди. Подшо Эномай Зевс қурбонгоҳига келиб, Пелопсга йўлга тушишинг мумкин дея ишорат этди. Подшонинг отлари шамолдай учиб келмоқда, чанг тўзон қуюндай буралиб, осмонга ўрлайди. Пелопс отларни қамчилайди. Улар янада тез елиб кетади. Отларнинг ғазаб билан елишидан чиққан товуш унинг кулоқларини батанг қилади. Ахир шохнинг отлари шамол каби елмоқда! Пелопс орқасида жадаллаб учиб келадиган отларнинг нафасини сезиб турибди. У подшонинг тантанавор тарзда қулиб, ўзига найза ўқталаётганини пайқаб қолди. Пелопс Посейдонга илтижо қилади, сарҳадсиз денгизлар худоси унинг илтижосини эшитди, ўша захотиёқ Эномай

маходаси гилдираклари ўқидан чиқиб, маҳода ерга ағдарилди ва Писанинг қаттол подшоси ерга кулаб тушди. Эномай ўлар даражасида шикаст еган эди, унинг кўзларини ўлим зулмати қоплаганди.

Пелопс Писага ғалаба билан қайтди. Ҳипподамеяни хотинликка олди ва Эномай салтанатига эга бўлди. Эномайнинг маҳода ҳайдовчиси Миртил Пелопсдан ваъдага биноан салтанатнинг ярмини талаб қилганда, салтанатнинг ярмидан жудо бўлиш унга оғир туюлди. Танталнинг маккор ўғли Миртилни алдаб-авраб денгиз соҳилига олиб борди. Қоядан қуларкан, Миртил Пелопс ва унинг авлодаждодини лаънатлади. Танталнинг ўғли Миртил ва унинг отаси Ҳермеснинг ғазабини юмшатишга нечоғлик уринмасин, бари беҳуда кетди. Миртилнинг қарғиши ижобат бўлди. Ўшандан буён Пелопс авлодини сон-саноксиз балою мусибатлар тарк этмайди, ўзларининг ёвузлиги билан эса улар мангу худолар жазосига маҳкум этилгандир.

ЕВРОПА

Шоир Мосхнинг «Идиллиялар» достони асосида баён этилган

Сидон Финикиянинг энг бой шаҳарларидан биридир. Унинг подшоси Агенорнинг уч ўғли, Соҳибжамол ва умрибоқий маъбудлар янглиғ бир қизи бўларди. Ўша ёш соҳибжамолнинг исми Европа эди. Кунлардан бир кун Агенорнинг қизи туш кўрди. У тушида Осиё ва Осиёдан денгиз билан ажратилган қитъа қандай қилиб икки аёл шаклида ўзи учун курашаётганини кўрди. Аёлларнинг ҳар бири Европага эга бўлишни истармиш. Осиё энгилди, аммо Европа уни боқиб, вояга етказган ва тарбиялаган Осиёга тақдим этилди. Кўрқиб уйғониб кетган Европа ўзи кўрган тушнинг таъбирини билмасди. Агенорнинг ёш қизи агар туш бирор фалокатдан дарак бераётган бўлса, унинг олдини олишларини илтижо қилиб, худоларга итоаткорона ёлвора бошлади. Сўнг зарҳал иплардан тўқилган либосларга бурканиб, дугоналари билан анвойи гуллар чаппар уриб очилган денгиз соҳилидаги ям-яшил ўтлоққа боришди. Сидон қизлари майсазорда роса ўйнашиб, олтин саватларни гуллар билан лик тўлдиришди. Улар хушбўй, оппоқ наргис, нилуфар, заъфар ва бинафшалар теришди. Харита (гўзаллик, шодлик илоҳа)лари қуршовидаги Афродитага ўхшаб, дугоналари орасида ўз латофати билан ажралиб турадиган Агенорнинг қизи эса саватчасига нукул кип-қизил атиргулларни териб соларди. Қизлар гуллар териб, саватларни тўлдиригач, қувноқ давра қуриб, роса яйрашди. Уларнинг навқирон овози яшнаб турган ўтлоқ ва ложувард денгизнинг нозик шовуллашини босиб кетаркан, узоқ-узоқларга тараларди.

Соҳибжамол Европанинг беташвиш ҳаётдан завқланиши ва лаззатланиши узоққа чўзилмади. Уни Кроннинг ўғли – пурқудрат булуткувар Зевс кўриб қолди ва ўғирлашга қарор қилди. У ўзининг зухур этиши билан навнихол Европани кўрқитиб қўймаслик мақсадида ғаройиб ҳўкиз қиёфасига кирди. Ҳўкизнинг туклари олтин сингари ялтирар, фақат унинг манглайида ой ёғдусига монанд кумуш доғ товланиб турарди, ҳўкизнинг мугузлари алвон тусли уфқда эндигина пайдо бўлган ҳилолдай эгик. Ғаройиб ҳўкиз сайҳондаги майсаларга тегар-тегмас, билинар-билинемас одимлаб, қизлар ёнига келди. Сидон қизлари ундан кўрқишмади, улар ҳайратомуз жониворни ўраб олиб, унинг баданини силаб-сийпаб майингина ўқалашди. Ҳўкиз Европага яқинлашиб, унинг қўлларини ялаб, унга суркала бошлади. Ҳўкизнинг оғзидан амврозия – маъбудлар емагининг ҳиди келарди, бутун атрофни муаттар хид чулғаб олди. Европа ҳўкизнинг тукларини ўзининг нозик қўллари билан силар, бошини кучар ва ўпар эди. Ҳўкиз соҳибжамол қизнинг оёқ томонига ётиб олиб, устимга ўтир дегандай қилиб эркаланарди.

Европа кулиб, ҳўкизнинг кенг яғринига ўтириб олди. У билан бирга бошқа қизлар ҳам ўтирмоқчи эди. Ҳўкиз дафъатан ўрнидан ирғиб турди-ю, денгизга қараб югуриб кетди. У истаганини ўғирлаб, жўнаб қолди. Сидон қизлари ваҳимага тушиб, қаттиқ чинқириб юборишди. Европа уларга томон қўлларини чўзиб, ёрдамга чорлади. Аммо Сидон қизлари унга ёрдам беришга ожиз эдилар. Олтин мугузли ҳўкиз шамолдай тез югуриб кетди. У ўзини денгизга ташлади ва унинг ложувард сувларига қўшилиб, дельфин (юнус балиғи) сингари жадаллаб сузиб кетди. Денгиз тўлқинлари эса икки томонга сурилиб, унга йўл очардилар, уларнинг қатралари олмос каби унинг танига намлик юқтирмай, ҳўкизнинг тукларидан сирпаниб тушарди. Денгиз қаъридан сулув нереида (денгиз худосининг қизлари, денгиз нимфалари) сузиб чиқаверарди. Улар ҳўкиз атрофида ўрмалашиб, унинг ортидан сузиб боришарди. Денгиз худолари қуршовидаги денгиз маъбуди Посейдон ўзининг уч бошли ҳассаси билан акаси – буюк Зевснинг йўлини очиш мақсадида тўлқинларни забт этиб бормоқда эди. Ҳўкизнинг елкасида ўтирган Европа эса кўрққанидан қалтираб кетаяпти. У бир қўли билан унинг ол-

тин мугузларидан ушлаб олган, бошқа кўли билан денгиз тўлқинлари алвон кўйлагини ивитмасин дея унинг баридан ушлаб бормоқда. Ҳолбуки, у кўркмасе ҳам бўлади. Денгиз оҳиста шовқин салади, унинг шўр томчилари Европани безовта қилмайди. Денгиз шаббодаси Европанинг қўнғир сочларини елпийди ва ҳарир ёпинғичини хилпиратади. Борган сайин соҳилдан узоқлашарди ва ниҳоят, мовий денгиздан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолди. Бутун борлиқ зангори осмонга айланган эди. Хиёл ўтмай Крит соҳиллари кўзга ташланди. Зевс – ҳўкиз елкасидаги бебаҳо хазинаси билан қирғоққа чиқиб олди. Европа Зевсга хотин бўлиб қолди, ўшандан буён у Крит соқинига айланди. Улар уч ўғил кўришди: Минос, Радамант ва Сарпедон. Яшинчақнатар Зевснинг ўша қудратли ва донишманд ўғилларидан донғи бутун дунёга таралди.

КАДМ

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Зевс ҳўкиз киёфасига кириб, Европани ўғирлаб кетганда Сидон подшоси Агенор чуқур қайғуга чўмди. Унга ҳеч нарса тасалли бўлолмасди. У уччала ўғли – Фойникс, Киликс ва Кадмни ҳузурига чақиртириб, уларни Европани излаб топиш учун йўлга солди. У ўғилларига ўлим даҳшатидан кўрқиб, уйга сингилсиз қайтиб келишни ман этди. Агенорнинг ўғиллари сингилларини излаб йўлга тушишди. Фойникс ва Киликс кўп муддат ўтмасдан Кадмни тарк этишди. Улар икки салтанатга асос солишди: Фойникс – Финикия, Киликс – Киликияга ва ўша ерларда қолиб кетишди. Ёлғиз Кадмгина сингилсини излашни давом эттирадиган бўлди. У дунё бўйлаб сарсон кезаркан, ҳамма жойда Европани суриштирарди. Уни Зевснинг ўзи ҳаммадан сир тутаетган бўлса, бояқиш сингилсини нечук топсин? Ниҳоят сингилсининг топилишидан умидини узиб, уйга қайтишдан хавфсираган Кадм бир умрга ёт элда қолиб кетишга қарор қилди. У муқаддас Делфага бориб, у ерда ўқчақнатар Аполлоннинг кароматсоҳибидан қайси мамлакатга бориб, қайси шаҳарга асос солишни сўради. Аполлоннинг кароматсоҳиби Кадмга жавоб берди:

– Хилват сайхонда ҳеч қачон бўйинтурук кўрмаган сигирни кўрасан. Унинг ортидан юр, у қаерда ётиб қолса, ўша жойда шаҳар деворларини тиклайвер, мамлакатни эса Беотия деб ата.

Кароматсоҳибдан шундай жавоб олгач Кадм Делфани тарк этди. У эндигина дарвозадан ташқарига чиққан эди ҳамки, ўша жойда, сайхонликда ёлғиз ўзи ўтлаб юрган қордай оппоқ сигирни кўриб қолди. Кадм буюк Аполлонни шарафлаб, ўзининг содиқ хизматқорлари билан унинг кетидан бораверди. Улар Кефис водийсидан ўтганларида сигир тўсатдан тўхтаб қолди, бошини осмонга қаратиб қаттиқ маъраб юборди, ўзининг ортидан таъқиб этиб келаётган жангчиларга қараб қўйди ва шошмасдан ям-яшил майса узра ётиб қолди. Аполлонга нисбатан миннатдорлик ҳиссига чулганган Кадм тиз чўкиб, ўзининг янги ватани тупроғини ўпди ва худоларни нотаниш тоғлар ва водийларга марҳаматли бўлишга даъват этди. Кадм ўша ондаёқ пурқудрат Зевсга қурбон келтиришга, тошлардан қурбонгоҳ тиклашга киришди, қурбон келтиришга у ерда сув йўқлиги туфайли у сидонлик содиқ хизматқорларини сувга юборди.

Яқин ўртада қадимий ўрмон бўлиб, унга шу пайтгача ўтинчилар болтаси тегмаганди. Ўрмон ўртасида буталар билан қопланган ғор бор эди, унинг атрофида эса бетартиб қалашиб ётган улкан қоялар ётарди. Ғордаги тоғлар орасида жилдираб биллурдай зилол сувли булоқ қайнаб чиқарди. Ғорда уруш худоси Аресга мансуб баҳайбат илон яшарди. Унинг кўзлари ўтдай чақнар, уч қатор заҳарли тишлари жойлашган жағидан учта тиши чиқиб турарди, илоннинг бошидаги олтин тож чайқалиб турарди. Кадмнинг мулозимлари булоққа яқинлашиб, идишларини совуқ сувга ботирганларида ғордан даҳшат ила иланг-биланг бўлиб, тошлар орасидан ўша улкан илон судралиб чиқди. Кадмнинг мулозимлари даҳшатли махлуқни кўргач, ранглари қув учиб, уларнинг қалтираган кўлларида идишлар тушиб кетди, ваҳимага тушган йигитлар жойларида тошдай қотиб қолишди. Оғзини юҳодай кенг очган илон думининг устида тик туриб олди, унинг бўйи ўрмондаги азалий даррахтлардан ҳам баланд эди. Сидонликлар қочиш ёки ўзларини ҳимоя қилиш ҳақида ўйлаб олишга ҳам улгуришмади, баҳайбат илон уларнинг устига ташланди. Шундай қилиб Кадмнинг мулозимлари ҳалок бўлишди.

Кадм мулозимларининг қайтиб келишини узоқ кутди. Куёш аллақачон ғарбга томон оға бошлаган, ерда кўланқалар узайган пайт, аммо мулозимларидан ҳамон дарак йўқ. Агенорнинг ўғли сидонлик мулозимлари қаерларда қолиб кетдийкин, нега улар ҳаяллади, дея ҳайратланарди. Ниҳоят, арслон

терисини совут сифатида ёпиниб, ўткир қиличини белига боғлади. Табиийки, энг ишончли ҳимояси ва қурол-аслаҳаси унинг жасорати эди. Кадм ўрмонга кираркан, ўзининг содиқ мулозимларининг тилка-пора бўлган жасадлари устида баҳайбат илон ётганини кўриб қолди. Ғам-аламга тўлган ва дарғазаб Кадм шундай хитоб қилди:

– Эй менинг содиқ мулозимларим, сизлар учун интиқом олажакман! Ё сизлар учун қасос оламан ёхуд сизлар билан бирга зулматли қўланкалар салтанатига равона бўламан!

Кадм қоядай каттакон бир тошни олиб, илонга иргитди. Ўша тош зарбидан қалъа минораси остин-устун бўларди, бироқ ҳайбатли махлуқ заррача бўлсин шикаст емади, уни бутун танасини қоплаб олган пўлатдай қаттиқ тангачалари ҳимоя қилганди. Шунда Агенорнинг ўғли найзасини ўйната бошлади, у бор кучини бир жойга йиғиб, уни махлуқнинг нақ орқасига қадади. Махлуқнинг пўлат сингари мустаҳкам тангачаси Кадмнинг найзасига дош беролмади. Найза илоннинг орқасига дастасигача санчилди. Илон буралиб-буралиб, найзани тишлаганича уни ярасидан суғуриб олмоқчи бўларди. Бироқ махлуқнинг уринишлари беҳуда кетди. Найзанинг тиғи унинг танасига жуда чуқур ботганди. Ареснинг аждарҳоси найзанинг дастасинигина синдирилди, холос. Қоп-қора захар ва ғазабнинг зўридан илоннинг бўйни беўхшов шишиб кетди, оғзидан эса оғули кўпик сачратарди. Унинг кўрқинчли вишиллаши бутун мамлакат бўйлаб таралди, ҳавони унинг нафасидан пайдо бўлган қўланса ҳид босиб кетди. Илон гоҳ улкан ҳалқадай шаклга кирар, гоҳ иланг-биланг буралиб баландга ўрламоқчи бўларди. У дарахтларни томири билан суғуриб олар, каттакон тошларни ҳар ёққа итқитарди. У Кадмни ўзининг захарли комига тортмоқчи бўлар, аммо баҳодир йигит қалқони – арслон терисига бурканиб, илонга қақшатқич зарба берар эди. Илон ўзининг ўткир тишлари билан қилични ғажирди, пўлат эса унинг тишларини ўтмаслаштирарди, холос.

Пировардида Агенорнинг ўғли илоннинг бўйнига найза санчиб, уни эман дарахтига михлаб ташлади, қудратли паҳлавоннинг зарбаси ана шундай кучли эди.

Баҳайбат махлуқнинг оғирлигидан юз йиллик эман букчайиб қолди. Кадм мағлуб бўлган махлуққа хайрат билан қараркан, унинг катталигидан таажжубланарди. Ғойибдан Кадмнинг қулоғига шундай нидо келди:

– Агенорнинг ўғли, ўзинг ўлдирган илоннинг нимасига ҳайрон бўласан? Кўп ўтмай ўзинг ҳам илонга айланганингда кишилар сенга ҳам ҳайрон қолишади.

Сирли товуш қаердан келганини билмай турган Кадм теварак-атрофга олазарақ бўлиб қарарди. Бундай башоратни эшитиб даҳшатга тушди, сесканди. Бошидаги сочлари тикка бўлиб кетди. Сал бўлмаса ҳушидан кетай деган Кадм ўлдирилган илон тепасида қимирламай турарди. Ўшанда Кадмнинг кўз ўнгида Зевснинг суюкли қизи Афина-Паллада пайдо бўлди. У унга илоннинг тишларини суғуриб, худди шудгор қилинган далада уруғ сочгандай экиб чиқишни амр этди.

Кадм бойкуш кўзли жанговар маъбуданинг амрини бажо келтирди. У эндигина илоннинг тишларини далага сочган ҳам эдики, дафъатан – вожааб, не кўз билан кўрсинки, найзаларнинг тиғлари зухур этаверди. Шудгорда дубулғалар тожи, сўнгра жангчиларнинг бошлари, уларнинг елкалари, совутига занжирбанд қилинган кўкраклари, қўлида қалқони билан, ниҳоят, аждарҳонинг тишларидан бутун бошли қуролланган жангчилар бўлимаси ўсиб чиқди. Ғойибдан пайдо бўлган янги душманни кўраркан, Кадм қиличига ёпишди, лекин ердан туғилган жангчилардан бири тилга кириб, шундай хитоб этди:

– Қиличинга ёпишма! Нифоқ солувчи жангга аралашишдан ҳазар қил.

Жангчилар ўртасида даҳшатли муҳораба бошланди. Улар бир-бирларини қилич ва найза билан рося киришди. Жангчилар ҳозиргина ўзлари ўсиб чиққан ерга бирин-кетин қулашарди. Уларнинг беш нафаригина тирик қолди. Ўшанда улардан бири Афина-Палладанинг амри билан сулҳ рамзи сифатида қуролини ерга итқитди. Жангчилар қардошларча дўстлик сулҳини тузишди. Ер аждарҳонинг тишларидан яратган ушбу жангчилар етти дарвозали Фива – Кадмея қалъасини қурганда Кадмга ёрдамчилик қилганди.

Кадм буюк шаҳар Фивага асос солди. Фуқаролар учун қонунлар таъсис этди, давлат вужудга келтирди. Олимп худолари Арес ва Афродитанинг соҳибжамол қизи Ҳармонияни Кадмга хотинликка бердилар. Фиванинг асосчисининг тўй тантанаси дабдабали тарзда ўтди. Ушбу тўйда Олимпсоҳибларнинг барчаси йиғилишди ва ёш келин-куёвга турфа совғалар беришди.

Ўшандан сўнг Кадм Юнонистоннинг энг қудратли подшоларидан бири бўлиб қолди. Унинг бойлигининг ҳадди-худуди йўқ эди. Ердан, илон тишларидан вужудга келган жасур жангчилар бошчилигидаги беҳисоб ва енгилмас қўшини бор эди. Агенорнинг ўғли хонадонидан мангу шодлик ва бахт-

саодат ҳукм суриши керакка ўхшарди, бироқ Олимпсохиб маъбудлар унга фақат ўша бахтни раво кўрмаган эканлар. У бошидан не-не мусибатларни кечирмади. Унинг қизлари – Семела ва Ино оталари кўз ўнгида ҳалок бўлишди. Тўғри, улар ўлгандан сўнг Олимп худолари жумласига кўшиб олиндилар, афсуски, Кадм ўзининг суюкли ва ёқимтой қизларидан жудо бўлди. Кадмнинг невараси, қизи Автоноянинг ўғли – Актеон Артемида ғазабининг қурбони бўлди. Кадмга неваралари учун ҳам кўз ёши тўкишга тўғри келди.

Кексайган чоғида ғам-ғуссадан эзилган Кадм етти дарвозали Фивани тарк этди. У хотини Ҳармония билан бирга кўп йиллар ёт элларда сарсон-саргардон бўлиб юрди ва ниҳоят, узоқ Иллирияга келиб қолдилар. Дарди ичига сиғмаган Кадм хонадони бошига тушган кулфат-мусибатни бир-бир кўз ўнгига келтирди, аждарҳо билан курашганини, ғойибдан келган сўзларни эслаб қолди:

– Мен қиличим билан тилка-пора қилган ўша илон, – деди Кадм, – мабодо худоларга мансуб эмасмикан? Улар мени ўшанинг ўлими учун жазолаётган бўлишса, ўзим ҳам илонга эврилганим афзал.

Шундай деган заҳотиёқ Кадмнинг танаси чўзилиб, тангачалар билан қопланди, оёқлари бир-бирига кўшилиб, иланг-биланг бўладиган илоннинг думига айланди. Даҳшат ичра қолган Кадмнинг кўзларидан ёш тирқираркан, илон аъзосига айланиб улгурмаган кўлларини Ҳармонияга чўзиб уни чорларди:

– Ҳой Ҳармония, ёнимга кел! Бутунлай илонга айлангунимча кўлларимдан ушлаб қол, қўлингни кўлимга теккиз!

У Ҳармонияни ёнига чақириб, унга кўп нарсани айтмоқчи бўлади, лекин тили иккига бўлиниб, унинг оғзида илон ниши тебрана бошлади, у энди вишиллаш оларди, холос. Ҳармония унинг олдида югуриб келади:

– О Кадм! – хитоб этди у. – Бу киёфангни тарк эт, тез бўл! О, маъбудлар, нега мени ҳам илонга эвирмайсиз?!

Баҳайбат илонга айланган Кадм ўзининг вафодор хотини атрофида кулча бўлиб, иккига айрилган ниши билан унинг юзини яларди, қайғуга чўмган Ҳармония эса илоннинг тангача билан қопланган елкасини силарди. Маъбудлар Ҳармонияни ҳам илонга айлантиришди, Кадм ва Ҳармония – иккиси ҳам энди илон бўлиб қолганди.

Шундай қилиб, Кадм ва унинг суюкли хотини Ҳармония илон киёфасида дунёдан ўтдилар.

ЗЕТ ВА АМФИОН

Фива шаҳрида дарё худоси Асопнинг қизи Антиопа яшарди. Уни яшинчақнатар Зевс севиб қолганди. Антиопадан икки нафар эгизак ўғил дунёга келди. У уларни Зет ва Амфион деб атади. Отасидан яширин тарзда Зевс никоҳига ўтганига ота ғазабдан кўрққан Антиопа ўғилларини саватга ётқизиб, уларни тоққа олиб кетди. Антиопа Зевснинг ўз ўғилларига ўлишга қўймаслигига қатъий ишонарди. Дарҳақиқат, Зевс уларга ғамхўрлик қилди. У Зет ва Амфион ётган ерга бир чўпонни юборади. Чўпон Зевс ва Антиопанинг жажжи ўғилларини топиб, уларни уйига келтиради ва тарбиялай бошлайди. Шу зайл ака-укалар чўпоннинг уйида вояга етишди. Зет ва Амфион гўдакликдаёқ хусусиятларига кўра бир-бирларидан фарқ қилишарди: Зет кучли, қатъиятли бўлиб, болалигидаёқ чўпонга пода боқишга ёрдамчилик қила бошлайди, Амфион эса камтар, самимий хусусиятга молик бўлиб, уни ҳеч нарса мусикадек ўзига жалб этмасди. Ҳар иккала бола ҳам ўсиб, балоғатга етишди. Зет бақувват, жасур жангчи бўлиб етишди. Куч ва шижоатда ҳеч ким ундан устунлик қилолмасди. Жанг пайтида курул-аслаҳанинг шақирлаши ва ёввойи ҳайвонларни овлаш унинг кўнглига чексиз сурур бағишларди. Маъбуд Аполлоннинг эркатойи Амфионга эса Латонанинг кумуш ёйли ўғли Аполлоннинг ўзи армуғон этган олтин торли кифарани чалишгина шодлик бахш этарди. У ўзининг кифарасини шундай маҳорат билан чалардики, ҳатто дов-дарахт ва қояларни ҳам жунбишга келтирарди.

Ота-оналарининг кимлигини билмаган йигитлар ҳамон чўпонникида истиқомат қилишарди. Уларнинг онаси Антиопа эса ўша вақтда Фиванинг мустабид подшоси Лик ва унинг хотини Дирканинг ҳукми остида изтироб чекарди. Зилдай оғир занжирлар билан банди қилинган Антиопа куёш нурлари тушмайдиган зулматда яшашга маҳкум этилган эди, аммо Зевс уни озод қилди. Уни занжирбанд қилган занжирлар ўз-ўзидан ечилаверди, зиндоннинг қопқалари ланг очилиб кетди. Антиопа тоққа қочиб кетди ва ўғилларини тарбиялаган ўша чўпонинг кулбасидан паноҳ топди. Чўпон уни эндигина



Ўз химояси остига олган ҳам эдики, уникага зулмкор маккора Дирка келиб қолди. У бошқа фивалик киз-жувонлар билан тоғда қувноқ Дионис байрамини ўтказди. Бошида чирмовиқ гулчамбар, кўлида чирмовиқ ўралган таёқ билан тоғларда тентираб юрган Дирка тўсатдан чўпоннинг кулбасига келиб қолган эди. У Антиопани кўриб қолдию, юрагида нафрат ўти аланга олди. Дирка бахти қаро Антиопани маҳв этиш пайига тушганди. У Зет билан Амфионни ёнига чакириб, Антиопани ноҳақ айблади, йигитларни ўз сўзига ишонтиргач, Асопнинг бегуноҳ қизини тилка-пора қилсин деб уни ёввойи хўкизнинг мугузларига боғлашга кўндирди. Зет ва Амфион Дирканинг амрини ижро этишга шай туришганди, лекин шу он Антиопанинг бахтига чўпон келиб қолди. Ўзининг ўғиллари Антиопани кутурган хўкизнинг мугузларига боғламоқчи бўлиб турганини кўрган чўпон хитоб этди:

– Ҳой бадбахтлар, қандай даҳшатли жиноятга кўл ураётганларингми биласизларми? Сизлар ҳеч нарсани билмай туриб, ўзингизнинг волидаи меҳрибонингизни ўлимга маҳкум этмоқдасиз. Бу сизларни дунёга келтирган мунис ва мушфиқ онангиз-ку!

Зет билан Амфион шафқатсиз Дирканинг айби билан қандай мудҳиш ёвузликка йўл кўйишлари мумкинлигини англаб олгач, даҳшатга тушишди. Қаҳри келган йигитлар ўз оналарига тухмат тошини ёғдирган Диркани ушлаб, ўша ёввойи хўкизнинг мугузларига боғларканлар, шундай дердилар:

– Онамиз маҳкум этилган ўлим ўзингга насиб этсин, йўқол, маҳв бўл! Ушбу ўлим сенинг бераҳмлигинг ва тухмат-бўхтонларинг учун муносиб жазо бўлсин!

Дирка азоб-укубат тортиб ҳалок бўлди. Зет ва Амфион оналари учун Ликдан ҳам қасос олишди: улар уни ўлдириб, Фива устидан ҳукмронликни ўз кўлларига киритишди.

Фива подшолари бўлиб олган ака-ука шаҳарни мустаҳкамлашга қарор қилишди. Фақатгина Кадм томонидан қурилган Кадмея – Фива қалъаси деворлар билан муҳофаза қилинган бўлиб, шаҳарнинг қолган қисми мутлақо химоясиз эди. Ака-укалар Фива атрофини баланд девор билан ўраб олишди. Уларнинг меҳнати қандай самарали эди-я! Қудратли титан-пахлавон Зет ўзининг бутун кучини ишга солиб, улкан тош палахсаларини келтирар ва уларни маҳорат билан бир-бирининг устига миндираб эди. Амфион тош палахсаларини келтирмас, унинг олтин торли кифараси товушларга тобе тошларнинг ўзлари ҳаракат қилишар, баланд ва мустаҳкам девор узра жойлашишарди. Зет ва Амфионнинг шуҳрати бутун оламга таралди, уларни ҳатто Юнонистоннинг худудидан ташқаридагилар ҳам биларди. Худоларнинг суюқлиси Танталнинг ўзи Амфионга қизи Ниобани хотинликка берди. Зет эса Эфес подшоси – Пандарейнинг қизи Аэдонага уйланди. Антиопанинг ўғиллари хонадонини бахтсизликка дучор этган ҳам зотан Ниоба ва Аэдона бўлди.

НИОБА

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Фива подшоси Амфионнинг хотини Ниобанинг етти нафар ўғли ва етти нафар қизи бор эди. Танталнинг қизи ўз болалари билан фахрланарди. Унинг болалари худолар янглиғ навқирон ва соҳибжамол эди. Маъбудлар Ниобага бахт, бойлик ва ажойиб болалар насиб этган, аммо Танталнинг қизи ўз тақдирдан мамнун эмасди.

Кунлардан бир кун кўзи ожиз қарамотсоҳиб Тиресийнинг қизи, афсунгар Манто етти дарвозали Фиванинг кўчаларидан ўтиб бораётиб, фивалик киз-жувонларни Латона ва унинг эгизак болалари – заркокилли тирандоз Аполлон ва бокира Артемида шарафига қурбонлик келтиришга даъват этарди. Мантонинг даъватига тобе бўлган фивалик киз-жувонларнинг юзини ерга қаратди. Лекин шунга қарамасдан, улар қурбонлик бериш удумини бажо келтиришди. Фиванинг киз-жувонлари буюк Латонадан ғазабланмасликни илтижо қилиб, унга итоаткорона ёлвориларди.

Маъбуда Латона Ниобанинг такаббуруна айтган сўзларини эшитиб турарди. У ўзининг болалари – Аполлон ва Артемидани ҳузурига чакириб, Ниобадан нолиркан, уларга деди:

– Танталнинг мағрур қизи мени – онангизни қаттиқ ҳақорат қилди. У маъбудалигимга шак келтирмоқда! Ҳолбуки, қудратлилиқ ва шуҳрат бобида фақат Зевснинг буюк рафиқаси Ҳерадан қолишаман, аммо Ниоба мени эътироф этмайди. Болаларим, наҳотки, ҳақорат учун ундан қасос олмасанглар? Агар сизлар Ниобадан ўч олмасанглар, одамлар менга улуг маъбуда сифатида сиғинмай кўйишади ва менинг қурбонгоҳларимни бузиб ташлашади. Танталнинг қизи сизларни ҳам таҳқирлади-ку! У умрбоқий худоларни ўзининг фонийзот болалари билан қиёслайди. У отаси Тантал сингари такаббурдир!



Тирандоз Аполлон онасининг сўзини бўлди:

– Бас қилинг энди! Бошқа гап-сўзнинг хожати йўқ. Ўз шикоятларингиз билан жазони юмшатаяпсиз ахир!

– Айтганингиз бўлади! Бас, гапни чўзманг! – хитоб этди ғазабнок Артемида.

Булутга чулганган дарғазаб ака-сингил Кинт тоғининг чўққисидан Фивага ўқдай учиб келишди. Садокларидаги олтин ўқлар маъшум гумбурларди. Улар етти дарвозали Фивага ғизиллаб етиб келишди. Аполлон Фива йигитлари ҳарбий машқларни адо этаётган дарвоза ёнидаги теп-текис майдонда кўзга кўринмаган ҳолда тўхтаб қолди. Тирандоз Аполлон булутга чўлғаниб Фива деворлари ёнига келиб турганида Ниобанинг Исмен ва Сипил исмли ўғиллари ўзларининг алвондек кип-қизил кабога бурканган, гижинглаган отларини елдириб кетаётган эдилар. Ногаҳон Исмен чинқириб юборди, унинг кўксига Аполлоннинг олтин ўқи санчилган эди. У олтин жиловдан қўлини олди-ю, ерга кулаб жон берди. Сипил Аполлон ёйининг камалак ипи қандай ваҳимали овоз чиқарганини эшитиб турарди. У чопқир оти ёрдамида хатардан қутулишни истарди. Денгизчи ваҳимали булутдан халос бўлиш учун кема елканларининг барчасини ёзиб, очиқ денгизда қандай елса, Сипил ҳам майдонда кучининг борича ўшандай еларди. Ажал уруғини сочувчи ўқ Ниобанинг ўғлининг нақ яғринига санчилди. Ниобанинг Файдам ва Тантал исмли ўғиллари бир-бирининг қўлларидан маҳкам ушлаб кураш тушаётган эдилар. Ҳавода визиллаган ўқ иккаласини ҳам жароҳатлади. Улар инграб ерга кулашди. Ўлим бир вақтнинг ўзида уларнинг кўзларидаги ҳаёт ёғдусини сўндирди, иккаласи ҳам бир вақтнинг ўзида сўнгги нафасларини чиқаришди. Олдиларига биродарлари Альпенор югуриб келди, уларни оёқка турғизмоқчи бўлди, совуб қолган жасадларни кучди, аммо ўзи ҳам Аполлоннинг ўқидан қочиб қутулолмади – ўқ унинг юрагига санчилган эди, кейин акалари жасади устига йиқилиб жон беради. Дамасихтоннинг эса бели нишонга олинганди. Ниобанинг ўғли олтин ўқни ярадан суғурмоқчи бўлганда, бошқа бир ўқ визиллаб, унинг томоғига санчилди. Ниобанинг сўнгги ёш ўғли Илионей қўлларини самовот сари чўзиб, худоларга ёлворарди:

– О, Олимпсоҳиб маъбудлар, раҳм қилингиз, раҳм қилингиз!

Унинг илтижоси ғазабкор Аполлонни ҳаяжонга солди. Бироқ кеч бўлганди! Камалак ипидан ўқ аллақачон учиб кетганди, уни қайтариб бўлмасди. Ўқ Ниобанинг сўнгги ўғлининг юрагига қадалди. Юз берган мудҳиш мусибат ҳақидаги хабар Ниобага етиб келди. Мулозимлари кўзларидан ёш тўккан ҳолда Амфионга ўғилларининг ҳалок бўлганлигини билдиришди.

Амфион ўғилларидан жудо бўлганига бардош беролмай, ўз кўксига ўткир қиличини қадади.

Ниоба ўғиллари ва эрининг жасадлари устига энгашиб, хўнг-хўнг йиғларди. У уларнинг совиб қолган оғизларидан ўпарди. Изтиробдан Ниобанинг юраги ёрилай дейди. Боёқиш талвасага тушиб, самовотга қўлларини чўзади. Лекин у илтифот сўраб ёлвормайди. Шунча ғам-ғусса унинг кўнглини юмшатмайди. У дарғазаб бўлиб, хитоб этади:

– Кўнглинг жойига тушгандир, бағритош Латона! Менинг ғам-аламимдан кониққунингча яйра! Сен ғолиб чиқдинг, рақиба! Э, йўқ, нима деяпман ўзи, мен ғолиб чиқдим! Сендек омади баланддан мен бахтиқарода бола кўпроқ! Гарчи теграмда бир талай жасад ётган бўлса-да, барибир мен ғолибман, зеро сенга нисбатан менда кўпроқ бола қолди!

Ниобанинг овози эндигина босилган ҳам эдики, камалак ипининг жарангоси эшитилди. Ҳаммани даҳшат чулғади. Ниобагина парвойи фалак, мусибат унга жасорат бағишлаганди. Артемиданинг ёйи беҳуда жарангламаганди. Ниобанинг қизларидан бири акаларининг жасадлари атрофида чуқур ғамга ботиб турганда узилган ўқдан жароҳатланиб, йиқилади. Кўп ўтмай, камалак ипи тагин жаранглайди, Ниобанинг бошқа бир қизи йиқилади. Артемида ёйининг камалак ипидан узилган олтига олтин ўқ Ниобанинг олти нафар сулув қизининг умрига зомин бўлди. Унинг энг кенжа қизигина тирик қолганди. У онасининг пинжиги тикилиб, унинг бағридан ўзига нажот изларди.

Чексиз ғам-андух Ниобанинг мағрур қалбини енгди.

– Ҳой, буюк Латона, ҳеч бўлмаса кенжа қизимга раҳм қил! – ёлворарди қайғуга чўмган Ниоба. – Жилла бўлмаса бирини қолдир менга!

Аммо маъбуда раҳм этмади, Артемиданинг ўқи унинг кенжа қизини ҳам кулатди.

Ниоба қизлари, ўғиллари ва эрининг жасади куршовида турарди. У аламидан мурдадай қотиб қолган. Унинг сочларини шамол елпитмайди. Юзида заррача бўлсин қон йўқ, кўзлари киртайган, уларда ҳаёт ёғдуси кўринмайди, нуқул ғусса ёшлари тирқирайди. Ниобанинг аъзои-бадани тош кийимга ўралгандай. Беҳосдан суронли қуюн хуруж қилиб, Ниобани ўз ватани – Лидияга олиб кетди.



Ниоба у ерда, баланд Сипил тоғида тошга айланганича, кўзларидан мангу ғусса ёшларини тўкиб турипти.

ҲЕРАКЛ

Ҳеракл ҳақидаги ривоятлар Софоклнинг «Трахияли аёллар» ва Эврипиднинг «Ҳеракл» фожиялари, шунингдек, Павсанийнинг «Эладани тасвирлаш» ривоятлари асосида баён этилган

ҲЕРАКЛНИНГ ТУҒИЛИШИ ВА ТАРБИЯЛАНИШИ

Микенада шох Электрион ҳукмронлик қиларди. Птерелай шохнинг ўғиллари бошчилигида телебойлар унинг подаларини ўғирлаб кетишди. Телебойлар ўғирликнинг олдини олмоқчи бўлган Электрионнинг ўғилларини ўлдирдилар. Ўшанда Электрион унга подаларини қайтариб келтирадиган ўғилларининг ўлими учун қасос оладиган кишига соҳибжамол қизи Алкменани хотинликка беражани билдирди. Электрионнинг подаларини уруш-жанжалсиз қайтаришга қаҳрамон Амфитрион муваффақ бўлди, чунки телебойлар подшоси Птерелай ўғирланган подаларни асрашни Элида подшоси Поликсенга топширган эди, у уларни Амфитрионга бериб юборган эди. Амфитрион уларни Электрионга қайтариб берди ва қизи Алкменанинг розилигини олди. Амфитрион Микенада узоқ яшамади. У тўй тантанаси чоғида подалар ҳақидаги баҳса Электрионни ўлдирди ва хотини Алкмена билан Микенадан қочиб кетишга тўғри келди. Алкмена подшо Птерелайнинг ўғилларидан ўлдирилган акалари учун интиком олади деган шарт билан ёш эрига эргашиб, ёт элга қочиб кетишга рози бўлди. Бинобарин, Фива подшоси Креонт хузурига келиб, Амфитрион уникида ўзига бошпана топгач, телебойларга қарши қўшин тортди. Унинг йўқлигидан фойдаланган Зевс сулувлиги билан мафтун этган Алкмена ёнига Амфитрион қиёфасида пайдо бўлади. Кўп ўтмай Амфитрионнинг ўзи ҳам қайтиб келади. Шундай қилиб, Зевс ва Амфитриондан Алкмена икки нафар ўғил – эгизакларни дунёга келтириши керак эди.

Зевс ва Алкменанинг буюк ўғли туғиладиган кунда барча худолар юксак Олимпда йиғилишди. Ҳадемай ўғил кўришдан қувонган давлатпаноҳ Зевс маъбудларга шундай деди:

– Маъбуд ва маъбудалар, гапимга қулоқ осинг: мен сизларга юрагим амрини баён этмоқчиман! Бугун буюк қаҳрамон дунёга келади. У наслан менинг ўғлим, буюк Персейга бориб тақаладиган барча оға-инилари устидан ҳукмронлик қилади.

Лекин Зевснинг хотини, шаддод Ҳера фонийзот Алкменани ўзига хотин қилиб олганлиги учун эридан ғазабланган эди, шу боисдан Алкменанинг ўғлини барча персейзодалар устидан ҳукмронлик қилиш иқтидоридан маккорлик билан маҳрум этмоқчи бўлади, унда Зевснинг ҳали туғилмаган ўғлига нисбатан чексиз нафрат уйғонган эди. Шу сабабдан Ҳера ўз макрини Зевсдан сир тутаркан, унга шундай дейди:

– Сенинг фикринг нотўғри, буюк яшинчақнатар! Сенинг сўзларинг ҳеч қачон ижобат бўлмайди! Сен менга барча маъбудлар номидан бугун персейзодалар уруғидан биринчи бўлиб туғиладиган бола ўз қариндош-уруғлари устидан ҳукмронлик қилади дея қасамёд қиласан.

Ёлғон маъбудаси Ата Зевснинг ақлу заковатини чалғитди, яшинчақнатар Ҳеранинг макридан гумонсирамасдан, қатъий қасамёд қилди. Ўша ондаёқ Ҳера нурафшон Олимпни тарк этиб, ўзининг олтин маҳодасида Аргосга етиб келди. Ўша ерда персейзода Сфенелнинг маъбудамонанд хотинининг туғишини тезлаштирди ва ўша куни Персей уруғидан заиф, дардчил бола, Сфенелнинг ўғли Эврисфей дунёга келди. Ҳера дарҳол нурафшон Олимпга қайтди-ю, буюк булутқувар Зевсга деди:

– Ҳой, яшин чақнатувчи, ҳазрати Зевс, қулоқ сол! Ҳозиргина шавкатли Аргосда персейзода Сфенел хонадонида Эврисфей исмли ўғил дунёга келди. У бугун биринчи бўлиб туғилди. Персей авлодининг барчаси устидан ўша ҳукмрон бўлмоғи лозим.

Буюк Зевс ғамга ботди, Ҳеранинг макру ҳийласини энди фаҳмлади. У ўзининг ақлу заковатини чалғитган ёлғон маъбудаси Атага қаттиқ қаҳри келди. Зевс аччиқ устида унинг сочларидан ушлаб, нурафшон Олимпдан итқитиб юборди. Худолар ва одамлар ҳукмдори унинг Олимпга минбаъд қадам қўйишини қатагон этди. Ўшандан буён ёлғон маъбудаси Ата одамлар орасида яшайди.

Зевс ўз ўғлининг тақдирини енгиллаштирди. У Ҳера билан бузилмас шартнома тузди, шу билан ўз ўғлининг Эврисфей ҳукми остида умрбод қолмаяжани таъкидлади. У Эврисфей топшириғи билан ўн иккита буюк жасорат кўрсатади, холос, кейин эса унинг ҳукмидан озод бўлишгина эмас, балки

умрибокийлик ҳам касб этади. Яшинчақнатар ўғлига жуда катта хавф-хатарларни енгишга тўғри келишини биларди, шунинг учун у суюкли қизи Афина-Палладага Алкменанинг ўғлига ёрдам беришни амр этди. Зевс ўғлининг ожиз ва кўрқоқ Эврисфей хизматида кўпинча бағоят катта машаққатлар тортаётганини кўз олдига келтирганда ғам-аламдан бағри эзиларди, аммо Ҳерага қилган қасамёдини буза олмас эди.

Сфенелнинг ўғли билан бир кунда Алкменадан эгизаклар туғилди: каттаси – Зевснинг ўғли бўлиб, туғилганда унга Алкид деган исм бергандилар, кичкинаси Амфитрионнинг ўғли бўлиб, унга Ификл деб ном берган эдилар. Юнонистоннинг буюк фарзанди ҳам зотан Алкид эди. У кейинчалик кароматсоҳибаси Пифия томонидан Ҳеракл деб аталди. У ушбу ном билан шуҳрат қозонди, умрибокийлик касб этди ва нурафшон Олимпнинг худолари жумласига қўшилди.

Ҳеракл ҳаётининг биринчи куниданок Ҳера уни таъқиб эта бошлади. Ҳераклнинг туғилиб, укаси Ификл билан бирга йўрғада ётганини билиб олгач, у ёш қахрамонни маҳв этиш пайига тушади ва иккита илонни юборади. Илонлар кўзлари чақнаб, Алкменанинг хобгоҳига судралиб кирганларида тун эди. Улар эгизаклар ётган бешикка томон секингина судралиб келишди, эндигина иланг-биланг бўлиб, Ҳераклни бўғмоқчи бўлганда Зевснинг ўғли уйғониб кетди. У ўзининг жажжи қўлларини илонларга томон чўзиб, уларнинг бўйнидан ушлаб, бор кучи билан эзиб, шу ондаёқ бўғиб ташлади. Даҳшатга тушган Алкмена ўрнидан ирғиб турди, бешикдаги илонларга кўзи тушгач, қаттиқ чинкириб юборди, хобгоҳдаги бошқа аёллар ҳам кичкириб юборишди. Барчаси Алкидни бешигига ёпирилди. Аёлларнинг кичкиригидан ўйғонган Амфитрион қиличини яланғочлаб югуриб келди. Ҳаммаси бешикни ўраб олди ва ғайритабиий мўъжизани кўриб қолишди: янги туғилган Ҳеракл ўзининг жажжи қўллари билан зўрға биланглаётган иккита бўғилган баҳайбат илонларни ушлаб турарди. Ўзининг асранди ўғлининг кучидан таажжубланган Амфитрион кароматсоҳиб Тиресейни хузурига чақиртириб, ундан гўдакнинг такдирини баён этишни илтимос қилмоқчи бўлади. Шунда афсунгар чол Ҳераклни неча бор жасорат кўрсатажани ва умрининг сўнгида ўлмаслик касб этажани уқтирди.

Алкменанинг тўнғич ўғлини қандай катта шуҳрат кутаётганини билиб олгач, Амфитрион унга қахрамонларга муносиб тарбия бера бошлайди. Амфитрион фақат Ҳераклни куч-қудрати тараққиётинигина эмас, балки уни хат-саводи ҳақида ҳам ғамхўрлик қилди. Унга ўқиш, ёзиш, кўшиқ айтиш ва кифара чалишни ўргатишди. Лекин Ҳеракл фан ва мусиқа соҳасида кураш, ёйдан отиш ва қурол билан муомала қилишдаги каби ютуқларга эришолмади. Мусиқа ўқитувчиси Орфейнинг укаси Линга кўпинча ўз шогирдига зарда қилишига ва жазолашига тўғри келарди. Бир куни Лин унинг дарс пайтида ўқишни хоҳламаётганлигидан аччикланиб, Ҳераклни урган эди. Жаҳли чиққан Ҳеракл кифарани олиб у билан Линнинг бошига туширди. Кифаранинг зарбаси шундай кучли эканки, Лин жойида ўлиб ётарди. Ўзини оқларкан, Алкменанинг ўғли деди:

– Ахир ҳакамларнинг энг одили Радамант: зарба еган ҳар бир киши зарбага зарба билан жавоб бермоғи керак, деган.

Ҳакамлар Ҳераклни оқлашди, лекин ўғай отаси Амфитрион тагин шунга ўхшаш ҳодиса рўй бермасин дея Ҳераклни пода боқиш учун Киферон ўрмонида юборади.

ҲЕРАКЛ ФИВАДА

Ҳеракл Киферон ўрмонларида ўсиб, бақувват йигит бўлиб етишди. Унинг бўйи бошқаларникига Ҳисбатан бир поғона баланд бўлиб, кучи оддий одамникидан хийла зиёда эди. Бир қарашдаёқ унинг Зевснинг ўғли эканини билса бўларди, айниқса, ғайритабиий ва маъбудона ёниб турган кўзлари шундан дарак берарди. Ҳарбий машқларни уддабурролик билан бажаришда ҳеч ким Ҳераклга тенг келолмасди, ёйдан отиш ва найза ташлаш санъатини пухта эгаллаган бўлиб, у ҳеч қачон нишонга уришда янглишмасди. Ҳеракл йигитлигидаёқ тоғ чўққиларида яшаган даҳшатли Киферон арслонини ўлдирди. Ёш Ҳеракл унга хужум қилиб, уни ўлдирди ва терисини шилиб олди. Ўша терини ўзининг қудратли елкасига ёпинчиқ сингари ташлаб олганди. Унинг панжаларини эса кўкрагига боғлади, арслоннинг бошидан шилинган тери унга дубулға хизматини ўтарди. Ҳеракл Немей ўрмонида таг-томири билан суғурган темирдай қаттиқ каттакон шумтол дарахтидан ўзи учун гурзи ясади. Ҳераклга қилични Ҳермес, ёй ва ўқларни Аполлон совға қилган, олтин совутни эса Ҳефест ясаб берди, унинг уст-бошини Афинанинг ўзи тўқиганди.



Ҳеракл балоғатга етгач, Фива шаҳри катта бож тўлаб турган Орхомен подшоси Эргиннинг устидан голиб келди. Жанг чоғида у Эргинни ўлдирди, минийлар Орхоменга Фива унга тўлаб келган солиқдан икки баравар кўп бож солди. Ушбу жасорати учун Фива подшоси Креонт Ҳераклга қизи – Мегерани хотинликка берди, худолар эса унга уч нафар ўғил ато этишди.

Ҳеракл етти дарвозали Фивада саодатманд ҳаёт кечирар эди. Бироқ буюк маъбуда Ҳера илгаригидек Зевснинг ўғлига бўлган нафрат ўтида ёнарди. У Ҳераклни даҳшатли дардга дучор этди. Улуғ баҳодир ақл-идрокидан мосувою маҳрум бўлди, у жинни бўлиб қолди. Қаттиқ ғазаб хуруж қилди-ю, Ҳеракл ўзининг уч нафар боласини ва укаси Ификлнинг болаларини ўлдирди. Тутқаноғи ўтиб кетгач, Ҳеракл чуқур қайғуга чўмди. Ҳеракл беихтиёр қилиб қўйган қотиллик нуқсонидан тозаргач, Фива шаҳрини тарк этди ва муқаддас Дельфага жўнади, у ерда Аполлондан бундан сўнг нима қилиш кераклигини билиб олмақчи бўлди. Аполлон Ҳераклга улуғ боболари юрти Тиринфга бориб, Эврисфейга ўн икки йил хизмат қилишни амр этди. Латонанинг ўғли Аполлон коҳина Пифиянинг кароматига асосланиб, Ҳераклнинг умрибоқийлик касб этажагини, Эврисфей амри билан ўн икки бор буюк жасорат кўрсатажагини башорат қилди.

ҲЕРАКЛ ЭВРИСФЕЙ ХИЗМАТИДА

Ҳеракл Тиринфда ўрнашиб қолди ва ожиз, кўрқок Эврисфейга хизмат қила бошлади. Эврисфей Ҳераклнинг қудратли қахрамондан ҳайиқарди, шу боис уни Микенага қўймасди. Ўзининг барча буйруқларини Зевснинг ўғли (Ҳеракл)га ўзининг хабарчиси Копрей орқали етказарди.

НЕМЕЙ АРСЛОНИ (биринчи жасорат)

Ҳеракл подшо Эврисфейнинг биринчи топширигини узоқ вақт кутгани йўқ. У Ҳераклга Немей Арслонини ўлдиришни топширди. Тифон ва Эхиднадан туғилган ушбу арслон бениҳоя баҳайбат эди. У Немей шаҳрига яқин жойда яшарди, унинг дастидан бутун атроф бўшаб қолган, харобазорга айланганди. Ҳеракл бундай хатарли жасоратга кўрқмасдан отланди. У Немей шаҳрига қадам қўйган ондаёқ арслоннинг уясини излаб тоғларга чиқиб кетди. Қахрамон йигит тоғ ёнбағирларига туш пайтида етиб келди. Теварак-атрофда тирик жондан асар ҳам йўқ эди. На чўпонлар, на дехқонлар кўринарди. Қаттол арслондан кўрққан барча жонзот бу ерлардан тумтарақай бўлиб кетганди. Ҳеракл арслоннинг уясини ўрмонзор тоғ ёнбағирларидан ва ўтиб бўлмайдиган дараларда узоқ вақт излади, ниҳоят, қуёш уфқ сари оққанда арслоннинг инини қоронғи бир дарадан топди. У икки томонидан чиқиладиган каттақон ғорда жойлашган эди. Ҳеракл ғорга кириладиган тешиқлардан бирининг оғзини улкан қоялар билан бекитиб, арслоннинг келишини кутиб, тошлар орқасига яшириниб олди. Оқшом қўниб, тун шафағи бостириб келаётган чоғда узун ёллари пахтамайган, лапанглаб келаётган ҳайбатли арслон кўзга ташланди. Ҳеракл ёйининг камалак ипини таранг тортиб, арслонга биринкетин учта ўқ узди, лекин ўқлар унинг пўлатдай қаттиқ терисига урилиб қайтди. Арслон ваҳимали ўқирди, унинг момақалдирак янглиғ ўқириши тоғу тошни ларзага келтирди. Дарада турган арслон атрофга алангларкан, унинг ғазаб ўтидан ёниб турган кўзлари билан ўзига ўқ узишга журъат этган зотни қидирарди. Ана, у Ҳераклни кўриб қолди ва беқиёс баланд сакраб, навкирон баҳодирга томон отилди. Ҳераклнинг гурзиси яшиндай чакнаб кетди ва момақалдирак залворидай зарб билан арслоннинг бошига урилди. Даҳшатли зарбадан гангиган арслон ерга қулади. Шунда Ҳеракл арслонга ташланиб, уни ўзининг қудратли қўллари билан бўғиб ташлади. Ҳеракл ўлдирилган арслонни ўзининг бақувват елкасига ташлаб, Немейга қайтди, дарҳол Зевсга қурбонлик берди ва ўзининг биринчи жасорати шарафига Немей ўйин(мусобақа)ларини таъсис этди. Ҳеракл ўзи ўлдирган арслонни Микенага келтирганида Эврисфей баҳайбат арслонга назар ташларкан, кўрққанидан ранги қув учди. Микена подшоси Ҳераклнинг қандай ғайрибашарий кучга эга эканлигини англади. Унга ҳатто Микена дарвозасига яқинлашишни ҳам ман этди. Ҳеракл ўз жасоратини исботловчи далиллар келтиргач, Эврисфей уларга кўрқа-писа Микена деворлари оша қараб қўярди, холос.

ЛЕРНЕЙ АЖДАРИ (иккинчи жасорат)

Биринчи жасоратдан сўнг Эврисфей Ҳераклни Лерней аждарини ўлдириш учун юборди. У илон гавдали ва тўққиз бошли аждаҳо каби бир маҳлуқ эди. Немей арслони сингари аждар ҳам Тифон



ва Ехиднадан туғилганди. Аждар Лерна шахрига якин жойдаги ботқокликда яшарди. У инидан судралиб чиқар ва бутун бошли подаларни маҳв этар, теварак-атрофни харобазорга айлантирарди. Тўққиз бошли аждар билан курашиш хавфли, чунки унинг бошларидан бири ўлмас эди. Ҳеракл укаси Ификлнинг ўғли Иолай билан Лерна сари йўл олди. Лерна шахри яқинидаги ботқокликка етиб келганларида Ҳеракл Иолайни маҳодасида, якин ўртадаги ўрмонда қолдириб, ўзи аждарни излаб кетди. У уни ботқоклик билан ўралган ғордан топди. Ҳеракл ўқларини обдон қиздириб, уларни бирин-кетин аждарга қаратиб уза бошлади. Ҳераклнинг ўқлари аждарнинг қаҳрини келтирди. Танаси ялтироқ тангачалар билан қопланган аждар қоп-қоронғи ғордан биланглаб судралиб чиқа бошлади, у ваҳимали тарзда беўхшов каттакон думи устида тик туриб олди, кейин баҳодир йигитга ташланмоқчи эди, бироқ Ҳеракл унинг танасини оёғи остига олиб, ерга босди. Аждар Ҳераклнинг оёқларига ўралмоқчи бўлиб, биланглар, уни йикитмоқчи бўларди. Навкирон баҳодир мустаҳкам қоядай турар, зилдай оғир гурзиси билан аждарнинг бошига тинимсиз туширарди. Гурзи хавода худди қуюндай увулларди. Аждарнинг бошлари бирин-кетин учиб кетарди, лекин у ҳамон тирик эди. Баҳодир Ҳеракл қараса, аждарнинг битта узилган боши ўрнида иккита янгиси ўсиб чиқмоқда. Аждарга ҳам ёрдамга келишди. Ботқокликдан баҳайбат қисқичбақа судралиб чиқди ва Ҳераклнинг оёғига ўралиб олди. Шунда Ҳеракл дўсти Иолайни ёрдамга чорлади. Иолай баҳайбат ва даҳшатли қисқичбақани ўлдирди, ўрмоннинг бир қисмига ўт қуйиб, дарахтларнинг ёниб турган таналари билан аждарнинг бўйинини қуйдира бошлади. Аждарнинг янги бошлари ўсишдан тўхтади. Борган сайин у Зевснинг ўғлига қаршилиқ кўрсатишга ожизлик қила бошлади. Ниҳоят аждарнинг ўлмас боши ҳам думалаб кетди. Баҳайбат махлуқ енгилганди, у ерга бежон кулади. Ғолиб Ҳеракл унинг ўлмас бошини чуқур қилиб қазилган ерга иккинчи бор дунёга келмайдиган қилиб кўмиб ташлади. Шундан кейин буюк қахрамон Ҳеракл аждарнинг танасини иккига бўлиб, унинг захарли ўтига ўқларни ботириб олди. Ўша ондан буён Ҳеракл ўқидан жароҳатланган жонзот танаси даволанмайдиган бўлиб қолди. Навкирон баҳодир шахарга катта тантана билан қайтди. Бу ерда уни Эврисфейнинг янги топшириғи кутарди.

СТИМФАЛ ҚУШЛАРИ (учинчи жасорат)

Эврисфей Ҳераклга Стимфал қушларини кириб ташлашни топширди. Ўша қушлар Аркадиядаги Стимфал шахрининг теварак-атрофини чўлга айлантирганди. Улар жониворларга ҳам, одамларга ҳам ҳужум қилишар, уларни ўзларининг мис чангали ва тумшуклари билан ёриб ташлар эдилар. Лекин энг даҳшатлиси – мазкур қушларнинг патлари қаттиқ курчдан бўлиб, улар парвоз қиларкан, ўзларига ҳужум қилишни ўйлаганларнинг тепасидан қанотларидаги курч (бронза) патларини ташлаб юборишарди. Эврисфейнинг ушбу топшириғини адо этиш Ҳеракл учун машаққатли эди. Бу гал Афина-Паллада, Зевснинг жанговар қизи унга ёрдамга келди. У Ҳераклга икки дона мис тимпан – ноғорасимон мусиқа асбобини берди, уларни маъбуд Ҳефест ясаган эди, у Ҳераклга Стимфал қушлари уя солган ўша ўрмон ёнидаги баланд тепаликда туриб, тимпанларни чалишни амр этди. Қушлар парвоз қилганда уларни отиб ташлаш керак эди. Жасур Ҳеракл худди шундай қилди. У тепаликка кўтариларкан, тимпан – ноғораларни чалиб юборган эди, улардан чиққан товуш жарангоси шундай батанг қилғувчи эдики, қушларнинг улкан галаси ўрмон тепасида парвоз қилиб даҳшатга тушган алпозда айланиб қолишди. Улар ўзларининг ўқ сингари мис патларини ерга ёмғирдай ёғдиришди, аммо патлар тепалик устида турган Ҳеракл устига тушмасди. Баҳодир йигит Ҳеракл ёйини олиб, ундан ажал уруғини сочувчи ўқларни қушларга қарата узаверди. Даҳшатга тушган Стимфал қушлари булутлар ортига чекиниб, Ҳераклнинг кўзидан ғойиб бўлишди. Қушлар Юнонистон сарҳадларидан узоқ-узоқларга, Эвксин Понт соҳиллари сари учиб кетишди ва минбаъд Стимфал атрофларига келмайдиган бўлишди. Ҳеракл Эврисфейнинг ушбу топшириғини шундай ижро этди ва Тиринфга эсон-омон қайтиб келди, унга шу захотиёқ янада мушкул ва хатарли жасорат кўрсатиш учун йўлга равона бўлишга тўғри келди.

КЕРИНЕЙ ОҲУСИ (тўртинчи жасорат)

Эврисфей Аркадияда маъбуда Артемида томонидан одамларни жазолаш учун юборилган ажойиб оҳу яшаётганини биларди. Ўша оҳу далаларни расво қиларди. Эврисфей Ҳераклни уни ушлаб, Микенага тириклайин келтиришни амр этди. Ўша оҳу одатдан ташқари келишган бўлиб, унинг муғузлари олтин, оёқлари эса мисдан эди. У чарчаш нималигини билмас, гуё шамол Аркадия тоғлари ва



водийлари оша еларди. Ҳеракл Кериней оҳусини йил бўйи таъкиб этди. У тоғлар, сайхонлар оша елдек югурар, жарликлардан ирғиб ўтар, дарёлардан сузиб кечарди. Оҳу борган сайин шимол сари югурарди. Қахрамон йигит ундан ортда қолмас, таъкиб этар, кўздан йўқотмасликка уринарди. Пировардида Ҳеракл оҳуни қувавериби, узоқ Шимол – гипербореялар мамлакати ва Истра дарёси манбаларига етиб олди. Оҳу шу ерда тўхтади. Пахлавон Ҳеракл уни ушлаб олмоқчи бўлди, аммо у сирғалиб кетди ва ўкдек орқага, жануб томон елди. Яна таъкиб бошланди. Ҳеракл унга Аркадиядагина қувиб етишга эришди. Шунчалар узоқ давом этган таъкибдан сўнг ҳам бу жонивор ўз куч-қудратидан маҳрум бўлмаганди. Оҳуни тутиб олишдан ҳафсаласи пир бўлган Ҳеракл ўзининг нақ нишонга тегадиган ўқларига суянарди. У олтин мугузли оҳунинг оёғидан отди, фақат ўшандагина уни ушлашга муваффақ бўлди. Ҳеракл гўзал оҳуни елкасига ташлаб, уни Микенага олиб кетмоқчи бўлиб турганда унинг олдида ғазабкор Артемида кўндаланг бўлиб, шундай деди:

– Ушбу оҳунинг менга мансублигини наҳотки билмасанг, Ҳеракл? Нега сен суюкли оҳумни ярадор этиб, мени таҳқирладинг? Мени ранжитганларни кечирмаслигимни билмайсанми? Ёки сен ўзингни олимпсоҳиб тангрилардан ҳам қудратли деб ўйлайсанми?

Ҳеракл соҳибжамол маъбудага эҳтиром ва таъзим бажо келтираркан шундай дея жавоб берди:

– О, Латонананг улуғвор қизи, сен мени айблама! Нурафшон Олимпда истиқомат қилаётган умрибоқий худоларни ҳеч қачон таҳқирламаганман. Мен самовот сокинларига ҳамиша катта қурбонлар бериб, ҳурматларини бажо келтирганман, гарчи мен яшинчақнатар Зевснинг ўғли бўлсам ҳамки, ўзимни маъбудларга тенг ҳисобламаганман. Сенинг оҳунгни эса мен ўз ихтиёрим билан эмас, Эврисфейнинг амри билан таъкиб этганман. Унга хизмат қилишни менга маъбудларнинг ўзлари амр этганлар, мен Эврисфейга нисбатан осийлик қилолмайман!

Артемида Ҳераклнинг гуноҳидан кечди. Яшинчақнатар Зевснинг ўғли Кериней оҳусини тириклайин Микенага олиб келди ва уни Эврисфейга топширди.

ЭРИМАНФ ҚОБОНИ ВА КЕНТАВРЛАР БИЛАН БЎЛГАН ЖАНГ (бешинчи жасорат)

Бутун бошли бир йил давом этган мис оёқли оҳу овидан сўнг баҳодир Ҳеракл дам олгани йўқ эди, Эврисфей унга тагин янги топшириқ берди: Ҳеракл бу гал Эриманф қобонини ўлдирмоғи лозим бўлди. Фавқулудда катта кучга эга бўлган ўша қобон Эриманф тоғида яшар ва Псофис шаҳри атрофидаги ҳамма ерни харобага айлантирарди. У одамларни ҳам аямасди, уларни ўзининг баҳайбат сўйлоқ тишлари билан маҳв этаверарди. Ҳеракл Эриманф тоғига отланди. Йўл йўлақай донишманд Фол (Фул)ни зиёрат қилди. Фол буюк Зевснинг ўғлини ҳурмат-иззат ила қабул этди ва унинг шарафига зиёфат берди. Зиёфат чоғида кентавр Фул пахлавон йигитнинг ҳурматини бажо келтириб, меҳмон қилиш ниятида шароб тўлдирилган идишни очди. Фаройиб майнинг муаттар хиди узоқ-узоқларга тараларди. Ушбу муаттар хидни бошқа кентаврлар ҳам сезишди. Улар май идишини очгани учун Фулдан ўта ғазабланишди. Зеро шароб фақат Фулга мансуб бўлмай, у барча кентаврларнинг бойлиги эди. Кентаврлар Фулнинг кулбасига бостириб киришди ва Ҳеракл иккаласи кайфу сафо қилиб ўтирганда билдирмасдан уларга хужум қилишди. Ҳеракл кентаврлардан кўрқмасди. У алҳол ўрнидан сакраб турди-ю, уларга томон тутаб турган сўхта ўтинларни ирғита бошлади. Ҳеракл уларни ўзининг оғудор ўқлари билан жароҳатлагач, кентаврлар қочиб кетишди. Пахлавон уларни Малеягача қувиб борди. Кентаврлар у ерда, Ҳераклнинг дўсти – донишманд Хиронникида яширинган эдилар. Уларнинг изидан бориб, Ҳеракл ҳам ғорга бостириб кирди. У жаҳл устида ёйини таранг тортиб юборганди ҳавода ўқ чакнаб кетди ва кентаврлардан бирининг тиззасига санчилди. Маълум бўлишича, у душманни эмас, ўзининг дўсти Хиронни жароҳатлаган эди. Ҳеракл ўз дўстини жароҳатлаганини билгач, чуқур ғамга ботди, Ҳеракл унинг ярасини ювиб, боғлашга шошилади, аммо ҳеч нарса ёрдам беролмайди. Ҳеракл аждарнинг ўти билан суғорилган ўқларнинг захрига даво йўқлигини биларди. Ўзига машаққатли ўлим таҳдид солаётганини Хирон ҳам биларди. Бедаво ярадан изтироб чекмаслик учун у пировардида кўнгилли тарзда қоронғи Аид салтанатига равона бўлди, рихлатни афзал билди.

Чуқур кайғуга чўмган Ҳеракл Хиронни тарк этиб, орадан кўп ўтмай Эриманф тоғига етиб келди. У ерда қалин чангалзордан даҳшатли ва баҳайбат қобонни топди, уни ўрмондан ташқарига ҳайдаб чиқди. Қобонни хийла вақтгача таъкиб этди ва ниҳоят уни тоғ чўққисидаги қалин қорга киришга мажбур қилди. Қобон қорга ботиб кетгач, Ҳеракл унга ташланиб, ушлаб олди-ю боғлаб ташлади.

Шундай қилиб, у қобонни Микенага олиб кетди. Эврисфей баҳайбат махлукни кўрганда кўркқанидан каттакон курч – бронза идишга яширнди.

ШОҲ АВГИЙ ОТХОНАСИ (олтинчи жасорат)

Орадан кўп вақт ўтмасдан Эврисфей Ҳераклини тагин янги топширикни адо этишга мажбур этди. У нурафшон Ҳелиоснинг ўғли Элида подшоси Авгийнинг бутун бошли отхонасини гўнгдан тозаламоғи керак эди. Куёш худоси ўз ўғлига беҳисоб бойлик ато этганди. Авгийнинг подалари кўп эди. Унинг подалари ичида қордай оппоқ оёқли уч юзта хўкиз, худди Сидон алвонидай қип-қизил икки юзта хўкиз Ҳелиосга бағишланганди, бундан ташқари, оққушдай оппоқ хўкизлари ҳам бўлиб, улардан бири порлаган юлдуздай бошқаларидан ажралиб турарди. Ҳеракл Авгийга агар у подаларининг ўндан бир қисмини беришга розилик билдирса, бутун бошли молхонани бир кунда тозалаяжани таклиф этади. Авгий розилик берди. Аммо унинг фикрича, бундай ишни бир кунда адо этишининг иложи йўққа ўхшарди. Ҳеракл молхонани икки томондан ўраб турган деворни ағдариб ташлади-да, унга икки томондан икки дарё – Алфей ва Пеней сувини бошқарди. Ушбу дарёларнинг суви бутун бошли молхонанинг гўнгини оқизиб кетди, деворларни эса Ҳеракл қайтадан тиклаб чиқди. Паҳлавон Авгий ҳузурига ваъда қилинган подаларининг ўндан бир қисмини беришни талаб қилиб келганида мағрур шоҳ ваъдасининг устидан чиқмади, Ҳераклга Тиринфга ҳеч нарсаиз қайтишга тўғри келди.

Буюк паҳлавон Элида подшосидан бешафқат интиком олди. Эврисфейдан озод бўлгандан сўнг, бир неча йил ўтгач, Ҳеракл катта кўшини билан Элидага бостириб кирди, қонли жангда Авгийни енгиб, уни ўзининг ажал уруғини сочувчи ўқлари билан ўлдирди. Ғалабадан кейин Ҳеракл ўз кўшинини ва Писа шаҳрининг барча бойликларини йиғиштириб келди, у худоларга катта қурбонликлар бериб, ўшандан сўнг Юнонистонда ҳар тўрт йилда бир марта маъбуда Афина-Палладага бағишланган Ҳераклининг ўзи томонидан зайтунлар билан ўраб олинган муқаддас сайхонда бўлиб турадиган Олимпия ўйинларини таъсис этди.

Ҳеракл Авгийнинг барча иттифоқдошларидан ҳам ўч олди. Айниқса, Пилос подшоси Нелей ўз жазосини тортди. Ҳеракл Пилосга кўшин тортиб келаркан, шаҳарни босиб олиб, Нелей ва унинг ўн бир нафар ўғлини маҳв этди. Ҳаттоки, бундан денгиз ҳукмдори Посейдоннинг арслонга, аждарга ва арига айланиш истеъдодини бахшида этган ўғли Периклимен ҳам халос бўлолмади. Ҳеракл уни ўз маҳодасига қўшилган отлардан бирига ари сифатида кўниб турганида ўлдирди. Нелейнинг Нестор исмли ўғлигина тирик қолди. Пировардида Нестор юнонлар ўртасида ўзининг жасоратлари ва буюк донишмандлиги билан шуҳрат қозонди.

КРИТ ХЎКИЗИ (еттинчи жасорат)

Эврисфейнинг еттинчи топшириғини адо этмоқ учун Ҳераклга Юнонистонни тарк этиб, Крит оролига отланишга тўғри келди. Эврисфей унга Крит хўкизини Микенага олиб келишни топширди. Ўша хўкизни Крит подшоси Минос – Европанинг ўғлига ерни тебратувчи Посейдонни юборганди. Минос хўкизни Посейдонга қурбон қилиши керак эди. Лекин Минос шундай келишган, ажойиб хўкизни қурбон қилишга кўзи қиймади-да, уни ўз подасида қолдирди, Посейдонга эса ўз хўкизларидан бирини қурбон қилди. Посейдон Миносга қаҳр қилиб, ўзи денгиздан юборган ўша хўкизни қутуриш дардига маҳкум этганди. Хўкиз орол бўйлаб югурар ва олдидан чиққан ҳамма нарсани маҳв этарди. Буюк паҳлавон Ҳеракл хўкизни ушлаб, уни ўзига ром айлади. Унинг кенг яғринига ўтириб, Критдан денгиз орқали Пелопоннесга сузиб ўтди. Ҳеракл хўкизни Микенага олиб келди, аммо Эврисфей хўкизни ўз подасида қолдиришдан кўркиб, уни қўйиб юборди. Тагин эркинликка чиққан қутурган хўкиз Пелопоннес орқали елиб-югуриб, шимолга келиб қолди, ниҳоят у Атикадаги Марафон майдонига қочиб кетди. У ерда уни афиналик буюк паҳлавон Тезей ўлдирди.

ДИОМЕД ОТЛАРИ (саккизинчи жасорат)

Крит хўкизини бўйсундирганидан сўнг Ҳеракл Эврисфей топшириғига биноан Фракияга, бистонлар подшоси Диомед ҳузурига отланиши лозим эди. Ўша подшонинг ғаройиб гўзаллик ва кучга эга отлари бўларди. Улар оғилларда темир занжирлар билан боғлаб қўйилган эди, чунки ҳеч қандай кишан уларга дош беролмасди. Подшо Диомед бу отларни одам гўшти билан боқарди. Уларга овқат



сифатида шахрига бўрон ҳайдаб келган кемалардан тушган ёт эллардан сузиб келганларни берарди. Ана шу Фракия подшоси ҳузурига Ҳеракл ҳам ўз ҳамроҳлари билан келиб қолди. У Диомед отларини кўлга киритиб, уларни ўз кемасига бошлаб кетди. Диомед Ҳераклга ўзининг жанговар йигитлари – бистонлар билан соҳилда етиб олди. Отларни суюкли Абдерга, Ҳермеснинг ўғлига топшириб, ўзи Диомед билан жангга кирди. Ҳераклнинг ҳамроҳлари кам бўлишса-да, Диомед енгилди, у жангда ҳалок бўлди. Ҳеракл кемасига қайтиб келди. У суюкли дўсти Абдерни отлар тилка-пора қилганини кўриб, бағоят чуқур қайғуга чўмди. Уни руҳий тушкунлик чўлгаб олганди. Ҳеракл ўзининг суюкли дўстини дабдабали тарзда дафн этди, қабрини баланд қўрғон сингари тиклади ва ёнида шаҳарга асос солди, уни дўсти шарафига Абдера деб атади. Отларни эса Ҳеракл Эврисфейга топширди, у эса уларни кўйиб юборишга амр этди. Ёввойи отлар Ликейон тоғларига қочиб кетишди, уларни қалин ўрмон билан қопланган тоғдаги ваҳший ҳайвонлар бурда-бурда қилиб ташлашди.

ҲЕРАКЛ АДМЕТ ҲУЗУРИДА

Асосан Еврипиднинг «Алкестида» фоҳиаси бўйича баён этилган

Ҳеракл ўз кемасида денгиз оша Фракия соҳилларига, Диомед отларини келтириш учун сузиб бораётганида ўз дўсти Адметни кўриб кетишга қарор қилганди, чунки йўл ҳукмдори Адмет бўлган Фера шаҳри орқали ўтарди.

Ҳеракл Адмет учун машаққатли, изтироб келтирувчи пайтни танлади. Ўша кунларда Фера подшосининг хонадонида бекиёс оғир ғам-ғусса ҳукм сурарди. Унинг хотини Алкестида бандаликни бажо келтирмоғи лозим эди. Бир вақтлар тақдир маъбудалари – буюк мойралар Аполлоннинг илтимосига кўра, агар Адмет ҳаётининг сўнгги соатида бирор киши унинг учун қоронғи Аид салтанатига тушишга – ўлимга рози бўлса, ўлимдан қолади дея башорат қилган эдилар. Ўлим соати етиб келганда Адмет ўзининг қартайиб қолган ота-онасидан бирортаси ўз ўрнига ўлишини илтимос қилганда улар рад жавоби беришди. Ферада яшовчилардан ҳеч ким подшо Адмет учун ўлимга розилик билдирмади. Шунда ёш, соҳибжамол хотини Алкестида суюкли эри учун ҳаётини ўз хоҳиши билан қурбон этишга қарор қилди. Адмет ўлиши керак бўлган куни хотини бунга тайёрланди. У аъзои-баданини обдон ювиб, дафн либосларини кийди, зеб-зийнатини тақди. Алкестида ўз оиласи ҳузурига келиб, хонадонга бахт улашувчи маъбуда Хестияга мурожаат қилиб, оташин ҳолда муножот бошлади:

– Эй буюк маъбуда! Сенинг олдинда, бу ерда сўнгги бор тиз чўқаяпман. Сенга ёлвораман, етим бўлиб қолаётган болаларимни ўз химояннга ол, ахир, мен бугун зулматгоҳ Аид салтанатига йўл олам, рихлатга кетаман. Оҳ, менинг бошимга тушган бемаврид ўлим уларнинг бошига тушмасин, ёлвораман сенга! Уларнинг умри шу ерда, ватанида бахтли кечсин!

Шундан сўнг Алкестида худоларнинг барча меҳробларини айланиб чиқди, уларни мирт – зийнат гуллари билан музайян этди.

Ниҳоят ўз хобгоҳига бориб, кўз ёши тўқаркан, тўшагига йиқилди. Унинг ҳузурига болалари – ўғли ва қизи келишди. Улар оналарининг кўксига бошларини қўйиб, хўнграб йиғлашди. Алкестиданинг жориялари ҳам йиғлашди. Талвасага тушган Адмет ўзининг ёш хотинини кучаркан, мени тарк этма дея илтижо қилди. Аммо Алкестида аллақачон ўлимга тайёр эди. Мана худолар учун ҳам, одамлар учун ҳам манфур бўлган ўлим худоси Танат билдирмасдан Фера подшоси саройига Алкестиданинг бошидаги сочлари ўрминини ўткир қиличи билан қирқиб ташлаш учун яқинлашиб келмоқда. Олтин кокилли Аполлон ҳам ўзининг суюклиси бўлган Адметнинг хотинининг ўлим соатини орқага суришни илтижо қилади, аммо ноинсоф Танат кўнмайди, Алкестида ўлимининг яқинлашаётганини сезади. У даҳшатга тушиб, хитоб этади:

– Эҳ, ана, Хароннинг қўш эшакли қайиғи менга яқинлашиб келмоқда, ўликларнинг арвоҳини ташувчи менга таҳдид солмоқда: «Намунча имиллайсан? Шошил, шошил! Вақт кутмайди. Бизни йўлдан қолдирма! Ҳамма нарса шай! Шошилсанг-чи!» Қўйвор мени, оёқларимдан мадор кетаяпти! Ўлим яқинлашаётир! Кўзларимни тун зулмати қопламоқда! Эҳ болаларим! Онангиз энди тирикмас! Бахтли яшанглар! Адмет, сенинг ҳаётинг мен учун ўз ҳаётимдан ҳам ширин эди. Яхшиси, қуёш менга эмас, сенга нур сочсин! Адмет, биламан, болаларимизни сен ҳам мендан кам севмайсан. Уйга ўғай она келтирма, токи у болаларимизни ранжитмасин!»

Бахтиқаро Адмет изтироб ўтида қовриларди.



– Ҳаётимнинг барча шодлигини ўзинг бирга олиб кетмоқдасан, эй Алкестидида! – хитоб этади у. – Умрим бўйи сенинг ғамингда ёнаман. О, маъбудлар? Маъбудлар! Мени шундай хотинимдан жудо қилаяпсизлар!

Алкестидида пичирлагансимон нимадир дейди:

– Алвидо! Кўзларим мангуга юмилди! Алвидо, болаларим! Мен энди йўқман. Алвидо, Адмет!

– Ох, тагин бир бор қара, ҳеч бўлмаса бир марта қара! Болаларни тарк этма! Бу қандай кўргилик! Менинг ҳам жонимни ол! – кўз ёшлари тиркираркан, хитоб этди Адмет.

Алкестиданинг кўзлари юмилиб, танаси совий бошлади, у ўлди. Ўз қисматидан ҳасрат-алам билан нолиркан, Адмет тасалли тополмай, хўнг-хўнг йиғларди. У хотинини дабдабали дафн этишни амр этади. Адмет шаҳар сокин(яшовчи)ларининг барчасини энг яхши аёл – Алкестидида учун саккиз кун давомида аза тутишга даъват этди. Бутун шаҳар қайғуга чўмганди, чунки меҳрибон маликани ҳамма яхши кўрарди.

Алкестиданинг жасадини эндигина унинг қабрига олиб кетмоқчи бўлиб турганларида Фера шаҳрига Ҳеракл келиб қолди. У Адмет саройи томон бораётиб, сарой қопқаси олдида дўстини учратди. Адмет олампадох Зевснинг ўғлини катта эҳтиром ила кутиб олди. Меҳмонни ғамга чўмдирмаслик учун Адмет ундан ўз қайғусини яширишга уринарди. Лекин Ҳеракл дўстининг чуқур андуҳга ботиб турганини пайқади ва ундан қайғусининг сабабини сўради. Адмет унга мавҳум жавоб бергач, шунда Ҳеракл подшо отаси ўлгандан сўнг ўз паноҳига олган узок аёл қариндоши вафот этган экан деган хулосага келади. Адмет ўз мулозимларига Ҳераклни меҳмонхонага бошлаб боришни ва унинг шарафига ҳашаматли зиёфат беришни, Ҳераклнинг қулоғига йиғи-сиги овозлари чалинмасин дея аёллар хобгоҳининг эшигини беркитишни амр этди. Дўстининг бошига тушган мусибатдан беҳабар Ҳеракл Адмет саройида шодиёна қайфу сафо қилди. У бирин-кетин қадахларни сипқорарди. Мулозимлар учун хушчакчак меҳмонга хизмат қилиш жуда оғир, ахир, улар ўзларининг суюкли бекасининг оламдан кўз юмганини билишарди. Адмет амрига кўра ғам-аламларини яширишга нечоғлик уринмасинлар, барибир Ҳеракл уларнинг кўзларидаги ёш ва чеҳраларидаги ғуссани сезди. У мулозимлардан бирининг ёнига келиб, шароб ичсанг ҳамма нарсани унутасан, у юзингдаги ғам-аламнинг ажинларини текислаб юборади дейди, аммо мулозим унинг таклифини рад этади. Шунда Ҳеракл Адмет хонадони ўз бошидан оғир мусибатни кечираётганини фаҳмлади. У ўша мулозимдан дўстига нима бўлганини сўрай бошлайди, ниҳоят мулозим унга ҳақиқатни баён этди:

– О, мусофир, нимасини сўрайсиз, бугун Адметнинг хотини Аид салтанатига равона бўлди, бандаликни бажо келтирди.

Ҳеракл маъюс тортди. У чирмовик гулчамбар тақиб, бошига оғир мусибат тушган дўстиникида қайфу сафо қилгани ва қўшиқ айтиб яйрагани учун ниҳоятда афсусланди. Ҳеракл бошига шундай мусибат тушганига қарамасдан, ўзини бундай меҳмоннавозлик ва одамохунлик билан кутиб олгани учун дўсти Адметга илтифот кўрсатишга азму қарор қилди. Унинг миясида ўша ондаёқ даҳшатли ўлим худоси Танатдан ўлжаси – Алкестидани қайтариб олиш нияти туғилди.

Мулозимдан Алкестиданинг қабри қаерда жойлашганини билиб олгач, алҳол ўша ерга шошилди. Ҳеракл қабр ортида яшириниб, Танатнинг қабр ёнида қурбонлик қонини сўришга учиб келишини кутиб турди. Ана. Танатнинг қоп-қора қанотларини қоқиб келаётгани кулоққа чалинади, шу заҳот қабрга хос совуқлик уфуради. Қабрга даҳшатли ўлим худоси учиб келди-да, қурбонлик қонини сўришга киришди. Ҳеракл писиниб турган жойидан сакраб, Танатга ташланди. У жирканч ўлим худосини ўзининг бақувват қўллари билан маҳкам ушлаб олди, улар ўртасида даҳшатли жанг бошланди, Ҳеракл барча кучларини йиғиб, ўлим худоси билан курашди. Танат чўпдай озгин қўллари билан Ҳераклни каттиқ сиқди, унга томон совуқ нафаси билан уфурар, унинг қанотларидан паҳлавонга томон ажал ели эсарди. Барибир яшинчакнатар Зевснинг ўғли ғолиб келди. У Танатни боғлаб ташлади ва озод бўлиш эвазига ўлим худосидан Алкестидида жон киргизишни талаб қилди. Танат Ҳераклга Адмет хотинининг ҳаётини ҳадя этди, паҳлавон уни эрининг саройига бошлаб кетди.

Адмет бўлса, хотинининг дафнидан сўнг саройга келгач, оғир жудоликка чидолмай юм-юм йиғларди. Хувиллаб қолган саройда яшаш жуда қийин эди. Қаерга ҳам борарди? У марҳумларга ҳавас қилади, ҳаётдан нафратланади. Ўлимни чорлагани чорлаган. Танат унинг бутун бахту саодатини ўғирлаб, Аид салтанатига олиб кетди. Унга суюкли хотинидан ажралишдан мушкул нарса борми? Адмет Алкестидида унга ўзи билан бирга ўлишга йўл қўймаганидан афсусланарди, зеро ўлим уларни бирлаштирган бўларди. Аид бир-бирига вафодор икки қалбга эга бўлармиди. Ушбу икки қалб Ахеронтни бирга сузиб ўтишарди. Баногоҳ ғамгин Адмет кўз ўнгида Ҳеракл намоён бўлди. У чойшаб

ёпинган аёлни бошлаб бормокда эди. Ҳеракл Адметдан ўзи Фракиядан қайтиб келгунча оғир кураш натижасида қўлга киритилган ушбу аёлни саройида қолдиришни илтимос қилди. Адмет унинг илтимосини рад этди. У Ҳераклдан аёлни бошқа бировнига олиб боришини сўрайди. Суюкли хотинидан айрилган Адметга саройида бегона аёлни кўриш бағоят оғир эди. Ҳеракл уни ҳолжонига қўймади, бу аёлни саройга ўзинг бошлаб боришинг мумкин деди. У Адметнинг мулозимларига аёлга қўл теккизишни ман қилади. Ниҳоят, ўз дўстининг сўзини қайтаришни эп кўрмаган Адмет аёлни саройга бошлаб бориш учун унинг қўлидан ушлайди. Ҳеракл Адметга шундай деди:

– Адмет, сен уни олдинг! Уни асрай бил! Энди сен, Зевснинг ўғли вафодор дўст дея олишинг мумкин. Аёлга қарасанг-чи! У сенинг хотининг – Алкестидага ўхшайдими, йўқми? Ғам ейишни бас қил! Ҳаётдан мамнун бўлавер!

– О, улуғ маъбудлар! – хитоб қилди Адмет, аёлнинг ёпинчиғини кўтараркан, – хотиним Алкестида! Э, йўқ, бу унинг кўланкаси, холос! У нуқул жим турипти, лом-мим демайди!

– Йўқ, бу кўланка эмас! – жавоб қайтарди Ҳеракл. – Бу сенинг Алкестиданг! Мен уни арвоҳлар ҳукмдори Танат билан бўлган мушкул жангда қўлга киритдим. У ер қаъри худолари озод бўлгунча жим туради, уларга гуноҳлардан халос қиладиган қурбонлар бериш керак. Уч кечаю уч кундуз ўтмагунча у тилга кирмайди. Алвидо, Адмет! Бахтли бўл, отам – Зевснинг ўзи муқаддас деб билган буюк меҳмондўстлик удумларига ҳамиша содиқ бўл!

– Эй Зевснинг буюк фарзанди, сен менга тагин шодлик бахш этдинг! – хитоб қилди Адмет. – Сенга қандай миннатдорлик изҳор этишни ҳам билмайман! Меникида меҳмон бўлиб қол! Бутун тасарруфотимда сенинг ғалабангни байрам қилишга амр этаман. Мен билан бирга бўл!

Ҳеракл Адмет ҳузурда қолмади. Уни жасорат кутарди. У Эврисфейга Диомед отларини келтириб, унинг топшириғини адо этмоғи лозим эди.

ИППОЛИТАНИНГ КАМАРИ (тўққизинчи жасорат)

Ҳераклнинг тўққизинчи жасорати унинг малика Ипполитанинг камари учун амазонкалар мамлакатига қилган юриши эди. Ўша камарни Ипполитага уруш худоси Арес совға қилган бўлиб, у уни барча амазонкалар устидан ҳукмронлик рамзи сифатида боғлаб юрарди. Эврисфейнинг қизи Адмета, маъбуда Ҳеранинг коҳинаси ҳеч сўзсиз ўша камарга эга бўлишни истаб қолди. Унинг истагини бажо келтирмоқчи бўлган Эврисфей камарни қўлга киритиш учун Ҳераклни юборди. Унча катта бўлмаган паҳлавонлар гуруҳини йиғиб, буюк Зевснинг ўғли биргина кемада узок йўлга отланди. Ҳераклнинг гуруҳи катта бўлмаса-да, лекин унинг таркибида шавкатли паҳлавонлар кўп эди, ҳатто Аттиканинг буюк ва атоқли паҳлавони Тесей ҳам бор.

Баҳодир йигитлар узок йўлни босиб ўтишларига тўғри келарди. Улар Эвксин Понтининг энг йирик соҳилларига етишлари керак эди. Чунки пойтахти Фемискира бўлган амазонкалар юрти ўша ёқда жойлашганди. Ҳеракл йўл-йўлакай ўз ҳамроҳлари билан Миноснинг ўғиллари ҳукмдорлик қилаётган Парос оролига келиб, кемасини тўхтатди. Ушбу оролда Миноснинг ўғиллари навқирон баҳодир Ҳераклнинг икки нафар йигитини ўлдиришди. Жаҳли чиққан Ҳеракл шу заҳотиёқ Миноснинг ўғилларига қарши уруш бошлади. Пароснинг бир талай одамларини қириб ташлади, қолганларини шаҳарга қамаб, қуршовда ушлаб турарди, қуршовдагилар унга элчилар юбориб, ўлдирилган ҳамроҳлари эвазига икки кишини олишни илтимос қилмагунларича ушлаб туражагини баён этди. Ўлдирилганлар ўрнига Ҳеракл Миноснинг неваралари Алкей ва Сфенелни олгачгина қуршовни бекор қилди.

Ҳеракл Паросдан сўнг Лидияга, уни катта меҳмоннавозлик билан қабул қилган подшо Лик ҳузурига келди. Подшо Ликка тасодифан бебриклар қабиласи подшоси ҳужум қилди. Ҳеракл ўз ҳамроҳлари билан бебриклар подшосини енгиб, унинг пойтахтини забт этди, бебрикларнинг барча ерларини Ликка берди. Подшо Лик ўша мамлакатни Ҳеракл шарафига Ҳераклея деб атади. Ушбу жасоратдан сўнг Ҳеракл йўлида давом этди ва ниҳоят, амазонкалар шаҳри – Фемискирага келиб қолди.

Жасоратлар кўрсатган Зевс ўғлининг довуғи амазонкалар юртига аллақачон етиб борганди. Бинобарин, Ҳераклнинг кемаси Фемискирага келиб тўхтаганида амазонкалар ўз маликаси билан унинг истиқболига чиқишди. Ўзининг қахрамон ҳамроҳлари орасида умрибоқий худомонанд бўлиб ажралиб турган буюк Зевснинг ўғлига ҳайрат ичра қарар эдилар. Малика Ипполита улуғ паҳлавон Ҳераклдан сўради:

– Зевснинг шавкатли ўғли, айт-чи, сенинг шахримизга келишдан мақсадинг недир? Сулҳми ё уруш?

Ҳеракл маликага шундай жавоб берди:

– Малика, мен бу ерга суронли денгиз оша, узоқ йўл босиб келганман, аммо ўз ихтиёрим билан эмас. Мени Микена ҳукмдори Эврисфей юборди, Унинг қизи Адмета, уруш маъбуди Ареснинг сенга қилган совғаси – камарга эга бўлишни истайди. Эврисфей менга сенинг камарингни қўлга киритишимни топширган.

Ипполитанинг Ҳераклдан бирор нарсани аяш иложи йўқ эди. У унга камарни ўз хоҳиши билан беришга ҳам тайёр эди, аммо буюк Ҳера ўзи нафратланган Ҳераклни ўлдириш мақсадида амазонка киёфасига кириб, оломонга қўшилиб кетди ва Ҳеракл қўшинига хужум қилиш керак деб жанговар аёлларни жангга даъват эта бошлади:

– Ҳераклга ишонманглар, – деди Ҳера амазонкаларга, – у бу ерга ёвуз ният билан келган. Паҳлавон маликамиз Ипполитани ўғирлаб, ўз хонадонининг чўрисига айлантирмоқчи.

Амазонкалар Ҳерага ишонишди. Улар дарҳол қуролларига ёпишиб, Ҳеракл қўшинига хужум қилишди. Амазонкалар қўшини олдида Аэлла исмли амазонка шамолдай тез еларди. У Ҳераклга биринчи бўлиб ҳамла қилди. Унинг чаққонлиги суронли қуюнни эслатарди. Буюк паҳлавон унинг хужумини қайтарди, у қочишга мажбур бўлди. Аэлланинг бекиёс тезлиги ёрдам беролмади. Ҳеракл унга етиб олди-да ўзининг қуёшдай порлоқ қиличи билан зарба берди. Жангга Протоя ҳам ҳалок бўлди. У Ҳераклнинг етти нафар паҳлавонини бир ўзи ўлдирди, аммо у ҳам Зевснинг ўғли ўқидан қочиб қутулолмади. Шунда Ҳераклга бирданига етти нафар амазонка ҳамла қилди. Улар Артемиданинг ҳамроҳлари эди. Найза ташлаш бобида ҳеч ким улар билан тенглашолмасди. Ўзларини қалқонлари билан ҳимоя қилиб, найзаларини Ҳераклга томон итқитардилар, лекин бу гал нишонга тегмай ўтиб кетди. Паҳлавон уларнинг барчасини ўз гурзиси билан эзиб ташлади. Қуроллари ялт этаркан, улар бирин-кетин ерга қулардилар. Қўшинни жангга бошлаган амазонка Меланиппани Ҳеракл асирга туширди, у билан бирга Антиопа ҳам асир бўлди. Шижоаткор жангчи аёллар мағлуб этилди. Амазонкалар қўшини қочишга мажбур эдилар, уларнинг аксарияти паҳлавон йигитлар қўлидан ҳалок бўлдилар. Амазонкалар Ҳеракл билан сулҳ тузишди. Ипполита қудратли Меланиппани асирликдан озод қилиш эвазига камарини берди. Антиопани эса паҳлавонлар ўзлари билан бирга олиб кетишди. Ҳеракл уни буюк жасорати учун Тесейга армуғон этди. Ҳеракл Ипполитанинг камарини шу зайл қўлга киритди.

ҲЕРАКЛ ЛАОМЕДОНТНИНГ ҚИЗИ ҲЕСИОПАНИ ҚУТҚАЗАДИ

Амазонкалар мамлакатидан кемаларидаги қўшин билан Тиринфга қайтишда Ҳеракл Трояга йўл олди. Қаҳрамонларнинг кемалари Трояга яқин қирғоққа келиб тўхтаганларида даҳшатли манзара устидан чиқиб қолишди. Улар Троя подшоси Лаомедонтнинг соҳибжамол қизини денгиз қирғоғидаги қояга занжирбанд қилинган ҳолда қўриб қолишди. У Андромеда сингари баҳайбат денгиз махлуқига ем бўлишга маҳкум этилганди. Ўша махлуқни Посейдон ўзига ва Аполлонга Троя деворлари қурилиши учун ҳақ тўлашдан бош тортганлиги туфайли Лаомедонтни жазолаш мақсадида юборганди. Мағрур подшо Зевснинг ҳукмига биноан унга хизмат қилиши керак бўлган иккала худога агар улар ҳақ талаб қилгудек бўлса, уларнинг қулоқларини кесиб ташлайман деб таҳдид солганди. Шунда ғазабланган Аполлон Лаомедонт тасарруфотидаги аҳолини даҳшатли ўлатга маҳкум этган, Посейдон эса Троя шаҳрида яшаётганлардан ҳеч кимни аямасдан ютадиган ва ҳаммаёқни пайхон қиладиган баҳайбат денгиз махлуқини юборганди. Ўз қизининг ҳаётини қурбон қилиш эвазигагина Лаомедонт мамлакатини ғоят ваҳимали мусибатдан сақлаб қололганди. Шу боисдан хоҳишига зид бўлса-да, қизини денгиз қирғоғидаги қояга занжирбанд қилишга тўғри келган эди.

Бахтиқаро қизнинг аҳволини кўрган Ҳеракл уни ўлимдан ҳалос этишга қарор қилди, Ҳесиопани қутқазгани эвазига у Лаомедонтдан яшинчақнатар Зевс ўз ўғли Ханимеднинг эвазига Троя подшосига берган отларни мукофотга беришини талаб қилди. Уларни бир пайтлар Зевснинг бургути ўғирлаб, Олимпга олиб кетганди. Лаомедонт Ҳераклнинг талабини бажо келтиришга розилик билдирди. Буюк паҳлавон трояликларга денгиз қирғоғида тупроқ девор тиклашни амр этади, ўзи эса ўша девор ортига яшириниб олади. Ҳеракл эндигина девор ортига яширинган ҳам эдики, денгиздан баҳайбат махлуқ сузиб чикди-ю, юҳодай оғзини очиб, Ҳесионага ташланди. Ҳеракл девор ортидан қаттиқ наъра тор-

тиб, югуриб келди-да хайбатли махлукка ташланиб, унинг кўкрагига ўзининг дудама қиличини сопи-гача санчди. Ҳеракл Ҳесионани халос этди.

Зевснинг ўғли Лаодемонтдан ваъда қилинган мукофотни талаб қилганда у ғаройиб отлардан ажралгиси келмади, уларни Ҳераклга бермади, уни ҳатто Троядан дўқ-пўписа билан хайдаб юборди. Ҳеракл барча ғазабини ичига ютиб, Лаодемонт тасарруфотини тарк этди. Ҳозир ўзини алдаган подшодан қасос ололмасди, чунки унинг қўшини жуда оз эди, бунинг устига, ҳадеганда забт этиб бўлмайдиган Трояни эгаллашига кўзи етмасди. Зевснинг буюк ўғли Троя атрофида узоқ вақт қололмасди – Ипполитанинг камарини шошилиш суратда Микенага етказмоғи керак эди.

ГЕРИОН СИГИРЛАРИ (ўнинчи жасорат)

Амазонкалар юртига қилган юришдан сўнг кўп ўтмай Ҳеракл янги жасорат кўрсатишга отланди. Эврисей унга Хрисаор ва океанида Каллироянинг ўғли буюк Герионнинг сигирларини Микенага хайдаб келишни топширди. Ҳеракл ернинг энг ғарбий чеккаси – нурафшон куёш худоси Ҳелиос осмондан тушадиган ерларга етиб бориши керак эди. Шундай узоқ йўлга Ҳераклнинг бир ўзи отланди. У Африка оша, самарасиз Ливия чўллари оша, ёввойилар мамлакатлари оша ер сарҳадларига етиб келди. У бу ерда, тор денгиз бўғозининг иккала томонида ўз жасоратининг мангу рамзи сифатида иккита баҳайбат тош устунларни тиклади. Кекса Ўкёнус соҳилларига етиб келгунча Ҳеракл тагин қанча сарсон-саргардонликни бошидан кечиришига тўғри келди. Навқирон паҳлавон хаёлларга чўмаркан, сувлари мангу шовқин солувчи Океан (Ўкёнус) кирғоғига келиб ўтирди. Эрифейя оролига қандай борса бўлади, Герион ўз подаларини қаерда боқаркан? Кун оқшомга томон оғай деб қолганди. Ана, Ўкёнус сувлари сари тушиб келаётган Ҳелиос маҳодаси ҳам кўзга ташланди. Ҳелиоснинг ёркин нурлари Ҳераклнинг кўзларини камаштириб юборди, уни тоқат қилиб бўлмайдиган, кишини лоҳас қиладиган жазирама чулғаб олди. Қаҳри келган Ҳеракл ўрнидан турдида, ўзининг ваҳимали ёйига ёпишди, лекин ёғдусочар Ҳелиоснинг парвойифалак, у паҳлавонга қараб самимий жилмайди, унга Зевснинг буюк ўғлининг ғайритабиий мардлиги ёкиб қолди. Ҳелиоснинг ўзи Ҳераклга Эрифейяга куёш худосининг отлари ва маҳодаси билан ғарбдан ернинг шарқий чеккасига ҳар кеча олтин саройига олтин қайиқда қандай сузиб ўтган бўлса, ўшандай сузиб ўтишни таклиф этди. Шодлиги ичига сиғмай кетган паҳлавон олтин қайиққа сакраб минди-ю, хиёл ўтмай Эрифейя соҳилларига етиб келди.

У эндигина оролга келиб, қайиғини кирғоққа боғлашга улгурмасдан икки бошли кўркинчли кўппак Орфо сезиб қолди-ю, вовиллаб паҳлавонга ташланди. Ҳеракл уни ўзининг зилдай оғир гурзиси билан бир уришдаёқ ўлдирди. Герионнинг подаларини кўриклаётган фақат Орфо эмас эди. Ҳераклга Герионнинг чўпони – улканзот Эвиртион билан ҳам жанг қилишга тўғри келди. Зевснинг ўғли улканзотни тезда бир ёқлик қилиб ташлади ва сигирларни денгизнинг Ҳелиоснинг олтин қайиғи турган кирғоққа томон хайдади. Герион сигирларининг маърашини эшитди-ю, подасига қараб югурди. Кўппак Орфо ва баҳайбат зотнинг ўлиб ётганини кўргач, пода ўғриси ордидан кува кетди ва унга денгиз кирғоғида етиб олди. Герионнинг ўзи ҳам хайбатли улканзотлардан бири бўлиб, унинг учта гавдаси, учта боши, олтига қўли ва олтига оёғи бор эди. У жанг пайтида учта қалқон билан ўзини химоя қила оларди, душманга бир вақтнинг ўзида учта каттакон найза итқитарди. Ҳераклга ана шундай улканзот билан беллашишга тўғри келди, лекин унга жанговар Афина – Паллада ёрдамга шошилди. Ҳеракл улканзотни кўрган ондаёқ унга томон ўқ узди, унинг ажал уруғини сочувчи ўқларидан бири унинг бошларидан биридаги кўзига қадалди. Бирин-кетин учта ўқ узилди. Ҳеракл ўзининг ҳамма нарсани ер билан яксон қилувчи даҳшатли яшиндай гурзисини бир силкитиб юборган эди Герион – уч бошли баҳайбат махлук жонидан жудо бўлиб, ерга ағдарилди. Ҳеракл Герионнинг сигирларини Ҳелиоснинг олтин қайиғида суронли денгиз орқали Эрифейяга келтирди ва Ҳелиосга қайиғини қайтариб берди. Жасоратнинг ярми ниҳоясига етганди.

Ҳали олдинда уни машаққатли дамлар кутарди. Сигирларни Микенага хайдаб келиш керак эди. Ҳеракл сигирларни Испания, Пиреней тоғлари, Галлия ва Альп ҳамда Италия орқали хайдарди. Италиянинг жанубида, Региум шаҳри яқинида сигирлардан бири подадан ажралиб, бўғоз орқали Сицилияга сузиб ўтди. Уни у ерда Посейдоннинг ўғли подшо Эрикс кўриб қолади ва ўз подасига кўшиб юборади. Ҳеракл сигирни хийла вақтгача излади. Ниҳоят, у худо Ҳефестдан сигирларини кўриқлаб туришни илтимос қилди, ўзи эса Сицилияга сузиб ўтди ва у ерда сигирини подшо Эрикс подасида топиб олди. Шоҳ уни Ҳераклга беришни истамасди. Ўз кучига ишонган шоҳ Ҳераклни яккама-якка курашга даъват этди. Ғолиб келган киши сигирга эга бўлиши лозим эди. Эрикснинг Ҳераклдек



ракибга куч-кудратда тенг келолмаслиги маълум. Зевснинг ўгли ўзининг бакуват қўллари билан подшони қисиб, бўғиб ташлади. Ҳеракл сигирларни олиб, ўз подасига қайтди ва юришда давом этди. Ионий денгизи қирғоқларида маъбуда Ҳера бутун подани кутуришга маҳкум этди. Кутурган сигирлар хар томонга тумтаракай бўлиб кетди. Ҳеракл сигирларнинг кўпчилик қисмини Фракияда ушлаб, ниҳоят, уларни Микенага, Эврисфей хузурига ҳайдаб келди. Эврисфей уларни буюк маъбуда Ҳера шарафига қурбон қилди.

КЕРБЕР (ўн биринчи жасорат)

Херакл эндигина Тиринфга қайтиб келганда Эврисфей уни тагин жасорат кўрсатишга отланганди. Бу Ҳераклнинг Эврисфей хизматидаги ўн биринчи жасорати эди. Ушбу жасорат пайтида Ҳераклга мисли кўрилмаган қийинчиликларни енгишига тўғри келди. У даҳшатли зулматгоҳ, мудҳиш воқеа-ҳодисалар макони бўлмиш Аид салтанатига тушиб, Эврисфейга ер ости салтанатининг кўриқчиси – дўзахий кўппак Керберни келтириши керак эди. Кербернинг учта бошли кўринишда, бўйнида илонлар иланг-биланг бўлиб тўлғонарди, унинг думи қомига тортувчи баҳайбат аждаҳонинг боши сингаридир. Ҳеракл Лаконияга бориб, у ерда Тэнар ёнидаги қоронғи жарлик орқали ер ости салтанатининг зулматгоҳига тушди. Аид салтанатининг қопқалари олдида Ҳеракл баногоҳ қояга занжирбанд қилинган паҳлавонлар – Тесей ва Фессалия подшоси Перифейни кўриб қолди. Уларни маъбудлар Аиднинг хотини Персефонани ўғирлаб кетмоқчи бўлганликлари учун жазолаган эди. Тесей Ҳераклга шундай дея ёлворарди:

– Эй Зевснинг буюк ўгли, мени озод қил! Азоб-уқубатимни кўриб турибсан! Мени улардан халос этишга фақат сен кодирсан!

Ҳеракл Тесейга шундайгина қўлини узатди-ю, уни озод этди. У Перифейни ҳам озод қилмоқчи бўлганда бирдан ер силкинди, шунда паҳлавон Ҳеракл худолар унинг озодликка чиқишини истамаётганлигини пайқади. Ҳеракл худолар ҳукмига бўйин эгиб, мангу тун зулмати ичра юришда давом этди. Ер ости салтанатига Ҳеракл маъбудлар хабарчиси, ўликлар арвоҳининг раҳнамоси Ҳермес билан бирга борди, унинг ҳамроҳи эса Зевснинг суюкли қизи Афина – Паллада бўлди. Ҳераклни кўрганда паҳлавон Мелеагрнинг кўланкасигина қочиб қолмади, холос. Унинг кўланкаси Зевснинг ўғлига шундай илтижо қиларди:

– О, улуғ Ҳеракл, дўстлигимиз хотираси туфайли сенга бир нарса хусусида ёлвораман: менинг ўлимимдан сўнг етим бўлиб қолган соҳибжамол синглим Деянирага раҳм қил! У нотавон ҳолда қолди. Уни хотинликка ол, буюк қахрамон! Унга ҳомий бўл!

Ҳеракл унинг илтимосини бажаришга ваъда берди ва Ҳермеснинг ортидан боришда давом этди. Ҳераклнинг қаршисида даҳшатли горгона Медузанинг кўланкаси кўндаланг туриб олди, у ўзининг мис қўлларини олдинга қараб чўзди, олтин қанотларини қоккан эди, бошидаги илонлар ғимирлаб қолишди. Ҳеч нарсадан қўрқмайдиган қахрамон қиличига ёпишди, уни Ҳермес шундай дея ниятидан қайтарди:

– Қиличнинг ёпишма, Ҳеракл! Ахир, бу унинг жисмсиз кўланкаси-ку! У сени ҳалок этаман деб таҳдид солаётгани йўқ!

Ҳеракл ўз йўлида сон-саноксиз кўрқинчли ҳодисаларга бақамти келиб қоларди. Ниҳоят, у Аид тахти олдида келди. Ўликлар салтанатининг ҳукмдори ва унинг хотини зулмат ва ғам-алам ичра яшаётган қоронғулик оламига яшинчақнатар Зевснинг буюк ўгли кўрқмасдан кириб келди. Уни қувонч ва таҳсинлар билан кутиб олишди. Ҳеракл бўлса Аид тахти олдида арслон терисига бурканиб, елкасига ёйини осиб, салобат ила улкан гурзисига суяниб, хотиржамгина турарди. Аид буюк акаси Зевснинг ўғлини меҳрибонона олқишладида, унинг не сабабдан куёш ёрдусини тарк этиб, зулмат салтанатига ташриф буюрганини сўради. Ҳеракл Аид олдида таъзим бажо келтираркан, шундай жавоб берди:

– Эй ўликлар арвоҳининг ҳукмдори, буюк Аид, менинг илтимосим учун ғазабланма, пурқудрат худо! Ахир, ўзингга аён, салтанатингга ўз ихтиёрим билан келган эмасман, қиладиган илтимосим ҳам ўз ихтиёрим билан эмас. Ҳукмдор Аид, менга уч бошли Керберингни бер, уни Микенага олиб кетишим керак. Бунни нурафшон Олимпсоҳиб маъбудлари амрига биноан мен хизматида бўлиб турган подшо Эврисфей буюрган.

Аид навқирон паҳлавонга шундай жавоб берди:

– Илтимосингни бажо келтираман, Зевснинг ўгли. Лекин сен Керберни қуролсиз ром этишинг лозим. Агар уни ўзингга ром этолсанг, уни Эврисфейга олиб боришингга ижозат этаман.



Ҳеракл Керберни ер ости салтанатида хийла вақтгача излади ва ниҳоят уни Ахеронт қирғоғида топди. Ҳеракл Кербернинг пўлатдай қаттиқ бўйнидан ўзининг кучли кўллари билан маҳкам кучоқлаб олди. Аиднинг кўппаги даҳшатли увуллаб юборди. Кербер думи билан пахлавоннинг оёғига чирмашди, аждаҳоникидек ўткир тишлари билан унинг танасига ёпишди. Пировардида Аиднинг чала бўғилган кўппаги пахлавоннинг оёғи остига йиқилди. Ҳеракл уни ўзига ром этиб, зулумот салтанатидан Микенага олиб кетди. Кербер кун ёруғидан қўрқди. У тамоман совуқ терга ботганди, уччала жағидан ҳам захарли кўпик томарди. Унинг кўпиги тушган ердан захарли майсалар униб чиқарди.

Ҳеракл Керберни Микена саройи остонасига бошлаб келди. Даҳшатли кўппакка бир бор разм соларкан, кўрқоқ Эврисфейнинг капалаги учиб кетди. У Керберни Аид салтанатига қайтар, дея Ҳераклга тиз чўкиб ёлворишига сал қолди. Ҳеракл илтимосни адо этди, у ваҳимали кўппак Керберни Аидга қайтариб берди.

ҲЕСПЕРИДАЛАРНИНГ ОЛМАЛАРИ (ўн иккинчи жасорат)

Хераклнинг Эврисфейга хизмати даврида кўрсатган энг мушкул жасорат унинг сўнгги – ўн иккинчи жасорати эди. У елкасида осмон гумбазини ушлаб турган буюк титан (пахлавон) Атласнинг ҳузурига отланмоғи ва унинг қизлари Ҳесперидалар қўриқлаётган боғларидан уч дона олтин олмани кўлга киритмоғи керак эди. Олмалар ер маъбудаси Гея томонидан Зевс ва Ҳеранинг тўйи кунига совға сифатида етиштирилган олтин дарахтда ўсарди. Ушбу жасоратни кўрсатмоқ учун даставвал Ҳесперидаларнинг уйку нималигини билмайдиган аждаҳо қўриқлаётган боғига бошлаб борадиган йўлни билиб олиш даркор эди.

Ҳесперидалар ва Атлас ҳузурига бошлаб борадиган йўлни ҳеч ким билмасди, Ҳеракл Осиё ва Оврупода хийла вақтгача сарсон-саргардон бўлиб юрди, у Герион сигирларига бошлаб борадиган мамлакатлар ҳамда йўлларни босиб ўтди. Ҳеракл қаерга бормасин, йўл ҳақида сўрарди, аммо ҳеч кимдан аниқ жавоб ололмасди. Сарсон-саргашта юришлардан сўнг у шимол ёқларга, суронли ва лиммо-лим жўш уриб оқаётган афсонавий Эридан дарёси соҳилларида Зевснинг буюк ўғлини соҳибжамол нимфалар катта иззат-икром ила кутиб олишди ва унга Ҳесперидалар боғига бошлаб борадиган йўлни қандай топишни маслаҳат беришди. Ҳеракл кекса донишманд Нерей денгиз пўртанасидан соҳилга чиққанда тўсатдан ҳужум қилиб, Ҳесперидалар боғига борадиган йўлни билиб олиши лозим эди. Ҳеракл хийла вақтгача Нерейни излади. Ўша йўлни Нерейдан бошқа ҳеч ким билмасди. Ниҳоят, Ҳеракл уни денгиз қирғоғида топишга муваффақ бўлди. У денгиз худосига ҳужум қилди, кураш жуда машаққатли бўлди. Ҳераклнинг темир оғушидан халос бўлиш учун Нерей турфа қиёфаларга кирарди, аммо қаҳрамон уни ҳадеганда қўйиб юбормасди. Пировардида Ҳеракл толиққан Нерейни боғлаб ташлади. Шунда денгиз худосига халос бўлиш учун Ҳесперидалар боғига бориш йўлларининг сирларини очишга тўғри келди. Зевснинг ўғли сирни билиб олгач, денгиз маъбудини қўйиб юборди ва йўлида давом этди.

Унга тагин Ливия орқали боришга тўғри келди. У бу ерда денгизлар худоси Посейдон ва ер маъбудаси Гея боқиб вояга етказган улканзот Антейни учратди. Антей йўловчиларнинг барчасини ўзи билан курашишга мажбур этар, курашда енгилганларни сира аямасдан ўлдирарди. Улканзот Ҳераклдан ҳам ўзи билан курашишни талаб этди. Антей билан яккама-якка курашганларнинг ҳеч бири унинг кураш пайтида куч устига янги куч олиш сирини билмай, мағлуб бўлардилар. Сири шундай эди: Антей кучини йўқота бошлаганини сезганда онаси – Ерга қўл теккизарди, шунда унинг кучи янгиланарди, у уларни онаси – буюк Ер маъбудасидан оларди. Бироқ Антейни ердан узиб, ҳавога кўтарсалар, бас, у кучидан Мосувою маҳрум бўларди. Антей билан Ҳеракл хийла вақтгача курашишди, Ҳеракл уни бир неча бор ерга қулатди, йиқилган сайин Антейнинг кучига куч қўшиларди. Ҳеракл кураш чоғида тасодифан Антейни ўзининг қудратли кўллари билан ердан узиб, баланд кўтарганди Геянинг ўғлининг кучи тамом бўлди, Ҳеракл уни буғиб ташлади.

Ҳеракл юришда давом этаркан, Мисрга келди. Узоқ йўл юриб толиққанидан у ерда, Нил дарёсининг қирғоғидаги ўрмон соясида уйкуга кетди. Ухлаётган Ҳераклни Миср подшоси Бусирис кўриб қолиб, пахлавоннинг оёқ-қўлини боғлашни амр этди. У Ҳераклни отаси Зевсга қурбон қилмоқчи бўлди. Мисрда етти йил бадалида ҳосил бўлмади. Кипрдан келган кароматсоҳиб Фрасий, агар Бусирис ҳар йили Зевсга ажнабийлардан бирор кимсани қурбон қилгандагина ҳосилсизликка чек қўйилади деб башорат қилган экан. Бусирис биринчи галда Фрасийнинг ўзини тутиб, қурбон қилишни амр этди. Ўшандан сўнг мустабид шоҳ Мисрга келган ажнабийларни яшинчақнатар шара-

фига қурбон қиларди. Ҳераклни ҳам қурбонгоҳга келтиришди, лекин, у ўзи боғланган ипни майда-майда қилиб ташлади ва қурбонгоҳ ёнида Бусириснинг ўзини ва ўғли Амфидамантни ўлдирди. Мисрнинг мустабид подшоси ана шундай жазоланган эди.

Буюк титан (пахлавон) Атлас турган ер чеккасига етгунча йўлда Ҳеракл жуда кўп хатарни бошидан ўтказишга тўғри келганди. Пахлавон ўзининг кенг елкаларида бутун бошли осмон гумбазини ушлаб турган қудратли титанни ҳайрат ичра томоша қилмоқда эди.

– Эй улуғ баҳодир Атлас, – дея мурожаат қилди унга Ҳеракл, – мен Зевснинг ўғли – Ҳераклман. Мени сенинг ҳузурингга олтинга бой Микена подшоси Эврисфей юборди. Эврисфей менга Ҳесперидаларнинг боғидаги олтин дарахтда ўсадиган уч дона олтин олмани келтиришни амр этди.

– Сенга учта олмани Зевснинг ўғли, мен бераман, – жавоб берди Атлас, – уларни келтиргунимча сен ўрнимда туриб, елкангда осмон гумбазини ушлаб турмоғинг лозим.

Ҳеракл розилик берди. У Атласнинг ўрнида туриб қолди. Зевснинг ўғли елкасига мисли кўрилмаган оғирлик чўқди. У бутун куч-қудратини ишга солиб, осмон гумбазини ушлаб турди. Оғир юк Ҳераклнинг бақувват елкаларига дахшатли куч билан босарди. У осмон залворидан букилиб қолди, мушаклари тоғдай қабариб кетди, юкнинг вазминлигидан танаси терга ботди, лекин, Атлас олтин олмаларни келтиргунча маъбуда Афинанинг ғайрибашарий кучлари ва мадади унга осмон гумбазини ушлаб туриш имконини берарди. Атлас қайтиб келгач, пахлавонга шундай деди:

– Мана сенга уч дона олма, Ҳеракл. Агар истасанг, уларни Микенага ўзим олиб борай, сен қайтгунимча осмон гумбазини ушлаб тур, келганимдан сўнг ўрнингга ўзим тураман.

Ҳеракл Атласнинг айёрлигини тушунди, у пахлавон(титан)нинг оғир меҳнатдан бутунлай халос бўлмоқчи эканлигини фаҳмлади, айёрликка қарши айёрлик ишлатди.

– Яхши, Атлас, мен розиман! – жавоб берди Ҳеракл, – Фақат ўзимга ёстиқ қилиб олгунимча ижозат бер, сўнг уни елкамга оламан, билъакс осмон гумбази яғринимга жуда қаттиқ ботаяпти.

Атлас яна ўз жойига ўтиб олди-да осмон залворини елкасига ташлади. Ҳеракл эса, ёйи, садоғи, гурзиси ва олтин олмаларини қўлига оларкан, деди:

– Алвидо, Атлас! Сен Ҳесперидалар олмаларини келтиргунча осмон гумбазини ушлаб турдим, бутун осмон оғирлигини эса мангу кўтариб туришга тоқатим йўқ.

Ҳеракл шундай деркан, титанни тарк этди, Атласга яна илгаригидек осмон гумбазини ушлаб туришга тўғри келди. Ҳеракл эса, шоҳ Эврисфей ҳузурига келиб, унга олтин олмаларни совға этди. Эврисфей уларни Ҳераклнинг ўзига берди, Ҳеракл эса олмаларни ўз ҳомийси – Зевснинг олийҳиммат кизи Афина – Палладага ҳадя қилди. Афина олмаларни боғларида мангу қолсин дея Ҳесперидаларга қайтариб берди.

Ўзининг ўн иккинчи жасоратидан сўнг Ҳеракл Эврисфей хизматидан озод бўлди. Энди у етти дарвозали Фива шаҳрига қайтиши мумкин эди. Аммо Зевснинг ўғли у ерда узоқ вақт яшаб қололмасди. У ўз хотини Мегерани дўсти Иолайга хотинликка берди-да, ўзи яна Тиринфга жўнаб кетди.

Бироқ Ҳераклни фақат ғалабалар эмас, балки оғир мусибатлар ҳам кутарди, чунки Ҳераклни илгаригидек буюк маъбуда Ҳера таъқиб этарди.

ҲЕРАКЛ ВА ЭВРИТ

Эвбей оролидаги Ойхалия шаҳрида подшо Эврит ҳукмронлик қиларди. Эвритнинг камондан отишда энг моҳир мерган сифатидаги шухрати бутун Юнонистонга тарқалганди. Унинг устози тирандоз Аполлоннинг ўзи бўлиб, ҳатто шогирдига ёй ва ўқлар ҳам тақдим этганди. Бир пайтлар болалигида Ҳеракл ҳам ёйдан отишни Эвритдан ўрганган. Худди ана шу шоҳ бутун Юнонистонга ёйдан отишда ким ўзидан устун чиқса, сулув кизи Иолани ўша пахлавонга хотинликка беражагини билдирди. Эврисфейнинг хизматидан эндигина халос бўлган Ҳеракл Юнонистоннинг талай пахлавонлари йиғилган Ойхалияга мусобақада иштирок этиш учун жўнаб кетди. Ҳеракл шоҳ Эврит устидан жўнгина ғалабага эришди-ю, Иолани хотинликка беришни талаб қилди. Бироқ Эврит ўз ваъдасида турмади. У муқаддас меҳмондўстлик удумларини унутиб, буюк пахлавонни таҳқирлай бошлади. У «Эврисфейнинг қули бўлган кишига қизимни бермайман», деб туриб олди. Ниҳоят, Эврит ва унинг ўзига бино кўйган ўғиллари зиёфат чоғида ширакайф бўлган Ҳераклни саройдан, ҳатто Ойхалиядан ҳам ҳайдаб чиқаришди. У ғам-аламга чўмган ҳолда Эвритни тарк этди, зероки буюк пахлавон соҳибжамол Иолани севиб қолганди. Ўзини таҳқирлаган Эвритга бўлган аламини ичига ютиб, Тиринфга қайтди.



Орадан бир муддат ўтгач, юнонларнинг ўта муғомбир йигитларидан бири, Ҳермеснинг ўғли Автолик Эвритнинг подаси(моллари)ни ўғирлади. Ойхалия подшоси Эврит бўлса Ҳераклни ўғирликда айблади. Ойхалия подшоси паҳлавоннинг ундан хафа эканидан, ўч олиш мақсадида подани ўғирлаган бўлса керак деб ўйларди. Фақат Эвритнинг тўнғич ўғли Ифитгина буюк Ҳеракл отасининг подасини ўғирлаганига ишонгиси келмасди. Ҳатто Ифитнинг ўзи болаликдан қалин дўсти бўлган Ҳераклни айбдор эмаслигини исботламоқ мақсадида подани излаш истагини билдирди. Подани қидириб, Ифит Тиринфга келди. Ҳеракл дўстини самимий кутиб олди. Кунлардан бир кун иккаласи юксак қоя устида қурилган Тиринф қалъасининг баланд девори устида турганларида бирдан Ҳераклни буюк маъбуда Ҳера томонидан юборилган ғазаб алангаси чўлғаб олди. Жаҳли чиққан Ҳеракл Эврит ва унинг ўғиллари ўзини қандай ҳақоратлаганини эслади. Ўзини тутолмай Ҳеракл Ифитга ёпишдида, уни қалъа деворидан иткитиб юборди. Бадбахт Ифит жонидан жудо бўлди. Бундай қотиллиги билан муқаддас меҳмондўстлик удуми ва дўстликка хилоф иш тутгани туфайли Ҳеракл Зевснинг қаҳрини келтирди. Буюк яшинчақнатар ўғлини оғир касалликка маҳкум этиб, жазолади.

Ҳеракл хийла вақтгача азият чекди, ниҳоят, касаллик уни ҳолдан тойдиргач, худолар жазосидан қандай халос бўлишни сўраш мақсадида Дельфа шаҳрига отланди. Лекин кароматсоҳибаси Пифия унинг илтижосини жавобсиз қолдирди. У ҳатто Ҳераклни қотиллиги туфайли ўзини таҳқирлаган киши сифатида маъбаддан ҳайдаб чиқарди. Ўзига кўрсатилган бундай муносабатдан ғазабланган Ҳеракл маъбаддан Пифиянинг устида ўтириб кароматларини баён этадиган уч оёқли курсисини ўғирлаб кетди. Бу билан у Аполлоннинг қаҳрини келтирди. Зар кокилли маъбуд Ҳераклни олдига келиб, ундан уч оёқли курсини қайтариб беришни талаб қилди, лекин Ҳеракл унинг талабини рад этди. Шунда Зевснинг ўғиллари – умрбоқий Аполлон ва энг буюк паҳлавонлардан бири бўлмиш фонийот Ҳеракл ўртасида шафқатсиз кураш бошланди. Зевс Ҳераклни ўлимни истамасди. У Олимпда туриб ўғиллари ўртасига яшин ташлади, шу зайл уларни ажратиб, жангга чек қўйди. Ака-ука ярашишди. Шунда Пифия қуйидагича жавоб қайтарди:

– Сен уч йил муддат билан қулликка сотилганингдагина шифо топасан. Сенга берилган пулларни эса ўғли Ифитни ўлдирганинг учун Эвритга беришинг лозим. Ҳераклга яна озодликдан маҳрум бўлишга тўғри келди. Уни Лидия маликаси, Иарданнинг қизи Омфалага сотиб юборишди. Ҳераклдан олинган жарима пулларини Эвритга Ҳермеснинг ўзи олиб борди. Аммо Ойхалиянинг мағрур подшоси пулларни қабул қилмади, у илгаригидек, Ҳераклга душман бўлиб қолаверди.

ҲЕРАКЛ ВА ДЕЯНИРА

Эврит Ҳераклни Ойхалиядан ҳайдаб юборгандан кейин буюк паҳлавон Этолиянинг Калидон шаҳрига келди. У ерда Ойней ҳукмронлик қиларди. Ҳеракл Ойней ҳузурига кизи Деянирани хотинликка сўрамоқчи бўлди, зероки у кўланкалар салтанатида Мелеагрга Деянирага уйланаман деб ваъда берганди. Калидонда Ҳеракл даҳшатли рақибга дуч келди. Соҳибжамол Деяниранинг розилигини олишга кўп қаҳрамонлар интилишарди, улар ичида дарё худоси Ахелой ҳам бор эди. Ниҳоят, Ойней Деяниранинг розилигини курашда ғолиб чиққан олади, деган қарорга келди. Бақувват Ахелой билан курашишдан барча паҳлавонлар бош тортишди. Ёлғиз Ҳеракл қолганди. Унга дарё худоси Ахелой билан курашишга тўғри келди. Ҳераклни ўзи билан куч синашишга журъат этганини кўрган Ахелой унга шундай деди:

– Сен Зевс ва Алкменанинг ўғлиман дедингми? Зевсни отам деганинг ёлғон!

Ахелой Зевснинг буюк ўғлини таҳқирлай бошлади ва онаси Алкменани қоралай кетди. Ҳеракл ковоғини солиб Ахелойга ғазабнок қаради. Кўзларида қаҳру ғазаб алангаси чақнаркан, унга деди:

– Ахелой, мен тилимдан кўра, қўлларимга кўпроқ ишонаман. Сўзда сен ғолиб, курашда – мен.

Ҳеракл Ахелойга томон қатъий одим ташларкан, уни ўзининг бақувват қўллари билан маҳкам ушлаб олди. Баҳайбат Ахелойни қулатиш қийин эди, уни жойидан тебратиш ўта мушкул бўлиб, Ҳераклни барча уринишлари беҳуда кетди. Ахелой суронли денгиз тўлқинлари ҳам жойидан кимирлатолмайдиган кўзгалмас қоядай турарди. Ахелой билан Ҳеракл мугузларини чалкаштириб олган хўкизлардай курашмоқда эдилар. Ҳеракл Ахелойга уч марта хужум қилди, тўртинчи бор ҳамла қилганда у Ахелойнинг қўлларидан сирғалиб чиқди-ю, унинг орқасидан кучоклаб олди. Ҳеракл дарё худосини худди улкан тоғни ағдаргандек ерга босиб турарди, Ахелой терга ботган қўлларини бор кучини бир ерга йиғиб, зўрға бўшатиб олди, Ҳеракл уни ҳамон куч билан ерга қулатмоқчи бўларди. Ниҳоят, Ахелой инграб, тиз чўкди унинг тиззалари букилди, боши билан ерга урилди. Мағлубиятга



учрамаслик учун Ахелой айёрликни ишга солди. У шу заҳотиёқ илонга эврилди. Ахелой илонга айланаркан. Ҳераклни кўлидан сирғалиб чиқди, Ҳеракл эса кулиб, шундай хитоб этди:

– Мен ҳали бешикдаёқ илонлар билан курашишни ўрганганман! Тўғри, сен унақа илонлардан эмассан, сен уларга нисбатан ғаддорсан, Ахелой, аммо Лерней аждаҳосига тенг келолмайсан. Гарчи унинг кесилган бир боши ўрнига иккита янгиси ўсиб чиқса-да, мен уни енгган эдим.

Ҳеракл бақувват кўллари билан илоннинг бўйнидан ушлаб олдида, уни темир омбур билан қисгандай эза бошлади. Ахелой паҳлавоннинг кўлидан сирғалиб чиқишга уриниб кўрди, бироқ мақсадига етолмади. Шунда у ҳўкизга айланди ва яна Ҳераклга ҳужум қилди. Ҳеракл ҳўкиз Ахелойнинг мугузларидан ушлаб олди ва ерга ётқизди. Уни шундай даҳшатли куч билан йиқитдики, шохларидан бири синиб кетди. Ахелой енгилган эди, шунда Ойней Деянирани Ҳераклга хотинликка берди.

Тўйдан сўнг Ҳеракл Ойней саройида қолди. Аммо уникида узоқ яшамади. Кунлардан бирида зиёфат чоғи Эвномнинг ўғли Архителнинг оёқ ювиш учун тайёрланган сувни болакай Ҳераклни кўлига қўйгани учун урган эди, зарбанинг кучлилигидан бола йиқилиб, жон берди. Ҳеракл бу хунук воқеа туфайли ғамга ботди. Эвном ўғлининг тасодифан ўлдирилганини кечирган бўлса-да, кўнгли хижил паҳлавон Калидон шахрини тарк этиб, хотини Деянира билан Тиринфга жўнаб кетди.

Ҳеракл хотини билан хийла узоқ йўлни босиб ўтгач, Эвен дарёсига келиб қолди. Ушбу жўшқин дарё орқали кентавр Несс йўл ҳақи олиб, йўловчиларни ўзининг кенг елкасига ўтқазиб, нариги қирғоққа олиб ўтарди. Несс Деянирани нариги қирғоққа ўтқазишни таклиф этди, Ҳеракл уни кентаврнинг елкасига ўтқазди, ўзи эса гурзи ва ёйини нариги қирғоққа итқитди-да, ҳайқириб оқаетган дарёни сузиб ўтди. Ҳеракл эндигина соҳилга чиққан эди ҳамки, кўкқисдан Деяниранинг қаттиқ қичқирганини эшитиб қолди. У эрини ёрдамга чорларди. Деяниранинг гўзаллигига мафтун бўлган кентавр уни олиб кочмоқчи бўлди. Зевснинг ўғли Несснинг ортидан ваҳимали қичқирди:

– Қаерга югураёсан? Наҳотки, сени оёқларинг кутқазса! Йўқ, сен мендан кочиб кутулолмайсан! Нечоғлик тез югурмагин, ўқим сенга етиб олади!

Ҳеракл ёйини тортиб юборган эди, таранг тортилган камалак ипидан узилган ўқ визиллаб учиб кетди. Ажал уруғини сочувчи ўқ Несснинг орқасига санчилди, тиғи эса кентаврнинг кўкрагини тешиб ўтди. Ўлар даражада яраланган кентавр чўккалаб йиқилди. Лерней аждаҳосининг захри сингдирилган ярадан қон дарё бўлиб оқарди. Несс интиқом олмасдан ўлгиси келмасди. У ўз қонини йиғиб, Деянирага бераркан, шундай деди:

– Эй Ойнейнинг кизи, Эвеннинг жўшқин сувларидан сўнгги бор ўтқазганим сен бўлдинг! Мана бу қонимни ол, уни авайлаб асра! Агар Ҳеракл сени севмай қўйса, ана шу қон сенга унинг севгисини кайтаради, унинг учун сендан азиз аёл бўлмайди, уни Ҳераклни кийимига суртсанг, бас.

Деянира Несснинг қонини олиб, яшириб қўйди. Несс ўлди. Ҳеракл Деянира билан Тиринфга келди ва у ерда Ҳеракл томонидан дўсти Ифитнинг ғайрихитийрий ўлими шавкатли шахарни тарк этишга мажбур қилмагунча яшадилар.

ҲЕРАКЛ ОМФАЛА ҲУЗУРИДА

Ҳеракл дўсти Ифитни ўлдиргани учун Лидия маликаси Омфалага қулликка сотилган эди. Мағрур Лидия маликаси хизматидагидек машаққатларни Ҳеракл ҳеч жойда бошидан кечирмаганди. Паҳлавонларнинг энг улуғи ҳар қуни унинг камситишларига бардош бериши керак эди. Омфаланинг Зевснинг ўғли устидан қулишлари унга завқ-шавқ бағишлаётганга ўхшарди. Ҳераклни хотинчасига кийинтириб, уни ўзининг жориялари билан бирга ўтқазиб, ип йиғириш ва тўқишга мажбур этарди. Лерней аждаҳосини ўз гурзиси билан жароҳатлаган, Аид салтанатидан даҳтшатли кўппак Церберни олиб чиққан, осмон гумбазини ушлаб турган паҳлавоннинг номини эшитса душманлари қалтирайдиган, қилич чопишга, ғанимларга гурзи билан зарба беришга, ёйини таранг тортиб ўқ узишга одатланган одам бу ерда хотин-халаж билан тўқув дастгоҳи ёнида букчайиб ўтириши ва ип йиғириши керак эди. Омфала эса Ҳеракл елкасига ташлаб юрадиган арслон терисини ёпиниб, унинг олтин совутини кийиб, қиличини белига боғлаб, зилдай оғир гурзисини елкасига ташлаб, паҳлавоннинг кўз ўнгида савлат тўкиб, ўзини кўз-кўз қиладиган, уни – қулини мазахларди. Гўёки Омфала Ҳераклни енгилмас кучини сўндиришни мақсад қилиб қўйгандай. Ҳеракл ҳаммасига бардош бермоғи лозим, ахир у Омфаланинг том маънодаги қули эди, ана шу ҳол нақ уч йил давом этиши даркор.

Омфала жуда камдан кам ҳоллардагина паҳлавонни саройдан ташқарига чиқарарди. Кунлардан бирида Ҳеракл саройдан чиқиб, Эфес атрофидаги ўрмонда ухлаб қолади. У уйкуда вақтида пашмалок



(пакана) керкоплар ёнига билдирмасдан келиб, қуроёлларини ўғирламоқчи бўладилар, лекин Ҳеракл айни керкоплар унинг ёйи ва ўқларига тармашганларида уйғониб кетади. Қахрамон ҳаммасини тутиб олиб, оёқ-қўлларини боғлади. Ҳеракл уларнинг боғланган оёқлари орасидан каттакон сириқ ўтказиб, Эфесга олиб бораётганида керкоплар ажабтовур эгилиб-букилиб, пахлавонни роса кулдирадилар, шунда Ҳеракл уларни қўйиб юборади.

Омфаланинг саройидаги куллик даврида Ҳеракл ўзининг хузурига келиб қолган ажнабийларни бамисоли кул сифатида ўзининг узумзорларида ишлашга мажбур этадиган Авлида подшоси Силей саройига келганда у Ҳераклни ҳам ишлашга мажбур этди. Жаҳли чиққан пахлавон меҳмондўстликнинг муқаддас удумларини менсимаган Силей боғидаги узум новдаларини суғуриб отди ва унинг ўзини ҳам ўлдирди. Ҳеракл Омфала саройидаги куллик даврида аргонавтлар юришида ҳам иштирок этган эди. Ниҳоят, жазо муддати тугаб, Зевснинг буюк ўғли тагин озод бўлди.

ҲЕРАКЛ ТРОЯНИ ЗАБТ ЭТАДИ

Ҳераклнинг Омфала куллигидан озод бўлганидан сўнг ҳали кўп вақт ўтмаган эди, у таникли Қахрамонлардан иборат катта қўшин тўплаб, ўн саккизта кема билан ўзини алдаган Троя подшоси Лаомедонтдан қасос олиш ниятида Трояга отланди. Трояга етиб келгач, кемаларни қўриклашни унча катта бўлмаган отрядга бошлиқ бўлган Оиклга топширди, ўзи эса барча қўшини билан Троя деворлари сари йўлга тушди. Ҳеракл ўз қўшини билан кемадан узоқлашиб улгурмасданок Лаомедонт Оиклга ҳужум қилиб, унинг қарийб ҳамма одамларини қириб ташлади. Кемалар турган томондан жанг шовқинини эшитган Ҳеракл дарҳол ортга қайтди, Лаомедонтни қочишга мажбур этди ва Трояни камал қилди. Троя қамали кўпга чўзилмади. Пахлавонлар юксак деворлардан ошиб, шаҳарга бостириб киришди. Унга биринчи бўлиб пахлавон Теламон қадам босди. Пахлавонларнинг энг улуғи бўлмиш Ҳеракл ўзидан бировнинг ўзиб кетишига тоқат қилолмасди. У қиличини яланғочлаб, ўзидан аввал шаҳарга кирган Теламонга ташланди. Муқаррар ҳалокат таҳдид солаётганини сезган Теламон энгашиб, тошларни тера бошлади. Ҳеракл хайратда қолиб сўради:

– Бу нима қилганинг, Теламон?

– О Зевснинг улуғ фарзанди, мен голиб Ҳераклга қурбонгоҳ тикляпман! – жавоб берди айёр Теламон ва ўз жавоби билан Ҳераклнинг ғазабини босди.

Шаҳарни забт этиш пайтида Лаомедонт ва унинг барча ўғилларини ўлдирган Ҳеракл уларнинг кенжаси – Подаркни аяган эди, холос. Лаомедонтнинг соҳибжамол қизи Ҳесионани эса Теламонга хотинликка берди, Ҳесионага асир тушганлардан бирортасини танлаб олиш ва озод қилишга ижозат берди. Ҳесиона ўз укаси Подаркни танлади.

– У барча асирлардан аввал кул бўлмоғи керак, – хитоб қилди Ҳеракл, – агар сен унинг эвазига бирор нарса берсанг, ўшанда у озодликка чиқади.

Шунда Ҳесиона бошидаги ёпинчиғини ечиб, укаси эвазига берди. Ўшандан сўнг Подаркни Приам (яъни сотиб олинган) дейдиган бўлишди. Ҳеракл Троя устидан ҳукмронликни унга топширди, ўзи эса қўшини билан янги жасоратлар кўрсатиш учун йўлга отланди.

Ҳеракл ўз қўшини билан Троядан денгизда сузиб келаётганда маъбуда Ҳера Зевснинг манфур ўғлини маҳв этиш мақсадида денгизда даҳшатли бўрон кўзғади. Ўғлига қандай хатар таҳдид солаётганини Зевс билмасин дея уйқу худоси Ҳипноздан олампаҳоқ Зевсни ухлатишни илтимос қилди. Бўрон Ҳераклни Кос оролига олиб кетди.

Кос оролида яшовчилар Ҳераклнинг кемасини қароқчиларники деб хаёл қилишиб, тошбўрон қила бошлашди, унга соҳилга келиб тўхташ имконини беришмади. Ҳеракл Косга тунда тушиб, унда яшовчиларни мағлуб этди, уларнинг подшоси, Посейдоннинг ўғли Эврипидни ўлдирди, бутун оролни шип-шийдам қилишга амр этди.

Зевс уйғониб, ўғли Ҳераклнинг ҳаёти хавф остида қолганини билиб олгач, каттиқ ғазабланди. Жаҳл устида Ҳерани олтин занжирлар билан боғлаб, оёқларига иккита зилдай оғир сандонни бириктиб, ер билан осмон ўртасига осиб қўйди. Олимпсоҳибларидан бирортаси Ҳерага ёрдам бермоқчи бўлса, қаҳри қаттиқ Зевс юксак Олимпдан ерга итқитарди. У Ҳипносни узоқ вақт қидирди, агар уйқу худосини маъбуда Тун яширмаганда худолар ва фонийзотлар ҳукмдори уни Олимпдан итқитган бўлурди.

ҲЕРАКЛ ХУДОЛАР БИЛАН БИРГА ТИТАНЛАРГА ҚАРШИ КУРАШАДИ

Кос оролига, Ҳераклнинг ҳузурига Зевс ўзининг суюкли қизи Афина – Палладани юбориб, уни ўзларига гигант – улканзотлар билан курашда ёрдам беришга даъват этишни уқдирди. Гигантларни маъбуда Гея Крон томонидан қулатилган Ураннинг бир томчи қонидан дунёга келтирган эди. Улар оёқлари ўрнида илонлар биланглаган, бошлари ва соқоллари узун пахмайган сочли бахайбат улканзотлар эди.

Гигантлар беқиёс катта кучга эга бўлиб, улар ўзларининг қудратлилиги билан фахрланар ва нурафшон Олимпсоҳиб худоларидан дунё устидан ҳукмронликни тортиб олмоқчи эдилар. Улар Калхида ярим оролидаги Паллена шаҳрининг Флегрей майдонларида жанг бошлашди. Олимп худолари улар учун кўрқинчли эмасди. Титанларнинг онаси Гея уларга тангриларнинг қуроллари жароҳатлай олмайдиган шифобахш восита берарди. Гигантларни фонийзотларгина маҳв этиши мумкин эди. Фонийзотларнинг қуролидан эса уларни Гея ҳимоя қилолмасди. Гея гигантларни ҳимоя қиладиган ва фонийзотларнинг қуролларида сақлайдиган шифобахш восита излаб бутун оламни кезиб чиқди, лекин Зевс тонг маъбудаси Эос ва маъбуда Селена (Ой)га ҳамда нурафшон куёш худоси Ҳелиосга ёриштишни ман этди, шифобахш майса (ғиёх)ларни эса ўзи йиғиб оларди.

Худолар қўлидан ўлишдан кўркмай, гигантлар жангга отланишди. Жанг жуда узоқ чўзилди. Гигантлар худоларга қаратиб улкан қояларни ва азалий дарахтларнинг ёниб турган таналарини иткитишарди. Жангу жадал гумбур-гумбури бутун дунёга таралди.

Ниҳоят, Афина-Паллада билан Ҳеракл пайдо бўлди, Зевс ўғлининг даҳшатли ёйининг камалак ипи жаранглади, Лерней аждаҳосининг захри сингдирилган ўк чақнаб кетди-ю, гигантларнинг энг қудратлиси бўлган Алкионейнинг кўксига санчилди. Гигант гуп этиб ағдарилди.

Унинг ажали етмаган экан шекилли, бир муддатдан сўнг илгаригидан ҳам кучлироқ бўлиб ўрнидан турди. Ҳеракл зудлик билан уни елкасига олиб, Палленадан ташқарига чиқарди. Гигант Палленадан ташқарига олиб чиқилганда жон берди. Алкионей ҳалок бўлгач, гигант Порфирион Ҳера ва Ҳераклга ҳужум қилиб, Ҳеранинг ёпинчиғини юлиб олди, унинг ўзини ҳам ушламоқчи эди, лекин Зевс уни яшин билан ерга ағдариб ташлади. Ҳеракл эса ўз ўки билан нариги дунёга жўнатди. Аполлон гигант Эфиальтнинг чап кўзига ўзининг олтин ўқини қадади, Ҳеракл унинг ўнг кўзини нишонга олиб, ҳаётдан маҳрум этди. Дионис эса ўзининг чўнг тўқмоғи билан гигант Эвритга қақшатгич зарба берди. Гигант Клитийни Ҳефест чўғдай қизиби турган темир билан уриб ўлдирди, унинг бошига бутун бошли темир палахсани ирғитганди. Афина-Паллада бўлса қочиби кетаётган гигант устига бутун бошли Сицилия оролини ағдарган эди.

Гигант Полибот ерни тебратувчи даҳшатли Посейдоннинг таъкибидан халос бўлиб, денгиз орқали Кос оролига қочиби кетди. Посейдон ўзининг уч айримли найзаси билан Коснинг бир қисмини ёриб олиб, Полиботнинг елкасига миндирди. Нисирос ороли шундай пайдо бўлган экан. Ҳермес гигант Ипполитни, Артемида Гратионни, буюк мойралар мис гурзилари билан жанг қилаётган гигантлар – Агрый ва Феоникни маҳв этишди. Бошқа гигантларнинг барчасини яшинчақнатар Зевс ўзининг ёғдусочар чақмоғи билан ўлдирди, аммо улар(гигантлар)нинг ҳаммаси ҳам Ҳераклнинг нишонга янглишмасдан тегадиган ўқларидан ажал топишди.

ҲЕРАКЛНИНГ ЎЛИМИ ВА УНИНГ ОЛИМП ХУДОЛАРИ ЖУМЛАСИГА ДАХЛ БЎЛИШИ Софоклнинг «Трахиялик аёллар» фожиаси асосида баён этилган

Херакл Ифитни ўлдиргани учун Омфалага куликка сотилганда Деянирага болалари билан Тиринфни тарк этишга тўғри келганди. Ҳераклнинг хотинига Фессалиядаги Трахина шаҳрининг подшоси Кеик бошпана берди. Ҳераклнинг Деянирани ташлаб кетганига уч йилу уч ой ўтди. Унинг хотини эрининг тақдиридан безовталана бошлади. Ҳераклдан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Деянира ҳатто эрининг ўликми-тирикми эканлигини ҳам билмасди. Кўнглига келган ҳар хил хаёллар Деянирани изтиробга соларди. У ўғли Хиллни ҳузурига чақириб олдида, унга шундай деди:

– О, менинг арзанда ўғлим! Нега отангни излашни хаёлингга ҳам келтирмайсан, сенда уят ҳисси йўқми? Мана уч йилу уч ой ўтди, ундан ҳамон дарак йўқ.

– Агар миш-мишларга ишонадиган бўлсак, – жавоб берди Хилл онасига, – отам Омфаланинг саройида уч йил қулликни ўтаб бўлгач, ўзини ҳақорат қилгани учун шоҳ Эвритдан интиқом олгани Ойхалия шахрига кўшин тортиб жўнаб кетган экан.

– Ўғлим! – Хиллнинг сўзини бўлди онаси, – отанг Ҳеракл буюк жасоратлар кўрсатиш учун кетаётди, ҳеч қачон мени сўнгги галдагидек ташвишга солиб кетмаганди. Отанг мен билан хайрлашаётган чоғида Додон шахрида ўзига берилган қадимий бир башорат битилган лавҳани қолдирган эди. Унда, агар Ҳеракл ёт элда уч йилу уч ой қолиб кетса, билингики, уни ё ажал қучган ёки қайтиб келиб, бахтли ва осуда ҳаёт кечиради дейилган. Мени тарк этаётди, Ҳеракл, бордию, мен ўлсам, отамнинг ерлари болаларимга мерос бўлиб қолади деган мазмунда васиятнома ҳам қолдирган эди. Эримнинг қисмати мени хавотирга солаяпти. Ахир, у менга Ойхалия қамали ҳақида хикоя қиларкан, мен ё шахар остонасида ҳалок бўламан ёки уни забт этиб, бахтли ҳаёт кечираман деганди. Йўқ, ўғлим, ёлвораман сенга, бор, отангни қидириб, топ.

Хилл она ҳукмига тобе бўлиб, узоқ йўлга, Эвбеядаги Ойхалия шахрига отасини излаб топишга отланди.

Хилл Трахинани тарк этгандан сўнг кўп ўтмай, Деянира ҳузурига даракчи югуриб келди. У ҳозир Ҳеракл олдида элчи Лихас келишини билдиради. Лихас хушxabар келтиради. Ҳеракл тирик. У Эвритни мағлубиятга учратиб, Ойхалияни ишғол этади ва тор-мор келтиради, ҳадемай Трахинага донғи кетган ғолиб сифатида қайтиб келади. Даракчи қайтиб кетгач, Деянира ҳузурига Лихас келади. У асирларни бошлаб келади, улар орасида Эвритнинг қизи Иола ҳам бор эди. Деянира Лихасни шодон кутиб олади. Элчи унга Ҳераклнинг илгаригидек соғлом ва қудратли эканлигини хикоя қилади. У Эвбеяни тарк этишдан аввал ўзининг ғалабасини нишонлаш ва катта қурбонлар бериш тараддудида эканлигини айтади. Деянира асирларни кўздан кечиради. Уларнинг орасида соҳибжамол аёлни кўргач, Лихасдан сўрайди:

– Айт-чи, Лихас, бу аёл ким? Унинг ота-онаси ким? Ҳаммадан кўпроқ у ғамга ботган кўринади. Бу ўша Эвритнинг қизи бўлмасин тагин?

Лекин, Лихас Ҳераклнинг хотинига шундай жавоб қайтарди:

– Унинг кимлигини билмайман, маликам. Ҳар ҳолда у Эвбея аслзодаларига мансуб бўлса керак. Йўлда келаётганимизда чурқ этган эмас. Ўзи туғилиб ўсган шахрини тарк этгандан буён ғам-алам ичра кўз ёши тўккани тўккан.

– Бадбахт! – хитоб этди Деянира. – Шу қайғунг ҳам етиб ортади, мен сенга бошқа азият етказмайман! Асирларни саройга бошлаб боравер, Лихас, ҳозир мен сизларнинг ортингиздан етиб келаман.

Лихас асирларни саройга бошлаб кетди. У чикқанидан сўнг Деяниранинг хизматкори унинг олдига келиб, шундай деди:

– Тўхта, малика, менга кулоқ ос. Лихас сенга гапнинг тўғриси, айтмади. У бу аёлнинг кимлигини жуда яхши билади. Унинг исми – Иола. Ўшанга бўлган севги туфайли бир пайтлар Эврит билан Ҳеракл ўртасида камондан ўқ отиш мусобақаси юз берганди. Мағрур шоҳ ваъдага биноан ғолибга қизини хотинликка бермай, у буюк паҳлавонни шахардан ҳайдаб чиқарганди. Ҳеракл Иола учун шоҳни ўлдириб, Ойхалияни забт этди. Зевснинг ўғли Иолани бу ерга қул сифатида эмас, балки хотин қилиб олиш учун келтирди.

Деянирани ғам-андух чулғаб олганди. У Лихасга ўздан ҳақиқатни пинҳон тутгани учун таъна қилади. Лихас чиндана Иоланинг гўзаллигига мафтун бўлган Ҳеракл унга уйланади дея эътироф этади. Деянира қайғуради. Узоқ чўзилган айрилик чоғида Ҳеракл уни унутди. Энди бўлса у бошқани севиб қолган. Бахти қаро Деяниранинг қўлидан нима ҳам келарди? У Зевснинг буюк ўғлини севади, уни ҳеч кимга беролмайди, уни бошқа аёлга раво кўрмайди, унга ўзга аёл оғушида бўлишни сира-сира истамасди. Шунда Деянира ўзига кентавр Несс берган қонни ва унинг ўлим олдида айтган сўзларини ёдига келтиради. Деянира кентаврнинг қонини ишга солмоқчи бўлади. Унинг: «Менинг қонимни Ҳераклнинг либосига суртсанг, бас, у сени умрбод севади, унинг учун сендан азиз аёл бўлмайди» дегани ҳамон эсида. Деянира сеҳрли воситага мурожаат қилишдан кўрқади, аммо Ҳераклга бўлган мухаббат, ундан жудо бўлиш хавфи унинг ҳадиксирашларини енгади. Ниҳоят, унга куёш нури тегиб, уни иситиб юбормасин дея узоқ вақт идишда сақлаган қонни олади, уни Ҳераклга ўзи совға сифатида тўқиган ҳашаматли хилъатга обдон суртади ва маҳкам ёпиладиган қутига солгач, Лихасни чақиртириб, унга шундай дейди:

– Эвбеяга шошил, Лихас, мана бу қутини Ҳераклга олиб бор. Унинг ичида ўзим тўқиган хилъат бор. Зевсга қурбонлик бераётганда Ҳеракл ушбу хилъатни кийсин. Унга айтиб қўй, буни ундан олдин

хеч ким – бошқа фонийзот киймасин, уни кийгунча ёрқин куёш нурларидан сақласин. Шошил, Лихас!

Лихас хилъатни олиб, йўлга тушди. У кетгандан сўнг Деянирани қандайдир хавотир босди. У саройга қайтиб келганида не кўз билан кўрсинки, Несснинг қонини хилъатга суртган жун ёнай деб қолипти, Деянира уни ерга ташлади. Жунга куёш нурлари тушгач, Лерней захри сингдирилган кентаврнинг қони қизиб кетди. Қон билан бирга аждаҳонинг қони ҳам қизиди ва ерда ётган жунни кулга айлантирди, жун ёниб тугагач, ерда захарланган кўпик пайдо бўлди. Шунда Деянира даҳшатга тушди. Уни Ҳеракл захарланган хилъатни кийса ҳалок бўлиши табиий деган ўй ваҳимага сола бошлади. Ҳераклнинг хотинини борган сайин олдини олиб бўлмайдиган мусибат туйғуси қийнади.

Лихас захар суртилган хилъатни Эвбеяга олиб келгандан сўнг кўп ўтмай, Трахинадан қайтиб келган Хилл саройга кириб келди. Унинг ранги кув учган, кўзлари ёшга тўлган ҳолда онасига қараб, шундай хитоб этди:

– Уч нарсдан бирини жуда-жуда истардим: ё сени тирик кўрмасайдим, ёки сен менга эмас, бошқа бировга она бўлсайдинг, ёхуд ақлу идрокинг ўшанда жойида бўлсайди! Билиб ол, сен ўз эрингни – менинг отамни маҳв этдинг!

– Вой, шўрим курсин! – хитоб қилди Деянира даҳшатга тушиб. – Нималар деяпсан, ўғлим? Қайси фонийзот айтди буни сенга? Наҳотки, сен мени шундай ёвузлик қила олади деб ўйласанг?

– Отамнинг изтиробларини одамлардан эшитиб эмас, ўз кўзим билан кўрдим!

Хилл Ойхалия шаҳри яқинидаги Конейон тоғида юз берган воқеани ҳикоя қилади: Ҳеракл қурбонгоҳ тиклаб, эндигина худоларга – аввало ўз отаси Зевсга қурбонлик қилмоқчи бўлганда Лихас хилъатни олиб келди. Зевснинг ўғли хотинининг туҳфаси – ҳашаматли хилъатни кийиб, қурбонлик қилишга киришди. Зевс учун ўн иккита сараланган хўкизни қурбон қилди, паҳлавон Олимпсоҳиб худолар шарафига юзта хўкизни қурбон қилмоқчи эди. Қурбонгоҳларда ловуллаб ёнаётган олов Ҳераклнинг танасини қиздиргач, унинг бадани қора терга ботди. Бирдан захарланган хилъат паҳлавоннинг гавдасига ёпишиб қолди. Шунда унинг вужудида тиришиш пайдо бўлди. Ҳеракл каттиқ изтироб тортаркан, Лихасни ёнига чақириб, нечун бу хилъатни келтирганини сўради. Бегуноҳ Лихас нима деб жавоб берарди? У фақат уни Деянира бериб юборганини айта олади. Оғриқнинг зўридан ўзини тутолмай қолган Ҳеракл Лихасни даст кўтариб, атрофида суронли тўлқинлар урилаётган қояга томон итқитди. Лихас тил тортмай ўлди. Ҳераклнинг ўзи эса ерга ағдарилди. У таърифлаб бўлмайдиган қийноқ ичра типирчиларди. Ҳераклнинг чинқириғи Эвбея бўйлаб таралди. Ҳеракл ўзининг Деянира билан бўлган никоҳини лаънатлади.

Улуғ паҳлавон ўғлини ёнига чақираркан, оғир бир ингроқ билан унга шундай деди:

– О, ўғлим, мени кулфат чоғида ташлаб кетма, сенга ўлим таҳдид солаётган бўлса-да, мени ёлғиз ташлаб кетма! Мени турғаз! Бу ердан олиб кет! Бирорта ҳам фонийзот кўрмайдиган ерга олиб бор. Агар менга ачинаётган бўлсанг, бу ерда ўлишимга йўл қўйма!

Ҳераклни кўтариб олишди ва замбилга қўйишиб, уни Трахинага олиб кетиш учун кемага келтиришди. Хилл онасига ана шу бўлган воқеаларни бирма бир сўзлаб бераркан, ҳикоясини шундай сўзлар билан тугатди:

– Ҳозир Зевснинг буюк ўғлини барчангиз балки тирик, балки ўлик ҳолда кўрасиз. О она, сени ўша бешафқат Эриниялар ва адолат худоси Дикэ жазоласин! Сен замин узра юрган одамларнинг энг аълосини маҳв этдинг! Ундай бебаҳо паҳлавонни минбаъд кўрмайсан!

Деянира лом-мим демасдан сарой томон кетди. У ерда, саройда куш тигли ўткир қилични олди. Шунда Деянирани кекса энага кўриб қолди ва дарҳол Хиллни чақирди. Хилл онаси томон югуриб келди, бироқ у кўксига қилич санчишга улгурган эди. Бадбахт ўғил хўнграб йиғларкан, онаси томон отилди, уни кучди, унинг совиб қолган юзларидан ўпди.

Шу аснода ўлаётган Ҳераклни саройга келтиришди. Уни келтираётганларида уйкуга кетган эди, лекин замбарни ерга қўйганларида уйғонди. Оғриқнинг кучлилигидан буюк паҳлавон ҳеч нарсани фаҳмлай олмасди.

– О, улуғ Зевс! – хитоб этди у. – Мен қайси мамлакатдаман ўзи? Қайдасиз, Юнонистоннинг эр йигитлари? Менга мадад бўлинг! Сизларни деб мен замин ва даҳр уммонларини баҳайбат махлуқ ва ёвузликлардан тозаладим, сиз бўлсангиз на олов ва на ўткир дамли қилич билан мени ушбу мушкул изтиробларимдан халос этмоқдасиз! О, Зевснинг иниси, буюк Аид мен бадбахтни уйкуга чўмдир, гафлат уйқусига чўмдир, ҳаяллаш билмас ўлим уйқусига чўмдир!

– Ота, сўзимга кулоқ сол, ёлвораман сенга! – илтижо қилади ўғли кўз ёши тўқаркан. – Онам қилган ёвузлик тамоман ғайриихтиёрый юз берган. Бунча интиқом олишга ташна бўлмасанг! Сенинг ўлимингга сабабчи бўлганлигини билиб олгач, кўксига қилич қадади-ку бояқиш.

– О, тангрилар, ундан қасос ололмайман, у ўлибди! Мен ўлдирмоғим керак эди, ул маккора Деянирани!

– Ота, унда заррача бўлсин гуноҳ йўқ! – дейди Хилл. – Ўз уйида Эвритнинг қизи Иолани кўргач, сенинг муҳаббатингни сеҳрли восита орқали ўзига қайтармоқчи бўлган. У хилъатга сенинг ўқингдан жароҳатланган кентавр Несснинг қонини суртган, қоннинг Лерней аждаҳоси захридан захарланганини у қайдан билсин.

– Эҳ, шўрим курсин! Шўрим курсин! -хитоб этади Ҳеракл. – Отам Зевснинг башорати мана шу зайл ижобат бўлибти-да! У менга, сен тирикжон қўлидан эмас, даҳшатли Аид салтанатига тушган зотнинг макридан ҳалок бўласан деганди. Мана, мен жароҳатлаган Несс ўзимни қандай маҳв этди! Мана Додондаги кароматсоҳиб башорат этган орому осойишталик – мангу ором! Ҳа, тўғри, марҳумларда ташвиш не қилсин! Менинг сўнгги истагимни адо эт, Хилл! Мени ўзимнинг содик дўстларим билан бирга юксак Оэтага олиб бор, унинг баланд чўққисида дафн гулханини ёқ, мени гулхан узра қўйиб, ёндир. Зудлик билан шундай қил, мени изтиробларимдан халос эт!

– О, раҳм қил ота, наҳотки, сен мени қотиллик қилишга мажбур этсанг! – ялинди отасига Хилл.

– Йўқ, сен қотил эмас, изтиробларимга чек қўйган бўласан! Тагин бир истагим бор – уни ҳам бажо келтир! – илтимос қилади Ҳеракл. – Эвритнинг қизи – Иолани хотинликка ол!

Хилл отасининг илтимосини бажо келтиришдан бош тортаркан, шундай дейди:

– Йўқ, ота, онамнинг ўлимига сабабчи бўлган аёлни мен хотинликка олмайман!

– Ҳукмимга бўйин эг, Хилл! Босилган изтиробларимни қайтадан қўзғам! Бас, йўқ дема мен тинчгина ўлай! – ўтиниб ёлворди ўғлига Ҳеракл.

Хилл розилик билдирди-да, отасига итоаткорона шундай жавоб берди:

– Бўпти, ота, ўлим олдидан билдирган хоҳишингни адо этажакман.

Ҳеракл ўғлини шошилтиради, ўзининг сўнгги илтимосини бажо келтиришини сўрайди.

– Шошилсанг-чи, ўғлим! Тоқат қилиб бўлмайдиган изтиробларим янгилангунча мени гулхан узра қўйишга шошил! Тез бўлинглар! Алвидо, Хилл!

Ҳераклнинг дўстлари ва Хилл замбарни кўтариб, юксак Оэтага кўтариладилар. У ерда улар каттакон гулхан ёқиш тадоригини кўрадилар, паҳлавонни ўтинлар устига қўйишади Ҳераклнинг изтироблари борган сайин кучаяди, Лерней аждаҳосининг захри унинг танига янада теранроқ сингийди. Ҳеракл эғнидаги захарли хилъатни йиртиб ташлайди. У паҳлавоннинг танасига маҳкам ёпишган эди. Хилъат билан бирга Ҳеракл ўзининг терисини ҳам шилади, азоби баттар кучаярди. Ушбу ғайрибашарий азоб-укубатлардан уни фақат ўлимгина халос этади. Изтиробларга тоқат қилгандан кўра, гулхан алангасида жизғанақ бўлиб ҳалок бўлган афзал, лекин қаҳрамоннинг дўстларидан бирортаси ҳам гулханни ёқишга журъат этолмайди. Ниҳоят, Оэтага Филоктет келиб қолади. Ҳеракл уни гулхан ёқишга кўндиради, бунинг эвазига унга ёй ва Лерней аждаҳоси захри сингдирилган ўқларни армуғон этарди. Филоктет гулханни ёқиб юборди, гулханнинг ёлқин алангаси осмонга ўрлади, Зевснинг яшинлари ундан ҳам ёрқинроқ чакнаб кетди. Осмон бўйлаб момоқалдирак гулдуриси янгради. Гулханга Афина – Паллада билан Ҳермес олтин маҳодада етиб келишди ва энг буюк паҳлавон саналмиш Ҳераклни нурафшон Олимпга олиб кетишди. Уни у ерда улуғ маъбудлар кутиб олишди.

Ҳеракл умрбоқий худо бўлиб қолди. Ҳера ҳам ўзининг Ҳераклга бўлган нафратини унутиб, ўзининг мангу навқирон қизи – Хебани унга хотинликка берди. Ўшандан буён Ҳеракл умрбоқий буюк маъбудлар ичра нурафшон Олимпда ҳаёт кечиради. Ана шу ҳаёт унинг ердаги барча бекиёс жасоратлари, барча беҳудуд изтироблари учун тақдим этилган эди.

ҲЕРАКЛ АВЛОДЛАРИ

Еврипиднинг «Ҳеракл авлодлари» фожиаси асосида баён этилган

Ҳераклнинг ўлиmidан сўнг унинг болалари ва онаси Алкмена тўнғич ўғли Хиллникида, Тиринфда истиқомат қилишарди. Улар у ерда узоқ яшашмади. Эврисфей Ҳераклга бўлган нафрати туфайли унинг болаларини уларнинг отасига тааллуқли худуддан ҳайдаб юборди, улар қаерда бошпана топишга интилишмасин, таъқиб этаверди. Ҳераклнинг болалари бутун Юнонистон бўйлаб хийла



вақтгача сарсон-саргардон юришди. Ниҳоят, уларни Ҳераклнинг жияни ва дўсти, кексайиб колган Иолай ўз қарамоғига олди. Бадбахтлар уникада ҳам Эврисфейнинг нафратига дучор бўлиб, Иолай билан бирга ўшанда Тесейнинг ўғли Демофонт ҳукмдорлик қилаётган Афина шахрига қочиб кетишга мажбур бўлишди.

Ҳеракл болаларининг Афинада яширинганини билиб олгач, Эврисфей ўзининг даракчиси Копрейни Демофонт ҳузурига юбориб, Ҳераклнинг аждодларини қайтариб беришни талаб этди. Демофонт Копрейга рад жавобини берди, шунда Эврисфей катта қўшин билан Афинага ҳужум қилиб, шахарни тор-мор этади деган дўқ-пўписалар ҳам уни кўрkitолмади. Демофонт меҳмондўстлик удумини бузишни истамасди.

Орадан кўп ўтмай Эврисфей катта қўшин билан Аттикага бостириб кирди. Афиналикларни кўп сонли душманлар билан бўладиган дахшатли жанг кутарди. Улар маъбудлардан урушнинг оқибати қандай бўлишини суриштирганларида, афиналиклар худоларга қиз болани қурбон қилгандагина ғалабага эришадилар деган башоратни олишди. Ҳеракл ва Деяниранинг тўнғич кизи Макария кўнгилли равишда ўзини маъбудларга қурбон бўлишга маҳкум этди, у ўзини ака-сингиллари халос бўлиши учун ҳаётини қурбон қилишга журъат қилди.

Иккала қўшин жанг майдонида бир-бирига бақамти бўлишди. Хилл ҳам ўз аскарлари билан келди. У Эврисфейга қарши мададга молик эди. Муҳораба бошланиши олдиан Макария қурбон қилинди. Жанг ўта қақшатғич ва қонли бўлди. Афиналиклар ғалаба қозонишди. Эврисфей қочишга мажбур бўлди, шунда Хилл ўз маҳодасида отасининг душманини кува кетди. Уни Иолай кўриб қолди. У Хиллдан маҳодани менга бер дея илтимос қилди, дўсти Ҳераклнинг бошига не-не кулфатларни солган Эврисфейдан кекса сафдошининг ўзи интиқом олмақчи эди. Иолай маҳодага ўтириб, доғули душмани ортидан кува кетди. У Эврисфейга етай деб қолганди. Шунда Иолай Олимпсоҳиб худоларга жилла бўлмаса бир кунга унга ёшлиги ва аввалги шижоатини қайтариб беришларини сўраб ёлворди. Маъбудлар Иолайнинг илтижосини бажо келтиришди. Шу заҳотиёқ осмондан иккита ёрқин юлдуз думалаб тушди. Иолайнинг маҳодасига қоп-қора булут қўнди. Булут икки томонга очилганда Иолай ёшликнинг гуллаган чоғидагидек қудрат ва гўзаллик касб этганди. Иолай Эврисфейга етиб олдида, уни асирга туширди.

Иолай қўл-оёғи боғланган Эврисфейни тантанали тарзда Афинага олиб келди. Ўғлининг душманини кўрган Ҳераклнинг онаси Алкменанинг ғазаби алангаланди. Эврисфейни Хилл ҳам, Демофонт ҳам ҳимоя қилмоқчи бўлишларига қарамасдан, Алкмена ўз қўли билан кўзларини ўйиб олди ва уни маҳв этди. Эврисфей шу зайл ҳалок бўлди. Афиналиклар мағлуб душманни ерда қолдиришмади. У Аттикада Афинанинг Паллена майдонидаги маъбади ёнида дафн этилган эди.

КЕКРОП, ЭРИХТОНИЙ ВА ЭРИХТЕЙ

Буюк Афина шахри ва унинг Акрополи (қалъаси)нинг асосчиси ер яратган Кекроп эди. Ер уни Ярим одам ва ярим илон қилиб юзага келтирганди. Унинг гавдаси илоннинг думи билан яхлитларди. Кекроп Аттикадаги Афина шахрига ерни тебратувчи – денгиз худоси Посейдон ва Зевснинг суюкли жанговар кизи маъбуда Афина бутун мамлакат устидан ким ҳукмронлик қилиши ҳақида баҳслашаётган пайтда асос солганди. Ушбу баҳсни ҳал қилмоқ учун буюк яшинчакнатар Зевс бошлиқ барча худолар Афина Акрополида жам бўлишди. Аттикада ҳокимият кимга мансуб бўлишини ҳал қилиш учун худолар ва одамлар ҳукмдори ҳакамликка Кекропни ҳам таклиф қилган эди. Илон оёқли Кекроп ҳакамлар ҳайъатига ташриф буюрди. Худолар Аттика устидан ҳукмронликни мамлакатга энг кимматбаҳо нарса армуғон этадиган кишига беришга қарор қилишди. Ерни тебратувчи Посейдон уч айрили найзасини қояга урганди ундан шўр денгиз суви отилиб чикди. Афина ерга ўзининг порлок найзасини санчган эди, ердан сермева зайтун дарахти униб чикди.

Шунда Кекроп айтди:

– Олимпнинг мунаввар маъбудлари, чеки-чегараси йўқ денгизнинг шўр сувлари ҳамма жойда шовқин солиб оқиб ётипти, аммо бой самара берадиган зайтун дарахти ҳеч қаерда кўринмайди. Зайтун дарахти Афинага мансубдир, у мамлакатга бойлик бахш этади ва мамлакат фуқароларини зиротчилик ва серунум ерларга ишлов беришга ундайди. Афина Аттикага буюк неъмат ато этди, бутун мамлакат устидан ҳукмронлик Афинага берилсин.

Олимпсоҳиб худолар Кекроп томонидан асос солинган шаҳар ва Аттика устидан ҳукмронликни Афина – Палладага тақдим этишди. Шундан Кекроп шаҳри Зевснинг суюкли қизи Афина шарафига Афина деб атала бошлади. Кекроп илк бор Афинада Афина, шаҳар ҳомийси ва унинг отаси Зевс маъбадига асос солди. Афинанинг дастлабки қоҳиналари Кекропнинг қизлари эди, Кекроп афиналиклар учун қонунлар таъсис этди ва давлатни барпо қилди. У Аттиканинг биринчи подшоси бўлди.

Кекропнинг вориси олов худоси Ҳефестнинг ўғли Эрихтоний эди. Кекроп сингари у ҳам Ер томонидан яратилганди. Унинг дунёга келиши сир-синоатга тўла. У тирилганда маъбуда Афина уни ўз ҳомийлигига олди, у маъбадда вояга етди. Афина эндигина туғилган гўдакни тўқима саватга солиб, қопқоғини маҳкам ёпди, Эрихтонийни иккита илон кўриқлаши керак эди. Уни, шунингдек, Кекропнинг қизлари ҳам кўриқлашарди. Афина уларга саватнинг қопқоғини очишни тақиклаганди, улар ер сирли тарзда дунёга келтирган гўдакни кўрмасликлари керак эди. Кекропнинг қизлари кизиксинишдан қийналишарди, улар Эрихтонийни лоақал бир бор кўриш иштиёқида бўлдилар.

Кунлардан бир кун Афина уни ҳимоя қилиш учун Палленадаги тоғни келтириб, ўз маъбади ёнига қўйиш учун Акрополдаги маъбадидан чиқиб кетганди. Маъбуда тоғни Афинага келтираётганда унинг олдига қарға учиб келиб, Кекропнинг қизлари саватни очиб, сирли гўдакни кўрди, дея хабар берди. Афинанинг қаттиқ қаҳри келиб, тоғни ташлаб, кўз очиб юмгунча Акрополдаги маъбадига югуриб келди. Афина Кекропнинг қизларини қаттиқ жазолади. Улар жинниликка дучор бўлишди, маъбаддан югуриб чиқдилар, жинниларча ўзларини Акрополнинг тик қояларидан ташлаб юборишди ва тил тортмай ўлишди. Ўшандан сўнг Эрихтонийни Афинанинг ўзи кўриқлайдиган бўлиб қолди. Афина елкасидан ташлаб келган тоғ эса қарға маъбудага Кекропнинг қизларининг қилмишини баён этган ерда қолиб кетди. Кейинчалик мазкур тоғ Ликабет деб аталадиган бўлди. Эрихтоний ўсиб, вояга етгач, Афина подшоси бўлди ва узоқ йиллар ҳукмронлик қилди. У Афина шарафига – Панифинеялар номли қадимий тантаналарни таъсис этди. Эрихтоний биринчи бўлиб Афинада маҳодага от қўшди ва маҳодада от пойгасига асос солди.

Эрихтонийнинг авлоди Афина подшоси бўлган Эрихтей эди. Унга Фракия подшоси Эвмолпнинг ўғли Иммарад ёрдам бераётган Элевсин шаҳри билан уруш олиб боришга тўғри келди.

Эрихтей учун мазкур уруш бахтсиз ходиса бўлди. Иммарад ва фракияликлар уни борган сайин қийин аҳволга солмоқда эдилар. Эрихтей урушнинг қандай натижа билан тугагини ва қандай қилиб ғалабага эришиш мумкинлигини билиб олмоқ учун Аполлоннинг Дельфадаги оракули(кароматсоҳиби)га мурожаат этишга қарор қилди. Пифия дахшатли жавоб берди. У Эрихтейга ўз қизларидан бирини маъбудларга қурбон қилгандагина ғалабага эришиши мумкинлигини айтди. Эрихтей Дельфадан ана шундай маъшум башорат олиб келди. Подшонинг ватанга муҳаббат ҳисси билан ёнган ёш қизи Хтония Пифиянинг башоратини эшитгач, жонажон Афина учун ҳаётини қурбон қилишга тайёр эканлигини изҳор этди. Ўз қизининг қисматини ўйлаб, чуқур ғамга ботган Эрихтей уни худоларга қурбон қилди. Афинани қутқазиб истагигина уни шундай қарорга келишга мажбур этганди.

Хтония қурбон қилингандан кейин кўп ўтмай, жанг бошланиб кетди. Муҳораба айни қизиган чоғда Эрихтей ва Иммарад юзма-юз бўлиб қолишди. Улар яккама-якка жангга киришишди. Қахрамонлар хийла вақтгача савашдилар. Улар кучда ҳам, қуролни ишлатиш санъатида ҳам, жасоратда ҳам бир-биридан қолишмасди. Ниҳоят, Эрихтей ғолиб чиқди, у рақибини найза билан ўлар даражада жароҳатлади, Иммарад шу ондаёқ жон берди. Иммараднинг отаси теран қайғуга ботди. У Посейдондан ўғлининг ўлими учун ўч олишни илтижо қилди. Посейдон суронли денгиз тўлқинларини ларзага солиб, ўз маҳодасида яшин тезлигида Аттикага етиб келди. Уч айрили найзасини бир силтади-ю, Эрихтейни ўлдирди. Эрихтей шу зайл ҳалок бўлди. Эрихтейнинг болалари ҳам ҳалок бўлди. Унинг фақат ёлғиз қизигина омон қолди, шум қисмат ўшани аяган эди, холос.

КЕФАЛ ВА ПРОКРИДА

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Кефал худо Ҳермес ва Кекропнинг қизи Ҳеранинг ўғли. Кефал ўзининг ғаройиб гўзаллиги билан Кбутун Юнонистонда машҳур бўлган, у ўзининг ҳормас-толмас овчилиги туфайли ҳам донг таратган. У ҳар куни эрталаб, қуёш чикмасдан ўз саройи ва ёш хотини Прокридан тарк этиб, Ҳимет тоғига овга отланарди. Кунлардан бир кун соҳибжамол Кефални гулжамол тонг маъбудаси Эос кўриб



қолди, у уни ўғирлаб, Афинадан олис-олисларга, ернинг нариги чеккасига олиб кетди. Кефал фақат Прокриданни севар, нукул у ҳақда ўй сураб, унинг исми оғзидан тушмасди. Кефал айрилик ўтида ёнар, хотинини кўмасар, мени Афинага қайтар дея маъбуда Эос – Тонгга ялинар эди. Эоснинг жаҳли чиқиб, Кефалга шундай деди:

– Майли, Прокриданнинг ёнига қайт, лекин тақдирингдан нолима! Қачонлардир Прокриданнинг хотининг эканлигидан ўқинасан, ҳатто уни билиб олганинг учун ҳам афсусланасан? Башорат қилиб айтманки, бир кунмас бир кун шундай бўлади!

Эос Кефални қўйиб юборди. У билан хайрлашаётиб, маъбуда уни хотинининг вафодорлигини синаяб кўришга ундади. Маъбуда Кефалнинг ташқи қиёфасини ўзгартирди, у Афинага ўзини ҳеч ким танимайдиган тарзда қайтиб келди. У уйига айёрлик билан кириб олдию, хотинини чуқур қайғуга чўмган ҳолда кўрди. Прокрида ҳам тортаётган чоғда ҳам гўзаллигини йўқотмаганди. Кефал хотини билан гаплашаркан, уни хийла вақтгача эрини унутишга, уни ташлаб, ўзига хотин бўлишга кўндира бошлади. Прокрида эрини танимади. У анчагача бегона эракнинг гапларига кулоқ солмасдан, шуни таъкидлади:

– Мен фақат Кефални севаман, унга содиқ бўлиб қоламан. У қаерда бўлмасин, тирикми ё ўликми, мен абадулабад унга вафодор бўлиб қоламан!

Ниҳоят Кефал уни қимматбаҳо совғалар билан ўзига оғдириб олди. У Кефалнинг ёлворишларига бўйин эгишга тайёр эди. Шунда Кефал ўзининг ҳақиқий қиёфасига кириб, шундай хитоб этди:

– Бевафо! Мен сенинг эринг – Кефалман! Бевафолигинга ўзим гувоҳ бўлдим!

Прокрида эрига ҳеч нарса демади. Уялганидан бошини қуйи солиб, Кефалнинг уйини тарк этиб, ўрмон билан қопланган тоғларга кетиб қолди. У маъбуда Артемиданинг йўлдошига айланди. Прокридага маъбуда ҳаммиша нишонга тегадиган ва у уни отган кишига ўзи қайтиб келадиган сеҳрли найза ҳамда бирорта ҳам ёввойи ҳайвон ундан қочиб қутулмайдиган Лайлап исмли итни совға қилди.

Кефал Прокриданнинг фироқига узоқ вақт чидай олмади. У хотинини ўрмонда излаб топди ва уни уйга қайтишга кўндирди. Прокрида эрининг уйига қайтиб келди, улар узоқ йиллар бахтли ҳаёт кечирди. Ўзининг сеҳрли найзаси ва ити Лайлапни Прокрида илгаригидек тонг бўзармасдан овга кетадиган эрига армуғон этди. Кефал мудом бир ўзи – шерик ва дастёрларсиз ов қиларди, чунки унинг сеҳрли найзаси ва Лайлапдек ити бор эди. Бир куни эрталаб Кефал ов қилиб юрганди. Қуёш қиёмга келганда атрофни роса қиздира бошлади, у ўзини жазирамадан сақлаш учун сояга тортмоқчи бўлди. Кефал секингина қўшиқ айтиб борарди:

– О ёқимли шаббода, тез кел ёнимга! Елгагай кўксимни елпиб ўт! Ёвуқлаш ёнимга дарҳол, эй лаззатбахш шаббода, ҳайда танимдан ловулаган қуёш тафтини! Эй самовот кизи, сенсан менинг шодлигим, сенсан менга жонбахш ва қувватбахш! Жонимга фарахсан, эй қадрдоним шаббода!

Афиналиклардан бири Кефалнинг қўшиқ айтиб кетаётганини эшитиб қолади, унинг қўшиғининг маъносини тушунмасдан, Прокридага эринг ўрмонда аллақандай Шаббода исмли нимфани чорлаётганини эшитдим дейди. Ғамга ботган Прокрида Кефал энди мени севмайди, ўшани деб мени унутган деган қарорга келади. Кунлардан бир кун Кефал овда юрган чоғида Прокрида хуфёна ўрмонга бориб, қалин ўсган буталар орасига яшириниб, эрининг келишини кутиб ўтиради. Ана дарахтлар орасидан Кефал кўринди. У қаттиқ овоз чиқариб қуйларди:

– О эркатойим, Шаббода, кел ёнимга, ҳайда тандан чарчоғим!

Кефал тўсатдан тўхтаб қолди, унинг қулоғига ниманингдир чуқур нафас олгани чалинди, Кефал кулоқ солиб турди, ўрмон тинч, тиқ этган товуш эшитилмайди, қиём пайтида бирорта япроқ ҳам шитир этмайди. Кефал қўшиқ айтишда давом этди:

– Шошилсанг-чи, ёнимга, эй марғуба Шаббода!

Ушбу сўзлар янграган ҳам эдики, буталар орасида нимадир шитирлади. Кефал, уларнинг орасида қандайдир ёввойи ҳайвон яширинган бўлса керак дея ҳаёл қилдида, буталарга қаратиб ўзининг нишонга аниқ урадиган найзасини ирғитди. Кўксидан қаттиқ яраланган Прокрида даҳшатли чинқириб юборди. Кефал уни овозидан таниди. У буталар орасига отилди ва хотинини кўриб қолди. Унинг кўкраги тамоман қонга беланган эди. Прокрида ўлар даражада жароҳатланди. Кефал унинг ярасини боғлашга шошилади, аммо беҳуда. Прокрида жон таслим этди. Ўлим олдидан у эрига шундай дейди:

– О Кефал, никоҳимиз ришталарининг муқаддаслигини, Олимп худолари ва мен ҳозир ҳузурларига бораётган ер ости худолари ва сенга бўлган муҳаббатимни ўртага солиб ёлвораман сенга, ҳозиргина қўшиқ айтиб чорлаганингни уйимизга киритма!

Жон бераётган Прокридининг сўзларидан уни нима йўлдан урганини тушуниб олди. У Прокридага хатосини тушунтиришга шошилди, Прокрида бўшашди, ўлим олдидан кўз ўнги қоронғилашди, у Кефалга қараб нозик жилмайдию, эрининг қўлида дунёдан ўтди. Унинг руҳи сўнгги бўсадан сўнг Аиднинг дахшатли салтанатига учиб кетди.

Кефалнинг кўнгли узоқ вақтгача таскин тополмади. Қотиллик қилган киши сифатида жонажон Афинани тарк этиб, етти дарвозали Фивага чекинди. У бу ерда Амфитрионга тутқич бермас Тевтесей тулкисини овлашда кўмаклашди. Уни фиваликларни жазолаш учун Посейдон юборган эди. Тулкининг ғазабини босиш мақсадида ҳар ойда унга бир нафар ўғил бола қурбон қилинарди. Кефал тулкининг ортидан ўзининг ити Лайлапни кўйиб юборди. Лайлап тулкини бир умр таъқиб этган бўлурди, афсуски, яшинчақнатар Зевс уни ҳам, тулкини ҳам тошга айлантириб юборди. Тевтесей тулкисига қарши уюштирилган овдан сўнг Кефал Амфитрионнинг телебойлар билан олиб борган жангида иштирок этди, ўзининг жасорати туфайли кейинчалик ўзининг номи билан аталган Кефаления ороли устидан ҳукмронликни қўлга киритди ва умрининг охиригача ўша ерда яшади.

ПРОКНА ВА ФИЛОМЕЛА

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Афина подшоси Эрихтоний авлоди Пандион ўз шахрини қуршаб олган варвар (қадимги юнонлар ва румоликларда маданий қолоқ чет элликларга берилган ном)лар билан уруш олиб бораётган эди. Агар унга Фракия подшоси Терей ёрдам бермаганида Афинани кўп сонли варварлар қўшинидан ҳимоя қилиш амри маҳол эди. У варварларни енгиб, уларни Аттика сарҳадларидан ҳайдаб юборди. Пандион Терейга мукофот сифатида ўзининг қизи Прокнани хотинликка берди. Терей ўзининг ёш хотини билан Фракияга қайтиб келди. У ерда Терей ва Прокна ўғил кўришди. Мойралар Терей ва унинг хотинига бахт улашганди.

Терей билан Прокнанинг уйланганига бир йил тўлганда бир куни Прокна эридан шундай илтимос қила бошлади:

– Агар сен мени ҳали севаётган бўлсанг, менга синглимни кўриб келишга ижозат бер ёки унинг ўзини бизникига олиб кел. Синглимни олиб келиш учун Афинага бориб кел, отамдан илтимос қилгин, тезда келади деб ваъда бер. Синглимни кўриш мен учун катта бахт бўлурди.

Терей кемаларни узоқ сафарга тайёрлаб қўйди, кўп ўтмай Фракиядан сузиб кетишди. У Аттика соҳилларига эсон-омон етиб келди. Пандион ўз куёвини чексиз қувонч билан кутиб олди ва уни саройга бошлаб борди. Терей ҳали Афинага келиши сабабини айтиб улгурмасданоқ гўзалликда нимфалардан қолишмайдиган Филомела, Прокнанинг синглиси кириб келди. Филомеланинг зеболиги Терейни ҳайратга солди, у унга ошику бекарор бўлиб, муҳаббат ўтида ёна бошлади. Терей Пандиондан Филомелага опаси, Прокнаникида меҳмон бўлиши учун ижозат беришни сўрайди. Филомелага бўлган севги Терейнинг сўзларини қатъий қилиб кўрсатарди. Филомеланинг ўзи ҳам қандай хавфхатар таҳдид солаётганидан беҳабар ҳолда отасидан Прокнаникига боришга рухсат беришини илтимос қила бошлади. Ниҳоят, Пандион розилик билдирди.

Қизини узоқ Фракияга юборишга қарор қилган Пандион Терейга шундай дейди:

– Қизимни, Терей, сенга топшираман. Умрибокий маъбудларни ўртага солиб ёлвораман, уни отаси сингари асра. Филомелани тезроқ олиб кел, ахир, у менинг кексалик чоғимдаги яккаю ягона овунчоғим.

Пандион Филомеладан ҳам шундай илтимос қилди:

– Қизим, агар қария отангни севсанг, тезроқ қайтиб кел, мени ёлғиз ташлаб кетма!

Пандион қизи билан кўз ёшлари тирқираган ҳолда хайрлашди. Гарчи унинг кўнгли қандайдир мушкулотлар юз беришини олдиндан сезса-да, Терей ва Филомеланинг илтимосини рад этолмади.

Пандионнинг соҳибжамол қизи кемага ўтирди. Эшқакчилар ахилона эшқакларни ҳаракатга келтиришди, кема тезлик билан очиқ денгизга чиқиб олди. Аттика соҳиллари ортда қолиб кетди. Терейнинг оғзи қулоғида. У тантанавор хитоб этди:

– Мен ғолиб чиқдим! Бу ерда, кемада кўнглим ардоғи, соҳибжамол маҳбубам Филомела мен билан бирга!

Терей Филомеладан сира кўзини узмас, унинг ёнидан бошқа жойга жилмасди. Фракия соҳилига келиб қолганди, сафар йўли тугади. Фракия подшоси Филомелани саройга бошлаб бормасдан, зўрлик

билан қоронғу ўрмонга, у ердаги чўпоннинг кулбасига олиб боради, уни у ерда тутқунликда сақлайди. Филомеланинг кўз ёшлари ва ёлворишлари унга заррача таъсир кўрсатмайди. Филомела тутқунликда изтироб чекади, у нукул отаси ва опасини йўқлайди, талвасага тушади, буюк Олимпсоҳиб худоларни ёрдамга чорлайди, аммо унинг ёлворишларию нолишлари беҳуда. Рухан чўккан Филомела сочларини юлади, қўлларини синдиради, ўз тақдирдан нолийди:

– Ҳой, бешафқат ваҳший, – хитоб этади Филомела, – на отамнинг илтижолари, на унинг кўз ёшлари ва на опамнинг ғамхўрлиги кўнглингни эритолди! Сен хонадонинг ўчоғи муқаддаслигини асрай олмадинг, уни барбод этдинг! Терей, майли, жонимни ол, бироқ билиб қўй: сенинг жиноятинг буюк маъбудларга аён бўлди, агар уларнинг ҳали – ҳамон қудрати бўлса, сен қилмишинга яраша жазонгни топасан. Барча кирдикорларинг ҳақида ўзим сўзлаб бераман! Ўзим халққа юзланаман! Агар атрофимни ўраб турган ўрмонлар бу ердан чиқишимга йўл бермаса, уларни нолаларимга кўмиб ташлайман. Менинг нолаларимни самовотнинг мангу тангриси Рушнолик эшитсин, уларни маъбудларнинг ўзлари эшитсин!

Филомеланинг таҳдидларини тинглаган Терей қаттиқ ғазабланди. У қиличини суғурдида, Филомеланинг сочларидан ушлаб, уни боғлаб ташлади ва ўзининг жинояти хусусида ҳеч кимга оғиз очмасин дея Пандионнинг шўрлик қизининг тилини қирқди. Терейнинг ўзи эса Прокнанинг олдига келди. У эридан синглим қаерда деб сўраганида Терей хотинига синглинг ўлди деди. Прокна ёлғондан ўлдига чиқарилган синглиси Филомела учун хийла вақтгача кўз ёши тўкди.

Орадан роппа-роса бир йил ўтди. Филомела тутқунликда эзилар, Терей уни қаерга бекитганини на отасига, на опасига билдираолди. Ниҳоят, Прокнани хабардор қилиш йўлини топди. У дастгоҳ ёнига ўтириб олдида ушбу даҳшатли қиссани чойшаб узра тўқиб, пинҳона опаси Прокнага юборди. Прокна чойшабни ёзиб қараганди, унда синглисининг бошидан ўтган даҳшатли қисса баён этилганидан огоҳ бўлди. Прокна йиғлаб-сиқтаб ўтирмади, саройда нари-бери юриб, ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқдек кўрсатди, аммо кечаю кундуз Терейдан қандай қилиб интиқом олиш ҳақида ўйлади.

Фракия аёллари айни Дионис байрамини нишонлаётган кунлар эди. Улар билан бирга Прокна ҳам ўрмонга борди. У эри тутқунликда сақлаб турган Филомелани тоғлар ёнбағридаги қалин ўрмон ичидаги кулбадан топиб олди. Прокна синглисини озод қилиб, ҳеч кимга билдирмасдан, пинҳона саройга етаклаб келди.

– Ҳозир йиғлашнинг ҳожати йўқ, Филомела, – деди Прокна, – кўз ёшлари бизларга мадад бўлолмайди. Бизлар кўз ёши билан эмас, қилич билан иш кўришимиз керак. Сен учун ва ўзим учун Терейдан ўч олиш мақсадида ҳар қандай ёвузликка қўл уришга тайёрман! Уни энг даҳшатли ўлимга маҳкум этишга шайман!

У шундай деб турган пайтда унинг ҳузурига ўғли кириб кедди.

– О, отангга нечук ўхшайсан-а! – хитоб этди Прокна ўғлига разм соларкан.

Прокна бирдан жим қолди-да, жиддий бир алпозда қошларини чимирди. У ўта манфур ёвузликни ўйлаб қўйганди, бунга унинг юрагини кемираётган ғазаб алангаси ундаган эди. Ўғли унинг олдига келиб, болаларга хос эркалик билан онасини кучди, уни ўпаман дея талпинди. Прокнанинг қалбида бир зумга ачиниш пайдо бўлди, кўзларида ёш қалқиди. У шошилиш тарзда ўғлидан юз ўгирди, синглисига ташланган бир нигоҳдан сўнг кўксига тагин ғазаб алангаси ловуллаб кетди. Прокна ўғлининг қўлидан ушлади-да, саройнинг ичкари хоналаридан бирига бошлаб кетди. У деворда осилган ўтқир тиғни олиб, ўғлидан юз ўгирган ҳолда унинг кўкрагига қадади. Прокна ва Филомела шўрлик боланинг танасини майда-майда бўлаклаб, бир қисмини қозонда пишириб, бир қисмини кабоб қилиб, Терей учун даҳшатангез емак тайёрладилар. Терейга Прокнанинг ўзи хизмат қиларди, у бўлса, суюкли ўғлининг танасидан тайёрланган овқатни ҳеч нарсадан гумонсирамасдан ерди. Овқатланаётган чоғида Терей ўғлини эслади ва уни чақириб келишни амр этди. Прокна аса интиқом олаётганидан суюниб, унга шундай жавоб берди:

– Чақираётганинг ичингда!

Терей унинг сўзларини англамади, ўғлини чақириб келишларини қатъий талаб қила бошлади. Шунда баногоҳ Филомела парда ортида туриб, Терейнинг юзига қаратиб, ўғлининг қонга беланган бошини ирғитди. Даҳшатдан сесканиб кетган Терей емагининг нақадар манфур эканлигини фаҳмлади. Емакни нари суриб, ўрнидан турди ва қиличини яланғочлаб, ўғлини ўлдирганлари учун Прокна ва Филомеладан ўз қўлим билан қасос оламан деб уларнинг ортидан қувиб кетди, аммо етолмайди. Уларнинг танидан қанотлар ўсиб чиқиб, иккиси икки қушга, Филомеда қалдирғочга, Прокна эса булбулга айланди. Қалдирғоч – Филомеланинг кўкрагида Терейнинг ўғлининг қонли доғи



сақланиб қолади. Терейнинг ўзи эса узун тумшукли ва бошида каттакон тарокли сассиқпопишакка айланган эди.

БОРЕЙ ВА ОРИФИЯ

Шиддатли ва суронли шимол шамоли худоси Борей ўта ваҳимали бўлиб, у ер ва денгизлар узра ғазабнок еларди, ўзининг парвози билан ҳамма нарсани нест-нобуд қиладиган бўронларни вужудга келтирарди. Кунлардан бир кун Аттика устидан ғизиллаб учиб ўтаркан, Эрихтейнинг қизи Орифияни кўриб қолди ва унга ошику беқарор бўлиб, уни ўзига хотин бўлишга ва салтанати – узоқ шимолга олиб кетишга кўндирди бошлади. Орифия унинг гапига кирмас, ваҳимадор ва суронли маъбуддан ҳайқарди. Борейга Орифиянинг отаси Эрихтей ҳам рад жавобини берди. Борейнинг илтижою ёлворишлари беҳуда кетди. Ваҳимадор маъбуднинг қаҳри келиб, шундай хитоб этди:

– Бундай хўрланишга ўзим сабабчи бўлдим! Мен ўзимнинг кўркинчли – беҳад шиддатли кудратимни унутганга ўхшайман! Наҳотки, мен бировларга итоаткорона ёлворим керак! Йўқ, мен куч-кудратимни ишга солмоғим шарт! Осмон узра яшиндор булутларни тиним бермай ҳайдайман, денгизда тоғлар янглиғ тўлқинларни тўзғитаман, азалий эманларни хас-чўпдай тағ-томири билан суғураман, ерни дўл билан савалайман, сувни тошдай қаттиқ музга эвираману тагин ожиз бир фоний-зот сингари ёлвориб ўтирибман-а! Мен ер устида ғазабнок елсам, бутун замин ларзага келиши табиий, ҳатто Аиднинг ер ости салтанатига ҳам омонлик бермайман. Келиб-келиб, мен Эрихтейга унинг муте бир малайи каби ялиниб турибман. Мен унга қизингни хотинликка бер деб ёлвориб ўтирмасдан, уни куч билан тортиб олмоғим зарур!

Борей ўзининг бакуват қанотларини қоқиб юборганди, бирдан ер юзида кутурган бўрон кўтарилди. Азалий ўрмонлар қамишдек қалтирай бошлади, денгиз ичра оппоқ кўпикка чулганган баҳайбат ва ваҳимали пўртаналар хуружи бошланди, осмонни қоп-қора тундай булутлар қоплади. Борейнинг қора хильати тоғдан ҳам баланд кўтарилиб, кенг ёйилди-ю, ундан шимолнинг изғирини уфура бошлади. Борей йўлида дуч келган ҳамма нарсани нест-нобуд қилиб, Афина сари елиб кетди, Орифияни ушлаб олди-да ўз салтанати – шимолга равона бўлди.

Орифия Борейга хотин бўлиб қолди. У икки нафар эгизак ўғиллар – Зет ва Калаидни дунёга келтирди. Иккаласи ҳам отаси сингари қанотли эди. Борейнинг ўғиллари буюк қаҳрамонлар бўлиб етишди, уларнинг иккаласи ҳам Колхидага – олтин жунли кўй терисини келтиришда аргонавтар юришида иштирок этишди ва сон-саноксиз катта жасоратлар кўрсатишди.

ДЕДАЛ ВА ИКАР

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Эрихтей авлодидан бўлган Дедал Афинанинг энг буюк рассоми, ҳайкалтароши ва меъмори эди. Ривоят қилишларича, у қордай оппоқ мрамрдан шундай ғаройиб ҳайкаллар ясар эканки, уларни кўрганлар тирик одам деб ўйлашаркан. Дедал ясаган ҳайкаллар тирик кишилардай нигоҳ ташлаётган ва ҳаракат қиладиганга ўхшармиш. Дедал ўз иши учун зарур асбобларнинг аксариятини ўзи ихтиро этган. Болта ва дастпарма ҳам унинг ақли маҳсули экан. Ҳа, Дедалнинг доврўғи узоқ элларга ёйилганди.

Ўша буюк рассомнинг Тал номли жияни бўлиб, у синглиси Перликанинг ўғли эди. Тал ўз тоғасига шогирд тушди. У ҳали ёшлигидаёқ ўзининг истеъдоди ва ихтирочилиги билан ҳаммани ҳайратга солганди. Унинг ўз устозидан анча ўзиб кетишини олдиндан сезса бўларди. Жиянига ҳасад қилган Дедал уни ўлдиришга қарор қилди. Кунлардан бир кун Дедал жияни билан Афинанинг баланд Акрополи (қалъаси) ёнида, шундайгина қоянинг чеккасида турарди. Атрофда ҳеч ким йўқ. Иккаласидан бошқа бирор киши йўқлигини кўрган Дедал жиянини қоядан итариб юборди. Рассом ўз жиноятининг жазосиз қолишига ишонарди. Қоядан йиқилган Тал тил тортмай ўлди. Акрополдан шошилинич пастга тушган Дедал Талнинг жасадини кўтариб олди ва уни ими-жимиди кўймоқчи бўлди, аммо у гўр қазиётганда афиналиклар кўриб қолишди. Дедалнинг ёвузлиги фош этилди. Ареопаг (Афинадаги тепалик бўлиб, у ерда жиноятчиларни суд қилишган) ҳукми уни ўлимга маҳкум қилинди.

Дедал айёрлик билан ўлимдан халос бўлиб, Аттикада сарсон-саргардонликдан кейин Критга, Зевс ва Европанинг кудратли ўғли подшо Минос хузурига кочиб кетди. Минос Юнонистоннинг машхур



рассомини бажонидил ўз ҳимоясига қабул қилди. Дедал Крит подшоси учун бир талай ғаройиб санъат асарларини вужудга келтирди. У унинг учун чалкаш-чулкаш йўлакчи лабиринт қуриб берди, унга бир бор кирган киши қайтиб чиқиш йўлини тополмасди. Ўша қасрга Минос хотини Пасифаянинг ўғли – танаси одам, боши ҳўкиз бўлган баҳайбат махлуқ Минотаврни қамаган эди.

Дедал Минос ҳузурда узок йиллар яшади. Подшо унга Критдан кетишга ижозат бермасди. Буюк санъаткорнинг истеъдодидан фақат ўзи учун фойдаланишни истарди. Минос Дедални Критда худди асирни тутқунликда сақлагандек ҳеч қаерга чиқармасди. Дедал у ердан қандай қочиб қутулиш йўлини узок ўйлади, ниҳоят, Крит тутқунлигидан халос бўлиш йўлини топди.

– Минос ҳукмидан, – дея хитоб этарди Дедал ўзича, – қуруқлик ва денгиз билан халос бўлолмасам, қочиш учун осмон очик-ку, ахир! Менинг йўлим – шу! Ҳамма нарса Минос ихтиёрида бўлса-да, осмон унинг тасаруфотига кирмайди!

Дедал ишга киришди. У патларни йиғиб, уларни каноп иплар ва мум билан бириктириб, улардан тўртта катта қанот тайёрлай бошлади. Дедал, ишлаётганда ўғли Икар унинг ёнида ўйнаб юрарди: у шамол учирган пар-патларни тутиб олар ёки қўлидаги мумни эзгилаб ўтирарди. Бола парвои фалак, шўхлик қилар, отасининг ишлари уни завқлантирарди. Ниҳоят, Дедал ўз ишини тугатди. Қанотлар тайёр турарди, Дедал уларни орқасига боғлади, қанотларга биркитилган сиртмоқлардан қўлларини ўтказиб олди, қанот қоқиб, охистагина ҳавога кўтарилди. Икар ҳавода улкан куш каби парвоз қилаётган отасини ҳайрат билан кузатарди. Дедал ерга кўнаркан, ўғлига шундай деди:

– Қулоқ сол, Икар, ҳозир бизлар Критдан учиб кетамиз. Учиш пайтида эҳтиёт бўл. Тўлқинларнинг шўр томчилари қанотларингни намиктирмаслиги учун денгизга томон ўта пастлашма. Қуёшга томон ҳам кўп баландлаб кетма, унинг ёлқини мумни эритиб юборади, патлар бир-биридан ажралиб, ҳар ёққа сочилиб кетади. Орқамдан учиб келавер, мендан ортда қолиб кетма.

Ота ва ўғил қанотларини қўлларига ўтказиб олишди ва енгилгина парвоз эта бошлашди. Уларнинг ердан баландда учаётганини кўрганлар ложувард осмонда икки нафар маъбуд елмоқда деб ҳаёл қилардилар. Дедал ўғли қандай учаётган экан дея ўқтин-ўқтин орқасига бурилиб қараб қўярди. Улар Делос, Парос ороларини ортда қолдириб, учишда давом этардилар.

Тез учиш Икарга ёкиб қолди, у сира кўркмасдан қанот қоқади. Икар отасининг ўғитларини аллақачон унутиб юборганди. У отасининг ортидан учмасдан, қанотларини шиддат билан силкитиб, осмони фалакка, нурафшон қуёшга яқинлашиб боради. Унинг ҳамма нарса жазоли қилиб юборадиган нурлари қанотларни бирлаштирган мумни эритиб юборди, патлар тушиб кетди, уларни шамол турли томонларга учуриб юборганди. Икар қўлларини силтайди, аммо қанотлар аллақачон сочилиб кетганди. У бағоят катта баландликдан елдай тез учиб, денгизга урилди ва унинг пўртаналарида халок бўлди.

Дедал орқасига бурилиб, теварак-атрофга қарайди, бироқ Икардан дарак йўқ. У ўғлини баланд овоз билаи чақира бошлайди:

– Икар! Икар! Қаердасан? Жавоб бер!

Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Дедал денгиз тўлқинларида Икарнинг қанотларидан ажралган патларни кўргач, нима юз берганини фаҳмлайди. Дедал ўз санъатидан ва алалхусус Критдан осмон орқали озод бўлиш йўлини ўйлаб қўйган кундан шундай нафратландики!

Икарнинг жасади хийла вақтгача кейинчалик ўзининг номи билан аталган Икарий денгизи тўлқинлари ичра сузиб юрди. Ниҳоят, долғалар уни орол қирғоғига чиқариб ташлаган эди. Уни у ерда Ҳеракл топиб, дафн этганди.

Дедал эса ўз парвозини давом эттириб, Сицилияга учиб келади. У подшо Кокал саройида яшайдиган бўлди. Минос санъаткорнинг қаерда паноҳ топганини билиб олгач, катта қўшин билан Сицилияга отланади. Минос Кокалдан Дедални қайтариб беришни талаб қилади. Лекин Кокалнинг қизлари Дедалдек рассомдан маҳрум бўлишни ишташмайди. Улар шундай хийла ўйлаб топишди. Оталарини Миноснинг талабини қондиришга розилик беришга ва уни саройда меҳмон сифатида қабул қилишга кўндиришди. Минос ҳаммомда ювинаётганда Кокалнинг қизлари унинг бошига бир қозон қайнаб турган сувни ағдардилар. Минос даҳшатли азоб-укубатга бардош беролмай ўлади.

Дедал Сицилияда узок йиллар яшади. Жуда кўп нарсалар ихтиро этди. Ҳаётининг сўнгги йилларини ватани – Афинада ўтказди. Дедал у ерда дунёга донғи кетган Афина рассомлари уруғи – Дедалзодаларнинг бобокалони бўлиб қолди.

ТЕСЕЙ

Плутархнинг «Тесей» номли асари асосида баён этилган

ТЕСЕЙНИНГ ТУҒИЛИШИ ВА ТАРБИЯЛАНИШИ

Аттикадан укалари билан бирга ҳокимиятни ноҳақ йўл билан қўлга киритган ўз қариндошлари – Метионнинг ўғилларини ҳайдаб юборгандан сўнг Афинада Пандионнинг ўғли Эгей ҳукмронлик қиларди. Эгей узоқ йиллар давлатни муваффақиятли бошқарди. Уни бир нарса қийнади: у безурриёт эди. Шу боисдан Эгей Аполлоннинг Дельфадаги кароматсоҳиби (оракул) хузурига бориб, нега унга мукаррам маъбудлар фарзанд ато этмаётганлигини билиб олмоқчи бўлди. Аммо кароматсоҳиб Эгейга мавҳум жавоб беради. Жавобнинг пинҳоний мазмунини англаб етмоқ учун узоқ ўйлайди. Ниҳоят, Эгей Аполлон жавобининг сирини билиб олиш учун Арголида подшоси доно Питфейга мурожаат қилмоқ мақсадида Троисена шаҳрига отланади. Питфей жумбоқнинг жавобини дарҳол баён этади. У Эгейга Афинанинг энг буюк қаҳрамони бўлиб етишадиган ўғил кўражагини айтади. Питфей буюк қаҳрамоннинг ватани Троисена бўлишини истаган ҳолда Эгейга ўзининг қизи Эфрани хотинликка беради. У Эгейга хотин бўлгач, ўғил туғади, лекин у Эгейнинг эмас, балки Посейдоннинг ўғли эди. Болага Тесей деб исм беришди. Тесей дунёга келгандан кейин орадан кўп ўтмай Эгей Троисенани тарк этиб, Афинага қайтиши керак эди. Ватанига кетаётиб, Эгей ўзининг қиличи ва шиппак(сандалия)ларини Троисена яқинида жойлашган тоғдаги бир қоянинг остига яширади. Эфра билан хайрлашаркан, унга шундай дейди:

– Ўғлим Тесей ана шу қояни жойидан силжитадиган кучга эга бўлиб, қиличим ва шиппакларимни оладиган бўлса, ўшанда уни менинг хузуримга, Афинага юбор. Мен уни қиличим ва шиппакларимдан таниб оламан.

Тесей ўн олти ёшга киргунча бобоси Питфейнинг тарбиясини олди. Ўзининг донишмандлиги билан машҳур бўлган Питфей неварасининг чинакам одам бўлиши учун тинимсиз ғамхўрлик қиларди. Унинг ўз тенгқурларидан ҳар жихатдан устунлигини кўриб, беҳад қувонарди. Мана, Тесей ўн олти ёшга тўлди. Ўшанда у билан ҳеч ким на кучда, на чакқонликда ва на қурол ишлатишда тенглаша оларди. Тесей қадди-қомати келишган, нигоҳи ўткир, кўзлари қуралай, қоп-қора кўнғир сочлари ўзига ҳўб ярашган навжувон йигит эди. Манглай томондаги сочлари ўша давр удумига кўра қирқилганди. Бу Аполлонга сиғиниш рамзи ҳисобланарди. Қаҳрамоннинг мушакдор жуссаси унинг бекиёс куч-қувватга моликлигидан дарак берарди.

ТЕСЕЙНИНГ АФИНА ЙЎЛИДАГИ ЖАСОРАТЛАРИ

Эфра ўғлининг куч-қувватда ўз тенгқурларидан хийла устунлигини кўргач, уни тагида Эгейнинг қиличи ва шиппаклари яширилган қоя олдига бошлаб келди ва деди:

– Ўғлим, мана шу қоя остида Афина ҳукмдори, отанг Эгейнинг қиличи ва шиппаклари яширилган. Қояни силжитиб, қилич ва шиппакларни олгин, улар отангнинг сени таниб олиши учун белги бўлади.

Тесей қояни итариб, уни осонликча жойидан силжитди. У қилич ва сандалларни олиб, онаси ва бобоси билан хайрлашиб, Афина сари йўлга равона бўлди. Тесей ўзини бехатар денгиз орқали боришга ундаган онаси ва бобосининг илтимосларига кулоқ осмади. У Афинага қуруқликдан, Истм орқали боришга қарор қилди.

Танланган бу йўл ғоят машаққатли эди. Тесейга жуда кўп хавф-хатарни енгишга, қанча-қанча жасоратлар кўрсатишга тўғри келди. Троисена ва Эпидавр чегарасидаёқ қаҳрамон маъбуд Ҳефестнинг ўғли – улканзот Перифетга дуч келди. Маъбуд Ҳефестнинг ўзи каби оқсоқ бўлган улканзот Перифетнинг қўллари бақувват, гавдаси ўта баҳайбат экан. Перифетнинг вазоҳати ниҳоятда ваҳимали эди. Перифет яшаётган тоғлар орқали бирорта ҳам сайёҳ ўтишга ботинолмасди, у ўзининг темир гурзиси билан ҳаммани ўлдирарди. Лекин Тесей уни осонгина маҳв этди. Бу қаҳрамоннинг дастлабки жасорати эди. Тесей ғалабасининг рамзи сифатида ўлдирилган Перифетнинг темир гурзисини ўзи билан бирга олиб кетди.

Тесей Истмгача ҳеч қандай хавф-хатарга дуч келмади. Истмда, Аполлон қарағайзориди Тесей қарағайларни эгиб-букиб юрувчи Синидни учратди. У энг шафқатсиз қароқчи бўлиб, барча йўловчиларни даҳшатли тарзда қийнаб ўлдирарди. У қарағайларнинг тепасини бир-бирига

якинлаштириб эгарди-да йўловчиларни уларга боғларди, сўнгра шохни кўйиб юборарди, дарахтлар кадини ростлаганда уларга боғланган йўловчининг танаси иккига бўлиниб кетарди. Синид ўлдирган йўловчиларнинг барчаси учун Тесей қасос олди. У қароқчини боғлаб ташлади, икки улкан қарағайни ўзининг бакуват қўллари билан эгди ва Синидни уларга боғлаб, қарағайларни кўйиб юборди. Шафқатсиз қароқчи тамоман бегуноҳ йўловчиларни қандай махв этган бўлса, ўзи ҳам худди шундай ҳолга тушди. Истмга борадиган йўл энди хатардан холи бўлганди. Кейинчалик Тесей ўзининг ғалабаси шарафига ўша, Синидни ҳалок этган жойда Истм ўйинлари – мусобақалари байрамини таъсис этди.

Тесейнинг галдаги йўли Кромиондан ўтарди. Шаҳар атрофидаги барча ерларни Тифон ва Эхиднадан туғилган баҳайбат ёввойи чўчка пайхон қиларди. Кромионда яшовчилар навқирон баҳодирга ўзларини ўша баҳайбат махлукдан ҳалос этгин дея ёлворадилар. Тесей чўчкани қувиб, унга етиб олади ва уни ўз қиличи билан тилка-пора қилиб ташлайди.

Тесей яна йўлида давом этди. Истмнинг энг хатарли жойи – Мегара шаҳри сарҳадларида, баланд осмонга ўрлаган тик қоялар этагида, денгиз долғалари ваҳимали шовқин солган жойда Тесей янги хатарга бақамти келиб қолди. Қоянинг шундайгина чеккасида қароқчи Скирон яшарди. У олдидан ўтган барча йўловчиларни оёқларини ювдиришга мажбур этарди, йўловчи эндигина унинг оёқларини юваман деб энгашиганида бераҳм қароқчи шўрликни қаттиқ ўзининг кучли оёғи билан қоядан тўлқинлар гирдобига итариб юборарди, улар сувдан чиқиб турган ўткир учли қояларга урилиб, тил тортмай ўлишарди, жасадлар эса баҳайбат тошбақага ем бўларди. Скирон Тесейни ҳам шу зайл ҳалок этмоқчи бўлди, бироқ у қароқчининг оёғидан маҳкам ушлаб, унинг ўзини денгизга улоқтирди.

Элевсин шаҳрига яқин жойда Тесейга Ҳеракл Антей билан қандай курашган бўлса, Керкион билан шундай курашишга тўғри келди. Катта қудрат соҳиби саналмиш Керкион кўпларни махв этганди, аммо Тесей Керкионни ўзининг чўнг қўллари билан ушлаб олди-да, уни гуё темир исқанжага солгандай қисиб ўлдирди. Шундай қилиб, Тесей Керкионнинг хотини Алопани ҳам озод қилди, Керкион мамлақати устидан ҳукмронликни Алопа ва Посейдоннинг ўғли – Ҳиппотоонтга топширди.

Элевсидан ўтиб, Кефис дарёси водийсига етганда Тесей қароқчи Дамастга (уни одатда Прокруст – чўзувчи деб атардилар) дуч келди. Ушбу қароқчи ҳузурига келган кишиларга нисбатан ўзига хос қийнаш йўлини ўйлаб топганди. Прокруст қўлига тушган одамларни (тўғрироғи, йўловчиларни) махсус тўшакка ётишга мажбур этарди. Агар тўшак унда ётган кишига узунлик қилса, Прокруст шўрлик йўловчини тўшакка бараварлаштиргунча чўзарди, бордию тўшак калталиқ қилса, у йўловчининг оёқларини кесиб ташларди. Тесей Прокрустни ўз тўшагига ётқизганди, у баҳайбат қароқчига ўта қисқалиқ қилиб қолди. Шунда Тесей Прокруст йўловчиларни қандай азоблаган бўлса, уни ҳам шу тахлит қийнаб ўлдирди.

Бу Тесейнинг Афинага боришдаги сўнги жасорати эди. Тесей Синид, Скирон, Прокруст ва бошқаларнинг тўкилган қони доғи билан Афинага боришни ўзига эп кўрмасди. У фиталзодалардан ўзини алоҳида диний маросимлар ўтказиб, Зевс – Мелихий қурбонгоҳи қошида тозартишларини илтимос қилди. Ёш қаҳрамонни фиталзодалар муҳтарам меҳмон сифатида қабул қилишди. Улар унинг илтимосини бажо келтиришиб, тўкилган қонлар доғидан тозалашди. Энди Тесей Афинага, отаси Эгей ҳузурига бемалол бориши мумкин эди.

ТЕСЕЙ АФИНАДА

Тесей узун ва кенг барли Иония либосига бурканган ҳолда ўзгача чирой касб этиб, Афина кўчаларидан виқор билан юриб келарди. Унинг қуюқ ва хурпайган сочлари елкасига тушган, оппоқ либосга бурканган ёш қаҳрамон бекиёс жасоратлар кўрсатган жасур йигитни эмас, кўпроқ соҳибжамол қизни эслатарди. Тесейга қурувчилар тим(том)ини тиклаётган Аполлон маъбадининг олдидан ўтишга тўғри келди. Қаҳрамонни кўриб қолган қурувчилар уни қиз деб ўйладилар ва мазах қила бошладилар. Улар хохолаб қулишаркан, қичқиришарди:

– Ҳой, қаранглар, қандайдир қиз бола ёнида йигити йўқ, бир ўзи сайр қилиб юрипти! Узун сочларини кўз-кўз қилиш учун уларни ларзон ташлаб қўйганини қаранг, ўзининг ерга тегиб турган куйлаги билан кўчаларнинг чангини супуриб борапти.

Қурувчиларнинг масхаралашидан жаҳли чиққан Тесей кўчада турган аравадан хўкизларни бўшатиб, аравани шундай баландликка улоқтирдик, у маъбад тепасидаги қурувчилар устидан физиллаб учиб кетди. Тесейни мазах қилиб қулган қурувчилар шундай дахшатли кучга молик бўлган



зот киз эмас, ёш қахрамон эканлигини кўргач, кўрқиб кетишди. Улар устидан кулганимиз учун биздан қаттиқ қасос олса керак деб хаёл қилишганди, бироқ Тесей ҳеч нарса демасдан, йўлида давом этди.

Ниҳоят, Тесей Эгей саройига етиб келди. У қартайиб қолган отасига ўзининг кимлигини билдирмасдан, ўзига ҳимоя излаётган мусофир деб қўйди. Эгей ўз ўғлини танимади, лекин уни сеҳргар Медея таниди. У бир пайтлар Коринфдан Афинага қочиб келиб, Эгейга хотин бўлганди. Маккора Медея Эгейга жодугарлик билан ёшлигини қайтараман дея ваъда бериб, Афина подшосининг хонадонидан ўз ҳукмини юргизар, Эгейнинг ўзи ҳамма соҳада унга тобе эди. Амир фармоликка одатланган Медея, бордию, Эгей ўз саройида қабул қилган ўша соҳибжамол мусофир йигитнинг кимлигини билиб олса, ўзига қандай хатар таҳдид солажагини дарҳол фаҳмлади. Ҳокимиятдан маҳрум бўлмаслик учун Медея қахрамонни маҳв этишни ўйлаб қўйди. У кекса шохни бу йигит душманлар томонидан юборилган айғоқчи дея ишонтирди ва Тесейни заҳарлаб ўлдиришга кўндирди. Кексайган ва заифлашиб қолган Эгей тагин бирор кор-ҳол юз бериб, ҳокимиятдан маҳрум бўлмайин деб шундай ёвузликка розилик билдирди.

Зиёфат чоғида Медея Тесейнинг олдига заҳарланган вино қуйиладиган қадахни қўйди. Худди шу заҳотда Тесей негадир ўз қиличини қинидан чиқарди. Эгей ўн олти йил бурун Троисена яқинидаги қоя остига қўйган ўзининг қиличини бир қарашдаёқ таниди. У Тесейнинг оёқларига разм солган эди, ўзининг сандал(шиппак)ларини кўриб қолди. Шунда у мусофир йигитнинг кимлигини алҳол пайқади. Заҳарланган вино қуйилган қадахни ағдариб, Эгей ўғли Тесейни ўз оғушига босди. Медея Афинадан ҳайдаб юборилди, у ўғли Медон билан Мидияга қочиб кетди.

Эгей бутун Афина халқига ўғлининг келганини тантанавор тарзда эълон қилди ва унинг Троисенадан Афинага келишда кўрсатган буюк жасоратлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Афиналиклар Эгейнинг шодлигини баҳам кўришди ва ўзларининг бўлажак подшосини шодиёна кийкириқлар билан му-боракбод этишди.

Эгейнинг ўғли Афинага келди деган хабар Эгейнинг укаси, Паллантнинг ўғиллари қулоғига ҳам етганди. Тесейнинг келиши билан уларнинг пайтавасига қурт тушди, Эгейнинг ўлиmidан сўнг Афинада биз ҳукмронлик қиламиз деган умидлари пучга чиқди. Чунки энди Эгейнинг қонуний меросхўри бор эди. Паллантнинг бешафқат ўғиллари Афинада ҳукмронлик қилиш ниятидан воз кечмоқчи эмасдилар. Улар Афинани куч билан забт этишга қарор қилишди. Оталари бошлиқ ўн беш нафар ака-ука паллантзодалар Афинага юриш бошлашди. Улар Тесейнинг бекиёс катта кучга эгалигини билиб, қуйидагича айёрликни ўйлаб топишди: паллантзодаларнинг бир қисми Афина бўсағасига очиқдан очиқ ҳужум қилиб келмоқда эди, бир қисми эса Эгейга тўсатдан ҳужум қиламиз дея пистирмада туришди. Лекин, паллантзодаларнинг дарак(хабар)чиси Леос Тесейга уларнинг режаларини ошкор этди, ёш қахрамон қандай ҳаракат қилишни дарҳол фаҳмларкан, у пистирмада яширинган паллантзодаларга ҳужум қилиб, барчасини қириб ташлади. Уларни на куч ва на жасорат халос этди. Афина бўсағаларида турган паллантзодалар ўз биродарларининг ҳалок бўлганларини билиб олганларида ўтакалари ёрилгудек бўлиб, шармандаларча қоча бошладилар. Энди Эгей ўз ўғлининг ҳомийлигига таяниб, Афинада бемалол ҳукмронлик қилавериши мумкин эди.

Тесей Афинада бирор фаолият кўрсатмасдан яшай олмасди. У Аттикани ҳамма нарсани еб битираётган ва ғорат қилаётган ёввойи ҳўкиздан халос қилишга бел боғлади. Уни Критдан Эврисфейнинг топшириғига биноан Ҳеракл Микенага келтириб, кейинчалик ўз ихтиёрига қўйиб юборилганди. Ҳўкиз Аттикага қочиб келган кундан бошлаб деҳқончиликнинг қушандасига айланди. Тесей мазкур жасоратга отланаркан, ҳеч нарсдан хайиқмасди. Марафон яқинида унинг олдидан кекса аёл – Ҳекала чиқиб қолади. У қахрамонни меҳмон сифатида қабул қиларкан, унга янги жасорат олдидан, баҳайбат ҳўкиз билан бўладиган жанг чоғида мадад бўлсин десанг, халоскор Зевс шарафига қурбон беришинг лозим дея маслаҳат берди. Тесей Ҳекаланинг гапига амал қилди. Орадан кўп ўтмай Тесей ҳўкизни топиб олди, у қахрамонга ташланганда Тесей ҳўкизнинг мугузларидан маҳкам ушлаб олди. Ҳайвон кўп чиранди, аммо Тесейнинг бақувват қўлларидан чиқиб кетолмади. Тесей ҳўкизни ерга энгаштириб, уни боғлаб ташлади ва ўзига ром этиб, Афинага бошлаб келди.

Қайтиб келишда Тесей Ҳекалани учратмади, у аллақачон дунёдан ўтганди. Тесей марҳуманинг ҳурматини бажо келтириб, унинг маслаҳат ва меҳмондўстлигини эъзозлади. У ҳўкизни Афинага келтириб, уни маъбуд Аполлон шарафига қурбон қилди.

ТЕСЕЙНИНГ КРИТГА САФАРИ

Тесей Афинага келганда бутун Аттика чуқур қайғуга ботганди. Критнинг кудратли подшоси Минос элчилари бож олиш учун учинчи марта келишганди. Бу бож жуда оғир ва шармандали саналарди. Афиналиклар ҳар тўққиз йилда бир марта етти нафар йигит ва етти нафар қизни Критга юборишарди. У ерда уларни каттакон қаср – Лабиринтга қамашарди, улар баҳайбат махлуқ Минотаврга ем бўлишарди. Минотаврнинг боши – ҳўкизниги, танаси – одамникидек бўларди. Миноснинг афиналикларга бундай божни солганининг сабаби – улар унинг ўғли Андрогейни ўлдиришганди. Энди афиналикларга Критга учинчи бор даҳшатли божни юборишга тўғри келди. Улар кемани Минотаврга қурбон учун олиб боришаётган ёш йигит-қизлар учун ғам-андух рамзи сифатида қора елканлар билан шайлаган эдилар.

Афиналиклар бошига тушган муштарак ғам-аламни кўриб турган ёш қаҳрамон Тесей афиналик йигит-қизлар билан бирга Критга боришга азму қарор этди ва уларни ана шу даҳшатли бождан озод қилишга қасамёд қилди. Бундай ўлпонга фақат Минотаврни ўлдиргандагина чек қўйиш мумкин. Бинобарин, Тесей Минотавр билан жанг қилиб, ё уни ўлдириши ёки ўзи ҳалок бўлиши керак эди. Кексайиб қолган Эгей яккаю ягона ўғлининг Критга боришини сира хоҳламас, бу ҳақда эшитишни ҳам истамасди, бироқ Тесей ўз сўзида қатъий туриб олди. У денгиз саёҳатлари Аполлон – Делфинийга қурбонлик берди, айна жўнаш олдидан эса Дельфадан ўзи учун ҳомий сифатида бўлажак жасорат чоғида муҳаббат маъбудаси Афродитани танласин дея башорат қилинганди. Афродитани ёрдамга даъват этиб, унинг шарафига қурбонлик бериб, Тесей Крит сари йўлга равона бўлди.

Тесейнинг кемаси Критга омон-эсон етиб келди. Афиналик йигит-қизларни Миноснинг хузурига бошлаб боришди. Критнинг кудратли подшоси алҳол ажойиб қаҳрамон йигитга эътиборни қаратди. Уни шохнинг қизи Ариадна ҳам кўз остига олди, Тесейнинг ҳомийси Афродита эса Ариаднанинг қалбида Эгейнинг навқирон ва соҳибжамол ўғлига муҳаббат уйғотди, Миноснинг қизи Тесейга ёрдамлашишга қарор қилди. У ёш қаҳрамоннинг Лабиринт-қасрда Минотаврнинг ғазабига дуч келиб ҳалок бўлишини тасаввур этишни истамасди.

Минотавр билан бўладиган жангга отланишдан аввал Тесейга тагин бир жасорат кўрсатишга тўғри келди. Минос афиналик қизлардан бирини таҳқирлади. Тесей қизни ҳимоя қилди, лекин ўз насл-насаби билан ғурурланган Крит подшоси Тесей устидан кула бошлади. У қандайдир афиналик унга, Зевснинг ўғлига қаршилик кўрсатса-я, дея қаҳрланди. Тесей подшога мағрурона шундай жавоб қайтарди:

– Сен насл-насабим Зевс дея ғурурланмоқдасан, мен ҳам оддий фонийзотнинг ўғли эмасман, менинг отам ерни тебратувчи буюк денгиз худоси Посейдон бўлади.

– Агар сен худо Посейдоннинг ўғли бўлсанг, исботла, денгиз пўртаналаридан узукни олиб чиқ дея жавоб берди-да, Минос узугини денгизга итқитди.

Тесей отаси Посейдонни тилга олиб, мутлақо кўркмасдан тик соҳилдан уммон тўлқинларига отилди. Тесей шиддат ила чайқалган денгиз долғалари гирдоби ичра ғойиб бўлди. Қаҳрамонни юҳодай ютган денгизга даҳшатга тушиб қараётганларнинг барчаси унинг қайтиб келишига сира ишонишмасди. Ариадна тамоман талвасага тушган эди. У ҳам Тесейни бошқа кўркмасам керак деб ўйларди.

Эндигина Тесейнинг тепасида денгиз тўлқинлари туташган эди ҳамки, уни худо Тритон илиб кетди ва кўз очиб юмгунча Посейдоннинг сувости қасрига элтиб қўйди. Посейдон ўзининг сеҳрли сувости саройида ўғлини шодон қутлади ва унга Миноснинг узугини тутқазди, Посейдоннинг хотини Амфитрита эса қаҳрамоннинг жасорати ва гўзаллигидан ҳайратланган ҳолда ҳашаматли қўнғир сочларига олтин гулчамбар тақиб қўйди. Тритон Тесейни бир зумда, денгиз қаъридан қаҳрамон денгизга сакраган жойга чиқариб қўйди. Тесей Миносга ўзининг денгиз ҳукмдори Посейдоннинг ўғли эканлигини исботлади. Миноснинг қизи Ариадна Тесейнинг денгиз тубидан омон-эсон қайтиб келганидан гоят хурсанд эди.

Энг хавфли жасорат ҳали олдинда: у Минотаврни маҳв этиши керак! Бунда Тесейга Ариадна ёрдамга келди. У Тесейга отасига билдирмасдан ўткир қилич ва бир калава ип берди. Тесей ва ўлимга маҳкум этилган йигит-қизларни Лабиринт қасрга олиб борганларида Тесей калаванинг бир учини кираверишдаги устунлардан бирига боғлаб қўйди ва чалкаш-чулкаш йўлаклар бўйлаб бораверди. У қайтиш йўлини топиш учун калавани секин чуватиб борарди. Тесей сира кўркмасдан олға босарди. Ниҳоят, у Минотавр турган жойга етиб келди. Минотавр бошини эгиб, ўзининг улкан ва ўткир муғузларини ерга тираганча даҳшатли бўқиб, қаҳрамонга ташланди, улар ўртасида шиддатли жанг

бошланди. Қаҳри келган Минотавр Тесейга бир неча бор ҳамла қилди, лекин у Минотаврнинг хужумларини ўзининг ўткир қиличи билан устомонликла қайтарарди. Ниҳоят, Тесей унинг мугузларидан қаттиқ ушлаб олдида, кўкрагига қилич қадади. Минотаврни ўлдиргач, Тесей калава ёрдамида афиналик йигит-қизларни Лабиринт қасрдан олиб чиқди. Эшик олдида уларни Ариадна кутиб олди. У Тесейни шодиёна табриклади. Тесей қутқазган йигит-қизлар қувончга тўлиб, роса яйрашди. Улар атиргуллардан гулчамбар тақиб, қувноқ давра қўшиқлари билан қаҳрамонни ва унинг ҳомийси Афродитани чин кўнгилдан шарафладилар.

Энди бўлса, Миноснинг қаҳридан қутулишни ўйлаш лозим эди. Тесей зудлик билан ўз кемаларини йўлга шайлади-ю, критликларнинг қирғоққа чиқарилган кемаларининг тагини тешиб чиқди ва пайсалга солмай Афина сари йўлга отланди. Тесейни севиб қолган Ариадна ҳам у билан бирга йўлга тушди.

Наксос оролига келганларида Тесей қирғоққа чиқди. Тесей ва ҳамроҳлари истироҳат қилаётган чоғда тушида май худоси Дионис Тесейга Наксосни тарк этаётганларида Ариаднани ташлаб кетишини баён этди, гўёки уни маъбудлар май худоси Дионисга хотинликка насиб этган эмиш. Тесей қайғуга чўмган ҳолатда уйқудан турдида, дарҳол йўлга тушди. У маъбудлар иродасига қарши боролмасди. Диониснинг хотини Ариадна энди маъбудалик касб этганди. Диониснинг ҳамроҳлари Ариаднани кизғин қутлашди, буюк маъбуднинг хотинини шўх қўшиқ ва куй билан олқишладилар.

Тесей қора елканларга бурканган кемасида мовий денгиз бўйлаб Афина сари елмоқда эди. Ана, узоқдан Аттика соҳиллари ҳам кўзга ташланиб қолди. Ариаднадан жудо бўлган Тесей ғам-андухга ботган ҳолда отасига, агар Минотаврни енгиб қайтса, қора елканларни оқ елканлар билан алмаштираман дея берган ваъдасини унутиб юборганди. Эгей ўз ўғлини сабрсизлик билан кутарди. Соҳилдаги баланд қоя устида кўзларини бепоён мовий денгизга тикиб, ўғлининг йўлига интизор бўлиб турарди. Ҳу, ана, олис-олисларда қандайдир қора нуқта кўринди, у қирғоққа яқинлашган сайин катталашарди. Ҳа, бу ўғлининг кемаси. У ҳамон яқинроқ келмоқда эди. Эгей боёқиш, унинг елканлари қанақа экан деб зўр бериб тикиларди. Йўқ, елканлар куёш ёғдусидан жилоланмаяпти, елканлар қора эди. Демак, Тесей ҳалок бўлган. Талвасага тушган Эгей баланд қоядан ўзини денгизга ташлади ва денгиз долғалари ичра дунёдан ўтди. Тўлқинлар унинг тирикликдан Мосуво жасадини қирғоққа чиқариб ташлади. Ўшандан буён Эгей ҳалок бўлган денгиз Эгей деб аталади. Тесей Аттика соҳилларига омон-эсон етиб келиб, маъбудларга миннатдорлик ифодаси бўлмиш қурбонлар бергач, дафъатан, минг афсуслар бўлсинким, у ғайриихтиёрий суратда отасининг ўлимига сабабчи бўлганини билиб олди. Беҳад чуқур ғуссага ботган Тесей катта иззат-икром ила отасини дафн этди, бу маросимдан сўнг Афина устидан ҳукмронликни қабул қилди.

ТЕСЕЙ ВА АМАЗОНКАЛАР

Тесей доноларча ҳукмронлик қиларди. Лекин у Афинада осойишта ҳаёт кечиролмасди. Юнонистон қаҳрамонларининг жасоратларида иштирок этиш мақсадида уни (Афинани) тез-тез тарк этишга тўғри келарди. Чунончи, Тесей Калидон овида, аргонавтларнинг олтин жунли қўй терисини келтириш учун бўлган юришда ҳамда Ҳераклнинг амазонкалар мамлакатига қилган юришида иштирок этди. Амазонкалар шахри Фемискира забт этилганда Тесей жасорати учун мукофот тариқасида уларнинг маликаси Антиопани Афинага олиб келганди. Антиопа Афинада Тесейнинг хотини бўлиб қолди. Қаҳрамон ўзининг амазонкалар маликаси билан бўлган тўйини бағоят дабдабали тарзда ўтказди.

Амазонкалар юнонлардан ўз шахрини тор-мор қилганлиги учун улардан интиқом олишни ўйлаб қўйган эдилар, бундан ташқари, уларнинг фикрича, Тесейникида асирлик азобини тортаётган маликалари Антиопани озод қилишга қарор этишганди. Амазонкалар катта қўшин билан Аттикага бостириб кирдилар. Амазонкалар ҳатто шаҳарга кириб, халойиқни ўзларига бўйсундиришга интиларканлар, уни забт этиб бўлмайдиган Акропол(қалъа)га яширинишга мажбур этишди. Амазонкалар уларнинг Ареопаг тепалигидаги истехкомини тор-мор қилиб, афиналикларни камалда қолдиришди. Афиналиклар ушбу жангари аёлларни ҳайдаб чиқариш учун хийла уриниб кўришди. Ниҳоят ҳал қилувчи жанг бошланди.

Антиопанининг ўзи ҳам Тесей билан бирга илгари ўзига тобе бўлган, ўзи амр-фармолик қилган амазонкаларга қарши жанг қиларди. Антиопа суюкли қаҳрамон эри – Тесейни тарк этишни истамасди. Ана шу даҳшатли муҳорабада Антиопани ўлим кутарди. Амазонкалардан бири томонидан отилган

найза хавода ялтираб кетди, унинг ажал келтирувчи тиғи Антиопанинг кўксига санчилди-ю, у эрининг оёғига йиқилиб жон таслим этди. Ҳар иккала кўшин ҳам ўлиб ётган Антиопадан кўзини узолмасди. Қайғуга чўмган Тесей хотинининг жасади томон энгашиди. Шу он қонли жанг тўхтаган эди. Чуқур ғамга ботган амазонкалар ва афиналиклар ёш маликани биргаликда дафн этишди. Амазонкалар Аттикани тарк этиб, ўзларининг узоқ ватанларига қайтиб кетишди. Афиналиклар узоқ йиллар бевакт ҳалок бўлган соҳибжамол Антиопа учун мотамсаро бўлиб юришди.

ТЕСЕЙ ВА ПЕЙРИФОЙ

Фессалияда жанговар лапифлар қабиласи яшарди, уларнинг устидан кудратли қахрамон Пейрифой ҳукмронлик қиларди. У энгилмас Тесейнинг буюк жасорати ва иқтидори ҳақида эшитиб, у билан куч синашмоқчи бўлди. Тесейни жангга тортиш учун Пейрифой Марафонга отланиб, у ердаги бўлиқ майсалар ўсган яйловда ўтлаб юрган молларни ўғирлади, улар Тесейга тегишли эди. Бундан хабар топган Тесей ўша заҳотиёқ ўғрининг ортидан қува кетди. Орадан зум ўтмай унга етиб олди. Иккала қахрамон бақамти келиб қолишганди. Уларнинг иккови ҳам қахрамонларга хос совут-қалқонларни тақиб олган ҳолда ваҳимали умрибоқий маъбудлар сингари бир-бировларига қарама-қарши туриб қолишганди. Иккаласи ҳам бир-бирининг улуғворлиги ва салобатидан ҳайратланган, иккаласи ҳам бир хил жасорат соҳиби, иккаласи ҳам бекиёс катта куч-қудратга молик, иккови ҳам келишган, соҳибжамол йигитлар эди. Улар қуролларини ташлаб, бир-бирларига қўлларини узатишди, ўзаро бузилмас дўстлик иттифоқи тузишди, бунинг рамзи сифатида қуролларини алмашишди. Шу зайл икки буюк қахрамон – Тесей ва Пейрифой дўст тутинишди.

Ушбу учрашувдан сўнг кўп ўтмай Тесей Фессалияга дўсти Пейрифойнинг Хипподамия билан бўладиган тўйига отланди. Маросим бағоят дабдабали эди. У ерда Юнонистоннинг барча пучмоқларидан келган донгдор қахрамонлар йиғилишганди. Тўйга, шунингдек, ёввойи кентаврлар – ярим одам, ярим отлар ҳам таклиф этилди. Тўй зиёфати турфа таомлардан иборат бўлиб, бутун бошли шоҳ саройи дастурхонлар атрофида ёнбошлаган меҳмонлар билан лиқ тўла, уларнинг муайян қисми, саройда жой этишмаганлиги учун кенг ва салқин ертулада зиёфат гаштини суришарди. Хушбўй хид таратадиган моддалар тутатилар, тўй мадҳияси ва мусиқаси янграр, зиёфат гаштини сураётган меҳмонларнинг шодиёна қийқириқлари узоқ-узоқларга тараларди. Барча кўноқлар куёвни ва ўзининг гўзаллиги билан самовот юлдузи янглиғ ҳаммадан ажралиб турган келинни шарафлардилар. Зиёфат борган сайин авжига чиқарди. Шароб дарёдек қуйиларди. Қийқириқлар борган сайин қаттиқроқ чиқарди. Тўсатдан кентаврларнинг энг кучли ва энг ёввойиси Эврит маст-аласт ҳолатда ўрнидан сакраб турдида, келинга ташланди. У уни ўзининг бақувват қўллари билан ушлаб, олиб қочмоқчи бўлди. Буни кўрган бошқа кентаврлар ҳам зиёфатда ўтирган аёлларга ташланишди. Уларнинг ҳар бири ўлжали бўлишни исташарди. Зиёфат дастурхонини ташлаб, Тесей, Пейрифой ва бошқа юнон қахрамонлари аёлларни химоя қилиш учун ўринларидан ирғиб туришди. Базм бузилиб, даҳшатли жанг бошланди. Қахрамонлар кентаврларга қарши қуролсиз курашмоқда эдилар. Ахир улар базмга қуролланмасдан келишган эдилар-да. Ушбу базм чоғидаги ҳамма нарса қурол ўрнини босарди: оғир қадахлар, каттакон шароб кўзалари, синиб кетган хонтахталарнинг оёқлари, устида муаттар моддалар тутатилган уч оёқли курсилар – хуллас, ҳамма нарса ишга солинди. Ҳар қадамда қахрамонлар ёввойи кентаврлар ўтирган зиёфатхонани кузатар, уни ёввойилардан тозалашарди, лекин зиёфатхоналардан ташқарида ҳам шиддатли жанг борарди. Юнон қахрамонлари кўп ўтмай қурол ва қалқонларини ишга туширди. Кентаврлар дарахтларни таг-томири билан суғуришар, бутун бошли қояларни қахрамонларга қаратиб отишарди. Қахрамонларнинг олдинги сафида Тесей, Пейрифой, Пеллей ва Пелейнинг ўғли Нестор жанг қилишмоқда эди. Уларнинг кўз ўнгида кентаврлар жасадидан ҳосил бўлган қонли тепалик борган сайин баландлашарди. Жароҳатланган кентаврлар бирин-кетин ҳалок бўлишарди. Ниҳоят, улар шаталоқ отиб, қоча бошладилар, баланд Пелион ўрмонларидан паноҳ топишди. Юнонистон қахрамонлари кентаврлар устидан ғалаба қозонишди, рақибнинг камроқ қисмигина жон сақлаб қолди, холос.

ЕЛЕНАНИ ЎҒИРЛАШ.
ТЕСЕЙ ВА ПЕЙРИФОЙ ПЕРСЕФОНАНИ ЎҒИРЛАШГА ЖУРЪАТ ЭТИШАДИ.
ТЕСЕЙНИНГ ЎЛИМИ

Пейрифойнинг хотини соҳибжамол Хипподамия узок яшамади. У тамоман гуллаб-яшнаган чоғида Пхаётдан кўз юмди. Тул бўлиб қолган Пейрифой рафиқаси учун хийла вақт йиғлаб-сиқтагандан сўнг орадан сал вақт ўтгач, тагин уйланишга қарор қилди. У дўсти Тесейникига, Афинага йўл олди, у ерда улар соҳибжамол Еленани ўғирлашга азму қарор қилди. У ҳали мутлақо ёшгина қизча эди, лекин сулувлиги билан Юнонистондан бошқа жойларда ҳам донг таратганди. Дўстлар ҳеч кимга билдирмасдан Лаконияга келишди ва у ерда Еленани дугоналари билан бирга Артемида байрами вақтида қувноқ рақсга тушаётганда ўғирлаб кетишди. Тесей ва Пейрифой Еленани зудлик билан Аркадия тоғларига, у ердан эса Коринф ва Истм орқали Аттикага, Афина қалъасига олиб келишди. Спарталиклар ўғри(олибқочар)ларни таъқиб этишди, бироқ уларга етишолмади. Гўзал Еленани Афинада яширгач, дўстлар унинг кимга тегиши ҳақида ўзаро қуръа ташлашди. Соҳибжамол Елена Тесейнинг чекига тушди. Лекин дўстлар илгаридан келишиб қўйганидек, ғаройиб гўзаллик соҳибаси кимга на-сиб этса, ўша дўстига хотин топишда ёрдам бериши керак эди. Улар бу ҳақда бир-бирига қасамёд қилишганди.

Елена Тесейнинг чекига тушгач, Пейрифой дўстидан ўликлар салтанатининг ҳукмдори бешафқат Аиднинг хотини Персефонани ўзига хотин қилиб олишда ёрдам беришини талаб этди. Тесей даҳшатга тушди, бироқ на чора? У ўз қасамёдини бузолмасди. Унга Пейрифой билан бирга ўликлар салтанатига боришга тўғри келди. Афина яқинида жойлашган Колон мавзеи атрофидаги қўрқинчли дара орқали дўстлар ер ости салтанатига тушишди. У ерда, даҳшатлар салтанатида иккала дўст Аид олдида намоён бўлдилар ва ундан уларга Персефонани беришни талаб қилишди. Ўликлар салтанатининг ваҳимали ҳукмдорининг қаҳри келди, лекин у ўз ғазабини яширди ва қаҳрамонларга ўликлар салтанатига кираверишдаги қоядан ўйилган тахтига ўтиришга таклиф этди. Улар эндигина тахтга чиққан эдилар ҳамки, унга чирмашиб, жойларидан қимирлай олмай қолишди. Аид уларни диёнатсизларча талаби учун шундай жазолади.

Тесей Аид салтанатида банди бўлиб қолган пайтда соҳибжамол Еленанинг укалари – Кастор ва Полидевк опаларини турфа жойларда излайдилар.

Ниҳоят, улар Тесейнинг Еленани қаерга яширганини билдилар ва шу ондаёқ Афинани қуршаб оладилар, забт этиб бўлмайдиган қалъа ҳам бардош беролмади. Кастор ва Полидевк уни ўзларига таслим этишди, сингилларини озод қилишди, Тесейнинг онаси Эфрани асир этиб, ўзлари билан бирга олиб кетишди. Афина устидан ҳукмронликни эса, Кастор ва Полидевк Тесейнинг азалий душмани бўлмиш Менесфейга топширишди. Тесей Аид салтанатида хийла вақтгача қолиб кетди. У жуда оғир кийноқларни бошидан кечирди, ниҳоят, уни энг улуғ қаҳрамон Херакл халос этди.

Тесей тагин қуёш ёғдусини кўришга муяссар бўлди, аммо бундай озодлик унга шодлик келтирмади. Забт этиб бўлмайдиган Афина тор-мор этилган, Елена озод қилинган, онаси Спартада асирлик азобига дучор этилган, Тесейнинг ўғиллари – Демофонт ва Акамонт Афинадан қочиб кетишга мажбур бўлган, бутун ҳокимият манфур Менесфейнинг қўлига ўтган эди. Тесей Атикани тарк этиб, ермулки жойлашган Эвбей оролига чекинди. Тесейга энди бахт кулиб боқмасди. Скирос подшоси Ликомед Тесейга унинг ер-мулкни беришни истамасди: у буюк қаҳрамонни денгиз бўйидаги юксак қояга жалб этди, иккаласи қоя узра уммондан завқланаётганда Ликомед Тесейни денгизга итариб юборди. Атиканинг буюк қаҳрамони шу зайл хиёнаткорнинг қўлидан халок бўлди. Орадан кўп йиллар ўтгач, Менесфейнинг ўлимидан сўнг Тесейнинг ўғиллари Троя юришидан кейингина Афинага қайтишди. Улар Троядан Тесейнинг онаси Эфрани топиб олишди. Уни у ерга кул сифатида подшо Приамнинг ўғли Парис ўғирлаб келтирган соҳибжамол Елена билан бирга олиб келган эди.

МЕЛЕАГР

Калидон подшоси Ойней, қаҳрамон Мелеагрнинг отаси буюк маъбуда Артемиданинг ғазабига дучор бўлганди. Кунлардан бир кун боғ ва узумзорлардаги ҳосилни йиғиш мавсумини байрам қилаётиб, у барча Олимпсоҳиб худоларга катта қурбонлик келтирди, аммо фақат маъбуда Артемидага қурбон келтирмаганди. Шу боисдан Артемида Ойнейни жазолади. Унинг мамлакатига даҳшатли



қобонни юборди. Кутурган бахайбат махлуқ Калидон атрофидаги экинзор жойларни шип-шийдам қилиб ташлар, бақувват суйлоқлари билан бутун бошли дарахтларни таг-томири билан суғураб, узумзорларни, нозик гулларга бурканган олма дарахтларини махв этарди. Қобон олдидан чиқиб қолган одамларни ҳам аямасди. Калидон атрофида ғам-алам ҳукм суради. Шунда Ойнейнинг ўғли Мелеагр ушбу муштарак ғуссани бартараф этиш учун қобонни йўқотишга қарор қилди. Бундай хатарли ов учун у Юнонистоннинг кўп қаҳрамонларини йиғди. Овда, шунингдек, Спартадан келган Кастор ва Полидевк ҳам иштирок этишди. Афинадан Тесей, Ферадан Адмет, Иолқдан Ясон, Фивадан Иолай, Фесвалиядан Пейрифой, Фтиядан Пелей, Саламин оролидан Теламон ва бошқа бир талай қаҳрамонлар иштирок этишди. Овга Аркадиядан охурай тез югурадиган Атланта ҳам келганди. У тоғларда тарбияланган. Бола туғилган кунданок отаси уни тоғларга элтиб ташлашни амр этганди, зероки у қизларни ёқтирмасди, қизли бўлишни истамасди. Атлантани у ерда она айиқ боқиб катта қилди, у овчилар орасида ўсиб, вояга етди. Атланта овчи сифатида Артемидадан қолишмасди.

Меҳмондўст ва одамохун Ойнейникида йиғилган қаҳрамонлар тўққиз кун давомида айшу ишрат қилишди. Ниҳоят, улар қобон овига отланишди. Беҳисоб итларнинг қаттиқ вовуллашидан атрофдаги тоғлар акс-садоларга чулғанди. Ана, итлар қувиб келаётган қобон ҳам кўзга ташланди. Овчилар ёппасига унга ташланишди. Уларнинг ҳар бири ўлжани жароҳатлашга ошиқшарди, аммо бахайбат қобон билан курашиш ғоят душвор, унинг суйлоқлари қандай даҳшатли кучга эғалигини овчиларнинг барчаси яхши биларди. Қобон ўзининг бақувват суйлоқлари билан аркадиялик жасур овчи Анкейни ўлар даражада жароҳатлади, зероки, Анкей ўзининг кўш тиғли ойболтаси билан қобонни чопиб ташламоқчи бўлганди, аммо нишонга уролмади. Шунда Атланта ўзининг таранг тортилган камонидан қобонга қаратиб ўқ узди. Шу аснода Мелеагр келиб қолди. У найзаси билан зарба берганди, бахайбат қобон ҳалок бўлди. Ов ниҳоясига етди. Унинг бароридан ҳамма беҳад қувонди.

Хўш, мукофотни кимга тақдим этмоқ лозим? Овда бир талай қаҳрамонлар иштирок этишди. Уларнинг кўпчилиги қобонни жароҳатлашга муваффақ бўлишди. Мукофот ҳақида баҳс туғилди, маъбуда Артемида бўлса, қобонимни ўлдирди дея Мелеагрдан қаҳрланиб, овчилар ўртасидаги низони баттар авж олдирадди.

Ниҳоят, ушбу тортишув Калидония аҳолиси этолияликлар ва қўшни Плеврон шаҳри аҳолиси куретлар ўртасида уруш чиқишига олиб келди. Қаҳрамон Мелеагр этолияликлар томонида туриб жанг қиларди, ғалаба ҳам зотан улар тарафида эди.

Жанг айни авжигача чиққанда Мелеагр тасодифан онаси Алфеянинг укасини ўлдирди. Суюкли укаси ўлганидан хабардор Алфея чуқур қайғуга ботди. Укаси унинг ўғли Мелеагр қўлидан ўлганини билиб олгач, у бутунлай туюқди. Ўғлидан ғазабланган Алфея, даҳшатли ўликлар худоси Аид ва унинг хотини Персефонадан ўғлини жазолашни илтижо этди. У жазаваси тутган ҳолда қасоскор Эриннияларни ўзининг ёлворишларига қулоқ солишга даъват қилди. Мелеагр онасининг ўзига, ўз ўғлига ҳалокат тилаб Эриннияларга ёлворишларини билиб олгач, қаҳри келиб, жанг қилишдан воз кечди. У соҳибжамол хотини Клеопатранинг хонасида бошини қуйи солиб, ғамгин ўтирадди. Мелеагр урушдан воз кечтан заҳотиёқ этолияликлардан ғалаба юз ўгира бошлади. Куретлар қўли баланд бўлди. Улар бой ва обод Калидонни қарийб қуршаб олишганди. Шаҳарга ҳалокат таҳдид солмоқда эди. Калидон кексаларининг Мелеагрга ялинишлари беҳуда кетди, у ўз қўшинига қайтишни сира-сера истамасди. Улар қаҳрамонга катта мукофот таклиф этишарди, аммо навқирон йигит ҳамон уларнинг ёлворишларига эътибор бермасди. Мелеагрнинг кексайиб қолган отаси Ойнейнинг ўзи Мелеагрнинг хотини Клеопатранинг хонаси эшигига яқинлашиб, ёпиқ эшикни тақиллата бошлади, у Мелеагрга ғазабингни унут дея ялина бошлади, ахир унинг жонажон шаҳри Калидон ҳалокат ёқасига келганди. Мелеагр унга ҳам қулоқ солмади. Мелеагрга ёрдам бер, дея синглиси ҳам, онаси ҳам, яқин дўстлари ҳам ёлворишди, аммо Мелеагр ўз сўзида қатъий турарди. Шу аснода куретлар Калидон бўсағасига келиб қолишди. Улар уйларга ўт қўйиб, шаҳарни аланга ичида қолдириш ниятида эдилар. Охир оқибатда Мелеагр ўтирган хонанинг деворлари берилаётган зарбалардан ларзага келмоқда эди. Шунда унинг ёш хотини тиз чўкиб, эридан шаҳарни ҳалокатдан сақлаб қолишни илтижо қила бошлади. У уни шаҳарнинг ва мағлуб бўлганларнинг бошига тушадиган шум қисматини ўйлашга даъват этаркан, шунингдек, уларнинг хотинлар ва болаларни олиб кетиб, қулликка маҳкум этишларини ҳам ўйлашга мажбур этарди. Наҳотки, у ўз хотинининг бошига ҳам шундай фалокат келишини ўйламаса? Қудратли Мелеагр хотинининг ёлворишларини ерда қолдирмади. У зудлик билан ўзининг қиличини белига боғлаб, улкан совути, қалқон ва найзасини қўлга олиб жангга кирди. Мелеагр куретларга зарба бериб, жонажон шаҳри Калидон ва унинг аҳолисини ўлимдан халос этди. Лекин Мелеагрни ҳалокат

кутарди. Ўликлар кўланкалари салтанатининг худолари Алфеянинг ёлворишлари ва лаънатлашларини эшитган эдилар. Мелеагр жангда тирандоз маъбуд Аполлоннинг олтин ўқидан ҳалок бўлди, унинг арвоҳи ғамгин кўланкалар салтанатига равона бўлди.

КИПАРИС

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Кеос оролининг Карфей водийсида нимфаларга бахшида этилган оху бўларди. Ушбу жонивор бағоят чиройли эди. Унинг айри мугузлари зарҳалланган, бўйнини марварид мунчоқлар бебаб турар, кулоқларида эса кимматбаҳо тақинчоқлар осилганди. Оху одамлар олдида қўрқув билмасдан юраверарди. У кишиларнинг уйларига бемалол кирар, ўзини сийпаламоқчи бўлганларга бўйнини чўзарди. Ушбу охуни барча одамлар бирдай севишарди, лекин уни ҳаммадан кўпроқ тирандоз Аполлоннинг сеvimли дўсти, Кеос подшосининг ёш ўғли Кипарис (Сарв) яхши кўрарди. Кипарис охуни ширали майсалар ўсиб турган сайхонларга ва сувлари жилдираб оқаётган жилгаларга етаклар, унинг шохларини муаттар ҳид таратувчи гуллардан ясалган гулчамбарлар билан безарди. Ёш Кипарис кўпинча оху билан ўйнашиб, унинг орқасига ирғиб миниб оларди-да, гуллаб-яшнаган Карфей водийси бўйлаб сайр қиларди.

Ёз кунларининг бири, айна қиём пайти. Куёш атрофни тандирдек қизитмоқда. Ҳар ёнда жазирама иссиқ. Оху офтоб тафтига дош беролмай, соя ташлаган буталар орасида ётиб олди. Кипарис тасодифан оху ётган ерда ов қилиб юрарди. У ўз сеvimли охусини танимай, у томон найза ирғитди, жонивор шу ондаёқ тил тортмай жон берди. Суюкли охусини ўлдирганини кўрган Кипарис даҳшатга тушди. Ғам-ғуссага чидай олмай ўлимга рози бўлиб, оху билан бирга ўлсам дейди. Аполлоннинг таскинлари унга кор қилмади. Кипариснинг ғам-андухига ҳеч нарса тасалло бўлолмасди, у кумуш ёйли маъбудга ўзини мангу ҳасрат ўтида ёнишга маҳкум этишини илтижо этиб, ёлворади. Аполлон унинг илтижосини ижобат айлади. Йигит дарахтга эврилди (айланди). Унинг қўнғир сочлари ям-яшил игнабаргларга айланди, танаси эса қобикқа бурканди. У Аполлоннинг кўз ўнгида қадди расо сарв дарахти бўлиб турарди. Унинг тепаси камалак ўқи янглиғ осмонга ўрлаганди. Аполлон ҳасрат ила оҳ тортаркан, шундай деди:

– Ҳамиша сенга ҳамдардман, эй соҳибжамол йигит, сен ҳам бегоналар ғамига ҳамдард бўлиб коласан. Ҳамиша аламзадалар билан бирга бўл!

Ўшандан буён юнонлар мархум бор уйнинг эшигига сарв новдасини осиб қўядиган бўлишди, ўлганларнинг жасадини, дафн гулханларини ҳам унинг игна япроқлари билан безашар, қабрлар тепасига ҳам сарв ўтқазадилар.

ОРФЕЙ ВА ЭВРИДИКА

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

ОРФЕЙ ЕРОСТИ САЛТАНАТИДА

Буюк кўшиқчи Орфей, дарё худоси Эагр ва маъбуда Каллиопа (кўшиқ илоҳаси)нинг ўғли бўлиб, Бузоқ Фракияда яшарди. Орфей соҳибжамол нимфа (табиат кучлари ва ҳодисаларини ўзида муҷассам этган илоҳа) Эвридикага уйланганди. Кўшиқчи Орфей уни чин юракдан севарди. Орфейнинг хотини билан кечираётган бахтли ҳаёти узоққа чўзилмади. Кунлардан бир кун, тўйдан сўнг кўп ўтмай соҳибжамол Эвридика ўзининг ёш дугоналари билан ям-яшил водийда яйраб, баҳор гулларини териб юрарди. Эвридика қалин ўсган майсалар орасидаги илонни билмасдан босиб кетди. Илон Орфейнинг ёшгина хотинининг оёғидан чақиб олди. Қаттиқ чинқирган Эвридика ёнига югуриб келган дугоналарининг кўлига йиқилди. Эвридиканинг ранги учиб, кўзлари юмилди. Илоннинг захри унинг ҳаёт риштасини узиб юборди. Эвридиканинг дугоналари даҳшатга тушишди, уларнинг ғам-аламли йиғиси узоқ-узоқларга таралди. Уни Орфей ҳам эшитди. У водийга шошилди, у ерда жон-дилдан суйган хотинининг совуқ жасадини кўрди. Орфей талвасага тушди. У бундай айрилиққа сира-сира чидай олмасди. У ўз Эвридикасининг жасади ёнида узоқ йиғлади, унинг ғам-андухга тўла кўшиқларини эшитган табиат ҳам йиғларди.



Эвридика вафотидан сўнг муайян муддат ўтгач, Орфей даҳшат ҳукм сурган ўликлар арвоҳи салтанатига тушиб, ҳукмдор Аид ва унинг хотини Персефонадан хотинини ҳаётга қайтаришларини илтижо қилмоқчи бўлди. Орфей зимзиё Тэнар ғори орқали муқаддас Стикс дарёси соҳилларига тушди.

Орфей Стикс соҳилида турарди. Хўш, у нариги, ҳукмдор Аиднинг ваҳимали салтанати жойлашган қирғоққа қандай ўтса бўлади? Орфейнинг теграсида ўликларнинг арвоҳлари ўрмалашиб юрипти. Уларнинг оҳ-фиғони кеч кузда ўрмондаги дарахтлардан узилиб тушаётган заъфарон япроқларнинг шитирлаши сингари билинар-билинемас қулоққа чалинади. Ана, узоқдан эшакларнинг сувни шопиллатиши эшитилди. Бу ўликларнинг арвоҳларини қирғоқдан қирғоққа ўтказувчи Ҳароннинг яқинлашиб келаётган қайиғи. У қирғоққа етиб келди, қайиғини боғлади. Орфей ундан ўзини ҳам арвоҳлар билан бирга нариги қирғоққа ўтказишни илтимос қилди, бироқ бераҳм Ҳарон унинг илтимосини рад этди. Орфей қанча ялинмасин, Ҳароннинг "Йўк!" деган қатъий жавобини эшитди.

Шунда Орфей ўзининг олтин кифарасининг торларини черта кетди, таралган жарангдор товушлар даҳшатли Стикс қирғоқларига чўнг тўлқинлардай уриларди. Орфей ўзининг сеҳрли мусикаси билан Ҳаронни мафтун этди. У эшакка суянганча Орфейнинг кўшиқларини тингларди. Орфей мусиқа садолари остида қайиққа тушиб олди, Ҳарон қайиғини қирғоқдан узди-да, Стикснинг қоп-қора сувлари орқали юргизиб кетди. Ҳарон Орфейни истаган қирғоғига ўтказиб қўйди. Орфей олтин кифарасини чалаётиб, қайиқдан тушди ва ўликлар арвоҳларининг қўрқинчли салтанати бўйлаб ўзининг кифараси товушлари жалб этган арвоҳлар ўраб олган худо Аид тахти сари йўналди.

Орфей кифарасини янграгиб келаркан, Аид тахтига яқинлашди ва унинг олдида тиз чўкди. У кифараси торларини завқу шавқ билан чертаркан, куйлай кетди. Ўзининг Эвридикага бўлган севгиси ва у билан баҳорнинг дилни яйратувчи ёрқин кунларида ҳаётининг қандай бахт-саодат бирла кечгани ҳақида куйларди. Афсуски, хушбахт онларнинг умри қисқа экан, ўтиб кетди. Эвридика дунёдан кўз юмди. Орфей ўзининг қайғуси, узилган муҳаббат изтироблари, марҳумага бўлган ҳасратини куйга солганди. Унинг кўшиқларини бутун бошли Аид салтанати жон қулоқ бўлиб тинглар, унинг куйлари ҳаммани сел қилиб юборганди. Аид ҳам бошини куйи солиб, Орфейни тингларди. Бошини эрининг елкасига қўйиб, Персефона ҳам Орфей кўшиқларини тинглаб ўтирарди. Унинг кўзларида ғусса ёшлари қалқди. Қўшиқ сеҳридан жунбишга келган Тантал ўзини эзаётган очлик ва ташналикни ҳам унутганди. Сизиф эса ўзининг машаққатли, бесамара ишини тўхтатиб, тоққа юмалатиб бораётган тошининг устига ўтириб олди ва чуқур ўйга толди. Қўшиқ жозибасидан сеҳрланган Данайнинг қизлари ҳам ўзларининг тубсиз идишларини фаромуш этишганди. Уч киёфали баджаҳл маъбуда Ҳеката ҳам кўзларидаги ёшларни ҳеч ким кўрмасин дея юзини қўллари билан бекитди. Ачиниш нималигини билмаган бераҳм Эринияларнинг кўзларида ҳам ёш ялтирарди. Орфей ўз кўшиғи билан ҳатто ўшаларнинг қалбини ҳам эритганди. Лекин у борган сайин сусайиб, билинар-билинемас чекилган оҳнола янглиғ тинди.

Атрофда ўлик сукунат ҳукм сурарди. Ушбу сукунатга маъбуд Аид чек қўйди-да, Орфейдан нима учун ўз салтанатига келганини ва нима ҳақда илтимос қилмоқчи эканлигини сўради. Ажойиб кўшиқчининг илтижосини ижобат этаман дея Аид худоларнинг бузилмас қасами – Стикс дарёси сувлари билан қасамёд қилди. Орфей Аидга шундай дея хитоб этди:

– Эй қудратли ҳукмдор Аид, биз фонийларнинг умри битди дегунча ўз салтанатингга оласан. Мен сенинг салтанатингдаги даҳшатларни кўриш учун эмас, Ҳераклга ўхшаб, салтанатинг соқчиси уч бошли ит – Церберни олиб кетиш учун келган эмасман. Мен бу ерга Эвридиканинг ҳаётини қайтариб бер дея ёлвориш учун келганман. Уни ер юзига, ҳаётга қайтар. Қандай азият чекаётганлигимни ўзинг кўриб турибсан! Ўйласанг-чи, ҳукмдор, агар сенинг хотининг Персефонани тортиб олсалар, сен ҳам изтироб тортган бўлардинг. Эвридикани мангуга қайтармайсан-ку, ахир. У яна сенинг салтанатингга қайтиб келади. Ҳукмдор Аид, умримиз қисқалигини биласан, Эвридикага ҳаёт нашидасидан қониқиш имконини бер, у сенинг салтанатингга шундай навниҳол ҳолда келди, ахир!

Маъбуд Аид бир дам ўйга толди-да, сўнгра Орфейга деди:

– Бўпти, Орфей! Мен Эвридикани сенга қайтариб бераман. Майли, уни тириклик дунёсига олиб чиқ, қуёш ёғдусидан баҳравар бўлсин. Лекин бир шартга риоя қилмоғинг лозим: сен маъбуд Ҳермеснинг ортидан, сенинг ортингдан аса Эвридика боради. Бироқ ер ости салтанатидан чиқаётганинда орқанга бурилиб қарамайсан. Эсингда тут! Қарагудек бўлсанг, шу заҳотиёқ Эвридика сени тарк этади ва умрбод менинг салтанатимда қолиб кетади.

Орфей ҳаммасига рози бўлди. У тезроқ ортга қайтишни ўйларди. Ҳермес бир зумда Эвридиканинг кўланкасини бошлаб келди. Орфей унга ўзгача сурур билан қарарди. Орфей Эвридиканинг кўланкасини қучмоқчи бўлди. Лекин, маъбуд Ҳермес уни ниятидан қайтараркан, шундай деди:

– Орфей, сен кўланканигина қучмоқчи бўлаяпсан, ахир. Тезроқ кетайлик. Йўлимиз жуда машаққатли.

Улар йўлга равона бўлишди. Олдинда Ҳермес бормоқда, унинг ортидан Орфей, унинг ортидан эса Эвридиканинг кўланкаси. Улар Аид салтанатидан зудлик билан ўтиб кетишди. Ҳарон уларни ўз қайиғига миндириб, Стикс сувларидан ўтказиб қўйди. Ана, ерга олиб чиқадиган сўқмоқ кўринди. Йўл ғоят машаққатли бўлиб, баландликка қараб тик кўтариларди, бунинг устига, харсанг тошлар юришга монелик қиларди. Теварак-атрофда зулмат ҳукм суради. Унда олдинда бораётган Ҳермеснинг шарпасинигина элас-элас кўрса бўларди. Ва ниҳоят, узоқ-узоқларда ёруғлик шуъласи кўзга ташланарди. Бу ер юзига чиқиш жойи эди. Атроф равшанлашгандай туюлди. Агар Орфей ортига бурилиб қараса, Эвридикани кўрган бўларди. У унинг ортидан келаяптими ўзи? Ёки у ўликлар салтанатида қолиб кетдимикан? У балки орқада қолиб кетгандир, йўл шундай укубатли бўлса! Эвридика орқада қолди, чоғи, ҳа, у ўша машъум зулматда сарсон кезишга маҳкум этилган. Орфей одимини секинлатди, атрофга кулоқ солди. Ҳеч нарса эшитилмайди. Наҳотки, жисмсиз тананинг қадам ташлаши эшитилса! Нукул Эвридикани ўйлаб бораётган Орфейни хавотир босди. У дамбадам юришдан тўхтади. Атроф тобора ёришмоқда. Энди Орфей хотинининг кўланкасига қараса ҳам бўлар! Охир оқибат Орфей ҳамма нарсани унутиб, орқасига ўгирилди. Эвридиканинг кўланкаси қарийб ўзи билан ёнма-ён бораётганини кўриб қолди. Орфей унга томон қўлларини узатган эди, кўланка ундан борган сайин узоқлашиб, ахийри зулмат ичра ғойиб бўлди. Талвасага тушган Орфей бамисоли тошдай қотиб турарди. Унга Эвридиканинг бир бор ўлимини бошдан кечиришга тўғри келди, аммо иккинчи бор ўлимининг сабабчиси ўзи бўлган эди.

Орфей жойида узоқ туриб қолди. Уни тириклик тарк этгандай эди. У мрамар ҳайкалдай қотиб қолганди. Ниҳоят у қимирлагандай бўлди-да, бир-бир қадам ташлаб, ортига – ваҳимали Стикс қирғоқларига қайтди. У тагин Аид тахтига бориб, Эвридикани қайтариб олиш учун ёлворишга қарор қилди. Бироқ кекса Ҳарон уни ўзининг шалағи чиққан қайиғида Стикснинг нариги қирғоғига ўтказишдан бош тортди, Орфейнинг ялинишлари беҳуда кетди, бешафқат Ҳаронга Орфейнинг кўшиқлари энди қор қилмасди. Ҳамма нарсани – ейиш-ичишни ҳам унутган Орфей етти кечаю кундуз ғам-алам ёшини тўкиб, дахшатли ўликлар кўланкалари салтанати худоларига нола қилиб ўтирди. У саккизинчи кунигина Стикс қирғоқларини тарк этиб, Фракияга қайтишга қарор қилди.

ОРФЕЙНИНГ ЎЛИМИ

Эвридиканинг ўлимидан тўрт йил ўтди, аммо Орфей илгаригидек унга содиқ бўлиб қолганди. У Фракиядаги аёлларнинг бирортасига ҳам уйланмоқчи эмасди. Кунлардан бир кун, илк баҳор чоғида, дарахтларда эндигина дастлабки яшиллик пайдо бўлаётган вақтда буюк кўшиқчи унча баланд бўлмаган бир тепаликда ўтирарди. Оёқ томонида унинг кифараси ётарди. Кўшиқчи уни қўлига олиб, торларни оҳиста чертаркан, куйлай кетди. Жозибали кўшиқни бутун табиат мароқ билан тинглади. Орфейнинг кўшиғидаги қудрат ва жаранго бутун борлиқни мафтун этганди. Барча ёввойи ҳайвонлар ўрмон ва тоғларни тарк этиб, Орфейга томон интилар эди. Кўшиқчини тингламоқ бўлиб қушлар учиб келишди. Ҳатто дарахтлар ҳам жойларидан силжишиб, Орфейни ўраб олишди. Эман ва терак, хушқомат сарвлар, кенг япроқли чинорлар, қарағай ва арчалар теварак-атрофда ўрмалашар ва кўшиқчини тинглардилар. Уларнинг тепасидаги на бир япроқ, на бирор бутуқ қимир этарди. Бутун табиат унинг куйларига махлиё бўлганди. Тўсатдан узоқда қаттиқ қийқириқлар, тимпан (ноғорага ўхшаш мусика асбоби)ларнинг жарангоси ва қаҳқаҳа овозлари эшитилди. Бу Кикон аёлларининг айюҳаннос солувчи шодиёнаси бўлиб, ўсимлик, узумчилик, май худоси Дионис шарафига ўтказилаётган байрамдан дарак берарди. Вакҳанка (Дионисга эргашган ва уни шарафлаб кўшиқ айтadиган ва рақсга тушадиган аёллар)лар тобора яқинлашиб келмоқда, ана, улар Орфейни кўриб қолишди, бирови қаттиқ қичқириб, шундай хитоб этди:

– Ана, у хотинбезори!

Вакҳанка кўлидаги тўқмоғини силтаб, Орфейга қаратиб иргитди. Лекин тўқмоққа ўралган чирмовиқ кўшиқчини қаттиқ зарбадан сақлаб қолди. Бошқа бир вакҳанка Орфейга қаратиб тош иргитди, лекин Орфейнинг сеҳрловчи кўшиғидан мағлуб бўлган тош ундан кечирим сўраётгандек



Орфейнинг оёқлари томон думалаб кетди. Қўшиқчининг теграсида шовкин солаётган вакханкалар (Диониснинг мухлисалари) қийқириғи борган сайин баландлашар, уларнинг қўшиқлари тобора авж пардасига кўтарилар, тимпан-чилдирмалар гумбурлар эди. Дионис мухлисалари Орфейга, худди йиртқич қушлар сингари ҳамла қилишди. Вакх байрами шовқини қўшиқчининг овозини бўғиб юборди. Қўшиқчининг устига тўқмоқ ва тошлар дўлдай ёғиларди. Орфейнинг ялинишлари беҳуда, уни ҳеч ким аямасди, унинг дилрабо куйларини дов-дарахтлар, тоғу тошлар тинглайди-ю, аммо ғазабкор шаробхўр мухлисалар уни назар-писанд қилмасди. Қип-қизил қонга беланган Орфей ерга қулади, у шу зайл жонидан жудо бўлди, вакханкалар унинг жасадини ўзларининг қонга ботган қўллари билан бурда-бурда қилиб ташлашди. Орфейнинг боши ва унинг кифарасини шаробхўр вакханкалар тез оқар дарё Хебрага иткитдилар. Вожабо! Дарё тўлкинлари оқизиб кетаётган кифара торларидан Орфейнинг ўлиmidан нолиётгандек оҳистагина янграётган нолаю афғонлар тараларди, уларга дарё суви жўр бўларди. Орфей учун бутун табиат йиғларди. Дарёлар тўккан кўз ёшлардан уларнинг сувлари қирғоқларидан ошиб кетганди. Нимфа ва дриадалар (дарахтлар ҳомийси) ғам-ғусса рамзи сифатида сочларини тўзғитиб, қора либосларга бурканган эдилар. Хебра қўшиқчининг боши ва кифарасини узоқ-узоқларга – бепоён денгиз сувлари сари элтмоқда эди. Денгиз долғалари кифарани Лесбос ороли соҳилларига келтирганди. Ўшандан буён Лесбосда ғаройиб қўшиқлар овози жаранглайди. Орфей олтин кифарасини кейинчалик маъбудлар юлдузлар туркуми ичра жойлаштиришди.

Орфейнинг арвоҳи қўланкалар салтанатига равона бўлди ва тагин ўша – Эвридикани излаган жойларини кўрди. Буюк қўшиқчи яна Эвридиканинг қўланкасини учратди, уни меҳр билан оғушига олди. Энди улар бир-биридан ажралмайдиган бўлишди. Орфей ва Эвридиканинг қўланкалари савсан гуллари ўсиб ётган ним қоронғи далаларда тентираб юради. Энди Орфей ортида Эвридика келаяптими йўқми деб бемалол орқасига қараши мумкин.

ХИАЦИНТ

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Гўзалликда Олимпсоҳиб маъбудларга тенг бўлган Спарта подшосининг ўғли ёш ва соҳибжамол Хиацинт тирандоз маъбуд Аполлоннинг дўсти эди. Аполлон Эврот дарёси қирғоқларига, Спартага дўстининг олдига тез-тез келиб турар ва у ерда қалин ўрмон тоғ ёнбағирларида ов қилиб, шу билан вақтини ўтказар ёки спарталиқлар жуда моҳир бўлган гимнастика билан шуғулланарди.

Кунлардан бир кун жазирама туш пайтига яқин Аполлон ва Хиацинт оғир диск (гардиш) ирғитишда мусобақалашмоқда эдилар. Биринчи гардиш борган сайин юксакликка, осмон сари ўрларди. Қарабсизки, қудратли маъбуд Аполлон бутун кучини бир ерга йиғиб, гардишни ирғитди. Гардиш баланд-баландларга, булутларгача парвоз этгач, осмонда юлдуз янглиғ порлаб, ерга томон тушарди. Хиацинт гардиш тушадиган ерга югуриб келди. Ёш атлет (ғайритабиий қувватли одам) гардиш ирғитишда маъбуддан қолишмаслигини Аполлонга кўрсатиш учун уни дарҳол кўтариб, ирғитмоқчи эди.

Ерга зарб билан тушган гардиш сапчиб кетди-да, ўзининг залвори билан унга қараб югуриб келаятган Хиацинтнинг бошига урилди. Хиацинт оҳ тортганича юз тубан йиқилди. Унинг жароҳатланган бошидан қип-қизил қон дарё бўлиб оқаркан, соҳибжамол йигитнинг қоп-қора қўнғир сочларини алвон рангга бўяди.

Кўрқиб кетган Аполлон югуриб келди. У дўстига томон энгашиб, уни ердан кўтариб олди-да, қора қонга беланган бошини тиззасига қўйди, у тинимсиз оқаётган қонни тўхтамоқчи бўлди, аммо уринишлари беҳуда кетди. Хиацинтнинг ранги ўча бошлади. Унинг ёрқин ва тийрак кўзлари хира тортаётганди, кучсизланган боши эса қиём чоғи куёшнинг жазирама ёлқинида сўлиган дала чечагининг гултожи янглиғ қуйи солинмоқда эди. Талвасага тушган Аполлон шундай хитоб этди:

– Сен дунёдан ўтаяпсан, азиз дўстим! Оҳ, шўрим қурсин, шўрим қурсин! Сен менинг қўлимдан ҳалок бўлдинг! Нечун мен гардишни ирғитдим! Кошқийди сен билан бирга бефайз ва ғам-ҳасратли ўлиқлар салтанатига боролсаму гуноҳимни ювсам! Нечун мен умрибоқийман, нечун сенинг ортингдан ўлимга юз туюлмайман!

Аполлон жон бераётган дўстини оғушида маҳкам ушлаб тураркан, унинг кўзларидан тирқираган ёшлар Хиацинтнинг қонга бўялган қоп-қора қўнғир сочларига қуюларди. Хиацинт дунёдан кўз юмди,

унинг арвохи Аид салтанатига равона бўлди. Аполлон мархумнинг жасади тепасида туриб шивирларди:

– Сен менинг қалбимда мангу яшайсан, соҳибжамол Хиацинт. Сенинг хотиранг одамлар орасида ҳам абадий яшайди.

Мана қарабсизки, Аполлоннинг шу сўзларидан сўнг алвондай қип-қизил ва хушбўй гул Хиацинт – сунбул ўсиб чикди, унинг япроқларида маъбуд Аполлоннинг аламли оҳ-ноласи ўз аксини топди. Хиацинт (сунбул) одамлар хотирасида сақланиб қолди, улар уни Хиацинтлар – сунбуллар сайлида ёд этадилар.

ПОЛИФЕМ, АКИД ВА ГАЛАТЕЯ

Соҳибжамол нереида (денгиз худоси Нерейнинг кизи) Галатея Симефиданинг навқирон ўғли Акидни, Акид эса нереидани севарди. Галатеянинг ошиғи фақат Акид эмасди. Кунлардан бир кун Галатея ўз малоҳати билан гул-гул ёниб, мовий денгиз тўлқинларини ёриб, сузиб чикқанида уни баҳайбат циклоп (бир кўзли улкан махлуқ) Полифем кўриб қолди. У шу заҳотиёқ муҳаббат ўтида ёна бошлади. Эҳ, қудратинг нақадар буюк, қадрдон Афродита, унга яқинлашган жазосини оладиган, раҳму шафқат нелигини билмаган, ўша Олимпсоҳиб маъбудлардан нафратланган циклопнинг кўнглига севги бахш этдинг! Полифем муҳаббат алангасида ёнмоқда. У ўзининг кўйлари ва яшаб турган ғорини ҳам унутди. Ёввойи ва тўпос циклоп ҳатто ўзининг чиройи ҳақида ташвишлана бошлади. У ўзининг пахмоқ сочларини метин чўкич билан тарайди, тўзғиб, ҳурпайиб кетган соқолини ўроқ билан текислайди. У илгаригидек ёввойи ва қонхўр ҳам эмас.

Айни шу сонияда қароматсоҳиб Телем Сицилия соҳилларига сузиб келганди. У ўз тақдирини билмоқчи бўлган Полифемга шундай дея башорат қилди:

– Сенинг манглайингга битган яккаю ягона кўзингни Одиссей ўйиб олади.

Қароматсоҳибга жавобан Полифем кўрслик билан кулди-да, шундай хитоб этди:

– Соҳибқаромат зотларнинг энг аҳмоғи экансан, ёлғон гапирдинг! Кўзимни бошқа биров ўзига жалб этган!

Тошлоқ тепалик денгизнинг ичкарасига кириб борганди, у бетиним шовкин солувчи тўлқинлар зарбидан емирила бошлаган. Полифем кўпинча ўз подасини ана шу тепаликка ҳайдаб келарди. У ўша ерда чўқмор таёғини оёқ томонга кўйиб, юз дона қамишдан ясалган найини олар ва унга бор кучи билан пуфлар эди. Полифем найининг ёввойи ва кўпол товушлари узоқ-узоқларга, денгиз ва тоғлар, қир-адирларга тараларди. Улар тепалик яқинидаги салқин ғорда бирга ўтирган Галатея ва Акидга етиб борарди. Полифем най чалар ва кўшиқ айтарди. У кўкқисдан қутурган хўкиздай ўрнидан турди. Чунки денгиз қирғоғидаги ғорда Галатея ва Акидни кўриб қолди ва шундай қаттиқ қичқирдики, Этнадан акс-садо келди:

– Мен сизларни кўриб турибман! Яхшиямки, бу сизларнинг сўнги учрашувингиз бўлди!

Галатея кўрқиб кетди ва дарҳол ўзини денгизга ташлади. Уни Полифем чангалидан жонажон денгиз тўлқинлари сақлаб қолди. Даҳшатга тушган Акид эса қочиб қутулишга ҳаракат қиларди. У кўлларини денгизга томон чўзиб, хитоб қилди:

– Ҳой Галатея, менга ёрдам бер! Ота-онам, қайдасиз, халос этинг мени! Ўз паноҳингизга олинг!

Циклоп Акидга етиб олади. У тоғдан улкан бир қояни узиб олдида, Акидга қаратиб ирғитди. Гарчи Полифем ирғитган қоянинг бир чеккаси тегиб кетган бўлса-да, ўша ҳам Акиднинг тақдирини ҳал қилган эди. Қоянинг чеккасидан Акиднинг қони селдек қуюларди. Дарада ўсган қамиш ям-яшил тусга кирди-ю, ундан жилдираб зилол сув тирқираб оқа бошлади. Тошқин ичидан бошига қамиш гултож кийган зангор қиёфали йигит намоён бўлди. У Акид эди – дарё маъбудига айланганди.

ЭГИЗАКЛАР, КАСТОР ВА ПОЛИДЕВК

Спарта подшоси Тиндарейнинг хотини Этолия подшоси Фестийнинг кизи, соҳибжамол Леда эди. Леда ўзининг бекиёс сулувлиги билан бутун Юнонистонда донг таратди. Леда Зевсга хотин бўлганда ундан икки нафар бола кўрди: маъбуда сингари гўзал кизи Елена ва буюк қахрамон ўғли Полидевк. Леда Тиндарейдан ҳам икки нафар бола туғди: кизи Клитемнестра ва ўғли Кастор.



Полидевк ўз отаси Зевсдан умрибоқийликни олган, укаси Кастор эса фонийзот эди. Ҳар иккала ака-ука ҳам Юнонистоннинг буюк қаҳрамонлари сирасига мансуб. Маҳодани бошқаришда ҳеч ким Касторга тенг келолмасди, у ҳар қандай асов отларни ҳам ўзига ром эта оларди. Полидевк эса муштлашиш санъатида тенгсиз жангчи. Хуллас, эгизаклар юнон қаҳрамонларининг барча жасоратларида иштирок этишарди. Улар ҳаммаша бирга бўлиб, ака-укани самимий муҳаббат ришталари боғларди.

Эгизакларнинг икки нафар амакиваччалари бор эди. Улар – Линкей ва Идас бўлиб, Мессен подшоси Афарейнинг ўғиллари эдилар. Идас қудратли жангчи. Укаси Линкей эса ҳатто ер қаъридаги нарсаларни ҳам кўра оладиган қобилиятга молик бўлиб, ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмасди. Эгизаклар ўз амакиваччалари билан биргаликда бир талай жасоратлар кўрсатишди. Кунлардан бир кун улар жасуруна бостириб кириб, Аркадиядан хўкиз подасини ҳайдаб кетишди ва ўлжани ўзаро бўлишга қарор қилишди. Ўлжани Идас бўлиши керак эди. Идас бутун бошли ўлжани акаси билан ўзига қолдирмоқ ниятида айёрлик ишлатмоқчи бўлди. У хўкизлардан бирини тўртга бўлди ва ҳар кимга ўз улушини бериб, ким ўз улушини ҳаммадан олдин еб битирса, ўлжанинг ярмига эга бўлиши керак эди, қолган қисмини эса ўз ҳиссасини иккинчи бўлиб еганга беришга қарор қилди. Идас ўз ҳиссасини ҳаммадан олдин еб тамомлади ва акаси Линкейга унинг ҳиссасини ейишга ёрдам бера бошлади.

Идас ўзларини алдаганини кўрган Кастор ва Полидевк қаттиқ ғазабланишди ва ажралмас дўст бўлган амакиваччаларидан ўч олишга қарор қилишди. Кастор ва Полидевк Мессенияга хужум қилиб, Аркадиядан ҳайдаб келтирилган поданигина эмас, балки Идас ва Линкейнинг шахсий подаларининг бир қисмини ҳам ўғирлаб келишди. Эгизаклар бу билан чекланмасдан, амакиваччаларининг қайлиқларини ҳам ўғирлаб кетишди.

Эгизаклар Идас ва Линкей ўзларининг бундай қилмишларини кечирмасликларини билишарди, шу боисдан улар каттакон бир дарахтнинг қавагига яшириниб, Идас ва Линкейнинг таъқиб этишини кутиб ўтиришди. Эгизак ака-укалар уларга билдирмасдан хужум қилишмоқчи эди, чунки бир пайтлар иккаласи соҳибжамол Мерпесса учун баҳслашганда Идас кумуш ёйли Аполлоннинг ўзи билан жанг қилишга журъат этганди, шу сабабдан улар Идасдан хавфсирашарди. Лекин эгизаклар Линкейнинг ўткир кўзларидан яширинолмасди. Линкей юксак Тайгет тоғида туриб, дарахт қавагида яширинган ака-укани кўрди. Идас ва Линкей эгизакларга ҳамла қилишди. Улар қавақдан чиқишга улгурмасдан, Идас ўз найзаси билан дарахтга зарба берган эди, у Касторнинг кўксига санчилди. Уларга Полидевк хужум қила бошлади. Афарейнинг ўғиллари унинг хужумига бардош беришолмади ва қоча бошладди. Полидевк уларга Афарейнинг қабри ёнида етиб олди. У Линкейни ўлдирди, Идас иккаласи ўртасида ҳаёт-мамот жанги бошланди. Шу аснода Зевс яшинчакнатиб, Идас ва Линкейни ёндириб юборди ва яккама якка олишувга чек қўйди.

Полидевк ўлар даражада ярадор бўлиб ётган Касторнинг олдига келди. Ўлим уни биродаридан жудо қилаётганини кўриб, аччиқ кўз ёши тўкди. Шунда Полидевк отаси Зевсга ўзини ҳам акаси билан бирга ўлдиришини илтимос қилди, унга кўп ялинди. Зевс ўз ўғлининг ҳузурига ташриф буюрди ва унга: ё Олимпда нурафшон худолар билан бирга мангу навқирон яшашни ёки аканг билан бир кун дахшатли Аид салтанатида, бошқа бир кун Олимпда яшашни танла. Полидевк акасидан ажралишни истамасди, шунинг учун у билан муштарақ тақдирга эга бўлишни танлади. Ўшандан буён ака-ука бир кун ўлиқлар кўланкалари салтанатидаги қоронғиликда тентираб юришса, бошқа бир кун маъбудлар билан бирга олампаҳо Зевс саройида бўлишади. Юнонлар эгизакларга маъбудларга сиғингандек сиғинадилар. Улар ҳар қандай хавфу хатар чоғида одамларнинг химоячилари сифатида уларни ёт эл сафари пайтида ҳам, ватанида ҳам муқаддас деб билишади.

АТРЕЙ ВА ФИЕСТ

Атрей ва Фиест буюк қаҳрамон Пелопснинг ўғиллари эди. Бир пайтлар Пелопсни подшо Эномайнинг маҳода ҳайдовчиси Миртил лаънатлаганди, Пелопс уни хиёнаткорона маҳв этганди, шу боисдан у ўша лаънатланганлиги туфайли катта ёвузликлар қилишга ва Пелопс уруғининг ҳалокатига сабаб бўлишга маҳкум этилганди. Миртилнинг лаънати Атрей ва Фиестни ҳам ўз гирдобига тортди. Улар бир неча бор ёвузликлар қилишди. Атрей ва Фиест нимфа Аксионанинг ўғли Хрисипп ва ўзларининг отаси Пелопснинг ҳам умрига зомин бўлишганди. Атрей ва Фиестни Хрисиппни ўлдиришга мажбур этган киши уларнинг онаси Хипподамия эди. Улар ўша ёвузликка йўл қўйгач,



оталарининг ғазабидан кўрқиб, унинг салтанатидан қочиб кетишди ва сингиллари Никеппанинг эри бўлмиш Микена подшоси Персейнинг ўғли Сфенелникида паноҳ топишди. Сфенел ўлгач, уни Иолай томонидан асир олинган ўғли Эврисфей Ҳераклнинг онаси Алкмена кўлидан ҳалок бўлгандан сўнг Микена устидан ҳукмронлик қилиш Атрейга насиб этганди, чунки Эврисфейдан меросхўр қолмаганди. Акаси Атрейга ҳасад қилган Фиест қандай йўл билан бўлсада ундан ҳукмронликни ўз кўлига олишга азму қарор қилди. У ўз акасидан Атрейнинг хотини Аэропа ёрдамида унга маъбуд Ҳермес томонидан совға қилинган олтин жунли кўй терисини ўғирлашининг сабаби – худолар томонидан «олтин жунли кўй териси кимга мансуб бўлса, ўша Микена устидан ҳукмронлик қилади» деб ёзилган эди. Олтин жунли кўй терисини ўғирлагач, Фиест салтанат устидан ҳукмронликни талаб қилди – олтин жунли тери унинг кўлида эди-да, ахир. Яшинчақнатар Зевс Фиестдан ғазабланиб, Микена аҳолисига Фиест ҳукмронликни ноҳақлик билан эгаллашга уринаётганини самовий аломатлар орқали баён этди. Микеналиқлар Фиестни подшо сифатида эътироф этишдан воз кечишди. Фиест акасининг қаҳридан қутилиш учун Микенадан қочиб кетишга мажбур бўлганди. У акасидан интиқом олиш мақсадида ўзи билан бирга ҳеч кимга билдирмасдан, Атрейнинг ўғли Полисфенни Микенадан олиб кетди. Фиест ёт элда Полисфенни ўзининг жонажон ўғлидек тарбиялади, унда Атрейга нисбатан нафрат уйғотди. Доғули Фиест Полисфендан отасидан ўч олишда қурол сифатида фойдаланишни ниёт қилди. Полисфен ўсиб, вояга етганда Фиест уни Атрейни ўлдириш учун Микенага юборди. Лекин Полисфеннинг ўзи отаси кўлидан ҳалок бўлди. Ўзи ўлдирган йигитнинг кимлигини билгач, Атрей даҳшатга тушди. У укасидан интиқом олмоққа қасамёд қиларкан, Атрей ўта маккорона ва ваҳшиёна режа ўйлаб топди. Буни ижро этиш учун муғомбирлик қилиб, Фиест билан ярашишга тайёр эканлигини билдирди. У укасига одам юбориб, уни Микенага қайтишга ундади. Фиест Микенага қайтиб келгандан сўнг, тагин Атрейнинг хотини Аэропа билан нукул қандай қилиб акасини маҳв этиш ҳақида ўйлаб, фитна юргиза бошлади. Бундан хабардор Атрей хийлагар укасидан қасос олишга астойдил киришди. У Фиестнинг ўғиллари – ёш Полисфен ва Тантални пинҳона ушлаб ўлдиришга амр этди. Уларнинг гўштидан Атрей укасига даҳшатли емак тайёрлади.

У Фиестни зиёфатга таклиф этди ва унинг олдига ўғилларининг гўштидан тайёрланган овқатни келтириб қўйди. Осмон бўйлаб Зевснинг момоқалди роғи гулдираб кетди. Яшинчақнатар Атрейнинг бундай ёвузлигидан қаттиқ ғазабланди. Унинг даҳшатидан ҳатто нурафшон куёш худоси Ҳелиос ҳам ниҳоятда қаттиқ қаҳрланди, у отанинг ўз фарзандлари гўштини қандай иштаҳа билан тановул қилишини кўрмайин дея ўз маҳодасини ортга қайтариб, қанотли отларининг бошини шарққа буриб, ҳайдаб кетди. Фиест бўлса, ҳеч нарсдан гумонсирамай, овқатни олдига қўйиб, бемалол ея бошлади. Фиест мириқиб овқатланди. Баногоҳ уни мавҳум бир ботиний туйғу чулғаб олди-ю, қандайдир катта мусибат юз берганини сезгандай бўлди, шунда у Атрейдан ўғиллари ҳақида сўраб қолди. Атрей мулозимларини чорлаб, Фиестга Полисфен ва Танталнинг бошлари ва оёқларини кўрсатишни амр этди. Ўғилларининг ҳалок бўлганини билиб олган Фиест хўнграб йиғлаб юборди. У Атрейга ўғилларининг жасадини бер, дафн этай дея ёлвора бошлади. Атрей укасига болаларининг аллақачон дафн этилганини, лекин ерга эмас, балки унинг ўзида дафн этилган деб жавоб қайтарди. Даҳшатга тушган Фиест қанақа емак тановул қилганини шунда фаҳмлади. У емак столини ағдариб ташлади-да, ваҳимали дод-фарёд ила ерга қулади. Ғам-алам туфайли ақлдан озган Фиест ўрnidан сапчиб турди-да, ниҳоят Атрей ва унинг бутун уруғ-аймоғини лаънатлаганча саройдан югуриб чиқиб кетди. Фиест ҳамма нарсани унутиб, кўз олди қоронғулашиб, Микенадан қочиб кетди ва чўлда паноҳ топди. У ерда хийла вақтгача ҳеч кимга кўринмай тентираб юрди ва охир-оқибат Эпир подшоси Феспрот хузурига келиб, ўзига бошпана топди.

Маъбудлар Атрейнинг манфур ва шафқатсизларча қилган ёвузлигидан ғазабланишди. Улар уни жазолаш учун Арголидани ҳосилсизликка маҳкум этишди. Шундай ҳосилдор ерда ҳеч нарса битмайдиган бўлди. Атрей худудида очлик ҳукм суларди. Минглаб одамлар очликдан ўлиб кетди. Бахтсизликнинг сабабини билиб олиш учун Атрей кароматсоҳибга мурожаат қилди. Кароматсоҳиблар Фиест Микенага қайтиб келгандагина мусибатга чек қўйилади деган жавобни беришди. Атрей укасини бутун Юнонистон бўйлаб узоқ вақт излади, бироқ унинг қайда эканидан дарак топмади. Ниҳоят, у унинг вояга етмаган ўғли Эгисфни топди. Атрей уни ўз саройига келтириб, худди ўз боласидек тарбиялади.

Орадан кўп йиллар ўтди. Атрейнинг ўғиллари Менелай ва Агамемнон тасодифан Фиестнинг қаердалигидан хабар топишди. Улар Фиестни ушлаб, Микенага келтиришга муваффақ бўлишди. Лекин Атрей укаси билан ярашмади. Уни зиндонга ташлаб, ўлдирмоқчи бўлди. У Эгисфни хузурига

чақириб, унга ўткир қилич берди ва зиндондаги тутқунни ўлдиришни буюрди. Ўзининг отаси деб юрган Атрейнинг уни қандай даҳшатли юмушни адо этишга юбораётганини Эгисф билмасди. Эгисф зиндонга қадам қўйган заҳотиёқ, Фиест ўзининг ўғли эканини англади. У ўзининг кимлигини Эгисфга баён этгач, ота-бола Атрейни қандай махв этиш режасини тузишди. Эгисф саройга қайтиб келгач, Атрейга унинг амрини ижро этиб, тутқунни ўлдирганини айтди. Атрей, ниҳоят, укасини ўлдиришга муваффақ бўлганидан ғоят хурсанд эди. У Олимпсоҳиб маъбудларга қурбонлик бериш учун денгиз соҳилига шошилди. Эгисф худди шу ерда қурбонлик бераётган чоғда Атрейнинг ўзи унга отасини ўлдириш учун берган ўткир қилич билан жароҳатлаб ўлдирди. Эгисф отасини зиндондан озод қилди. Шундай қилиб, Фиест ва ўғли Микена устидан ҳукмронликни қўлга киритишди, Атрейнинг ўғиллари Менелай ва Агамемнон кочиб кетишга мажбур бўлишди. Улар Спарта подшоси Тиндарей салтанатидан паноҳ топишди. Ўша ерда Тиндарейнинг қизларига – Менелай маъбуда Афродита янглиғ соҳибжамол Еленага, Агамемнон эса Клитемнестрага уйланади. Орадан бироз ўтгач, Агамемнон Микенага қайтиб келди, у Фиестни ўлдириб, бир вақтлар отаси ҳукмронлик қилган жойда подшолик асосини эгаллаб олди. Менелай эса Тиндарейнинг ўлиmidан сўнг Спарта подшоси бўлиб қолди.

ЭСАК ВА ҲЕСПЕРИЯ

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Эсак Троя подшоси Приамнинг ўғли буюк қахрамон Ҳекторнинг укаси эди. У Ида тоғининг сердахт ёнбағирларида дарё маъбуди Граникнинг қизи соҳибжамол нимфа Алексироядан туғилган эди. Тоғларда ўсган Эсак шаҳарларни ёқтирмас, отаси Приамнинг саройида яшашдан ҳазар қиларди. Тоғларда, салқин ўрмонларда ўзини узлатга тортиб яшашни хуш кўрарди, унга кенг далалар ҳузур бағишларди.

Эсак Троя ва трояликлар кенгашида камдан кам кўринарди. У узлатий ҳаётга кўниккан бўлса-да, ёввойи ва кўпол эмас, самимий йигит саналиб, қалби муҳаббат ҳиссидан бегона эмасди. Приамнинг навқирон ўғли ўрмонлар ва сайхонларда соҳибжамол нимфа Ҳесперия билан тез-тез учрашиб турарди. У уни жуда қаттиқ севиб қолганди. Нимфа Эсакни кўрган заҳотиёқ яшириниб оларди.

Кунлардан бир кун Эсак латофатли Ҳесперияни Кебрен дарёси соҳилида қуюқ ва сунбул сочларини қуёш нурида қуритаётган чоғда учратиб қолди. Нимфа йигитни кўрар-кўрмас кўрқди ва тутқич бермай кочиб кетди. Эсак унинг ортидан югуриб борарди.

Илкисдан майсалар орасида кулча бўлиб, яшириниб ётган илон нимфанинг оёғидан чақиб олди, илон тишларининг захри яраланган жойга ўрнашиб қолганди. Югуришдан тўхтаган нимфанинг ҳаёт – тириклик риштаси ана шу зайл узилди. Ҳесперия ёнига югуриб келган Эсакнинг қўлларига йиқилди. Ҳаёт билан видолашган нимфани кучганича, ғам-ғуссадан ақлдан озган Эсак шундай хитоб этди:

– Эҳ шўрим курсин! Шўрим курсин! Нечун таъқиб этдим мен уни?! Бу қандай қабоҳат? Нечун шундай қилдим?! Сени биз иккаламиз ўлдирдик! Ҳесперия, сенга ажал келтирган илон бўлса-да, барча қабоҳат менда! Сенинг ўлимингни ўлимим билан ювмасам, ўзимни илондан ҳам доғули деб ҳисоблайман!

Эсак ўзини шовқин-сурон ила чўнг қояга урилаётган денгиз тўлқинлари қаърига отди. Боёқиш йигитга раҳми келган Фетида (денгиз худоси Нерейнинг қизи) уни самимият билан қучди-да, патларга буркади. Шу зайл Приамнинг ўғлини ўзи жуда-жуда истаган ўлим четлаб ўтди. Денгиз юзига қуш бўлиб чиқди. Ниятининг ижобат бўлмаганидан ғазабланиди, наҳотки, у тагин яшаса. У ўзининг хозиргина ўсиб чиққан қанотларини қоқиб, зарб билан ўзини денгизга ташлади, аммо уни қанотлари сақлаб қолди. Эсак дамбадам ўзини денгизга отаверади, у денгиз пўртаналарига урилиб ўлмоқчи бўлади. Йўқ, у ўлимга маҳқум этилмаган! У денгиз тўлқинларига шўнғийди, холос. Эсакнинг вужуди озгинлаша боради, оёқлари қуруқшаб, ингичкалашади, унинг бўйни чўзилиб қолади, у балиқчи ўрдак – ботқалдоққа айланади (эврилади).



Иккинчи қисм

ҚАДИМГИ ЮНОН ЭПОСИ



АРГОНАВТЛАР

Аргонавтларнинг юришлари ҳақидаги асотирлар асосан Аполлоний Родосскийнинг «Аргонавтика» достони асосида баён этилган

ФРИКС ВА ХЕЛЛА

Беотиядаги қадимги минийлар шаҳри Орхоменда шамол худоси Эолнинг ўғли Афамант подшолик қиларди. Унинг булутлар маъбудаси Нефеладан туғилган икки нафар фарзанди – ўғли Фрикс ва қизи Хелла бор эди. Афамант Нефелага хиёнат қилиб, Кадмнинг қизи Инога уйланди. Ино Афамантнинг дастлабки никоҳидан туғилган болаларини ёмон кўриб қолади ва уларни ўлдириш пайига тушади. У орхоменлик аёллар билан экишга тайёрланган уруғларни қуритишга келишиб олди. Орхоменликлар далаларга ўша уруғларни қадашди, оқибатда доимо бекиёс катта ҳосил берган далаларда ҳеч нарса унмади. Орхоменликларга очлик таҳдид соларди. Шунда Афамант экин ерларининг ҳосил бермагани сабабини билиб келиш учун муқаддас Дельфага тирандоз Аполлоннинг кароматсоҳибига элчи юборди. Маккора Ино элчиларни ўзига оғдириб олганди, улар Дельфадан ёлғон жавоб келтиришди.

– Мана кароматсоҳибаси Пифиянинг жавоби, – дейишди Афамантга сотилган элчилар. – Худоларга ўғлинг Фриксни қурбон қил, ўшанда улар экин ерларингга ҳосилдорлик ато этади.

Афамант Орхоменга таҳдид солаётган мусибати азимдан халос этмоқ учун суюкли ўғлини қурбон қилишга қарор этди. Ино Фриксни ўлдириш режаси амалга ошаётганидан ўзида йўқ хурсанд эди.

Қурбонлик бериш учун ҳамма нарса мухайё этилди. Ёш Фрикс қоҳин пичоғига бошини тутиши керак эди, дафъатан олтин жунли қўй пайдо бўлди, у тангри Ҳермеснинг армуғони эди. Қўйни болаларини асраб қолиш учун Фрикснинг онаси маъбуда Нефела юборганди. Фрикс ва синглиси Хелла олтин жунли қўйга миниб олишди, қўй осмон бўйлаб узоқ-узоқларга шимол сари учиб кетди.

Қўй бағоят тез еларди. Қуйида олис-олисларда, бепоён далалар ва ўрмонлар чўзилиб кетган, улар ўртасидан буралиб, кумушдек жилоланган дарёлар оқарди. Қўй тоғлардан ҳам баланд еларди. Ниҳоят денгиз кўринди. Қўй уммон устидан учиб ўтмоқда. Хеллани қўрқув босди, ўзини қўй устида тутолмай турибди. Хелла денгизга тушиб кетди, уни мангу шовқин солувчи тўлкинлар ўз қаърига олди. Фрикс синглисини қутқазмади. У халок бўлди. Ўшандан буён Хелла халок бўлган денгиз Хеллеспонт (Хелла денгизи, ҳозирги Дарданел бўғози) деб атала бошлади.

Қўй билан Фрикс борган сайин жадал елишарди, ниҳоят, улар узоқ Колхидадаги Фасис дарёси қирғоқларига – қуёш худоси Хелиоснинг ўғли сеҳргар Эет ҳукмдорлик қилаётган жойга қўнишди. Фриксни Эет тарбиялади, у балоғатга етганда эса, унга қизи Халкиопани хотинликка берди. Фриксни халос этган қўйни эса булуткувар Зевсга қурбон қилди. Қўйнинг олтин терисини Эет уруш худоси Ареснинг муқаддас ўрмонида дарахтга осиб қўйди. Уни баҳайбат махлуқ оғзидан ўт пуркайдиган, кўзлари уйқу билмас аждаҳо кўриқлаши лозим эди.

Ушбу олтин тери ҳақидаги миш-миш (овоза) бутун Юнонистонга тарқалди. Фрикснинг отаси Афамантнинг авлодлари уруғи(қабиласи)нинг нажоти ва осойишталиги олтин терига эга бўлишга вобасталигини биларди, шу боисдан қандай бўлмасин уни қўлга киритишни истардилар.

ЯСОННИНГ ТУҒИЛИШИ ВА ТАРБИЯЛАНИШИ

Фессалиядаги мовий уммон кўрфази соҳилида Афамантнинг укаси Иолк шаҳрига асос солди. Иолк шаҳри йириклаша борди, далаларининг унумдорлиги, тижорат ва денгизчилик унинг бойлигига бойлик қўшди. Кретея ўлгач, шаҳарни унинг ўғли Эсон бошқара бошлади. Лекин унинг она томондан

бўлган укаси, Посейдоннинг ўғли Пелий ундан ҳокимиятни тортиб олди, Эсонга шаҳарнинг оддий фуқароси сингари ҳаёт кечиришга тўғри келди.

Орадан кўп ўтмай Эсон ажойиб бир ўғил кўрди. Эсон ўзига бино қўйган ва мустабид Пелий унинг ўғлини маҳв этишидан қўрқарди, чунки қонунга биноан Иолкнинг ҳукмронлиги унга мансуб бўлмоғи керак эди. Шу боис уни яширишга қарор қилди. У гўдак туғилган ондаёқ ўлди деб эълон этди, ҳатто унинг хотирасига ҳашаматли маърака ҳам ўтказди. Ўзи эса ўғлини Пелион тоғи ён бағирларида яшовчи донишмандлар донишманди Кентавр Хироннинг ҳузурига олиб кетди. Бола у ерда ўрмондаги ғорда ўсди, уни Хирон, онаси Филира ва Хариклоннинг хотини тарбиялади. Доно Хирон унга Ясон деб исм берди. Хирон Ясонга ҳамма нарсани – қилич чопиш, найза отиш, таранг тортилган ёйдан ўк узишни, мусиқа чалишни, хуллас, ўзи билган барча хунарни ўргатди. Чапдастликда, куч-қудратда, жасоратда унга тенг келадиган зот йўқ, гўзалликда эса у осмон сокинларига тенг эди.

Ясон йигирма ёшга киргунча Хирон ҳузурда яшади. Ниҳоят, у Пелион ёнбағирларини тарк этиб, Иолкка бориб, Пелийдан Иолк устидан ҳукмронлик қилишни ўзига қайтариб беришни талаб қилмоқчи бўлди.

ЯСОН ИОЛҚДА

Пиндар шеърлари (Пифия қасидаси) асосида баён этилган

Ясон Иолкка келганда тўғридан тўғри шаҳарнинг барча аҳолиси йиғиладиган майдонга отланди. Иолк сокинлари соҳибжамол йигитга хайратланиб қарашарди. У шундай келишган эдики, одамлар уни ё Аполлон, ёки Ҳермес бўлса керак деб ўйлашарди. Унинг кийими Иолк сокинлариникига ўхшамасди. У елкасига ола-була қоплон терисини ташлаган ва фақат ўнг оёғидагина сандали (шиппаги) бор эди. Ясоннинг қуюқ кўнғир сочлари елкасига тушиб турар, гўзаллиги ва куч-қудрати билан ёш маъбуд сингари гул-гул ёнарди. У ўзига мафтун бўлган фуқаролар оломони ўртасида иккита найзага суянганича хотиржамгина турарди.

Шу он ўзининг ҳашаматли маҳодасида Пелий ҳам майдонга келиб қолди. У йигитга қараб қўяркан, унинг бир оёғидагина пойабзал борлигини кўриб қолгач, сесканиб кетди. Пелийни ваҳима босди: ахир, бир пайтлар кароматсоҳиблар, унинг тақдири тоғлардан Иолкка келадиган ва фақат бир оёғидагина пойабзали бўлган кишининг қўлида эканлигини башорат қилган эдилар-да. Ўша одам Эсоннинг ўғли бўлмоғи, Пелийни куч ва макр ила маҳв этмоғи лозим, ҳалокатнинг юз бермоғи эса муқаррар эди. Пелий ваҳимага тушганини билдирмасликка ҳаракат қилиб, нотаниш йигитдан мағрурона сўради:

– Хўш, йигитча, насл-насабингни билсак бўладими, қайси қабилага мансубсан? Фақат тўғриси айт, ёлғон сўзлаб, ўзингни бадном этма, мен манфур ёлғоннинг душманман.

Ясон Пелийга хотиржам бир ҳолатда жавоб қайтарди:

– Донишманд Хирон мени фақат тўғрилиқ ва ҳалолликка ўргатган, мен ҳамиша унинг ўғитларига содиқ бўлиб қоламан. Мен Хироннинг ғорида роппа-роса йигирма йил яшадим, лекин ножўя иш қилмаганман. Мен бу ерга, уйимга, жонажон Иолкка, отам Эсон ҳузурига қайтдим. Иолк устидан ҳукмронликнинг менга қайтарилгани талаб қилмоқчиман. Уни, эшитишимга кўра, отамдан маккор Пелий тортиб олган экан. Эй халойиқ, мени буюқ бобокалонларим хонадонига бошлаб борингиз. Мен сизлар учун ёт эмасман, мен шу ерда, Иолқда дунёга келганман. Мен Эсоннинг ўғли – Ясонман.

Иолк сокинлари Ясонга отасининг уйини кўрсатишди. Ясон бўсағани ҳатлагандаёқ отаси ўз ўғлини таниди. Кекса Эсоннинг кўзларида қувонч ёшлари қалқди, у ўғлининг кучли ва ажойиб йигит бўлиб етишганини кўриб, шодлиги ичига сиғмай кетди.

Ясоннинг қайтиб келганлиги ҳақидаги хабар дарҳол укалари – Фера подшоси Фермет ва Мессениядаги Амфаонга етиб борди. Орадан кўп ўтмай, улар ўғиллари Адмет ва Мелампод билан Эсоннинг ҳузурига ташриф буюришди. Эсон ва ўғли Ясон улар шарафига беш кечаю кундуз зиёфат беришди. Суҳбат чоғида Ясон уларга Иолк устидан ҳукмронликни қайтариб олиш ҳақидаги истагини баён айлади. Улар Ясоннинг истагини маъқуллаб, у билан бирга Пелий ҳузурига боришди. Ясон Пелийдан ҳокимиятни ўзига қайтариб беришни талаб қилди ва айни чоғда Эсондан тортиб олган барча бойликларни Пелийга қолдиришга ваъда берди. Пелий Ясонга рад жавобини беришдан қўрқди.

– Майли, мен розиман, – дея жавоб берди Пелий, – лекин бир шартим бор: сен даставвал ерости худоларининг кўнглида раҳм туғдирмоғинг лозим. Узоқ Колхидада ўлган Фрикснинг қўланкаси Колхидада отланишни ва у ердаги олтин жунли қўй терисига эга бўлишни илтижо қилмоқда. Бу ҳақда мени тушимда Фрикснинг қўланкаси огоҳлантирди. Дельфада бўлганимда тирандоз Аполлоннинг ўзи

менга Колхидага отланишни амр этганди. Мен кексайганман, бундай буюк жасоратга журъат этолмайман. Сен ёшсан, куч-кудратинг жойида, шундай жасоратни кўрсат, ўшанда сенга Иолк устидан бўладиган ҳокимиятни қайтараман.

Пелий ғазабини ичига ютаркан, Ясонга шундай жавоб берди. У, агар Ясон Колхидага олтин жунли кўй терисини олиб келиш учун отланишга журъат этса, ўша ерда ҳалок бўлади деб ўйларди.

ЯСОН ҲАМРОҲЛАР ТАНЛАЙДИ ВА КОЛХИДА ЮРИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАДИ

Ясон Пелий билан бўлган суҳбатдан сўнг вақтни бой бермай Колхида юришига тайёрлана бошлади. У Юнонистоннинг барча ўлкаларини айланиб чиқаркан, ҳамма жойда ўз жасорати билан донг таратган буюк қаҳрамонларни Колхидадан олтин жунли кўй терисини олиб келишга чорларди. Барча буюк қаҳрамонлар унинг даъватига «Лаббай!» дея жавоб беришди. Юришда иштирок этиш учун энг буюк қаҳрамон саналган Ҳеракл – Зевснинг ўғли ҳам розилик билдирди. Барча баҳодирлар Иолкда йиғилишди. Улар орасида кимлар йўқ эди дейсиз: Афинанинг фахри бўлмиш қудратли Тесей, Зевс ва Леданинг ўғиллари – Кастор ва Полидевк, уларнинг дўстлари Идас ва Линкей, қанотли қаҳрамонлар Калаид ва Зет, Борей ва Орифиянинг ўғиллари, калидонлик Мелеагр ҳам, қудратли Анкей ҳам, Адмет ҳам, Теламон ҳам, шунингдек, бошқалар шу ерда эдилар. Улар ўртасида ҳатто кўшиқчи Орфей ҳам бор. Юнонистон ҳеч қачон бунақа қаҳрамонлар йиғинини кўрмаганди. Худолар сингари қудратли ва соҳибжамол қаҳрамонларни Иолк сокинларининг қувноқ нигоҳлари жалб этарди. Уларни тўхтатадиган тўсиқ бормикан, ким ҳам уларга монелик қила оларди, улар қалбига нима ҳам қутку сола оларди?

Қаҳрамонлар учун кема ҳам тайёр бўлди. Уни Аресторнинг ўғли Арг ясади. Унга маъбуда Афинанинг шахсан ўзи ёрдам берди. У Зевснинг Додиндаги кароматсоҳибига мансуб бўлган ўрмонда ўсган эман дарахтидан қирқиб олинган бир бўлак ёғочни кеманинг куйрук қисмини ўйиб ичига жойлади. «Арго» деб номланган ушбу ўн эшкакли кема бағоят ажойиб бўлиб, у енгил ва тезюрак эди. Кема уммон тўлқинларини ёриб, чорлоқ янглиғ олға еларди. Юришда иштирок этган қаҳрамонларни кеманинг «Арго» номи билан аргонавтлар («Арго»да сузувчи денгизчилар) деб атадилар. Аргонавтларга ёлғиз Афина ҳомийлик қилаётган эмасди, уларни Ҳера ҳам ўз ҳимояси остига олганди. У ўзига қурбонлик бермагани учун Пелийдан ўта нафратланарди. Ясон Ҳеранинг ўзига нисбатан кўрсатган мурувватидан бағоят мамнун эди. Негаки, кунлардан бир кун ёш қаҳрамонни синаш учун Ҳера унинг олдида кампир қиёфасида пайдо бўлиб, тоғ дарёсининг нариги қирғоғига ўтказиб қўйиши учун куз ёши тўкиб, илтимос қилганди. Ўшанда қаҳрамон уни авайлаб елкасига миндириб, шовуллаб оқаятган тоғ дарёсидан ўтказиб қўйди. Лекин дарёдан кечаётиб, Ясон чап оёғидаги шиппаги(сандали)ни йўқотиб қўйди. Ясон ўшанда Ҳерага ёқиб қолганди, шунинг учун у унга ҳамма жойда мадад бўларди. Тирандоз Аполлон ҳам аргонавтларга ҳомийлик қиларди, зотан қаҳрамонларни шундай сафарга ундаган, уларга бахт ва омад ёр бўлишини башорат қилган ҳам Аполлон эди.

Иолкда йиғилган қаҳрамонлар буюк Ҳераклни ўзларига йўлбошчи қилиб сайламоқчи бўлишди, лекин у рад қилди ва Ясонни таклиф этди. «Арго»га дарғаликка Тифий сайланди, нигоҳидан на ер юзидаги ва на ер қаъридаги нарсани яшириб бўладиган Линкей кеманинг бурнида туриб олди.

Сузиб кетиш учун ҳамма нарса шайланганди. Сувга туширилган «Арго» тўлқинлар ичра секин чайқаларди. Озиқ-овқат ва ичимлик суви заҳиралари ортиғи билан юкланганди. Аполлон ва бошқа худолар шарафига сўнги қурбонлар берилганди. Қурбонлик бериш бахтли аломат намоён этди. Тун бўйи шодиёна зиёфатга берилишди, ўйин-кулги авжига чиқди. Энди эса хавф-хатарга тўла сафарга отланиш пайти келди.

Дарға Тифий аргонавтларни уйғотганда тонг шафағининг алвондек нуридан эндигина осмоннинг бир чеккасигина қизариб келарди. Аргонавтлар кемага чиқишди ва ҳар бир эшкак ёнидаги нимкат(курси)га иккитадан эшкакчи ўтириб олди. Эшкакчилар аҳиллик билан эшкакларни эша кетишди. «Арго» бандоргоҳдан виқор билан очиқ уммонга чиқиб олди. Сузувчилар қордай оппоқ елканни кўтариб юборишди. Йўлдош ел елканни таранг ҳолга келтирдию, қушдай енгил кема майингина шовкин солаётган тўлқинларни ёриб тез юриб кетди. Ана, қордай оппоқ отлар қўшилган маҳодасида жаҳонни нурга чулғовчи қуёш худоси Хелиос ҳам само саҳнида намоён бўлди. «Арго»нинг елкани арғувоний ранг касб этиб, денгиз тўлқинлари тонги қуёш нурларидан ялтирай бошлади.

Орфей олтин кифарасининг торларини зарб билан чертиб юбораркан, унинг сеҳрли кўшиғи бепоён денгиз узра таралди. Қаҳрамонлар мириқиб кўшиқ тинглашди. Уммон қаъридан балиқлар ва ўйноқи дельфинлар ҳам сузиб чиқишди. Улар худди найнинг майин садоларига қулоқ тутиб, чўпон ортидан



эргашган подадай Орфей кўшиқларидан сеҳрлангандай тўлқинларни ёриб, шамолдай тез елаётган «Арго» ортидан сузиб боришарди.

АРГОНОВТЛАР ЛЕМНОСДА

Узоқ чўзилмаган муваффақиятли сузишдан сўнг аргонавтлар яшнаётган Лемнос оролига келиб қолишди. У ерда ёш малика Гипсипила ҳукмдорлик қиларди. Лемносда бирорта эркак зоти учрамайдди. Лемнос аёллари эркакларни ўзларига хиёнат қилганлиги туфайли қириб ташлашган. Фақат подшо Фроаний, Гипсипилианинг отаси ўлимдан қолганди. Уни қизи сақлаб қолган эди.

Аргонавтлар Лемнос қирғоғига келиб қолганларида улар шаҳарга ўз даракчиларини юбордилар, лемнослик аёллар кенгашиш учун шаҳар майдонига йиғилишди, ёш Гипсипила уларга аргонавтларни шаҳарга киритмаслик ҳақида маслаҳат берди. У қаҳрамонлар аёлларнинг ёвузликларини билиб қолишларидан кўрқарди. Лекин кекса Полуксо маликага эътироз билдирди. У аргонавтларни шаҳарга киритиш кераклигини уқтираверди.

– Лемносга душманлар ҳужум қилса, – деди Полуксо, – бизни ким ҳимоя қилади? Кексайганимизда сизларга ким ғамхўрлик қилади, сизлар ёлғизсизлар-ку ахир? Йўқ, мусофирларни шаҳарга киритинглар, майли, улар шу ерда қолишсин.

Лемнослик аёллар кекса Полуксонинг сўзини икки қилишмади, улар шу заҳотиёқ аёллардан бирини аргонавтларнинг даракчиси билан бирга «Арго»да келган қаҳрамонларнинг шаҳарга киришларини илтимос қилиш учун юборишди.

Ясон Афина-Паллада томонидан ўзи учун тўкилган ҳашаматли алвондай қип-қизил хилъатини елкасига ташлади-да, шаҳарга кириб келди. Гипсипила уни иззат-икром ила қабул қилиб, саройда кўнишга таклиф этди. Аргонавтларнинг қолганлари ҳам шаҳарга кириб келишди. Фақат бир неча киши Ҳеракл билан бирга «Арго»да қолганди.

Оролда шодиёна бир ҳолат ҳукм суради. Ҳамма жойда гулханлар ёкилиб, худоларга қурбонликлар берилар, тантана кетидан тантана, зиёфат кетидан зиёфат бошланарди. Қаҳрамонлар ўзларини кутиб турган буюк жасоратларини унутиб юборганга ўхшардилар. Улар фаровон ҳаёт маскани бўлмиш Лемносда обдон ҳузур қилишди. Ниҳоят, қаҳрамонларни ҳеч кимга билдирмасдан «Арго» турган денгиз қирғоғига чақириб олишди. Қаҳрамонларнинг энг буюги ҳисобланган Ҳеракл ҳузур-халоват, айшу ишратга тўла ҳаётни деб жасоратни унутган ҳамроҳларидан ғазаб билан ўпқаланди. Хижолат тортган қаҳрамонлар унинг таъналарига миқ этмай қулоқ солиб турардилар. Улар Лемносни пайсалга солмай тарк этишга қарор қилдилар. Ўша ондаёқ «Арго» сафарга шайланганди. Қаҳрамонлар кемага тушиб эшаклар ёнига ўтираминг деб турганда лемнослик аёллар ёпирилиб келиб қолишди. Улар қаҳрамонларга ўзлари билан бирга қолинглар дея ёлворишарди. Аммо қаҳрамонларни йўлдан уриб бўлмасди. Лемнослик аёллар кўзларидан ёш тиркираган ҳолда улар билан хайрлашишди. Қаҳрамонлар «Арго»га чиқиб олишди ва аҳилона эшакларни эша кетишди. Бақувват эшакларнинг зарбидан тўлқинлар кўпикка ботиб, «Арго» бепоён денгизда қушдек енгил сузиб борарди.

АРГОНАВТЛАР КИЗИК ЯРИМ ОРОЛИДА

Аргонавтлар Пропонтида бўйлаб сузиб келарканлар, улар йўл-йўлакай Кизик ярим оролида тўхташди. У ерда Посейдоннинг авлодлари-долионлар яшарди. Уларнинг ҳукмдори подшо Кизик эди. Кизикдан унча узоқ бўлмаган жойда олти қўлли улканзотлар яшайдиган Айиқ тоғи жойлашган. Долионлар фақат Посейдоннинг ҳомийлиги туфайли шундай қўшин билан беҳавфу хатар ёнма-ён яшаши мумкин эди. Подшо Кизик аргонавтларни эҳтиром ила қабул қилди, кун бўйи уникида базм қуриб ўтиришди. Аргонавтлар эндигина тонг бўзариб келаётганда йўл тадоригини кўришди. Улар «Арго»га тушган эдилар ҳамки, кўрфазнинг нариги қирғоғида олти қўлли улкан зотлар пайдо бўлишди. Улар денгизга баҳайбат тошларни ирғита бошлашди, аргонавтларнинг кўрфаздан очиқ денгизга чиқадиغان йўлларини тўсиш ниятида улар бутун бошли каттакон қояларни бир-бирининг устига қалаштира бошладилар. Ҳеракл ўзининг таранг тортилган ёйини ишга солди, улкан зотларга томон ажал уруғини сочувчи ўқларини йўналтириб отаверди. Аргонавтлар қўлларидан найзаларини ёвга қарши отишга тайёр ҳолда душман устига ёпирилдилар. Жанг узоққа чўзилмади, улкан зотлар биринкетин ерга ва денгизга қулайверди, уларнинг ҳаммасини қириб ташлашди, бирортаси омон қолмади. Аргонавтлар йўлга равона бўлишди. Йўлдош ел елканни таранглаштириб юборди. «Арго» кун бўйи бемалол тўлқинларни ёриб, манзил сари тинимсиз елди. Оқшом қўнди, кўёш худоси Ҳелиос осмон-

дан ингач, тун осмон ва ерни ўз зулматига буркади. Шамол ўзгарди, у «Арго»ни орқага, аргонавтлар яқингинада тарк этган қирғоқларга томон элтмоқда эди. Аргонавтлар қоп-қоронғи тун чоғида яна Кизикка келиб қолишганди. Кизик сокинлари (яшовчилари) уларни танимасдан, денгиз қароқчилари дея хаёл қилиб, ўзларини навқирон подшоси бошчилигида хужум бошлашди. Даҳшатли тунги жанг бошланиб кетди. Қахрамонлар зимзиё тунда ўзлари яқиндагина орттирган дўстлари билан савашмоқда эдилар. Ясон ўзининг ўткир тиғли найзасини ёш подшо Кизикнинг кўксига қадади, у ох тортганича ерга ағдарилди. Тонг худоси Эоснинг нурлари шарққа алвон рангли ёғдусини соча бошлади. Тонг отганда жангчилар бир-бирларини таниб, даҳшатга тушишди. Дўстлар дўстлари билан савашган эканлар. Аргонавтлар ва Кизик сокинлари уч кун давомида ўлганлар хотирасига зиёфат беришди, ўлган ёш подшо учун йиғлашди. Унинг хотини соҳибжамол Клейто, Меропанинг қизи эса эрининг ўлимига бардош беролмай ўткир қилични ўз кўкрагига санчди.

АРГОНАВТЛАР МИЗИЯДА

Унча узоқ чўзилмаган сузишдан сўнг аргонавтлар Мизия соҳилларига етиб келишди. Ичимлик суви ва озиқ-овқат ғамлаш учун қирғоққа яқинлашиб тўхташди. Қудратли Ҳеракл синиб қолган эшканини янгилаш учун яқин орадаги ўрмонга жўнади. У баланд арча дарахтини топиб, уни ўзининг бақувват қўллари билан кучоқлаб, таг-томири билан суғуриб ташлади. Қудратли пахлавон арчани ўзининг чўнг елкасига ташлаб, қирғоқ томон йўл олди. Тўсатдан дўсти Полифем унинг истикболига чиқиб қолади ва унга ҳозиргина ўзларини чорлаётган ёш Гиласнинг овозини эшитганини ҳикоя қилади. Ҳеракл Гиласни излашга киришди, бироқ уни ҳеч қаердан тополмади. Ҳеракл ғамга ботди. У Полифем билан бирга Гиласни изламаган жойи қолмади, аммо ҳамма саъйи-ҳаракатлари беҳуда кетди.

Аргонавтлар бўлса, эндигина мунаввар тонг юлдузи осмонда пайдо бўлиб, субҳу содиқнинг яқинлигидан дарак берганда тонг ғира-ширасида ораларида Ҳеракл ва Полифемнинг йўқлигини пайқамай йўлга тушган эдилар. Тонг отганда ораларида донғи кетган дўстларининг йўқлигини кўриб қахрамонлар қайғуга чўмишди. Ясон аламидан бошини қуйи солиб ўтирарди. У гўё ҳамроҳларининг нолиганини эшитмагандай, гўё Ҳеракл ва Полифемнинг йўқлигини сезмагандай. Шунда Ҳераклнинг содиқ дўсти Теламон Ясоннинг олдига келиб, унга таъна тошларини ёғдираркан, шундай деди:

– Фақат сен хотиржамгина ўтирибсан, энди суюнсанг бўлади, орамизда Ҳеракл йўқ, сенинг шухратингга ҳеч ким кўланка ташлай олмайди. Йўқ, агар орқага қайтиб, Ҳеракл ва Полифемни излаб топмасанглар, мен сизлар билан бирга бормайман.

Теламон дарға Тифийга ташланиб, уни «Арго»ни орқага қайтиришга мажбур этмоқчи бўлди. Бореадаларнинг уни тинчителишга уринишлари беҳуда эди, жаҳли чиққан Теламон ҳеч кимга қулоқ солгиси келмасди, Ҳеракл ва Полифемни атайлаб ташлаб келдинглар деб у ҳаммани айбларди.

Баногоҳ тўлқинлар қаъридан бошини сув ўтлари билан чирмаб олган афсунгар денгиз худоси Главк намоён бўлди. У «Арго»нинг пуштаги(қуйруқ томони)дан ушлаб, уни тўхтатди-да, шундай деди:

– Буюк яшинчақнагар Зевснинг хоҳишига кўра Ҳеракл ва Полифем Мизияда қолди. Ҳеракл Юонистонга қайтиб бормоғи ва Эврисфей хизматида бўлмоғи ва ўн иккита буюк жасорат кўрсатмоғи лозим. Полифемга эса халиблар мамлакатада шавкатли шаҳар асос солиш юклатилган. Киосга уларнинг Мизияда қолиб кетишининг сабаби – нимфалар томонидан ўғирланган соҳибжамол йигит Главкни излаб топиш.

Главк шундай дедию, яна денгизга шўнғиб, аргонавтлар кўзидан ғойиб бўлди.

Қахрамонлар хотиржам бўлишди. Теламон Ясон билан ярашди. Қахрамонлар эшаклари ёнига ўтириб олишди, уларнинг ахилона эшак эшиши «Арго»ни олға етакларди.

АРГОНАВТЛАР ВИФИНИЯДА (АМИК)

Эртаси куни тонг пайтида аргонавтлар Вифиния (Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбидаги вилоят) қирғоғига келиб тўхташди. Уларга у ерда Кизикдагидек меҳмондўстлик кўрсатишмади. Денгиз бўйидаги Вифинияда бебриклар яшарди, уларнинг устидан подшо Амик ҳукмронлик қиларди. У ўзининг пахлавонларча кучи ва энгилмас мушт жангчилиги билан фахрланарди. Мустабид шох барча ажнабийларни ўзи билан муштлашишга мажбур этар ва ўзининг чўнг муштининг зарби билан шафқатсизларча ўлдирарди. Амик аргонавтларни истехзо билан кутиб олди, буюк қахрамонларни у дайди(дарбадар)лар деб атади ва агар улардан бирортаси куч синашишга журъат этолса, уларнинг энг

кучлисини жангга даъват этарди. Қахрамонлар дарғазаб бўлишди. Уларнинг орасидан Зевс ва Леданинг навқирон ўғли Полидевк ўртага чиқди. У бебриклар подшосининг даъватини хотиржамгина қабул қилди. Қора хилъат кийган Амик елкасидаги каттакон тўқмоғи билан Полидевк олдида гўё дахшатли Тифондай турарди. У Полидевкка кўрқинчли назар билан бошидан оёқ разм солиб чиқди. У бўлса Амик олдида ўзининг гўзаллиги билан юлдуз янглиғ гул-гул ёнарди. Амик ерга мушт қайишларини ташлади. Полидевк танлаб ўтирмасдан, ўзига яқин қайишни олдида қўлини тирсагигача қайиш билан ўраб боғлади. Жанг бошланди. Бебриклар подшоси Полидевкка худди кутурган хўкиздай ташланди. Полидевк унинг зарбаларини чаптастик билан қайтарар, Амик ҳужумидан бир кадам ҳам ортга чекинмасди. Жангчилар нафасларини ростлаб олишлари учун олишув бир зумгагина узилди. Ана, улар тагин савашмоқдалар, зарбалар бирин-кетин ёғилмоқда. Амик қўлини қайтариб, Полидевкнинг бошига қақшатгич зарба бермоқчи бўлди, бироқ ёш қахрамон чап берди ва Амикнинг кулоғига шундай кучли зарба бердики, унинг бошчаноғини пачақлаб ташлади. Амик ўлим олдидан талвасага тушгандек ерга ағдарилди. Аргонавтлар ғолиб келган Полидевкни каттик қийқириклар билан олқишладилар.

Бебриклар подшолари ўлганини кўргач, Полидевкка ҳужум қилишди. Дастлаб ҳамла қилганларнинг иккитасини Полидевкнинг ўзи мушти билан уриб ерга кулатди. Аргонавтлар дарҳол куролларига ёпишиб, бебриклар билан жангга ташланишди. Анкейнинг зилдай оғир ойболтаси бебриклар бошида қуюндай увуллаб шиддат билан уриларди, ўзининг қуёшдай ялтироқ қиличи билан Кастор уларни, бирин-кетин қийратарди. Қахрамонлар бамисоли арслонлардай савашарди. Бебриклар қочишга мажбур бўлишди. Қахрамонлар уларни хийла масофагача таъқиб этишди. Улар денгиз қирғоғига катта ўлжа билан қайтиб келишди. Ғолиб қахрамонлар денгиз соҳилидан йўл бўйи базм қуришди, Орфейнинг ғалаба қўшиғи атрофни ларзага келтирарди. У ўзининг олтин кифарасини ян-гратиб, бебриклар подшоси Амик устидан ғолиб келган ёш қахрамон, яшинчақнатар Зевснинг соҳибжамол ўғли Полидевкни тараннум этарди.

АРГОНАВТЛАР ФИНЕЙ ХУЗУРИДА

Эртаси куни эрталаб аргонавтлар сафарларини давом эттирдилар. Кўп ўтмай Фракия қирғоқларига етиб келишди. Қахрамонлар ўзларининг озиқ-овқат заҳиралари кам-кўстини тўлдирмоқ учун тўхташади. Уммон қирғоғида улар бир уйни кўриб қолишди ва унга томон боришди. Уйдан қахрамонлар истикболига кекса ва кўзлари ожиз чол чиқди. У оёғида зўрға турар, бутун вужуди қалтирарди. Ўз уйининг бўсағасигача келгач, холи-жони қолмаган чол секин ерга ўтириб қолди. Аргонавтлар уни кўтариб оларканлар, уларни ачиниш ҳисси чулғаб олганди. Унинг сўзларидан бир вақтлар Фракия подшоси бўлган Агенорнинг ўғли Финей эканлиги маълум бўлди. Финейни Аполлон жазолаганди, чунки у Аполлондан олган кароматсоҳиблик истеъдодини суистеъмол қилиб одамларга Зевснинг сир-асрорини ошкор этганди. Аполлон Финейни кўрликка маҳкум этди, худолар Финейнинг уйига учиб келиб, унинг учун тайёрланган овқатни еб, уйни қўланса хид билан тўлдириб кетадиган ярим қиз, ярим кушлар бўлган гарпияларни юборишган эди. Худолар Финейга унинг хузурига аргонавтлар келса, улар орасида Борейнинг икки нафар қанотли ўғиллари Зет ва Калаид бўлсагина ушбу жазодан халос бўлиши мумкин дея башорат қилган эдилар. Финей қахрамонларга ўзини ушбу фалокатдан қутқазинглар дея ялина бошлайди, Борей(шимол шамоли худоси)нинг ўғилларидан гарпийларни ҳайдаб юборишни илтимос қилиб, уларга ёлворади, ахир, у Борейнинг ўғилларига бегона эмас – у уларнинг синглиси Клеопатрага уйланган эди.

Қахрамонлар Финейга ёрдам беришга розилик беришди. Улар тўкин дастурхон тайёрлашди, Финей эндигина коринни тўйдирай деб дастурхон ёнида ёнбошлаб олганди, бирдан гарпиялар ёпирилиб, аргонавтларнинг ҳайҳайлашганига эътибор қилмай дастурхонни шип-шийдам қилиб, бунинг устига ичларини бўшатиб, ҳамма ёққа қўланса хид тарқатиб юборишди. Гарпиялар шиддат билан парвоз қиларкан Финейнинг уйдан учиб кетишди. Ўзларининг қудратли қанотларини қоқиб, Борейнинг ўғиллари уларни таъқиб эта бошлади. Улар гарпияларни узоқ вақтгача қувиб боришди, ниҳоят уларга Плитий оролларида етиб олишди. Борейнинг ўғиллари қиличларини яланғочлаб, уларни жароҳатлаймиз деб шайланганда дафъатан ўзининг камалак қанотларини қоқиб, юксак Олимпдан худоларнинг даракчи кизи Ирида елдай учиб келди. У Борейнинг ўғилларини ниятидан қайтараркан, худолар гарпияларга минбаъд Финейнинг хонадонига қайтиб бормасликни амр этганини айтишди. Борейнинг ўғиллари Фракияга қайтиб келишди.

Ўшандан сўнг Плитий қоялари Стрoфада, яъни Қайтиш ороллари деб аталадиган бўлди.



Борейнинг ўғиллари таъкиб этгани учиб кетди дегунча аргонавтлар Финей учун бошқатдан овқат тайёрлашди, ниҳоят, чол ўзининг очлигини қондириши мумкин эди. Овқат чоғида Финей аргонавтларга Колхида сафариди уларнинг қандай хавфу хатарларга дуч келишини баён этаркан, уларни нечук баргараф этиш йўлларини кўрсатиб, маслаҳатлар берди. Шунингдек, Финей қаҳрамонларга Колхидага боргандан сўнг дарҳол олтин сочли Афродитани ёрдамга чорлашни маслаҳат қилди, чунки Ясонга олтин терини қўлга киритишда ўша мадад бўлиши мумкин, холос. Аргонавтлар афсунгар чолни диққат билан тинглар эканлар, унинг айтган ҳар бир сўзини ёдда сақлашга интилишарди.

Кўп ўтмай Борейнинг ўғиллари қайтиб келишди ва гарпийларни қандай таъкиб этганликларини ҳикоя қилиб беришди. Кексайиб қолган Финей гарпийларнинг пайдо бўлишида мангуликка халос бўлганини билиб олгач, бағоят суюнди.

СИМПЛЕГАДАЛАР

Аргонавтлар Финей хузурида кўп қолишмади. Улар сафарларини давом эттиришга шошилардилар. «Арго» денгиз тўлқинларини ёриб, жадаллик билан олға интиларди. Нохосдан кема елиб бораётган томондан, олисдан шовкин эшитилди. У борган сайин равшанлашар ва кучаярди. Бу онда-сонда момоқалдироқ гулдуриси босиб кетадиган яқинлашиб келаётган бўроннинг ўқиришига ўхшаб кетарди. Ана, Симплегада қоялари ҳам кўринди. Қаҳрамонлар қояларнинг аввал тарқалиб, тагин бир-бирига даҳшат билан урилаётганини кўриб қолишди. Қоялар тўқнашган онда денгиз ғайритабиий тарзда жўшар, юксакликка кўтарилган тўлқинлар эса парвоз қилаётган зирваларни эслатарди. Қоялар бир-биридан ажралиб кетганда улар ўртасида долғалар ўқдай елар ва ажабтовур гирдобни вужудга келтирарди.

Қаҳрамонлар Финейнинг қоялар ўртасидан даставвал кабутарни қўйиб юбориш керак деган маслаҳатини эшлашди. Агар кабутар учиб ўтса, «Арго» ҳам Симплегадалар ўртасидан бешикаст сузиб ўтиши табиий. Аргонавтлар эшаклар ёнида ўтириб олишди. Ана, улар қояларга яқинлашиб келишди. Қоялар гумбурлаб тўқнашишди ва тагин ажралиб кетишди. Шунда қаҳрамон Эвфем кабутарни учириб юборди. Кабутар қоялар ўртасидан ўқдай учиб ўтди. Қоялар яна илгаригидек гумбурлаб, бир-бирига урилди, шунда осмон ларзага келгандай бўлди. Баҳайбат тўлқинлар аргонавтларга урилгани, «Арго» долғалар ичра айланиб қолди, у қуюнда қолган чўпни эслатарди. Кабутар қоялар ўртасидан шикастланмасдан, ҳеч қандай лат емасдан учиб ўтгани, тўқнашган қоялар унинг думининг учгинасинигина юлқиб кетди. Аргонавтлар қувончга тўлиб, қийқириб юборишди ва аҳилона эшакларни эша кетишди. Қоялар икки томонга ажралишди. Каттакон тўлқин «Арго»ни ўрқачига олди-да бўғозга итқитиб юборди. Унга қарши келаётган тўлқин эса «Арго»ни орқага улоқтириб ташлади. «Арго» тўлқинлар зўридан инграётгандек қасир-қусур қиларди. Тагин тоғдай баланд бир тўлқин кўтарилди. У «Арго»га шундай урилдики, у жойида худди шалағи чикқан қайиқдай пирпирак бўлиб айланиб турарди.

Қоялар бир-бирига яқинлашмоқда. Улар ҳадемай тўқнашади. Демак, ҳалокат муқаррар. Шунда аргонавтларга Зевсининг суюкли қизи Афина-Палладанинг ўзи ёрдамига келди. У қоялардан бирини ўзининг қудратли қўли билан ушлаб қолди, иккинчи қўли билан эса «Арго»ни итариб юборди, «Арго» бўғоздан ўқдай шитоб билан ўтиб кетди. Тўқнашган қоялар рул – суконнинг учинигина шикастлаган эди. Қоялар яна икки томонга чекинишди ва мангуга ҳаракатдан тўхтаб, бўғоз қирғоқларида қотиб қолишди. Тақдир амри ижобат бўлди, Симплегада – тўқнашувчи қоялар улар орасидан кемалар сузиб ўтаётганда ҳаракатга келишади. Аргонавтлар шоду хуррам – улар энг даҳшатли хатардан халос бўлишган эдилар. Улар энди ўз сафарини бахту саодат бирла ниҳоясига етказишлари мумкинлигига ишонса бўларди.

АРЕТИАДА ОРОЛИ ВА КОЛХИДАГА ЕТИБ КЕЛИШ

Аргонавтлар Эвксин Понти – ҳозирги Қора денгиз қирғоқлари бўйлаб узоқ сузишди. Улар талай мамлакатлардан ўтиб, талай халқларни кўришди, ниҳоят узоқдан қандайдир орол кўзга ташланди. Аргонавтлар оролга тобора яқинлашиб келардилар. Ана, орол яққол кўринди. Дафъатан ундан куёш нуруларида қанотлари ялтираган катта бир қуш осмонга кўтарилди. У «Арго» устидан учиб ўтди-да, қаҳрамонлардан бири – Оилейнинг тепасидан битта патини ташлаб юборди. Ўқ янглиғ пат Оилейнинг елкасига санчилди, қаҳрамон қонга бўялди, жароҳатлангани туфайли қўлидан эшак тушиб кетди. Оилейнинг шериклари патни унинг ярасидан суғуриб олишди. Аргонавтлар патга ҳайрат ичра қарарканлар, унинг мис эканлиги ва ўткирлигини пайқашди. Ана, орол устида яна бир қуш парвоз



этди ва «Арго» томон учиб келди, лекин уни кўлида камон ушлаган қахрамон Клитий кутиб турарди. Куш «Арго»га етиб келган заҳотиёк Клитий унга қаратиб ўқ узди, жони узилган куш денгизга қулаб тушди. Леис патлар билан қопланган кушни кўргач, Аргонавтлар унинг стимфал-қушларидан эканини, улар яшаган орол эса –Аретиадалигини тушунишди. Афидамант қахрамонларни совут кийиб, қалқонлари билан ўзларини ҳимоя қилишга даъват этди. Қирғоққа келиб тўхташдан аввал аргонавтлар қичкира, қалқонларига найзалар ва қиличлар билан ура бошладилар. Орол устида баҳайбат кушлар галаси пайдо бўлиб, «Арго» тепасида парвоз қилаверди, тўсатдан қахрамонлар устига патўқлар ёмғирдай ёғиларди. Ана шу ўқлардан қахрамонлар қалқонлар орқали кутилиб қолишди. Кушларнинг ўқи эса «Арго» устида доира ясаб, уфқ ортига ғойиб бўлишди.

Аргонавтлар Аретиада соҳилларига келиб, дам олишга шайланганларида уларнинг қаршисида тўрт нафар йигит пайдо бўлди. Йигитлар ўта озгин бўлиб, уларнинг танларини зўрға ёпиб турган кийими увадага ўхшаб осилиб турарди. Булар Фрикснинг ўғиллари эдилар. Улар Орхоменга қайтиш учун Колхидани ташлаб кетишган, аммо келаётиб, суронли тунда кемалари ҳалокатига дуч келди, бахтли тасодиф туфайли уларни тўлқинлар аргонавтлар тўхтаган Аретиада оролига итқитиб юборганди. Қахрамонлар бу учрашувдан хурсанд бўлишди, айниқса, Ясон жуда қувонди: зеро ёшлар унга қариндош чиқишди. Аргонавтлар йигитларнинг қорнини тўйғазишди, уларга янги кийим-бош беришди, Эет салтанатига олтин жузли қўй терисини олиб келгани бораётганларини ҳикоя қилиб беришди.

Йигитларнинг каттаси Аргос аргонавтларга кўмаклашишга ваъда берди, лекин у подшо Эет Ҳелиоснинг ўғли эканини, унинг бақувват ва золимлигини ҳамда ҳеч кимни аямаслигини айтиб, уларни огоҳлантирди. Бироқ аргонавтларни олтин терини қўлга киритиш қароридан ҳеч нарса қайтаролмасди.

Эртасига аргонавтлар яна йўлларида давом этишди. Улар узоқ сузишди. Ниҳоят, олисда, уфқда булутлар тўдасига ўхшаб Кавказнинг чўққилари кўкариб кўрина бошлади. Энди Колхидага ҳам яқин қолганди.

Эшакларнинг бир маромдаги ҳаракати олға бошлаётган «Арго» жадал елмоқда. Денгиз томон иниб бораётган куёш ботай деб турибди. Тўлқинлар узра тун кўланкалари тарқалди. «Арго»нинг устидан, баландликда қанотларини силтаб, Прометей занжирбанд қилинган қояга томон учиб бораётган бургутнинг қанот қоқиши эшитилди. Бургутнинг баҳайбат қанотларини қоқишидан денгизда шамол кўтарилди. У кўздан ғойиб бўлганда узоқ-узоқлардан Прометейнинг инграган товуши аргонавтлар қулоғига чалинади, ингрок саси ўқтин-ўқтин эшакларнинг зарбидан узилиб турарди.

Соҳил ҳам узоқ эмасди. Ана Фазис дарёсининг мансаби. Аргонавтлар оқим бўйлаб юқорига қараб сузиб боришди ва дарёнинг қалин қамиш босган кўрфазида лангар ташлашди. Ясон худоларга атаб ичкилик назр қилиш удумини бажо келтириб, Колхида худоларидан ва ўлган қахрамонларнинг арвоқларидан ушбу хатарли йўлда ёрдам беришларини илтимос этди. Қахрамонлар «Арго»да хотиржамгина уйқуга кетишди. Мақсадга эришилганди, улар Колхидада, шоҳ Эетнинг пойтахтига етдилар, аммо ҳали олдинда хавф-хатар кўп эди.

ҲЕРА ВА АФИНА АФРОДИТА ҲУЗУРИДА

Аргонавтлар етиб келганларида буюк маъбуда Ҳера ва маъбуда Афина юксак Олимпда Ясонга олтин терини қўлга киритишда қандай ёрдам бериш кераклигини маслаҳатлашардилар. Ниҳоят, маъбудалар ўғли Эрот Эетнинг қизи Медея қалбига муҳаббат ўқини санчиб, унда Ясонга нисбатан севги уйғотишни амр этсин дея муҳаббат маъбудаси Афродита ҳузурига боришга қарор қилишди. Ясоннинг хатарли жасорати чоғида унга фақат сеҳргар Медея ёрдам бера олишини маъбудалар билардилар.

Иккала маъбуда Афродита ҳузурига келганларида у уйда ёлғиз эди. Афродита ўзининг олтин тахтада ўтириб, қуюқ қўнғир сочларини олтин тароқ билан тараб ўтирарди. Кириб келган маъбудаларни Афродита ўрнидан туриб самимий қарши олди. Меҳмонларни Ҳефест томонидан ясалган олтин курсиларга ўтқазиб, уларнинг ташрифлари сабабини сўради. Маъбудалар унга Ясонга қандай ёрдамлашмоқчи эканликларини сўзлаб беришди ва Афродитани Эротга Медеянинг қалбига муҳаббат ўқини туширишни амр этишга кўндиришди.

Маъбудалар Афродита билан хайрлашишди, у бўлса ўйинқароқ ўғлини излаб кетди. Эрот ўша пайтда Ҳанимед билан ошиқ ўйнаб юрганди. Муғомбир Эрот соддадил Ҳанимедни энгиб, унинг устидан қуларди. Шу заҳоти уларнинг олдига Афродита келиб қолди. У ўғлини қучаркан, унга деди:



– Ҳой шайтонча, менга кара. Мен сенга бир иш буюрмоқчиман, ҳозироқ ёй ва камалак ўқингни олда, ерга парвоз эт. У ерда, Колхидада Эетнинг қизи Медеяга муҳаббат ўқини қада, у қахрамон Ясонни севиб қолсин. Агар айтганимни қилсанг, бир вақтлар Адрастея кичкина Зевс учун ясаган ўйинчоқни совға қиламан. Фақат ҳозироқ учиб бор, буни зудлик билан қилиш лозим.

Эрот онасидан ўша ўйинчоқни дарҳол беришни илтимос қилди, аммо боласининг айёрлигини билган онаси топширикни адо этмагунча ўйинчоқни унга беришга рози бўлмади. Онасидан топширикни бажо келтирмагунча ҳеч нарса ололмаслигига ишонч ҳосил қилган Эрот ўқ-ёйини қўлга олиб, олтин қанотларини қуёш нурида жилолантириб, Олимпдан ерга, Колхидага томон парвоз этди.

ЯСОН ЭЕТ ҲУЗУРИДА

Аргонавтлар субҳидамда уйғонишди. Улар кенгашда Ясон Фрикснинг ўғиллари билан подшо Эет ҳузурига бориб, ундан олтин терини аргонавтларга беришни илтимос қилиш лозим, борди-ю, мағрур подшо рад жавобини берса, ўшандагина куч ишлатиш керак деган қарорга келишди.

Ясон тинчлик асо(ҳасса)сини кўлига олиб, Эет қасрига йўл олди. Колхида сокинлари Ясон ва унинг ҳамроҳларини ҳақорат қилмасин дея маъбуда Ҳера уларни қалин булутга буркади. Қахрамонлар Эет саройига яқинлашганларида булут чекинди, Эет саройи кўринди. Сарой бағоят муаззам бўлиб, баланд минорали деворлари осмонга бўй чўзганди. Мармар билан музайян этилган кенг қопқалар саройга бошларди. Қуёшда жилоланган оппоқ шохустунлар қатори пешайвонни эслатарди.

Эет саройида мавжуд бўлган барча зебу зийнат ва нафосатни Ҳефест миннатдорлик рамзи сифатида бунёд этганди, зероки Эетнинг отаси, қуёш худоси Ҳелиос уни гигантлар билан бўлган жангда ҳолдан тойганда Флегрей майдонидан ўзининг олтин маҳодасида эсон-омон олиб чиққанди. Сарой бир талай кўшқлар билан музайян этилган. Энг ҳашаматли қасрда подшо Эет ўз хотини билан яшарди, бошқасида эса ўғли Абсирт турарди. Колхидалиқлар Абсиртга гўзаллиги тафайли Фазтон (порлок) деб ном беришган. Қолган қасрларда Эетнинг қизи Халкиопа, ўлган Фрикснинг хотини ва Эетнинг кичик қизи Медея – буюк сеҳргар, маъбуда Ҳекатанинг жорияси яшарди.

Ясон Эет қасри ёнидаги ховлига кирганда Медея ўз кўшқидан чиққанди. У Халкиопаникига бораётганди. Ёш кимсаларни кўрган Медея қичқириб юборди. Унинг қийқириғи туфайли ташқари чиққан Халкиопа ўз ўғилларини кўриб қолди. Уларнинг келишидан қувонган Халкиопа ўғиллари истиқболига югуриб борди. Кўришишни сира хаёлига келтирмаган ўғилларини кучар ва ўпарди. Шовқин товушини эшитиб Эет ҳам чиқди. У мусофирларни ўз ҳузурига чорлаб, хизматкорларига дабдабали зиёфат ҳозирлашни амр этади. Ясон Эет билан салом-алиқ қилаётганда юксак Олимпдан олтин қанотларини қоқиб, Эрот келиб қолади. У шохустун ортида бекиниб, ёйининг камалак ипини таранглаштириб, олтин ўқини олиб чиқади. Сўнгра, ҳар кимга ҳам кўринавермайдиган Эрот Ясоннинг орқасида туриб, ўз ўқини тўппа-тўғри Медеяннинг юрагига қадади. Ўқ унинг юрагига санчилди-ю, дарҳол унда Ясонга муҳаббат уйғонди.

Ясон ўз ҳамроҳлари билан Эет саройига йўл олди. У ерда Колхида подшоси уларни зиёфат дастурхони атрофига ёнбошлашга таклиф этди¹. Зиёфат чоғида Аргос Эетга ўз укалари билан кема ҳалокатига дуч келганини, қандай қилиб суронли долғалар уларни Аретиадага итқитиб ташлаганини ва ўлим ҳолида ётганларида уларни аргонавтлар топиб олганини сўзлаб берди. Шунингдек, Аргос Ясоннинг қахрамонлар билан Колхидага нима учун келганини ҳам айтди. Эет Ясоннинг олтин терини қўлга киритмоқчи эканини эшитгач, ғазабга тўлган кўзлари чакнаб, даҳшат билан қошларини чимирди. Эет қахрамонларнинг олтин тери учун келганларига ишонмади, нахотки, Фрикснинг ўғиллари Колхида устидан ҳукмронликни ўз қўлларига олишни кўнгилларига тугиб, шу мақсад билан юнон қахрамонларини ҳам бирга олиб келишган бўлса, деб ўйлади у. Эет Ясонга таъна тошларини ёғдирди, уни саройидан ҳайдаб юбормоқчи бўлди, қатл қиламан деб дўқ-пўписа қилади. Подшонинг таъналарига жавобан Теламон ўзининг ғазабкор нутқини бошлашга тайёр турган эди, лекин Ясон уни ниятидан қайтарди. У Эетни тинчитишга уринди, уни Колхидага фақат олтин терини олиб кетиш учун келганмиз дея ишонтирди, агар подшо мукофот сифатида олтин терини берса, унинг ҳар қандай хизматини ўташга ваъда берди. Эет ўйга ботди. Ниҳоят, Ясонни махв этишга қарор қилиб, унга шундай деди:

¹ Қадимги юнонлар дастурхон атрофида ёнбошлаб овқатланишган.



– Яхши, тери сеники бўлади, бироқ аввал мана бу шартимни бажар: Аресга бахшида этилган дала-ни менинг темир омочим билан шудор қил, омочга мис оёқли, оғзидан ўт пурковчи хўкизларни кўш, ўша ерга аждар тишларини эк, аждар тишларидан совут кийган жангчилар ўсиб чикқанда шулар билан жанг қилиб, барини кириб ташла. Ана шуни бажарсанг, терини оласан.

Ясон Эетга бирдан жавоб бермади, ниҳоят, шундай деб юборди:

– Мен розиман, Эет, лекин сен ваъданнинг устидан чиқмоғинг лозим, сен биласан-ку, мен зим-мамга олган топширикни бажаришдан бош тортолмайман, модомики, тақдир тақозоси билан бу ерга, Колхидага келган эканман, шундай қилмоғим керак.

Ясон шундай деди-ю, ҳамроҳлари билан кетди.

АРГОНАВТЛАР МЕДЕЯГА ЁРДАМ СЎРАБ МУРОЖААТ ҚИЛИШАДИ

Ясон «Арго»га қайтгач, шерикларига Эет саройида нималар юз берганини, унинг олдига қандай шарт қўйганини, подшонинг унга топширик берганини ҳикоя қилди. Аргонавтлар ўйланиб қолишди. Улар нима қилмоғи керак, Эетнинг топшириғи (шарти)ни нечук бажармоқ лозим? Пировардида Ар-гос тилга кирди:

– Дўстлар, Эетнинг саройида кизи Медея яшайди. У буюк сеҳргар, фақат ўшагина бизга ёрдам бе-ра олади. Мен бориб, онамдан Медеяни бизга ёрдам беришга кўндиришини илтимос қиламан. Агар Медея ёрдам берса, бизга ҳеч қандай хавф-хатардан кўрқишга ҳожат қолмайди.

Аргос сўзларини айтиб улгурмасданок «Арго»нинг устидан калхат таъқиб қилиб келаётган оппок кабутар ғизиллаб учиб ўтди. Кабутар Ясоннинг олдига учиб келди-да, хилъатининг қатларига яши-ринди, калхат эса «Арго»га йиқилиб тушди.

– Бу худоларнинг бахтли аломати, дея хитоб қилди кароматсоҳиб «Мопс», – худоларнинг ўзи биз-га Медеядан ёрдам сўрашни амр этишмоқда. Қаранглар, Афродитага бахшида этилган парранда (қуш) Ясоннинг қўйнидан паноҳ топди! Финейнинг сўзларини ёдингизга келтиринг. Ахир, у бизга ёрдам учун Афродитага ёлворинглар демаганмиди? Маъбудага ёлворинглар, у бизга ёрдам беради. Майли, Аргос тезроқ онасининг хузурига борсин, у Медеяни бизларга ёрдам кўрсатишга кўндиради.

Аргонавтлар афсунгар Мопснинг маслаҳатига риоя қилишди: улар Афродита шарафига курбон келтиришди, Аргос дарҳол Эет саройига, онасининг хузурига йўл олди.

Айни замонда Эет барча колхидаликларни майдонга тўплади. У халққа ажнабийларнинг келганли-гини ва «Арго»даги аргонавтлардан бирортаси ҳам қочиб кутулмасин деб, уни кўриклашни амр этди. Эет Ясон Аресга мансуб экин майдонида ҳалок бўлганидан сўнг «Арго»ни қаҳрамонлар билан бирга ёндиришга қарор қилди. Фрикснинг ўғилларини эса қийноқларга солажагини баён этди.

Тун кирди. Эетнинг пойтахти уйқуга чўмди. Ҳамма жойда осойишталик ҳукм сурарди. Медея кўшқида-чи, унда осудалиқдан асар ҳам йўқ. У бири-биридан хавотирли, бири-биридан даҳшатли тушлар кўрди. Медеянинг тушига гоҳо Ясоннинг хўкизлар билан курашаётгани, қаҳрамонга ғолиблиги учун Медеянинг мукофот сифатида тақдим этаётганлари кирарди. Гоҳо эса у тушида оғзидан олов пуркаётган хўкизлар билан ўзи курашаётгани ва уларни осонгина енгаётганлигини кўради. Баъзан-чи, унинг тушига ота-онаси уни Ясонга хотинликка беришдан бош тортадилар – хўкизлар устидан у ғолиб келган эмас-ку. Ясон ва Эет ўртасида қизгин баҳс бошланди, тушида уни Медеянинг ўзи ҳал қилмоғи лозимлиги кўринади. У баҳсени Ясоннинг фойдасига ҳал қилганда отаси-нинг жаҳлини чиқаради, отаси дарғазаб бўлиб қичқирди. Медея кўзлари ёшга тўлган ҳолда уйғонди. Халкиопа хузурига югурмоқчи бўлди, аммо унинг олдига боришга истиҳола қилди. Эшикни очишга бир неча бор шайланар, лекин ҳар гал орқасига қайтарди. Медея ўзини тўшакка ташлаб, хўнг-хўнг йиғлади. Медеянинг нолишини эшитгач, чўрилардан бири Халкиопага етказди. У эса сингисининг кўшқига шошилиб югурди, ўз тўшагида ётиб йиғлаётганини кўрди.

– Ҳой, сингилгинам,– дейди Халкиопа, – нега йиғлаяпсан? Наҳотки, менинг ўғилларим учун ёш тўкаётган бўлсанг? Отанг уларни нима учун ўлдирмоқчи бўлганидан хабардормисан, ё?

– Машъум тушлар кўрдим, опа. Сенинг ўғилларинг ва улар билан бирга келган мусофирга ҳалокат таҳдид солмоқда. Кошқийди, худолар менга уларга ёрдамлашгудек куч ато этса!

Медеянинг сўзларига кулоқ осаркан, Халкиопа сесканиб кетди. Уни кучиб, ёрдам ҳақида ёлворди. Халкиопа Медеянинг Ясонга ўзининг афсун-жодуси билан кўмаклаша олишини билди. Шунда Медея Халкиопага деди:

– Менга қара, опа, мусофир йигитга ёрдам бераман, эртага у Ҳеката маъбадига келсин, унга жасорат кўрсатишда ёрдамлашадиган тумор бераман. Фақат буни сир тутишга ваъда бер, билаъкс отам ҳаммамизни махв этади.

Халкиопа кетди. Медея ёлғиз қолди. Унинг қалбини бир-бирига зид туйғулар забт этганди. У гоҳ отасининг иродасига қарши боришдан кўрқар, гоҳо ўзи жондан севган Ясонга ёрдам беришга журъат этарди. Баъзан захар ичиб, ўзи ўзини ўлдирмоқчи бўларди. Медея захар сақланаётган қутини қўлига олди, уни очди, аммо маъбуда Ҳера унга ҳаётга иштиёқ бахш этди. Медея захар солинган қутини бир чеккага суриб қўйди, барча шубҳаю иштибоҳларини унутди, нукул Ясонни ўйларди, ниҳоят унга ёрдам беришга қарор қилди.

Эндигина тонг отиб, Кавказнинг узоқ қорли чўққилари алвон янглиғ ёғдуга чулғана бошлаганда Аргос аргонавтлар ёнига келди ва Медеянинг Ясонга ёрдам беришга рози бўлганини ва унинг Ҳеката маъбадига келишини илтимос қилганини баён этди. Куёш чиққанда Ясон Аргос ва кароматсоҳиб Мопс билан Ҳеката маъбадига йўл олди. Маъбуда Ҳера Ясонни шундай соҳибжамол қилиб юборгандики, унга ҳатто аргонавтлар ҳам мафтун бўлиб қолишганди.

Шу аснода Медея субҳи содикда ўрнидан туриб, сеҳрли малҳам солинган қутини қўлига олиб, ундан «Прометей ёғи» деб аталганини олди. У Прометейнинг қони тўкилган ердан ўсиб чиққан ўсимликлар илдизидан тайёрланганди. Ушбу малҳамни баданига суртган ҳар бир кишига на темир, на мис, на олов таъсир қиларди. У энгилмас куч соҳиби ва бир кун давомида энгилмайдиган бўларди. Ўша малҳамни Ясонга беришга қарор қилди. Медея чўриларини чақириб, улар билан бирга Ҳеката маъбадига жўнади. Медеянинг кўнгли шод бўлиб, барча ғам-ташвишни унутиб, Ясон билан бўладиган учрашувни ўйларди.

Мана Ҳеката маъбади. Медея унга кирди. Ясон ҳали келмаганди. Кўп ўтмай Ясон ҳам пайдо бўлди. Уни кўрдию, Медеянинг юраги фавқулудда кучли ура бошлади. Медеянинг тили калимага келмай турипти.

Ясон ва Медея хийла вақтгача ҳеч нарса дея олмай туриб қолишди. Ниҳоят, қаҳрамон жимликка чек қўйди. У Медеянинг қўлидан ушлаб, шундай деди:

– Эй соҳибжамол бокира, нега нигоҳингни ерга қадаб қолдинг? Нега мендан кўрқасан? Наҳот мени ёвуз нияти бор деб ўйлайсан? Йўқ, мен бу ерга ёвуз ниятлар билан келмаганман. Мен сендан химоя сўрайман, шу боис сенга ёлвораман. Сенга ялинаман, менга фақат тўғриси айт. Ҳеката ўз ибодатхонасида ёлғонга тоқат қилмайди, ёрдам сўраб ялинганларнинг ҳомийси бўлмиш Зевснинг ҳам ёлғонга тоқати йўқ. Менга кўмак берасанми, йўқми, шуни айт? Агар ёрдам берсанг мен билан бирга бу ерга, Колхидага келган буюк қаҳрамонлар сенинг номингни бутун Юнонистонга машҳур этади. Буюк Тесейга ёрдам берган Миноснинг қизи Ариаднанинг шухрати нечоғлик буюклигини ёдингга ол.

Медея жим турар ва муҳаббат тўла кўзлари билан Ясонга қарарди. Уятчанлиги унга латофат бахш этарди. У калтираб турган қўли билан камари остидан сеҳрли малҳамини олиб чиқаркан, уни Ясонга узатди, Медея эшитилар-эшитилмас овозда унга шундай деди:

– Қулоқ сол, Ясон, мана менинг сенга берадиган ёрдамим: тунда дарёда ювин. Қора либос кийиб, кирғоқда чуқур хандақ қази, унинг устида Ҳекатага бағишлаб қора қўй сўйиб, қурбонлик келтир, аввал унинг устидан асал қуй, сўнгра кеманга боравер, лекин, билиб қўй, орқанга бурилма. Итларнинг ғазабкор товушлари ва ҳуришини эшитасан, аммо кўрқмасдан, тўғри кетавер. Тонг отганда мана шу малҳамни баданингга, найзангга, қалқон ва қиличингга сурт. Малҳам сенга энгилмас куч бағишлайди, шунда Эетнинг шартини бажо келтирасан. Ёдингга тут: ердан жангчилар ўсиб чиққанда, уларга қаратиб тош итқит, улар бир-бири билан жанг қила башлайди, ўшанда уларга ҳужум қил. Малҳамни ол, унинг ёрдамида олтин терини қўлга киритасан. Терини истаган ерингга олиб боравер.

Медея жим қолди. У Ясондан айрилишини ўйларкан, маъюс тортиб кўз ўнги хиралашди. Медея ғам-андуҳ ичра бошини қуйи солиб турарди ва ниҳоят у тилга кирди.

– Ясон, сен ватанингга қайтасан, лекин мени ёдингдан чиқарма, гоҳ-гоҳ бўлса-да, Медеяни эслаб тур, ахир, мен сенинг ҳаётингни сақлаб қолдим.

Медея Ясондан қаерда туғилгансан деб сўради. Ясон унга гуллаб-яшнаган водийда жойлашган Иолк қаҳида сўзлаб берди. У Медеяни ўзи билан Юнонистонга боришга таклиф этди. Иолкда унга теран эҳтиром кўрсатадилар ва маъбудага сиғингандек сиғинадилар дея ваъда қилди.

– О, кошкийди, Эет мен билан дўстлик иттифоқини тузса! – хитоб этди Ясон. – О, кошкийди, сен билан ватанимга боришимга ижозат берса экан!

– Йўк, бундай бўлмайди, – ўта аламли хўрсиниш билан деди Медея, – отам ўта қаттиққўл ва бағритош. Ватанингга ўзинг ёлғиз қайт, фақат мени унутма. Қанийди шиддатли шамол мени ўз қанотида Иолк сари элтса-ю, сен мени унутганда, сени қутқазиб қолганимни унутганингда, сенга ўзим ҳақимда эслатсам, қандай қувонардим шу онда.

Медеянинг кўзларида ёш ғилтиллади. Ясон ундан кўзини олмасди, қараган сайин уни Медеяга бўлган муҳаббат чулғарди. У Медеядан уйни ва отасини пинҳона тарк этиб, ўзи билан бирга Иолкка кочиб кетишни илтимос қилди, ёлворди. Медея Колхидани ташлаб кетишга тайёр, Ясондан айри тушиш унинг қалбига қутку соларди, ушбу айрилиққа бардош беролмасам керак деб кўрқарди. Медеяни Ясондан ажралиб қолиш ҳақидаги фикр эзарди, йиғлатарди. Ҳера унга ҳамма жойда Ясоннинг ортидан қолмаслик истагини ато этганди. Буюк маъбуда Медеянинг Иолкка боришини хоҳларди. У ерда унинг ёрдамида ўзи ёмон кўрган Пелийни маҳв этишга қарор қилди.

Медея Ясон билан хайрлашди. Ясон унга тагин Ҳеката маъбадига келажагини, у билан учрашажагини ва кейинчалик нима қилиш кераклиги хусусида бир қарорга келишга ваъда берди. Медея ўз маҳодасида қувонч билан уйига борарди, чунки у Ясон севишини биларди.

ЯСОН ЭЕТ ТОПШИРИҒИНИ ИЖРО ЭТАДИ

Тун кирди. Ясон қоп-қора либосга бурканиб, Фазис дарёси соҳилига йўл олди ва у ерда ярим тунда дарёнинг суронли тўлқинлари ичра мириқиб ювиниб олди. Кейин чуқур хандақ қазиди, Медея амр этганидек, унинг устида Ҳекатага қурбонлик келтирди. Қурбонлик келтириш эндигина ниҳоясига етганида ер ларзага келди-ю, кўлида тутаб турган машъаллар ушлаган буюк Ҳеката пайдо бўлди. Ҳекатани баҳайбат махлуқлар ва оғзидан ўт пуркаётган аждарҳолар ўраб олганди, шунингдек, унинг теграсида даҳшатли дўзах кўппаклари хурар ва увлашарди. Ҳекатани кўрган атрофдаги нимфалар қаттиқ қийқириб, югуриб келишарди. Ясонни ваҳима босди, у Медеянинг сўзларини эсига келтирди-да, орқасига бурилмасдан дўстлари кутиб ўтирган «Арго» га томон юриб кетди.

Тонг отган заҳотиёқ аргонавтлар Теламон ва Мелеагрни Эетнинг ҳузурига аждаҳонинг тишларини келтириш учун юборишди. Эет уларга Кадм томонидан ўлдирилган аждаҳонинг тишларини берди ва Ясон ўзининг топшириғини қандай ижро этишини томоша қилиш учун Эетнинг ўзи ҳам Арес майдонига боришга ҳозирлик кўра бошлади. Эет қурол-яроғини олди, бошига куёшдай ярқираган дубулғасини кийди, оғирлиги жиҳатидан Ҳераклга мос келадиган найза ва қалқонини кўлига олиб, маҳодага ўтирди. Уни ўгли Абсирт бошқарарди. Аргонавтлар ҳам Арес майдонига отланишга тайёр-гарлик кўра бошладилар.

Ясон найзаси, қиличи ва қалқонига сеҳрли малҳамдан суртди, ўзи ҳам обдон суртинди. Шунда у даҳшатли кучга тўлганини ҳис қилди. Унинг мушаклари бамисоли пўлатдай мустаҳкам, танаси гўё темирдан ясалгандай бўлиб қолганди. Аргонавтлар ўзларининг тезювар «Арго»сида Арес майдонига сузиб келганларида Эет уларни кутиб турарди, майдон атрофида эса колхидаликлар ўралашиб юрардилар. Қурол-аслаҳаси нурафшон юлдуздай ярқираган Ясон кирғоққа чикди, дала бўйлаб бораркан, темир омон ва мисдан қилинган бўйинтурукни топди, сўнг оғзидан ўт пуркайдиган хўкизларни излаб кетди. Дафъатан ғордан иккита хўкиз сакраб чикди ва ғазабнок бўкириб, қаҳрамонга ҳамла қилишди. Уларнинг жағларидан ўт парчалари отиларди. Қалқон таққан қаҳрамон уларни кутиб турарди. Ниҳоят, хўкизлар унинг устига ташланишди ва даҳшатли мугузлари билан қаҳрамоннинг қалқонига зарба бера бошлашди. Бундай зарбаларга одам боласи бардош бермоғи ғоят мушкул эди, бироқ Ясон қоя янглиғ устувор турарди. Хўкизлар чанг-тўзон кўтариб, бўкириб, унга тинимсиз ташланардилар. Ясон хўкизларнинг мугузидан ўзининг қудратли қўллари билан ушлаб келар ва омонга қўшарди. Хўкизлар бўйинтуруқдан халос бўлишга ҳаракат қилар, Ясонга оғизларидан ўт сочишар, аммо унга ҳеч нарса таъсир этмасди, ғазаб отига минган хўкизлар унинг кучли қўлларида қутулиб кетишолмасди. Ясон уларни Кастор ва Полидевк ёрдамида омонга қўшиб олди. Хўкизларни найза билан ҳайдаб, Арес даласини бошдан оёқ шудгор қилди, унга аждаҳонинг тишларини сочди. Экишни ниҳоясига етказгач, Ясон хўкизларни кўшдан бўшатди, қаттиқ наъра тортиб, уларга найзаси билан зарба берди. Хўкизлар қутургансимон югуриб кетишди ва чуқур ғорга кириб, ғойиб бўлишди. Ишнинг биринчи ярми тугаганди, энди далада жангчиларнинг ўсиб чиқишини кутиш керак. Ясон Фазис дарёси соҳилига бориб, дубулғасини сувга тўлдириб, ташналигини қондирди.

Ясоннинг дам олиши узоққа чўзилмади. Ана, далада найзаларнинг тиглари кўзга ташлана бошлади, бирин-кетин, борган сайин дала юзи мис туклар билан қопланди. Қарабсизки, ер қимирлагандай бўлиб, унинг бағридан бўртиб чиқаётган дубулғалар ва жангчиларнинг бошлари намоён бўла борди.



Медеянинг сўзларини ёдига келтирган Ясон, тўрт нафар қахрамон жойидан жилдиrolмайдиган бахайбат тошга ёпишди, уни бир кўли билан даст кўтариб, аждаҳо тишларидан туғилган жангчилар тўдасига ирғитди. Жангчилар курулларини қўлга олишди, улар ўртасида конли жанг бошланиб кетди. Қилич ушлаган Ясон жагчиларга ташланди, уларни бирин-кетин жароҳатларди, орадан кўп ўтмай, дала жангчилар жасади билан қопланди, уларнинг бирортаси ҳам жон сақлаб қололмади, барчаси Ясоннинг қудратли қўлидан ҳалок бўлишди.

Жангчиларнинг жасадлари далада гўё ўткир ўроқ билан кесиб ташланган бошоқларни эслатарди. Жасорат ниҳоясига етди. Эет Ясоннинг ғайрибашарий қудратига тан бериб, унга ҳайрат ичра қараб турарди. Подшо ваҳимали бир алпозда қошларини чимиракан, унинг кўзларида ғазаб ўти чакнарди. У лом-лим демасдан, фақат бир нарсани – қандай қилиб, ушбу ғаройиб қудрат соҳиби бўлмиш ажнабий йигитни махв этишни ўйларкан, маҳодасига ўтириб, шаҳарга томон елиб кетди. Ясон эса «Арго»га қайтиб, ўзининг улуғ жасоратини шарафлаётган дўстлари даврасида ҳордиқ чиқарди.

МЕДЕЯ ЯСОНГА ОЛТИН ТЕРИНИ ЎҒИРЛАШДА КЎМАКЛАШДИ

Эет саройига қайтиб келгач, Колхида сокинлари орасидан энг атоқли кишиларни йиғиб, кенгаш чақирди, подшо улар билан ярим тундан ўтгунча аргонавтларни қандай қилиб махв этиш хусусида маслаҳатлашди. Эет Ясон ушбу жасоратни Медеянинг ёрдамида амалга оширганини пайкаганиди. Медея ўзига ҳам, Ясонга ҳам хатар таҳдид солишини сезарди, шу боисдан у ўзининг дабдабали кўшикида сира таскин тополмасди. Унинг кўзларини уйку тарк этганиди. Медея тунда ўрнидан турдию, секингина, ҳеч кимга билдирмасдан Эет саройидан чиқиб кетди. У фақат ўзигагина таниш бўлган сўкмоқлар оша Фазис қирғоғига, аргонавтлар ёққан гулхан ловуллаб турган ерга бормоқда. Медея гулханга яқинлашаркан, Ясон ва Фрикснинг кенжа ўғли Фронтисни чақирди. Медея Ясонга ўзини қандайдир машъум сезгилар безовта қилаётганини баён этиб, уни дарҳол олтин терини ўғирлашга боришга кўндирди. Ясон курул-аслахасини тақиб, муқаддас Арес ўрмонига қараб йўлга тушди. Бутун атроф қоронғуликка чўмган, ўрмондаги муқаддас дарахтда осилган олтин теригина ёғду сочарди, холос. Медея билан Ясон ўрмонга кирганларида оғзидан ўт пуркаб, даҳшатли аждаҳо ўрнидан кўзгалди. Шунда Медея қудратли уйку худоси Ҳипносни ёрдамга чорлади. У ваҳимали афсунлар ўқир ва ерга сеҳрли қиёмдан тўкиб турарди. Аждаҳо ерга ағдарилди, у холдан кетган бошини тагин бир бор зўрға кўтарди, аммо Медея унга ухлатадиган қиёмдан сепган эди, унинг жағи ёпилиб, чакнаб турган кўзлари юмилди, уйку элитган аждаҳо олтин тери осилган дарахт остида узала тушиб ётиб қолди. Ясон олтин терини дарахтдан тушириб олди-да, зудлик билан «Арго»га шошилди.

Ҳайратда қолган қахрамонлар Ясон ва Медея теғрасида ўрмалашиб, олтин терини томоша қилишарди. Лекин ҳаяллаш керак эмасди, Эет бундан хабар топмасдан Колхидани тарк этиш лозим эди. Ясон «Арго» қирғоққа боғланган арқонларни қирқиб ташлади, қахрамонлар ўз эшакларига ёпишишди, «Арго» Фазис дарёсининг оқими бўёлаб денгиз сари ўқдай елиб кетди. Улар денгизга чиқиб олишди. «Арго» тўлқинлар ичра қушдай енгил кўчмоқда эди. Аргонавтлар Колхидадан борган сайин узақлашишарди.

Эет олтин терининг ўғирлаганини ва Медеянинг аргонавтлар билан бирга қочиб кетганини эрталаб билиб олди. Дарғазаб ҳолда у колхидаликларни денгиз қирғоғига чақириб олди. Аммо «Арго» анча узоқлашган, у тўлқинлар ичида ғойиб бўлганди. Эет колхидаликларни «Арго» ортидан қувишга даъват этди. Агар улар аргонавтларни қувиб етишмаса, уларни махв этажagini айтди. Колхидаликлар кемаларига ўтириб, Эетнинг ўғли Абсирт раҳнамолигида аргонавтлар ортидан қувиб кетишди.

АРГОНАВТЛАРНИНГ ҚАЙТИШИ

«Арго» очиқ денгизга чиққанда йўлдош ел эса бошлади. Қахрамонлар елканларни ёзиб юборишдию, «Арго» Эвксин Понти тўлқинлари бўйлаб елиб кетди. Ниҳоят, узоқ-узоқларда Скифиянинг қирғоқлари кўринди. Аргонавтлар унинг бирор ирмоғи орқали Адриатика денгизига² чиқиш мумкин деган мақсад билан Истр дарёси оқими бўйлаб юқорига қараб сузишга қарор қилишди. Аргонавтлар Истрнинг мансаби(этаги)га сузиб келганларида бу жой ҳам, барча ороллар ҳам ўз кемаларида қисқа йўл билан сузиб келган Колхида қўшинлари томонидан банд этилганини кўриб қолишди. Колхида-

² Европа географиясини яхши билмаган юнонлар Истр (ҳозирги Дунай)ни Адриатика денгизига чиқадиган тармоқ деб ўйлашган.

ликларнинг кўп сонли кўшинини кўрган қаҳрамонлар уларни энголмасликларига ишонч ҳосил қилишди. Аргонавтлар озчилик бўлганлиги учун тиш-тирноғигача қуролланган колхидалик минглаб жангчилар билан беллашишга ботинолмадилар. Шунда улар айёрлик ишлатишга қарор қилишди. Душман кўшини қўмондони Абсирт билан музокаралар олиб боришди ва унга Медеяни маъбадга камашга, агар кўшни шаҳар подшоси уни Колхидага қайтаришга қарор қилса, уни беришга ваъда қилишди, олтин тери эса аргонавтлар қўлида қолиши керак, зероки Ясон Эет унинг олдига қўйган топширикни ижро этди – жасорат кўрсатди. Эет ваъдасида турмоғи лозим эди. Лекин музокаралар шунчаки, вақтдан ютиш учун олиб борилганди. Медея Ясонга Абсиртни ороллардан биридаги маъбадга жалб этишга ваъда берди.

Ясон Абсиртга Медея номидан қимматбаҳо совғалар юбориб, ундан хилватдаги маъбадга келишни ва ўша ерда Медея билан кўришишни амр этди. Абсирт маъбадга келди, аммо у эндигина маъбад эшигига қадам қўйган эди ҳамки, Ясон унга яланғочланган қилич билан ташланди, қаттиқ жароҳатланган Абсирт жонидан жудо бўлди. Ясон ва Медея даҳшатли ёвузликка йўл қўйишди: улар маъбадда қуролсиз Абсиртни ўлдиришди. Ясон Абсиртнинг танасини қиличи билан тилка-пора қилиб, дарё тўлқинларига итқитди. Колхидаликлар даҳшатга тушиб, ўз қўмондонларининг этларини йиға бошлашди, аргонавтлар эса Истрнинг юқори оқими бўйлаб сузиб кетишди.

Аргонавтлар узоқ сузишиб, ниҳоят Истрнинг тармоғи орқали Адриатика денгизига киришди ва Илмерия қирғоқларига чиқиб олишди. У ерда кучли бўрон бошланди. Кўпикдор долғалар тоғларга ўхшаб ҳаволанарди. Шамол гўё занжирдан бўшаган шердай ўқиради, денгиз сатҳини ларзага келтирар, «Арго» елканларини тортарди. «Арго» тўлқинларнинг зўридан инграр, унинг бортлари эгилар, аргонавтларнинг қудратли қўлларидаги эшаклар қарсиллаб синарди. Аргонавтларга ҳалокат таҳдид соларди. Шунда кеманинг қўйруқ томонидан қандайдир овоз эшитилди. У «Арго»нинг қўйруғига бир-китилган Додонда ўсган муқаддас эман дарахти парчасидан чиқарди. Овоз аргонавтларга Ясон ва Медея қотиллиги туфайли Абсиртни таҳқирлагани учун тозаланишлари лозим, бинобарин, уларнинг афсунгар Кирка ҳузурига боришларини амр этди. Аргонавтлар «Арго»ни эндигина шимолга томон бурган эдилар ҳамки, бўрон тинди, шунда бунинг худолар иродаси эканлигини тушунишди.

Аввал Эридан, сўнг Родан бўйлаб Тиррен денгизига чиққан аргонавтлар унда узоқ сузишди, улар сеҳрли Кирка Эетнинг синглиси яшаган оролга сузиб келишди. Кирка Медея ва Ясонни қотиллик иллатидан тозалади. У қотиллик иллатидан тозартувчи Зевсга қурбонлик келтираркан, Ясоннинг қўлларига қурбонлик қонидан қуйди, ўз ғазаби билан қотилларни таъқиб этмасин дея қурбонгоҳ ёнида Эринийни синнади (афсун этди). Кирка даҳшатли иллатдан тозалашда Медеянинг илтижосини рад этмади, зероки афсунгар аёл кўзларининг чақнашидан Медеянинг насл-насаби ҳам ўзиникидек қуёш худоси Ҳелиосга бориб тақаларди.

Аргонавтлар ўз йўлларида давом этишди. Уларга тагин кўп хавф хатарни енгишга тўғри келди. Шубҳасиз ҳалокат юз бериши мумкин бўлган Сцилла ва Харибда ўртасидан ҳам сузиб ўтишди, бу ерда уларга Зевснинг хотини буюк маъбада Ҳера ёрдам берди. Улар сиреналар яшайдиган оролдан ўтиб кетишди, жозибатор кўшиқ енгилмас куч сифатида таъсирчан аргонавтларни сиреналарга жалб этарди. Лекин кўшиқчи Орфей ўзининг олтин торли кифарасини чертиб юборганди, унинг кўшиғи сиреналарникидан устун келиб, уларнинг кўшиғи сеҳри босилиб кетди. Ниҳоят, аргонавтлар улкан қоялар қад кўтарган Планктлар тор бўғозига етиб келишди. У ерда денгиз сувлари қояларга урилар, гумбаз тагидаги даҳшатли гирдобда гир айланар, гоҳо эса гумбазнинг тепасига кўтариларди. Ҳатто Зевсга таом келтираётган кабутарлар ҳам ушбу гумбаз тагидан бешикаст учиб ўтишолмасди, шу боис хар куни улардан биттаси ҳалок бўларди. Аммо бу ерда аргонавтларга Ҳера ёрдам берди, у Амфитри-тадан Планкт қоялари ёнидаги тўлқинларни тинчлантиришни илтимос қилди, шундан сўнг аргонавтлар беиён ва бешикаст ўтиб кетишди.

Аргонавтлар узоқ йўлни босиб ўтгач, феаклар³ оролига келиб қолишди. У ерда уларни подшо Алкиной самимий қабул қилди. Аргонавтлар хавф-хатарга тўла сафардан сўнг дам олишлари мумкин эди, лекин улар феаклар ҳузурида бир кун ҳам қолмасдан, оролда колхидаликлар флоти пайдо бўлди ва улар аргонавтлардан Медеяни қайтариб беришни талаб қилишди. Агар уларни Алкиной ажратмаганда рақиблар ўртасида қонли жанг юз бериши табиий эди. Алкиной, агар Медея Ясоннинг хотини бўлмаса, у колхидаликларга қайтариб берилиши керак деган қарорга келди. Тунда Алкинойнинг хо-

³ Феаклар – «Одиссея» достонида тилга олинган афсонавий халқ бўлиб, улар Скерия оролида яшаганмиш

тини Арета Ясонга чопар юборди, у Ясонга Алкинойнинг қарорини етказиши керак эди. Ўша кечасиёқ Медея ва Ясоннинг тўйи барча урф-удумларга риоя қилинган ҳолда ўтказилди, эртаси куни Ясон йиғилган феаклар ҳамда колхидаликлар олдида Медеяни хотин қилиб олганлигини тантанали суратда баён этди. Шунда Алкиной Медея эри билан бирга қолиши лозим деган қарорга келди. Колхидаликларга Эет хузурига Медеяни қўлга киритмасдан қайтиб кетишга тўғри келди. Аргонавтлар меҳмонохун феакларга қўноқ бўлиб, йўлга отланишди. Улар хийла вақтгача бехатар сузиб боришди. Узоқ-узоқларга чўзилган мовий денгиздан Пелопоннес қирғоқлари кўзга ташланди. Тўсатдан дахшатли қуюн кўтарилиб, «Арго»ни олға елдириб кетди. Ниҳоят, қуюн «Арго»ни бўм-бўш қирғоққа чиқариб ташлади. «Арго» кўрфаздаги ботқоққа ботиб кетди, аргонавтлар саросимага тушиб қолишди. Дарға Линкей бошини қуйи солиб, Юнонистонга қайтишга бўлган умидини йўқотиб, кеманинг куйруғида ўтирарди. Аргонавтлар ғамга ботган ҳолда, барча куч-қувватларидан, жасоратларидан жудо бўлгандек қирғоқда кезиб юришарди. Улар ўлим билан юзма-юз бўлиб қолишди. Нимфалар Ясонга ёрдамга келишди. Улар Ясонга қуюн «Арго»ни Ливияга⁴ қараб олиб кетганини, уни аргонавтлар лойдан суғуриб, Амфитрита ўз отларини маҳодадан бўшатган чоғда Ливия чўли орқали елкаларида олиб ўтишлари кераклигини баён этишди. Хўш, Амфитрита отларини маҳодадан қачон бўшатади? Аргонавтлар ана шуни билишмасди. Улар дафъатан денгиздан қордай оппоқ отнинг югуриб чиққанини ва чўл бўйлаб елиб кетганини кўриб қолишди. Аргонавтлар унинг Амфитританинг оти эканини фаҳмлашди. Улар «Арго»ни елкаларида кўтариб, ўн икки кун давомида жазирама иссиқ ва ташналик азобини тортиб, чўлда олиб юришди. Ниҳоят ҳесперидалар мамлакатига келиб қолишди. У ерда ҳесперидалар уларга Ҳеракл томонидан қояни ўйиб очилган булоқни кўрсатишди. Қаҳрамонлар ташналикни қондириб, ўзлари учун сув ғамлаб олишди ва ватанлари сари йўлга тушишди. Лекин аргонавтлар денгизга чиқиш йўлини сира тополмасдан сарсон бўлишди, улар сузиб бораётган жой денгиз эмас, Тритон кўли эди. Улар Орфейнинг маслаҳатига биноан кўл худосига бисотларидаги учоёқни (устига бирор нарса ўрнатиш учун учта оёғи бўлган мослама) бахшида этишди. Шунда аргонавтлар хузурида соҳибжамол бир йигитча пайдо бўлди. У қаҳрамон Эвфемга меҳмондўстлик рамзи сифатида бир сиқим тупроқ берди ва аргонавтларга денгизга чиқиш йўлини кўрсатди. Аргонавтлар кўй сўйиб қурбонлик беришди. «Арго» хузурида маъбуд Тритоннинг ўзи пайдо бўлди ва «Арго»ни оппоқ қоялар олдидан, гирдоб орқали очик денгизга олиб чиқди. Аргонавтлар Тритон кўлидан Крит оролига сузиб келишди, у ерда улар сузишни давом эттирмоқ ниятида ичимлик суви ғамлаб олмоқчи бўлишди. Бироқ баҳайбат мис паҳлавон Талос уларни яшинчақнатар Зевс томонидан Миносга ҳада этилган Крит ороли қирғоғига йўлатмасди. Талос Миноснинг бутун худуди билан бирга Крит оролини ҳам кўриқларди. Аммо Медея ўзининг сеҳру жодуси билан Талосни уйкуга кетказди. Талос ерга қулагач, унинг яккаю ягона қон томирини бекитиб турган мис мих жойидан кўчиб кетди. Ер қипқизил қонга беланди, унинг қони эритилган кўрғошинни эслатарди, шу зайлда баҳайбат паҳлавон ўлди. Аргонавтлар энди бемалол қирғоққа чиқиб сувдан истаганча ғамлаб олишлари мумкин эди.

Қаҳрамон Эвфем Критдан Юнонистонга бораётганларида ўша соҳибжамол йигит Тритон тутқазган бир сиқим тупроқни денгизга тушириб юборди, ўша тупроқдан аргонавтлар Каллисто деб ном берган орол пайдо бўлди. Ушбу оролга кейинчалик Эвфемнинг авлодлари келиб жойлашишди, уни Фера дейдиган бўлишди (ҳозирги Санторни ороли).

Шундан сўнг аргонавтлар денгизда бўронга дуч келдилар. Тунда бўрон баттар авжига чиқди. Аргонавтлар дақиқа сайин сув ости тошларига ёки соҳилбўйи қояларига урилиб қолишдан ҳадиксирашарди. Кўкқисдан денгиз узра олтин ўк нур таратиб чарақлаб кетди, ундан сўнг иккинчи ва учинчи ўк отилди. Бу аргонавтлар йўлини ёритган Аполлон эди. Улар Анафи (ҳозирги Анафи) оролига келиб қолишди ва бўроннинг тинишини кутиб туришди. Ниҳоят, бўрон тинди, денгиз тўлқинлари сусайиб, йўлдош ел эса бошлади. «Арго» ложувард денгиз бўйлаб осойишта олға елиб кетди. Аргонавтлар бошқа хавф-хатарга учрашмади, кўп ўтмай орзу этилган Иолк бандаргоҳига етиб келишди.

Аргонавтлар Иолкка келганларида улар хатарли сафар чоғида ўзларига ёрдам берган худоларга катта қурбонлар келтиришди. Иолкда ҳамма қувнаб, аргонавтларнинг омон-эсон қайтиб келганини байрам қилишди. Барча одамлар буюк қаҳрамонларни шарафларди, хусусан, олтин терини қўлга киритган, уларнинг раҳнамоси бўлган Ясон шаънига беқиёс олқишлар айтилди.

⁴ Ливия деб греклар Африканинг Миср томондаги Ғарбий қирғоғини аташарди.

ЯСОН ВА МЕДЕЯ ИОЛҚДА. ПЕЛИЙНИНГ ЎЛИМИ

Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Маккор Пелий сўзининг устидан чикмади, у Ясонга бобокалонларининг ҳокимиятини қайтариб бермади. Ясон аламини ичига ютиб, Пелийдан шафқатсиз интиқом олишга қарор қилди. Бунда ҳам Медея унга ёрдамга келди. Кўп муҳлат ўтмай қасос олиш замони етиб келди. Ясоннинг қартайиб қолган отаси Эсон Медеянинг буюк сеҳргар эканини билиб олгач, ўзини яшартиришни хоҳлаб қолди. Ясоннинг ўзи ҳам Медеядан отасини ёшроқ ҳолатга келтиришни илтимос қилди. Медея агар Ҳеката ёрдам берсагина унинг илтимосини адо этажагини айтди.

Само бағрида тўлин ой намоён бўлганда, ярим тунда қоп-қора либосга бурканган Медея ялангоёқ, сочлари тўзғиган ҳолда уйдан ташқарига чикди. Ҳамма нарса теран уйқуга чўмган, ҳар ёнда сукунат ҳукм сурарди. Ой нурига ғарқ бўлган Медея жимгина бормоқда. Медея учта йўл туташган жойда тўхтади, кўлларини кўтариб, уч маротаба хитоб қилди. У тиз чўкиб нималарнидир пичирлаганича афсун қила бошлади. Медея тунни осмон ёритгичларини, ой, ер, шамол, тоғ ва дарёларни сеҳрлай кетди. У ўрмон ва тун худоларини ўзининг истиқболига чорларди. Медея буюк Ҳекатадан кулоқ осишни ва ўзига ёрдам беришини илтимос этди, ёлворди. Ҳеката унинг ёлворишларини эшитган заҳотиёқ Медеянинг кўз ўнгида аждаҳолар қўшилган маҳода пайдо бўлди. Медея ушбу маҳодага ўтириб, тўккиз кечаю кундуз мобайнида тоғларда, ўрмонларда, дарё ва денгизларнинг кирғоқларида сеҳрли гиёҳлар терди. У Эсоннинг уйига қайтаркан, иккита меҳроб (қурбонгоҳ) ўрнатди: бирини – Ҳекатага, бирини – ёшлик худосига. У меҳроблар олдида иккита хандақ қазиб, уларнинг устида зулмат ва жодугарлик маъбудаси Ҳеката шарафига асал ва сут назр этди ҳамда қора кўйларни қурбон қилди. Медея ерости худолари Аид ва Персефонани чорлаб, улардан кекса Эсонни ҳаётдан жудо қилмасликларини илтимос қилди. Сўнгра у Эсонни бошлаб келишларини буюрди. Ўзининг сеҳру жодуси билан Эсонни уйқуга чўмдирди ва сеҳрли гиёҳлар устига ётқизди. Медея мис қозонда сеҳрли ўт дамламасини тайёрлади. Ўт дамламаси қайнаб оппоқ кўпикка ботганди. Медея ўт дамламасини кекса дарахт бутоғи билан аралаштирмоқда эди. Бутоқ яшиллик касб этди, барглари билан қопланди, унда яшил мевалар пайдо бўлди. Ўт дамламасининг кўпиғи тушган заҳотиёқ гуллар ва майсалар униб чиқарди. У қиёмига етганини кўрган Медея кекса Эсоннинг томоғини қилич билан кесиб олдида, унинг эски қонини чиқариб ташлади. Кенг яра орқали Медея Эсоннинг қон томирларига сеҳрли ўт дамламасидан қуйди. Ё ажабо, ана мўъжиза! Чолнинг қордай оппоқ соқоли ва сочлари қорайди, юзидаги ажинлар, кексаларга хос озгинлик чекиниб, ёнокларига тагин қизиллик югурди. Эсон уйғонганда унга ёшлиғи, куч қуввати ва бардамлиғи қайтганини сезди.

Медея Эсонга ёшлигини қайтаришга муваффақ бўлгач, Ясонни алдаб, унга Иолк ҳукмронлигини қайтариб бермагани учун маккорона режа тузиб, қартайган Пелийдан қасос олишга қарор қилди.

Медея Пелийнинг қизларини оталарингга унинг ёшлигини қайтараман дея кўндирди, улар унинг сўзларига қатъий ишонсин деб, у бир қўчқорни келтириб, уни чавоқлаб, ўт дамламаси билан қозонга ташлади. Чавоқланган қўчқор қозонга ташланган ондаёқ унинг ичидан ёшгина кўзичоқ ўйноқлаб, югуриб чикди. Пелийнинг қизлари ушбу мўъжизадан ҳайратланиб, оталарига унинг ёшлигини қайтаришга уриниб кўришга рози бўлишди.

Медея ўт дамламаси тайёрлади, аммо у Ясоннинг отасининг ёшлигини қайтарган ўт дамламасидан эмасди. Ўша ўт дамламасида сеҳрли қудрат йўқ эди. Медея Пелийни ўзининг афсунлари билан уйқуга кетказди, уни хобгоҳига келтиришди, шунда қизларига оталарининг томоғини кесишни амр этди. Аммо қизлари журъат этишолмади.

– Қўрқоқлар! – хитоб қилди Медея, – қилични яланғочланг дарҳол, отангиз томирларидан эски қонни чиқариб юборинг, мен унинг ўрнига ёш қон юбораман.

Лекин Пелийнинг қизлари ухлаб ётган оталарига ўлим жароҳатини етказишга журъат қилолмадилар. Ниҳоят, қизлар оталаридан юзларини ўгирган ҳолда унга қилич билан бирин-кетин зарба беришди. Ўлардай жароҳатланган Пелий уйғониб тўшакдан бошини кўтарди, мадорсизланиб бораётган кўлларини қизларига қаратиб чўзаркан, инграб, шундай хитоб этди:

– О, қизларим, бу нима қилганингиз? Отангизга қўл кўтаришга сизларни нима мажбур этди?

Бундай даҳшатдан Пелий қизларининг ҳафсалалари пир бўлиб, ранглари оқариб, ҳушларидан кета бошлашди. Медея эса Пелий тўшагига югуриб келди-да, унинг томоғига пичоқ тортди ва унинг танасини тилка-пора қилиб, этларини қайнаб турган қозонга ташлади. Пелийнинг хобгоҳида аждаҳолар қўшилган маҳода пайдо бўлди, Медея унга ўтириб, даҳшатдан ақлдан озган Пелий қизларининг кўзларига кўринмай ғойиб бўлди.



Пелийнинг ўғли Адраст отасини дабдабаю асъаса билан дафн этди, маросимдан кейин эса ҳалок бўлган отаси шарафига ўйинлар уюштирди. Унда Юнонистоннинг энг буюк қаҳрамонлари иштирок этди. Ўйинларга Ҳермеснинг ўзи ҳакамлик қилди. Кастор, Полидевк ва Эвфем маҳодада югуриш бўйича мусобақалашди, Адмет ва Мопс муштлашиш жангида, Аталан ва Пелей курашда куч си-нашишди. Югуришда Ификл ҳаммадан устун чиқди.

Лекин Иолк ҳукмдори бўлиш Ясонга насиб этмади. Адраст унга Иолкда қолишга йўл қўймади, хо-тини Медея отаси Пелийни ўлдиргани учун уни Иолкдан қувғин қилди. Ясон ватанини тарк этиб, Медея билан Коринфга кетишга мажбур бўлди.

ЯСОН ВА МЕДЕЯ КОРИНФДА. ЯСОННИНГ ЎЛИМИ

Эврипиднинг «Медея» трагедияси асосида баён этилган

Пелийнинг ўлдирилганидан сўнг Иолкдан қувғин қилинган Ясон ва Медея Коринф подшоси Кре-онт хузуридан паноҳ топишди. Медеядан икки нафар ўғил дунёга келди. Ясон ва Медеяга ҳатто ёт элда ҳам бахтли бўлишлари мумкиндай туюлди. Аммо тақдир на Ясонга, на Медеяга кулиб боқди. Креонтнинг қизи Главканинг гўзаллигига мафтун бўлган Ясон Колхидада, Медея унга сеҳрли малҳамни берган пайтдаги қасамларига хиёнат қилди. У кимнинг ёрдамида катта қаҳрамонлик кўрсатган бўлса, ўшанга хиёнат қилди. Ясон Главкага уйланмоқчи эди, шоҳ Креонт ҳам қизини машҳур қаҳрамонга беришга розилик билдирди.

Медея Ясоннинг ўзига хиёнат қилганини билиб олгач, талвасага тушди. У Ясонни илгаригидек се-вар, аммо бамисоли жонсиз тошга айлангандек, ғамга ботиб ўтирарди. У на ер, на ичар, на тасалли берувчи сўзларга қулоқ осарди. Медея борган сайин ғзаб отига минмоқда. Унинг саркаш руҳини осонликча чўктириб бўлмасди. Наҳотки, нурафшон Ҳелиоснинг ўғли Колхида подшосининг қизининг душманлари унинг устидан тантана қилишса, наҳот, у уларнинг ҳақоратларига чидаб ту-ролса! Йўқ, Медея дарғазаб чоғида бағоят хатарли, унинг интиқоми шавқатсиз бўлмоғи керак! Медея билан ўйнашиб бўпсанлар! У Ясондан ҳам, Главкадан ҳам, унинг отаси Креонтдан ҳам қасос олади!

Ғзабкор Медея уларни қарғгани қарғган. У ўз болаларини, Ясонни бетиним лаънатларди. Изти-роб чекаётган Медея ўзини биратўла яшин зарби ила ҳаётдан жудо қилишларини сўраб, худоларга ялинди. Унинг бирдан бир илинжи интиқом олиш эди. Медея ўлимни чорлайди, ўшагина унинг изти-робларига чек қўяди, ғам-аламдан уни ўлим халос этади. Нечун Ясон ўзига ёрдам берган, ҳаётини сақлаб қолган, аждаҳони ухлатиб унга олтин терини қўлга киритишига кўмаклашган, уни қутқазай деб ўз акасини тузоққа туширган, ўзини деб Пелийни ўлдирган Медеяга жабр ўтказди? Медея Ясон-нинг ўзига нисбатан золимларча муносабат кўрсатганининг гувоҳлари бўлсин дея Зевс ва одиллик (адлия) маъбудаси Фемидани чорлайди. Медеянинг Ясондан ўч олишга қилган қарори кун сайин катъийлик касб этади.

Ниҳоят Креонтнинг ўзи келиб, Медеяга унинг Коринфни зудлик билан тарк этиши кераклигини уқтирди. Креонт Медеядан кўрқарди, зероки дарғазаб чоғида Медеянинг бешафқатлигини, унинг сеҳру жодусининг нечоғлик қудратлилигини яхши биларди. Ахир, у унинг ўзини ҳам, қизини ҳам маҳв этиши мумкин.

Медея интиқом олиш мақсадида вақтдан ютиши керак эди. Бинобарин, у ўзини Креонтга бўйсунган киши қилиб кўрсатади, ўзининг қувғин қилишга ҳақи борлигини эътироф этади, аммо ун-дан Коринфда тагин бир кун қолишга ижозат сўрайди. Креонт розилик берди, бироқ шу билан ўз жо-нига қасд қилганидан хабарсиз эди. Лекин у Медеяга агар унинг қуёш чикқунча Коринфда қолиб кет-ганини билиб қолса, ўзини ҳам, ўғилларини ҳам қатл эттиражагини айтади. Медея унинг дўқ-пўписасидан кўрқишнинг ҳожати йўқлигини биларди. Чунки ўзидан аввал Креонтнинг ҳалок бўлиши тайин, ахир у оппоқ чехрали маъбуда Селена ва ўзининг ҳомийси бўлмиш Ҳеката номидан ўз душ-манларини маҳв этишга беҳуда қасамёд қилган эмасди. Йўқ, Медея эмас, балки унинг душманлари ўлимдан қочиб қутулолмайди. Наҳотки, худо Ҳелиоснинг невараси Сизиф авлоди ва Ясоннинг янги қайлиғи олдида масҳара бўлса!

Ясон Медеяга гўё унинг ва болаларининг бахт-саодати, уларнинг келажагини деб Главкага уйла-наётганини рўқач қилиши тамоман сафсата, агар худолар унга янги никоҳдан фарзандлар насиб этса, улар ўғилларига суянчиқ бўлади дейди. Медея Ясоннинг сўзларининг самимият билан айтилганига ишонмайди, у хиёнат қилганлиги учун эрига таъна тошларини ёғдиради, унинг ёлғон сўзларига қулоқ осмайди. Медея бир пайтлар чин дилдан севган, уни деб отаси, онаси, акаси ва ватанидан кечган эди,

энди эса ундан ўлгудай нафратланарди. Ясон дарғазаб ҳолда кетади, Медея унинг ортидан ўз истехзою таҳдидкор сўзларини ёғдиради.

Шу аснода Дельфадан Троисенага бораётган Афина подшоси Эгей Коринфга келиб қолади. У Медея билан самимий саломлашаркан, унинг нима сабабдан маъюслигини сўрайди. Медея ўзининг бошидан кечираётган барча дард-аламлари ҳақида ҳикоя қилади ва Афина подшосидан эри рад этган кувғинди аёлга Афинадан бошпана беришини сўрайди. У Эгейга ўзининг сеҳру жодуси билан бундан сўнг зурриётли бўлишда кўмаклашаман дея ваъда беради, у унга бошпана берса, бас. Эгей Медеяга бошпана беришга онт ичади. У ер маъбудаси Гея, Медеянинг бобоси куёш худоси Ҳелиос ва Олимпдаги барча маъбудалар номидан қасамёд этиб, Медеянинг душманлар кўлига тушмаяжани билдирди. Эгей Медеянинг олдига битта шарт қўйди: Афинага Медеянинг ўзи бориши лозим эди, чунки Эгей Коринф подшоси билан аразлашишни истамасди.

Медея бошпанали бўлишига ишонч ҳосил қилгач, ўйлаб қўйган режасини ижро этишга киришади. У фақат Креонт ва унинг қизи Главканигина эмас, балки ўзининг болаларини ҳам маҳв этишга қарор қилганди. Жориясини Ясонни чақириб келишга юборади. Ясон келади, Медея ўзини тақдирга тан берган, Ясоннинг қарорига бўйсунган киши қилиб кўрсатади, ундан Креонтнинг ўғилларини Коринфда қолдиришга кўндиришни илтимос қилади. Болалари ҳам келади. Уларни кўрган Медея йиғлайди, уларни кучади, юзларидан ўпади, у уларни севади, аммо интиком алами болаларига бўлган меҳру муҳаббатидан кучлироқ.

Хўш, Главка ва Креонтни қандай ўлдириш керак? У Главканинг кўнглини овлаш баҳонаси билан унга кимматбаҳо либос ва олтиндан қилинган тиллақошни совға сифатида юборади ҳамда болаларни Ясоннинг янги уйида қолдиришга ижозат сўрайди. Главканинг ажали ана шу совғада яширинган эди. Главка Медея юборган либос ва тиллақошни кийган заҳотиёқ уларга сингдирилган оғу унинг танасига ўтади. Тиллақош унинг бошини мис ҳалқадек қиса бошлайди. Кийим унинг баданини куйдиради. Главка даҳшатли изтироб тортиб ўлади. Отаси унга ёрдам беришга шошилади. У бадбахт қизини кучган ондаёқ кийим унинг гавдасига ёпишади. У кийимни танасидан ажратишга уринади, бироқ у билан бирга ўз гавдасини юлиб-юлқийди. Шундай қилиб, Креонт ҳам Медеянинг совғасидан ҳалок бўлади.

Медея Креонт ва Главканинг ўлими ҳақидаги хабарни ўз қасрида туриб эшитади, ўз режаларининг амалга ошганидан мамнун, аммо, уларнинг ўлими Медеянинг қасос аламини босолмади: ахир, у Ясонни баттар изтироб чекишга мажбур этиш мақсадида болаларини ҳам ўлдиришга қарор қилган эди. Подшонинг ҳалок бўлганини эшитиб ғалаён кўтарган оломоннинг ғазабидан кўрққан Ясон болаларини қутқазиб қолиш учун югуради, аммо у кечиккан эди. Шу он самода қанотли аждаҳолар кўшилган ҳашаматли маҳода кўринади, бобоси Ҳелиос юборган маҳодада Медея ўтирар, унинг оёқлари остида эса иккала ўғлининг жасадлари ётарди. Мусибат дардида эзилган Ясон хотинига лоақал болаларнинг ўлигини ташлаб кет дея ялинади, аммо унинг илтижолари Медеяга таъсир этмайди, маҳода кўздан ғойиб бўлади.

Ясоннинг қолган умри хор-зорликда ўтади, у ҳеч жойда ўзига бошпана тополмайди. Кунлардан бир кун Истм дарёси орқали ўтаётган вақтида қирғоқда аргонавтлар ва денгиз худоси Посейдонга бағишланган шалоғи чиққан «Арго»ни кўриб қолади. Ўзи каби ёлғиз қолган «Арго»нинг атрофини айланиб, уни кўздан кечиради, ўта толиққан Ясон кеманинг соясига, қуйруқ тагига ётиб олади. У уйқуга кетганида қаттиқ шамол хуруж қилиб, эскирган «Арго»ни ағдариб ташлайди. Аргонавтларнинг бошлиғи ана шу зайл оламдан ўтди.



ТРОЯ ТУРКУМИ

Троя туркумидаги афсоналар Хомернинг «Илиада», Софоклнинг «Тигбардор-Аякс», «Филоктет», Еврипиднинг «Ифигения Авлидада», «Андромаха», «Хекуба» трагедиялари, Вергилийнинг «Энеида» («Энейнома»), Овидийнинг «Қахрамон аёллар» дostonлари ва бошқа қатор асарлардан олинган парчалар асосида баён этилган.

ЕЛЕНА – ЗЕВС ВА ЛЕДАНИНГ ҚИЗИ

Шавкатли қахрамон Тиндарей бир пайтлар Хиппокоонт томонидан ўз салтанатидан қувғин қилинганди. Узоқ сарсон-саргардонликдан сўнг у Этолия подшоси Фестий ҳузуридан бошпана топди. Қахрамон подшо Фестийга ёқиб қолади, шунда шоҳ ўзининг соҳибжамол қизи Ледани унга хотинликка беради. Зевснинг буюк ўғли Херакл Хиппокоонтни енгиб, уни ва ҳамма ўғилларини ўлдиргач, Тиндарей тагин ўзининг соҳибжамол хотини билан Спартага қайтади, ҳукмронлик қила бошлайди.

Леданинг тўрт нафар фарзанди бор эди. Соҳибжамол Елена ва Полидевк Леда ва яшинчакнатар Зевснинг, Клитемнестра ва Кастор Леда ва Тиндарейнинг болалари эди.

Елена соҳибжамол қиз эди. Гўзалликда бирорта ҳам аёл зоти у билан тенглаша олмасди. Ҳатто маъбудалар ҳам унга ҳавас қилишарди. Еленанинг шуҳрати бутун Юнонистонга тарқалганди. Унинг илохий гўзаллигидан хабардор бўлган Атиканинг буюк қахрамони Тесей уни Тиндарейдан ўғирлаб кетганди, лекин Еленанинг акалари Полидевк ва Кастор сингилларини озод қилиб, отасининг хонадонига қайтариб келтиришганди. Соҳибжамол Еленани хотинликка сўраб Тиндарейнинг саройига қахрамонлар бирин-кетин келиб турар, уларнинг ҳар бири дунёдаги энг гўзал аёлни ўзига хотин қилгиси келарди. Бироқ Тиндарей Еленани саройига тинимсиз келиб турадиган қахрамонлардан бирортасига ҳам хотинликка беришга журъат этолмасди, чунки бошқа қахрамонлар толеи баланд йигит билан охир-оқибатда жанжал чиқариб, низоларга сабаб бўлмасин дея қўрқарди. Ниҳоят айёр қахрамон Одиссей Тиндарейга шундай маслаҳат берди:

– Кимга хотин бўлишни кўнғир сочли гўзал Еленанинг ўзи ҳал қилсин. Барча баҳодир йигитлар Елена ўзига эрликка танланган йигитга қарши қурол кўтармасликка, балки бирор фалокат юз берганда унга бор куч билан ёрдам беришга қасамёд қилсин.

Тиндарейга Одиссейнинг маслаҳати маъқул тушди. Барча баҳодир йигитлар қасамёд қилишди, Елена улардан бирини танлади, у Атрейнинг соҳибжамол ўғли Менелай эди.

Менелай соҳибжамол Еленага уйланди. Тиндарейнинг ўлимидан сўнг у Спарта подшоси бўлди. У Тиндарей саройида осойишта яшар, аммо соҳибжамол Елена билан бўлган никоҳ бошига не балолар келтиришидан беҳабар эди.

ПЕЛЕЙ ВА ФЕТИДА

Машҳур қахрамон Пелей Зевснинг ўғли донишманд Эак ва дарё худоси Асопнинг қизи Эшнанинг ўғли бўлган. Қахрамонларнинг энг буюги Хераклнинг дўсти Теламон Пелейнинг акасиدير. Пелей ва Теламонга ўз ватанларидан қочиб кетишга тўғри келди, чунки улар ҳасадгўйлик натижасида ўгай укаларини ўлдиришганди. Пелей бой Фтияга кетиб қолди. У ерда уни қахрамон Эвритион қабул қилди ва ўз мулкининг учдан бирини ҳамда қизи Антигонани хотинликка берди. Лекин Пелей Фтияда узоқ туриб қолмади. Калидон ови чоғида тасодифан Эвритионни ўлдиради. Ушбу воқеадан ғамга ботган Пелей Фтияни тарк этиб, Иолкка кетиб қолди. Пелейни Иолкда ҳам бахтсизлик кутиб турарди. Иолкда унга подшо Акастнинг хотини мафтун бўлиб, уни дўсти Акастга қарши қўймоқчи бўлди. Пелей дўстининг хотини севгисини рад этади, у бўлса, Пелейдан ўч олиш мақсадида унга эрининг олдида бўҳтон гапларни ёғдиради. Акаст хотинига ишонди ва Пелейни маҳв этмоқчи бўлди. Кунлардан бир кун, Пелионнинг ўрмонзорларида ов пайтида, Пелей овдан чарчаб уйкуга кетади. Акаст Пелейнинг худолар совға қилган ғаройиб қиличини яшириб қўяди. Ўша қилич билан жангга кирганда Пелейга ҳеч ким қаршилиқ қилолмаскан. Акаст, ўзининг ғаройиб қиличидан маҳрум бўлган Пелейни ёввойи кентаврлар тилка-пора қилишига ишонарди. Аммо донишманд кентавр Хирон Пелейга ёрдамга келди. У қахрамонга мўъжизакор қиличини топишда ёрдамлашди. Пелейни тилка-пора қилишга тайёр турган ёввойи кентаврлар ҳужумини ўзининг ғаройиб қиличи билан дарҳол қайтариб ташлади.



Пелей мукаррар ўлимдан қолди. Пелей хоин Акастдан қасос олди. У эгизаклар – Кастор ва Полидевк ёрдамида бой Йолкни қўлга киритгач, Акастни ҳам, хотинини ҳам ўлдирди.

Титан Прометей Зевс ва маъбуда Фетида билан бўладиган никоҳдан отасидан кўра кудратлироқ ўғил туғилади ва уни тахтдан кулатади дея буюк сирни фош этганда, у худоларга Фетидани Пелейга хотинликка бериш керак, ушбу никоҳдан буюк қахрамон дунёга келади деб маслаҳат берганди. Худолар шундай қарорга келишганди: Пелей яккама-якка курашда маъбудани енгиши керак эди.

Худо Ҳефест Пелейга маъбудлар иродасини (хукмини) маълум қилгандан сўнг Фетида денгиздан сузиб чиқиб дам оладиган ўша моғорага борди. Пелей моғорада яшириниб, кутиб ўтирди. Фетида денгиздан чиқиб, моғорага кириб кетди. Пелей дарҳол унга ташланди ва ўзининг кудратли қўллари билан маҳкам ушлаб олди. Фетида сирғалиб чиқиб кетмокчи бўларди. У она шер, илон қиёфасига кирди, сувга айланди, аммо Пелейнинг қўлидан чиқиб кетолмади. Фетида енгилган эди, у Пелейга хотин бўлмоғи керак эди.

Худолар Пелей ва Фетиданинг тўйини кентавр Хироннинг кенг моғорасида нишонлашди. Тўй зиёфати бағоят дабдабали ўтди. Унда Олимпдаги барча худолар иштирок этишди. Аполлоннинг олтин кифараси баралла жаранглар, унинг садоларига жўр бўлган музалар (илҳом илоҳалари) Пелей ва Фетиданинг бўлажак ўғлининг оламшумул доврўғини мадҳ этиб, қўшиқ айтишарди. Худолар базми давом этмокда эди. Ҳоралар ва хариталар илҳом илоҳалари қўшиқлари ва Аполлоннинг кифараси жўрлигида давра раксини авж олдирарди, улар ўртасида ўзининг пурвиқор гўзаллиги билан жанговар маъбуда Афина, ёш маъбуда Артемида ва ўзининг гўзаллиги ҳамда мангу ёшлиги билан ҳаммадан устун бўлган маъбуда Афродита ажралиб турарди. Давра раксида, шунингдек, фикрдай тез югурадиган худолар хабарчиси Ҳермес, уруш худоси ғазабкор Арес қонли жанглари унутиб базмда иштирок этарди. Ёш эр-хотинга худолар катта-катта совғалар беришди. Пелейга Хирон ўзининг дастаси Пелион тоғида ўсган темирдан ҳам каттиқ шумтол ёғочидан қилинган найзасини берди. Денгизлар хукмдори Постдон унга отлар, бошқа худолар эса ғаройиб қурол-аслаҳалар армуғон этишди.

Худолар чақчақлашишарди. Тўй базмида фақат хусумат илоҳаси Эрида иштирок этмаётганди. Худолар уни базмга таклиф қилмаганлиги учун аламини ичига ютиб, Хироннинг моғораси атрофида ёлғиз ўзи сарсон кезарди. Ниҳоят маъбуда Эрида худолардан қандай ўч олиш, улар ўртасига қандай низо солишни ўйлаб топди. Узоқ-узоқлардаги Ҳесперидаларнинг боғидан бир дона олтин олма олди. Унинг устида биргина «маъбудларнинг энг гўзалига» деган ибора битилганди. Ҳеч кимга кўринмас Эрида зиёфат дастурхонига секин яқинлашди-да, унинг устига олтин олмани ташлади. Худолар олмани кўриб қолишди, уни қўлга олиб, устидаги ёзувни ўқидилар. Хўш, илоҳа(маъбуда)ларнинг орасида энг гўзали ким? Шу заҳотиёқ уччала буюк маъбуда – Зевснинг хотини Ҳера, жанговар Афина ва олтин сочли муҳаббат маъбудаси Афродита ўртасида баҳс бошланди. Уларнинг ҳар бири олтин олмани олгиси келар, унинг бошқага тегишини сира-сира хоҳлашмасди. Ушбу баҳсни ҳал қилишни худолар ва одамлар худоси бўлмиш Зевсга ҳавола қилишди.

Зевс ҳакам бўлишдан воз кечди. У олмани олиб, уни Ҳермесга берди ва маъбудаларни Трия атрофидаги баланд Ида тоғининг ёнбағирларига олиб боришни амр этди. Олманинг маъбудалардан қайсига насиб бўлишини Троя подшоси Приамнинг соҳибжамол ўғли Парис ҳал қилиши керак. Шундай қилиб, Пелейнинг тўй зиёфати маъбудаларнинг низоси билан тугади. Уччала маъбуданинг баҳси одамларнинг бошига не-не кулфатларни солиши аниқ.

ПАРИСНИНГ ҲУКМИ

Ҳермес ва уччала маъбуда зудлик билан Ида ёнбағирларида юрган Парис хузурига шошилишди. Ўша пайтда Приамнинг ўғли Парис пода боқиб юрарди. Парис туғилишидан аввал онаси Ҳекуба даҳшатли туш кўрган: унинг тушига Троянинг ёнғин ичида қолгани кирганди. Кўрқиб кетган Ҳекуба ўз тушини эрига сўзлаб берди. Приам қароматсоҳибга мурожаат қилганида, у Ҳекубадан туғиладиган ўғил Троянинг ҳалокатига сабабчи бўлади деган. Бинобарин, Приам ўзининг хизматкори Агелайга Ҳекуба ўғил тукқанида, уни баланд Ида тоғига олиб бориб, ўрмон ўртасидаги чангалзорга ташлаб қилишни амр этди. Аммо Приамнинг ўғли ҳалок бўлмайди, уни она айиқ эмизиб, ўлимдан асрайди. Бир йилдан сўнг Агелай уни топади ва ўзининг ўғлидай тарбиялайди, унга Парис деб исм беради. Чўпонлар орасида ўсган Парис одатдан ташқари соҳибжамол йигит бўлиб етишади. У ўз тенгқурлари ўртасида кучлилиги билан ажралиб турарди. У кўп ҳолларда поданигина эмас, балки ўз ҳамроҳларини ҳам ёввойи ҳайвонлар ва қароқчилар ҳужумидан сақлаб қоларди, шу боис ўз кучлилиги ҳамда жасорати билан шухрат қозонган Парисни ҳамроҳлари Александр (эркакларни

хайратга солувчи) деб аташган. Парис Ида ўрмонлари ичра осойишта яшарди. У ўз тақдирдан тамоман мамнун эди.

Ҳермес ва учала маъбуда ана шу Парис хузурига келишди. Парис уларни кўрганда кўрқиб кетди. У қочиб кетмоқчи ҳам бўлди, аммо фикрдан тез югурадиган Ҳермесдан қочиб қутулолмасди. Ҳермес Парисни тўхтатаркан, у билан майингина гаплаша бошлади ва унга қўлидаги олтин олмани узатаркан:

– Парис, мана бу олмани ол, – деди унга Ҳермес, – олдинда учта маъбуда турганини кўриб турибсан. Олмани ана шуларнинг энг гўзалига бергин. Зевс маъбудалар баҳсини ҳал этишда ҳакам бўлишни сенга амр этди.

Парис довдираб қолди. У маъбудаларга қараб кўяркан, улардан энг гўзали қайси эканини ҳал этолмайди. Шунда маъбудаларнинг ҳар бири йигитга олмани ўзига беришни илтижо қиларди. Улар Парисга буюк ваъдалар беришарди. Ҳера унга Осиё устидан ҳукмронликни, Афина харбий шухратни ва ғалабани ваъда берарди, Афродита эса дунёдаги энг гўзал аёл яшинчақнатар Зевс ва Леданинг қизи Еленани унга хотинликка беришни ваъда қилди. Афродитанинг ваъдасини эшитган Парис узоқ ўйлаб ўтирмади: олмани унга берди. Шундай қилиб, Парис энг гўзал маъбуда дея Афродитани эътироф этганди. Шундан буён Парис Афродитанинг арзандаси бўлиб қолди, у эса Парис бошлаган ҳар қандай ишда унга кўмаклашадиган бўлди. Ҳера ва Афина Парисни ёмон кўриб қолишди, улар Трояни ва трояликларни ёмон кўриб қолишди, улар шаҳарни ҳам, унинг халқини (аҳолиси) ҳам маҳв этишга қарор қилишди.

ПАРИСНИНГ ТРОЯГА ҚАЙТИШИ

Парис маъбудалар билан бўлган учрашувдан сўнг Ида ўрмонларида узоқ қолиб кетмади. Приам хотини Ҳекубанинг у йўқолган ўғлини ўйлаб ҳеч нарсадан тасалли топмаётганини кўргач, у хаёл қилганидек, ҳалок бўлган ўғли шарафига катта ўйинлар ташкил қилди. Ғолиб учун мукофотга подшо Приам подасидаги энг яхши хўкиз қўйилганди. Ўша хўкиз айнан Парис боқаётган подада эди. Яхши кўрган хўкиздан ажралиш Парис учун ачинарли бўлганидан уни ўзи шаҳарга олиб борди. Парис Трояда қахрамонлар мусобақасини кўриб қолди. Ғалаба иштиёқида унинг бутун вужуди жунбишга келди. Парис мусобақаларда иштирок этиб, ҳамманинг устидан, ҳатто қудратли Ҳектор устидан ҳам ғолиб келди.

Қандайдир чўпон уларни энгди деб Приамнинг ўғиллари дарғазаб бўлишди. Приамнинг ўғли Деифоб қиличини суғуриб, Парисни ўлдирмоқчи бўлди. Парис кўрққанидан Зевс меҳробига ташланиб, ундан нажот изларди. Меҳроб ёнида уни Приамнинг афсунгар қизи Кассандра кўриб қолди. У ушбу чўпоннинг ким эканлигини дарҳол таниди. Приам ва Ҳекуба йўқолган ўғилларини топганларидан чексиз хурсанд бўлишди, уни катта тантана билан саройга олиб боришди. Афсунгар Кассандранинг Троянинг ҳалокати сабабчиси бўлишини тақдири азал олдиндан белгилаб қўйган дея Приамни огоҳлантиргани беҳуда кетди. Ҳа, афсунгар Кассандранинг сўзларига ҳеч қулоқ солмасди, чунки худо Апполон уни шундай аламли қисматга маҳкум этганди: унинг башорати тўғри чиксада, ҳеч ким ишонмасди.

ПАРИС ЕЛЕНАНИ ЎҒИРЛАЙДИ

Париснинг ўз отасининг хонадонига қайтиб келганига анча бўлганди. Унинг ҳаётида бўлиб ўтган ўзгариш Афродитага берган олтин олма учун қилинган ваъдани унутишга мажбур этганга ўхшарди. У энди ҳеч ким назарига илмаган оддий чўпон эмас, шахзода эди. Унга соҳибжамол Елена ҳақида Афродитанинг ўзи эслатди ва суюқлиси – Парисга ажойиб кема яшашда ўзи ёрдам берди, у Елена яшаётган Спарта шаҳрига сузиб кетиш тараддудига тушди. Приамнинг афсунгар ўғли Геленнинг огоҳлантира бошлагани ҳам беҳуда. У Парис ҳалокатга учрайди дея башорат қилди. Парис ҳеч кимга қулоқ солишни истамасди. У кемага ўтириб, бепоён денгиз бўйлаб узоқ йўлга равона бўлди. Париснинг тезюрар кемаси жонажон қирғоқлардан узоқлашганини кўрган Кассандра қўлларини самовот сари чўзаркан, хитоб қилди:

- О, буюк Троя, шўринг қурийди! Барчамизнинг шўримиз қурийди! Қонга беланган Муқаддас Ийлоннинг ёнғин ичида қолганини, унинг фарзандларининг жасадларини шундайгина кўриб турибман! Ажнабийларнинг йиғлаётган Троя аёллари ва қизларини қулликка олиб кетаётганларини кўриб турибман!

Кассандра шундай дея хитоб этарди, аммо ҳеч ким унинг башоратига қулоқ солмасди. Парисни ҳеч ким фикрдан қайтараолмади.



У хамон сузишда давом этарди. Денгизда дахшатли бўрон кўтарилди. Ўша хам Парисни тўхтатолмади. У бўлажак душманлари яшаётган Фтия, Саламин ва Микенадан ўтиб, ниҳоят Лакония кирғоқларига етиб келди. Парис кемасини Эврот дарёси мансабида тўхтатди ва дўсти Эней билан кирғоққа чиқди. Улар кўнглида ҳеч қандай ёвуз нияти йўқ меҳмон сифатида подшонинг хузурига оланишди.

Менелай Парис ва Энейни самимият ила қабул қилди. У меҳмонлар шарафига дабадабали зиёфат тайёрлади. Парис соҳибжамол Еленани ушбу зиёфат чоғида биринчи бор кўриши эди. Парис унинг гайри табиий хусни латофатини завку шавққа чулғаниб томоша қиларди.

Парисни хусну жамолини кўрган Елена ҳам унга асиру шайдо бўлиб қолди, Парис серхашам шарқона либосда бағоят соҳибжамол кўринарди. Орадан бир неча кун ўтди. Менелай Критга бориши зарур эди. У йўлга отланаётиб, Еленадан меҳмонларга иззат-икром бажо келтиришни, улар учун ҳамма нарса бадастур бўлишини илтимос қилди. Бу меҳмонлар Менелайнинг бошига не-не кулфатлар солажагини у хаёлига ҳам келтирмаганди.

Менелай йўлга тушган заҳотиёқ, Парис унинг йўқлигидан фойдаланишга шошилди. Афродитанинг ёрдами билан у нозик суҳандонлик ила соҳибжамол Еленани эрини тарк этиб, ўзи билан Трояга кочиб кетишга кўндирди. Елена Париснинг сўзларини ерда қолдирмади. Парис гўзал Еленани ҳеч кимга билдирмасдан ўз кемасига бошлаб борди. Парис Менелайнинг хотининигина эмас, у билан бирга унинг хазинасини ҳам ўғирлаб кетди. Елена Парисга бўлган севгиси туфайли ҳамма нарсани – эрини ҳам, ватани Спартани ҳам, ўз қизи Ҳермионани ҳам унутди.

Париснинг катта ўлжа ортилган кемаси Эврот дарёси мансабини тарк этди. У денгиз тўлқинларини ёриб, орқага, Троя кирғоқлари сари жадаллик билан сузиб бормоқда эди. Дунёдаги энг зебо аёл – Еленага эга бўлган Парис ўзида йўқ хурсанд эди. Кема очик денгизда сузиб бораётганида дафъатан уни қудратли денгиз худоси Нерей тўхтатди. У денгиз пўртаналари ичидан сузиб чиқаркан, Париснинг ҳам, Троянинг ҳам ҳалок бўлажагини башорат қилди. Парис ва Елена саросимага тушиб қолишди. Лекин Афродита уларни юпатиб, ушбу дахшатли башоратни унутишга мажбур этди. Афродита халоскорлик қилган кема уч кун тинч денгиз бўйлаб сузди. Йўлдош шамол уни жадаллик билан олға елдирарди. У эсон-омон Троя кирғоқларига етиб келди.

МЕНЕЛАЙ ТРОЯГА ҚАРШИ УРУШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАДИ

Соҳибжамол Елена ва хиёнаткор Парис Менелай саройини тарк этган ондаёқ худолар хабарчи маъбуда Иридани Критга, Менелай хузурига юборишди. Ирида ўзининг камалак қанотларини қоқиб, кўз очиб юмгунча Олимпдан Менелайга етиб олди ва унга бошига тушган мусибат ҳақида хабар берди. Менелай шу лаҳзадаёқ ортига қайтди. У кўп ўтмай Спартага етиб келди. Еленанинг алдаганини, хазинасини ўғирланганлигини билиб олгач, ғазаби қайнаб кетди. Менелай шу заҳотиёқ Парисдан хиёнаткорлиги учун қандай ўч олишни маслаҳатлашиб олай деб акаси Агамемноннинг хузурига жўнаб кетди. Агамемнон укасини теран ачиниш билан қабул қилди ва унга дарҳол бир пайтлар бошингга кулфат тушганда бор кучимиз билан ёрдам берамиз дея қасамёд қилган ўша қаҳрамонларни ишга солиш керак деб маслаҳат берди. Ана шу қаҳрамонлар ва уларнинг қўшинлари ёрдамида Трояга қарши юриш бошлаш керак, деди Агамемнон. Менелай Агамемноннинг маслаҳатини қабул қилиб, у билан даставвал Пилоснинг қартайиб қолган подшоси Нестор хузурига йўл олди.

Нестор юнонларнинг энг кекса донишмандларидан бири бўлиб, ўзининг узоқ умри давомида кўп ажойиб қаҳрамонларни кўрган, сон-саноксиз жангу жадалларда иштирок этган. Несторнинг ҳарбий санъатдаги тажрибаси айниқса беқиёсдир. Жасурликда унинг тенги-тимсоли йўқ. Несторга учинчи авлод қаҳрамонларини кўриш насиб этганди.

Нестор Менелай ва Агамемнонни самимият билан қабул қилди. Кекса Нестор Париснинг аблаҳлигидан қаттиқ ғазабланди. Трояга қарши юришда унинг ўзи ҳам иштирок этишга ва ўзи билан бирга ўғиллари Фразимед ва Антилохни ҳам бирга олишга қарор қилди. Нестор Атрей ўғиллари билан бутун Юнонистонни кезиб, барча баҳодирларни Трояга қарши юришда иштирок этишга кўндиришга розилик берди.

Трояга қарши юришда иштирок этишга бир талай қаҳрамонлар қарор қилишди. Уларнинг баъзилари қасамёд қилгани учун, баъзилари эса ҳарбий жасорат кўрсатиш иштиёқида ёнганидан иштирок этмоқчи эдилар. Трояга қарши юришга қуйидагилар отландилар: буюк Тидейнинг ўғли, куч-қувватда уруш худоси Аресга тенг келадиган Аргос подшоси Диомед, Эвбея подшосининг донишманд ўғли Паламед, Миноснинг қудратли невараси, Крит подшоси Идомей, Ҳераклининг дўсти Филоктет,

Ҳеракл ўлими олдидан ўзининг ўк-яроғини унга берган эди. Оракул башорат қилганидек, ушбу ўк-яроғсиз Трояни олиш мумкин эмасди. Юришда, шунингдек, иккала Аякс иштирок этди. Ҳераклнинг қудратли дўсти Теламоннинг ўғли – Саламин, локридалик қаҳрамон Оилейнинг ўғли Аякс. Бошқа кўп қаҳрамонлар иштирок этишди.

Трояга қарши юришда Итака подшоси айёр Одиссейни ҳам иштирок этишга мажбур қилиш керак эди. Аммо Лаэртнинг ўғли Одиссей Итакани тарк этишни истамасди. Ахир у соҳибжамол Пенелопага яқиндагина уйланган бўлиб, эндигина биринчи ўғли Телемах туғилди. Наҳотки, унга тинч-осойишта ҳаётни ва жондан азиз суюкли хотинини ҳамда ўғлини ташлаб, Троя деворлари томон сузиб боришга тўғри келади? Бордию, унга ватанига қайтиб келиш бошқа насиб этмаса-чи! Шу боисдан Одиссей Менелай ва Агамемнон, Нестор ва Паламеднинг Итакага келганини билиб олгач, уларни алдашга қарор қилди. У ўзини жинниликка солиб, омонга хўкиз ва эшакни қўшиб, ер ҳайдашга киришди, далага уруғ ўрнига туз сочди. Одиссейнинг айёрлигини дарҳол тушунган Паламед буни фош этиш мақсадида беланчакдаги Телемахни олиб, Одиссей юриб келаётган эгатга ётқизиб қўйди. Одиссей жойида таққа тўхтади. Итакада қолиш истаги нақадар кучли бўлмасин, яккаю ягона ўғлини маҳв этишга ботинолмади. Шу зайл Паламед Одиссейнинг макрини фош этди. Одиссейга жонажон Итака, суюкли хотини, яккаю ягона ўғлини тарк этиб, Троя сари отланишга ва узоқ йиллар ўша ерларда қолишга тўғри келди. Шу пайтдан бошлаб Одиссей Паламеддан нафратланадиган бўлди ва бу юришда иштирок этгани учун ундан қасос олишга қарор қилди.

АХИЛЛ

Қаҳрамонлар юришда иштирок этиш учун тагин бир жасоратли кишини жалб этишлари керак бўлди. Бу навқирон Ахилл бўлиб, подшо Пелей ва Маъбуда Фетиданинг ўғли эди. Кароматсоҳиб Калхас Атрейзодаларга буюк Трояни унга қарши юришда Ахилл иштирок этган тақдирдагина олишлари мумкинлигини башорат қилди. Тақдир Ахиллга мангу шон-шуҳрат ато этганди. Троя учун курашувчилар ичида у энг буюк қаҳрамон бўлмоғи лозим эди. Ахиллнинг жасорати буюк бўлади, аммо Троя сарҳадларидаги жангдан тирик қайтмайди, у айни кучга тўлган чоғида камон ўқидан жароҳатланиб ҳалок бўлади. Маъбуда Фетида тақдирнинг ўғлига нимани раво кўрганини биларди. У шум қисматнинг олдини олишга роса уриниб кўрди. Ахилл болалигидаёқ онаси унинг баданини ўк ўтмайдиган қилмоқ ва унга умрбоқийлик бахш этмоқ ниятида унинг танасига амброзия суртиб, оловда тоблайтиди. Лекин кунлардан бир кун, тунда Фетида гўдакни оловда тоблаётганда ногаҳон уйғониб кетган Пелей ўз фарзандининг ўтга ташланганини кўриб даҳшатга тушади. Шунда у қиличини суғуриб, Фетидага ташланади. Кўрқиб кетган Фетида Пелей саройидан қочиб, отаси Нерейнинг денгиз тубидаги қасридан паноҳ топади. Пелей Ахиллни дўсти Кентавр Хирон тарбиясига беради. Хирон Ахиллни айиқлар мияси ва арслонлар жигари билан боқади. Ахилл қудратли қаҳрамон бўлиб етишади. У олти ёшга кирган чоғида йиртқич арслон ва қобонларни ўлдирар, шундай тез ва чаккон югурардики, кийиқларни бемалол ушлайверарди. Курол ишлатиш бобида унга тенг келадиган кимса йўқ эди. Хирон унга хуш жаранглайдиган кифара чалишни ва қўшиқ айтишни ўргатди. Аммо Фетида ўғлини унутмайди, у билан кўришиш мақсадида денгиз пўртаналаридан дам-бадам сузиб чиқиб турарди. Фетида ҳамма жойда ва ҳаммаша ўғлининг ғамини ерди.

Ахилл улғайиб, ажойиб йигит бўлиб етишганда Менелай Трояга қарши юришга қаҳрамонларни тўплапти деган хабар бутун Юнонистонга тарқалди. Ахиллга қисмат таҳдид солаётганини билган Фетида уни Скирос оролида, подшо Ликомеднинг қасрига яшириб қўяди. Ахилл у ерда аёл кийимида бурканиб, подшонинг қизлари билан яшайди. Ахиллнинг қаерда яширилганини ҳеч ким билмасди. Лекин кароматсоҳиб Калхас унинг паноҳ топган жойини Менелайга етказади. Шу захотиёқ Одиссей Диомед билан йўлга тушишди. Одиссей шундай бир ҳийла ўйлаб топди. Диомед ва Одиссей Скиросга савдогарлар қиёфасида келиб, Ликомед саройига кириб боришди. Улар шоҳ бекачлар олдига ўзларининг молларини ёйиб қўйишди. Ҳашаматли газламалар, олтин жиғалар, билакузуклар, исирғалар, зарбоф кўйлақлар, чойшаблар, улар ўртасига эса қилич, дубулға, қалқон, ханжарлар, совутлар қўйилган эди. Маликалар завқ-шавқ билан олтин зебу зийнатлар ва турфа ранг газламаларни томоша қилишар, Ахилл эса улар ўртасида турган куролларга қарарди, холос. Баногоҳ Қаср ёнида харбий хитоблар эшитилди, бурғулар янграб, куроллар гумбураб кетди. Диомед ва Одиссейнинг ҳамроҳлари қиличлар билан қалқонларга уриб, харбийча наъра тортмоқда эдилар. Кўрқиб кетган маликалар ҳар томонга қочиб қолишди, Ахилл бўлса қилич ва қалқонни олиб, душманларга қарши ташланди. У Анкомеднинг саройига ҳужум қилаптилар деб ўйлаганди. Одиссей ва Диомед Ахиллни шу

заҳотиёқ таниб олишди. Ахилл Трояга қарши юришда иштирок этишни катта шодиёна билан қабул қилди. У билан бирга унинг вафодор дўсти Патрокл ва кекса донишманд Феникс ҳам йўлга равона бўлишди. Пелей ўғлига қачонлардир маъбуда Фетида билан бўлган тўйида худолардан олган қурол-аслаҳасини, шунингдек, ўзига Хирон совға қилган найзани ва Посейдондан олинган отларни армуғон этди.

ТРОЯ

Юнон қаҳрамонлари ҳужумга тайёрланаётган Троя буюк ва бағоят қудратли эди. Унга Зевснинг ўғли Дардан ва маъбуда Электранинг эвараси Ил асос солишганди. Дардан Аркадиядан шох Тевкр унга кизини хотинликка бераркан, сеп сифатида унга ўз ерининг бир қисмини совға қилди, ўша ерда Дардания шаҳри қад кўтарди. Дарданнинг Трос исмли невараси бўлиб, ўғлининг исми эса Ил эди. У кунлардан бир кун Фригияда қаҳрамонлар мусобақасида иштирок этиб, уларни бирин-кетин мағлубиятга учратади. Ўша ғалабаси учун унга элликта киз ва элликта йигитни мукофот сифатида тақдим этадилар, Фригия подшоси унга, шунингдек, ола сигир бериб, ана шу сигирнинг ортидан бораверасан, у қаерда тўхтаса, ўша ерда шаҳарга асос соласан дейди. Фригия подшосининг сўзларига кўра, кароматсоҳиблар ўша шаҳар буюк шухратга молик бўлади деб башорат қилганлар. Ил Фригия подшосининг айтганини қилди. У сигир ортидан бораверди, сигир маъбуда Ате тепалигига борганда таққа тўхтади. Ил ана шу тепаликда шаҳар қуришни бошлаб юборди. У қўлларини самоват сари чўзиб, қўл урган иши унга маъкулми – йўқми, шунинг аломатининг зухур этишини илтижо қилиб, Зевсга ялина бошлади. Эрталаб Ил ўз чодиридан ташқарига чиқаркан, бокира Афинанинг ёғочдан ўйилган тасвирини кўриб қолди. Бу ўша янги шаҳарни кўриқлайдиган палладий эди. Ил подшолик қилган даврда шаҳарнинг тепалик томонидаги қисмигина муҳофаза қилинарди, этак томони ҳимоя қилинмаганди. Шаҳарнинг бу томонидаги деворини худолар амрига биноан Троя подшоси Илнинг ўғли ҳузурида хизмат қилишга мажбур бўлган Аполлон ва Посейдон қурди. Деворнинг фақат бир жойидан худоларга меҳнат қилишга ёрдам берган қаҳрамон Эак қурган қисмидан путури кетиши мумкин эди.

Юнонистон қаҳрамонлари Трояга қарши юришга ҳозирлик кўраётган вақтда у ерда Илнинг невараси Приам ҳукмронлик қилаётганди. Зевснинг ўғли Ҳеракл Трояни забт этганида Лаомедонтнинг ўғилларидан тирик қолгани ўша эди. Приам бағоят катта бойлик соҳиби. Хотини Ҳекуба ва ўзи яшаётган сарой дабдабали ва маҳобатли эди. Приамнинг эллик нафар ўғли ва эллик нафар қизи ҳам ўзи билан бирга яшарди. Приамнинг ўғиллари ўртасида ўзининг жасорати ва куч-қудрати билан донг таратгани олийжаноб Ҳектордир.

Троя бениҳоя қудратли шаҳар эди. Юнон қаҳрамонлари олдида жанговар трояликларга қарши курашишдек беқиёс катта машаққатлар бор эди, лекин трояликларни мағлуб этиб, Трояни забт этган қаҳрамонни беҳудуд катта ўлжалар кутиб турарди.

ЮНОНИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ МИЗИЯДА

Барча қаҳрамонлар ва уларнинг қўшинлари ўша ердан Троя соҳиллари томон сузиб кетиш мақсадида Авлида бандаргоҳида йиғилишди. Денгиз қиргоғида тумонат қўшин тўпланди. Ўша қўшин юз минг нафар қуролли жангчидан иборат. Шунча қўшин бир минг бир юз саксон олти кемада сузиб бориши керак эди. Жўнаш олдидан барча қўшинларнинг йўлбошчилари, буюк қаҳрамонлар худоларга қурбонлик келтириб, улардан бехатар сафар ато этишини илтижо қилмоқ учун меҳроблар ёнидаги кекса чинор тагига йиғилишди. Дафъатан меҳроблардан бирининг тагидан алвондай қип-қизил дахшатли бир илон судралиб чиқди. Илон ўзининг баҳайбат танасини биланглатиб, чинорнинг қарийб тепасигача чиқиб олди. У ерда саккизта полопони бўлган бир қушнинг уяси бор эди. Қизил илон саккизта полопонни ҳам, она қушнинг ўзини ҳам ютиб юборди, ўзи эса тошга айланиб қолди. Бу ҳодисани кўрган чинор тагидаги қаҳрамонлар ҳайратга тушиб қолишди. Худолар кўрсатган ушбу аломатнинг нелигини тушунмай туришарди. Аммо афсунгар кароматсоҳиб Калхас уларга ушбу аломатнинг маъносини аңлатди. У қаҳрамонларга илоннинг тўққизта жониворни ютгани – уларга Трояни тўққиз йил давомида қамал қилишга тўғри келади, ўнинчи йилда, машаққатли ҳарбу зарбдан сўнгина буюк Трояни забт этажакларини башорат айлади. Калхаснинг сўзлари юнон қаҳрамонларининг кўнглининг шодликка тўлдирди. Бошланган юришнинг хайру эҳсон ила тугашига тўла ишонч ҳосил қилишгач, улар кемаларини ҳаракатга келтиришди. Кемалар Авлида бандаргоҳидан бирин-кетин сувга туширилди, қаҳрамонлар йўлга равона бўлдилар.



Қисқа муддатли сузишдан сўнг юнонлар Мизия қахрамонларига етиб келишди. Бу ерда Ҳераклининг ўғли Телеф ҳукмронлик қиларди. Юнонлар унинг тасарруфотидаги қирғоқларга келиб қолишганди. Лекин улар Троя қирғоқларига келдик деб хаёл қилишди ва Телефнинг ерларини паймол қила бошлашди.

Телеф кўшин тўплаб, ўз ерларини ҳимоя қилишга киришди. Қонли жанг бошланиб кетди. Ахилл ўзининг содиқ дўсти Патрокл билан жангга кирди. Патрокл жароҳатланди, аммо унинг ярасига аҳмият беришмади, у Ахилл билан ёнма-ён туриб баҳодирларча жанг қиларди.

Ниҳоят, жуда оғир қийноқлардан кейин Ахилл Телефни қочиб кетишга мажбур этди.

Оқшом кўнганда Телеф ўз шахрига қочиб кетиш ва у ерда бекиниш имкониятига эга бўлганди. Юнонлар тонгдаёқ ҳалок бўлган жангчиларнинг жасадларини йиғиб олишга киришарканлар, улар шу заҳотиёқ трояликлар билан эмас, балки мизияликлар ва уларнинг подшоси Ҳераклининг ўғли Телеф билан жанг қилганликларини билиб қолишди. Юнонлар ўз душманлари билан эмас, балки иттифоқчиларига қарши жанг қилганликлари учун ғамга ботишди. Улар Телеф билан сулҳ тузишди, у ёрдам беришга ваъда қилди. Лекин у Трояга қарши юришда қатнашишдан бош тортди, чунки Телеф Приамнинг қизига уйланганди. Хотинининг отасига қарши уруш қилишни истамасди.

Юнонлар жангда ҳалок бўлганларни дафн этгач, Мизияни тарк этиб, Троя соҳилларига қараб сузишда давом этдилар. Очiq денгизда юнонлар флоти даҳшатли бўронга дуч келди. Денгиз узра улкан тоғлар янглиғ ваҳимали тўлқинлар қад кўтара бошлади. Бўрон юнонларнинг кемаларини пайраҳадек итқитарди. Улар йўлларини йўқотиб, нима қиларларини билишмасди. Юнонлар денгизда хийла вақтгача саргардон бўлиб юришди ва ниҳоят Авлидага қайтишди. Уларнинг биринчи юриши муваффақиятсиз тугади.

ЮНОНЛАР АВЛИДАДА

Еврипиднинг «Ифигения Авлидада» трагедияси асосида баён этилган

Юнонларнинг барча кемалари тагин Авлидада йиғилиб қолганида улар ўз кемаларини қирғоққа чиқариб олишди. Соҳилда катта ҳарбий лагерь вужудга келди. Қахрамонларнинг аксарияти Авлидада қолмасдан, уйларига жўнаб кетишди. Бутун кўшиннинг йўлбошчиси подшо Агамемнон ҳам Авлида-ни тарк этди. Трояга қарши юришнинг яна қачон бошланишини ҳеч ким билмасди. Хўш, юнонлар энди нима қилмоғи керак? Уларга Троя соҳилларига борадиган йўлни кўрсатадиган киши зарур. Ўша йўлни фақатгина яқиндагина юнонлардан зарба еган Телеф кўрсатиши мумкин. Жанг пайтида Ахилл Телефнинг белини жароҳатлаганди. Ўзининг ярасини қандай даволамасин, ҳеч нарса ёрдам беролмасди. Яра кун сайин зирқирагани зирқираган, оғриққа асло чидаб бўлмасди. Ниҳоят, қаттиқ изтироб чеккан Телеф Дельфага жўнаб кетди ва у ерда Аполлондан ярасини қандай тузатишни сўраб олди. Пифия унга Телефни ким ярадор қилган бўлса, ўша даволаши мумкин дея жавоб қайтарди. Жулдур кийим кийган, қўлтиқтаёқ суянган Телеф гадой қиёфасида Микенага, Агамемноннинг саройига келди. У Микена подшосидан Ахиллни ўзининг ярасини даволашга кўндиришни илтимос қилди. Телефни биринчи бўлиб, Агамемноннинг хотини Клитемнестра кўрди. Телеф унга ўзининг кимлигини билдирди, Клитемнестра Телефга, Агамемнон ичкари кирганда бешиқдан Агамемноннинг гўдак ўғли Орестни суғуриб, меҳробга томон югурасан ва агар Агамемнон ярамни тузатишдан ёрдам беришдан бош тортса, Орестнинг бошини меҳробга уриб мажаклаб ташлайман дейсан дея маслаҳат берди. Телеф Клитемнестра амр этганини қилди. Телеф ўғлимни ўлдириб қўяди дея кўрққанидан юраги кинидан чиқаёзди. Трояга борадиган йўлни юнонларга фақат Телеф кўрсатишини билган Агамемнон унга ёрдам беришга бажонидил розилик берди. Агамемнон Ахиллнинг ортидан элчилар юборди. Ахилл ҳайратга тушган ҳолда ҳеч нарсага тушунолмасди, табиблик санъатига молик бўлмай туриб, Телефнинг ярасини қандай даволай олади. Лекин қахрамонларнинг энг донишманди Одиссей Ахиллга, табиб бўлишинг шарт эмас, Телефга зарба берган найзангнинг тиғидаги темир унинг ярасини даволайди деб маслаҳат берди. Шу заҳотиёқ Ахиллнинг найзаси темирини қиртишлайдилар, пайдо бўлган темир кукунини ярага сепадилар, шу зайл яра тузалади. Телеф ярасининг тузалганидан беҳад қувонади ва юнонлар флотини Троя қирғоқларига бошлаб боришга розилик беради. Энди йўлбошловчи топилганди, аммо юнонлар Авлидадан бир қадам ҳам нари кетолмасдилар: денгизда ҳамон сузишга қарши шамол эсмоқда. Ушбу шамолни суюқлисини ўлдирган Агамемнондан ғазабланган маъбуда Артемида юборганди. Юнон қахрамонлари шамолнинг ўзгаришини беҳуда кутишарди, чунки у сира сусаймасдан, ҳамон ўша йўналишда эсарди. Бекорчилик қахрамонларнинг жонига тегиб кетди. Жангчилар қароргоҳида касалликлар хуруж қила бошлади, улар ўртасида турфа

шикоят, гина-кудуратлар пайдо бўлди. Қўзғолон кўтарилиши хавфи ҳам сезилиб қолди. Ниҳоят, кароматсоҳиб Калхас юнон йўлбошчиларига шундай дея ёрилди:

– Агамемноннинг соҳибжамол кизи Ифигенияни маъбуда Артемида шарафига қурбон қилмагунларича у юнонларга раҳм-шафқат қилмайди.

Авлидага қайтиб келганларида ушбу маъшум хабарни эшитган Агамемнонни ғам-алам чулғади. У жигарбанди бўлмиш қизининг ҳаётини сақлаб қолиш учун Трояга қарши юришдан бош тортишга ҳам тайёр эди. Менелай уни Артемида иродасига бўйин эгишга кўндирди. Пировардида Агамемнон укасининг илтимосини қабул қилиб, Микенага юборди, у ҳақиқий сабабни пинҳон тутиб, унга Агамемноннинг амри билан Ифигенияни Авлидага олиб бориш керак, гўё Ахилл Трояга қарши юришда иштирок этишдан аввал Ифигения билан никоҳдан ўтишни талаб қилмоқда дейиши лозим эди. Агамемнон Микенага чопар юбораркан, қизига бўлган ачиниш ҳисси уни баттар чулғаб олди. У ҳеч кимга билдирмасдан, хуфёна чопар ортидан бошқа чопар юборди, унга, Авлидага бориб, Клитемнестрага Ифигенияни Авлидага олиб келмасликни тайинлайсан дея амр этди. Бироқ иккинчи чопарни Менелай ушлаб олади. У дарғазаб бўлиб, умумий ишга хиёнат қилишни ўйлаган кишигина шундай йўл тутиши мумкин дея Агамемнонга таъна қилади. Менелай хийла вақтгача Агамемнондан гина қилиб юради. Ака-ука ўртасида қизгин баҳслар пайдо бўлди. Бунга ҳозиргина Клитемнестра, Ифигения ва жажжи Орест юнонлар манзилгоҳига келиб, унинг яқинидаги булоқ ёнида тўхтаб қолишди дея хабар қилган чопар чек қўйган эди.

Агамемнон талвасага тушиб қолди. Наҳотки тақдир унга нозикниҳол суюкли кизи Ифигениядан жудо бўлишни раво кўрган бўлса, наҳотки уни ўлимга ўзи бошлаб борса, наҳотки, уни Артемида қурбонгоҳига ўз қўли билан топширса? Ақасининг ғам тортаётганини кўриб турган Менелай ҳам ҳатто ақаси томонидан қилинаётган бундай қурбонликдан воз кечишга тайёр. Лекин Агамемнон Калхаснинг маъбуда Артемида ҳукми-иродасини бутун кўшинга ёйишини билади, ўшанда уларни Ифигенияни қурбон қилишга мажбур этади. Калхас маъбуданинг ирода-ҳукмини эълон этмаган тақдирда ҳам, Одиссейнинг ўзи бу ҳақда ҳаммага ҳикоя қилади, ахир маъбуданинг ҳукми-иродасидан у хабардор.

Тамоман қайғуга чўмган Агамемнон хотини ва қизининг истикболига чиқди. У хотиржам ва хушчақчақ бўлишга интиларди. Лекин интилганича бўлмади. Отасининг чуқур қайғуга ботганини Ифигения дарҳол пайқади. У отасини тергай бошлади, лекин у қизига ҳеч нарса демади, у уни Микенага қайтиб кетишга кўндирмоқчи бўларди: Агамемнон Клитемнестранинг қизининг ўлимининг гувоҳи бўлишини истамасди. Ниҳоят Агамемнон хотини ва қизини тарк этиб, Калхаснинг хузурига борди: у ундан қизини бирор йўлини қилиб қутқазиш иложи борми-йўқлигини сўрамоқчи бўлганди.

Агамемнон чодирдан чиқиб кетган ҳам эдики, Ахилл келиб қолди. У Микена подшосини кўриб, ундан Трояга қарши юришни ҳаялламадан бошлаш кераклигини талаб қилмоқчи эди. Авлидада бекор ўтириш Ахиллнинг жонига текканди, бунинг устига, Мирмидонлар безовта бўлишар ва ё юриш бошлансин ёхуд бизни уйимизга қўйиб юборишсин дея талаб қилишарди. Клитемнестра Агамемнондан ниманидир сўраётган қаҳрамонни таниб олгач, у Ахиллга мурожаат қилиб, қизининг қайлиғи сифатида саломлашди. Ахилл ҳайрон бўлиб қолди. Ахир, у ҳечқачон Агамемнонга унинг қизини хотинликка олиш истаги борлигини айтмаганди. Ахиллнинг Ифигенияга уйланиш ҳақида хаёл ҳам қилмаганини билиб олгач, Клитемнестра хижолат тортаркан, Ахиллга нима дейишни ҳам билмасди. Лекин шу аснода Агамемнон иккинчи хабар билан Микенага юборган ўша қулнинг ўзи келиб қолди. У Клитемнестрага Агамемноннинг Ифигенияни Авлидага нима сабабдан чакиртирганини баён этди. Клитемнестранинг вужудини даҳшат чулғади. У қизидан жудо бўлмоғи керак эди. Унга ким ҳомийлик қилиши мумкин? У хўнграб фарёд соларкан, Ахиллнинг олдида тиз чўкиб, ундан онаси буюк Нерей кизи Фетида орқали қизини ҳимоя қилишни илтижо этарди. Ахилл Клитемнестранинг талвасага тушганини кўриб, унга ёрдам бераман дея кекса донишманд ва афсунгар маъбуд Нерей номи билан қасамёд қилди. У Ифигенияга ҳеч кимга қўл теккизгани қўймайажагини баён этиб, сўз берди. Ахилл совут-қалқонини кийиб олай деб Агамемноннинг чодирдан жадаллик билан чиқиб кетди. Агамемнон ўз чодирига қайтиб келганда жаҳли чиқан Клитемнестра ундан жигаргўшаси бўлмиш ўз қизини ҳалок этишга қарор қилгани учун таъна қила бошлади.

Агамемнон унга нима деб жавоб қайтаради? Ахир, у жонажон қизини маъбуда Артемидаги ўз ихтиёри билан қурбон қилаётгани йўқ-ку. Бошқача йўл тутишга унда имкон ҳам йўқ эди. Борди-ю, у хотини ва қизининг ялинишларини инобатга олиб, Ифигенияни қурбон қилишдан бош тортса, ғазабланган юнонлар ўзини ҳам, барча яқинларини ҳам ўлдириб юборишарди, чунки улар Ифигения-

ни бутун Юнонистон манфаати йўлида қурбонлик этишади.

Манзилгоҳда аллақачон қаттиқ ҳаяжонлана ва безовталана бошлашди. Ахилл ўзига хотинликка ваъда қилинган қизни қурбон қилгани кўймаслигини билдирганида мирмидонликларнинг Ахиллни тошбўрон қилиб ўлдиришларига оз қолганди. Одиссей бошлиқ барча жангчилар қўлларида қуроллари билан Агамемноннинг чодирига ташланишди. Ифигенияни сўнгги томчи қони қолгунча ҳимоя қилишга тайёр турган Ахилл қўлида қурол ва қалқон таққан ҳолда Агамемноннинг чодирига кираверишда туриб олганди.

Аммо шу аснода қонли жанг бошлашга шай турганларнинг ҳаммасини Ифигения тўхтатди. У умумманфаати йўлида кўнгилли равишда ўзини қурбон қилишга тайёр эканлигини баралла айтди. Ифигения буюк Зевснинг қизи Артемида иродасига қарши чиқишни истамасди. Майли, уни қурбон этишсин, лекин юнонлар забт этса, Троя харобалари унинг учун ҳайкал бўлиб қолади. У Ахиллни ўзини ҳимоя қилмасликка, орага нифоқ солувчи урушни бошламасликка кўндирди. Ахилл умумманфаати йўлида ўзини қурбон қилиб, катта журъат кўрсатгани учун севиб қолган қизга нечоғлик ачинса-да, у Ифигения иродасига монелик қилмади. Ифигения маъбуда Артемида шарафига қурилган қурбонгоҳ томон шошмасдан хотиржамгина борди. Соҳибжамол ва маҳобатли Ифигения тумонат жангчилар ўртасидан ўтиб, қурбонгоҳ ёнида туриб олди. Агамемнон ёшгина қизига нигоҳ ташларкан, кўзлари жикка ёшга тўлиб йиғлаб юборди, у қизининг ўлимини кўрмай деб, юзини кенг барли хилъати билан ёпди. Ифигения қурбонгоҳ олдида хотиржамгина турарди. Ҳамма жарчи Тальфибий амрига бўйин эгиб, чуқур сукутга чўмганди. Афсунгар Калхас қурбонлик пичоғини қинидан суғуриб, уни олтин саватга солиб қўйди ва қурбонлик учун олиб борилаётган бокира қизнинг бошига гулчамбар кийгизди. Ахилл жангчилар сафидан чиқиб, муқаддас сув тўлдирилган идиш ва устига туз сепилган қурбонлик унини қўлига олиб, Ифигения ва Қурбонгоҳга сув пуркади, бокира қизнинг бошига ун сепди-да, маъбуда Артемидага қаттиқ овоз чиқариб мурожаат қиларкан, қўшиннинг Троя соҳилларига эсон-омон сузиб бориш ва душман устидан ғолиб келишда унга куч-қудрат ато этишини илтижо қилди. Калхас қурбонлик пичоғини қўлига олди. Ҳамма жойида қотиб қолди. Ифигенияни бўғизлаш учун шайланаркан, пичоқни унинг томоғига тираганда ҳам Ифигения ўлими олдидан фарёд солмасдан қурбонгоҳда турарди. Шунда мисли кўрилмаган мўъжиза рўй берди. Маъбуда Артемида Ифигенияни ўғирлаб кетди, унинг ўрнида эса Калхас пичоғидан жон таслим этган оху ётарди. Мўъжизани кўриб ҳайратланган жангчилар бараварига қичқириб юборишди. Ўта суюниб кетган афсунгар Калхас ҳам бунга жўр бўлди:

– Мана ўша яшинчақнатар Зевснинг буюк қизи Артемида талаб қилган қурбонлик! Қувонинг, эй юнонлар, маъбуда бизга саодатли сафар ва Троя устидан ғалаба ваъда қилмоқда.

Буни қаранги, Артемида юборган оху қурбонгоҳда ёниб улгурмасдан шамол ўзгариб, йўлдош ел эса бошлади. Манзилгоҳда сурур ҳукм суради. Юнонлар шошилинич тарзда узоқ сафарга тадорик кўра бошладилар. Агамемнон эса қурбонгоҳда юз берган ҳодисани Клитемнестрага билдириш ва унинг Микенага қайтишини тезлатиш учун чодирига шошилди.

Маъбуда Артемида қурбонгоҳдан Ифигенияни ўғирлаб, уни узоқ Тавридага, Эвксин Понт соҳилларига олиб кетди. Агамемноннинг соҳибжамол қизи Ифигения у ерда маъбуданинг қоҳинасига айланди.

ЮНОНЛАРНИНГ ТРОЯ СОҲИЛЛАРИ ТОМОН СУЗИШИ. ФИЛОКТЕТ

Софиклнинг «Филоктет» трагедияси асосида баён этилган

Юнонларнинг Троя қирғоқлари сари сузишлари осойишта кечди. Муттасил йўлдош ел эсиб турди. Кемалар денгиз тўлқинларини жадаллик билан кесиб ўтди. Лемнос оролининг қирғоқлари кўзга ташлана бошлади. Бу ерда, Лемнос ороли яқинида бўм-бўш Хриса ороли жойлашган. Унда ўша оролнинг ҳомийси бўлган нимфа Хриса шарафига қурбонгоҳ ўрнатилган. Юнонлар ўша қурбонгоҳни топиб, унинг қошида нимфага қурбонлик беришлари керак эди, чунки уларга Трояни фақат йўл-йўлакай Хриса соҳилларига келиб тўхтаганларида нимфага қурбонлик берсаларгина уни забт этишлари мумкин дея қаромат қилинганди. Ушбу оролдаги қурбонгоҳни бир пайтлар ўзининг аргонавт ҳамроҳлари билан жунли терини олиб келиш учун узоқ Колхидага сузиб бораётган буюк қаҳрамон Ясон ўрнатган. Зевснинг буюк ўғли Ҳеракл ҳам подшо Лаомедонтдан ҳақорати учун интиқом олмоқ бўлиб, Трояга қарши юриш тарадудини кўрганда ўша қурбонгоҳда қурбонлик берган. Ҳераклнинг дўсти Филоктет қурбонгоҳнинг қаерда жойлашганини биларди. Уни қаҳрамонларга кўрсатиш истагини билдирди. Юнонларнинг йўлбошчилари Филоктет ортидан боришди. Оролда одамзотдан асар ҳам йўқ. Уни пас-

так ўсган буталар босиб кетганди. Ана, ниҳоят ярмигача нураган қурбонгоҳ ҳам кўринди. Қаҳрамонлар унга яқинлашиб боришди. Дафъатан буталар орасидан қурбонгоҳни қўриқлаётган каттакон илон судралиб чиқди-да, қаҳрамон Филоктетнинг оёғидан чақиб олди. Филоктет чинқирганича ерга ағдирилди. Қаҳрамонлар унинг ёнига югуриб келишди, бироқ кеч бўлганди. Илоннинг захри яранинг ич-ичига ўтиб кетган эди. Унинг яраси қаттиқ оғрий бошлади. Филоктетнинг ярасидан бутун ҳавони қўланса хидга тўлдириб юборган йиринг шариллаб оқарди. Унинг изтироблари тоқат қилиб бўлмайдиган даражада даҳшатли бўлди. У туну кун бетиним инграрди. Бадбахт Филоктетнинг инграшлари юнонларга тинчлик бермасди. Охир-оқибат жангчилар нолий бошлашди. Улар Филоктетнинг ярасидан чиқаётган қўланса хидга чидаш беришолмасди. Ниҳоят, юнонларнинг йўлбошчилари Одиссейнинг маслаҳатига биноан Ҳераклнинг бадбахт дўстини қирғокнинг қаеригадир ташлаб кетишга қарор қилишди. Лемнос ороли ёнидан сузиб кетаётганларида йўлбошчилар уйкуга кетган Филоктетни бўм-бўш қирғокқа чиқариб қўйишни амр этишди. Уни ўша ердаги қоялар ўртасига ётқизиб, ўқ-ёйини, устбошини ва озиқ-овқатини қўйишди. Юнонлар шу одамнинг ўқ-ёйисиз Трояни забт этиш насиб қилмайдиган қаҳрамонни шу зайл ёлғиз қолдиришди. Филоктетга бўм-бўш, кимсасиз қирғокда тўққиз йил изтироб чекишга тўғри келди. Аммо юнонларнинг ўзлари Филоктетга одам юбориб, ундан ёрдам беришни илтимос қилишга мажбур бўлишди. Бу воқеа Троя камалининг ўнинчи йилида юз берди.

Юнонлар Филоктетни ташлаб кетарканлар, узоқ йўлга отланишди ва ниҳоят, уларни бағоят оғир машаққатлар, хавф-хатар ҳамда катта жасоратлар кутиб турган Троя қирғокларига етиб келишди.

ТРОЯ ҚАМАЛИНИНГ ДАСТЛАБКИ ТЎҚҚИЗ ЙИЛИ

Антик ёзувчиларнинг ҳар хил асарлари асосида баён этилган. Паламеднинг ҳалок бўлиш эпизоди Овидийнинг «Эврилишлар» достони асосида баён этилган

Юнонлар ўзларининг узоқ давом этган сузиши ниҳоясига етганидан роса қувонишди. Лекин қирғокқа яқин сузиб келганларида уларни трояликларнинг ўша қартайиб қолган Троя подшоси Приамнинг қудратли ўғли Ҳектор бошлиқ кучли қўшиннинг кутиб турганини кўриб қолишди. Хўш, юнонлар қандай қилиб қирғокқа келиб тўхташлари керак? Кемалардан қандай тушишсин? Троя қирғоғига биринчи бўлиб қадам қўйган кишининг ҳалок бўлиши ҳақидаги башоратни барча қаҳрамонлар билишарди. Юнонлар хийла вақтгача иккиланиб туришди. Уларнинг ўртасида Протесилай исмли қаҳрамон ҳам бор эди, у жасорат кўрсатишга ташна бўлганидан қирғокқа биринчи бўлиб сакраш ва трояликлар билан жанг бошлаш иштиёқида ёнарди. Аммо бунга журъат этолмасди, чунки у Троя тупроғига илк бор қадам қўйган киши ҳалок бўлмоғи керак деган башоратдан воқиф эди. Ушбу башоратдан Одиссей ҳам хабардор. Қаҳрамонларни ўз ортидан эргаштирмак, айни замонда ўзининг ҳалок бўлмаслиги учун Одиссей ўз қалқонини қирғокқа иткитади-да, шитоб билан ўзини кемадан унинг устига ташлади. Протесилай Одиссейнинг сакраганини кўрди, лекин унинг Троя ерига эмас, балки ўз қалқони устига сакраганини кўрмай қолди. Протесилай юнонлардан бири Троя заминига биринчи бўлиб қалам қўйди деган қарорга келди. Шу лаҳзада Протесилайни жасорат кўрсатиш орзуси чулғаб олди. Шунда у ҳамма нарсани, ватанини ҳам, соҳибжамол хотини Лаодамияни ҳам унутди. Протесилай кемадан қирғокқа сакради-да, қиличини яланғочлаб, душман устига ташланди. Буюк Ҳекторнинг зилдай оғир найзасидан зарба еган Протесилай шу заҳотиёқ қирғокқа куладию, тил тортмай жон берди. У биринчи бўлиб Троя тупроғини қонга белади. Юнонлар яқдиллик билан кемалардан сакраб, душманга ҳужумга ўтишди. Қонли жанг авжига чиқди, трояликлар саросимага тушиб, қочиб қолишди ва ўтиб бўлмас деворлар орқасида паноҳ топишди. Эртаси куни юнонлар билан трояликлар ўртасида ҳалок бўлган жангчиларни олиб кетиш ва дафн этиш учун сулҳ тузилганди.

Юнонлар ҳалок бўлганларнинг барчасини эҳтиром ила дафн этгач, ўз истехкомларини мустаҳкамлашга киришишди. Улар кемаларини қирғокқа чиқариб, Сигейсон тоғларидан Ройтейон тоғларигача бўлган сарҳад бўйлаб ўзларига манзилгоҳ қуриб олишди. Троя томондан улар ўз истехкомини баланд тупроқ девор ва хандақлар билан ҳимоя қилишди. Истехкомнинг иккала қарама-қарши томонида Ахилл ва Аякс Теламенид трояликларни кузатиш ва юнонларга тасодифан ҳужум қилиш имконини бермаслик учун чодир қуриб олишди. Истехкомнинг ўртасида юнонлар ўзларининг қўшинига йўлбошчи деб танлаган шоҳ Агамемноннинг чодир кад кўтариб турарди. Бу ерда, Агамемноннинг чодир ёнида халқ мажлислари учун майдон ҳам бор. Донишманд Одиссей дамбадам йиғилганлар ҳузурига чиқиш имконига эга бўлиш ва манзилгоҳда нималар содир бўлаётганини би-

лиш учун чодирини халқ мажлислари майдони якинида курди. У аввалига юришда иштирок этишни истамаганига қарамасдан, энди трояликларнинг ашаддий душманига айланиб, қандай бўлмасин Трояни забт этиш ва вайрон қилишга даъват этарди.

Юнонларнинг истехкоми курилиб, мустақкамлангач, юнонлар Трояга шоҳ Менелай ва хийлагар Одиссейни трояликлар билан музокаралар олиб бориш учун юборишди. Юнонларнинг элчиларини донишманд Антенор ўз уйида қабул қилди ва улар шарафига дабдабали зиёфат берди. Антенор сулҳ тузилишининг ва Менелай талабларининг қонуний тарзда қондирилишининг тарафдори эди. Элчилар келганини билиб олгач, Приам Менелайнинг талабини амалга ошириш учун халқ мажлисини чақирди. Трояликлар мажлисига Менелай ва Одиссей ҳам келди. Менелай ўзининг мухтасар ва мазмунли нуткида трояликларнинг унга хотини Еленани ва Парис томонидан олиб кетилган бойликларнинг қайтариб берилишини қатъий талаб қилди. Менелайдан сўнг Одиссей сўзлади. Трояликлар Итака подшоси доно Одиссейнинг ғаройиб нутқини бутун вужудлари билан тинглашди. У трояликларни Менелай талабларини қондиришга кўндиришга уринарди. Троя халқи Менелайнинг барча шартларини қабул қилишга тайёр эди. Соҳибжамол Еленанинг ўзи ҳам ўйламасдан қилган иши учун надомат тортиб, қаҳрамон эрининг хонадонини Парис туфайли тарк этганига таассуф билдирмоқда эди. Антенор халқни Менелайнинг талабларини ижро этишга чорларди. Трояликлар билан юнонлар ўртасида бўладиган уруш қанча балою фалокат келтиришини билиб турарди. Аммо Приамнинг ўғиллари ўжарлик қилиб, юнонлар билан сулҳ тузишдан бўйин товлашди, алалхусус, Парис бундай битимга бутунлай қарши эди. Наҳотки, уни Еленани қайтариб беришга мажбур этсалар? У халқ мажлисининг қарорига бўйин эгишни мутлақо истамади, унга укалари далда бершарди. Парисга сотилган Антимах ҳатто трояликлардан шоҳ Менелайни тутиб ўлдиришларини талаб этарди. Лекин Приам ва Ҳектор бундай қилишга қарши бўлиб, улар Зевс ҳимоясида бўлган элчиларни таҳқирлашга йўл қўйишмади. Халқ мажлиси иккиланиб, узил-кесил бирор қарорга келишни билмасди.

Шунда Приамнинг ўғли, троялик қароматсоҳиб Гелен ўрнидан туриб, трояликлар юнонлар билан бўладиган урушдан кўрқмасин, худоларнинг ўзлари Трояга ёрдам бермоқчи деди. Трояликлар Геленнинг сўзига ишонишди. Улар Менелайнинг талабини қондиришни рад этишди. Юнонларнинг элчилари Троядан тарвузлари қўлтиқларидан тушиб қайтиб келишди. Энди трояликлар билан юнонлар ўртасида қонли муҳораба бошланиши керак эди.

Трояликлар забт этиб бўлмайдиган Трояга бекиниб олишди. Ҳаттоки Ҳектор ҳам Трояни тарк этишга журъат этолмасди. Юнонлар қамал қилишни бошлашди. Улар Трояни ҳужум билан ишғол этишга уч бор уриниб кўришди, аммо бунга муваффақ бўлолмадилар. Шундан сўнг юнонлар Троя атрофларини вайрон этиб, Троя билан иттифоқдош бўлган шаҳарларни забт этмоқчи бўлишди. Юнонлар уларга қарши ҳам қуруқликдан, ҳам денгиздан ҳужумлар уюштира бошлашди. Ўша ҳужумларнинг барчасида буюк қаҳрамон Ахилл ажралиб турарди. Юнонлар Тенедос, Лесбос ороллари, Педас, Лернесс ва бошқа шаҳарларни эгаллаб олишди. Улар мамлакат ичкарасидаги кўп шаҳарларни ер билан яқсон қилишди. Юнонлар Ҳекторнинг хотини Андромаханинг отаси подшолик қилаётган Фива шаҳрини ҳам ишғол этишди. Ахилл бир куннинг ўзида Андромаханинг етти нафар ака-укасини ўлдирди. Андромаханинг отаси ҳам ҳалок бўлди. Лекин Ахилл Эстионнинг жасадини таҳқирлашга йўл қўймади, чунки у худолар ғзабидан кўрқарди, уни иззат-икром ила дафн эттирди. Андромаханинг онаси эса асира сифатида юнонлар манзилгоҳига олиб кетилди. Ахилл Фивада жуда катта бойликни қўлга киритди. У Аполлоннинг қохини бўлган Хриснинг соҳибжамол кизи Хриссидани шоҳ Агамемнон ихтиёрига ҳавола этди.

Юнонлар Троя атрофидаги ҳамма нарсани пайҳон қилишди. Трояликлар Троя деворлари ортида кўриниш беришга ботинолмасдилар, зероки уларга ўлим таҳдид солар, улар ҳар қадамда асирлик жабрини тортиши ва қул бўлиб сотилиши мумкин эди.

Троянинг тўққиз йиллик қамали даврида унинг сокинларига бағоят катта ғам-аламни бошидан кечиришга тўғри келди. Улар жангда ҳалок бўлган бир талай қаҳрамонлар учун кўз ёши тўкишди. Ҳали олдинда энг даҳшатли ўнинчи йил бор эди. Уларни энг катта бахтсизлик – Троянинг қулаши кутиб турарди.

Тўққиз йил мобайнида юнонлар ҳам озмунча мусибатларни бошидан кечирмадилар. Улар ҳам кўп қаҳрамонларидан жудо бўлишди. Донишманд қаҳрамон Паламед ҳам ҳалок этилди. Аммо душман кўлида эмас, балки маккор Одиссейнинг нафрати ва ҳасади қурбони бўлади. Паламед юнонларга доно маслаҳатлар берар, улардан ўзининг бебаҳо хизматларини сира аямасди. У жароҳат ва касалликларни турфа шифобахш гиёҳлар билан даволарди. У юнонлар учун манзилгоҳдан сузиб кетганлар

коронғу тунда каерга келиб тўхташларини билиш учун маёк (машғал) ихтиро этди. Юнонлар қахрамон Паламедни ҳурмат қилишар, унинг донишмандларча берган маслаҳатларини бутун вужудлари кулоқ бўлиб тинглашарди. Шу боис Одиссей уни ёмон кўриб қолди. У юнонларнинг Паламедга ўзидан кўра кўпроқ кулоқ солаётганларини кўриб турарди, Одиссей Трояга қарши юришда катнашмаслик учун ўзини жинниликка солганда Паламед унинг айёрлигини фош қилганлигини ҳам эслади, ана шу воқеа унинг Паламедга бўлган нафратини баттар ошириб юборди. Одиссей Паламедни қандай махв этишни кўнглига тугиб, узоқ вақт фикрга толди. Ниҳоят, у Паламеднинг юнонларга, урушга чек қўйиб, ватанга қайтайлик, деган мулоҳазасидан фойдаланди. Одиссей маккорона режа тузиб қўйди. У тунда Паламеднинг чодирига олтин солинган қопни яшириб қўйдида, ҳаммани, Паламед Троя қамалига чек қўйиб деб юнонларга беҳуда маслаҳат бераётгани йўқ, чунки у Приамга сотилган дея ишонтира бошлади. Юнонлар орасида Паламеддан норози бўлганлари ҳам йўқ эмасди. Бордию, юнонлар Паламеднинг маслаҳатига кулоқ солишса, улар Трояни забт этгач, эга бўладиган бой ўлжаларидан ажралиб қолишлари мумкин эди. Паламеддан норози бўлиб юрганларнинг барчаси Одиссейнинг бўхтонига дарҳол ишонишди. Кўпчилик юнонларнинг Паламеднинг хоинлигига ишонганини кўрган Одиссей ҳақиқатан Паламед Приамга сотилган дея ҳаммани ишонтириш учун Агамемнонга Паламед Приам билан фригиялик асир йигит орқали хабарлашиб туришини, ўша фригиялик юнонларнинг истехкомидан чиқишга уриниб, Трояга кетмоқчи бўлганда Одиссейнинг хизматкорлари ушлаб ўлдирганини билдирди. Одиссей, шунингдек, Приам номидан Паламедга мактуб ёзди. Мазкур хатга шоҳ Приамнинг Паламедга юнонларни Троя қамалига чек қўйишга ва ўз ватанларига қайтишга кўндириши учун юборилган олтин ҳақида ҳам фикр юритилганди. Ўша мактубни Одиссей фригиялик асир йигитга бериб, уни Паламедга олиб боришни амр этди. Фригиялик асир йигит эндигина юнонлар истехкомидан чиққан ҳам эдики, уни Одиссейнинг хизматкорлари ушлаб олишди ва ўлдириб юборишди. Хатни эса ўз подшоларига келтириб беришди. Одиссей хатни қўлида ушлаганича Агамемноннинг чодирига шошилди. Ушбу маълумотни қўлга киритган Агамемнон шу заҳотиёк юнонларнинг йўлбошчиларини ўз чодирига чақирди. Шу ерда Одиссей Паламедни хоинликда айблади. Паламед ватанга хиёнат қилишни хаёлимга ҳам келтирмаганман дея йиғилганларни ишонтирмоқчи бўларди, бироқ беҳуда. Одиссей эса Паламедни фош қилиш учун унинг чодирини тинтув қилиш лозим дея маслаҳат берди. Чодирга одам юборганди, у ердан чинданам бир қоп олтин топишди. Шундан кейин ҳаммасига ишонишди. Паламед устидан ҳукм чиқариб, уни ўлимга маҳкум этишди. Уни тошбўрон қилиб ўлдиришга қарор этишди. Айбсиз Паламедни оғир занжир билан боғлаб, денгиз буйига келтиришди. Паламед юнонлардан ўзини ўлдирмаслик, ўзига бундай бешафқат қотилликни раво кўрмасликка ундашидан фойда чиқмади. Хоин деб фараз қилинган Паламеднинг сўзларига ҳеч ким кулоқ солмасди. Қатл этишга киришдилар. Паламед на ингради, на шикоят қилди. Ўлим олдидан секингина шу сўзларни айтди, холос:

– Эҳ ҳақиқат, сенга ачинаман, сен мендан аввал ўлган экансан...

Юнон қахрамонларининг энг доно ва энг олижаноби ана шу сўзларни айтarkan, дунёдан ўтди. Юнонларга қилган беғараз хизматлари уни ўлимдан халос этмади. Алалоқибат юнонлар Паламеднинг ўлими учун қилмишларига яраша жазо тортишди. Эвбея подшоси Навплий ўғли Паламед учун улардан интиқом олди. Агамемнон Паламедни ўлимгагина эмас, балки унинг арвоҳини ҳам мангуга саргардонликка маҳкум этди. Агамемнон Паламеднинг жасадини кўмишга йўл қўймасди, унинг жасади ёввойи ҳайвонлар ва қарға-кузғунга ем бўлсин дея уни денгиз кирғоғида қолдириб кетишди. Лекин қудратли Аякс Теламонид бунга йўл қўймасди, у Паламеднинг жасадини барча урф-одатларга биноан иззат-икром ила дафн этди. Аякс Паламеднинг хоинлигига ишонмасди.

АХИЛЛНИНГ АГАМЕМНОН БИЛАН АРАЗЛАШУВИ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Юнонларнинг Трояни қамал қилганига тўққиз йил тўлди. Буюк курашнинг ўнинчи йили бошланди. Ўша йилнинг бошида юнонлар манзилгоҳига тирандоз Аполлоннинг қохини Хрис келиб қолди. У барча юнонларга, даставвал уларнинг йўлбошчиларига катта товон эвазига қизи Хрисеидани қайтариб беринлар дея ялинарди. Хриснинг ялинишларини эшитганларнинг ҳаммаси катта товон эвазига Хрисеидани қайтариб беришга рози бўлишди. Аммо қудратсоҳиб шоҳ Агамемнон газабланиб, Хрисга шундай деди:

– Ҳой чол, ҳозирок кўзимдан йўқол ва бу ерда, кемаларнинг олдида қорангни кўрсатма зинҳор, акс холда сени худо Аполлоннинг қохини бўлганлигинг халос этолмайди. Қизинг Хрисеидани сенга

кайтириб бермайман. У бутун умрини туткунликда ўтказди. Агар бу ердан эсон-омон кетиш ниятинг бўлса, жаҳлимни чиқаришдан ҳазар қил.

Хрис юнонлар манзилгоҳидан дарғазаб бўлиб чиқиб кетаркан, ғам-аламга ботган ҳолда денгиз бўйига келди. У ерда қўлларини самоват сари ёзиб, Латонанинг буюк ўғли, маъбуд Аполлонга илтижо қила бошлади:

– Эй кумуш камонли маъбуд, содиқ хизматкорингнинг нолишини тингла! Менга ўтказган ғам-андух ва ситам учун юнонлардан ўқ-ёйинг бирла қасос ол.

Аполлон ўз коҳини Хриснинг шикоят ва нолаларини эшитди. У қўлида ўқ-ёйи ва елкасида садоғи билан нурафшон Олимпдан ерга томон шамолдай елди. Унинг садоғидаги олтин ўқлар даҳшат ила гумбурларди. Ғазаб ўтида ёнган Аполлоннинг чехраси тун зулматидан ҳам ваҳимали эди, у юнонлар манзилгоҳи сари еларди. Аполлон ахейлар (*Юнонлар – тарж.*) манзилгоҳига яқинлашаркан, у садоғидан ўқ-ёйни суғуриб, манзилгоҳ томон бирин-кетин ўқларни йўналтирди, камоннинг ҳайбатли жарангоси атрофни ларзага келтирарди. Аполлоннинг ўқлари дўлдай ёғиларди. Ажалдор ўқлар юнонларни ерга қулатаверди. Ҳамма ёқда дафн гулханлари ловулларди. Юнонларнинг ажал паймонаси тўлганга ўхшарди.

Орадан тўққиз кун ўтди, қирғин соат сайин авжига чиқарди. Ўнинчи куни Ҳеранинг маслаҳатига биноан буюк қахрамон Ахилл худоларнинг кўнглига раҳм солиш учун нима қилиш керак деган муаммони ҳал этиш мақсадида барча юнонларни халқ мажлисига даъват этди. Ҳамма жангчилар йиғилганда Ахилл биринчи бўлиб Агамемнонга шундай дея мурожаат қилди:

– Ҳой Атрей ўғли, – деди Ахилл, – бизга орқага, ватанимизга қайтиб кетишга тўғри келяпти, кўриб турибсан, жангчилар бир томонда жангда, иккинчи томонда ўлатдан қирилмоқда. Балки, аввал фолбинларимиздан сўраб кўрармиз, балки улар кумуш камонли Аполлонни нима учун ғазаблантирганимизни, унинг нима сабабдан бизнинг қўшинимизга ҳалокатли ўлатни юборганини айтишар.

Ахилл шундай деган эди ҳамки, юнонларга бир неча бир худолар иродасини талқин этган кароматсоҳиб Калхас ўрнидан турди. У, агар Ахилл ўзини шоҳ Агамемнон қаҳридан ҳимоя қилишга ваъда берсагина чўнг мерган Аполлоннинг нима сабабдан ғазабланганининг сирини очишга тайёрлигини баён этди. Ахилл Калхасни ҳимоя қилишга ваъда бераркан, Аполлон номидан онт ичди. Ўшандагина Калхас сирни фош этди.

– Латонанинг буюк ўғлининг ғазабланишининг сабаби – Агамемнон унинг коҳини бўлмиш Хриснинг қизи учун бермоқчи бўлган катта товонни олмасдан, унинг номига доғ тушириб, ҳайдаб юборган. Хриснинг қорақўз қизи Хрисеидани отасига қайтариб, Аполлон шарафига юзта хўкизни курбон қилганимиздагина унинг кўнглига раҳм соламыз.

Калхаснинг айтганларини эшитиб турган Агамемнон унга ҳам, Ахиллга ҳам аччиқланиб, ғазаб ўтида ёнарди, аммо Хрисеидани ҳар ҳолда отасига қайтариб беришга тўғри келаётганини билган Агамемнон ниҳоят розилик билдирди, лекин уни қайтариб бериши учун ўзига тортиғу инъомлар берилишини талаб қилди. Ахилл Агамемнонга таъмагирлиги учун таъна қилди. Бу билан у Агамемноннинг баттар ғазабини кўзгади. У Хрисеида учун Ахилл, Аякс ва Одиссей чекига тушган инъомлардан ҳам ўз ҳиссасини зўрлик билан бўлсада оламан дея дўқ-пўписа қила бошлади.

– Уятсиз, доғули таъмагир! – дея қичқирди Ахилл, – сен бизнинг чекимизга тушадиган инъомларни ҳам оламан, деб дўқ-пўписа қиляпсан, ҳолбуки, ҳеч қачон сенга тенглашган эмасмиз. Биз бу ерга шахсий ишларимиз учун эмас, балки Менелай ва сенга ёрдам берамиз деган мақсад билан келганмиз. Сен бўлсанг мендан буюк жасоратларим туфайли қўлга киритган ўлжаю хазинамни тортиб олмоқчисан. Яхшиси мен ўз ватаним Фтияга қайтаман, мен ўлжаю бойликларни кўпайтиришни истамайман.

– Бор, жўнаб қол ўша Фтиянга! – қичқириб юборди Агамемнон Ахиллга жавобан, – подшоларнинг ичида ҳаммасидан сени ёмон кўраман! Сен фақат хусумат уруғини сочяпсан. Сенинг ғазабингдан қўрқмайман асло. Сенга айтадиган гапим шу! Маъбуд Аполлоннинг ҳукму иродасига биноан мен Хрисеидани отасига қайтариб бераман, аммо бунинг эвазига сендан асир Брисеидани тортиб оламан. Куч-қудратимнинг катталигини ўшанда биласан! Ҳар бир киши ўзини куч-қудратда мен билан тенг деб ўйлашдан ҳазар қилсин!

Агамемнондан шундай дўқ-пўписани эшитган чоғда Ахиллнинг вужудини даҳшатли ғазаб алангаси чулғади. Фетиданинг ўғли қиличига ёпишди, у уни кинидан ярмигача суғуриб, Агамемнонга ташланишга тайёр эди. Ахилл дафъатан бировнинг ўз сочларини енгилгина пайпаслаганини сезиб қолди.

У дарҳол орқасига ўгирилди-ю, даҳшат ичра ўзини четга олди. Унинг кўз ўнгида бошқаларга кўринмай яшинчақнатарнинг буюк қизи Афина Паллада (Бокира Афина) турарди. Афинани Ҳера юборганди. Зевснинг хотини қаҳрамонларнинг унисининг ҳам, бунисининг ҳам ўлимини истамасди, уларнинг иккаласи, Ахилл ҳам, Агамемнон ҳам унинг учун бирдай қадрлидир. Ҳаяжон босган Ахилл маъбуда Афинадан сўради:

– Ҳой яшинчақнатар Зевснинг қизи, нега юксак Олимпдан пастга тушдинг? Наҳотки, сен бу ерга Агамемноннинг дарғазаб бўлганини кўргани келган бўлсанг? Таассуфки, уни ҳадемай ўзининг гурури маҳв этади!

– Йўк, кудратсоҳиб Ахилл, – жавоб берди равшандийда Афина, – мен сенинг ғазабингни тийгани келганман. Қиличингни яланғочлама, сўзлар билан қаноатлан, Агамемнонни сўз билан савала фақат. Менга ишон! Орадан кўп ўтмай шу ерда, мана шу ернинг ўзида сенга ситам ўтказганлари учун беҳисоб тортиғу инъомлар тақдим этишади. Сен умрибоқий худоларга бўйин эгиб, итоат этсанг, бас!

Ахилл Агамемнонни халқ талончиси, шаробхўр, ўлардай кўрқок, юраксиз дея баттар ғазаби кайнаб кетди-да, уни итсан деб ҳақорат қилди. Ахилл асосини (салтанат таёғи) ерга итқитаркан, пайти келар, трояликларга қарши курашда менинг ёрдамим керак бўлади дея қасамёд қилди, ўшанда Агамемноннинг ялинишлари беҳуда кетди. Уларни яраштирмоқчи бўлган Пилоснинг донишманд подшоси, кекса Несторнинг уринишлари ҳам самара бермади. Агамемнон Несторга қулоқ осмади, Ахилл ҳам бўш келмади. Пелейнинг буюк ўғли дўсти Патрокл ва жасур мирмидонликлар билан ўз чодирларига қараб ғазабланиб кетишди. Ахиллнинг кўксига ўзини ҳақорат қилган Агамемнонга нисбатан бўлган адоват алангаси ловуллаб ёнарди.

Шу аснода Агамемнон тезюрар кемалардан бирини денгизга туширишга, маъбуд Аполлонга берилдиган қурбонликларни унга юклашга ва коҳин Хриснинг соҳибжамол қизини олиб кетишга амр этди. Ушбу кема айёр Одиссей бошчилигида Эстион оролидаги Фива шаҳрига сузиб кетмоғи керак бўлиб, юнонлар эса манзилгоҳда Агамемнон фармониغا кўра Аполлоннинг кўнглига раҳм солмоқ учун унинг шарафига катта қурбонлик бериши лозим эди.

Агамемнон томонидан юборилган кема сарҳадсиз денгиз тўлқинлари ичра жадаллик билан еларди. Ниҳоят кема Фива бандаргоҳига кириб келди. Юнонлар елканларни тушириб, кемани тўхташ жойига (лангаргоҳга) боғлаб қўйишди. Одиссей муҳориблар бошчилигида қирғоққа етиб келди, соҳибжамол Хрисеидани отаси хузурига бошлаб борди ва у билан тавозе ила саломлашаркан, шундай мурожаат қилди:

– Эй Аполлон хизматчиси! Мен бу ерга қизингни қайтариб бериш учун Агамемнон амри билан келганман. Бизлар юнонларга оғир мусибат юборган буюк маъбуд Аполлоннинг кўнглига раҳм солайлик деб қурбонлик учун юзта хўкиз ҳам олиб келганмиз.

Кекса Хрис қизининг қайтиб келганидан ғоят севинди ва уни меҳрибонларча қучиб олди. Аполлонга қурбонлик келтиришди. Хрис чўнг мерган маъбудга илтижо қиларди:

– Эй кумуш камон маъбуд! Сўзимга қулоқ ос! Менинг илтижоларимни илгари ҳам ижобат айлагансан! Бугун ҳам мени тинглагил! Юнонларга юборилган мусибатни даф қил! Ҳалокатли ўлатнинг олдини ол!

Хриснинг илтижоларини эшитган Аполлон шу ондаёқ юнонлар манзилгоҳидаги ўлатга чек қўйди. Хрис томонидан унинг шарафига қурбон келтирилгач, дабдабали зиёфат берилди. Юнонлар Фивада мириқиб кайфу-сафо қилишди. Ёш йигитлар меҳмонларнинг қадахларини тўлдириб май келтиришарди. Навқирон юнон ёшлари қуйлаётган Аполлон мадҳияси садолари баралла янграрди. Зиёфат қуёш ботгунча чўзилди, меҳмоннавозлик гаштидан сўнг уйқуга тўйиб, бардам тортган Одиссей ва унинг шериклари ортга, манзиллари томон йўлга тушишди. Аполлон уларга йўлдош ел бахш этди. Кема денгиз тўлқинларини ёриб, чорлоқ янглиғ еларди. Улар кўп ўтмай манзилга етиб келишди. Ғаввослар кемани қирғоққа чиқариб, чодирларига тарқалишди.

Одиссей Фивага бораётган чоғда Агамемнон Ахиллга дўқ-пўписа қилиб, эришмоқчи бўлган мақсадига ҳам етди. У жангчилар – Талфибий ва Эврибатни чақириб, Брисеидани олиб келиш учун юборди. Улар Ахилл чодирига томон истар-истамас бормоқда эдилар. Жарчилар уни чодирини ёнида чуқур ўйга ботиб ўтирган ҳолда учратишди. Улар кудратсоҳиб қаҳрамон хузурига яқинлашиб боришди, бироқ хижолат тортиб турганлари туфайли тиллари калимага келмасди. Шунда Гелейнинг ўғли уларга деди:

– Салом, жарчилар. Биламан, сизларнинг мутлақо айбингиз йўк, ҳамма қабоҳат Агамемнонда. Сизлар Хрисеидани деб келгансизлар. Дўстим, Патрокл, Хрисеидани бериб юбор. Лекин шундай кун

келадики, юнонларни ҳалокатдан ҳалос этиш учун мен керакман, ўшанда ўзлари гувоҳ бўлишади. Ўша чоғда ақлидан жудо Агамемнон юнонларни қутқазибга ожизлик қилади!

Аччиқ кўз ёшлари тўқаркан, Ахилл дўстларини тарк этиб, бўм-бўш қирғоққа борди-да, қўлларини денгиз томон ёзиб, онаси – маъбуда Фетидани чорларкан, қаттиқ овоз чиқариб қичқира бошлади:

– О, онажоним, ўзим-ку қиска умр кўришга маҳкум бўлиб туғилганман, бунинг устига, яшинчақнатар Зевснинг мени шон-шухратдан маҳрум этгани нимаси! Йўқ, у менга шухрат ато этмаган экан! Шоҳ Агамемнон мендан жасоратларим эвазига берилган инъому мукофотларни тортиб олиб, шаънимга доғ туширди. Онажоним, сўзимга кулоқ сол!

Маъбуда Фетида Ахиллнинг нолишларини эшитди-ю, денгиз пўртанаси ва маъбуд Нерейнинг муаззам қасрини тарк этди. Шитоб билан осмон узра елаётган булут янглиг денгиз тўлқинларини ёриб, сузиб чиқди. Фетида қирғоққа чиқиб, суюкли ўғлининг ёнига ўтираркан, уни нозиккина кучди.

– Аччиқ кўз ёшлари тўкишининг боиси недир, ўғлим? – сўради у. – Аламларинг сирини баён айла-чи.

Ахилл онасига Агамемнон томондан қандай таҳқирлаганини ҳикоя қилиб берди. У онасидан нурафшон Олимпга парвоз этиб, Зевсдан Агамемнонни жазоласин дея илтижо қилишни илтимос эта бошлади. Зевс трояликларга ёрдам қилсин, улар юнонларни кемаларигача қувиб юборсин. Агамемнон юнонлар ичидаги энг жасур қаҳрамонни аблаҳларча ҳақорат қилганини тушуниб олсин. Зевс унинг илтижоларини ерда қолдирмайди дея онасини ишонтитарди Ахилл. Зевсга бир пайтлар уни худолар занжирбанд қилиб, Олимпдан итқитмоқни ўйлаб қўйганларида қандай ёрдам берганини эслатиб қўйишнинг ўзи кифоя-ку, ахир. Ўшанда Фетида Зевсга ёрдам бериш учун юзта қўли бўлган паҳлавон Бриарейни даъват этганди. Уни кўрган худолар саросимага тушиб, Зевсга қўл кўтаришга ботинолмагандилар. Фетида буюк яшинчақнатар Зевсга ана шуни эслатсин, шунда у илтимосни бажо келтиради. Ахилл онасига шуларни айтиб ялинарди.

– О, менинг азиз дилбандим, – хитоб этди Фетида аччиқ кўз ёшларини тўқаркан, – нечун сени шунча балою мусибатларга гирифтор этдим, шунинг учун дунёга келтирганмидим сени! Ҳа, умринг жуда қиска, у ҳадемай тугайди. Ё алҳазар, умрининг қисқалиги, бунинг устига бошқаларга кўра бадбахтлигинг-чи! Йўқ, бундай дея қайғурма сира! Мен нурафшон Олимпга кўтариламан, яшинчақнатар Зевсдан менга ёрдам беришни албатта илтижо қиламан. Сен чодирингдан жила кўрма, жангларда иштирок этма зинҳор. Ҳозир Зевс Олимпни тарк этиб, барча умрбоқийлари билан Эфионлар юртига зиёфатга жўнаб кетди. Зевс ўн икки кундан сўнг қайтиб келади, ўшанда бориб, унинг олдидан тиз чўкаман, аминманки, илтижоларим ижобат бўлади!

Фетида ғамга ботган фарзандини қолдириб кетди, у бўлса жасур мирмидонлар чодир сари отланди. Ўша кундан бошлаб Ахилл на йўлбошчилар йиғинида, на жангларда иштирок этди. Ҳарбий шон-шухратга нечоғлик орзуманд бўлмасин, аламдийда бўлиб, чодирда ўтирарди.

Орадан ўн бир кун ўтди. Ўн иккинчи куни субҳидам чоғи маъбуда Фетида оппоқ туман ичра денгиз пўртанасини ёриб, нурафшон Олимп сари равона бўлди. У ерда Зевснинг оёғига йиқилиб, унинг тиззаларини кучиб, илтижо бирла унга томон қўлларини чўзди, соқолини силади.

– О, отахонимиз, – ялинарди Фетида, – менга ўғлим учун интиқом олишга ёрдам бер! Бир пайтлар мен ҳам сенга хизмат қилгандим, илтимосимни ерда қолдирма! Юнонлар ўғлимнинг ҳузурига келиб, бизга ёрдам бер дея ялинмагунча ва унга муносиб ҳарбий эхтиромни ўрнига қўймагунча уларга ғалабани раво кўрма.

Булуткувар Зевс Фетидага анча вақтгача жавоб бермади. Аммо Фетида ҳам ҳадеганда фикридан кайтадиганлардан эмасди, тинимсиз ялинаверди. Ниҳоят, чуқур оҳ тортаркан, яшинчақнатар тилга кириб, шундай деди:

– Шуни билиб қўй, Фетида! Бу илтимосинг билан Ҳеранинг ғазабига дучор бўласан, у мендан ғазабланади. Шусиз ҳам у менга трояликларга ёрдам бераёпсан дея таъна тошларини ёғдирмоқда, Олимпдан шундай кетгинки, сени Ҳера кўрмасин. Илтимосингни бажо келтиришга ваъда бераман, мана унинг аломати.

Зевс шундай деркан, ваҳимали ковоқ солди, бошида сочлари кўтарилди-ю, бутун Олимп ларзага келди. Фетиданинг кўнгли таскин топди. У юксак Олимпни шитоб билан тарк этиб, денгиз пўртаналари ичра ғойиб бўлди.

Зевс эса худолар тўпланишган зиёфатга борди. Уларнинг барчаси ўринларидан туриб, унинг истиқболига чиқишди, улар ҳам Зевс билан ўтирган жойларида саломлашишга журъат этишолмади.

Худолар ва одамлар подшоси ўзининг олтин тахтига ўтирганда Ҳера унга бурилди. У Фетиданинг Зевс ҳузурига келганини кўриб қолган эди.

– Айтгин-чи, менга, ҳой маккор, – деди Зевсга Ҳера, – умрбоқийлардан ким билан хуфёна маслаҳатлашдинг? Сен ўз ният ва ўйларингни доим мендан яширасан.

– Ҳера, – жавоб берди Зевс, – мен ўйлаб қўйган нарсаларнинг ҳаммасини қачонлардир билиб оламан дея хаёлингга келтирма. Билишинг мумкин бўлган нарсани барча худолардан аввал билиб оласан, бироқ мен ҳамма сирларингни билишга ҳеч қачон интилмаганман. Сен ҳамма нарсани менсиз ҳал қиласан. Хавфсираганимнинг боиси шундаки, бугун Фетида сендан ўғли Ахилл номидан юнонларнинг кўпчилигини маҳв этиб, улардан ўғли учун қасос олишни илтижо қилди.

– Биламан, сен унинг илтижосини бажо келтиришга ваъда бердинг.

Зевс Ҳерага важоҳат билан қараб қўйди, у хотинидан мудом ўзини таъқиб қилиб юргани учун қаҳрланди. Зевс аччиғланган ҳолда уни итоат қилиб, жим ўтиришга амр этди. Агар у Зевс амридан бўйин товлайдиган бўлса, жазоланишини писанда қилиб қўйди. Ҳера Зевснинг қаҳридан кўркарди. У ўзининг олтин тахтида чурқ этмасдан ўтирди. Зевснинг Ҳера билан жанжаллашганидан худолар ҳам кўрқиб қолишди. Шунда оксоқ маъбуд Ҳефест ўрнидан турди ва худоларга фонийларни деб жанжаллашганлари учун таъна қила бошлади:

– Агар бизлар фонийлар туфайли жанжаллашадиган бўлсак, худолар зиёфатида ҳаловат бўлмайди, – деди маъбуд Ҳефест ва онаси Ҳерадан Зевс ҳукмига тобе бўлишни илтимос қилди, чунки Зевс қаҳри келганда важоҳати ёмонлашиб, Олимпдаги барча худоларни тахтларидан маҳрум этиши мумкин.

Ҳефест Ҳерага, яшинчақнатар Зевснинг ғазабига дучор бўлган онасига ёрдамга шошилганда ўзини Олимпдан ерга итқитиб юборганини эслатиб қўйди. Ҳефест соғарни май билан тўлдирди-да, Ҳерага узатди. Ҳера жилмайиб қўйди. Ҳефест оксоқланиб, қадахларни май ила тўлғазиб, маъбудларга улаша бошлади. Ҳефестнинг ҳашаматли кўшқда оёқларини аранг судраб юрганини кўрган худолар кулиб қўйишарди. Худолар базмида куй-тарона ҳукм суради, маъбудлар қуёш ботгунча бамайлихотир Аполлоннинг олтин кифараси садолари, илҳом илоҳаларининг кўнгилтортар қўшиқларидан бахраманд бўлиб, кайфу сафо қилишди. Базму зиёфат ниҳоясига етганда маъбудлар ўз хобгоҳларига тарқалишди, нурафшон Олимп ҳам осойишта уйку оғушига чўмди.

ХАЛҚ ЙИҒИНИ. ТЕРСИТ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Умрбоқий худолар нурафшон Олимпда тинч ва хотиржам уйку гаштини сурмоқда эдилар. Юнонлар манзилгоҳи ҳам, буюк Троя ҳам қаттиқ уйкуга чўмган. Лекин яшинчақнатар Зевс уйкуни тарк айлаб, мижжа қоқмасди, у қандай қилиб таҳқирланган Ахилл учун қасос олишни хаёл қиларди. Ниҳоят булуткувар Зевс Агамемнонга ёлғондакам уйку юборишга қарор қилди. У уйку худосини чақириб, уни юнонлар манзилгоҳига, Агамемнон ҳузурига юбораркан, унга деди:

– Эй алдоқчи уйку, қанотларингни жадал қоқиб, югур, Агамемнон манзилига бор. Унга сен буюк Трояни забт этасан, зероки Ҳера барча худоларга трояликларга ёрдам берманглар дея ялинди, Трояга ҳалокат таҳдид солмоқда, дегин.

Уйку худоси ерга томон елдай учиб келди-да, Агамемнон бағоят ҳурмат қиладиган кекса Нестор киёфасида унинг тушига кирди ва унга буюк яшинчақнатарнинг амр этганларини баён айлади. Агамемнон уйғониб кетди, бироқ кулоғининг тагида ҳамон тушида эшитган сўзлар жарангларди. Микена подшоси ўрнидан туриб, ҳашаматли либосларини кийиб, қўлига олтин асосини (ҳассасини) олиб, юнонларнинг кемалари қирғоққа чиқариб қўйилган жойга етиб келди. Шу чоғ қуёш худоси буюк Ҳелиоснинг само бағрида зухур этишидан хабар берай дея алвон тонг отмоқда эди. Агамемнон барча жарчиларни чорлаб, уларга жангчиларни халқ йиғинига чақириб келишни амр этди. Қудратли Микена подшоси ҳамма йўлбошчиларни кекса Нестор кемаси ёнига тўплади ва уларга яшинчақнатар Зевс кўрсатган тушни сўзлаб берди.

Йўлбошчилар жангга тайёрланишга қарор қилишди. Лекин қўшинни Троя деворлари ёнига олиб чиқишдан аввал Агамемнон уларни синаб кўрмоқчи бўлди. У халқ йиғинида ватанга қайтишни таклиф этишга жазм қилди. Йўлбошчилар кенгашаркан, жангчилар йиғинга шошиларди. Жангчилар издиҳоми тоғ ғорларидан учиб чиқаётган арилар галасини эслатарди. Халқ йиғини ғалаён кўтармоқда эди. Зевснинг дастниҳоллари – йўлбошчилар халққа мурожаат қилмоғи учун жарчилар зўрға тинчлик ўрнатишди. Ниҳоят, тумонат одам йиғилди, ҳамма ёқда сув сепгандай сукунат ҳукм суради. Халққа

биринчи бўлиб, кўлида ҳасса ушлаб ўрнидан турган Агамемнон мурожаат қилди. У уруш машаққатлари ҳамда юнонларнинг Троя деворлари ёнидаги жанглари беҳудаю бесамара бўлганлиги, мустаҳкам деворларидан ўтиб бўлмайдиган Трояни забт этиш уларга насиб этмаганлиги, ҳеч нарчасиз ватанга қайтиб кетиш хусусида гапирди. Афтидан, худоларнинг ўзлари ҳам юнонларнинг орқага, ватанга қайтишларини хоҳлаб турибди. Агамемнон ана шундай деди. Юнонлар Агамемноннинг нутқини эшитиб олишди. Халқ гўё Нот – жануб шамоли ва Эвр – шарқ шамоли тўлқинларини осмону фалакка кўтарган денгиз янглиғ жунбишга келди. Кемаларга қараб югураётган жангчилар издиҳомининг тапир-тупирдан ер ларзага келди. Атрофни чанг-тўзон булути қоплади. Манзилгоҳда кий-чув кўтарилди. Ҳамма кемаларини тезроқ сувга тушириб, ватанга қайтиш иштиёқи билан ёнарди.

Жангчилар кийқириғи сарбаланд Олимпга ҳам етиб борди. Юнонлар Троя қамалидан воз кечиб, кетиб қолмасин тагин дея уларни ниятидан қайтармоқ учун Ҳера Афина-Палладани (Бокира Афина) юборди. Афина Олимпдан юнонлар манзилгоҳига бамисоли бўрондек шитоб билан етиб келди. У дарҳол Одиссей хузурига ташриф буюраркан, унга деди:

– Лаэртнинг олийжаноб ўғли, бу не ҳол, барчангиз ватанга қайтишга қарор қилибсизлар? Наҳотки, сизлар Приамнинг кўнглини шод этиб, соҳибжамол Еленани трояликларга ташлаб кетсангиз? Қани, тез бўл, жангчиларни Трояни ташлаб кетмасликка даъват эт!

Маъбуданинг ваҳимали овозини эшитган Одиссей шу заҳотиёқ елкасидан хилъатини итқитаркан, кемаларга томон югуриб кетди. Йўлида унга дуч келиб қолган Агамемнондан олий ҳокимият рамзи бўлган салтанат асосини олдида, барча йўлбошчилар ва жангчиларни кемаларни сувга туширмасликка, уларнинг ҳаммасини халқ йиғинига чорлади. Одиссей ҳаммадан кўп шовқин кўтарган ва тезроқ Троя қирғоқларини тарк этишга шошилган жангчиларга асоси билан зарба берарди. Уларнинг барчаси яна халқ йиғини бўладиган ўша майдонга тўпланишди. Оломон гўё момақалдиروقдек гулдираб, қояли қирғоқларга урилаётган бетиним денгиз тўлқинлари сингари айюҳаннос соларди. Ниҳоят, ҳамма ўз жойини эгаллаб, жим қолди. Фақат Терсит кичқиришда давом этарди. Терсит ҳамиша ўзига подшоларга жасуруна қарши чиқишни эп кўрарди. У айниқса, Одиссей ва Фетиданинг буюк ўғли Ахиллдан нафратланарди. Шу он Терсит қаттиқ чинқирар ва Агамемнонни сўкарди. У Агамемноннинг оддий жангчилар асирга олаётган хотин-қизларни, қўлга киритишган ўлжаларни суллоҳларча ўзиники қилиб олаётгани етар дея қичқирарди. Терсит ҳаммани зудлик билан ватанга қайтишга даъват этаркан, Троя қирғоғида Агамемноннинг ёлғиз ўзини қолдириш керак дея маслаҳат берарди. Унга жангда жангчилар ёрдам бердимиз – йўқми, улар унга содиқ эдимиз ё йўқлигини билиб қўйсин Атрей ўғли. Терсит Агамемнонни беаёв сўкарди. Ундан Ахиллни таҳқирлагани учун таъна қилар, Ахиллни эса кўрқоқлик ва иродасизликда айбларди. Терситнинг қийқириқларини маккор Одиссей ҳам эшитиб турарди. У Терситнинг олдида борди-да, унга заҳрини сочиб, хитоб қилди:

– Подшоларни сўқишдан тилингни тий, аблаҳ, ватанга қайтиш ҳақида оғиз оча кўрма! Бошлаган ишимизнинг қандай тугагини ким билади. Қулоқ ос ва эсингда тут, мен айтган сўзимнинг устидан чиқаман! Яна сен тупорининг Агамемнонни ҳақорат қилаётганингни эшитиб қолсам борми, устибошингни суғуриб, ўзингни дўппослаб, халқ йиғинидан ҳайдаб юбормасам, оғриққа дош беролмай йиғлаётган ҳолда кемалар томон жўнатмасам, қудратли бу танимдан бошимни жудо қилсинлар, мени Телемахнинг отаси демасинлар!

Ана шундай бақириб берди Одиссей. У асосини силтадию, Терсийнинг яғринига туширди. Оғриқнинг зўридан Терсийнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. Туширилган зарбадан унинг яғринида кип-кизил из қолганди. Кўрққанидан юзидаги ажинлари тиришди ва қўли билан кўзларидан думалаётган ёшларни артарди. Ҳамма Терсийга қараб қўяркан, қаттиқ кулиб юборди ва шундай дейишди:

– Одиссей кенгашда ҳам, жангда ҳам бир талай ажойиб ишлар қилган, лекин мана буниси энг шарафли жасоратларидан. Бақирокни жиловлади қўйди! У энди Зевснинг суюкли подшоларини ҳақоратлашга журъат этолмайди.

Одиссей халққа мурожаат қилиб, нутқ сўзлади, унинг ёнида эса хабарчи қиёфасида Афина-Паллада (Бокира Афина) турарди. Одиссей юнонларни Троя қамалини тарк этмасликка ундарди, у агар Трояни забт этмасдан ватанга қайтиб кетсак, улар Агамемнонни ҳам, ўзини ҳам шармандаю шармисор қиладилар дерди. Наҳотки улар бамисоли ожиз болалар ёки тул аёллар сингари номардларча ватанга қайтишса, наҳотки улар Калхаснинг хали кутиш керак деган башоратларини унутиб қўйишган бўлсалар? Наҳотки, уларнинг ҳаммаси Зевснинг Авлидада намоён этган аломатини ёдларидан чиқаришган бўлса? Ахир юнонларга Трояни ўнинчи қамал йилида забт этиш насиб этади дея

башорат қилинган-ку! Одиссей ўзининг оташин нутки билан ҳаммада жасорат кўрсатиш иштиёкини уйғотди. Юнонлар Одиссейнинг нуткини қаттиқ қийқириклар билан олқишлашди, ушбу қийқирикларга бутун атроф акс-садо ила жавоб қайтарди. Мана илоҳий қария Нестор оёққа калқди, ўртага жимлик чўкди. Нестор ҳам қайтиб кетмасликка даъват этаркан, трояликлар билан жангга киришни маслаҳат қилди. У жанг пайтида қабила-қабилага, уруғ-уруққа ёрдам берсин дея қўшинни қабила ва уруғларга қараб сафга тизиш керак деб маслаҳат берарди. Ўшанда қабила йўлбошчиларидан ёки аъзоларидан ким кўрқоқ, ким жасур эканлиги маълум бўлади. Нега шу пайтгача Троя олинмаган – бу умрбоқий маъбудлар амри туфайлими ёки йўлбошчиларнинг ҳарбий санъатдан хабардор эмаслигиданми, ўшанда равшан бўлиб қолади. Агамемнон бу фикрга қўшилди. У жангчиларга овқатланиб олишни ва бир лахзагина бўлса-да, дам олишга имкон берилмайдиган қонли жангга тайёрланишни амр этаркан, кимки ундан бўйин товлаб, кемалар ёнида қолмоқчи бўлса, шўри қурийдим, жасади кўппак ва йиртқич кушларга ем бўлади.

Қаттиқ бўрон чоғи тоғдай баланд тўлқинларни шамол ҳайдаганда денгиз қандай гурулласса, жангчиларнинг барчаси ўшандай уввос солиб, қийқириб юборишди. Халқ бир пасда тарқалди. Ҳамма чодирларига шошиларди. Бутун манзилгоҳда гулханлар тутуни осмонга ўрлади. Юнонлар жангга кириш олдидан овқатланиб, куч йиғмоқда эдилар. Муҳораба чоғи ўзини ўлимдан асрасин дея уларнинг ҳар бири худога илтижо қилиб, унга қурбонлик келтирди. Агамемнон Зевсга қурбонлик келтирди. Атрофида юнонларнинг энг машҳур қаҳрамонлари йиғилган қурбонгоҳда Агамменон Зевсга бизга ғалаба ато эт дея ялинаркан, семиз бир хўкизни бўғизлади. У тун қора пардасини замин узра ёймасдан туриб, Троя ва унинг подшоси Приамнинг саройини забт этишда кўмаклаш дея ялинар, совутига найзамни қадаб, Ҳекторни маҳв этай дея илтижо қиларди. Бироқ буюк яшинчақнатар Зевс Агамемнон илтижоларини инобатга олмай, ўша куни унинг учун омадсиз бўлишини олдиндан белгилаб қўйган эди. Қурбонликлар берилиб, қурбонлик зиёфати интиҳосига етгач, кекса Нестор йўлбошчиларни қўшинларини жанг майдонига олиб чиқишга шошилтира бошлади.

Йўлбошчилар зудлик билан ўз бўлинмаларига қараб югуришди. Хабарчилар айюҳанос солиб, жангчиларни чорлай бошлашди. Йўлбошчилар ўз лашкарларини муайян ҳолатга келтириб, уларни Троя девори ёнига бошлаб келишди. Отлар дуқури ва жангчилар қайқириғидан ер инграрди. Жангчилар Троя ёнидан оқиб ўтадиган Скамандр дарёси водийсини тамомила ишғол этишди. Қўшинларнинг барчаси трояликлар билан жанг қилиш иштиёкида ёнарди. Бокира Афина қўшинлар ўртасида елдай югурди. У жангчиларни савашга ундаркан, уларда баҳодирлик ҳиссини уйғотарди. Қўшинлар олдида маҳодаларга ўтириб, йўлбошчилар борарди. Агамемнон ўзининг яшинчақнатар Зевсга монанд салобатли киёфаси билан уларнинг ҳаммасидан ажралиб турарди. Қўшинлар саф-басаф бўлиб, Троя томон боришарди.

МЕНЕЛАЙНИНГ ПАРИС БИЛАН ОЛИШУВИ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Худолар хабарчиси Ирида Олимпдан елиб югуриб келди-да, Приамнинг ўғли Полит киёфасига кириб, трояликларга юнонларнинг бешумор қўшинлари Трояга яқинлашиб келаётганини билдирди. Ирида Трояга етиб келганда барча троялик халқ йиғинида эди. Ҳектор ўша захотиёқ йиғинни тарқатди.

Троянинг барча фуқаролари ва уларнинг иттифоқдошлари курулланиш ҳамда жанговар тартиб тизимига шошилишди. Троя дарвозаларини ланг очиб қўйишди, улардан трояликлар бўлинмалари ва уларнинг иттифоқчиларининг қўшинлари бирин-кетин чиқаверди. Трояликлар бир жойдан иккинчи жойга кўчаётган пайтдаги турналар қаторига ўхшаб, қийқириб боришарди. Юнонлар эса ваҳимали сукунат ила яқинлашиб келмоқда эдилар. Далаларни чанг-тўзон булути чулғамоқда.

Иккала қўшин бақамти келиб қолишди, аммо ҳали жангга кирмай туришарди. Шунда трояликлар сафидан соҳибжамол Парис олдинга чиқди. Елкасига қоплон териси, орқасида камон ва садоғи, белида ўткир қиличи осилган, кўлида эса иккита найза ушлаб турарди. У юнон қаҳрамонларидан кимнидир яккама-якка курашга даъват этарди. Менелай Парисни кўрган захотиёқ дарҳол маҳодасидан сакраб тушди-да, қуёшдай порлаб турган курул-аслаҳа билан олға босди. Менелай баногоҳ катта ўлжанинг устидан чиққан арслондай қувониб, Парисга қарши борарди. У соҳибжамол Еленани ўғирлаб кетган кишидан интиқом олсам керак дея суюнарди.

Менелайга кўзи тушган ондаёқ Париснинг юраги орқага тортиб кетди. Орқага тисарилиб, дўстлари томон отилди. Буни кўрган Ҳектор акасининг юраксизлигига таъна қила бошлади:



– Курук савлатинг бор экан, – деди Ҳектор Парисга, – бизларни шарманда қиладиган бўлсанг, туғилмаганинг минг бор афзал. Наҳотки, юнонларнинг устингдан кулаётганини эшитмасанг. Сенинг жасурлигинг бутун Трояни ғамга ботириш учун Менелайнинг хотини Еленани олиб қочишга етибди, холос! Қанийди трояликлар қатъиятли кишилар бўлишса-ю, уларнинг бошига солган қулфатларинг учун сени тошбўрон қилиб ўлдирсалар.

– Мени ҳақоратлашга ҳақкинг бор, Ҳектор, – жавоб берди Парис, – безовта бўлма. Мен Менелай билан яккама-якка курашга чиқаман. Амр этгил, трояликлар кетмай туришсин. Гўзал Елена учун Менелай иккаламиз кўшинлар кўз ўнгида жанг қиламиз. Қайси биримиз енгсак, Еленани ўша уйига олиб кетади.

Шундай жавобни эшитган Ҳектор трояликлар саф тортган майдон ўртасига чиқиб, кўшинни тўхтатди. Юнонлар Ҳекторни ўққа тутишга тайёр турардилар. Баъзилар унга томон тош ҳам иткитишди, аммо Агамемнон уларни тинчитиб, шундай хитоб қилди:

– Тўхтанг, юнонлар, тўхтанг, ахей ўғлонлари! Ёрқин дубулғали Ҳектор бизларга қарата мурожаат қилишга жазм этмоқда!

Ҳамма жим қолгач, Ҳектор Париснинг Елена учун бўлаётган баҳсни яккама-якка кураш билан ҳал қилиш керак деган таклифини баён этди. Унга Менелай шундай жавоб қайтарди:

– Сўзимга қулоқ ос! Қонли низоларга чек қўйиш вақти етди. Майли, Парис иккаламиз курашайлик, тақдири азал кимга ўлимни раво кўрган бўлса, ўша ҳалок бўлсин! Сўнгра сизлар тинчлик сулҳини тузарсиз. Келинг, аввал худоларга қурбонлик келтирайлик. Кекса Приамни буёққа чорланг. Унинг ўғиллари маккор ва доғули, яккама-якка курашувчилар олдида ушбу сулҳ албатта ижро этилади дея онт ичишсин.

Бундай таклифни эшитганларнинг ҳаммаси ғоят хурсанд бўлишди. Ҳектор шу ондаёқ Приамни қақриб келиш учун хабарчиларни юборди.

Шу аснода маъбуда Ирида Приамнинг соҳибжамол қизи Лаодика қиёфасига кириб, Елена ҳузурига кириб келди-да, уни Приам бошлиқ Троя кексалари (оқсоқоллари) йиғилиб, Парис билан Менелайнинг яккама-якка курашини томоша қилаётган Скей қопқалари ёнидаги минорага чиқишга ундади. Соҳибжамол Елена ҳашаматли либосларга бурканиб, иккала чўрисининг ҳамкорлигида шошганича Ириданнинг ортидан эргашди. Елена ўзининг биринчи эри, ватани ва қадрдон Спартани эслади-ю, кўзларида ёш қалқиб кетди. Троя оқсоқоллари яқинлашиб келаётган Еленани кўриб қолишди. У шундай гўзал эдики, кексалар унга завқ билан нигоҳ ташларканлар, бир-бировларига шундай дейишарди:

– Йўк, шундай соҳибжамол аёл учун қонли жанг олиб бораётган юнонларни ҳам, трояликларни ҳам қоралаб бўлмайди. У ўз сулувлиги билан чинданам умрибоқий маъбудаларга тенгдир. Лекин у нечоғлик сулув, нечоғлик латофатли бўлмасин, унинг Юнонистонга қайтгани яхши, ўшанда бизга ҳам, болаларимизга ҳам ҳалокат таҳдид солмайди.

Приам Еленани ёнига қақирмади, аммо девор оша кўриб турган қаҳрамонлар ҳақида сўрай бошлади. Елена унга соҳибқудрат Агамемнон, ҳийлагар Одиссей, Теламонид Аякс, Крит подшоси Идомейни кўрсатди. Приам ушбу қаҳрамонларни кўздан кечираркан, уларнинг гўзаллигидан, қудратли ва жанговар қиёфасидан ҳайратланарди. Шу пайт Приамни йўқлаб Ҳектор юборган чопарлар келиб қолишди. Приам зудлик билан ўрнидан турди-да, маҳодани тайёрлашни амр этди ва Антенор билан бирга Скей қопқалари орқали кўшинларга томон жўнаб кетди.

Агамемнон ва Одиссей кекса Приамнинг истикболига чиқишди. Олимпсоҳиб маъбудларга қурбонлик келтирилди. Шартномага риоя қилиш хусусида қасамёд қилинди. Шунда Приам трояликлар ва юнонлар кўшинига шундай мурожаат қилди:

– Ҳой жасур ўғлонлар, трояликлар ва юнонлар! Мен ҳозир буюк Трояга жўнаб кетаман. Ўғлим Парис ва қудратсоҳиб шоҳ Менелай ўртасидаги яккама-якка жангни томоша қилишга бардош беролмайман. Ушбу жангда улардан қайбири ҳалок бўлиши фақат Зевсгагина аёндыр.

Приам жанг майдонини тарк этди. Ҳектор ва Одиссей яккама-якка жанг учун жой ажратишди, сўнг дубулғанинг ичига қуръа солиб, роса силкитишди, қуръа кимнинг чекига тушса, ўша биринчи бўлиб найза ташлаши керак эди. Қуръа Париснинг чекига тушди.

Парис ва Менелай қуролланиб олишди ва найзаларини ҳавода ўйнатиб, жанг майдонига чиқишди. Уларнинг қарашлари ўта ваҳимали бўлиб, бир-бирига бўлган нафрати ловуллаб ёнарди. Парис найзасини силтади-ю, Менелайга қаратиб иткитди. Унинг найзаси Менелайнинг баҳайбат қалқонига урилди, аммо уни тешиб ўтолмади. Қалқонни қоплаган мисга теккан найзасининг тиғи қайрилди. Менелай

овозининг борича хитоб этаркан, минбаъд ҳеч ким меҳмондўстликка ёвузлик билан жавоб беришга журъат этолмасин дер, Парисдан қасос олишда мадакдор бўл дея Зевсдан илтижо қиларди. Шоҳ Менелай ваҳимали тарзда найза ўқталаркан, у билан Париснинг қалқонига зарба берди. Найза қалқон ва совутни тешиб ўтиб, Париснинг хитонини (юнонларнинг бир хил кийими) ҳам тилиб кетганди. Парис чаптастлик билан ўзини дарҳол четга олиш билан омон қолди. Шунда Менелай қиличини суғуриб, у билан Париснинг дубулғасига зарба берди, лекин шиддат билан урилган қилич тўртга бўлиниб кетди. Қиличидан маҳрум бўлган Менелай Парисга ташланди ва унинг дубулғасидан ушлаб олдида, юнонлар сафига томон судраб кетди. Дубулғанинг тасмаси Париснинг томоғини қисиб юборганди. Менелай Парисни юнонлар саф тортган жойга судраб келтирган бўларди, лекин шу он ўз суюқлисиغا севги маъбудаси Афродита ёрдамга шошилди. У қайишни узиб юборди, Менелайнинг қўлида дубулға қолди, холос. У ерга қулаган Парисни найзаси билан чавақламоқчи эди, бироқ маъбуда Афродита Парисни қора булут билан қоплади-ю, шитоб ила Трояга олиб кетди. Менелай Парисни беҳуда изларди. У ёввойи ҳайвондек трояликларнинг қўшинлари ичра тентираб юрарди, гарчи барча трояликлар Приамнинг ўғлини ўлғудай ёмон кўришса-да, ҳеч ким уни Менелайга кўрсатолмади. Шоҳ Агамемнон овозининг борича шундай хитоб қилди:

– Трояликлар ва юнонлар, гапимга кулоқ солинг! Менелайнинг ғолиб келганини ҳамма кўрди, Еленани ва Парис томонидан ўғирлаб кетилган хазинани қайтариб берсинлар, бизга эса бож тўласинлар.

Аммо Агамемноннинг хитоби жавобсиз қолди: қонли жангнинг ҳали-бери интиҳоси кўринмасди.

ПАНДАР ҚАСАМГА ХИЁНАТ ҚИЛАДИ. ЖАНГ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Менелай ва Парис яккама-якка курашишга қарор қилганларида умрибоқий худолар Зевснинг қасрида базм қурмоқда эдилар. Ёш маъбуда Хеба қадахларга оби ҳаёт қуярди. Худолар юксак Олимпдан Трояга қараб базм гаштини суришади. Зевс Ҳерани мазах қиларкан, трояликлар ва юнонлар ўртасидаги қонли низоларни тўхтатажани айтди, зероки Менелай ғолиб келганди. Аммо маъбуда Ҳера Зевсдан кимнидир қасамни бузишга ундасин дея трояликлар қўшинига жанговар Афинани юборишни илтимос қилди. Яшинчақнатар Зевс ўз иродасига зид равишда розилик билдирди. Маъбуда Афина ёрқин юлдуз қиёфасида зудлик билан Олимпдан ерга томон елди ва Троя қўшинининг нақ ўртасида пайдо бўлди. Трояликлар ҳайрат ичра қолиб, ушбу аломатнинг нима эканлигини билмай туришарди: нахотки тагин қонли муҳораба бошланса, ёинки бу Зевснинг сулҳ тузиш лозим деган аломатимикан? Афина эса Антенорнинг ўғли Лаодока қиёфасида машҳур тирандоз Пандарнинг ёнига келиб, уни Менелайни ажал ўқи билан ўлдиришга кўндирди. Пандар розилик билдирди. У дарҳол ёнига ёпишиб, ажалдор ўқини қўлига оларкан, Аполонни ёрдамга чорлади ва ўқ узди. Таранг тортилган ёйнинг ипи жаранглаб, ўқ визиллади, шунда Менелай балки ўлган булур эди, аммо Афина камон ўқини оғдирди-ю, у Менелай танасининг икки қат совут кийган ерига тегди, ўқ совутни тешиб ўтиб, Менелайнинг баданига санчилди. Яра унча чуқур бўлмаса-да, хийла кўп қон кетди. Укасининг ярадор бўлганини кўрган Агамемнон даҳшатга тушди. Бироқ Менелай унга тасалли берди. Агамемнон қаҳрамон табиб Махаонни чақириб келишни амр этди. Махаон ярани кўздан кечирди-да, унга турфа дорилар сепиб қўйди. Агамемнон ва бошқа қаҳрамонлар яраланган Менелайнинг ғамини еб тураркан, трояликлар юнонлар устига бостириб кела бошлаганди. Агамемнон зудлик билан ўз қўшинлари ҳузурига етиб келди ва уларни сафга тизиб, жангчиларни муҳорабага киришга илҳомлантира бошлади. Юнонлар қўшини ўртасида фақат йўлбошчиларнинг овози эшитиларди, жангчилар чурқ этмасдан боришарди. Трояликлар бўлса овозларининг борича бақириб-чақириб бостириб келардилар. Юнонларнинг қўшинига Афина-Паллада (Бокира Афина), трояликларга эса суронли уруш худоси Арес қўмондонлик қиларди. Олишув бошланиб, найзабозлик авжига чиқди. Бир томонда ғолиблик қийқириқлари, иккинчи томонда ўлаётганларнинг инграшлари аралашиб кетди.

Трояликлар юнонларнинг сиқуви натижасида чекина бошлашди, юнонлар ўзгача аҳиллик билан хужумни кучайтиришди. Буни кўрган трояликларнинг ҳомийси Аполлон ғазаб ўтида ёна бошлади ва овозининг борича ҳайқираркан, хитоб этди:

– Трояликлар, жасуруна олға! Юнонларнинг юраги тошдан, танаси темирдан деб ўйламанг. Бугун улар орасида буюк Ахилл йўқ, у дарғазаб бўлиб, чодирда ўтирипти.

Тирандоз маъбуд ўзининг ана шу ҳайқириғи билан трояликларга далда бериб, уларнинг руҳини кўтарди. Жанг кучайганидан кучайиб, хунрезлик авжига чиқди. Бир талай қаҳрамонлар жонидан жу-

до бўлишди. Бокира Афина юнонларнинг ғайратини оширарди. Ушбу жангда у Тидейнинг ўгли подшо Диомедга битмас-туганмас куч-қувват бахш этди. Кўп ўтмай трояликлар саросимага тушиб қолишди.

Машхур тирандоз Пандарнинг Диомедга кўзи тушгач, дарҳол ёйини таранглаштирди ва унга карата ўқ узди. Ўқ Диомеднинг елкасига санчилдию, унинг совути қип-қизил қонга беланди. Пандар уни ўлди деб ўйлади, шекилли, қувончи ичига сиғмай кетди. У хайқираркан, трояликларга Диомедни ўлар даражада яраладим дея далда берарди. Диомед эса ярасидан ўкни суғуриб ол дея қахрамон Сфенелдан илтимос қилди. Сфенел ўкни суғуриб олди. Диомед Бокира Афинадан ўзини ярадор қилган кишини маҳв этишга имкон беришни ўтиниб сўрай бошлади. Бокира Афина алҳол Диомед хузурида пайдо бўлди. У Диомедга битмас-туганмас куч-қудрат ва жасорат ато этаркан, кўркмасдан жангга киришни ва фақат умрибоқий худоларга ҳужум қилишни амр этди. У ўзининг найзаси билан маъбуда Афродитани жароҳатлай олди, холос. Енгилгина яраси кучини ўн чандон оширган шердек, ғазаби баттар қайнаган Диомед жангга кирди.

Диомеднинг қахру ғазаб билан жанг қилаётганини кўрган қахрамон Эней дарҳол троялик жангчилар сафи бўйлаб бораркан, Пандарни излаб топмоқчи бўлди. Эней Пандарни Диомедга қарши ҳужум қилишга кўндирди. Жанговор Пандар Энейнинг маҳодисига ўтириб, иккаласи биргаликда Диомедга қарши елиб кетишди.

Иккала машхур қахрамон, Эней ва Пандарни маҳодада кўрган Сфенел дўсти Диомедга шундай қахрамонлар билан курашдан бош тортишни маслаҳат бера бошлади. Аммо пурқудрат қахрамон бундай маслаҳатни ғазаб билан рад этди. Энейнинг маҳодаси Диомед турган жойга бир зумда етиб келди. Пандар найзасини силтаб, уни Диомеднинг қалқонига қаратиб итқитди. Найза қалқонни тешиб, совутга урилди, аммо совут Диомедни сақлаб қолди. Бироқ Пандар Тидейнинг ўғлини ўлар даражада жароҳатладим деб суюнмоқда эди. Диомед найзасини итқитганди, Пандар маҳодадан жонсиз ҳолда кулаб тушди. Эней зудлик билан ерга сакради. У қалқонини кўксига тутиб, қўлида бахайбат найзаси билан Пандарнинг жасадини ҳимоя қилишга тайёрланди. Диомед эса икки киши кўтара олмайдиган улкан тошни бир қўли билан кўтариб, хайратомуз даҳшат ила Энейга томон ирғитди, у Энейнинг белига тегди. Эней тиз чўкиб қолди, унга онаси Афродита ёрдамга етиб келмаганида ҳалок бўлиши табиий эди. У Энейни ўз кийими билан тўсиб, уни жанг майдонидан олиб кетмоқчи эди.

Диомед маъбудага ташланди-да, ўзининг зилдай оғир найзаси билан унинг нозик қўлини яралади. Маъбуда қаттиқ чинқираркан, Энейни оғушидан чиқариб юборди. Лекин маъбуд Аполлон уни қора булут билан қоплади. Диомед маъбудага таҳдид соларкан, жуда қаттиқ қичқириб юборди:

– Йўқол кўзимдан, Зевснинг қизи! Қонли бу жангни тарк эт! Ожиз аёлларни йўлдан урганинг камлик қилдим!

Севги маъбудаси муҳораба майдонини тарк этди, Диомед бўлса тагин Энейга ҳужум қила бошлади. Тидейнинг ўгли унга уч маротаба човут солди, уч маротаба ҳам уни Аполлон шаштидан қайтарди. Диомед Энейга тўртинчи бор ҳужум қилганда Аполлон унга таҳдид соларкан, қаттиқ танбех берди:

– Эсингни йиғ, Тидейнинг ўгли! Чекин, умрибоқий худоларга ҳужум қилишга журъат эта кўрма! Кучлиликда фонийлар ҳеч қачон худоларга тенглашолмайдилар!

Ваҳимадор маъбуд Аполлоннинг овозини эшитган Диомед кўрқиб кетди ва чекинди. Аполлон эса Энейни ўзининг Троядаги ибодатхонасига олиб кетди. У ерда уни маъбуда Лета ва Аполлоннинг синглиси маъбуда Артемида даволашди, Аполлон жанг майдонида Энейнинг шарпаси сифатида пайдо бўлди, ана шу шарпа атрофида даҳшатли жанглар авж олиб кетди.

Диомед жароҳат етказган маъбуда Афродита эса шу аснода жанг майдонидан суронли уруш худоси Арес ўтирган ерга шамолдай елиб кетди. Оғриқдан қаттиқ фарёд соларкан, у Аресдан маҳодасини беришни ўтиниб сўради, унга ўтираркан, нурафшон Олимп сари елдай учди. У ерда у кўз ёши тўкиб, онаси Дионага тиз чўкди ва ўзини Диомед жароҳатлаганини айтиб, фарёду шикоят қилди. Диона унинг ярасини артиб қўйди, қўлини даволади. Афина ва Ҳера Афродитани масхаралаб, буюк яшинчақнатар Зевсга шундай дейишмоқда эдилар:

– Маъбуда Афродита юнон қизларидан бирортасини троялик маъшуғи билан бирга қочиб кетишга кўндирган бўлмасин тагин? Балки, у ўша қизини эркалайвериб, ўз қўлини қон қилиб юборгандир?

Зевс табассум қилди-да, Афродитани ёнига чақириб, унга шундай деди:

– Суюкли қизим, суронли жангларда бўлиш сенга тўғри келмайди. Сен никоҳ ва муҳаббатингни бил, жангларни шижоатли маъбуд Арес ва жанговар Афинага қўйиб бер.

Уруш майдонида эса илгаригидек Аполлон кирган Эней киёфаси атрофида жанг авжига чикмоқда эди. Маъбуд Аполлон Ареснинг хузурига елиб кетди ва ундан Диомедни тийиб кўйишни илтимос қила бошлади. Уруш худоси Аполлонни қонга ботган ҳолда тинглади. У фракиялик қахрамон Акамонт киёфасига кираркан, трояликларда жасорат уйғотиш учун маҳодасида елиб кетди. Жанг янада шиддатли тус олиши керак эди. Даволанган Эней ҳам муҳораба майдонига кириб келди. Уни соғ-саломат кўрган трояликлар беҳад қувониб кетишди. Аралаш-қуралаш бўлиб кетган трояликлар сафи мустаҳкамланиб, юнонларга қарши хужумга ўтиб олишди. Юнонларнинг хаёлида яқинлашиб келаётган трояликлар энг шиддатли ва суронли шамоллар билан ҳам тарқатиб бўлмайдиган тоғларни қоплаган ваҳимали булутларни эслатарди. Иккала Аякс, Одиссей ва Диомед юнонларни жангга отлантитарди. Совут-қалқонлари куёшдай порлаган шоҳ Агамемнон уларнинг сафларини айланиб чиқарди. Уруш эса борган сайин авж оларди. Қахрамонлар бирин-кетин қулар, уларнинг кўзини ўлим зулмати қопларди. Трояликларни Ҳектор олға бошлар эди. Унга уруш худосининг ўзи Арес ва ваҳимали муҳораба маъбудаси Энью ёрдам берарди. Қахрамон Диомед уруш худоси Аресни кўргач, орқага чекинди ва юнонларга мурожаат қиларкан, шундай хитоб айлади:

– Дўстлар, Ҳекторнинг шундай катта жасорат билан жанг қилаётганига ҳайратланишнинг ҳожати йўқ! Ахир у билан ёнма-ён туриб муҳораба маъбуди Ареснинг ўзи ҳам курашмоқда. Чекининг, дўстлар, худолар билан жанг қилишга журъат эта кўрмангиз асло.

Трояликлар юнонларни борган сайин исканжага сола бошлашди. Ҳераклнинг ёшгина ўғли Глиполем Зевснинг ўғли Сарпедонга юнонларни битта кўймай қиринглар дея ялина бошлашди. Ҳектор яна жангга ташланди, у ўз найзаси билан бир талай қахрамонларни ер тишлатди. Трояликлар юнонларга тагин қаҳшатгич зарба бера бошлашди.

Буни кўрган маъбуда Ҳера Афинани чақириб олди-да, у билан бирга Аресни тийиш учун жангга тайёргарлик кўра бошлади. Маъбудалар Ҳера ёрдамида отларни ғаройиб маҳодага кўшиб олишди. Афина совут қалқонини кийиб олди, бошига ўзининг зилдай оғир дубулғасини кўндирди, горгона Медузанинг боши тасвирланган эгидани (қалқонни) елкасидан ошириб ташлади ва қўлида найзаси билан маъбуда Ҳеранинг маҳодасига чиқиб, отларни елдирарди. Маъбудалар баланд Олимпдан елганларида юксак тепаликда бир ўзи ўтирган Зевс кўриб қолишди. Ҳера отларни тўхтатаркан, яшинчақнатар Зевсга деди:

– Нега шунча қахрамонларнинг умрига зомин бўлаётган шафқатсиз Афесдан ғазабланмайсан? Буни кўрган Афродита ва Аполлоннинг қувонаётганини айтмайсанми? Наҳотки, сен Аресни тийишга уринганим учун мендан ғазаблансанг?

Пурқудрат ҳукмдор Зевс унга шундай жавоб қайтарди:

– Бор! Аресга қарши жанговар Бокира Афина курашсин. Умрибоқийлардан ҳечким Афинадек Аресни оғир ғамга ботирилмайди.

Маъбуда Ҳера отларини яшиндай елдириб кетди. Симоиса ва Скамандра дарёлари туташган ерга келгач, отларни маҳодадан чиқарди ва уларни қоп-қора булутга буркади. Ҳера қудратли овозга эга бўлган Стентор исми эркак киёфасига кириб, юнонларни трояликлар билан жасуруна курашга чорлай бошлади. Бокира Диомед хузурига борди. У Пандар жароҳатлаган қўлидаги ярани артаётган эди. Бокира Афина унга жангдан бош тортганлиги ва трояликлар билан муҳорабага киришга кўрқаётганлиги учун таъна қила бошлади:

– Шавкатли жанговор отанг Тидей бундай қилмаган бўлур эди.

Бирок Диомед маъбудага шундай жавоб берди:

– Йўқ, яшинчақнатар Зевснинг ёрқин кўз қизи, мен Троя қахрамонлари билан жанг қилишдан кўрқмайман. Мен фақат сенинг умрибоқий худолар билан жанг қилма дея амр этганингни унутмайман.

Шунда Афина Диомедга деди:

– Эй Тидейнинг ўғли, Афинанинг арзандаси, энди Аресдан ҳам, бошқа худолардан ҳам кўрқма. Мен ўзим сенинг мадақкоринг бўламан. Қани тез бўл, Аресга қарши жангга кир, у яқинда юнонларга ёрдамлашишга ваъда берган эди, энди бўлса, хиёнаткорлик қилиб, трояликларга ён босмоқда.

Диомеднинг маҳодасига Сфенелнинг ўрнига Бокира Афина миниб олди. Маъбуданинг золваридан маҳоданинг эмандан қилинган ўқи инграб юборгандай бўлди. Афина Диомеднинг кучини ўн чандон ошириб юборди. У найзаси билан Аресга жароҳат етказди ва уни ярасидан қайта суғуриб олди. Арес ўн минг жангчи бирварақайига қичқиргандек чинқириқдан троялик жангчилар ва юнонлар ваҳимага тушишди. Қора булутларга бурканган суронли Арес нурафшон Олимп сари елиб кетди. У Зевснинг

ёнига ўтириб олдида, Диомедга ўзини жароҳатлашга ёрдам берган Бокира Афина устидан шикоят қила бошлади. Зевс ўғлига важоҳат билан қараб қўйди. Ўғлидан қонли жангларга мойиллиги борлиги учун нафратланарди. У унга агар ўғлим бўлмаганинда сени қачонлардир Тартар (жаҳаннам) қаърига иткитиб юборган бўлурдим, дерди. Арес дарҳол ўзини шикоят қилишдан тийди. Зевс илоҳий ҳақим Паонни чақириб олди, у шу заҳотиёқ Ареснинг ярасини даволади. Ҳеба эса Аресни обдон ювинтириб, уни ҳашаматли либосларга буркади. Маъбуда Ҳера Бокира Афина билан бирга нурафшон Олимпга қайтиб келди. Шу зайл улар қонли жангларга ружу қўйган уруш худоси Аресни тийиб қўйишди. Троя остоналарида жанглар ҳамон авжига чиқмоқда эди. Юнонларнинг қўли устун келиб, тагин трояликларни исканжага ола бошлашди. Бир талай донгдор троялик қахрамонларни Аякс, Диомед, Менелай, Агамемнон ва бошқа қахрамонлар кунпа-якун қилиб, уларнинг ҳашаматли совут-қалқонларини ечиб олишди. Трояликларнинг ҳадемай узил-кесил мағлубиятга учраягагини кўрган Приамнинг ўғли, башоратсоҳиб Хелен порлоқ дубулғали Ҳектор ва Афродитанинг ўғли Энейдан трояликларни руҳлантириб, дарҳол Трояга шошилишни ва Афинага катта армуғон тақдим этишларини айтиб, ялина бошлади. Ҳектор укасининг фикрига қўшилди. Улар тагин трояликларни руҳлантиришди ва юнонларнинг хужумини қайтаришди.

ҲЕКТОР ТРОЯДА. ҲЕКТОРНИНГ АНДРОМАХА БИЛАН ВИДОЛАШУВИ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Шу аснода Ҳектор Скей қопқалари оша Трояга кириб келди. Ўша ондаёқ аёллар ва болалар уни ўраб олиб, ўз эрлари ва оталарини сўрай бошлашди. Аммо Ҳектор уларга ҳеч нарса демади, у уларга Олимп худоларига ёлворишни амр этди, холос. Ҳектор Приамнинг саройига шошилди. Саройда уни онаси Ҳекуба кутиб олди, у Ҳекторга кучлари мустаҳкамлансин дея вино келтирмоқчи бўлди, аммо фарзанди рад қилди. У онасидан троялик аёлларни бир жойга чорлаб, улардан Бокира Афинага ҳарир ёпинчиқ армуғон этиш, унинг шарафига катта қурбонликлар келтириш ва ундан дарғазаб Диомедни инсофга келтиришни илтимос қилишни амр этди. Ҳекуба ўғлининг илтимосини дарҳол адо этди. Ҳекторнинг ўзи эса Париснинг қасрига томон йўл олди.

Ҳектор Парисни ўз қурол-аслаҳасини кўздан кечираётган пайтда учратди. У ўғирлаб келган соҳибжамол Елена ҳам ўша ерда бўлиб, у жорияларига иш тақсимлаётганди. Ҳектор Парисдан трояликларга ҳалокат таҳдид солиб турган чоғда бамайлихотир уйда ўтиргани учун ўпкалади. Парис Ҳекторга жангга тайёрланаётганини, соҳибжамол Еленанинг ҳам муҳораба майдонига чиқ деб ҳолжонига қўймаётганини айтди. Елена Ҳекторга хушсуханлик билан мурожаат этаркан, ундан жангу жадаллардан сўнг ўтириб, дам олишни илтимос қилди, эри Парисдан эса лоқайдлиги, унда ор-номус туйғусининг йўқлигидан таъна қиларди. Шунингдек, Елена ўзининг дастидан, аммо ўзининг эмас, балки Париснинг айби туфайли Троянинг бошига не-не кулфатлар тушганидан нолирди. Лекин Ҳектор Париснинг уйида дам олишдан бош тортди. У урушга қайтишдан аввал тезроқ хотини ва ўғлини кўришга шошиларди. Хотини ва ўғлини кўриш тагин насиб этадимиди-йўқми, урушдан эсон-омон қайтадимиди ёки маъбудлар унга юнонлар қўлида ҳалок бўлишни раво кўрардимиди – Ҳекторга аён эмасди.

Ҳектор ўз қасрига борди, аммо Андромаха ва ўғлини тополмади. Жориялари Ҳекторга хотини юнонларнинг трояликларни исканжага олаётганини билиб олгач, ўғли билан шаҳар деворлари томон югуриб кетганини, ўша ерда кўз ёши тўкиб турганини айтишди.

Ҳектор ўз қасридан зудлик билан чиқаркан, Скей қопқалари томон шошилди. У Андромахани қопқа ёнида турганда учратди, унинг ортидан хизматкори Ҳекторнинг ёш ўғли – Астианаксни кўтариб келарди, болакай илк тонг юлдузи янглиғ соҳибжамол эди. Андромаха Ҳекторнинг қўлидан ушлаб оларкан, кўзидан дув-дув ёш тўкиб, шундай дерди:

– О, тўрагинам менинг! Жасоратинг умрингга зомин бўлади. Сен на мени, на ўғлингни аяйсан. Мен кўп ўтмай тул хотин бўлиб қоламан, юнонлар сени ўлдиради. Сенсиз ҳаётнинг кераги йўқ менга, Ҳектор. Ахир, сен мен учун ҳам ота, ҳам она, ҳам эрсан. Менга ва ўғлингга ачингил бундоқ! Сен ўзинг урушга кирма, троялик жангчиларга анжир дарахти ўсган жойда туришни амр эт, Троя деворларини ўша томондан қулатиш мумкин, холос.

Лекин дубулғаси порлоқ Ҳектор хотинига шундай деб жавоб берди:

– Мени ташвишга солаётган нарса ҳам шу. Аммо Троя деворлари ортида туриш, жангда иштирок этмаслик мен учун катта орият бўлурди. Йўқ, мен отамнинг юзини ерга қаратмаслигим учун олдинги сафда бўлишим лозим. Муқаддас Троя ҳалок бўладиган кун келишини яхши биламан. Лекин мени

ғамга чўмдирадиган бу эмас, мени қайғуга солаётган нарса – сенинг тақдиринг, қандайдир юнон сени олиб кетиши, у ерда, ёт элда сени тутқунликда ушлаб туриши табиий, ўшанда қандайдир ёш аёл учун тўқувчилик қиласан, сувини ташийсан. Йиғлаб турганингни кўрганлар: «Ана у, куч-қудрат ва жасоратда барча троялик қахрамонлардан устун турган Ҳекторнинг хотини», дейишмайдами, ўшанда сени баттар ғам-алам чулғаб олади. Йўк, сени асир қилиб олиб кетаётганларини, сенинг йиғлаётганингни кўрганимдан кўра, сендан аввал ўлганим минг бор афзал.

Ҳектор шундай деркан, ўғлини кучай деб унга яқишлашганда жажжи Астианакс чинқириб, энага-сининг кўксига ташланди, у Ҳекторнинг дубулғасида ҳилпираб турган от ёлидан кўрқиб кетганди. Андромаха ва Ҳектор самимий жилмайиб кўйишди. Ҳектор бошидан дубулғасини олиб ерга қўйди-да, ўғлини кучиб, ўпди. Ҳектор ўғлини баланд кўтариб, осмонга қаратиб ирғитаркан, яшинчақнатар Зевс ва барча умрибоқий маъбудларга ялинарди: «О, Зевс ва умрибоқий худолар! Сизлардан илтижо қиламан: ватан фуқаролари ичра менга насиб этган машҳурликни ўғлимга ҳам насиб этингиз, у қудратга тўлиб, Троя салтанатига раҳнамо бўлғай. Замонлар ўтиб, у жангдан қайтганда, жасурликда отасидан ўтибди, десинлар. У душманларни қақшатиб, онасининг қалбини шод этгай».

Ҳектор худоларга шундай ялинарди. У Астианаксни хотинига тутқазди. Андромаха ўғлини кўксига босаркан, кўзларида қалқиб турган ёшлар аралаш унга жилмайиб қўйди. Меҳри товланган Ҳектор Андромахани нозиккина кучди-да, унга деди:

– Кўп ғамга ботма, Андромаха. Қахрамонлардан бирортаси ҳам мени тақдир азалдан илгари зулмат Аид салтанатига жўнатолмади. Тақдирга ҳамма бўйин эгади: жасур ҳам, кўрқоқ ҳам. Боргин, севгилим, уйдаги ишларинг: тўкиш, йигириш билан шуғулланавер, жорияларингга кўз-қулоқ бўлиб тур. Биз, эркаклар, ҳарбий ишлар ҳақида ўйлаймиз, улар ҳақида ҳаммадан кўп мен қайғуришим лозим.

Ҳектор дубулғасини кийдию, жадаллаб Скей дарвозалари томон жўнаб кетди. Андромаха ҳам уйга кетди, аммо у дамбадам орқасига бурилиб қарар, Ҳектор узоклашган сайин унинг кўзларида ёш қалқиб борарди. У уйга йиғлаган ҳолда қайтиб келганида унга қўшилиб барча жориялари кўз ёши тўкишди, улар Ҳекторнинг жанг майдонидан соғ-саломат, зиён-заҳматсиз қайтиб келишига ишонишмасди.

Парис Ҳектор Скей дарвозаларига яқинлашганда унга етиб олди. У мисдан қилинган совут қалқонини ялтиратиб, жангга шошиларди.

– Иним, – дерди унга Ҳектор, – сенинг жасоратингнинг қадрига етадиган бирорта ҳам одил одамнинг йўқлигини биламан, лекин сен кўпинча истар-истамас жангга кирасан, трояликлар сени ҳақоратлашганини эшитсам, эзилиб кетаман. Яхшиси жангга шошилайлик.

ЖАНГНИНГ ДАВОМ ЭТИШИ. ҲЕКТОР БИЛАН АЯКСНИНГ ЯККАМА-ЯККА ОЛИШУВИ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Ҳектор ва Парис Скей қопқаларидан бирга чиқишди. Иккала қахрамонни кўрган трояликлар беҳад суюниб кетишди. Уларнинг руҳи кўтарилгач, жанг тағин авж олиб кетди. Ҳектор, Парис ва Главк бир талай қахрамонларни жонидан жудо қилишди. Юнонлар чекина бошлашди. Бунни кўрган Зевснинг ёрқин кўзли кизи мукаддас Трояга елиб кетди. Маъбуд Аполлон Олимпдан елиб кетаётган маъбудани дала чеккасида ўсган юз йиллик эман дарахти ёнида кўриб қолди. У маъбуда Афинадан юнонларга ёрдам бериш учун шошилаётгани йўқми дея сўради ва уни урушни тўхтатишга ёрдам бераман деб ишонтирди. Афина розилик изхор этди. Урушни тўхтатиш мақсадида худолар юнон қахрамонларидан энг донгдори билан яккама-якка курашга чиқишни Ҳекторнинг кўнглига солишга қарор қилдилар. Худолар шундай қарорга келган ондаёқ Приамнинг афсунгар ўғли Ҳелен уларнинг режасини фаҳмлаб олганди. У акаси Ҳекторнинг олдига келиб, унга юнон қахрамони билан яккама-якка курашга чиқишга маслаҳат берди. У Ҳекторга самовот сокинларидан ўзига нидо келганини ва шундай қилиш кераклигини амр этганини, Ҳекторнинг ушбу яккама-якка курашда ҳалок бўлмажагини баён этди.

Ҳектор ўша захотиёқ трояликларни тўхтатиб, жангга чек қўйди. Агамемнон ҳам шундай қилди. Муҳораба майдонида осойишталик ҳукм суларди, урушдан толиққан жангчилар ерга ўтириб олишди. Бокира Афина ва Аполлон йиртқич қирғийларга ўхшаб парвоз қилиб, юз йиллик эман дарахтига кўниб олишаркан, юнонлар ва трояликлар кўшинини завқ билан томоша қилишарди. Ҳамма тинчлангач, Ҳектор қахрамонлардан бирини яккама-якка курашга чорлади. У ўлдирилган қахрамоннинг жасадини таҳқирламасликка ваъда берар ва ғолиб келган юнон қахрамонини ҳам шундай қилмасликка

даъват этарди. Юнонлар Ҳекторнинг чақириғини эшитишди, аммо барчаси жим турарди, ҳеч ким Ҳекторга қарши курашга чиқишга журъат этолмасди. Менелай улардан жуда қаттиқ ғазабланди. Ҳектор билан яккама-якка курашга унинг ўзи чиқмоқчи бўлди, лекин Агамемнон уни ниятидан қайтарди, у акасининг Ҳекторнинг кўлидан ҳалок бўлишидан кўрқарди, ҳолбуки бу одам билан олишувдан ҳатто Ахилл ҳам ҳайиқарди. Юнонларни кекса Нестор ҳам уялтирди. Нестор ўзининг дашном берувчи нутқини тугатган заҳотиёқ тўққиз нафар қаҳрамон олға одимлаб чиқди: шоҳ Агамемнон, Диомед, иккала Аякс, Идомей, Мерион, Эврипил, Фоант ва Одиссей. Несторнинг кенгашига кўра қаҳрамонлар ўртасида куръа ташлашга қарор қилишди. Куръа соққалари дубулғага солинди, кимнингдир чекига тушсин дея Нестор уни силкий бошлади.

Қаҳрамонлар куръанинг Аякс Теламонид, Диомед ёки Агамемнон чекига тушсин дея худоларга ялинишарди. Куръа Аякснинг чекига тушди. Теламонид Аякснинг боши осмонга етди. У ўзининг совут қалқонини тақиб, олдинга, яккама-якка олишув майдонига чиқди. У уруш худоси Арес янглиғ баҳайбат, пуркудрат ва салобатли эди. У минорадай келадиган мис билан қопланган қалқонини кўкрагига тутиб борар, зилдай оғир найзаси билан эса ҳаммани ҳайратга соларди. Трояликлар Аяксни кўриб, даҳшатга тушишди, Ҳекторнинг кўнглини кутқу чулғаб олди. Жангчилар бир-бирига қаҳру ғазаб билан қараб олишди. Ҳектор биринчи бўлиб найза ирғитди. У Аякснинг қалқонини тешиб ўтолмади. Аякс ўз найзасини итқитганда Ҳекторнинг зирҳини тешиб ўтди ва унинг хитонини (хильат) йиртиб юборди. Ҳектор ҳалок бўлишдан чапдастлик билан ҳалос бўлди, ҳолос. Қаҳрамонлар тагин найзаларини суғуриб олишди ва такроран юзма-юз бўлишди. Ҳектор найзаси билан Теламониднинг қалқонига зарба берди, аммо унинг найзасининг тиғи эгилмади. Аякснинг найзаси Ҳекторнинг қалқонини яна бир бор тешиб ўтди ва уни бўйнидан енгилгина жароҳатлади. Ҳектор жангни давом эттираверди, у каттакон бир тошни кўтариб олдида, Аякснинг қалқонига қаратиб ирғитди, баҳайбат қалқонни қоплаган мис гумбирлаб кетди. Аякс бўлса ундан ҳам оғир тошни Ҳекторнинг қалқонини нишонга олиб ирғитган эди, қалқон чилпарчин бўлиб кетди, у Ҳекторнинг оёғини жароҳатлади. Ҳектор ерга кулади, бироқ маъбуд Аполлон уни дарҳол оёкка турғазди.

Қаҳрамонлар қиличларига ёпишишди, агар жарчилар алҳол югуриб келиб, улар ўртасига асоларини кўндаланг қилмаганларида бир-бирларини чопиб ташлашлари табиий эди.

– Жангни тугатинг, қаҳрамонлар! – хитоб қилди жарчилар, – сизларнинг буюк жангчилар эканингизни кўриб турибмиз. Зевс иккалангизни ҳам бирдай севади. Оқшом кўнмоқда, дам олиш зарур.

– Аё жарчи, – дея мурожаат қилди Аякс трояликлар жарчисига, – сен айтган нарсани Ҳекторнинг ўзи айтмоғи лозим, яккама-якка курашга даъват этган ўша-ку ахир, у истаса, бас, мен жангни тўхтатишга тайёрман.

Ҳектор шу заҳотиёқ Аяксга жавоб қайтарди:

– Ҳой, Теламон ўғли, худолар сенга қадду қомат ҳам, куч ҳам, ақл-заковат ҳам баҳшида этганлар, сен юнон қаҳрамонларининг энг шавкатлиси. Яккама-якка курашимизга бугунча чек қўямиз. Сен билан биз жанг майдонида кейин ҳам учрашимиз, бақамти келишимиз мумкин. Бироқ ажралаётиб, мана шу яккама-якка жангимизни бир-бирига нисбатан адоват ўтида ёниб жанг қилган бўлсаларда, бироқ самимий ярашган дўстлар сингари ажрალიшгани дея хотирлашсинлар.

Шундай деркан, Ҳектор кумуш билан музайян этилган қиличини ечиб, Аяксга узатди. Аякс эса Ҳекторга белидаги қимматбаҳо алвон камарини армуғон этди. Қаҳрамонларнинг яккама-якка кураши шу зайлда ниҳоясига етди. Трояликлар Ҳекторнинг пуркудрат Аякс билан бўлган яккама-якка жангда омон қолганидан ғоят хурсанд бўлишди ва тантанавор Трояга кузатиб қўйишди. Айни замонда юнонлар ҳам Теламонзод Аякснинг кучли қаҳрамон эканлигидан суюнишарди. Подшо Агамемнон барча йўлбошчиларни таклиф қилиб, Аякс шарафига зиёфат берди. Йўлбошчилар кечгача мириқиб, кайфу сафо дарёсига чўмдилар.

Зиёфат тугагач, кекса Нестор юнон йўлбошчиларининг йиғинида ҳалок бўлган қаҳрамонларни дафн этиш учун урушни бир кунга тўхтатиш ва манзиллари ҳамда кемалар атрофини минорали (кунгирадор) девор билан ўраш, девор ёнида эса чуқур хандақ қазиш керак дея маслаҳат берди, у юнонларнинг мудофаа девори бўлиб қолиши керак эди. Кекса Несторнинг маслаҳатини маъқул кўрган йўлбошчилар ўз чодирларига қараб йўл олишди.

Трояликлар ҳам йўлбошчилар кенгашига тўпланишди. Ўша кенгашда Антенор юнонларга соҳибжамол Елена ва ўғирланган хазинани қайтариш ҳақида маслаҳат берди. Бироқ Парис Еленани қайтариб беришга сира унамасди, у Менелайнинг хазинасини ўзидан ҳадялар қўшиб қайтариб беришга рози эди, ҳолос. Шоҳ Приам эртасига юнонларга Париснинг таклифини етказиш учун чопар юбо-

ришга, бордию юнонлар ушбу таклифга розилик беришмаса, ўшанда худолар у ёки бу томонга узил-кесил ғалаба ато этмагунча муҳорабани тўхтатмаслик керак дея маслаҳат берди. Трояликлар Приамнинг таклифини мақбул деб топишди. Тонг отганда трояликлар юнонларга чопар юбордилар, аммо улар Париснинг таклифини рад қилиб, урушни ўлдирилган жангчиларни дафн этиш учун бир кунгагина тўхтатишга рози бўлишди.

Трояликлар ва юнонлар кўк юзида қуёш балкимасдан ҳалок бўлган жангчиларни дафн этишга киришишди. Улар жасадларни гулханларга ташлаб ёндиришди. Шундан кейин юнонлар бир кун ичидаёқ истехком атрофини баланд минорали девор билан ўраб, унинг ёнида чуқур хандақ қазиб қўйишди. Юнонларнинг бундай шижоатидан ҳатто Олимп маъбудалари ҳам ҳайратда қолишди. Девор тиклаётиб худоларга қурбон келтирмаганлари учун фақат маъбуд Посейдон юнонларга нисбатан қахру ғазаб ўтида ёнмоқда эди. Аммо яшинчақнатар Зевс Посейдонни юпатаркан, унга кўп ўтмай юнонлар деворини кулатиб, денгиз қирғоғини қум билан қоплайсан дея маслаҳат берди.

Юнонлар бўлса ишни маромига етказгач, ўзларига кечки емак тайёрлашга киришишди. Шу пайт Лемнос оролидан вино ортилган кемалар келиб қолди. Юнонларнинг боши осмонга етди, бир зумдаёқ винони сотиб олишди, истехкомда зиёфат бошланди. Яшинчақнатар Зевс момоқалдиروقнинг гумбурлаши орқали уларнинг бошларига тушадиган бир талай мусибатлардан огоҳ этмоқда эди. Зиёфатда ўтирганларни дамбадам даҳшат босар, улар қадахларидаги виноларни тўкиб юборишарди. Юнонларнинг бирортаси ҳам ваҳимадор Зевсга ичкилик назр қилмагунча вино ичишга ботинолмасди. Ниҳоят, зиёфатга чек қўйилди ва юнонлар уйқуга чўмди.

ТРОЯЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Субҳи содиқда тонг илоҳаси Эос самовот сахнида пайдо бўлгач, шарқ алвондай ёруғликка ғарк бўлганди. Яшинчақнатар Зевс нурафшон Олимп худоларини бир жойга жамулжам этиб, уларга шундай деди:

– Эй умрибоқий маъбудалар, сўзимга қулоқ солинг! Бугун бирортангиз юнонларга ёки трояликларга ёрдам бераман дея сарбаланд Олимпни тарк эта кўрманг. Агар орангизда бирорта саркаш осийнинг борлигини пайқасам борми, тубсиз Тартар – жаҳаннам қаърига итқитаман, токи менинг умрибоқий худолардан нечоғлик кучлилигимни билмоқ истасангиз, олтин занжир олиб, уни ергача туширинг ва у ерда туриб, мени Олимпдан туширишга уриниб кўринг. Ўшанда мен занжирни бир қўлим билан ушлайманда, у билан сизнинг барчангизни ва ерни бахру уммони билан юқорига тортиб оламан.

Зевснинг ваҳимали нутқи худолар қалбига қутқу солди. Маъбуда Афина отаси Зевсга шундай дея мурожаат қилди:

– О, буюк яшинчақнатар, куч-қудратингнинг чексизлиги барчамизга аён, аммо юнонлар ғамини ҳаммамиз еймиз. Наҳотки улар ўлимга маҳқум этилган бўлса?

– Қизим, – дея жавоб қайтарди Зевс, – ниятим юнонларнинг барчасини ҳалок этиш эмас асло.

Шундай деркан, Зевс маҳодасига олтин ёлли отларини кўшди, кўлига олтин қамчисини олиб, олтин либосларга бурканиб, ўтириб олди. У отларини жадаллик билан ҳайдаб йўлга равона бўлди, унинг отлари еру осмон ўртасида еларкан, юксак Идага етиб келишди. Зевс ўша ерда, баландликда ўтириб, юнонлар ва Троя фуқароларининг жангга қандай тайёрланаётганлигини кузата бошлади.

Муҳораба майдонига чиққан кўшинлар кўп ўтмай бақамти келиб қолишди. Тагин шиддатли жанг бошланиб кетди. Туш пайти эди. Зевс олтин тарозисини олиб, унда трояликлар ва юнонларнинг тақдирини аниқлаб олди. Трояликларга омад ваъда қиларкан, тақдир палласи осмонгача кўтарилди, юнонларнинг аксарияти ҳалокат келтирмоқчи бўлиб таҳдид солган тақдир палласи ерга тушиб кетди. Идадан буюк Зевснинг момоқалдиуроғи гумбурладию, юнонлар кўшинига томон чақнаб турган чақмоқ ташланди. Муҳорибларни даҳшат чулғади. Уларнинг барчаси истехком деворлари ёнида паноҳ топишга шошиларкан, оёқларини қўлтқилаб югура кетишди. Жанг майдонида Несторнинг ўзи қолганди, холос. Унинг отларидан бирини Париснинг ўқи жароҳатланганди, от жонивор тутоқиб, осмонга қараб ирғишларди. Нестор отни маҳодадан ажратмоқчи бўлди, бироқ удалай олмади. Унга Ҳектор ўз маҳодасида тобора яқинлашиб келмоқда эди. Кекса Нестор ҳалок бўларди, аммо Диомед унга ёрдам беришга улгурди. У Одиссейни ҳам ёрдамга чақирди, бироқ Одиссей унинг чақирганини эшитмади. Диомед Несторни ўз маҳодасига миндирди-да, Ҳекторга қарши елиб кетди. Диомед Ҳекторга қаратиб найза ирғитди, аммо нишонга уролмади, ўқ Ҳекторнинг маҳода ҳайдовчисининг

кўксига кадалди, у шу захотиёқ жонидан жудо бўлди. Ҳекторнинг отлари четга чиқиб кетишди. Маҳода ҳайдовчиси ўрнига қаҳрамон йигит Архептолем чиқиб олди. Балки уруш майдонини ташлаб қочаётган юнонлар Диомеднинг жасоратини кўргач, ниятларидан қайтган бўлишарди. Аммо шу он Зевс Диомеднинг отлари олдига чакнаб турган чакмоқни ташлади. Диомеднинг отлари орқага ташланди. Нестор Диомедни муҳораба майдонини тарк этишга кўндирди бошлади, чунки Зевс унга ғалабадан дарак бераётган эмасди. Диомед жангни давом эттиришни қанча хоҳламасин, у Несторнинг маслаҳатини бажо келтирди ва отларни қочиб кетаётган юнонлар тўдаси томон бошқарди. Трояликлар даҳшатли наъра тортарканлар, юнонларга томон ўқларни ёмғирдай ёғдирдилар. Ҳектор қочиб бегон бўлган Диомедни масхаралаб куларди. Диомед уч маротаба орқага, жанг майдонига қайтмоқчи бўлди, аммо уч сафар ҳам Зевснинг чакнатган чакмоқлари унга монелик қилди. Ҳектор Зевснинг юнонларга ғалабани раво кўрмаётганини тушунди. У трояликларни руҳлантираркан, юнонларни таъқиб этишга даъват этар, уларнинг истехкомига ҳужум қилиб, кемаларини ёндириш керак дея таҳдид соларди. Ҳекторнинг таҳдидини эшитган Ҳеранинг қаҳри келди. У ерни силкитувчи маъбуд, денгизлар ҳукмдори Посейдондан юнонларга ёрдам беришни илтимос қилди, аммо денгизларнинг буюк ҳукмдори унинг илтимосини рад этди.

Юнонлар истехкоми девори ёнида жанг борган сайин авжига чиқмоқда эди. Ҳера Агамемнонда юнонларни руҳлантириш ҳақида фикр уйғотди. Агамемнон Одиссейнинг кемасига кўтарилиб, кўшинини жасуруна мудофаага ўтишга даъват этарди. Агамемнон, шунингдек, Зевсга юнонларнинг трояликлар кўлида ўлишига йўл қўйма, улардан ёрдамнинг дариг тутма дея ялинарди. Зевс раҳмдиллик бажо келтирди ва уларга – юнонларга аломат намоён этди: Зевс қурбонгоҳи узра бургут гир айландию, унга панжаларида ушлаб турган кийикни ташлади. Ушбу аломатни кўрган юнонлар руҳий кўтаринкилик касб этиб, ўзларига келишди ва шу захотиёқ трояликларга зарба беришди. Ҳаммадан кўпроқ шоҳ Диомед жасорат кўрсатмоқда эди. У бир талай троялик қаҳрамонларни маҳв этди. Юнонларнинг бошқа қаҳрамонлари фидокорона курашди. Лекин Аякс Теламониднинг ўғай укаси Тевкр ўзининг жанговарлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Унинг камонидан узилган ўқлар троялик қаҳрамонларни бирин-кетин ер тишлатарди. Приамнинг соҳибжамол ўғли Горгифион ҳам унинг ўқидан ҳалок бўлди. Лолақизғалдоқ устига тушган шудрингнинг оғирлигидан унинг қизил гули қандай эгилса, Горгифион ҳам дубулғага бурканган бошини шундай эгиб, ерга кулади. Тевкр Ҳекторнинг дўсти, маҳода ҳайдовчиси Архептолемни ҳам ўлдирди. Ҳазаби қайнаб кетган Ҳектор Тевкрга ташланди. Агар акаси Аякс уни ўзининг қалқони билан тўсиб қолмаганда, шу он хизматкорларига ярадорларни кемага олиб боришни амр этаётган бўлмаганида Ҳектор Тевкрни ўлдирган бўларди.

Зевс яна трояликларда жасорат уйғотди. Трояликлар юнонларни кемаларигача сиқиб боришди. Ҳектор ваҳимали вазоҳат билан сафларни айланарди. Ҳеранинг юнонларга раҳми келди, у Афинани уларга ёрдам беришга отлантди. Афина розилик билдирди. У ўзининг совут-қалқонини тақиб олдида, Ҳера билан бирга маҳодага ўтириб, нурафшон Олимпдан ерга томон равона бўлишди. Юксак Идада ўтирган Зевс елиб бораётган маъбудларни кўриб қолди. Қаҳру ғазабга тўлган Зевс худолар хабарчиси Иридани елиб кетаётган маъбудларни тўхтат дея юбораркан, уларга ғазаб билан таҳдид соларди. Зевснинг қаҳридан кўрқиб кетган маъбудалар Ҳера ва Афина ғам-алам ичра Олимпга қайтиб келишди. Кўп ўтмай яшинчақнатар Зевс ҳам Олимпга қайтди. Зевснинг «Нечун маъбудалар бунча ғамгин?» деган саволи ва унинг таҳдидига Ҳера «юнонлар учун қайғураётгирмиз» дея жавоб берди. Зевс Ҳерага «Агамемнон Ахилл билан ярашмагунча ва уни ҳақорат қилгани учун унга муносиб совғалар юбормагунча трояликлар ғалаба қилаверади», деди.

Қуёш ботди. Тун ерга ўз пардасини ёпди. Қонли жанг тўхтади. Ҳекторнинг маслаҳатига биноан трояликлар муқаддас Трояга қайтишмади. Улар тунни уруш майдонида ўтказишди, шаҳарни қўриқлашни ўспиринлар ва кексаларга ҳавола этишди. Ҳектор эртаси куни юнонлар устидан узилкесил ғалабага эришамиз ва уларни Троя сарҳадларидан ҳайдаб юборамиз деган умидда эди. Трояликлар жанг майдонида бир талай гулханлар ёқиб қўйишди. Гулханлар тун зулматида бамисоли юлдузлардек ярқиради эди.

АГАМЕМНОН АХИЛЛ БИЛАН ЯРАШИШГА УРИНАДИ

Трояликларнинг ғалабасидан ғамга ботган Агамемнон йўлбошчиларни кенгашига даъват этиш учун жарчилар юборди. Йўлбошчилар йиғилгач, Агамемнон Троядан Юнонистонга қайтишга тўғри келарди, зероки Зевс бизга шуни раво кўрмоқда деди алам билан. Лекин Диомед қаҳру ғазаб билан Ага-

мемнонга эътироз билдираркан, истасанг Трояни бир ўзинг тарк этишинг мумкин, бошқа йўлбошчилар Трояни забт этгунча курашадилар деди. Трояни тарк этмаслигини Нестор ҳам тасдиқлади. Қария Агамемнонга зиёфат уюштиришни ва ўшанда нима қилиш зарурлигини муҳокама қилиш, қароргоҳни ҳимоя этмоқ учун соқчилар тайинлашни маслаҳат берди.

Агамемнон Несторнинг маслаҳатини бажо келтирди. Етти нафар йўлбошчи раҳбарлигида етти юзта йигит юнонлар истехкомини қўриқлашга отланди. Бошқа йўлбошчилар Агамемнон чодирда қолишди. Зиёфат чоғида Нестор Агамемнонга Ахилл билан ярашишни маслаҳат бера бошлади. Агамемнон Несторнинг сўзларини инобатга олди. Агамемнон йўлбошчиларга Ахиллга катта совғалар билан бирга Брисеидани қайтариб беражagini, ватанга ғалаба билан қайтгач, унга ўз қизларидан бирини хотинликка беражagini, сеп сифатида беҳисоб армуғонлар бахш этажagini билдирди. Йўлбошчилар Агамемноннинг қарорини маъқуллаб, Ахилл билан музокара қилиш учун унинг чодирга Теламонзода Аякс, Одиссей ва Фениксни юборишга қарор этишди, Эврибит ва Годий эса уларнинг жарчиси бўлмоғи керак эди. Ушбу қаҳрамонларни Ахилл жуда севарди. Мазкур элчиларга Нестор бир талай маслаҳатлар берди.

Агамемноннинг элчилари Ахилл ҳузурига келганларида улар уни лира чалиб, қаҳрамонлар шарафини куйлаётган ҳолда учратишди. Ахиллнинг ёнида унинг энг кадрдон дўсти Патрокл ҳам ўтирарди. Ахилл қаҳрамонларни самимий кутиб оларкан, улар учун дабдабали зиёфат берди. Одиссей мириқиб овқатлангач, Пелей ўғлини Агамемнон билан ярашишга ундай бошлади. Одиссей Ҳектор йўлбошчилик қилаётган трояликларнинг юнонларни қандай исканжага олаётганини ҳикоя қилиб берди, шунингдек, Одиссей ярашиш шарафига Агамемнон ваъда қилаётган тортиқларни ҳам санаб берди. Одиссей Ахиллга отаси Пелейнинг ўғлини жангга юбораётган чоғда низолардан ҳазар қил дея берган ўғитларини ҳам эслатди. Лекин Ахилл Микена подшоси билан ярашишдан бош тортди. У Агамемноннинг ўз кўнглига раҳна солганини сира унутолмасди. Ахилл ҳатто унга Мисрдаги Фива шаҳри бойликларига тенг келадиغان совғалар берганида ҳам у билан ярашмаяжagini баён этди. Букилмас иродага эга бўлган Ахилл ўз юрти Фтияга сузиб кетишга ҳам тайёр эканлигини айтиш билан таҳдид солди. Бироқ юнонлар тақдирдан ғамга ботган Феникс Ахиллни ярашишга розилик беришга кўндиришда давом этарди. У бир пайтлар куретлар билан этояликлар ўртасида бўлган жангда Мелеагр сингари йўл тутмасликка даъват этаркан, уни роса авради. Аммо Ахилл Фениксга жавоб қайтармай, ўз сўзида тураверди. Шунда Теламонзода Аякс Оддисейга мурожаат қиларкан, уни дарҳол Ахиллнинг чодирини тарк этиб, йўлбошчиларга Ахиллнинг жавобини етказишга даъват этарди. Аякс сўнгги бор Ахиллни кўндиришга уриниб кўрди, лекин у ҳамон илгаригидек қатъиятлилиқ кўрсатаркан, Ҳектор юнонларнинг барча кемаларини ёндириб, ўзининг кемалари ва чодирига етиб келгандагина унга қарши жанг қилажagini айтди, холос.

Қаҳрамонлар лом-лим демасдан чиқиб кетишди, аммо Феникс Ахилл ҳузурига қолди. Элчилар Агамемнон ҳузурига қайтиб келишаркан, Аякс ва Одиссей йўлбошчиларга Ахиллнинг жавобини етказишди. Ниҳоят, қаҳрамон Диомед Ахиллни тинч қўйишни маслаҳат қилди, чунки Агамемнон тортиқлар ваъда бериш билан унинг ғурурини ошириб юборганди. Диомед мириқиб вино ичиб, овқатланиб олгач, ҳамма ётиб ухласин, токи эртага бўладиган қонли жангни бошлашга шай бўлайлик дея тақлиф этди.

ОДИССЕЙ ВА ДИОМЕД ТРОЯЛИКЛАР ҚАРОРГОҲИГА АЙҒОҚЧИ СИФАТИДА ОТЛАНАДИЛАР. РЕССНИНГ ОТЛАРИ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Юнонларнинг қароргоҳи каттиқ уйкуга чўмганди. Агамемнонгина бедор эди. У хаёлида ғужғон ўйнаган ғамгин фикрлардан ҳаяжонланган ҳолда оҳ тортарди. Трояликлар қароргоҳи атрофида ловуллаб ёнаётган гулханларга қараб, у ерда найлар жарангоси ва қувноқ товушларнинг кулоқка чалинаётганидан ҳайратланарди. Юнонлар қароргоҳини кўздан кечирганда ғам-андуҳга ботар, сочларини юлгудек бўлар, ўз хобгоҳида юрак оғригидан безовталанарди. Ниҳоят, Атрей ўғли ўрнидан туриб, кийиниб олди ва елкасига арслон терисини ёпиниб, қўлида найзаси билан Несторни излаб кетди. У Пилос подшоси билан қандай қилиб юнонларни ҳалокатдан асраб қолиш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлашмоқчи эди. Агамемнон Менелайни учратди. Менелай ухламас, у ҳам Троя остоналарига келганларнинг тақдирини ўйлаб безовталанарди. Ака-ука йўлбошчилар кенгагини чақиришга қарор қилишди. Менелай қаҳрамонларни чорлашга, Агамемнон эса Нестор ҳузурига йўл олди. Нестор ўзига томон яқинлашиб келаётган Агамемноннинг қадам товушларини эшитди, аммо тун қоронғусида



унинг ким эканлигини билмай, хузурига келаётган кишини кимлигини айтиб кел дея огохлантирди, у Несторга яқин келиб, ўзини ташвишга солиб турган ахвол ҳақида ҳикоя қилди ва ўзи билан бирга кенгашига боришини илтимос қилди. Нестор шу заҳотиёқ ўрнидан турдида, Агамемнон билан бирга-ликда қаҳрамонларни даъват этишга шошилди. Улар Одиссейни, кейин эса қалқонини ёстиқ қилиб ухлаб ётган Диомедни чақирди.

У найзасини ёнгинасида ерга санчиб қўйган экан. Қаҳрамонларни тўплаб, соқчилар хузурига келишди, уларни бедор ҳолда учратишди. Соқчилар тун зулматига кўз тикиб турарканлар, трояликлар келмаяптими дея қулоқларини динг қилиб туришарди. Йўлбошчилар хандақ орқали ўтиб, истехкам девори ёнидаги майдонда ўтириб олишди. Шунда Нестор трояликларнинг қандай қарорга келганлигини – улар юнонларга ҳужум қилишмоқчими, шуни билиб келиш учун уларнинг манзилига айғоқчилар юборишни таклиф қилди. Диомед шу ондаёқ бундай хатарли ишга бориш истагини билдираркан, ўзи билан бирга қаҳрамонлардан бирортаси боришни таклиф қилди. Диомед билан боришга бир талай киши истак билдирди. Агамемнон шерик танлашни Диомеднинг ўзига ҳавола қилди. Диомед Афина-Палладанинг эркатойи бўлган Одиссейни танлади. Одиссей шундай маккор ва чапдаст эдики, Диомед у билан ловуллаб турган ўт ичидан ҳам соғ-саломат чиқишига ишонарди. Диомед ва Одиссей қуролланиб олишди. Қуроолларни уларга йиғилган йўлбошчилар беришди, чунки Диомед ва Одиссей кенгашига қурооланмасдан келишганди.

Трояликлар манзилига юнонлар айғоқчилар юборган пайтида трояликлар ҳам юнонлар ўз манзилгоҳини қандай кўриқлаётганини билиб олиш учун айғоқчилар жўнатишганди. Бу вазифани бажаришни ўзининг чаққонлиги ва югуриклиги билан шуҳрат қозонган Эвмеднинг ўғли Долон ўз гарданига олди. У юнонларнинг кемалари жойлашган қирғоққача кириб боришга ва юнонларнинг йўлбошчилари нима ҳақида фикр юритажакларини эшитиб олишга қарор қилди. Долон обдон қуроолланди, елкасига бўрининг терисини ёпиниб, юнонлар манзилгоҳига отланди. Кўп ўтмай Одиссей ва Диомед Долонни кўриб қолишди. Улар ерга ётиб олишди, унга олдиларидан ўтиб кетиш имконини беришди, кейин эса қуён ёки, тоғ эчкисини таъкиб этаётган овчилардек унинг ортидан қувиб кетишди.

– Тўхта! – қичқирди Диомед Долоннинг ортидан. – Билъакс найзамга ем бўласан, барибир ўлимдан қочиб қутулолмайсан.

Диомед Долонга қарата найза итқитди, лекин уни ярадор қилмайдиган-елкаси устидан учиб ўтадиган қилиб итқитди. Долон кўрқиб кетди, даҳшат ичра кути учиб, тўхтади. Одисей билан Диомед уни ушлаб олишди. Долон, раҳм қилинганлар дея ялина бошлади. Қаҳрамонлар Долондан юнонлар қароргоҳига нима учун келганини, уни кимлар юборганини ва трояликлар ҳамда уларнинг иттифоқчиларнинг қандай жойлашганини билиб олишди. Қаҳрамонлар раҳм қилса керак деган умид билан Долон уларга ҳамма нарсани ҳикоя қилиб берди.

У уларга ғаройиб отлари ва олтиндан қилинган яроғи-аслаҳалари билан яқинда Трояга келган фракияликлар подшоси Реснинг қаерда жойлашганини ҳам таърифлади. Лекин Одиссей ва Диомед Долонни аяшмади. Қаҳрамонлар Долоннинг елкасидаги бўри терисини, бошидаги дубдулғасини ва қуролини тортиб олишди.

Қаҳрамонлар фракияликлар подшоси ётган жойга билдирмасдан кириб боришди. Улар ухлаётган фракияликларга ташландилар. Диомед ҳимоясиз эчкилар ва қўйлар подасига ҳужум қилган шердек ухлаётган фракияликларга ташланди. У ўн икки нафар фракиялик жангчини ўлдирди.

Диомед подшо Ресни ҳам ўлдирди. Одисей Реснинг отларини бўшатиб, уларнинг қароргоҳидан чиқди. Диомед олтин қурол-аслаҳали маҳодани ҳам олиб чиқмоқчи бўлганди, аммо маъбуда Бокира Афина Диомед хузурига келиб, унга деди:

– Юнонлар манзилгоҳига қайтишингни ҳам ўйлаб қўй Тидей ўғли, қайтиш пайти бўлди. Агар сармовот сокинларидан бирортаси сенга душманлик қилиб, ухлаётган трояликларни уйғотиб юборса борми, қочиб кетишинга тўғри келади.

Диомед маъбуданинг наслаҳатига риоя қиларкан, Реснинг отларидан бирига сакраб миниб олди, қаҳрамонлар юнонлар манзилгоҳи сари елиб кетишди.

Бокира Афинанинг Диомед ва Одиссейга қандай ёрдам берганини, Аполлон кўриб қолди. У зудлик билан трояликлар манзилгоҳи томон отланди ва Реснинг қариндоши бўлган Хиппокоонтни уйғотди. Хиппокоонт ўрнидан ирғиб тураркан, отлар турган жойнинг бўшаб қолганини кўриб қолди. У Реснинг номини тилга олиб, чақира бошлади, аммо жавоб ололмади. Трояликлар қароргоҳида талотўп бошланди (шов-шув кўтарилди). Даҳшатга тушиб югуриб келган оломон Диомед ва Одиссей

томонидан содир этилган ҳодисани кўздан кечирарди. Улар эса йўлда келаётиб, Долоннинг қурол-яроғини ўзлари яшириб кетган жойдан олиб, юнонлар йўлбошчилари кутиб ўтирган ерга етиб келишди. Одиссей Долонни қандай қўлга туширганини, Диомеднинг подшо Ресни ва ўн икки нафар фракиялик машхур қаҳрамонларни ўлдирганини ва отларни нечук олиб чиққанларини сўзлаб берди. Қаҳрамонлар Диомед ва Одиссейни қутлашди. Уларнинг жасоратини эшитганлар беҳад суюнишарди. Реснинг отларини подшо Диомеднинг чодирини олдига боғлаб қўйишди, Долоннинг қурол-аслаҳасини эса Одиссей ўз кемасига олиб кетди.

ЮНОНЛАР ҚАРОРГОҲИ ЁНИДАГИ ЖАНГ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Шарқ эндигина ёришиб келаётган тонгнинг илк нурларидан қизара бошлаганда Зевс юнонлар қароргоҳига хусумат маъбудасини юборди. Маъбуда Одиссейнинг улкан кемасида туриб қоларкан, даҳшатли ва ваҳимали наъра тортди, барча муҳорибларда қонли жангга бўлган ташналик уйғотди. Ҳашаматли қурол-аслаҳаси ва кишиларни ҳайратга соладиган баҳайбат найзаси билан салобат солиб юраркан, подшо Агамемнон қаҳрамонларни жангга даъват этарди. Юнон қаҳрамонлари пиёда ҳолатда жангга киришди. Трояликлар улар билан мардона жанг қилишди, айниқса Ҳектор ўз жасорати билан ҳаммадан ўтиб кетди. Муҳориблар уруш майдонида дарғазаб бўрилари эслатарди. Қонли жангни кўрган маъбуда Хусумат ўзида йўқ хурсанд эди. Худолар, Зевс трояликларга ёрдам бермоқда дея шикоят қилишаркан, нурафшон Олимпдаги қасрларига чекинишди. Зевс сурурга тўлиб жангни кузатарди. Ушбу муҳорабада айниқса шох Агамемноннинг қаҳри-ғазаби авжига чиққанди. У ўзининг баҳайбат найзаси билан бир талай қаҳрамонларни жароҳатлади. У Приамнинг икки нафар ўғиллари – Ис ва Антифни ўлдирди. Улар битта маҳодада ўтириб душманлари билан жанг қилишмоқда эдилар. Агамемнон уларни, иккала ака-укани яқинда Ахилл Ида тоғи ёнбағрида ушлаб юнонлар қароргоҳига келтирганда кўрганди. Приамзодаларга трояликлар ёрдам беролмади, уларнинг иккаласи ҳам ҳалок бўлди. Агамемнон Антимахнинг ҳам икки ўғлини ўлдирди. Уларнинг Микена подшосига ялинишлари беҳуда кетди. Агамемнон уларнинг отасидан Менелай Трояга элчи сифатида келганида Парисга сотилиб, уни ўлдиришни маслаҳат бергани учун интиқом олди. Агамемнон уларни ўлдиргач, жанг авж олиб турган жойга қараб елиб кетди. Ўрмонда ёнғин чоғида олов ичра қолган дарахтлар қандай куласа, Атрей ўғли троялик қаҳрамонларни бирин-кетин шундай кулатмоқда эди. Агамемнон устидаги қаҳрамонларини уриб йиқитаётган маҳодалар муҳораба майдони бўйлаб момақалдирак сингари елмоқда эдилар. Ҳамма жойда қаҳрамонлар жасади уюлиб ётарди. Трояликлар саросимага тушиб, қоча бошлашди, лекин улар Скей дарвозалари (қопқалари) олдида тўхтаб қолишди.

Трояликларнинг қочаётганини кўрган яшинчақнатар Зевс маъбуда Иридага Ҳектор хузурига елиб, унга Агамемноннинг ярадор бўлганини кўрган онда жангга киришини, Зевс Ҳекторга бағоят катта куч бахш этажанини, у юнонларни уларнинг кемалари турган жойгача чекинтиражанини хабар қилишни амр этди. Ирида Зевснинг амрини зудлик билан ижро этди. Ҳектор маҳодасидан сакраб тушдию, трояликларни руҳлантира бошлади. Шу аснода Агамемнон троялик қаҳрамонларни илгаригидек бирин-кетин қийратмоқда эди. У Атенорнинг ўғли Ифидамантни ўлдирди. Атенорнинг катта ўғли Коонт укаси учун ўч олмоқчийди. У найзаси билан Агамемноннинг қўлини жароҳатлади, лекин Микена подшоси қиличи билан зарба бераркан, унинг бошини танасидан жудо қилди. Шундай қилиб, Атенорнинг катта ўғли укасининг устига қулади. Аммо Агамемнон энди жанг қилолмасди, яраси каттиқ оғрий бошлади, шу боис у муҳораба майдонини тарк этди.

Ҳектор Агамемноннинг ўз маҳодасига ўтириб, жўнаб кетганини кўргач, баланд овоз билан жангчиларни тетик бўлишга даъват этаркан, ўзи ҳам жанг майдонига отилди. У бир талай қаҳрамонларни жароҳатлади. Юнонларга ҳалокат таҳдид солмоқда эди. Бироқ Одиссей Диомедни ёрдамга чорлади, иккала қаҳрамон трояликлар хужумини мардона қайтаришди. Диомед яқинлашиб келаётган Ҳекторни кўргач, унга қаратиб найза итқитди ва дубулғасига шикаст етказди. Маъбуд Аполлон унга дубулғани тешиб ўтиш имконини бермади, у Ҳекторни муқаррар ўлимдан қутқазиб қолди, лекин кучли зарбага чидаш беролмаган Ҳектор беҳуш ҳолда ерга қулади. Диомед жангчилар сафини ёриб ўтай деганда Ҳектор ўзига келиб, маҳодасига сакрадию, ўлимдан халос бўлди. Ҳекторни бу гал ҳам жароҳатлашга муваффақ бўлмаган Диомед найзасини силтадию, троялик қаҳрамонлардан бирини ҳаётдан маҳрум этди. Диомед ўлиб ётган трояликнинг қурол-аслаҳасини ечмоқчи бўлиб энгашди. Бу ҳолни кўрган Парис Диомедни камондан ўқ узиб ярадор қилди. Парис ўзида йўқ хурсанд эди. Диомед

эса Одиссей уни ўз қалқони билан тўсганда ярасидан найзани суғуриб олди, аммо у бошқа жанг қилмаслигини пайқагач, жанг майдонини тарк этди.

Шу пайт трояликлар Одиссейни ўрмондан чиққан шерни итлар ўртага олгандек ўраб олишди. Шер рақиблари қуршовида ваҳимали наъра тортмоқда. Одиссей ҳам худди шу зайлда ўзига хужум қилган трояликларга найза билан зарба бермоқда эди. Шу аснода Одиссейнинг найзасидан бир талай қахрамонлар ҳаёт билан видолашди. У подшо Сок(Сўк)нинг укаси Харопни ҳам жароҳатлади. Укасининг қасосини олмоқ бўлиб, Сўк ҳам Одиссей қалқонига найза билан зарба бериб, қалқонни тешиди ва Одиссейни биқинидан ярадор қилди. Лекин Одиссей ярадор ҳолда ҳам Сўкни қочиб кетишга мажбур қиларкан, уни найза зарби билан ўлдирди. Сўкни ўлдиргач, Одиссей ўз ярасидан найзани суғуриб олди, ундан шариллаб иссиқ қон оқа бошлади. Одиссейнинг яраланганини кўрган трояликлар унга бўридай ташланишди. Итака подшоси қаттиқ овоз чиқариб наъра тортаркан, одамларни ёрдамга чорларди. Теламонзода Аякс унга ёрдам бериш учун шошилди ва уни ўзининг минорадай баҳайбат қалқони билан қоплади. Менелай эса Одиссейни қизғин жанг майдонидан олиб чиқиб, маҳодасига миндирди. Мухорабани Одиссей ҳам тарк этди. Аякс жангга кирганди, у трояликларни аёвсиз қирарди. Шу он Парис қахрамон Махаонни камон ўқи билан ўнг елкасидан жароҳатлади. Идоментнинг илтимосига кўра Нестор ярадорни юнонлар қароргоҳига олиб кетди. Аякснинг трояликлар кўшинини исканжага олаётганини кўрган Ҳекторнинг маҳодачиси Кебрион дарҳол уни бу ҳолдан огоҳ этди. Ҳектор ёрдамга шошилди. Зевс Аякснинг кўнглига кутку солди. У ўзининг баҳайбат қалқонини елкасига ташлаб, аста-секин чекина бошлади. У орқасидан итлар ва жасур чўпонлар таъкиб қилаётган арслондай чекинарди.

У секин чекинар, гоҳо қалқони билан кўксини қоплаб, ўзини исканжага олаётган трояликларни тўхтатиб турарди. Қахрамон Эврипил чекинаётган Аяксни кўргач дарҳол унга ёрдамга шошилди. Бироқ, Парис уни ҳам камон ўқи билан жароҳатладию, Эврипилга жанг майдонини ташлаб чиқишга тўғри келди. Юнонлар Аякснинг ҳузурига югуриб келишди, шу боис Теламоннинг ўғли жангдан эсон-омон чиққанди.

Ахилл қароргоҳда, кеманинг куйруқ қисмида туриб жангни кузатарди. Несторнинг ярадор қахрамонни келтирганини кўриб қолган Ахилл дўсти Патроклни чақириб, ундан Нестор ҳузурига боришни ва ярадор бўлган Махаон эмасмикан дея билиб келишни илтимос қилди. Ахиллнинг дўсти дам ўтмай Несторнинг чодирига кириб келди. Патрокл у ерда ҳақиқатан яраланган киши Махаон эканини кўрди, унга қандайдир дори-ичимлик тайёрлаётган эдилар. Пилос подшоси Патроклни кўриб, уни ўзи билан ёнма-ён (бирга) ўтиришга таклиф этди, лекин у унамади (унинг таклифини рад қилди), чунки дарҳол орқага, дўстининг ҳузурига бориши керак эди. Нестор Патроклга трояликларнинг юнонларни нечук исканжага олаётганини, қахрамонлардан кимлар ярадор бўлганини ҳикоя қилиб бераркан, юнонларга ёрдам беришни илтимос этди. У Патроклга Ахиллнинг қурол-аслаҳасини тақиб, мирмидонликларни жангга бошлашни, Ахилдан дўстига шундай йўл тутишга рухсат берсин дея сўрашни илтимос қилди; балки трояликлар Патроклни Ахилл дея урушни тўхтатишар, ўшанда юнонлар укубатли жанглардан халос бўлиб, тин олишар. Патрокл розилик билдирдида, ортига, Ахилл ҳузурига қайтди. У Ахиллдан жангга киришни илтимос қилажанини кўнглига тугиб қўйди. Патрокл йўл-йўлакай камон ўқидан белидан жароҳатланган Эврипилни учратди. Қахрамон оғриқдан қаттиқ изтироб тортар, ярасидан қон тизиллаб оқарди. Патроклнинг қахрамонга раҳми келди. У Эврипилга кемасига етиб боргунча кўмаклашди, ярасидан ўкни суғурди ва жароҳатланган жойига шифобахш гиёҳ босиб қўйди. Трояликларнинг юнонларни қандай исканжага олаётганини Эврипил ҳам сўзлаб берди.

Мухораба борган сайин авжига чиқарди. Энди баланд девор ҳам, қазилган хандақлар ҳам юнонларни мудофаа қилолмасди. Лекин ортида юнонлар паноҳ топган девордан трояликлар ҳадеганда ошиб ўтолмасди. Ҳектор маҳода билан хандақдан сакраб ўтмоқчи бўлганди, аммо унинг отлари хандақдан ўтишга журъат этолмай, четга ташланишди. Шунда қахрамон Полидамантнинг маслаҳатига биноан трояликлар беш катта гуруҳга бўлиниб ўзларининг йўлбошчилари раҳнамолигида хужумга ўтишди. Трояликларнинг йўлбошчилари маҳодаларини хандақ ёнида қолдириб, пиёда жанг қилишарди. Фақат қахрамон Асий маҳодасини тарк этмаганди. У қочиб кетаётган юнонларни таъкиб этаркан, тўғридан тўғри уларнинг қароргоҳидаги кемаларга хужум қилмоқчи эди. Лекин икки қахрамон лапифлар Полипет ва Леонтей девор ёнида Асийнинг хужумини қайтариб юборишга муваффақ бўлишди. Улар қопқалар олдидаги девор ёнида икки қудратли эмандек туришарди. Троя-

ликлар хужум қайтараётган юнонларга қарши мардона жанг қилдилар, деворлардан душманлар устига тошлар дўлдай ёғиларди, отилаётган ўқлар булути душманларга кўз очгани имкон бермасди.

Бир талай қаҳрамонларни маҳв этган лапифлар Асий ҳужумига чек қўйишди. Лекин қопқалар томон Ҳектор ва Полидамант йўлбошчилик қилаётган янги бўлинма яқинлашмоқда эди. Шунда Зевс бекиёс аломат намоён этди. Трояликлар қўшини устида дафъатан бургут пайдо бўлди. Чангалида илонни ушлаб турарди. Илон бургут чангалида тўлғонаркан, (унинг кўкрагидан чакиб олди) унинг кўкрагига ниш урди. Бургут қаттиқ чинқирди-да, оғзидаги илонни трояликлар қўшини ўртасига ташлаб юборди ва дам ўтмай кўздан ғойиб бўлди. Ушбу аломатни кўрган Полидамант Ҳекторга юнонлар қароргоҳини забт этишга интильмасдан урушни тўхтатиш керак дея маслаҳат бера бошлади. Бирок Ҳектор Полидамантнинг маслаҳатига кулоқ солмасдан, ўз қўшини билан юнонлар девори томон ҳаракат қилишни давом эттарди.

Яшинчақнатар Зевс даҳшатли бўрон кўзғатди. Юнонларнинг кемаларини бурқираган чанг-тўзон қоплади. Чанг-тўзон бўронига қарамасдан, юнонлар деворни жасурана ҳимоя қилишарди. Трояликлар деворнинг кунгураларини вайрон қилар, устига миноралар ўрнатилган тўсинларни омонат ҳолга келтиришар, уларни бузмокчи бўлишарди. Юнонлар бостириб келаётган трояликларни тош, найза ва камон ўқлари билан қарши олишди. Ҳар иккала Аякс ҳам юнонларни сабот-матонат билан жанг қилишга даъват этар, қўшинни руҳлантиришарди. Сарпедон кўксини қалқон билан тўсиб, икки қўлида найза ушлаган ҳолда Ликетлик қаҳрамон Главкни ёрдамга чақираркан, қопқаларга яқинлашиб келди. Қопқаларни Менесфей кўриқларди. У Аяксни ёрдамга чорлашга одам юборди. Паламон Аякс Менесфейга ёрдам бериш учун етиб келди, унинг ортидан укалари Тевкр ва Пандион пайдо бўлишди. Аякс деворга кўтарилаётган қаҳрамон Эпиклга баҳайбат тош билан зарба бераркан, уни ерга кулатди. Главк Тевкрнинг камони ўқидан жароҳатланди. Аммо Сарпедон чекинмокчи эмасди. У хатто деворнинг бир бўлагига шикаст етказишга муваффақ бўлди, бирок Тевкр ва Аякс уни ҳам бартараф этишди. Сарпедон ўзининг ликийликларини янги хуружга руҳлантирди. Улар яна деворга қараб ташлашнишди, аммо юнонлар уни забт этишга йўл беришмади. Ликийликлар ҳарчанд уринишмасин, уни забт этишолмасди, айна замонда уларни юнонлар ҳам ҳайдаб юборишолмасди. Муҳорабада на ликийликлар, на юнонлар устунликка эришди. Юнонларнинг қароргоҳига биринчи бўлиб қудратли Ҳектор бостириб киришга муяссар бўлди. У икки нафар эркак зўрға хари билан кўтарадиган улкан тошни кўтариб, қопқа томон итқитди. Кучли зарбага на дарвоза, на баҳайбат лўкидон чидаш беролди, қопқалар гурсиллаб парчаланди, Ҳектор юнонлар қароргоҳига ташланди, унинг кўзлари ғазаб ўтида ёнарди. Унинг ортидан трояликлар кириб келаверди. Кучли хуруж натижасида девор забт этилган эди. Юнонлар қочишга мажбур бўлдилар, улар ўз кемаларига қараб югуришарди. Қароргоҳда саросима бошланди.

КЕМАЛАР ЁНИДАГИ МУҲОРАБА

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Жанг кемаларнинг ёнгинасида бошланди. Зевс энди жангни умуман кузатмасди, зероки худолардан бирортаси ҳам юнонларга ёрдам беришга ботинолмаслигига унинг ишончи комил эди. Буни кўрган ва жангни кузатиб турган Посейдон Фракия тоғларини дарҳол тарк этиб, ўз қасрига йўл олди; ғазаб билан кетаётган маъбуднинг оёқ дупуридан тоғлар ларзага келарди. Посейдон ўз қасрига келгач, денгиз отларини маҳодасига қўшди-да, денгиз долғалари ўзра Трояга елиб кетди. Отлар денгиз тўлқинларига тўқинмасдан шиддат билан учиб борарди, кўп ўтмай улар маъбудни Трояга келтиришди. Посейдон маҳодага қўшилган отларини олтин занжирлар билан тушовлаб, денгиз соҳилидаги кенг моғорада қолдирди. У Калхас қиёфасига кириб, Аякслар ҳузурида намоён бўлди-да, уларни жангни давом эттиришга ундади. У ўзининг асосини (ҳассасини) уларга тегизиб қўяркан, уларнинг узвиятига бекиёс катта куч-қудрат бахш этарди. Аякслар маъбуднинг Калхас қиёфасига кирган ал-позда ўзлари билан гаплашаётганини англаб етгач, бағоят катта жасорат билан муҳорабага киришишди. Посейдон юнон қўшинлари сафини бирма-бир айланиб чиқаркан, уларни баҳодирларча курашга отлантирарди. Юнонлар қалқонларини такиб, дубулғаларини кийиб, найзаларини шай қилиб, ака-ука Аякслар атрофида жам бўлиб, трояликларнинг хуружини кутиб туришарди. Троя фуқароларидан Ҳектор хужум қилмоқда эди.

Тоғлар чўққисидан қоядан ажралган оғир тош (йўлидаги ҳамма нарсани поймол қилгандек) водийга кулаб, ҳаракатсиз ҳолга келгунча ўз йўлидаги ҳамма нарсани қандай поймол этса, Ҳектор ҳам қўлида найзаси, кўксига қалқони билан юнонлар қўшини устига шундай келарди. У жипслашиб саф

тортиб турган жангчилар олдида тўхтаб, уларни юнонлар қаторини ёриб ўтишга руҳлантирарди. Шиддатли жанг бошланди. Юнонлар жангда катта курбонлар беришди. Посейдоннинг невараси Амфибах ҳам ҳалок бўлди. У шоҳ Идоменейни невараси учун қасос олишга ундарди. Идоменей ўзининг энг сара қурол-аслаҳасини олиб, совутга бурканаркан, ҳозиргина Приамнинг ўғли Деифоб қалқонига зарба бераётди найзасини синдирган ва янгисини олиш учун бораётган Мерионни кўриб қолди.

Трояликлар ўзларига томон яқинлашиб келаётган Идоменейни кўргач, дарҳол унга ташланишди. Идоменей сира бўш келмай, қаршилиқ кўрсатаркан, трояликларни орқасига қарамай қочишга мажбур этди. Унинг трояликларни қандай исқанжага олаётганини кўрган Приамнинг ўғли Денфоб Энейни ёрдамга чорлади. Улар Парис ва Агенарни ҳам чақириб, биргаликда Идоменейга ҳужум қилишди. Бир талай қаҳрамон ёрдамга шошилган Идоменей теграсида қонли жанг бошланиб кетди. Кучли зарбалардан қаҳрамонларнинг кўкракларидоги совут-қалқонлар гурсиллади.

Ҳектор ва икки Аякс кемаларни ҳимоя қилаётган жойда жанг бормоқда эди. Ака-ука Аякслар бамисоли умумий бўйинтуруққа қўшилиб, аҳилонга эгат бўйлаб ерни ёриб бораётган омочни судраб ёнма-ён кетаётган қўш хўкиздай матонат билан жанг қилишарди. Аякслар атрофида бешумор муҳориблар қирғинбарот жангга шай бўлиб турардилар. Уларнинг ортидан эса ўқ-ёй ва сопқонлар билан қуролланган локридаликлар ҳужум қилаётганларга қарата ўқ ёмғирини ёғдирмоқда эдилар. Трояликлар саросимага тушай деб турганди, лекин қаҳрамон Полидамант Ҳекторга энг жасур қаҳрамонларни ёрдамга чақириб, юнонларнинг кемаларига ҳужум қилиш ёхуд чекинишга қарор қилишни маслаҳат берди. Ҳектор қаҳрамонларни жангга шайлантирай дея югуриб кетди, аммо кўпларини тополмади, айримлари юнонларнинг кемалари олдида жонидан жудо бўлиб ётар, бошқалари жароҳат изтиробига дош беролмай, жанг майдонини тарк этишганди. Ёлғиз Парисгина юнонларнинг ҳужумини қайтарарди. Ҳектор Парисга таъна билан мурожаат қилди, лекин унинг бу иши адолатдан эмасди. Парис баҳодирларча жанг қиларди, қаҳрамонларнинг аксарияти ярадор бўлган, яна қанчалари ўлдирилганлигига у айбдор эмасди. Парис Ҳекторни трояликларни жангга бошлашга даъват этарди. Трояликлар кутурган бўрон янглиғ жангга киришардилар, аммо уларнинг ҳужумидан юнонлар мутлақо саросимага тушишмади. Аякс Теламонзода Ҳекторга кўзи тушаркан, уни юнон муҳориблари сафига яқинлашиб келишга чорларди. Шу он Аякснинг тепасида парвоз қилаётган бургут пайдо бўлди, ушбу аломатни кўрган юнонлар суюнганларидан қийқириб юборишди. Бироқ Ҳектор раҳнамолик қилаётган трояликлар даҳшатли наъра тортиб, юнонларга ташланишди, ҳар иккала қўшиннинг наъраси самовотни ларзага келтирди.

Ўз чодирда Махаон билан ўтирган Нестор қўшиннинг ушбу қийқириғини эшитаркан, қалқон ва найзасини олдида ташқарига отилди. Қария подшо Агамемнон ҳузурига йўл олди. У Микена подшо-си, Диомед ва Одиссейни ярадор ҳолда найзаларига суяниб турганда учратди. Улар жангни кузатмоқчи бўлдилар. Жанг шундайгина кемалар ёнида бораётганини кўргач, аламдан юраклари увишиб кетди. Йўлбошчилар ўзларини трояликларнинг ҳужумидан муҳофаза қилиш учун юнонлар тиклаган ўша деворнинг вайрон бўлганини кўришди-ю, ғамга ботишди. Қўшинларга қандай ёрдам бериш, уларни ҳалокатдан қандай қилиб холос этишни билмай туришарди. Агамемнон кемаларни сувга тушириш учун амр этишга шай бўлиб турганди. Лекин Одиссей уни ўз қароридан қайтарди, чунки кемаларни сувга тушираётди, юнонлар кўпроқ уруш ҳақида эмас, қочиб қолиш ҳақида ўйлашдан хавфсирарди. Диомед эса совут қалқонини тақиб қўшинга кўринишга ва шу билан унинг руҳини кўтаришга, иккинчи бор жароҳатланмаслик учун жангда иштирок этмасликка қарор қилди.

Маъбуда Ҳера Олимпдан зудлик билан Лемнос оролига учиб бордида, у ерда уйқу худоси Ҳипносни топиб олди. У хийла вақтгача уни яшинчақнатар Зевсни ухлатишга кўндира бошлади, лекин Ҳипнос унинг илтимосини рад этарди, у Зевснинг ғазабидан кўрқарди. Ниҳоят Ҳера Ҳипносни кўндирди. У уйқу худоси билан бирга Ида тоғи чўкқисига олиб кетди. Ҳипнос Зевсга кўринмасдан хушовоз куш киёфасида баҳайбат арча дарахти буталари орасига яшириниб, уни қаттиқ ўйга чўмдирди. Шундан сўнг Ҳипнос Ида чўкқисидан ерни тебратувчи Посейдон ҳузурига учиб кетди ва унга Зевснинг ухлаётганини баён этди.

Посейдон бағоят хурсанд бўлди ва юнонларни жангга киришга руҳлантираверди. Агамемнон, Диомед ва Одиссей жароҳатларини унутиб, юнон қўшинлари сафини ўзлари мустаҳкамлай бошладилар. Посейдон бошчилик қилаётган қўшин трояликлар сари муҳорабага шайланди. Денгиз жўшаркан, баҳайбат долғалар юнонларнинг кемалари ва чодирларига бостириб кела бошлади, юнонлар ҳам айни замонда ўша пурқудрат долғаларга ўхшаб трояликлар устига ёпирилди. Яна аёвсиз жанг бошланди. Ҳектор Аяксга томон найзасини иткитди, бироқ уни жароҳатлай олмади. Аякс эса Ҳекторга қаратиб

бахайбат бир тошни ирғитганди, уни кўксидан ярадор қилди. Ҳектор худди Зевс чакмоғидан зарба еган эман дарахтидай ерга кулади, унинг кўлидаги найза отилиб кетди, улкан қалқони эса уни ерга михлаб ташлаган эди. Юнонлар Ҳекторга ташланишди, аммо Приамнинг ўғлини троялик қахрамон муҳофаза этиб, уни жанг майдонидан олиб чиқди. Улар ҳушидан кетган Ҳекторни Ксанф дарёси соҳилига олиб кетишди ва юзларини зилол сув билан обдон ювиб, уни ҳушига келтиришди.

Ҳектор нафас олди-да, кўзларини очди, ўрнидан кўзғалганди ҳамки оғзидан шариллаб қон кета бошлади. Ҳектор тагин юз тубан тушиб, ётиб олди ва ҳушини йўқотди. Ҳекторнинг Аякс итқитган тошдан ҳолдан тойганини кўрган юнонлар трояликлар устига янада аҳилона ташланишди. Жанг борган сайин жиддий тус ола бошлади. Ушбу жанг чоғида юнонлар ҳам, трояликлар ҳам бир талай қахрамонларидан жудо бўлишди. Трояликлар қоча бошлашди, улар юнонларнинг қароргоҳи атрофида қазилган хандақдан ўтиб кетгач, тўхтаб қолишди.

Шу аснода Ида тоғи чўққисидан уйқуга кетган Зевс уйғонди. У қочиб кетаётган трояликларни ва Посейдон раҳнамолигида уларни таъқиб этаётган юнонларни кўрдию, ғазаб отига минди. Посейдонни юнонларга ёрдам беришга кўндиргани учун у Ҳерага таъна қилар ва олтин занжир билан боғлаб, ер билан осмон ўртасига осиб қўяман дея унга таҳдид соларди. Ҳера Посейдоннинг юнонларга ёрдам бераётгани учун ўзининг айбдор эмаслигини Зевсга қаттиқ қасам ичиб ишонтирмоқда эди.

Маъбуда Ҳера фикр тезлигида Олимп сари елиб кетди. У ерда, зиёфат пайтида Ҳера худоларни Зевс иродасига қаршилиқ кўрсатмасликка даъват этарди. Шунингдек, Ҳера уруш худоси Аресга унинг ўғли Аскилафнинг Деифоб томонидан ўлдирганлигини билдирди. Арес хўнграб йиғлаб юборди. У важоҳати ўзгача ҳолатда ўрнидан ирғиб турдида, совут-қалқонини тақиб, ўғлининг ўчини олай деб жанг майдонига елишга шай бўлиб турганда Афина унга буюк Зевснинг хоҳиш-иродасини баён этаркан, уни ниятидан қайтарди. Ҳера маъбуд Аполлон ва худолар хабарчиси Иридани чақириб, уларнинг Ида тоғи чўққисига, Зевс ҳузурига боришларини айтди, яшинчақнатар Зевснинг амри шундай бўлди.

Маъбуд Аполлон ва Ирида Идага келганларида Зевс Иридага Посейдон ҳузурига учиб бориб, унга Зевснинг уруш майдонини тарк этсин деган амрини етказишни буюрди. Ирида кўз очиб юмгунча Посейдон ҳузурида пайдо бўлди ва унга Зевснинг амрини етказди. Посейдон акасининг иродасига бўйин эгишни истамасди, у ҳукмронликда ўзининг Зевсга тенг эканини, Зевснинг фақат ўз қизлари ва ўғилларига буйруқ бериши мумкинлигини баён этди. Ниҳоят Посейдон бўйин эгишга мажбур бўлди, уруш майдонини тарк этаркан, минбаъд Зевс Трояни аяйдиган бўлса, ўзи билан Зевс ўртасида мангу адоват бошланади дея айтиб қўйди.

Аполлонга эса Зевс ўзининг паноҳ-қалқони(эгида)ни бериб, юнонларга даҳшат солишни амр этди. Зевс, шунингдек, унга Ҳекторнинг жанговарлик кучини тиклашни буюрди. Аполлон қирғий сингари ерда, Ҳекторнинг ҳузурида пайдо бўлганда у ўзига кела бошлаган эди.

– Оёққа қалқ, Ҳектор! – деди унга Аполлон, – мен худо Аполлонман, мени сенга ёрдам бериш учун Зевс юборди. Қўшинлар ҳузурига бору уларга юнонларга хужум қилишни амр эт, мен ўзим трояликларни жангга бошлайман.

Аполлон Ҳекторга бағоят катта куч бағишлади. У ўрнидан туриб, трояликлар сари йўл олди. Улар Ҳекторни соғ-саломат кўрганидан ниҳоятда суюниб кетишди. Ҳекторни тагин ўз рақиблари сафида кўрган юнонлар ҳайратга тушишди. Қочиб кетаётган трояликлар ўзларини ўнглаб олишди-да, юнонларни исқанжага ола бошлашди. Хунрезлик борган сайин авж оларди. Юнонлар трояликларнинг хужумини маъбуд Аполлон Зевснинг паноҳ-қалқонини тақиб жанг майдонига чикқунча жасурона қайтармоқда эдилар. Юнонлар кўрққанидан саросимага тушишди, уларнинг вужудини қутку босдию, ўзларининг жасоратини унутишиб, чекинишга мажбур бўлишди. Трояликлар уларни таъқиб эта бошладилар, Аполлон эса девор олдидаги хандақни бир найза бўйи кўмиб трояликларга йўл очди. Юнонлар кемалари ёнидагина югуришдан тўхтадилар. Улар нажот тилаб худоларга илтижо қила бошладилар. Кекса Нестор ҳам Зевсга илтижо этарди:

– Зевс, юнонларнинг сенга саодат ила ватанга қайтишни насиб эт дея ялиниб келтирган қурбонликларини эслагин бундоқ. Эй Олимпсоҳиб, юнонларни ҳалокатдан асрагил. Уларни узил-кесил ғалабадан мосувою маҳрум этмагил!

Зевс Несторнинг илтижосини эшитдию, кўққисдан самовот қаъридан момақалдиросқни гумбурлатди. Трояликлар момақалдиросқни ўзлари учун ижобий аломат дея қабул этишди ва кема ён деворидан бир неча чандон баланд кўтарилган ваҳимали денгиз долғаси сингари юнонлар устига ёпирилишди. Кемалар ёнидаги жанг авжга чиқди. Кемаларни химоя қиларкан, Аякс сабот ва матонат билан жанг

киларди. Аякс билан ёнма-ён турган укаси Тевкр Троя қахрамонларини бирин-кетин жароҳатларди. Тевкр камондан ўқ узиб Ҳекторни жароҳатламоқчи бўлганда Приамнинг ўғлини Зевс ўз паноҳида асраб қолди. Тевкрнинг ёйи кўлидан тушиб, унинг камалак ипи узилиб кетдию, ўқлари ҳар ёққа сочилди. Тевкр даҳшатга тушгач, худоларнинг хоҳиш-иродасини тушуниб етди. Аякс укасига ёйни кўйиб, найза билан жанг қилишни маслаҳат берди.

Мухораба борган сайин шафқатсиз тус оларди. Кемалар теграсида қон жилға бўлиб оқарди. Юнонлар кемаларини қалқонлари билан бамисоли мис девордек ўраб олишганди. Юнонистонлик қахрамонлар беқиёс жасорат кўрсатишди, аммо трояликлар ҳамон устун келишмоқда. Гўё даҳшатли жангларда ҳолдан тойган кўшин эмас, балки эндигина жангга киришган кўшин курашаётганга ўхшарди. Кўлидаги баҳайбат лангар билан кемадан кемага ҳатлаётган Аякс трояликларни аёвсиз қирарди. У баланд овоз билан наъра тортаркан, қахрамонларни жангга даъват этар ва руҳлантирарди. Ҳектор кўчманчи қушларга зарба бераётган бургут янглиғ юнонларни қийратарди. Ҳектор Протесилай кемасининг қуйруқ қисмидан маҳкам ушлаб, трояликларга қаттиқ овоз билан кемани ёндириб юбориш учун машъала беришларини амр этарди. Ҳатто қудратсоҳиб Теламон ўғли Аякснинг ўзи ҳам хужумга қаршилиқ кўрсатишга ожизлик қилиб, қатта кучи туфайли трояликларни найзадан ўтказмоқда эди. Трояликлар унга томон тинимсиз ўқ ёғдирардилар. Зилдай оғир қалқон Аякснинг чап кўлини увуштириб юборганди. Аякс тез-тез нафас олар, толиққан вужудидан эса қон жилғадек тирқирарди. У чекина бошлади. Олдинга қараб отилган Ҳектор қиличининг зарби билан Аякс найзасининг тигини узиб ташлади. Теламон ўғли Аякс юнон кемаларини аланга ичра кўраркан, Зевснинг хоҳиш-иродаси шундай эканлигини пайқади. Трояликлар чиндан ҳам Протесилайнинг кемасини ёндириб юборишди, уни ўт чулғанди. Юнонлар ҳалокатга маҳкум этилганга ўхшарди, аммо шу он улар мутлақо хаёлларига келтирмаган томондан мадад келиб қолди.

ПАТРОКЛНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ ВА ЎЛИМИ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Трояликлар юнонларнинг қароргоҳига бостириб кирганликларида ярадор Эврипилнинг ёнида ўтирган Патрокл даҳшатга тушган алпозда ўрнидан ирғиб турди-да, қаттиқ хайқираркан, зудлик билан Ахиллнинг чодирига югуриб кетди. Патрокл Ахилл ҳузурига аччиқ кўз ёшлари тўккан ҳолда кириб келди. Ахилл ундан сўради:

– Ҳой Патрокл, нега онасининг ортидан югуриб, оғушинга ол дея ялинган гўдак қизчадай йиғлаяпсан? Ёки она юртинг Фтиядан ёмон хабарлар олдингми? Ёхуд юнонларнинг ўз кемалари ёнида ҳалок бўлаётгани учун кўз ёши тўкаяпсанми? Ҳеч нарсани яширмасдан, не ситам ўтганини баён этгин.

– Эҳ, Пелей ўғли! – жавоб берди Патрокл. – Юнонларнинг бошига ғоят қатта мусибат тушган! Уларнинг энг жасурлари ярадор бўлиб қолган. Наҳотки сен юнонларга ёрдам бермасанг. Агар уларга ёрдам беришни истамасанг, менга мирмидоняликлар билан бирга жангга киришга руҳсат этгин, жила бўлмаса. Ўз совут-қалқонингни бер. Балки, трояликлар мени сен деб ўйлаб урушни тўхтатишар. Янги кучлар билан биргаликда трояликларни кемалардан узоқлаштирайлик.

Патрокл ўзига ўлим тилаб олаётганидан беҳабар Ахиллга шундай ялинарди.

Ахилл юнонларнинг бошига қандай машаққатлар тушажагини биларди. У Ҳекторнинг овози эшитилаётганини сезарди, холос. Демак, жангда Юнонистоннинг бирорта ҳам буюк қахрамони иштирок этаётгани йўқ. Ахилл юнонларнинг ҳалок бўлишини истамасди. У Патроклга ўз қурол-аслаҳасини беришга рози бўлди, лекин трояликларга қарши жангга фақат ўзининг кемалари ёнида хавф-хатар туғилгандагина киришга ижозат берди. Майли трояликларнинг хужумини Патрокл қайтарсин, у кемаларнинг ёндириб юборилишига йўл қўймасин. Лекин Ахилл Патроклга мирмидоняликларни Троя деворларигача бошлаб боришни ман этарди, у кадрдон дўстининг ҳалок бўлишидан хавотирланарди.

Дўстлар шундай келишиб олишди. Ахилл илкисдан ўз кемаларидан бирининг ёнаётганини кўриб қолди, уни Ҳектор ёндирган эди. Қаҳру ғазаби тошган Ахилл қичкириб юборди:

– Шошил, Патрокл! Ана, кемалар ўртасидаги аланганинг осмонга ўрлаганини кўриб турибман. Тез қуроллан! Мирмидоняликларни ўзим сафга тизаман!

Патрокл Ахиллнинг совут-қалқони билан зум ўтмай қуролланди, унинг найзасини олмаганди, холос, чунки ўша найза билан Ахиллнинг ўзигина жанг қила оларди, у зилдай оғир эди. Ахиллнинг маҳода ҳайдовчиси Автомедоний отларни моҳодага қўшди. Ахилл мирмидоняликларни сафга тизди. Улар оҳуга ташланишга шай турган ваҳший ва очкўз бўридек жангга отланишди. Ахилл ўз аскарла-

рини ҳарбий жасоратга рухлантираркан, шоҳ Агамемнон юнон қаҳрамонлари орасида энг шавкатлисини беўйларча таҳқирлаганини тушуниб қўйсин деб уларга жасурина жанг қилишни амр этди. Мирмидонияликлар қаттиқ ҳайқириқ билан жангга ташланишди, уларнинг ваҳимали ҳайқириғи бутун қароргоҳни ларзага келтирди. Трояликлар Ахиллнинг совут-қалқонини таққан Патроклни кўриб, уни Ахиллнинг ўзи дея қабул қилишди, улар унинг Агамемнон билан аразлашганини унутиб, уни юнонларга ёрдамга шошилмоқда деб хаёл қилишганди. Трояликларнинг барчаси қочишнинг пайига тушиб қолганди. Патрокл жангнинг энг қизғин жойига ташланди ва Протесилай кемаси ёнида жанг қилаётган трояликларга зарба бера бошлади. Кўрқиб кетган трояликлар чекина бошлашди.

Бироқ трояликлар қароргоҳни ҳадеганда тарк этишмади, улар кемалардан сал нари кетишганди, холос. Трояликларни таъкиб этган юнонлар бир талай қаҳрамонларни қириб ташлашди. Юнон қаҳрамонлари улар устига кутурган бўрилардай ёпирилишди. Хандақ оша жанг майдонига келиб қолган трояликларнинг аксарияти ҳалок бўлди. Теламон ўғли Аяксга Ҳекторни маҳв этиш истаги ором бермасди. Ҳектор гарчи ғалабининг трояликлар қўлидан бой берилаётганини билиб турсада, хали ҳамон чекиниш нияти йўқ эди. У бор кучи билан трояликларни таъкиб этаётган юнонларни орқага суришга интиларди. Ниҳоят, Ҳектор ҳам чекинди, отлари уни бир зумдаёқ хандақ оша майдонга ўтказиб кетишди. Қочиб кетаётганларни таъкиб этишга ундаркан, Патрокл отларини хандақ сари елдириб борарди. Пелейнинг умрибокий отлари маҳода бирла хандақ оша майдонга чиқиб олишди. Патрокл Ҳекторни изларди, лекин у ўз маҳодасида жон сақлаб қолди. Троялик жангчиларнинг жанг майдонини тарк этиши туфайли ҳамма ёқни чанг-тўзон қоплаган эди. Трояликлар Троя деворлари ордидан паноҳ топишга шошилишар эди. Аммо Патрокл уларнинг кўпчилигининг чекинишига йўл қўймади. У уларни ортга, кемалар томон ҳайдаб борар, йўл-йўлакай уларни ўзининг зилдай оғир найзаси билан маҳв этарди. Сон-саноксиз қаҳрамонларнинг Патрокл қўлидан ҳалок бўлаётганини кўрган Сарпедон ликияликларга мурожаат қилиб, уларни жангни тўхтатишга даъват этди. Патрокл билан эса Сарпедоннинг ўзи жанг қилмоқчи бўлди. У ўз маҳодасидан сакраб тушдида Патроклни кута бошлади. Ахиллнинг дўсти ҳам маҳодадан тушди. Қаҳрамонлар баланд қоя устидаги ўлжа учун талашаётган бургутларга ўхшаб бир-бирига ташланишди. Ушбу яккама-якка жангни Зевс кўриб қолди. У ўғли Сарпедонга раҳми келиб, уни қутқазмоқчи бўлди. Ҳера Зевснинг нолишларини эшитиб турарди. Шунда у ўғлини қутқазмаслик керак дея маслаҳат берди. Ҳера Зевсга бир талай худоларнинг ўғиллари Троя остоналарида жанг қилаётганини, аксариятининг эса ҳалок бўлганини эслатди. Агар Зевс Сарпедонни ҳалос этса, у ҳолда худолар ҳам ўз ўғилларини сақлаб қолишни хошлашади. Зевс тақдир ҳукмига бўйин эгиб, Сарпедоннинг Патрокл қўлидан ҳалок бўлишига қаршилиқ қилмаслиги керак. Шундай мулоҳазалардан сўнг Зевс Ҳеранинг маслаҳатига монелик қилмади. У Патрокл қўлидан ҳалок бўлиши муқаррар бўлган ўғлини шарафлаб, Троя майдонларига қонли шудринг ёғдирди.

Биринчи бўлиб найза итқитган Патрокл Сарпедоннинг содиқ хизматкорини ўлдирди. Сарпедон ҳам найза ташлади, аммо у Патроклга тегмади, найза Ахиллнинг дўстининг маҳодасига қўшилган отлардан бирини ҳалок этди. Қаҳрамонлар иккинчи бор бақамти бўлишди. Сарпедон тагин нишонга уролмади. Патрокл эса Сарпедоннинг кўксига найза қадади. Ликия подшоси ўтинчи томонидан таг томири билан кесилган эмандай қулади. Сарпедон дўсти Главкка қаттиқ овоз билан шундай ялинди:

– Дўстим Главк, ликияликларни уларнинг подшоси Сарпедон учун жасурина курашга даъват эт, ўзинг ҳам мен учун кураш. Қурол-аслаҳаларимнинг юнонлар қўлига тушиши, билиб қўй, сен учун мангу шармандалиқ бўлиб қолади.

Бирдан Сарпедоннинг ўлим олдидан ингроқ овози эшитилди, ўлим маъбуди Танат унинг кўзларини бекитди. Дўстининг оҳ-ноласини тинглаган Главкни ғам-андух чулғади. У дўстига ёрдам беролмаётгани учун эзиларди, зероки унинг ўзи ҳам яралари туфайли изтироб тортарди. Аполлон Главкнинг илтижосини бажо келтирди – унинг жароҳатларини даволади. Главк ликияликларни, Троя қаҳрамонларини, Эней ва Агенор, Полидамант ва ёрқин дубулғали Ҳекторни бир жойга тўплаб, Сарпедоннинг жасади учун жанг қилишга чорлади. Қаҳрамонларнинг барчаси йиғилиб, Главкка ёрдам беришга қарор қилишди. Айни замонда Патрокл ҳам юнон қаҳрамонларини ёрдамга даъват этди. Ака-ука Аякслар биринчи бўлиб келишди. Сарпедоннинг жасади учун бўлаётган жанг авжига чиқди. Бунинг устига жанг тагин ҳам даҳшатли тус олсин дея Зевс ўғлининг жасади устига қоронғулик чўктирди.

Қуролларнинг тоғ ўрмонларида ўтинчилар тўдаси дарахт кесаётган пайтдаги тарақ-туруғини эслатувчи ваҳимали гумбурлаши бошланди. Сарпедоннинг жасади чанг-тўзон босган, қонга беланган ва

ўқлар санчилган ҳолда ётарди. Зевс жанг майдонидан сира кўзини узмасди; у Патроклни ўғлининг ёнида ҳалок этсаммикан ёки унга тагин буюк жасоратлар кўрсатиш, Троя деворлари ёнига кувиб бориш имконини берсаммикан дея хаёл сурарди. Зевс Патроклнинг ҳаётини узайтиришга қарор қилди. У Ҳекторнинг қалбига қутку солди. Биринчи бўлиб у қоча бошлади, унинг ортидан бошқа жангчилар ҳам эргашди. Юнонлар Сарпедоннинг қурол-аслаҳасини ечиб олишди, Патрокл уларни кемаларга олиб боришга амр этди. Шунда яшинчақнатар Аполлонни чақириб олдида, унга Сарпедоннинг жасадини чанг-тўзон ва қондан тозалаб, обдон ювиб, хушбўй мойлар суртиб ва ҳашаматли либосларга буркашни буюрди. Шундан сўнг Сарпедоннинг жасадини унинг биродарлари ва дўстлари иззат-икром ила дафн этишлари учун уни ака-ука худолар – Уйку ва Ўлим Ликияга олиб кетишлари керак эди. Зевснинг амрини Аполлон бажо келтирди.

Шу аснода Патрокл трояликларни шаҳар деворлари томон кувиб борарди. У ўз ҳалокати истиқболга чиқмоқда эди. Патрокл бир талай қаҳрамонларни маҳв этди. Агар маъбуд Аполлон Зевснинг амрини бажо келтириб, Троянинг энг баланд минораси тепасида намоён бўлмаганида Патрокл Трояни ҳам забт этган бўларди. Патрокл деворга уч бор кўтарилди, уч бор ҳам уни Аполлон орқасига қайтарди, Патрокл деворга тўртинчи бор ташланганда Аполлон унга ваҳимали қичқириб, шундай деди:

– Девордан воз кеч, жасур Патрокл! Буюк Трояни вайрон этиш сенга эмас, Ахиллга насиб этади!

Патрокл чекинди, ўзининг олтин ўқлари билан узоқдан туриб жароҳатлайдиган маъбуд Аполлоннинг қаҳрини келтиришга журъат этолмади.

Ҳектор ўз отларини Скей қопқалари остонасидагина тўхтатди; у Патроклга ҳужум қилсаммикан ёки ҳаммага Троя деворлари ортида паноҳ топиш керак дея хитоб этсаммикан деган хаёлларга бориб, иккиланиб турарди. Шунда унинг олдида Аполлон Ҳекубанинг акаси қиёфасида пайдо бўлди ва Патроклга очиқ майдонда ҳужум қилишни маслаҳат берди. Ҳектор маслаҳатга итоат қиларкан, маҳода ҳайдовчиси Кебрионга отларни ортга қайтаришга амр этди. Ҳекторни маҳодада кўрган Патрокл ерга сакраб тушдида, ўнг қўлида баҳайбат тош ушлаган, чап қўлида найза силтаган ҳолда Ҳекторнинг яқинлашишини кута бошлади. Ўртадаги масофа анча қисқариб қолганда Патрокл тошни иткитди, у маҳода ҳайдовчи Кебрионнинг нақ бошига зарба берди. Кебрион ўзини денгизга ташлаётган ғаввос сингари маҳодасидан учиб кетди. Патрокл истехзо билан шундай хитоб қилди:

– Кебрион мунча тез шўнғимаса! Агар бу ер денгиз бўлса, у ўзини кемадан ташлаб роса балиқ тутган бўлармиди! Назаримда, трояликлар орасида ғаввослар ҳам бордай!

Шундай хитоб этаркан, Патрокл Кебрионнинг жасадига ташланди. Ҳектор маҳодасидан сакраб тушди-да, маҳода ҳайдовчисининг жасади учун Патрокл билан жангга киришиб кетди. Кебрионнинг жасади теграсида яна қонли жанг (дахшатли қирғин) бошланди. Юнонлар ва трояликлар бамисоли ўрмонли водийда машриқ ва жануб шамоллари Эвр ва Нот тўқнашгандай жанг қилишди; шундай пайтда шох-шаббали дарахтлар эгилиб бир-бирига урилиб шовқин ҳосил қиларди, атрофни қарсиллаб синаётган эман, қарағай ва арчаларнинг гурсиллаган товуши чулғаб оларди. Юнонлар ва трояликлар хийла вақтгача савашиди. Куёш уфқ сари оғиб борарди. Патрокл трояликлар устига уч марта ташланди, у ҳар гал уч нафар қаҳрамонни мағлуб этарди, шундай қилиб, у найза билан тўққиз нафар қаҳрамонни ер тишлатди. У трояликларга тўртинчи бор ташланганида машъум зулматга бурканган Аполлоннинг ўзига бақамти бўлиб қолди. У Патроклнинг ортида туриб, унинг яғрини ва елкаларига зарба берди. Патроклнинг кўз ўнги қоронғулашди. Бир пайтлар буюк Пелейнинг бошидан ечиб олгандек, маъбуд Аполлон Патроклнинг дубулғасини юлиб ташлади, дубулға думалаб кетди. Патроклнинг қўлидаги найза чилпарчин бўлиб, зилдай оғир қалқони ерга тушди. Аполлон Патроклнинг қурол-аслаҳасини ечиб олди, у қуролсиз, ҳолдан тойган ҳолда трояликлар олдида турарди. Лекин қуролсизлантирилган Патроклга олд томондан ҳатто қаҳрамон Эвфорб ҳам ҳужум қилишга ботина олмасдан, уни орқа томондан елкалари орасига найза билан уриб жароҳатлади, ўзи эса трояликлар оломони ичра кўздан ғойиб бўлди. Ҳалок бўлишдан қўрққан Патрокл юнонларнинг сафига қараб чекина бошлади. Яраланган Патроклни кўрган Ҳектор уни найзаси билан ўлар даражада жароҳатлади. Сувлок учун арслон қобонни қандай ўлдирса, Ҳектор ҳам Патроклни шундай ўлдирди. Приамнинг ўғли ўзида йўқ хурсанд эди; у буюк Трояни вайрон қиламан дея таҳдид солган Ахиллнинг дўстини ўлдирди. Патрокл ерга кулади, ўлаётди, Ҳекторга шундай деди:

– Сен энди ғалаба билан фахрлансанг бўлади. Сен бунга Зевс ва Аполлоннинг ёрдами туфайли эришдинг. Мени худолар мағлуб этди, улар мени қурол-аслаҳамдан маҳрум этишди. Бундай қилиш худолар учун осон. Бироқ менга сенга ўхшаганларнинг йигирма нафари ҳужум қилганда ҳам барчан-

гизни найзам билан ўлдирардим. Мени маъбуд Аполлон ва Эвфорб ҳалок этди, мендан жароҳатлаганларнинг учинчиси – сенсан. Сўзларимни унутма, сенинг тириклигинг ҳам кўпга чўзилмайди, ўлим шундай ёнгинангда турипти. Сенинг аянчли қисматинг шундай: Ахиллнинг қўлидан ўласан.

Патрокл шундай дедию, жон берди. Унинг руҳи шундай навкирон, шундай қудратли вужудни тарк этаётганидан шикоят қиларкан, оҳистагина Аиднинг зулмат салтанатига учиб кетди.

Тириклик оламини аллақачон тарк этган Патроклга қараб, Ҳектор шундай дея қичқирди:

– Нега менинг ўлимимдан каромат қилаяпсан, Патрокл? Ким билади, балки менинг найзамнинг зарбасидан аввал Ахилл ҳаётдан жудо бўлар.

Ҳектор найзасини Патроклнинг танасидан суғурдида, Ахиллнинг отларини қўлга киритмоқчи бўлиб, Автомедонтга ташланди.

ПАТРОКЛНИНГ ЖАСАДИ УЧУН КУРАШ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Шоҳ Менелай Патроклнинг хоки туроб бўлган жасадини кўраркан, унинг устига ташланди: у ўзи учун жанг қилган қаҳрамон жасадини трояликлар томонидан таҳқирланишини истамасди. У Патрокл жасади ёнида уни қалқони билан тўсиб, зилдай оғир найзаси билан кўриқлаб, ваҳимали арслон сингари юрарди.

Патрокл яғринидан жароҳатлаган троялик Эвфорб жасадни қўлга киритишга интиларди. У жасадни тортиб олиш истаги борлигини, Спарта подшосидан акасини ўлдиргани учун интиҳом олмоқчи эканини баён этиб, Менелайга яқинлашди.

У найзаси билан Менелайнинг қалқонига зарба берди, аммо уни тешолмади. Менелай ўзининг баҳайбат найзасини Эвфорбнинг томоғига санчди, уни ерга қулатди. Унинг қимматбаҳо қурол-аслаҳасини еча бошлаганди, аммо тирандоз Аполлон Ҳекторни Менелайга хужум қилишга ундади. У дарҳол Менелайга ташланди. Менелай Патроклнинг жасадидан нари кетолмасди, юнонларнинг уни бундай қилиғи учун қоралашини биларди, аммо айни замонда ўзининг трояликлар қуршовида қолишдан кўрқарди. Менелай Аяксни ёрдамга чорлашга қарор қилди. У трояликларнинг хужуми натижасида секин чекинди ва Аяксни чақирди. Аякс етиб келгунча Патроклнинг жасадига ёпишиб, унинг танасидан Ахиллнинг қурол-аслаҳасини ечиб олишга улгуришган эди. Ҳекторга Патроклнинг жасадини қолдириб кетишга тўғри келди. Бу ҳолни кўрган Главк Приамнинг ўғли Ҳекторнинг номарддигига таъна қила бошлади, унинг юнон қаҳрамонларидан кўрқаётганини юзига солди. Главк ўзининг аччиқ-тизиқ сўзлари билан Ҳекторни тағин жангга киришга мажбур этди. У ўз хизматларини орқага қайтараркан, уларга Патроклнинг қурол-аслаҳаларини Трояга олиб кетишга амр этдию, лекин уларни ўзи тақиб олди. Яшинчақнатар Зевс Ҳекторнинг Ахиллнинг қурол-аслаҳасини тақаётганини кўргач, шундай фикрга келди: «Эй бадбахт, ўлимнинг нечоғлик яқинлигини сезмайсан. Сен бўлсанг, ҳамма кўрқадиган қаҳрамон қурол-аслаҳасини тақиб олмоқдасан. Энди мен сенга шундай ғалаба бахш этайки, хотининг Андромахага ҳеч қачон сенинг қўлингдан Ахиллнинг қурол-аслаҳасини қабул қилиб олиш насиб этмасин». Шундай дея ўйлаб кўяркан, Зевс ўз кароматининг белгиси сифатида ваҳимадор бир алпозда қовоғини солди.

Ҳектор эса битмас-туганмас куч ва жасорат касб этди. У зудлик билан қўшини хузурига бориб, қаҳрамонларни жангга руҳлантира бошлади. Шу пайт Менелай қаттиқ наъра тортиб, қаҳрамонларни Патроклнинг жасадини ҳимоя қилишга чорлаётганди. Оилейнинг ўғли Аякс биринчилар қаторида чақириққа жавобан етиб келди, сўнг эса Идомей, Мерион ва бошқалар етиб келишди. Улар Патрокл жасадини ўзларининг қалқонлари билан бекитиб қўйишди, лекин трояликлар уларга зарба беришди ва Патроклнинг жасадини яна қўлга киритишди. Пурқудрат Аякс трояликларнинг сафини пароканда қилиб, улардан жасадни тортиб олди, у Патроклнинг оёғидан ушлаб тортиб кетаётган қаҳрамонни ер тишлатди. Жасад учун бўлган жанг баттар авжига чиқди, трояликлар саросимага тушиб қолишди. Лекин Аполлон Энейни жангга киришга руҳлантираркан, қочиб кетаётган қўшинни тўхтатиб қолди. Бешафқат хунрезлик бошланди. Жанг майдони тамоман қонга беланди, жасадлар бир-бирининг устида қалашиб ётарди. Жанг бамисоли ҳамма нарсани еб-ютгудек ловуллаётган ўт-юҳони эслатарди. Зевс эса Патрокл жасади узра зулмат вужудга келтирди. Патроклнинг теграсида шундай қоронғулик пайдо бўлдики, гўё осмонда на қуёш, на ой бор. Бироқ фақат Патрокл жасади атрофидагина зулмат пайдо бўлганди, уруш майдонининг қолган жойлари офтоб нурларида чароғон бўлиб, осмонда булутдан асар ҳам йўқ. Қаҳрамонлар қоронғуликда Патрокл жасади учун жанг қилишарди.



Ахиллнинг умрибокий отлари жангдан узокда туришар, хўжайинларининг дўсти Патроклнинг ҳалок бўлганлиги учун кўз ёши тўкишарди. Маҳода хайдовчи Автомедонт уларни жойидан кўзғатиш учун беҳуда уринарди, улар бошларини қуйи солиб, кимирламасдан туришарди. Уларнинг ёллари ерга теккудек осилиб қолганди. Зевс отларни кўраркан, шундай хаёлга чўмди: «Эҳ, бадбахт жониворлар! Сиз умрибокий отларни Пелейга нечун армуғон этган эканмиз? Наҳотки одамларнинг ғам-андухидан огоҳ бўлсинлар дея шундай қилибмиз, ахир инсондек бахтсиз хилқат бутун коинотда ҳам топилмайди-ку! Лекин ғам еманглар, сизларни Ҳектор зинҳор қўлга киритолмайди. Мен сизларга Автомедонтни жанг майдонидан олиб чиқадиган куч-қудрат бахш этаман. Трояликларга яна бир бор галаба насиб этаман, аммо фақат шу бугун, куёш ботгунча».

Зевс отларга беҳудуд куч-қудрат бахш этди-ю, улар Автомедонт билан бирга жанг майдони бўйлаб елиб кетишди. Ахиллнинг маҳода хайдовчиси баҳайбат найзани олдида, қаҳрамон Аретни маҳв этди. У лоақал шу билан Патроклнинг қасосини олдим дея ўзида йўқ хурсанд бўларкан, унинг қурол-аслаҳасини ечиб олди.

Патрокл жасади учун жанг борган сайин авжига чиқарди. Жанг қилаётган юнон қаҳрамонлари ҳузурига маъбуда Афина алвон рангидаги булутга бурканиб, қаҳрамон Феникс қиёфасида парвоз этиб келдию, уларни руҳлантирди. Менелай Фениксга жавоб бераркан (у Афинани танимади), бошқа худолардан аввал Афинани ёрдамга чорлади. Маъбуданинг боши осмонга етди ва Менелайга улкан нусратбахш куч ато этди. Аполлон эса трояликларни руҳлантитарди. Муҳораба борган сайин авжига чиқар ва қирғинбарот тус оларди. Зевс қалқони(эгидаси)ни силқитдию, момоқалдироқ гулдураб кетди. Эллада қаҳрамонларини даҳшату ваҳима чулғаб олди. Юнонларнинг қочаётганини кўрган Аякс Теламон ўғли ғамга чўмди. У юнонларни ҳалок этмасин, зулматни тарқатсин дея Зевсга ялинди, агар унинг хоҳиш-иродаси уларни ҳалок этиш бўлса, фақат ёруғликда ўлдирсин дея Зевсга ялинарди. Зевс Аякснинг илтимосини эшитди. У зулматни тарқатди, тагин куёш чарақлаб кетди. Аякс Менелайдан Несторнинг ўғли Антилохни топиб, уни Ахилл ҳузурига юбориш ва унга Патроклнинг ҳалок бўлганини, трояликларнинг унинг жасадини қўлга киритишлари мумкинлигини баён этишни илтимос қилди. Менелай Аякснинг илтимосини бажо келтирди, у Антилохни топиб, унга Патроклнинг ҳалок бўлганини ҳикоя қилди. Антилох даҳшатга тушди. У ҳали Патроклнинг ўлганини билмасди. Аччиқ кўз ёшлари тўкиб, Несторнинг ёшгина ўғилчаси Ахилл ҳузурига югуриб кетди. Патрокл жасади атрофида жанг борган сайин авжига чиқарди. Аякс Менелайга ва Мерионга жасадни қароргоҳга кўтариб кетишни маслаҳат қилди. Трояликлар ҳужумини қайтараркан, уларга ўзи паноҳ бўлиб турарди. Лекин трояликлар улар Патрокл жасадини кўтариб олаётганини кўрган ондаёқ қутурган кўппаклар сингари ташланишди. Юнонлар Аяксга мурожаат қилди дегунча трояликлар кўрққанларидан ранги-қутлари учиб, жойларида қотиб қолишарди. Жанг теварак-атрофдаги ҳамма нарсани емириб, шаҳарни маҳв этаётган ёнғин янглиғ авж олмоқда. Қўлида Патроклнинг жасадини кўтариб бораётган Менелай секин юрарди. Олдинда Эней ва Ҳектор жанг қилаётган трояликлар ҳужумини Аякс зўрға тўхтатарди.

Шу аснода Ахилл ўз чодирини нега Патрокл қайтиб келмади дея ўйга ботиб ўтирарди. Уни тагин юнонларнинг қочиб қолган бўлса керак деган фикри хавотирга соларди. У Патрокл ҳалок бўлган бўлса керак дея шубҳалана бошлаганди. Дафъатан унинг ҳузурига Несторнинг йиғлаётган ўғли кириб келди. У Ахиллга Патроклнинг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабарни келтирди. Ахилл таърифлаб бўлмайдиган ғам-андухга чўмди. У икки қўли билан ўчоқдаги кулни ҳовучладида бошига сепди. Кул унинг кийимларига сочилиб кетди. Ахилл ерга йиқилиб, аламидан сочларини юла бошлади. Ёш Антилох ҳам йиғларди. Ахилл аламидан ўз-ўзини ўлдирмасин дея унинг қўлидан ушлаб олганди. Ахилл хўнграб йиғларди. Унинг йиғисини эшитган Фетида ҳам хўнграб йиғларди. Сингиллари – не-реидалар унинг ҳузурига шошилишди ва қаттиқ овоз чиқариб, йиғлай бошладилар.

– Сингилжонларим! – дея хитоб қилди Фетида, – шўрим курсин, шўрим курсин! Эҳ, нега Ахиллни дунёга келтирдим! Кошқийди уни тарбияламасайдим, кошқийди унга Троя деворлари сари боришга ижозат бермасайдим! Унинг энди Пелейнинг нурафшон қасрларига қайтишини кўришим гумон! Ўзининг қискагина умрини изгироб ила ўтказишга мажбур! Мен унга ёрдам беролмайман! Ҳозир бориб, унинг нега ғам-андухга чўмганини билиб оламан!

Зум ўтмай Фетида ўз сингиллари билан юм-юм йиғлаётган Ахиллнинг ҳузурини пайдо бўлди. У кўзида ёши билан суюкли ўғлининг бошидан кучаркан, ундан сўради:

– Нега бунча хўнграб йиғлаяпсан? Мендан яширмасдан айтавер. Ахир Зевс сенинг илтимосингни бажо келтириб, юнонларни кемаларигача қувиб келди-ку. Улар фақат сенинг ёрдамингга мухтож бўлиб турипти.

– Бундан хабарим бор, меҳрибон онажоним, – жавоб берди Ахилл, – лекин унинг нимаси қувончли! Мен Патроклдан жудо бўлдим. Мен уни ҳаммадан яхши кўрар ва уни ўз ҳаётим сингари кадрлардим. Уни Ҳектор ўлдирди, худолар Пелейга совға қилган қурол-аслаҳаларни ўзиники қилиб олди. Агар найзам билан Ҳекторга зарба бериб, ундан Патроклнинг ҳаёти учун интиқом олмасам, яшашни ўзим учун орийат деб ҳисоблайман.

– Лекин Ҳектордан сўнг сенинг ўзинг ҳам ўлишинг керак! – хитоб этди Фетида.

– Дўстимни халос этолмаган эканман, ҳозироқ ўлишга розиман! У ўлим олдидан мени йўқлагандир эҳтимол. Йўқолсин адоват, у донишмандларни ҳам ғазабланишга мажбур этади. Мен Агамемнонга бўлган ғазабимни унутамаман ва Ҳекторни маҳв этиш учун яна жангга кираман. Мен ўлимдан кўркмайман-ку! Ўлимдан ҳечким қочиб қутулолмайди, яшинчақнатар Зевс уни қанчалик яхши кўрмасин, буюк Ҳеракл ҳам ўлимдан қочиб қутулолмаганиди. Қисматим чекига тушган жойда ўлишга тайёрман, лекин аввал буюк шуҳратга эришмоғим лозим. Мени йўлимдан қайтарманг, онажон! Мени ҳеч нарса билан йўлимдан қайтаролмайсиз!

Ахилл онасига шундай жавоб берган эди. Маъбуда Фетида ўғлидан унга худо Ҳефестдан янги қурол-аслаҳа келтириб бермагунча жангга кирмасликни ўтиниб сўради, холос.

Соҳибжамол нереидалар денгизга жўнаб кетишди. Фетида улардан оталари Нерейни Троя деворлари ёнида юз берган воқеалардан хабардор қилишни илтимос этди. Ўзи эса юксак Олимпга, маъбуд Ҳефест хузурига елиб кетди.

Шу аснода қахрамон юнонлар трояликлар ҳужумини зўрға қайтаришарди. Ғазабкор аланга янглиф юнонларни таъқиб этаётган Ҳектор Менелай кўлидан жасадни юлиб олишга уч бор уриниб кўрди. Аякслар уни уч маротаба ҳам қайтариб ташлашди. Агар маъбуда Ҳера томонидан худолар хабарчиси Ирида Ахиллга хабар етказмаганда Ҳектор Патроклнинг жасадини эгаллаган бўларди. У Ахиллнинг дўстининг жасадини ҳимоя қилишга ундарди. Лекин Ахилл жангга киролмасди, зероки унинг қурол-аслаҳаси йўқ эди. Шунда Ирида Ахиллга юнонлар қароргоҳини ўраб турган хандақ ёнида қуролсиз бўлса-да, ҳужум қилаётган трояликларга ўзининг ҳайбати билан даҳшат солишга амр этди.

Ахилл хандақ сари йўл олди. Бокира-Афина унинг елкасига қалқон қўндирди, боши узра олтин булут пайдо қилди, у ғаройиб нур сочарди. Ахиллнинг бошидан кўтарилган шукуҳли чакноқлик самовотга қадар чўзиларди. Ахилл хандақ ёнида туриб ваҳимали наъра тортди, унга қўшилиб Бокира Афина ҳам ваҳимали хитоб қилди. Трояликларни даҳшат чулғаб олди. Уларнинг отлари қаттиқ наърадан кўрқиб, ортга қараб елиб кетишди. Маҳодалардаги ҳайдовчилар Ахиллнинг боши теграсида ловуллаган оловни кўриб, саросимага тушиб қолишди. Ахилл уч маротаба ваҳимали наъра тортиб юборди, трояликлар кўшини уч бор даҳшатли саросимага тушишди. Ана шу саросима чоғида Троя қахрамонларидан ўн икки нафари ҳалок бўлди. Уларнинг бир қисми найзалар зарбидан ўлганди, бир қисми эса отларнинг оёғи остида қолиб кетганди. Юнонлар эса Патроклнинг жасадини уруш майдонидан олиб чиқиб, уни замбилга қўйишди ва қаттиқ йиғи-сиғи билан Ахиллнинг чодирига олиб келишди. Уларнинг ортидан Пелейнинг ўғли Ахилл ҳам борарди. Ўзи қонли жангга юборган дўстининг жасадига нигоҳ ташларкан, хўнграб йиғларди.

Ҳера куёш худоси Ҳелиосга вақтидан илгари Укёнус (Океан) сувларига тушишни амр этди. Оқшом қўнди. Жанг тугаб, юнонлар қароргоҳи уйкуга чўмди. Трояликлар жанг майдонида кенгашга тўпланишди. Улар тик турган ҳолда кенгашиб олишди. Бирортаси ҳам ўтиришга журъат этмасди, Ахиллнинг ҳужумидан ҳадиксирашарди. Полидамант трояликларга шундай маслаҳат берди: Ахилл уларга ҳужум бошлаганда тонг отишини кутиб ўтирмасдан Трояга қайтиш, агар очиқ майдонда ҳужум қилса, Ахилл кўп қахрамонларимизни маҳв этиши табиий. Агар ҳамма Троя деворлари ёнида туриб уни ҳимоя қилолмасам, у ҳолда Ахилл ўзининг учқур отлари билан Трояни беҳуда айланиб чиқади, аммо уни забт этишга ожизлик қилади. Лекин Ҳектор Полидамантнинг маслаҳатини рад этди. У трояликларга қароргоҳнинг олди томонидан соқчилар жойлаштиришни амр қилди. Ҳектор ҳамон юнонларнинг кемаларига ҳужум қилиш пайида эди, уларни Троядан умуман қувиб юборишга шай турарди. Ҳектор агар Ахилл тагин жангга кирадиган бўлса, у билан куч синашишдан бош тор-тмасликка қарор қилди. Ўшанда улардан бири уйига ғалаба билан қайтади – у ёки Ахилл. Бокира-Афина трояликлар ақлини гангитиб юбордию, улар жанг майдонида қароргоҳларини қўриганча қолиб кетишади.

Юнонларнинг қароргоҳида эса Ахилл Патроклнинг жасади узра кўллари кўйиб, йиғлаб ўтирарди. У болаларини овчи олиб кетган она шердек инграрди.

– Оё маъбуда! – хитоб этарди, Ахилл – нечун Патроклнинг отасига Патрокл билан бирга ватанга қайтаман дея ваъда бердинг? Йўқ, дўстим, менинг қоним ҳам Троя заминида тўкилади. Мени эсон-омон кутиб олиш на отам Пелейга, на суюкли онам Фетидаги насиб этади. Ҳектордан интиком олай, сени тантанавор дафн этай, Патрокл, сўнг ўлсам майли.

Ахилл дўстларига Патроклнинг қонга беланган жасадини обдон ювиб, хушбўй мой суртишни амр қилди. Ахиллнинг дўстлари унинг буйруғини адо этишди. Патроклнинг жасадини ҳашаматли тўшак устига ётқизишиб, уни ҳарир мато билан ёпиб кўйишди, унинг устидан эса янада дабдабали чойшаб ташлаб кўйишди. Мирмидонияликлар тун бўйи Патрокл жасади узра ёш тўкишди, уларга кўшилиб, Ахилл ва Патрокл томонидан асир олинган троялик ва дарданиялик қизлар ҳам йиғлаб чиқишди.

ФЕТИДА ҲЕФЕСТ ҲУЗУРИДА. АХИЛЛНИНГ ҚУРОЛ-АСЛАҲАСИ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Маъбуда Ҳера зудлик билан нурафшон Олимпга, маъбуд Ҳефестнинг мис қасрига парвоз қилди. Ҳера Ҳефестнинг қасрига келганда у устахонасида эди. У терга ботган ҳолда биратўла йигирмата учоёқ учоқ ясаб кўйди. Улар олтин ғилдиракли бўлиб, учоёқ ўчоқларнинг ўзлари худолар ҳузурига ғилдираб ва яна ўзлари ғилдираб ортга қайтарди. Ушбу учоёқ учоқларга маъбуд нақшли тутқичлар ўрнатиши кифоя эди. Маъбуда Фетида эндигина қасрга қадам кўйганда Ҳефест учоёқ ўчоқларнинг тутқичларига қоқиш учун мих ясаётганди. Ҳефестнинг соҳибжамол хотини Харита маъбуда Фетидани кўриб қолди. У навозиш билан Фетиданинг кўлидан ушларкан, унга шундай деди:

– Марҳамат, қасримизга киргин, Фетида, бизникам кам келадиган бўлдинг. Қандай кўргулик олиб келди сени бизникамга?

Харита маъбуда Фетиданинг истиқболига тез чиқсин дея Ҳефестни Ҳузурига бир вақтлар ўзини Ҳера Олимпдан ерга йикитганда ҳаётини сақлаб қолган Фетиданинг келганини эшитган Ҳефест хотинининг чақириғига жавобан югуриб келди. У сандондан бошини кўтариб, ишини юргизаётган қуролларини йиғиштириб, кумуш қопланган қутига солиб кўйди. Ҳефест қўллари, кўрагини, бўйни ва юзини ҳўл сочиқ билан артди, тер ва қурумани юваркан, кийинди ва йўғон асосига суяниб, Фетидага пешвоз чиқди. Маъбуд Ҳефестнинг қўлтиғидан олиб, унинг ўзи олтиндан ясаган жориялари бошлаб келарди, улар гўё жон бахш этилгандек эдилар. Ҳефест Фетиданинг кўлидан ушларкан, ундан сўради:

– Айт-чи, менга, маъбуда, сенга нима керак? Сен учун кўлимдан келадиган барча ишни қилишга тайёрман.

Фетида зор қақшаб йиғларкан, ўғлининг отаси Пелейга худолар томонидан совға қилинган қуроллардан маҳрум бўлганини, Ҳекторнинг Патроклни ўлдирганини, Ахиллнинг ғамга ботиб, дўсти учун интиком олиш ниятида эканини, аммо унинг қурол-аслаҳаси йўқлигини ҳикоя қилиб берди. Маъбуда Ҳефестдан ўғли учун қурол-аслаҳа ясаб беришни илтижо этди. Фетиданинг ҳикоясини камоли диққат билан тинглаган Ҳефест унинг ўғли учун гўзалликда барчани ҳайратга соладиган қурол-аслаҳа ясаб беришни ўз зиммасига олди.

Ҳефест орқасига, ўз устахонасига қайтди. У кўра ва босқонини ишга солди. Ҳефестнинг амрига бўйин эгган мешбосқон оловга гоҳ бир маромда, гоҳ аҳён-аҳёнда уфуриб турарди, кўрада баҳайбат аланга вужудга келарди. Ҳефест кўрага мис, қалай, кумуш ва қимматбаҳо олтин ташларди.

Кейин сандон кўйди-да, кўлига баҳайбат болғасини омбир(қискич)ини олди. Ҳефест Ахилл учун қалқон ясади. У қалқонни ғаройиб нақш билан музайян этди. Қалқон узра ер, денгиз ва осмон, осмон узра эса куёш, ой ва юлдузларни акс эттирди, юлдузлар ўртасида Плеядалар, Қиядалар, Орион ва катта Айиқ юлдузлар туркумининг тимсолини ифодалади. Ҳефест қалқон узра тагин иккита шаҳарнинг суратини туширди. Шаҳарларнинг бирида тўй бўлаётгани, кўчаларда тўй маросими тантаналари ёшларнинг давра куриб ашула айтаётганларини, аёлларнинг ўз уйлари бўсағаларида туриб, уларни томоша қилаётганини акс эттирганди. Майдонда халқ йиғини. Унда икки нафар фуқаро хун пули (вира) ҳақида қизгин баҳслашмоқда. Фуқаролар икки фирқага бўлиниб, баҳслашаётганларни қувватлашарди. Хабарчи(жарчи)лар фуқароларни юпатмоқда. Давра бўлиб ўтирган кексалар кўллари асо-ларини олиб, можаро ҳақида ўз қарорларини этироф этишарди. Доирага икки талант олтин кўйилган бўлиб, даъвогарлар ҳақида одил мулоҳаза юритган кишига мукофот сифатида бериларди. Бошқа бир шаҳар эса душманлар томонидан муҳосара қилинган ҳолда тасвирланганди. Муҳосарада қолганлар

шахарни ҳимоя қилишни аёллар, йигитлар ва кексаларга ҳавола этиб, ўзлари пистирма қуриб олишган. Уларга пурвиқор ва вазоҳатли маъбуд Арес ва маъбуда Бокира – Афина раҳнамолик қилмоқда. Душманларни кузатиш учун олд томонда икки нафар айғоқчи. Ёвлар кўлига тушган подалар кўзга ташланади. Пистирмада паноҳ топган фуқаролар сигир ва қўйларни бўғизлашмоқда. Қулоғига шовқин чалинган қароргоҳдаги душманлар ёрдамга шошилишади. Қонли жанг бошланди, жангда ва жангчилар ўртасида ёвузлик, ғалаён маъбудалари ҳамда ваҳимадор ўлим худоси изғиб юрибди. Ҳефест қалқон узра шудгор қилиш мавсумини ҳам тасвирлади. Қўшчилар ер ҳайдамоқда. Улар дала сарҳадига етганларида хизматкорларга май тўлдирилган қадаҳ тутмоқда. Маъбуд, шунингдек, ғалла ўримини ҳам акс эттирди. Айрим ўроқчилар ғалла ўрмоқда, баъзи бирлари эса уни боғлаш билан банд, болалар эса бошоқ термоқда, дала эгаси мўл ҳосил йиғилаётганидан мамнун. Бир томонда аёллар ўроқчиларга овқат тайёрлашмоқда. Ўша ернинг ўзида узум узиш пайти ҳам тасвирланган. Йигит-қизлар саватларда узум ташишмоқда. Соҳибжамол бир йигит лира чалмоқда, унинг атрофида эса қувноқ давра қўшиғи янграмоқда. Ҳефест хўкизлар подасини ҳам тасвирлаган. Подага иккита арслон хужум қилгани акс эттирилган бўлиб, чўпонлар уларни ҳайдаб юборишга ҳаракат қилмоқда, аммо итлар уларга ташлана олмай, хургани хурган. Ёнгинасида эса водийда ўтлаб юрган қумушранг жунли қўйлар, молхона ва қўйхоналар ҳамда чўпонларнинг чайлалари тасвирланганди. Ниҳоят, Ҳефест қўлни қўлга бериб ракс тушаётган йигит-қизларнинг, раксни берилиб томоша қилаётган кишлоклик ёш-ялангларнинг суратини туширганди. Қалқоннинг атрофига эса Ҳефест бутун Ер юзининг атрофини ўраб турган Уқёнус тасвирини туширган эди.

Қалқонни тайёрлагач, Ҳефест ёркин аланга янглиғ ёниб турадиган совут, зилдан оғир олтин тожли дубулға ва аъло сифатли қалайдан оёқ сипар (қалқон) ясади.

Ҳефест ишларини ниҳоясига етказгач, қурол-аслаҳаларни маъбуда Фетидага олиб борди. Фетида бамисоли кирғийдек қуролларни зудлик билан ўғлига етказай деб Олимпдан узоқ замин сари елиб кетди.

АХИЛЛНИНГ АГАМЕМНОН БИЛАН ЯРАШУВИ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Эрталаб, субҳидамда Фетида ўғлига қурол-аслаҳа келтирди, у ўғлини Патрокл жасади ёнида йиғлаб турган ҳолда учратди. Фарзандини юпатишга уринаркан, Фетида унга келтирилган қурол-аслаҳани кўрсатди. Қуроллар шундай ялтирардики, мирмидонияликлардан бирортаси ҳам унга қарай олмасди. Ахиллнинг кўзлари ўтдек чақнарди. У қуролларни қўлга оларкан, чексиз завқу шавққа тўлиб кетди. Фетиданинг ўғли шу заҳотиёқ трояликларга қарши жангга отланишга қарор қилди. Уни бир нарса – Патроклнинг жасади бузилиб кетиши мумкин деган ўй-хаёл ташвишлантирарди. Лекин Фетида ўғлига далда бериб, уни юпатди. У жасадга оби ҳаёт ва ҳаётбахш суюқликлар ато этаман дея унга ваъда берди; шундан сўнг Патрокл тирик чоғидагидай соҳибжамол бўлиши мумкин эди. У ўғлига юнон йўлбошчиларидан маслаҳат олишни тавсия этди. Ахилл денгиз кирғоғи бўйлаб бораркан, ҳаммани халқ йиғинига чорларди.

Барча қўшин Агамемнон чодирини ёнида тўпланди. Чодирлар ва кемаларда ҳеч ким қолмаганди. Ҳатто оқсоқланиб бўлса-да, Одиссей билан Диомед ҳам келди, жароҳат изтиробига қарамасдан, Агамемнон ҳам йиғинга чиқди. Ҳамма йиғилиб, орага жимлик чўкканда Ахилл Агамемнонга ярашишни таклиф этди. У барчани трояликлар билан жангга киришга қистарди. Ахилл билан Агамемнон ўртасидаги адоватга чек қўйилганидан барча юнонлар бениҳоя хурсанд бўлишди. Агамемнон ўрнидан турди. У ўз айбига иқрор бўларкан, хусумат маъбудаси кўнглига ғулғула солганини айтди. У одамлар ордидан енгил қадам ташлаб юрарди, уларнинг миясига душманлик уруғини сочарди ва шу тарзда уларни ўз домига тортаверди.

Ахир у бир пайтлар Зевсни ҳам йўлдан урганди. Агамемнон Ахиллга ўзи билан ярашгани учун унинг барча инъомларини қайтариб беришга аҳд қилди. Аммо Ахиллга ҳеч қандай инъом-тортиқларнинг кераги йўқ эди, у жанг ҳақида, Ҳектордан интиқом олиш тўғрисида ўйларди, холос. У ҳаммани муҳорабага даъват этарди. Лекин ҳийлагар Одиссей Ахиллга шошилма дея маслаҳат берарди. У жангчилар муҳорабага киришидан аввал мириқиб овқатланиши ва вино ичиб, жанговарлик касб этиш кераклигини уқтирди. Шу аснода Ахилл ўзига қайтариб берилаётган инъом-тортиқлар ва Брисеидани қабул қилиб олиши лозим эди. Агамемнон Одиссейнинг маслаҳатига қўшилди. Унинг ўзидан йигитлар билан бирга инъом-тортиқлар ва Брисеидани олиб келишга боришни илтимос қилди, хабарчи Талфибийни эса ярашув шарафига ҳудоларга қурбон келтириш учун қобон олиб келсин деб юбор-

ди. Ахиллнинг инъомлар учун ташвишланмаслик, дарҳол жангга кириш ҳақидаги илтимослари беҳуда кетди. У юнонларнинг дарҳол жангга кириш, ўлдирилганлар учун қасос олингандан сўнг, кечқурун зиёфатни давом эттиришини истарди.

Чодирда жасади ётган, буниги устига содиқ дўсти учун қасос олмаган шу онда ҳашаматли зиёфат унинг ақлига сифармиди, хаёлига овқат келармиди! Лекин Одиссей Ахиллни жанг бошламасликка кўндирди. Одиссей Агамемнонинг чодирдаги совғаларни келтирди, қаҳрамонлар эса асирлар ва Брисеидани бошлаб келишди.

Ҳамма ўз чодирларига тарқалди. Мирмидонияликлар эса Агамемнондан совғаларни олиб ўз кемалари сари кетишди.

Ахилл ҳам улар билан бирга борарди. Кўп ўтмай Ахилл ҳузурига юнон йўлбошчилари кириб келишди, улар Ахиллдан мириқиб овқатланиб олишни илтимос қилишди, аммо Ахилл уларнинг илтижосини рад этди. Агамемнон Менелай, Нестор, Идоменей ва Финикс Ахилл ҳузурда қолишганди. Улар буюк қаҳрамонни юпатишга уриниб кўришди, аммо у фақат Патроклни ўйларкан, оҳ тортиб шундай дерди:

– Бир пайтлар, Патрокл сен ўзинг менга жанг олдидан овқатланишни таклиф этардинг, энди бўлса, кўкрагингга найза санчилган ҳолда ётибсан. Ҳатто отамнинг ўлимни ёки Скиросда қолган суюкли ўғлим – Неоптолемнинг ўлимни эшитганимда ҳам бунча чуқур қайғуга ботмаган бўлур эдим. Ёт элда мен ўзим ўлсам керак, сен Фтияга соғ-омон қайтасан ва у ерга менинг ўғлимни ҳам келтирсанг керак дея ўйлардим.

Ахилл юм-юм йиғларди. Теварак атрофдаги қаҳрамонлар оҳ тортишар, уларнинг ҳар бири ватанида қолдирган яқинларини эсларди. Олимпда туриб Ахиллнинг ғам-андухини кўрган Зевс Бокира-Афинага қаҳрамоннинг чодирига бориб, унинг кўксига оби-ҳаёт ва лазиз таом бахшида этишни амр этди; Афина Олимпдан бургут янглиғ учиб бориб, Ахилл куч-қудратидан маҳрум бўлмасин дея унинг кўксига оби-ҳаёт ва лазиз маъбудлар емагидан томизди.

АХИЛЛ ТРОЯЛИКЛАР БИЛАН ЖАНГГА КИРАДИ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Юнонлар қуролланишди. Уларнинг бўлинмалари қароргоҳдан бирин-кетин чиқиб келаверди. Улар шамол тўзғитган қор парчалари сингари жангга киришарди, сон-саноғи йўқ. Дубулға, найза ва қалқонлар қуёшда олтиндай жилваланарди. Жангчиларнинг шахдам одим ташлашидан денгиз киргоғи ларзага келарди. Пелейнинг ўғли (Ахилл) ҳам қуролланиб олди. У Ҳефест ясаб берган қурол-аслаҳаю совут-қалқонларни таққан, елкасига қилич осган, ўзи билан бирга ой ялтираган қалқон, баҳайбат найзасини олди, у билан фақат унинг ўзи жанг қилоларди. Шунингдек, юлдуздай ял-ял ёнган дубулғасини кийиб чодирдан чиқди. Ғазаб ўтининг кучлилигидан кўзлари чакнарди, инсон боласи тоқат қилолмайдиган ғам-алам ҳамон унинг қалбига изтироб солар, чексиз эзарди. Ахиллнинг маҳодасига отларни қўшишди. Унинг маҳода ҳайдовчиси Автомедонт маҳодага кўтариларкан, арқон ва тизгинни маҳкам ушлаб олди. Ахилл ҳам маҳодага минди. У жангга отланаркан, отларига мурожаат қилди:

– Ҳой, Ксанф ва Балит, илоҳий Подарганинг болалари! Мени жангдан Патроклни олиб чиққандек эмас, тирик олиб чиқинг, жанг майдонида ўлиб ётган ҳолда ташлаб кетманг!

Сеҳргар Ҳера яратган Ксанф дафъатан бошини қуйи солиб, Ахиллга мурожаат қиларкан, инсонга хос овоз билан шундай деди:

– Бугун, буюк Ахилл, бизлар сени жанг майдонидан тирик олиб чиқамиз, аммо ажалинг яқин. Патроклнинг ўлимига биз айбдор эмасмиз. Уни тирандоз Аполлон жароҳатлади, Ҳекторга ғалабани ўша бахшида қилди. Бизлар Зефирдек (Мағриб ели) учсак ҳамки, сенга маъбуд Аполлон ва фонийзот кўлидан ҳалок бўлиш насиб этган.

Ахилл дарғазаб бўлиб қичқирди:

– Нега сен менинг ўлимимни каромат қилаяпсан, Ксанф! Ота-онамдан фироқликда, шу ерда ҳалок бўлишнинг тақдири азалимда борлигини биламан. Лекин Патроклнинг қасосини олаётиб, трояликлар юртини қонга беламагунимча жанг майдонини тарк этмайман!

Ахилл шундай хитоб қиларкан, отларини жанг майдонига йўналтирди. Юнонлар эса сафга тизилишиб, Троя ёнидаги тепаликни эгаллаб турган трояликларга қарши ҳужумга ўтишди.

Шу он яшинчақнатар Зевс маъбуда Фетидага худоларни кенгашга чорлашни амр этди. Барча худолар Зевснинг қасрида йиғилишди, ҳатто дарё ва ирмоқлар худолари, нимфалар ва булоқлар худола-

ри ҳам йиғилди. Яшинчақнатар маъбуд уларга ўзининг урушга аралашмаяжagini, Олимп чўққисидан туриб жангни кузатажагини айтди. Лекин худолар ўзлари хоҳлаган томонда туриб, жангда иштирок этишлари мумкин. Зевс трояликларнинг Ахиллнинг бешафқат ва суронли хужумларига бардош беролмаслигидан кўрқарди, у тақдирга қарамай, Трояни забт этиши мумкин. Худолар шу заҳотиёқ ерга нозил бўлишди. Маъбуда Ҳера ва маъбуда Бокира-Афина, Посейдон, Ҳермес ва Ҳефест каби худолар юнонлар тарафида туриб олишди, маъбуда Афродита ва Артемида, Латона, худолар Арес, Аполлон ҳамда дарёлар худоси Ксанф трояликлар томонига ўтишди.

Олимпсоҳиб худолар эндигина кўшинларга яқинлашган эдилар ҳамки, шу заҳот маъбуда Эрида муҳораба кўзгади. Бокира Афина ваҳимали тарзда наъра тортаркан, юнон кўшинлари томон ғизиллаб ўтиб кетди. Унга жавобан уруш худоси Арес ҳам ваҳимали бўрон янглиғ наъра тортиб юборди. Кўшинлар тўқнашиб кетишди. Зевснинг момоқалдиروғи гулдираб, бутун самовотни ларзага келтирди. Худо Посейдон эса ерни титратиб юборди. Тоғлар этагидан чўққиларигача тебраниб кетди, буюк Троя ва юнонларнинг кемалари ларзага келди. Ўликлар руҳи салтанатининг ҳукмдори Аид даҳшатга тушди. У ҳадемай ер ёрилиб, ҳатто умрбоқий худоларни ҳам ҳаяжонга соладиган даҳшатлар салтанати очилиб кетади дея кўрқиб, тахтидан сакраб турди. Яна қонли жанглар бошланди. Ахилл жангда Ҳектор билан бақамти бўлиш иштиёқида ёнарди.

Тирандоз Аполлон Приамнинг ўғли Ликаон қиёфасига кириб, Эней хузурига келди ва унга, Афродитанинг ўғлига қуйи табақага мансуб маъбуда Фетиданинг ўғли Ахиллдан кўрқмасдан жангга кириверини айтди. Шундай дея у Энейни жангга киришга руҳлантирди, Анхизнинг ўғли жасурана олға одимлади. Буни кўрган маъбуда Ҳера Аполлон жангда Энейга ёрдам бераркан дея кўрқиб кетди. Посейдон бўлса худоларга ҳозирча жангга аралашмасликни маслаҳат берарди, у уларга бир пайтлар Ҳеракл томонидан вужудга келтирилган денгиз қирғоғидаги тупроқ девор устида ўтиришни, урушга эса уруш худоси Арес ва худо Аполлоннинг аралашмаслигини таклиф этди. Юнонларга ёрдам бераётган худолар Посейдон маслаҳатига риоя қилиб, жангдан узоқ жойда ўтиришарди. Трояликларга кўмаклашаётган худолар эса Калликалон тепалигидаги тошлар устида ўтирардилар.

Эней билан Ахилл юзма-юз келиб қолишди. Ахилл Анхизнинг ўғлини истехзо билан қаршилади: унга унинг бир марта қочиб кетишга мажбур қилганини эслатди ва дарҳол жангчилар сафида паноҳ топишини маслаҳат берди. Лекин Эней Ахиллга мени гўдакни кўрқитгандек кўрқитаётганинг беҳуда дея жавоб берди. Эней Фетиданинг ўғлига ўзининг машҳур қаҳрамонлар зотидан эканини эслатиб қўйди. Эней жанг бошлашни маъкул деб ўйларди. У ўзининг пурқудрат қўли билан Ахиллнинг қалқонига найза итқитди, бироқ тешиб юборишга ожизлик қилди. Ахилл қалқонини энгаштирмаса ҳам бўларди, у маъбуд Ҳефест томонидан ясалган қалқонга инсон қўли билан шикаст етказиш мумкин эмаслиги хусусида ўйлаб кўрмаганди. Ахилл найзаси билан Эней қалқонига зарба берди. Найза қалқонни тешиб ўтди, бироқ Эней энгашдию, найза унинг устидан ўтиб кетди. Ҳалок бўлишига озгина қолган Энейнинг кўз олди қоронғилашди. Ахилл қиличини яланғочлаганда Эней баҳайбат тошни қўлида ушлаган ҳолда турарди. Эней ҳалок бўлишини маъбуд Посейдон истамасди. У дарҳол унга ёрдамга етиб келди. У Ахиллнинг найзасини баланд кўтариб, унинг оёқлари остига қўйди. Ерни тебратувчи маъбуд Ахиллнинг кўз унгида қалин туман зулматини пайдо қилди, Энейни эса ўзи қудратли қўллари билан жўшқин жанг бораётган жойдан узоққа йикитди. Посейдон ўша ерда Эней хузурида пайдо бўларкан, унга Ахилл тирик экан, жангчиларнинг олдинги сафларида бўлишни ман этди. Посейдон Ахиллнинг кўз ўнгидаги зулматдек туманни тарқатиб юборди. Найзасининг оёғи остига ётганини кўрган Фетиданинг ўғли ҳайратга тушди, унинг олдида турган Эней кўринмасди. Ахилл худоларнинг Энейга ҳомийлик қилаётганини тушунди; Энейнинг ўзи билан жанг қилиши беҳуда эканига ишонч ҳосил қилди.

Ахилл дарғазаб бўлиб жангга отилди, у Ҳекторни излаётиб бир талай қаҳрамонларни маҳв этди. Маъбуд Аполлон Ҳекторга Ахиллга қарши жанг қилишни амр этмай турарди, унга жангчиларнинг сўнги сафларида бўлишни амр этарди. Аммо Ахилл ўз найзаси билан Приамнинг ўғли Палидорни жароҳатлайди. У Троя подшосининг тирик қолган ўғилларининг кенжаси бўлиб, отаси уни гоаят яхши кўрарди. Укасининг ҳалок бўлганлигини кўрган Ҳектор Аполлоннинг ўғитларини унутди ва Ахилл жанг қилаётган жойга отилди. Ахилл Ҳекторни кўраркан, қувонгидан унинг ваҳимали кўзлари ўтдек чақнаб кетди.

– Мана у, юрагимни чексиз ғам-алам билан жароҳатлаган зот! – дея хитоб этди Ахилл. – Бўлди! Энди жанг майдони бўйлаб бир-биримиздан қочиб юрмаймиз. Яқинроқ кел, токи мен сени тезроқ Аид салтанатига жўнатай.



Ҳектор эса Ахиллга шундай жавоб берди:

– Қайсимиз ўлдирилишимиз ҳали маълум эмас. Ахилл, мен гарчи сендек кудратга эга бўлмасам-да, лекин қайсимизнинг ҳалок бўлишимиз фақат худодларга аён. Билиб қўй, менинг найзам ҳам ўткир.

Ҳектор найза итқитди. Лекин Бокира-Афина бир нафаси билан найзани қайтариб ташладию, у Ахиллнинг оёқлари остига тушди. Ахилл Ҳекторга ташланди, аммо маъбуд Аполлон ёрдамга улгурди ва Ҳекторни зулматга чулғади. Ахилл Ҳекторнинг устига уч бор ташланди, бироқ ҳар гал найзаси билан зулматга зарба берарди. У тўртинчи марта ҳамла қиларкан, ваҳимали наъра тортди:

– Тағин ўлимга чап бердинг, кўппак! Аполлон сени яна қутқазди! Худодлар ичра менга ҳомий топилса бас, бошинга етаман албатта.

Қаҳри келган Ахилл бир талай троялик қахрамонларга ташланди, унинг ажал сочувчи найзасидан жуда кўп киши ҳаёт билан видолашди. У шафқатсиз ёнғин сингари трояликлар сафини ёриб ўтарди. Дехқон хирмонида арпа янчаётганида хўкизларнинг оёғи остида бошоклар қандай майдаланса, Ахиллнинг отлари оёғи остида жасадалар, дубулға ва қалқонлар ҳам шундай парчаланарди. Тутукиб кетган Ахилл ҳарбий шуҳрат ўтида ёнарди, унинг қўллари қонга беланганди. Трояликлар қочиб қолишди. Аммо Ахилл уларга Скамандр дарёси соҳилларида етиб олди. Уларнинг сафларини ёриб ўтган Ахилл, қочаётганларни икки томонга бўлиб юборди. Уларнинг бир қисми Троя томон интиларди, бироқ Ҳера қалин туман ила уларнинг йўлини тўсди. Бошқа бир қисми эса дарё томон югурарди. Бир талай трояликлар Скамандрда нажот изларди. Жангчилар бирин-кетин ўзларини дарёга ташлашарди, дарёда тўлқинлар кўтариларди. Бировлар сузиб халос бўлишга интилса, баъзи бирлари тик соҳиллар тагидан паноҳ топишга уринарди. Ахилл қўлида қиличи билан Скамандрга ташланаркан, қочаётган трояликларни бошидан жудо қиларди. У ўн икки нафар троялик йигитни ушлаб, уларнинг қўлларини қайиш билан боғлаб, мирмидопияликларга уларни қароргоҳга олиб боришни амр этди, ўзи эса тағин трояликларни саваламоқ учун отилди.

Скамандр соҳилида у Приамнинг бир пайтлар узумзорда асирга тушириб Лемнос оролига кул қилиб сотган Ликаон исмли ёш ўғлига етиб олди. Бадбахт Ликаон Ахиллнинг оёқларини қучиб, раҳм қил дея ялинаркан, катта пул ваъда этмоқда эди. Аммо Ахилл дўсти Патроклнинг қасосини олиш ўтида ёнаркан, Ликаонни аямади. Ахир, шундай машҳур жангчи Патрокл ўлди, Ахиллнинг ўзи ҳам ўлади, нега энди Ликаонни аяш керак экан? Пелейнинг ўғли Ликаоннинг бўғзига ўткир қиличини санчганди, у тил тортмай ўлди. Фетиданинг ўғли жасаднинг оёғидан ушлаб, баликларга ем бўлсин дея уни Скамандрга итқитиб юборди.

Ахиллнинг баттар ғазаби тошиб борарди. У трояликларга улар унга қанча қурбон келтирмасин, барибир Скамандр уларни унинг ғазабидан халос этолмайди. У улардан Патрокл ва ҳалок бўлган юнонлар қасосини оларкан, барчасини ўлдиражагини баён этарди. Ахиллнинг кибр билан айтган сўзларига Скамандр дарёси маъбуда Ксанфнинг қаҳри келди. Шу аснода дарё худоси Акситнинг ўғли Астеропей ҳам Ахиллга қарши жангга киришга қарор қилди. Астеропей Ахиллга томон бирданига иккита найза итқитди. Найзаларнинг бири билан ўнг қўлини тирсак томондан енгилгина яралади. Ахилл ҳам ўзининг баҳайбат найзасини Астеропейга қаратиб ирғитди. Найза тегмасдан ёнидан ўтиб кетдида, қирғоққа санчилди. Астеропей Ахиллнинг найзасини суғурмоқчи бўлди, аммо кучи етмади, у Ахиллнинг найзасини кўтаролмасди. Пелейнинг ўғли яланғочланган қиличи билан унга ташланди ва уни оғир даражада жароҳатлади. Ахилл Астеропейнинг жасадини Скамандр дарёсига итқитиб юборди. Ахилл тағин бир бир талай трояликларни жароҳатлади. Скамандр дарёсининг худоси Ксанф пурталар ичра туриб каттиқ наъра тортиб юборди:

– Ахилл! Трояликларни менинг сувларимдан ҳайдаб юбор, уларни менинг сувларим эмас, жанг майдонида ўлдир! Трояликлар менинг денгизга чиқишимга монелик қилмоқда. Трояликларни менинг ўзанимда ўлдиришдан ўзингни тий!

– Ксанф! Уларни Троягача ҳайдаб қирмагунимча, – дея жавоб берди худога Ахилл, – Ҳектор билан яккама якка жанг қилмагунимча тинмайман!

Шунда Ксанф баланд овоз билан маъбуд Аполлонга мурожаат қилди:

– Ҳой, жароҳаткор маъбуд! Сен яшинчақнатар Зевс амрини бажо келтирмоқдасан! У сенга тун тепалик ва далаларни ўзининг зулмат пардасига буркагунча трояликларни ҳимоя қилишни амр этганди-ку, ахир!

Скамандрнинг сувлари жўшиб, ваҳимали ўқираркан, ўлдирилганларнинг жасадини қирғоққа чиқара бошлади, тирикларни эса дарё худоси моғорада ўз паноҳига олди. Ўзини дарёга ташлаган Ахилл атрофида тўлқинлар шовуллаб кетди. У энди оёғида туролмасди, шунда у дарё бўйида ўсган

баланд чинорга ёпишди, лекин Скамандр сувларидан таги бўшаган дарахт таг-томири билан ағдарилдию, кўприк сингари кўндаланг бўлиб қолди. Ахилл дарё тўлқинларини тарк этиб, жанг майдони бўйлаб югуриб кетди. Лекин унинг ортидан Скамандрнинг юҳодай улкан тўлқини ўз комига тортмоқчи бўларди. Ахилл ўша тўлқин билан курашишга бир неча бор уриниб кўрди, аммо фоний зот умрбоқий дарё худоси билан беллаша олармиди? Уни суронли тўлқинлар ўз исканжасига олар, бир жойдан иккинчи жойга итқитарди. Ниҳоят, Ахилл кўлларини самовотга чўзиб, хитоб қилди:

– Яшинчакнатар Зевс! Наҳотки, Трояда Аполлон ўқидан ҳалок бўлишга маҳкум этилган киши энди жўшқин тоғ жилғасига чўкиб ўлган оддий бир чўчкабоқар сингари бешараф-шон ҳалок бўлса? Буюк Троянинг энг шавқатли фарзанди Ҳектор кўлида ўлганим минг бор афзал!

Пелейнинг ўғли шу сўзларни айтишга улгурган ҳам эдики, унинг кўз ўнгиде Посейдон ва Бокира-Афина пайдо бўлишди. Маъбудлар Ахиллни руҳлантитарканлар, унга трояликларни ўз шаҳригача ҳайдаб юбормагунча ва Ҳекторни махв этмагунча жасуруна курашга амр этишди. У ғалабадан сўнг шуҳрат қозониб қароргоҳга қайтиши керак. Бокира-Афина Ахиллга енгилмас куч-қудрат бахш этди. Скамандр энди унга бас келолмасди, шунда у жилғалар худоси бўлган укаси Симоисни ёрдамга чорлади. Ахиллга қарши кўтарилган балчиқли баҳайбат тўлқин янада баландлашди. У Ахилл атрофини чўкки девор янглиғ ўраб олмақда эди. Маъбуда Ҳера Пелейнинг ўғли ҳалок бўлади дея хавотирланарди. Симоисга қарши курашда Ахиллга ёрдам бериш учун у ўғли-маъбуд Ҳефестни юборди. Жанг майдонида маъбуд Ҳефестнинг суронли алангаси ловуллаб, авжиге чиқди. Ахилл томонидан ўлдирилган трояликларнинг жасади аланга ичра жижғанақ бўлиб кетди. Симоис тўлқинлари тошқинидан дарё бўлиб кетган жанг майдони зум ўтмай қуриб кетди. Ҳефест дарёни ёндириб юборди. Дарё соҳили бўйлаб ўсган чинорлар, қора қайинлар ва толлар ловуллаб ёнар, намиққан яшил шакар камишлар ва нилуфар гулларга ўт кетди. Сувдаги балиқлар типирчилар, ўзларини ҳар томонга урар, ҳамма нарсани юҳодай еб битирадиган алангадан халос бўлай дея дарё қаъридан паноҳ топишга уриндилар. Жаҳли чиққан Симоис қаттиқ наъра тортаркан, маъбуд Ҳефестга мурожаат қиларди:

– Ҳой, Ҳефест! Худолардан бирортаси ҳам куч-қудратда сенга тенглаша олмайди! Сен билан жангга киришга ҳеч қачон журъат этолмайман! Ўтни ўчирсанг, бас, мен зинхор трояликларга ёрдам бермайман! Пелейнинг ўғли уларни қираверсин!

Ўтнинг зўридан сув чўғдай кизир, даҳшатли ёлқиндан у қайнарди. Дарё оқими тўхтади, олов Скамандрни ҳолдан тойдирди. Маъбуд Ксанф маъбуда Ҳерага ўғлини тийсин дея ялина бошлади. Минбаъд трояликларга ёрдам бермайман, ҳатто Троя ёниб кетса ҳам, уни юнонлар култепага айлантирган чоғда ҳам трояликларга ёрдам бермайман дея худоларга хос тантанавор онт ичмоқда эди, Ксанф. Маъбуда Ҳера Ҳефестни тўхтатди, у оловни ўчирди.

Худолар ўртасида низолар ҳам авжиге чиқди. Улар жангга отилишди. Уларнинг залворли қадам ташлашидан замин ҳам ларзага келди. Худоларнинг бир-бири билан жанг қила бошлаганини кўрган Зевс кулиб юборди. Уруш худоси Арес яқинда ўзини жароҳатлаган Диолидга ёрдам бергани учун даставвал Бокира Афинага хужум бошлади. Арес ўз найзаси билан маъбуданинг қалқонига (эгидасига) шикаст етказди, аммо уни тешолмади. Афина байҳайбат бир тошни Аресга қаратиб йиқитган эди, уни шу ондаёқ ерга қулатди. Ареснинг қурол-аслаҳаси гумбирлаб кетди, сочлари чанг-тўзон билан копланди. Муҳаббат маъбудаси Афродита Аресга ёрдам беришга шошилди, уни жанг майдонидан олиб чиқишга уринган Афродитанинг ўзи ҳам ерга қулаб тушди. Денгиз худоси Посейдон Аполлонни жангга чорлади. Аммо жароҳаткор Аполлон у билан жангга кирмади. Аполлон пурқудрат Зевснинг укасига қарши жанг қилишдан бош тортди. Маъбуда Артемида Посейдон билан жанг қилишдан бош тортгани учун укаси Аполлондан гина қиларди. Буни эшитган Ҳеранинг қаҳри келди. У Артемидани ушлаб, кўлидаги камонини тортиб олди ва бу билан ёш маъбудага зарба берди. Артемиданинг ўқлари сочилиб кетди, у кўз ёши тўкаркан, гўё кирғийдан халос бўлган кабутардай қочиб кетди. Маъбуда Латона ўқларни йиғиб, қизининг камонини ердан кўтариб олдида, унинг ортидан юриб кетди. Артемида эса нурафшон Олимпга парвоз қилиб, Ҳера ўзини ҳақорат қилганини Зевсга етказаркан, аччиқ шикоятлар қилди. Бошқа худолар ҳам Олимпга қайтиб келишди, уларнинг баъзилари ўз ғалабаси билан фахрланса, баъзилари ғазабга тўлиб тошганини баён этарди. Аполлон эса зудлик билан Троя сари елди; у тагин тақдир ғилдираги тескари айланиб, юнонлар Троя деворларини вайрон этмасмикан дея хавфсирарди.

Кекса Приам баланд минорада туриб, Ахиллнинг трояликларни жанг майдони бўйлаб қандай куваётганини кўрди. У трояликлар паноҳ топсин дея шаҳар дарвозаларини очиб қўйишга амр этди. Аполлон эса Ахиллга қарши жангга отлансин дея қахрамон Агенорга бекиёс катта жасорат бахш эт-

ди, ўзи эса уни Ахилл найзасидан ҳимоя қилай деб олдида булут бўлиб турарди. Агенор кўлида найзасини ўтнатиб, ўзига томон яқинлашиб келаётган Ахиллни кутиб турарди. У кудратли кўли билан унга қаратиб найза ирғитди. Найза Ахиллнинг оёқ сипарига (қалқинига) тегдию, қайтиб кетди. Ахилл Агенорга ташланди. Маъбуд Аполлон эса Агенорни булутга буркади ва унга муқаррар ўлимдан қолишга ёрдамлашди. Аполлон Агенор қиёфасига кириб, жанг майдони бўйлаб қоча бошлади. Ахилл уни таъқиб қила кетди, аммо маъбудни таъқиб этаётганидан беҳабар эди. Шундай қилиб, Аполлон трояликларни сақлаб қолди ҳамда уларга муқаддас Трояда паноҳ топишга имкон берди.

Трояликлар шаҳардан паноҳ топишди. Улар Троя деворлари ёнида туриб ҳордиқ чиқаришар, ташналикни қондиришар ва терларини артишарди. Жанг майдонида Ҳектор ёлғиз қолганди. У гўё муқаррар ўлим исканжасида қолгандек Скей дарвозалари ёнида турарди.

АХИЛЛ ВА ҲЕКТОРНИНГ ЯККАМА-ЯККА ЖАНГИ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Ахилл маъбуд Аполлонни хийла вақт таъқиб қилиб борди. Ниҳоят, маъбуд-тирандоз тўхтадию, Ахиллга кимни таъқиб этганини намоён этди. Ахиллни қаҳру ғазаб чулғади. Кўлидан келсади у Аполлондан қандай қувонч билан интиқом олган бўлурди-я! Пелейнинг ўғли таъқиб этишдан воз кечди-да, яна Троя деворлари сари йўналди. Ахилл жанг майдони бўйлаб Троя деворлари томон худди беғубор куз осмонида ярқираган ўша ёрқин юлдуз янглиғ елиб борарди. Уни кишилар Сириус (бахайбат кўппак) деб атайдилар, у фонийларга ўлим келтирармиш. Кекса Приам Троя деворларига яқинлашиб келаётган Ахиллни кўрди ва даҳшат ичра Ҳекторга ялина бошлади:

– Эй, менинг суюкли ўғлим! Тезроқ шаҳарга кир! Пелейнинг ўғли билан жанг қила кўрма, у сендан кудратли! Трояга кир! Барча троялик эркак ва аёлларнинг умиди сенда уларни сен халос этмоғинг лозим. Бундай ўйлаб кўрсанг-чи, Ахилл қанчадан қанча ўғилларимни маҳв этди. Лоақал менга, бадбахт қарияга ачин. Кексайган чоғимда Зевс мени даҳшатли мусибатларига дучор этди. Мен ўз ўғилларим ҳалок бўлишини, қизларимизни нечук асир қилиб олишларини, маъсум гўдакларни қандай ўлдиришларини кўришим керак. Менинг ўзимни эса ўзим боқиб, вояга етказган ўша кўппаклар уйимнинг бўсағасида ўлдириб, қонимни ялайдилар. Менга ачингин, Ҳектор!

Ҳекторга Трояда паноҳ топгин дея кексайиб қолган онаси Ҳекуба ҳам ялинарди. У ўғлига болалигида қандай парвариш қилганини, нечук эркалаганини эслатди. Наҳотки, Ҳектор унинг кўз ўнгида ўлдирилади, наҳотки на унга, на хотини Андромахага унинг жасади устида қонли кўз ёшлари тўкиш насиб этмайди, наҳотки, унинг ўлигини мирмидонияликлар кемалари ёнидаги кўппаклар тилка-пора қилишади?

Лекин Ҳектор Ахиллни кутишга қатъий қарор қилганди. У қалқони билан минора дўмбоғига суяниб, рақибини кутарди. Ҳектор Ахилл билан яккама-якка жанг қилишдан бош тортолмасди. Приамнинг ўғли трояликлар уни ўз кучига ишониб Трояни мағлуб этди дея айблайдилар деган андишага бораркан ваҳимага тушарди. Ҳолбуки, Полидамант унга Ахилл жангга кирмасдан аввал қўшин билан Трояда паноҳ топиб туришни маслаҳат қилганди. Энди Ҳектор учун битта йўл – Ахилл билан яккама-якка жанг қилиб, ё ғолиб келиш, ёки ҳалок бўлиш қолганди. Ҳекторнинг миясидан шундай фикр ялт этиб кетди: Ахиллнинг истиқболига қуролсиз чиқиш, унга Соҳибжамол Еленани ва Менелайдан ўғирланган барча бойликларни, у билан бирга буюк Троя бойликларининг ярмини қайтариб беришни ваъда қилиш. Ҳектор ўзининг бу фикридан шу ондаёқ воз кечди. У Ахиллнинг бунақа шартномага кўнмаслигини, ўзининг қуролсизлигига қарамасдан, ожиз аёлни ўлдиргандек маҳв этишини биларди.

Ахилл борган сайин яқинлашиб келарди. Ҳекторни кўркув босди, у Пелейнинг ваҳимали ўғлидан узоқлашай дея Троя томон қоча бошлади, суронли Ахилл унинг ортидан гўё бемажол кабутарни қувган кирғийдек кува кетди. Қахрамонлар Троя атрофини уч марта айланишди.

Қахрамонлар бўрондек суронли елишарди. Ҳектор бир неча бор трояликларга Ахиллни жароҳатлашга имкон яратай дея Троя деворлари ёнидан паноҳ топишга уриниб кўрди, лекин Ахилл уни бундай имкониятдан маҳрум этаверди. Агар Ҳекторга маъбуд Аполлон куч бахш этмаганда душмани унга аллақачон етиб олган бўлурди. Қахрамонлар Скамандр сувлари олдида тўртинчи бор ўтаётганларида яшинчақнатар маъбуд олтин тарозуга иккита ўлим қуръасини ташлади – бири Ахилл учун, бошқаси Ҳектор учун белгиланганди. Ҳекторга дея ташланган қуръа – Аиднинг зулмат салтанатига тушди. Шунда маъбуд Аполлон Ҳекторни тарк этди, Бокира-Афина эса Ахиллга яқинлашиб тўхтади ва унга Ҳектор устидан ғалабани ваъда қилди. Маъбуданинг ўзи эса Ҳекторнинг укаси Деифоб қиёфасига кириб, Ҳектор олдида пайдо бўлди. Уни Пелейнинг ўғли билан яккама-якка

кўрашишга кўндираркан, ёрдам беришга ваъда этди. Ҳектор югуришдан тўхтади. Қаҳрамонлар бақамти келиб қолишди. Биринчи бўлиб Ҳектор хитоб қилди:

– Энди мен, Пелей ўғли, қочиб юришдан нажот изламайман! Жанг қилайлик, сен мени ўлдирасанми, ёки мен ғолиб бўламанми, кўрамыз. Лекин жанг қилишдан аввал худоларни гувоҳликка чорлаймиз! Агар яшинчақнатар менга ғалаба насиб этган бўлса, жасадингни бадном қилмасликка ваъда бераман. Сен ҳам ана шу шартни адо этгин.

Лекин Ахилл унга ваҳимадор қилиб жавоб берди:

– Йўқ! Куракда турмайдиган ваъдалар билан мени лақиллатмоқчи бўлдингми, манфур душман? Шер ва одамлар ўртасида, бўри ва қўйлар ўртасида келишув бўлмаганидек, иккаламизнинг ўртамизда ҳам унинг имкони йўқ. Бор куч ва санъатингни ишга сол! Нажот кутма! Дўстим Патрокл ва бошқа дўстларимнинг қонини тўкканинг учун жазонгни тортмоғинг керак.

Ахилл пурқудрат қўли билан Ҳекторга найза итқитдию Ҳектор ерга кулаб, ўлим келтирувчи зарбага чап берди. Бокира-Афина Ахиллнинг найзасини дарҳол ушлаб олдида, уни тагин қаҳрамоннинг қўлига тутқазди. Ҳектор найзаси билан Ахиллнинг қалқони ўртасига зарба берди. Лекин унинг найзаси маъбуд Ҳефест томонидан ясалган қалқонга энгил камишдек урилдида орқага қайтди. Ҳекторнинг ортиқча найзаси йўқ эди. У кўзларини чирт юмди-да, Деифобни ёрдамга чакираркан, қаттиқ наъра тортди. Аммо ундан дарак йўқ эди. Ҳектор Бокира-Афина ўзини алдаганини ва ўлимга маҳкум эканини тушунди. Ҳектор қиличини суғуриб, Ахиллга ташланди. Ахилл ҳам Ҳекторга томон отилди. У ўзининг кучли найзаси билан уни бўйнидан жароҳатлади. Ўлар даражада яраланган Ҳектор ерга кулади. У ўзининг устидан тантана қилаётган Ахиллга бир неча оғиз сўз айтолди, холос:

– Бутун уруғ-аймоғингга дуоғўйман, сендан илтижоим шу: жасадимни мирмидониялик кўппаклар тилка-пора қилишмасин, уни ота-онамга қайтар, бунинг эвазига улар сенга беҳисоб бойлик улашишади.

– Йўқ! Беҳуда ялинаяпсан, малъун ит! – жавоб берди Ахилл. – Агар вужудимда ёниб турган қаҳру ғазаб устидан ғолиб келолмасайдим, уни ўзим тилка-пора қилардим. Жасадинг учун қандай бойлик ва армуғонлар, ҳатто ўз вазнинг қадар олтин ваъда қилганларида ҳам, уни тилка-пора қилаётган кўппакларни ҳеч ким қувмайди. Приам ва Ҳекубага сенинг жасадинг узра кўз ёши насиб этмайди!

Ҳектор ўлим олдидан Ахиллга сўнгги сўзларини айтиб қолди:

– Афсус, илтижоларим сенга таъсир қилмаслигини билардим. Сенинг кўксингдаги юрак тошдан қаттиқ. Аммо худолар ғазабидан ҳазар қил! Унга сен ҳам дучор бўласан! Сени Скей дарвозалари ёнида маъбуд Аполлон ёрдамида Парис жароҳатлайди.

Шу сўзларни айтarkan, Ҳектор дунёдан кўз юмди. Унинг арвоҳи аччиқ қисматидан нолиркан, Аиднинг зулмат салтанатига учиб кетди.

Ғалабадан бағоят севинган Ахилл барча юнонларни чакириб олди. Улар ерда чўзилиб ётган Ҳекторнинг бақувват гавдаси ва гўзаллигидан ҳайратланишарди. Унга яқинлашиб келган ҳар бир юнон унинг жасадига найза санчарди. Энди уни жароҳатлаш осон эди-да. Ҳектор юнонларнинг кемаларини ёндираётган пайтдагидай эмасди албатта.

Тантана қилаётган Ахилл даҳшатли бир нарсани ўйлаб қўйганди. У Ҳекторнинг оёқларидаги пайларни тешиб, пайлар орасидан йўғон тасма ўтказди ва жасадинг оёқларини маҳодасига боғлаб қўйди. Ҳектордан ечиб олинган курул-аслаҳани баланд кўтариб маҳодасига сакради-да, отларини жанг майдони бўйлаб елдирди. Ҳекторнинг жасади маҳода ортидан ерда судралиб борарди. Жанг майдонида чанг-тўзон бўрони кўтарилди. Ҳекторнинг келишган боши ерда судралиб бораркан, кўмирдай қорайиб кетганди.

Ҳекуба Троя деворлари оша Ҳекторнинг жасадини Ахилл нечук бадном қилаётганини кўриб қолди. У ўзининг оппоқ сочларини юлар, тинмай кўкрагига урарди. Приам зор-зор йиғларди. У ғолиб Ахиллга отанг Пелей сингари кекса кишига раҳм қил, бу қилиғингдан воз кеч дея ялинмоқчи бўларди. Трояликларнинг ғамгин дод-фарёдини Андромаха ҳам эшитади. У кўркқанидан қўлидаги мокини тушириб юборди. Андромаха Троя деворлари томон югуради, ўша ерда туриб, маҳода ортида, чанг-тўзон ичра судралиб бораётган эрининг жасадини кўрди. Унинг танасидан Афродита армуғон этган ҳарир ёпинчиғи сирғалиб тушиб кетади, сочлари ҳар томон тўзғиди. У ўзига келаркан, хўнграб йиғлаб юборди, энди оламда унинг ҳеч кимсаси қолмаганди. Соҳибжамол ўғли Астианакс ҳам етим бўлиб қолди. У энди бахтиқаро етим бўлиб ўсади, уни ранж-аламдан химоя қилувчи йўқ. Андромаханинг юрак-бағрини сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ғам-андух эзаётганди. Унинг атрофидаги барча троялик хотин-қизлар юм-юм йиғлашарди. Троянинг буюк муборизи ҳалок бўлди.

ПАТРОКЛНИНГ ДАФН ЭТИЛИШИ

Хомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Юнонлар ўз кемаларига қайтиб келишди. Ахилл мирмидонияликларга чодирларига тарқалмасликни амр этди. У уларга Патроклнинг жасадини маҳода билан уч марта айланиб чиқишни буюрди. Жасур мирмидонияликлар қахрамоннинг жасади теграсида овоз чиқариб кўз ёши тўкишарди. Ахилл ҳам баланд товуш чиқариб йиғларди. У ҳалок бўлган дўстининг кўксига қўлини қўяркан, хитоб айлади:

– Шодлан, мард Патрокл! Сенга берган ваъдаларимни бажо келтирдим! Сенинг ўлим тўшагинг ёнига Ҳекторнинг жасадини келтирдим, уни тилка-пора қилсин дея кўппаклар олдига ташлайман. Дафн гулхани ёнида сенинг ўлимнинг учун интиқом олаётиб, ўн икки нафар троялик йигитни ўлдираман.

Ахилл ўлдирилган Патрокл ётган тўшак ёнига устига ҳеч нарса ёпилмаган Ҳекторнинг жасадини ташлади. Пелейнинг ўғли мирмидонияликлар шарафига катта зиёфат берди. Унинг ўзини эса юнон йўлбошчилари Агамемнон ҳузурига боришга кўндиришди. У ерда ювиниб, зиёфатда иштирок этишни ўтиниб сўрашди. У фақат Агамемнондан дафн гулханини ёқишга амр этишни илтимос қилди.

Юнон қахрамонлари зиёфат қуришди, шундан сўнг барчаси ўз чодирларига тарқалиб, уйқуга кетишди. Фақат Ахилл бедор эди. У мангу шовкин солаётган денгиз соҳилида ётиб, оҳ-фиғон тортарди. Ниҳоят, у ҳам қаттиқ уйқуга чўмди. Тушида кўз ўнгида Патроклнинг кўланкаси пайдо бўлиб, унга дафн маросимини ўтказишга ҳаяллама, токи арвоҳим Аид салтанатида ором олсин дея ялинармиш. Патрокл ўзининг суякларини Ахилл дафн этиладиган қабрга қўйишни васият қилганди. Ахилл ва Патроклнинг хоки битта – маъбуда Фетида берган қутига қўйилиши даркор эди. Ахилл тушида кўллари Патрокл томон чўзди, бироқ кўланка ғамгин инграш ила ғойиб бўлганди. Ахилл уйғониб кетди ва тагин дўсти учун қаттиқ овоз чиқариб йиғлай бошлади. Унга жўр бўлиб, барча мирмидонияликлар ҳам йиғлашди. Офтоб худоси Ҳелиоснинг даракчиси Тонг маъбудаси Эос уларни йиғлаётган ҳолда учратди.

Эртасига эрталаб Агамемнон юнонларни Ида тоғига дафн гулхани учун ўтин келтиришга юборди. Юнонлар подшосининг буйруғини адо этишди ва денгиз бўйида дафн гулханини ёқишди. Мирмидонияликлар Патроклнинг жасадини ўзларининг кесилган сочлари билан ёпиб, тантанавор тарзда ташқарига олиб чиқишди ва гулхан устига қўйишди. Ахилл ўзининг маъбуд Сперхейга бағишланган сочларини қирқиб ташлади, уларни ватанга тирик қайтиш насиб этса қирқаман деган эди, аслида. Энди бўлса у улар билан Патроклнинг кўллари ёпди. Сўнгра Ахиллнинг илтимосига биноан Агамемнон барча жангчиларни кемаларга боришга амр этди, гулхан ёнида эса фақат юнонларнинг йўлбошчилари қолди. Патрокл шарафига бир талай қўй ва ҳўкизлар бўғизланди, уларнинг ёғини унинг жасадига суртиб чиқишди, шунингдек, жасад тўшаги теграсида асал ва мой солиб қўйилган идишлар жойлаштирилди. Тўрт дона от ва икки дона кўппак ҳам сўйилди. Гулханга Ахилл томонидан ўлдирилган ўн икки нафар троялик йигитнинг жасади ҳам ташланди. Ҳекторнинг жасади эса гулхан ёнида ётарди, уни маъбуда Афродита кўриқлар ва хушбўй ёғ суртарди, маъбуд Аполлон эса жасадни куёшнинг ловуллаб турган нурлари қовжиратиб юбормасин дея унинг устида булут пайдо қилганди.

Дафн учун ҳамма нарса тайёр бўлганда Ахилл гулхан ёқмоқчи бўлди, аммо у ўт олмади. Ахилл шамол худолари Борей ва Зефирга ялинди: у уларга гулханни ёндиришлар дея илтижо қиларди. Худоларнинг хабарчиси Ирида барча шамол худоларини зиёфат қураётган Зефирнинг қасрига олиб кетди, у уларни Пелейнинг ўғлига ёрдамга чорларди. Борей ва Зефир денгиз устида булутларни ҳайдаб ваҳимали шовкин солароқ елмоқда эдилар. Уларнинг бўрондек кучли нафасидан денгизда тўлқинлар ҳосил бўларди. Улар зудлик билан Трояга етиб келишди ва гулханни ловуллаб юборишди. Тун бўйи гулхан ловуллаб, алангаланиб турди. Ахилл эса Патроклнинг арвоҳини чорларкан, баҳайбат қадаҳ билан ичкилик назр қиларди. Тонггача ёниб турган улкан гулхан учай деб қолганди. Ҳолдан тойган Ахилл сўниб бораётган гулхан ёнида, ерга ётиб олди ва уйқуга кетди. У юнон йўлбошчиларининг овозидан уйғонди. Йўлбошчилар Ахиллнинг илтимосига кўра гулхан устида тутаб турган кўмирларни вино билан ўчириб, Патроклнинг сўнгакларни йиғиб, уларни олтин қутига солиб қўйишди. Сўнг ёғоч девор тикланиб, унинг ичига қутини қўйишди ва устига тупроқ тортиб, баланд қабр вужудга келтиришди.

Дафн маросими ниҳоясига етгач, Ахилл марҳум шарафига дабадали дафн ўйинлари ўтказди. Улар Адметнинг ўғли қахрамон Эвмел, қахрамон Диомед, шох Менелай, Несторнинг ўғли Антилох ва қахрамон Мерион иштирок этган маҳодада югуришдан бошланди. Маррага биринчи бўлиб, Дио-

мед етиб келди. Унга Афина ёрдам беради. Несторнинг ўгли Антилох ундан сал орқада қолганди. Ундан сўнг эса Менелай, Несторнинг ўгли иккинчи мукофотни айёрлик билан қўлга киритганди. Маррага Мерион ҳаммадан кейин келди. Энг машҳур маҳода ҳайдовчи қаҳрамон Эвмел эса бахтсизликка учради. Унинг ғолиб келишини истамаган маъбуда Афина маҳодасининг шотисини синдирди. Эвмел ерга қулаб, қаттиқ лат ейди. Ахилл маҳодада югуриш мусобақасида иштирок этганларнинг барчасига қимматбаҳо соврин ва совғалар улашди. У кекса Несторга ҳам ҳадя берди: у энди қаҳрамонлар қаторида мусобақаларда қатнашмасди, кексалик ўз таъсирини кўрсатганди, бир пайтлар у ҳам ғалаба ўйинларида иштирок этиб, кўп қудратли қаҳрамонларни доғда қолдирганди. Шундан сўнг муштлашиш бошланиб, унда пурқудрат қарамонлар Эней ва Эвриал беллашишди. Бир мушт зарби билан Эвриални ерга кулатган Эней ғолиб келди. Аякс Теламон ўгли ва Одиссей курашда куч синашишди. Улар узоқ курашишди, бироқ на униси, на буниси ғолиб келди. Иккаласи ҳам бир хил миқдордаги мукофотга сазовор бўлишди. Тез югуриш мусобақасида Оилейнинг ўгли Аякс, Одиссей ва Несторнинг ўгли Антилох куч санашишди. Олдинда елдек Аякс, ундан сўнг Одиссей югурарди. Одиссей Афинага илтижо қилиб, ўзига ғолибликни бахш этишни илтимос қиларди. Афина қаҳрамоннинг илтижосини эшитиб турарди. Аякс сирғаниб кетаркан, йиқилиб қолди. Маррага биринчи бўлиб Одиссей келди ва мукофот олишга мушарраф бўлди. Қуролли жангда Диомед ва Аякс Теламон ўгли мусобақалашди. Қаҳрамонлар жанг бошлади, юнонлар эса улар тагин бир-бирини ўлар даражада жароҳатламасин дея кўрқиб туришарди. Қаҳрамонлар жангни тўхтатишди, уларга бир хил миқдорда мукофот беришди. Оғир гардиш (диск) иргитишда қаҳрамон Полипет ҳаммасининг устидан ғолиб келди. Камондан отиш мусобақасида баланд лангар тепасига кабутарни боғлаб қўйишди. Мерган унга ўқ санчимоғи керак эди. Қаҳрамон Тевкр камон ипини таранглаштираркан, кабутарга қаратиб ўқ узди, ўқ кабутар боғланган ингичка ипни узди. Куш пириллаб учиб кетди, аммо унинг кўксига қаҳрамон Мерионнинг ўқи санчилганди. Камондан ўқ узиш мусобақасидаги мукофот Мерионга насиб этди. Найза ташлаш мусобақасида мукофотни Агамемнон қўлга киритди. Бу жиҳатдан унинг олдига ҳеч ким тушолмасди.

Ўйинлар тугади. Қаҳрамонлар тарқалишди, кўп ўтмай бутун бошли қароргоҳ қаттиқ уйқуга чўмди. Фақат Ахиллнинг кўзига уйқу келмасди. У ўзини юпатолмас, ҳамон дўсти учун йиғларди. У тўшагини тарк этаркан, денгиз қирғоғи бўйлаб узоқ кезиб юрди. Ниҳоят, самовот сахнини нурга чулғаб тонг отаётган чоғда у отларини маҳодасига қўшиб, унга Ҳекторнинг жасадини боғлади ва бадбахт Приамнинг ўғлининг жасадини уч бор судраб гўртепа атрофини айланиб чикди. Сўнг жасадини қолдириб, ўз чодирига кириб кетди.

ПРИАМ АХИЛЛНИНГ ЧОДИРИДА. ҲЕКТОРНИ ДАФН ЭТИШ

Ҳомернинг «Илиада» достони асосида баён этилган

Ахилл Ҳекторнинг жасадини қандай бадном этганини худолар нурафшон Олимп оша кўриб турардилар. Бунинг учун маъбуд Аполлоннинг қаҳру ғазаби ҳаддидан ошганди. Худолар Ҳекторнинг жасадини Ҳермес ўғирлаб келсин дея истак билдиришарди, бироқ бунга маъбуда Ҳера ва Бокира-Афина ҳамда маъбуд Посейдон монелик қилишарди. Ҳекторнинг жасади ўн бир кундан буён устига ҳеч нараса ёпилмасдан Ахилл чодирини ёнида ётарди. Аполлон ачиниш туйғуси ва виждонни унутган Ахиллга Ҳекторнинг жасадини таҳқирлашни эп кўрганлари учун худоларга таъна қиларди. Шу боисдан Аполлон ва Ҳера ўртасида низо пайдо бўлди. Яшинчақнатар Зевс бу низога дарҳол чек қўйди. У худолар хабарчиси Иридани маъбуда Фетида ҳузурига юборди. Кроннинг ўгли (Зевс) маъбуда Фетидани ўзининг – Ҳекторнинг жасадини отаси Приамга катта бойлик эвазига берсин деган амрини етказиш учун Ахилл ҳузурига юборишга қарор қилганди. Зевс трояликлар ўртасида ҳаммадан кўпроқ буюк Ҳекторни севарди.

Фикрдай учқур Ирида Фетида ҳузурига елиб кетди ва кўз очиб юмгунча унинг кўз ўнгида пайдо бўлди. Денгиз илоҳалари даврасида ўтирган Фетида ўғлини ўйлаб, кўз ёши тўқарди. Иридадан Зевснинг хоҳиш-иродасини эшитган Фетида қайғуга чўмиб, қора либосга бурканди-да, юксак Олимп сари меърож айлади. Худолар Фетидани теран эҳтиром ила қарши олишди. Афина уни Зевс билан ёнма-ён ўтказди, Ҳера эса унга олтин қадахда (соғарда) хушбуй оби ҳаёт узатди. Зевс унга ўзининг хоҳиш-иродасини баён этди. Маъбуда Фетида шу ондаёқ ерга, ўғлининг чодирига йўл олди. У ғамгин ўгли Ахиллнинг ёнига ўтираркан, уни қўли билан майин ардоқлади ва худолар ҳамда Зевс ундан Ҳектор учун ғазабланаётганини, унинг жасадини Приамга бериш кераклигини айтди. Қудратсоҳиб Ахилл худолар иродасига бўйин эгди.



Шу аснода яшинчақнатар Зевс худолар хабарчиси Иридани Приам хузурига юборди. Ирида ўзининг камалак қанотларини қоқиб, Приамнинг қасрига учиб келганда бахти қаро чол ҳалок бўлган ўғли учун кўз ёши тўкиб, ерда чўзилиб ётарди. Қарияни ўраб олган барча ўғиллари ҳам хўнграб йиғлашарди. Ирида чолга яқинлашиб келди-да, унга Зевс номидан юнонлар қароргоҳига, Ахилл хузурига катта бойлик билан боришни амр этди. Ирида Приамни қароргоҳга маъбуд Ҳермес бошлаб боражагини уқтирди.

Маъбуданинг сўзларини эшитгач, Приам шу заҳотиёқ ўрнидан турди ва ўғилларига совғаю тортиқлар учун оёқ-улов ва маҳодани тайёрлашни амр этаркан, саройга йўл олди. Саройга кираётиб, Приам ўзининг кексайиб, мункиллаб қолган хотини Ҳекубани чақириб, унга юнонлар қароргоҳига бермоқчи эканлигини баён этди. Ҳекуба кўрқиб кетди, у эрига кўра-била туриб ўлимга бормагин, дея ялинарди. Лекин Приам унга Олимпсоҳиб худолар иродасига бўйин эгиб, Ахилл хузурига бораёпман дея юпатмоқда эди. Приам энг яхши совғаларни танлади ва йўлга равона бўлиш тадоригини кўра бошлади. У ўғилларига ҳаяллаётганидан таъна қиларди. Ўғиллари отасининг ғазабидан кўрқиб, аравага зудлик билан ҳачирларни қўшиб, унга совғалар учун каттакон қутини ортишди, маҳодага отларни қўшишди. Приам маҳодага ўтираркан, отларини ҳайдаб кетди. Маҳодадан олдинги аравада ҳачирлар қўшилган бўлиб, уларни даракчи Идеи бошқариб борарди. Гўё чинданам ўлимга маҳкум этилгандек Приамни кузатувчилар юм-юм йиғлашарди.

Приам жанг майдонига чиққанида яшинчақнатар Зевс унинг истиқболига чиқиш учун ўғли Ҳермесни юборганди. Ҳермес ўзининг қанотли шиппақларини боғлаб кўлига кишиларнинг кўзини шамғалат қиладиган асо(ҳасса)сини олди ва Троя сари кетди. Приам дарё бўйида отлари ва ҳачирларини суғораётганда Ҳермес унинг кўз ўнгида ёш соҳибжамол йигитча қиёфасида пайдо бўлди. Приам кўрқиб кетди, у бу йигитча уни ўлдириб, совғаларни ўзиники қилиб олади деб ўйларди. Аммо Ҳермес ўзини Ахиллнинг хизматкори дея таништириб, уни қароргоҳгача кузатишни таклиф этди. Суюниб кетган чол йигитга қимматбаҳо қадахни совға қилмоқчи бўлди, бироқ Ҳермес совғаларни рад этди. У Приамнинг маҳодасига миниб олдида отларни елдириб кетди. Юнонлар қароргоҳи дарвозаси олдида соқчилар турарди, Ҳермес уларни каттиқ уйқуга чўмдирди. Маъбуд дарвозанинг тамбасини суриб қуйди, уни очиб, Приамни қароргоҳ орқали билдирмасдан кузатиб қўйди. Ҳермес мирмидонияликлар қароргоҳи дарвозасини ҳам очди. Приам Ахиллнинг чодирига яқинлашганда Ҳермес Приамга ўзининг кимлигини билдирди ва чодирга бемалол кириши мумкинлигини амр этди. Приам Идеини совғаларни кўриқлаб тур дея ташқарида қолдириб, ўзи эса чодирга кирди. Ахилл эндигина тамадди қилиб бўлганди. Приам ҳечкимнинг кўзига кўринмасдан чодирга кирдию, Ахилл олдида тиз чўкди ва шундай дея унга ялина бошлади:

– Эй буюк Ахилл! Мендек кексайган отангни эсла! Балки унинг шахрини ҳам қўшнилари ишғол этишгандир, балки уни ҳам мусибатдан ҳалос этгувчи йўқдир. Мен бахтиқаро чол қарийб барча ўғилларимдан жудо бўлдим. Сен ўғилларим ичида энг буюк ва забардаст ҳисобланган Ҳекторни ўлдирдинг. Ўшани деб сенинг хузурингга келдим. Мен бадбахтга раҳм қил! Эвазига беҳисоб совғаларни ол. Нечук бахтсизлигимни кўриб турибсан. Ҳеч бир фонийзотнинг бошига тушмаган бахтсизликни бошдан кечирмоқдаман. Болаларим қотилининг қўлларини ўпишга мажбурман.

Приам ўзининг сўзлари билан Ахиллни отасини эслашга мажбур этди. Ахилл отасини эсларкан, аччиқ алам билан йиғлади. Приам бўлса ерга чўзилиб олди-да, ўғли учун зор-зор йиғлади. Ниҳоят, Ахилл ўрнидан турди. У Приамни турғизаркан, шундай деди:

– Эй бахтиқаро инсон! Ҳаётингда кўп ғам-алам тортгансан! Айт-чи, ўғилларингнинг кўпини ўлдирган одамнинг хузурига келишга, тагин ёлғиз келишга қандай журъат этдинг? О, сенинг юрагинг темирдай каттиқ экан. Лекин тинчлан, йиғингни тўхтат, мана бу ерда ўтир. Худолар дунёда ғам-алам дардига чидашни одамларга насиб этган, фақат улар, умрибоқийлар қайғу нималигини билишмайди. Энди кўз ёши тўкма, ҳалок бўлган Ҳекторни йиғлаганинг билан тирилтиролмайсан-ку, ахир. Қалқ ўрнингдан, мана бу ерда ўтир!

– Йўк, мен ўтирмайман, Ахилл, – жавоб берди Приам, – менга аввал Ҳекторни қайтариб бер. Совғаларни олу менга ўғлимнинг жасадига қараш имконини бер.

Ахилл Приамга ғазаб билан қараб қўйди-да, шундай деди:

– Ғазабимни келтиришдан ҳазар қилсанг бўларди, ҳой чол! Ҳекторнинг жасадини сенга қайтариб беришимни ўзим ҳам биламан. Бу Зевснинг хоҳиш-иродаси, бу ҳақда менга онам, маъбуда Фетида хабар қилганди. Биламан, сени бу ерга келтирган ҳам маъбуд, акс ҳолда сен юнонлар қароргоҳига

кадам кўйишга журъат этолмасдинг. Тилингни тий! Дарғазаб чоғда Зевснинг, илтимос қилғувчини ая деган васиятини бузиб кўйишдан кўрқаман.

Ахилл шундай деди-ю, ташқарига чиқди. Ўзининг дўстларини чақириб, Приамнинг от ва хачирларини ичкари киритиб, Идеини чодирга бошлаб келишларини амр қилди. Шундан сўнг Ахиллнинг жориялари Ҳекторнинг жасадини обдон ювиб, унга қимматбаҳо либослар кийгизишди. Ахиллнинг ўзи жасадни кўтариб, чиройли қилиб безатилган тўшакка ётқизди, дўстлари эса тўшакни аравага жойлаштиришди. Пелейнинг буюк ўғли Патроклнинг арвоҳига Ҳекторнинг жасадини отасига қайтариб бераётганим учун мендан ғазабланма дея ялиларди. У Приам келтирган совғаларнинг бир қисмини дўсти Патрокл арвоҳига бағишлашга қарор қилганди. Барча ишларни бажо келтиргач, Ахилл чодирга қайтиб келди ва Приамга Ҳекторнинг жасади берилганлигини айтди. Ахилл Приамни мазали таомлар тортилган дастурхонга таклиф этди. Кечки таом чоғида Приам келишган, бамисоли маъбудлардек пурвиқор Ахиллга ҳайрат ила қарарди, Ахиллни эса мўйсафид қариянинг мўътабар қиёфаси ҳайратга соларди, унинг доно сўзларини бутун вужуди қулоқ бўлиб тингларди.

Кечки таом пайти тугагач, Приам Ахиллдан мириқиб ухлаб олишни илтимос қилди, чунки у Ҳектор ҳалок бўлгандан буён ухламаган эди. Ахилл Приам ва Идей учун чодир олдида иккита ҳашаматли тўшак тайёрлашни буюрди. Приам ётиш олдидан Ахилл ундан ўғлини дафн этиш учун неча кун керак бўлишини сўради ва ўша кунлари жанг бошламасликка ваъда берди. Приам дафн учун ўн кун кераклигини баён этди. Ўша кунлари Ахиллнинг ўзи ҳам, юнонлар ҳам ўзларини жанг қилишдан тияди дея ваъда берди. Ахилл Приамнинг қўлини майингина қисиб кўйди, бу билан чолни юпатган бўлди ва у билан хайрлашди.

Барча жангчилар қаттиқ уйкуга чўмишди, нурафшон Олимпдаги худолар ҳам ухларди, фақат маъбуд Ҳермес бедор эди. У Приамнинг тўшаги ёнига келди ва уни уйғотаркан, зудлик билан юнонлар қароргоҳини тарк этишни амр этди, зероки Приамни биров кўриб қолиб, имкониятдан фойдаланиб, ундан жасад учун катта совғалар талаб қилиши мумкин дея кўрқарди. Приам кўрқиб, ўрнидан турди ва Идеини уйғотди. Ҳермес отлар ва хачирларни маҳода ва аравага кўшиб, уларни махфиёна қароргоҳдан чиқариб олди. Скамандр дарёси соҳилларига етиб келгандагина маъбуд Приамни тарк этди.

Приам тонг отганда Трояга етиб келди. Уни биринчи бўлиб Кассандра кўрди ва Ҳектор учун овозининг борича қичқириб йиғлай бошлади, троялик йигит-қизларнинг барчаси йиғилди. Троя дарвозалари олдида бешумор одамлар тўдаси вужудга келди. Издихом олдида Ҳекуба ва Андромаха турарди. Улар хўнграб йиғлар ва сочларини юлишарди. Барча трояликлар хўнграб йиғлар ва Ҳекторнинг жасади солинган аравага яқинлашишга интилардилар. Лекин Приамнинг ишораси билан оломон икки томонга сурилиб унга Трояга киришга йўл берди. Андромаха яккаю ягона химоячиси бўлган эри учун хўнграб йиғларди. У энди Троянинг қулашини аниқ биларди. Юнонларнинг барча троялик аёллар ва йигитларни асир қилиб олиб кетишлари табиий эди. Улар унинг ўғли Астианаксни ҳам ўлдиришади. Андромаха Ҳекторнинг унга бир умр васият бўларли бирор сўз айтмасдан ўзидан йироқда ҳалок бўлганлигидан зорланарди. Ҳекуба ҳам суюкли ўғли учун зор-зор йиғлар, сочларини юлиб-юлқиб кўз ёши тўкарди.

Ҳектор учун Елена ҳам йиғламоқда. Ҳектор уни ҳеч қачон хафа қилмаган, таъна-гиналарга ўрин қолдирмаганди. Самимий қалб эгаси бўлган Ҳектор уни ҳамиша химоя қилар, унинг ёнини олиши туфайли бошқалар ҳам уни таҳқирламасди. Энди бўлса уни ҳамма бирдай ёмон кўрадиган Трояда унинг ягона дўсти ва юпатувчиси бўлган киши ҳалок бўлганди.

Приам дафн гулхани тайёрлашни амр этди. Трояликлар тўққиз кун давомида Ида тоғидан гулхан учун ўтин келтиришарди. Ўнинчи куни улар Ҳекторнинг жасадини гулхан устига кўйишди ва куйдиришди. Унинг хокини олтин қутига солиб, қабрга кўйишди, қабрни махсус тайёрланган тошлар билан ёпишди, устидан тупроқ ташлаб баланд қабрга айлантдиришди. Трояликлар қабрни кўргон билан айлантдиришарди, соқчилар юнонлар тўсатдан хужум қилиб қолмасин дея кузатишарди. Дафн маросими ниҳоясига етгач, Приам ўз қасрида дабдабали дафн зиёфати берди.

Трояликлар буюк Ҳекторни ана шундай дафн этишди.

АМАЗОНКАЛАР БИЛАН ЖАНГ. ПЕНФЕСИЛИЯ

Овидийнинг «Қаҳрамон аёллар» ва Вергилийнинг «Энейнома» достонлари асосида баён этилган

Ҳекторнинг ўлимидан сўнг Троя учун оғир кунлар бошланди. Унинг унча қудратли хомийси ҳам йўқ. Трояликлар юнонлар билан очиқ майдонда жанг қилишга ботинолмасдилар. Трояда куч-

қудратда Ахилл билан тенглашадиган қахрамон топилмасди. Буюк шаҳарнинг сўнгги кунлари яқинлашганга ўхшарди. Шунда тасодифан трояликларга ёрдам келди. Узоқ Понддан ўз маликаси Пенфесилия раҳнамолигида учқур отларга минган жасур жангчи-амазонкалар Трояга ёрдамга келишди. Пенфесилия юнонларга қарши урушиб, ўз гуноҳини ювмоқчи, чунки у овда билмасдан ўзининг сингисини ўлдирганди. Ареснинг қудратли қизи Юнонистоннинг барча шавкатли ва номдор қахрамонларини жароҳатлаб, Троя остоналаридан қувиб чиқараман ва уларнинг кемаларини ёндириб юбораман дея мақтанганди. Трояликлар амазонкаларни катта шодиёна билан қарши олишди. Приам Пенфесилияни ўзининг қизидек қабул қилди ва унинг шарафига ҳашаматли зиёфат берди.

Эртаси куни амазонкалар тиш-тирноғигача қуролланган ҳолда Троя қўшини бошчилигида юнонларга қарши жангга киришди. Приам қўлларини самовот сари кўтариб, уларга ғалаба бахш этсин дея худоларга ёлворарди. Аммо худолар унга кулоқ осишмасди. Қонли жанг бошланди. Пенфесилия ўз амазонкалари билан юнонлар сафини шиддатли бўрон янглиғ ёриб ўтарди. Қахрамонларни биринкетин ер тишлатардилар. Юнонлар саросимага тушиб, чекинишга мажбур бўлишди. Пенфесилия уларни кемаларигача қувиб борди. Амазонкаларнинг узил-кесил ғалаба қилишига бир баҳя қолганди. Қутилмаганда Ахилл ва Аякс Теламон ўғли юнонларга ёрдамга келиб қолди. Улар жангда иштирок этаётган эмасдилар. Иккаласи ҳам Патроклнинг қабри ёнида жудолик қайғусига берилиб, ерда чўзилиб ётишарди. Жанг шовқинини эшитган қахрамонлар дарҳол қуролланишди ва иккита ваҳимали шердай жангга отланишди. Амазонкалар ва трояликлар уларга дош беролмасди. Пурқудрат Ахиллни кўрган Пенфесилия унга қарши жасурана кураша бошлади. У Ахиллга қаратиб найза ташлади, бироқ у Пелей ўғлининг қалқонига тегиб, чилпарчин бўлиб кетди. Амазонкалар маликаси иккинчи бор Ахиллга қаратиб найза ирғитди, лекин бу гал ҳам жароҳатлай олмади. Ахилл унга даҳшатли қаҳру ғазаб билан ташланди ва унинг кўкрагига қилич санчди. Пенфесилия ярасининг ҳалокатли эканини сизди. У сўнгги кучларини йиғиб, қилич яланғочламоқчи бўлди, бироқ беқиёс қудрат эгаси Ахилл унга отини ҳам бирга қўшиб, найза қадади. От ерга ағдарилди, унинг ёнида эса Пенфесилия чўзилиб ётарди. Ахилл унинг дубулғасини ечиб оларкан, уруш худоси Ареснинг қизининг фавқулудда гўзаллигидан ҳайратга тушиб, жойида қотиб қолди. Оламдан ўтган Пенфесилия маъбуда Артемида сингари соҳибжамол эди. Ахилл ўзи ўлдирган нозанин қизнинг жасади устида тураркан, ўзини марҳумага бўлган севги чулғаётганини сизди. Ахилл ғам-аламга чўмиб Пенфесилия тепасида турганда Терсит унинг олдига келиб, қахрамонни, илгари ҳам шундай қиларди, сўка бошлади. Терсит Ахиллнинг ғам-андуҳини таҳқирлаб, ўлиб ётган соҳибжамол Пенфесилиянинг кўзига найзасини санчди. Ахиллнинг қаҳру ғазаби қайнаб кетди. Терситнинг башарасига қулочкашлаб шундай тарсаки туширдик, у турган жойида тил тортмай ўлди. Қариндошини ўлдиргани учун Диомед Ахиллдан чунонам ғазабландики, юнонлар иккала қахрамонни зўр-базўр яраштиришди.

Ахилл ўзи ўлдирган Пенфесилияни оҳистагина кўтариб, жанг майдонидан олиб чикди. Сўнгра юнонлар Пенфесилия ва ўлдирилган ўн икки нафар амазонканинг жасадларини уларнинг қуроллари билан бирга трояликларга беришди, улар жасадларни гулханда ёндириб, дабдабали дафн ўтказишди.

Ахилл эса Лесбос оролига жўнаб кетди. У ерда у маъбуд Аполлон ва маъбуда Артемида ҳамда уларнинг волидаи меҳрибони Латона шарафига катта қурбонлар келтирди. У улардан ўзини Терситнинг қонини тўккани сингари ярамасликлардан фориғ этишни илтижо қиларди. Аполлон амрига кўра Ахиллни барча ярамасликлардан устомон ва тадбиркор Одиссей фориғ этди.

ҲАБАШЛАР БИЛАН ЖАНГ. МЕМНОН

*Ҳомернинг «Одиссея», Гесиоднинг «Теогония» ва Вергилийнинг «Энейнома»
дostonлари асосида баён этилган*

Пенфесилия ўлимидан сўнг трояликларга юнонлар ҳужумини қайтариш тағин ҳам қийинлашди. Лекин илкисдан уларга яна ёрдам келиб қолди. Ўз сувларини замин теграсида тўлқинлантирган кекса Ўқёнус соҳилларидан бешумор ҳабаш қўшинларини Трояга бошлаб келган Мемнон пайдо бўлди. У соҳибжамол тонг маъбудаси Эос ва Тифоннинг ўғли бўлиб, Приамнинг қариндоши эди. Гўзалликда бирорта ҳам фонийзотни у билан қиёслаб бўлмасди. У тонг юлдузига монанд бўлиб, маъбуд Ҳефест қўли билан ясалган олтин қурол-аслаҳаси трояликлар қўшинига ёғду сочиб турарди.

Маъбуданинг қудратнок ўғли бўлган Мемнон Ахиллга муносиб рақиб эди. Троя остоналаридаги бешафқат қонли жанглар яна авжига чикди. Трояликларнинг олдинги қаторида Мемнон, юнонларнинг олдинги қаторида Ахилл жанг қиларди. Лекин у Мемнон билан бақамти бўлишдан ҳазар қиларди. Фетиданинг ўғли, агар у Мемнонни ўлдирса, қўп ўтмай ўзи ҳам Аполлон ўкидан ҳалок

бўлишини биларди. Мемнон кекса Несторга хужум қилди. Нахотки қартайиб қолган қахрамон навқирон Мемнон билан жанг қилолса?

Нестор отларини орқага қайтариб, қочиш билан жон сақламоқчи эди. Лекин Парис камалак ипини таранглаштираркан, Несторнинг отларидан бирини жароҳатлади. Муқаррар ўлим таҳдид солаётганини кўрган Нестор ўғли Антилохни ёрдамга чақирди. Отасига содиқ фарзанд ёрдамга шошилди. У отасини Мемнон ўлдиргандан кўра ўзининг ҳалок бўлишини афзал кўрарди. Антилох баҳайбат бир тошни кўтариб, Мемнонга қараб итқитди. Лекин маъбуда Эоснинг ўғлини зарбадан унинг дубулғаси сақлаб қолди. Мемнон Антилохнинг кўксига найза қадади, Несторнинг ўғли ерга қуларкан, тил тортмай ўлди, у отасининг ҳаёти учун ўз ҳаётини аямади. Ўғлининг ҳалок бўлганини кўрган кекса Нестор хўнграб йиғлаб юборди. Мемнон бўлса, унга Несторнинг бошқа ўғли Фрасимеднинг хужум қилишига қарамасдан, дўсти Ферей билан Антилохнинг қурол-аслаҳасини ечмоқчи бўлишарди. Ўғлининг жасадини ҳимоя қилиш учун Несторнинг ўзи жангга ташланди. Аммо Мемнон кекса Несторга қарши жанг қилишдан ўзини тийиб, унга қўл кўтармади. Юнонлар ва ҳабашлар Антилох жасади атрофида аёвсиз курашмоқда эдилар. Нестор қудратли Ахиллни ёрдамга чорлади. Антилохнинг ҳалок бўлганини билган Ахиллни даҳшат чулғади. Ахир у уни бошқа қахрамонларга қараганда кўпроқ севарди. Патроклдан сўнг унинг энг яқин дўсти ўша эди. Ахилл ҳамма нарсани унутиб, ҳатто Мемнондан сўнг ўзининг ҳам ҳалок бўлишини ёддан чиқариб, жангга отилди. Яқинлашаётган Ахиллни кўрган Мемнон унга улкан бир тошни итқитди. Лекин у қалқонга тегиб, узоққа отилиб кетди. Ахилл эса найзаси билан Мемноннинг елкасини яралади. Мемнон ярасига аҳамият бермай, Пелей ўғлининг қўлини яралади. Қахрамонлар қиличларини яланғочлаб, бир-бировларига ташланишди. Кучда иккаласи ҳам бир-бирига тенг эди, иккаласи ҳам маъбудаларнинг ўғиллари бўлиб, иккаласида ҳам маъбуд Ҳефест ясаган қурол-аслаҳалар ялтираб турарди. Қахрамонлар қалқонларини тўсик қилиб, жанг қилишарди. Худолар юксак Олимп оша ушбу жангни кўриб туришарди. Қахрамонларнинг оналари – маъбуда Эос ва маъбуда Фетида, ҳар бири ўз ўғли тақдирини ўйлаб Зевсга ялинарди. Зевс қўлига олтин тарози олиб, унинг паллаларига қахрамонларнинг қуръасини қўйиб ўлчади. Мемноннинг қуръаси қўйилган палла пастга оғди, тақдир уни Ахилл қўлидан ўлимга маҳкум этганди. Маъбуда Эос хўнграб йиғлаб юборди: у ўзининг жигаргўшаси – ўғлидан жудо бўлмоғи керак эди. Ниҳоят, Ахилл ўзининг зилдай оғир найзасини силтаб иргитганди, у Мемноннинг кўкрагига санчилди. Маъбуда Эос ғам-андух рамзи сифатида қоп-қора булутга бурканди. У Мемноннинг жасадини Эсен дарёсининг узоқ қирғоқларига келтирсинлар дея ўғиллари – шамол худоларини жанг майдонига юборди. У ерда унинг учун ёш нимфалар кўз ёши тўкишди ва унга атаб макбара тиклашди.

Ҳабашлар эса худолар томонидан қушларга айлантирилди. Ўшандан буён улар ҳар йили Эсен дарёси қирғоқларига – Мемнон макбарасига учиб келадилар ва у ерда ўз подшолари учун кўз ёши тўкадилар.

Юнонлар Антилохни қатта ҳурмат-эъзоз ила дафн этишди. Унинг хоқини қутига солиб қўйишди, кейинчалик эса уни Ахилл ва Патрокл дафн этилган қабртепага қўйишган.

АХИЛЛНИНГ ЎЛИМИ

Ахилл трояликларга қарши чексиз қаҳру ғазаб ўтида ёнарди. У дўстлари Патрокл ва Антилохнинг ўлими учун улардан бешафқат ўч олишга қарор қилганди. Троя қахрамонларини бирин-кетин маҳв этаркан, Ахилл қутурган шердай жанг қиларди. Трояликлар қочишга ҳаракат қилишар, Троя деворлари ортидан паноҳ топишга шошилишарди. Ғазаб отига минган Ахилл уларни таъқиб этарди. Бешафқат қисмат уни муқаррар ўлим сари қувиб борарди. Ахилл трояликларни Скей дарвозаларигача таъқиб этди.

Шу он маъбуд Аполлон ўша ерда пайдо бўлмаганда, у муқаддас Трояга кириб борар ва уни тормор этган бўлурди. Аполлон ваҳимали наъра тортаркан, Ахиллни тўхтатди. Аммо Ахилл унга итоат қилмоқчи эмасди. Унинг ўзи тирандоз маъбуддан Ҳектор ва трояликларни ҳимоя қилгани учун беҳад ғазабланарди. Ахилл ҳатто найзаси билан жароҳатлайман дея маъбуднинг ўзига таҳдид соларди. Бераҳм тақдир Ахиллнинг ақлини гангитди. Шу чоғ у худонинг ўзига ҳам хужум қилишга тайёр эди. Аполлоннинг ғазаби тошгач, бир пайтлар Пелей ва Фетиданинг тўйида Ахиллни асрашга берган ваъдасини ҳам унутди. Қора булутга бурканиб, ҳеч кимга кўринмасдан, Париснинг ўқини Ахиллга томон йўналтирди, ўқ унинг товонига тегди, буюк Ахиллни фақат товонидан жароҳатлаш мумкин эди. Ана шу жароҳат Ахиллга ўлим келтирди. Ахилл ўлими яқинлашаётгани сезди. У товонидан ўқни суғурдию, ерга қулади. Ўзини ҳалок этгани учун у маъбуд Аполлонга аччиқ таъна қиларди. Ахилл



ўзини худонинг ёрдамисиз бирорта ҳам фонийзотнинг ўлдирилмаслигини биларди. Ахилл кучини тагин бир бор йиғиб олди. Жон бераётган арслон сингари ваҳимали ҳолатда ўрндан турди-да, яна бир бор талай трояликларни жароҳатлади. Лекин унинг аъзои-бадани совий бошлаганди. Ўлим борган сайин яқинлашарди. Ахилл гандираклар найзасига суянди. У трояликларга қараб жаҳл билан кичқирди:

– Шўрларинг курсин, ҳалок бўласизлар! Мен ўлгандан кейин ҳам сизлардан ўч оламан!

Ана шу хитобдан сўнг трояликлар тум-тарақай бўлиб, қочиб қолишди. Аммо Ахилл тобора заифланарди. Уни сўнги кучлари тарк этди-ю, у ерга қулади. Унинг олтин қурол-аслаҳалари гумбурлаб кетдию, ер ларзага келди. Ахилл ўлди. Лекин трояликлар унинг ўлигига ҳам яқинлашолмасдилар. У тиригида уларга шундай таъсир кўрсатгандики, улар унинг жасадидан ҳам кўрқишарди. Улар кўрқувни енгиб, сал дадиллашишганда қахрамонларнинг энг буюги жасади атрофида кизгин жанг бошланиб кетди. Ушбу жангда юнонларнинг ва трояликларнинг энг кучли қахрамонлари иштирок этишди. Ахилл теграсида жасадлар тоғдай йиғилганди, у бўлса баҳайбат бир алпозда қимирламасдан, уруш садосини эшитмасдан ётарди. Жанг қилаётганлар оёғи остидан кўтарилган чанг-тўзон уюрма бўронни эслатарди. Қон дарё бўлиб оқарди. Жанг ҳеч қачон тугамайдиганга ўхшарди. Тўсатдан Зевснинг момақалди роғи гумбурлаб кетди, бўрон кўтарилдию, трояликларни тўхтатди. Зевс Ахилл жасадини трояликлар қўлига тушишини истамасди. Қудратли қахрамон Аякс Теламон ўғли Ахиллнинг жасадини кўтариб, кемалар томон олиб кетди, уни Одиссей ҳимоя қиларди. Одиссейнинг устидан ўқлар ва найзалар булутга ёғиларди, лекин у қадамба-қадам чекинарган, уларнинг ҳужумини жасурона қайтариб турарди.

Аякс Ахиллнинг жасадини кемаларга етказиб келди. Юнонлар жасадни ювиб, тозалаб, хушбўй мойлар суртишди ва ҳашаматли безатилган тўшакка ётқизишди. Юнонлар тўшакнинг атрофида ўтириб олишди ва ўзларининг энг улў қахрамони учун аччиқ-аламли йиғлаб, қайғу ичра сочларини юлишарди. Уларнинг йиғисини маъбуда Фетида эшитди. У денгиз пўртаналарини ёриб, ўз сингиллари – нереидалар билан етиб келди. Суюкли ўғлининг ҳалок бўлганини билиб олган Фетида шундай дод-фарёд кўтардики, барча юнонлар саросимага тушиб қолди.

Уларни кекса Нестор тўхтатмаганда барчалари даҳшат ичра ўз кемалари томон югуриб кетган бўлардилар. Ахилл учун Фетида, нереидалар ва юнонлар ўн етти кун йиғлашди. Юксак Олимпдан илҳом илоҳалари – музалар ташриф буюришди. Улар марҳум шарафига дафн мадҳияларини куйладилар.

Қахрамон учун Олимпсоҳиб умрбоқий худолар ҳам йиғладилар. Ўн саккизинчи куни дафн гулхани ёқилди. Ахиллнинг жасадини куйдиришди. Қахрамонларнинг энг буюги шарафига юнонлар беҳисоб қурбонлар келтиришди. Дафн чоғи барча юнонлар дабдабали қурол-аслаҳаларини тақиб иштирок этишди. Гулхан охиригача ёниб бўлгач, Ахиллнинг сўнгақларини йиғиштириб, Фетидага маъбуд Дионис тортиқ этган олтин қутига солиб қўйишди. Патроклнинг сўнгақлари ҳам ўша қутида эди. Ахилл, Патрокл ва Несторнинг ўғли Антилох битта қабрга дафн этилганди.

Қабр устига юнонлар баланд тупроқ кўрғон тиклашди, у унинг тагида кўмилганларнинг буюк шуҳратидан гувоҳлик бериб, узокдан, денгиз томондан кўриниб турарди.

Дафндан сўнг марҳум шарафига ўйинлар қурилди. Маъбуда Фетида денгиздан қимматбаҳо армуғонлар олиб келганди. Улар ўйин ғолиблари учун соврин ва мукофот бўлмоғи керак эди. Ўша совғалар шундай дабдабали бўлдики, агар буюк қахрамон Ахилл тирик бўлганда, унда ҳам катта қувонч уйғотарди.

ТЕЛОМАН ЎҒЛИ АЯКСНИНГ ЎЛИМИ

Софоклнинг «Тигдор аякс» трагедияси асосида баён этилган

Ахиллнинг ўлимидан сўнг ундан Ҳефест томонидан ясалган олтин қуроллар қолди. Фетида уларни Ахиллнинг жасадини қўриқлашда ким кўпроқ жонбозлик кўрсатган бўлса, ўшанга беришни амр этди.

Демак, уларни ё Аякс, ёки Одиссей олмоғи керак эди. Улар ўртасида қуроллар учун баҳс-мунозара авжига чиқди. Хўш, бу муаммони қандай ҳал қилиш лозим? Иккала қахрамон ҳам инъомга муносиб. Ниҳоят, бу баҳсни ҳал этишда троялик асирлар ҳакамлик қилиши мумкин, деган қарорга келишди. Бу ерда ҳам Бокира – Афина ўз арзандаси Одиссейга ёрдам берди. Унинг ёрдамида Агамемнон ва Менелай Аякс чекига тушган қуръани алмаштиришган ва трояликларнинг овозини нотўғри ҳисоблашганди, натижада қурол-аслаҳаларни Одиссей олди. Аякс дилабгор бўлиб қолди. У Атрей ўғиллари ва Одиссейдан қасос олишни ўйлаб қўяркан, ўз чодирига йўл олди.

Тунда юнонлар қароргоҳи қаттиқ уйкуга чўмганда, Агамемнон ва Менелайни ўлдириш ниятида Аякс қўлида қиличи билан чодирдан чиқди. Лекин Бокира Афина Аяксни жинниликка (мубтало қилди) гирифтор этди. Ўз кучига ишониб, худолар ёрдами рад этгани учун Бокира Афина ундан кўпдан буён ғазабланиб юрарди. Жинни Аякс хўкизлар тўдасига ташланиб, юнонларни ўлдираётган дея хаёл қилиб, қоронғуда хўкизларни ўлдира бошлади. Хўкизларнинг қолганини асирларини ҳайдаб кетаятган деган ўй билан ўз чодирига бошлаб кетди. Аякс хўкизларни ўз чодирда ҳаддан ташқари қийнади. У уларнинг азоб-оқубати ва ўлиmidан суюнади. Унинг наздида улар хўкизлар эмас, балки Атрейнинг ўғиллари эди. Ниҳоят, аста-секин Аякснинг ақли жойига туша бошлади. Ўз чодирининг ўлдирилган хўкизлар билан тўлиб кетганини билган Аякс тамоман ҳайратга тушади. Даҳшат ичра гангиганича нима юз берганини тушунтиришларини илтимос қиларди. Унга рўй берган воқеани хикоя қилиб берганларида буюк қахрамоннинг қалбини таърифлаб бўлмайдиган ғам-андух чулғаб олди. У бошига тушган шармандаликни ўз ўлими билан ювишга қарор қилди. Ўғли Эврисакни химоя қилишни укаси Тевкр ва ўзи билан Саламиндан келган жангчиларга топшириб, бир пайтлар Ҳектор совға қилган қилични олиб, ўз қиличини эса Аид ва Тун маъбудасига бағишламоқ истайди ҳамда худолардан ўзига раҳм-шафқат сўрамоқчи бўлиб бораётганини айтиб, денгиз қирғоғига чекинади.

Юнонлар қароргоҳида Аякснинг қилмишлари ҳақида миш-мишлар тарқалади. У ўлдирилган хўкизлар ва қўйларни ҳамда чўпонларнинг жасаdlларини топишди. Одиссейнинг қон изларига қараб аниқлашича, бунинг ҳаммасида Аякснинг қўли бор эди. Агамемнон ва Менелай ўлгудай ғазабланишди, улар Аяксдан интиқом олишга жазм этдилар.

Шу аснода Тевкрдан хабарчи келди. У Аякснинг дўстларига буюк қахрамонни сақлаб қолиш кераклигини билдирди, чунки унга ҳалокат таҳдид солмоқда, ҳалокат айнан шу бугун рўй бериши эҳтимоли кўпроқ, агар шу кун хотиржам ўтса, Аяксга ҳеч нарса таҳдид сололмайди. Кўп ўтмай қароргоҳга Тевкрнинг ўзи ҳам келди. Акасининг денгиз қирғоғига кетганини билиб олгач, уни қидириб топиш учун югуриб кетди. У Аякснинг бошига бирор мусибат тушган бўлса керак дея кўрқарди. Ҳақиқатан ҳам у акасини тирик ҳолда топмади. Тевкр денгизи қирғоғида Аякснинг жасадини топди, холос. У ўз қиличига йиқилганди. Ахиллдан сўнг энг қудратли қахрамон Аякс шу зайл ҳалок бўлганди.

Менелай ва Агамемнон Тевкрга акасининг жасадини дафн этишга ижозат бермоқчи эмасди. Агар бу ишга Одиссей аралашмасайди Тевкр ва Атрей ўғиллари ўртасида ошқора адоват юзага келиши мумкин эди, юнонлар қароргоҳида эса низоли жанг бошланиб кетган бўлурди. У Агамемнонни юнонларга беғараз хизмат қилган буюк Аякснинг дафн этиш учун Тевкрга ижозат беришга кўндирди. Ахиллнинг қабртепаси ёнида янги қабртепа қад кўтарди. Ана шу қўрғонтепа остида Теламоннинг қудратли ўғли Аякснинг жасади ётарди.

ФИЛОКТЕТ. ТРОЯНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Софоклнинг «Филоктет» фожияси асосида баён этилган

Ахилл ва Аякснинг ўлиmidан сўнг юнонлар Трояни ишғол этишни матонат билан давом этиришарди, аммо шаҳарни куч билан забт этиш имкони йўқ эди. Бир кун Одиссей пистирмада туриб, Приамнинг қароматсоҳиб ўғли Хемнинг сўзларини эшитиб қолди ва уни айёрлик билан асирга туширди. Шундай қилиб, Одиссей юнонлар қўшинга Ҳераклнинг захарли камон ўқларига эга бўлган Филоктет ва Ахиллнинг навқирон ўғли Неоптолем қўшилгандагина Трояни забт этиш мумкинлигини билиб олди. Шу заҳотиёқ Одиссей иккала қахрамонни келтириш учун узоқ йўлга равона бўлди.

Скирос оролининг подшоси Ликомед хузурига келганда Ахиллнинг навқирон ўғлини Трояни ишғол қилишда иштирок этишга кўндириш Одиссей учун ҳамирдан қил суғургандек осон кўчди. Отаси сингари соҳибжамол Неоптолем ҳам катта жасоратлар кўрсатиш иштиёқида ёнарди. Онаси Дидамиянинг мени ташлаб кетмагин дея кўз ёшлари тўкиб ёлворишларига қарамасдан, у дарҳол Одиссей билан йўлга тушди.

Филоктетни қўлга тушириш анча қийин кечди. У Лемносга яқин бўм-бўш, кимсасиз Хриса оролида шарқ ва ғарб томонга йўлаги бўлган моғорада яшарди. Қишда ана шу йўлақлар орқали куёш моғорани иситар, ёзда эса шамол жазирама иссиқни муътадиллаштирарди. Филоктетга кўпинча очликни бошдан кечиришга тўғри келарди. У ёввойи кабутарларни отиб, катта қийинчилик билан ўзига овқат топарди. Оёғидаги яраси қаттиқ оғрир, боёқиш ўзига сув келтириш учун оёғини зўрға босиб юрарди. Тошни тошга уриб олов ёқиш ҳам унинг учун қийинчилик туғдирарди. Филоктет Хриса оролида роппа-роса ўн йил давомида ғоят катта муҳтожлик ва изтиробларни бошидан кечирарди. Хриса

кирғоқларига денгизчилар камдан кам келишар, лекин уларнинг бирортаси ҳам Филоктетни Юнонистонга олиб боришни ўз гарданига олмасди. Ушбу изтиробларнинг барчасининг сабабчиси Атрей ўғиллари ва Одиссей эди. Филоктет уларни ўлгудай ёмон кўрарди. Уларни ўз камон ўқлари билан жон деб жароҳатлаган бўларди.

Одиссей бордию уни Филоктет кўриб қолса, ўзини муқаррар ўлим кутаётганини биларди. Шунинг учун уни макр-хийла билан қўлга туширишга қарор қилганди. У ёш Неоптолемни Филоктет хузурига бориб, унга ўзининг Трояни тарк этганини, у ерда юнон йўлбошчилари ҳақорат қилганини сўзлаб беришга, агар Филоктет ўзини Юнонистонга олиб боринглар деб илтимос қилса розилик беришга, ана шу йўл билан Филоктетни, ўқ-ёйини қўлга киритишга, уни кемага бошлаб келишга кўндирди. Ўшандагина Филоктетни Троя остоналарига олиб бориш энгил бўлади. Неоптолем ноҳўя хатти-ҳаракатларга йўл қўйишни истамасди, аммо Одиссей фақат шу йўл билангина Филоктетни кемага жалб қилиш мумкин дея ишонтирди. Неоптолем рози бўлди.

Кема Хрисага етиб келганда Неоптолем бир неча жангчилар билан кирғоққа чиқди ва моғорага кириб борди. У ерда Филоктет йўқ эди. Кўп ўтмай Филоктет ҳам кўзга ташланди.

У овозининг бориша инграб моғорага келарди, унга яраси қаттиқ азоб бермоқда эди. Келгиндиларни кўраркан, Филоктет ўзида йўқ қувониб кетди. Олдида турган йигитнинг Ахиллнинг ўғли Неоптолем эканини билиб олгач, янада суюнди. Неоптолем жафокаш Филоктетга Одиссей ўйлаб топган ёлғон-ёшиқ қиссани, Ахиллнинг, Патрокл ва Аякснинг ўлими ҳақида сўзлаб берди. Филоктет ўзи ҳаммадан кўра яхши кўрган қаҳрамонларнинг ўлими ҳақидаги хабардан қайғуга чўмди. Филоктет Неоптолем билан бирга Юнонистонга сузиб кетишга розилик берди. У хатто ўзининг ўқларини ва ёйини Ахиллнинг ёш ўғлига бераркан, уларни Одиссейнинг макридан ҳимоя қил дея ялинарди. Филоктетнинг ўзи Неоптолемни тезроқ Юнонистонга сузиб кетайлик деб шошилтирарди.

Кутилмаганда қандайдир жангчи келиб, гўё қаҳрамон Феникс ва Тесейнинг ўғиллари Филоктетни зўрлик билан Трояга олиб кетиш учун келишмоқда дея хабар беради. Ўзининг қаттиқ азоб-изтиробларига қарамасдан, улар туфайли беҳуш йиқилсада, Филоктет кирғоққа шошилади. Неоптолем унинг изтиробларини ўз кўзи билан кўрди. У ёлғон гапиришга ортиқ бардош беролмайди, Филоктетга барча ҳақиқатни очиб ташлади. Неоптолем ўқ-ёйини эндигина Филоктетга қайтариб бераман деганда пистирмадан югуриб чиққан Одиссей бундай қилишга йўл қўймади. Филоктет манфур Одиссей ва Атрей ўғилларининг қўлида итоаткор қурол бўлмасам бас, дея югуриб бориб, ўзини қоя чўққисидан денгизга ташламоқчи бўлди. Одиссей хизматкорларига Филоктетни ушлаб, зўрлик билан кемага келтиришни амр этди. Филоктет талвасага тушиб қолганди. Неоптолем унинг изтиробларига қарай олмай, боёқишнинг ўқ-ёйини ўзига қайтариб берди. Одиссейнинг барча режалари барбод бўлди. У Ҳеракл ўқидан ўлимнинг нақадар даҳшатли эканини биларди, шу боис қочиб қутулишга шошилди.

Неоптолем яна бир бор Филоктетни Трояга боришга ва уни забт этишда юнонларга ёрдам беришга кўндиришга уриниб кўрди, аммо Филоктет қатъиян рад жавобини берди – у Агамемнон, Менелай ва Одиссей маҳкум этган изтиробларни унутолмаганди. Улар ё мақсадга эришмасдан Хрисани тарк этиш ёки Неоптолем тагин ёлғонга мурожаат қилишга мажбур деган хаёлга боришарди.

Тасодифан Филоктетнинг кўз ўнгида ёғду сочган умрибоқий маъбуд қиёфасида Ҳеракл пайдо бўлди. У Филоктетга Троя остоналарига боришни амр этди. У ердаги энг буюк қаҳрамонларидан Филоктетга яраларингни даволайман, Трояни забт этишда буюк шухрат қозонасан дея ваъда берганди. Филоктет дўсти хоҳиш-иродасига тобе бўлди. У ўз ихтиёри билан Одиссейнинг кемасига ўтирди ва ўзини буюк жасоратлар кутаётган Трояга сузиб кетди.

Неоптолем Троя остоналарига келгач, бир талай жасоратлар кўрсатди. Куч ва ботирликда ҳеч ким Ахиллнинг ўғли билан тенглашолмасди. Троя жангида Неоптолемнинг қўлидан бешумор троялик қаҳрамонлар ҳалок бўлишди. У шафқатсиз яккама-якка жангда Ҳераклнинг қудратли наслдоши – Эврипилни ҳам ўлдирди. Уни Приамга ёрдам бериш учун соҳибжамол Ҳанимед учун Зевс ўстирган қимматбаҳо армуғон – олтин узум шодасига сотилган онаси юборганди. Мемнондан сўнг Троянинг энг қудратли муборизи бамисоли маъбуд чиройли йигит Эврипил эди. Уни онасининг таъмагирлиги нобуд қилди.

Троя остоналарига келгандан сўнг кўп ўтмай Филоктет бутун урушнинг айбдори бўлган Парисни ўз ўқи билан ярадор қилди. Филоктет уни Ҳераклнинг заҳарли ўқи билан жароҳатлаганди, унинг ярасига даво йўқ. Энди Парис оғир изтироб тортиб ўлиши керак эди. Ўқнинг заҳри унинг танасига борган сайин чуқурроқ сингарди. Парис Трояни тарк этиб, ўрмонга чекинди ва ўша ерда азоб-укубатда

оламдан ўтди. У бир пайтлар оддий чўпон сифатида дориломон яшаган жойда ўлди. Париснинг жасадини чўпонлар топиб олишди. Улар ўзларининг собиқ ўртоғи ўлими учун аччиқ алам билан кўз ёши тўкишди. Улар каттакон гулхан ёқиб, унинг устига Париснинг жасадини жойлаштиришди ва куйдириб юборишди. Чўпонлар унинг хокини йиғиштириб, кутига солиб, қабрга қўйишди.

Шаҳарни ҳимоя қилиш трояликлар учун кун сайин кийинлашиб борарди. Лекин юнонлар Трояни куч билан забт этолмас эдилар. Шунда Одиссей хавфли жасорат кўрсатишга журъат этди. У тиф билан юзини кўримсиз ҳолга келтириб, жулдур кийим кийиб, гадоё қиёфасида Трояга келди, у трояликларнинг ниятини билмоқчи бўлди. Барча трояликлар одамлар билан гавжум кўчаларда тиланчилик қилиб юрган фақир бир гадони кўриб турарди. Одиссейни фақат Еленагина таниди. Уни уйига таклиф қилиб, унинг танасини тозалаган Елена унинг кимлигини трояликларга билдирмасликка онт ичди. Одиссей ҳамма нарсани билиб олди, кўп соқчиларни ўлдириб, юнонлар қароргоҳига қайтиб келди. Одиссей ва Диомед бундан ҳам хатарли жасорат кўрсатишди: улар ҳеч кимга билдирмасдан Троядаги Афина-Паллада ибодатхонасига киришди. У ерда қачонлардир осмондан тушган маъбуда Афинанинг ёғоч тасвири (палладий) сақланарди. Ана шу тасвири юнонлар қўлга киритиши зарур эди, чунки у Трояда сақланиб қоларкан, уни забт этиш амри маҳолдир. Катта хатар борлигига қарамасдан, жасур қаҳрамонлар уни ўғирлаб келишди. Ортга қайтишда улар бир талай трояликларни ўлдириб, қароргоҳларига етиб бордилар.

ТРОЯНИНГ ҚУЛАШИ

Асосан Вергилийнинг «Энейнома» достони асосида баён этилган

Ҳар ҳолда юнонлар шаҳарни забт этишолмаётганди. Шунда Одиссей юнонларни айёрлик билан ҳаракат қилишга ишонтирди. У ичига энг кучли юнон қаҳрамонлари жойлашадиган баҳайбат ёғоч от ясашни маслаҳат қилди. Лекин қолган кўшинлар Троя қирғоқларидан Тенодос оролигача сузиб бориши керак эди. Трояликлар отни шаҳар ичкарасига олиб кирганларида тунда унинг ичидаги қаҳрамонлар чиқиб, шаҳар дарвозаларини билдирмасдан келган юнонлар учун очиб қўйишади. Одиссей фақат шу йўл билангина шаҳарни забт этиш мумкин дея ишонтитарди.

Зевс томонидан юборилган аломатларга эга бўлган қароматсоҳиб Калхас ҳам юнонларни айёрликка мурожаат қилиш керак дея ишонтитарди. Ниҳоят, юнонлар Одиссейнинг таклифига қўшилишди. Машҳур рассом ўзининг шоғирди билан маъбуда Бокира-Афина ёрдамида улкан ёғоч от ясади. Унга Неоптолем, Филоктет, Менелай, Идомей, Диомед, кичик Аякс, Мерион, Одиссей ва бошқа бир қанча қаҳрамонлар кириб олишди. Отнинг ичи қуролланган жангчилар билан тўлиб қолди. Эней қаҳрамонлар кирган тешикни шундай зичлаб ёпдики, отнинг ичида жангчилар бор деб ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Шундан сўнг юнонлар ўзларининг қароргоҳида бўлган барча қурилишларни ёндириб, кемаларига ўтиришди-да очик денгизда сузиб кетишди.

Орқага чекинганлар Троянинг баланд деворлари оша юнонлар қароргоҳида ғайри-одатий ҳаракатни кўриб туришарди. Улар узоқ вақтгача нималар юз бераётганини англай олмадилар. Бирдан улар не кўз билан кўрсинки, юнонлар қароргоҳидан буруқсаб тутун кўтарилмоқда. Уларнинг тушунишича, юнонлар Трояни тарк этишганди. Трояликлар суюнганича шаҳардан чиқиб, қароргоҳга боришди. Чинданам қароргоҳ тарк этилган бўлиб, ахён-ахёнда қурилишлар ҳалигача ёнаётган эди. Трояликлар яқин орагача Диомед, Ахилл, Агамемнон, Менелай ва бошқа қаҳрамонларнинг чодирлари жойлашган ерларни синчиклаб кўриб чиқишди. Уларнинг хаёлида муҳораба тугаб, барча мусибатларга чек қўйилгандек, энди тинч меҳнатга берилиб кетса бўларди.

Трояликлар бирдан ҳайратга тушиб, тўхтаб қолишди: улар ёғоч отни кўришди. Улар уни кўздан кечиришаркан, бу ҳайратомуз қурилма нима бўлдиёкан деб тахминларга берилиб кетишди. Улардан баъзи бирлари отни денгизга ташлаш керак деса, бошқалари уни шаҳарга олиб кириб, акрополга (шаҳарнинг марказ қисмига) қўйиш керак дерди. Баҳс бошланди. Баҳслашувчилар олдида маъбуд Аполлоннинг қоҳини Лаокоон пайдо бўлди. У ўзининг ҳамшаҳарларини отни маҳв этиш керак дея ишонтира бошлади. Лаокоон отнинг ичида юнон қаҳрамонлари яширинган, бунинг Одиссей томонидан ўйлаб чиқилган ҳарбий ҳийла эканига амин эди. Лаокоон юнонларнинг Трояни бутунлай тарк этганига ишонмасди. У отга ишонмаслик керак дея трояликларга ялинарди.

Нима бўлишига қарамасдан, улар Трояга совғалар келтирган чоғда ҳам Лаокоон баҳайбат найзани олиб, отга қаратиб ирғитди. Зарбанинг кучидан от ларзага келди, унинг ичидаги қуроллар эшитилар эшитилмас жаранглади. Худолар трояликларнинг ақлини гангитди – улар отни шаҳарга олиб киришга қарор қилишди. Амри тақдир бажо келтирилмоғи керак эди.



Трояликлар отнинг теварагида туриб, унинг нари-берисидан ушлаб кимирлатмокчи бўлаётганда тўсатдан қаттиқ қичкириқ эшитилди. Шунда чўпонлар қўллари боғланган асирни бошлаб келишди. Ўша асир юнон йигити Синон эди. Трояликлар уни ўртага олиб, ҳақорат қила бошлашди. Синон жим турар, ўзини ўраб олганларга кўрқа-писа қараб қўярди. Ниҳоят, у тилга кирди. У кўз ёши тўқаркан, ўзининг шум қисматидан аччиқ алам билан зорланарди. Синоннинг кўз ёшлари Приамни ва барча трояликларни тўлқинлантириб юборди. Ундан кимлигини, нечун қўлга тушганини сўрай бошлади-лар. Шунда Синон трояликларни алдаш учун Одиссей ўйлаб чиқарган кассани ҳикоя қила бошлади. Синон Одиссей ўзини қандай ўлдирмокчи бўлганини айтди, чунки у Одиссейни ўлгудай ёмон кўрган Паламеднинг қариндоши эди. Шунинг учун юнонлар муҳосарани тўхтатишга қарор қилганларида Одиссей Калхасни гўё худолар ватанга эсон-омон қайтиш учун одамзотни қурбон қилишни талаб қилапти деб қаромат қилишга кўндирганмиш. Калхас айёрона узок ўйга ботгач, Синонни қурбон қилиш керак дея кўрсатганини, юнонларнинг Синонни ушлаб қурбонгоҳга келтирганини, лекин Синон арқонни узиб қочиб кетганини ва шу зайл халос бўлганини, юнонларнинг ўз юртига сузиб кетишини кутиб бутазорларда узок вақт яшириниб юрганини, юнонлар сузиб кетгач, қамишзордан чиқиб, ўз ихтиёри билан троялик чўпонларга асир тушганини сўзлаб берди. Трояликлар устомон юноннинг сўзларига ишонишди. Приам уни озод қилишни амр этди ва юнонлар томонидан қароргоҳда қолдирилган ёғоч отнинг нимани англатишини сўради. Синон худоларни ўртага солиб, тўғриси айтишагини баён этди. Синон отнинг Троядан ўғирлаб келинган палладий (*Афинанинг қуролланган тасвири – Тарж.*) учун ғазабланган Бокира Афина кўнглига раҳм солиш учун юнонлар томонидан қолдирилганини айтди. Синоннинг сўзларига кўра, бу от, агар уни шаҳарга киритишса, Троянинг энг қудратли ҳимоячиси бўлади.

Трояликлар Синоннинг шундай деганига ҳам ишонишди. У Одиссей топширган вазифани аъло даражада адо этди. Трояликларни ишонтирган нарса Синоннинг Бокира Афина томонидан юборилган буюк мўъжиза бўлди. Шу он денгиздан иккита баҳайбат илон чиқиб келаварди. Улар денгиз тўлқинларини ёриб иланг-биланг букилиб қирғоқ сари сузиб келишарди. Уларнинг бошларидаги қайиндай қип-қизил тожлари баланд кўтарилганди. Илонларнинг кўзлари ўтдек чакнарди. Улар қирғоқнинг Лаокоон денгиз худоси Посейдонга қурбон келтирган жойига судралиб чиқишди. Даҳшатга тушган трояликлар тумтарақай бўлиб кетишди. Илонлар Лаокооннинг иккала ўғлига ташланишди ва уларга чирмашиб олишди. Лаокоон ўғилларига ёрдамга шошилди, лекин илонлар унинг танасига ҳам ўралиб олишди. Улар ўзларининг ўтқир тишлари билан Лаокоон ва ўғилларининг танасини тилка-пора қилардилар. Боёқиш Лаокоон танасидан илонларни юлиб, ўғилларини халос этишга интиларди, лекин беҳуда. Ўлимнинг яқинлашганини сезган Лаокоон қаттиқ қичқирди. Аъзои бадани акашак бўлиб борарди. Мутлақо бегуноҳ ўғилларининг даҳшатли ўлимини кўрган Лаокоон ана шундай ҳалок бўлди, у худолар хоҳиш-иродасига қарши бориб, ватанни халос этмокчи бўлгани учун ҳалок бўлди. Илонлар эса ўзларининг илонлигини қилиб, судралиб Бокира Афина хайкали – қалқони тагида пинҳон бўлишди.

Лаокооннинг ҳалок бўлиши трояликларнинг ёғоч отни шаҳар ичкарасига олиб кириш керак деган ишончини янада кучайтирди. Улар шаҳар деворининг бир қисмини бузиб ташлашди, чунки баҳайбат отни дарвозадан киритиш мушкул эди. Улар отни арқон билан тортиб, катта шодиёна ва мусиқий садолар остида шаҳарга олиб киришди. Уни девор тешилган жойдан олиб ўтаётганларида от бир неча жойда деворга урилиб тўрт марта қадалиб қолди, унинг ичидаги юнонларнинг қуроллари бир-бирига тегиб, қаттиқ гумбурлаш бўлди, аммо бунинг трояликлар эшитмасди. Ниҳоят, улар отни шаҳар марказига олиб киришди. Акрополда отни кўраркан, қароматсоҳиба Кассандра даҳшатга тушди. У Троянинг ҳалокатини башорат қиларди, аммо трояликлар кулиб, унинг башоратларига ҳеч ким, ҳеч қачон ишонмаган деб қўйишарди.

Қаҳрамонлар отнинг ичида чурқ этмасдан, ташқаридан эшитиладиган тик этган ҳар қандай товушга кулоқ тутиб ўтиришарди. Улар Зебо сочли Еленанинг қандай қилиб, ўзларининг хотинларининг овозига тақлид қилиб, ном-баном қақираётганини эшитиб туришарди. Жавоб бермасин дея Одиссей қаҳрамонлардан бирининг оғзини қўли билан маҳкам ёпди. Қаҳрамонлар Троя қамалининг тугаганлиги муносабати билан юз бераётган шодиёна ва берилаётган зиёфатлар шовқинини баралла эшитиб туришарди. Ниҳоят, тун ўзининг зулмат пардасини ёйди. Сукунат чўкди. Троя қаттиқ уйқуга чўмди. Ёғоч от ёнида овоз эшитилди, бу Синоннинг қаҳрамонлар энди чиқишлари мумкин дея берган белгисидир.

Синон Троя дарвозаси олдида улкан гулхан ёкишга ҳам улгурганди. Бу Тенедос атрофида яширинган юнонларнинг тезда Трояга шошилиши учун берилган белги эди. Қахрамонлар отнинг ичидан эхтиёткорона, қуроллари билан шовқин чиқармасликка интилиб, бирин-кетин чиқишди. Биринчи бўлиб Одиссей билан Эней пайдо бўлди. Қахрамонлар уйкуга кетган Троя кўчалари бўйлаб тарқалишди. Тонг шуъласидан қизариб турган уйлар қулаётган Трояни алвон ранг ёғдуга чўмдирганди. Юнонларнинг қолганлари ҳам етиб келишди. Улар деворнинг ёриқ жойидан Трояга ёпирилиб киришди. Дахшатли муҳораба бошланди. Трояликлар дуч келган нарса билан ҳимояланишга уринишарди. Улар юнонларга қаратиб ёниб турган тўсинлар, столлар, идиш-товоқларни, боягина зиёфат учун гўшт пиширган сихларни итқитишарди. Юнонлар ҳеч кимни аямасди. Троялик аёллар ва болалар дод-фарёд қилиб, кўчаларда югуришарди. Ниҳоят, юнонлар минорали деворлар билан муҳофаза қилинган Приамнинг саройига яқинлашиб келишди. Трояликлар ўзларини талвасага тушган ҳолда ҳимоя қилишарди. Улар юнонлар устига бутун бошли минорани ағдариб юборишди. Шундан сўнг юнонлар янада қахшатгич зарба бера бошлашди. Ахиллнинг ўғли Неоптолем сарой дарвозасини болта билан кўпориб ташлади ва биринчи бўлиб ичкарига бостириб кирди. Унинг ортидан саройга бошқа қахрамон ва жангчилар ташланишди. Приамнинг саройида хотин-халаж ва болаларнинг дод-фарёди кўтарилди. Унинг қизлари ва келинлари маъбудлар меҳроби ёнида тўпланиб туришар, шу ердан паноҳ топишга уринардилар. Қуролланган Приам уларни ҳимоя қилиш ёки жангда ўлишга қарор қилганди, лекин Ҳекуба кексайган подшога меҳроб ёнида паноҳ топишинг керак дея ялинарди. Наҳотки, шарти кетиб, парти қолган чол шундай бақувват қахрамонларга қарши кураша олса!

Дафъатан Неоптолем бостириб кирди. У Приамнинг ўлар даражада яраланган ўғли Политни таъқиб этарди. Неоптолем Политни найза зарбидан отасининг оёғи остига қулатди. Приам ҳам Неоптолемга қарата найза ирғитди, аммо унинг найзаси Ахилл ўғлининг қалқонига тегиб, майин қамиш янглиғ отилиб кетди. Неоптолем қаҳру ғазаб устида кекса Приамнинг оппоқ соқолидан ушлаб олдида, кўксига ўзининг ўткир найзасини қадади. Буюк Трояда шунча йиллар ҳукмронлик қилган Приам ўша шаҳарда ҳалок бўлди. Приамнинг ўғилларидан бирортаси ҳам тирик қолмади. Ҳатто невараси Ҳекторнинг ўғли Астианакс ҳам ўлдирилганди. Уни бахтиқаро Андромаханинг кўксидан юлиб, Троя деворларининг энг юксак минорасидан ташлаб юборган эдилар. Менелай Париснинг ўлимидан сўнг Еленанинг эри бўлган Денобни ухлаган жойида ўлдирди. Менелай азоб устида соҳибжамол Еленани ҳам ўлдирган бўлурди, лекин Агамемнон уни ниятидан қайтарди. Маъбуда Афродита эса тагин Менелай кўнглида Еленага меҳр-муҳаббат уйғотди. У уни тантанавор тарзда ўз кемасига бошлаб борди. Приамнинг афсунгар қизи Кассандра Бокира-Афина ибодатхонасидан ўзига нажот изларди. Уни у ердан Оилейнинг ўғли Аякс топди. Кассандра Афина ҳайкали олдида тиз чўкиб, маъбуданинг тимсолини маҳкам кучиб олганди. Аякс уни кўполларча ушлаб, шундай куч билан юлқиб ташладики, муҳаддас ҳайкал қулаб тушди ва чилпарчин бўлиб кетди. Аяксдан юнонлар ўта ғазабланишди, ундан улуг маъбуда ҳам ғазабланди. Кейинчалик бунинг учун у Аяксдан шафқатсиз қасос олган.

Троя қахрамонларидан фақат ўзининг кекса отаси Анхизни ва жажжи ўғилчаси Асканийни қўлида ушлаб чиққан Энейгина омон қолганди. Юнонлар, шунингдек, Троя қахрамони Антенорни ҳам аяшди. Уни зебо сочи Еленани ва Парис томонидан ўғирланган Менелайнинг бойликларини қайтариб бериш керак дея маслаҳат бергани учун ўлдиришмади.

Троя хийла вақтгача ўт ичида қолди. Тутун булутлари осмону фалакка ўрларди. Маъбудлар буюк халқнинг ҳалокати учун йиғларди. Троя ёнғини узоқ узоқлардан кўзга ташланарди. Атрофдаги халқлар Осиёдаги энг қудратли шаҳар бўлган Троянинг қулаганини самовотга кўтарилаётган тутун булутларига ва баҳайбат тун шафағига қараб билиб олгандилар.

ЮНОНЛАРНИНГ ЎЗ ВАТАНЛАРИГА ҚАЙТИШЛАРИ

Асосан Еврипиднинг «Андромаха» ва «Ҳекуба» трагедиялари асосида баён этилган

Юнонлар Трояда бениҳоя катта ўлжаларни қўлга киритишди, бу жафокаш шаҳарнинг ўн йиллик камали даврида бошидан кечирган чексиз мусибатлари учун уларга қилган инъому эҳсон эди. Юнонлар ўз кемаларида ниҳоятда кўп олтин ва кумуш, асбоб-анжом, қурол-яроғ, бир талай соҳибжамол асирларини олиб кетишди.

Юнонларнинг кемалари Ҳелеспонтнинг карама-қарши қирғоғига етиб келганда буюк Ахиллнинг кўланкаси пайдо бўлди. Қахрамон бир пайтлар ўзи учун хотинликка белгилаб қўйилган Приамнинг соҳибжамол қизи Поликсемани ўзи учун қурбон қилишни талаб қиларди. Агамемнон Поликсенадан жудо бўлишни истамасди. Кассандра ҳам синглисига раҳм қилишни илтижо қилиб ялинарди. Лекин



Одиссей Троя қамали даврида Ахиллнинг юнонларга қандай буюк хизматлар кўрсатганини эслатиб, ушбу қизни қурбон келтириш ҳақидаги фикрни қатъий маъқулларди. Аммо Поликсенанинг ўзи ҳам қурбонгоҳга келишга тайёр эди. У бу ҳодисанинг ёт элда машаққатли кулликдан халос бўлиш эканини яхши биларди. Поликсена бамайлихотир ва хотиржамгина қўлига қурбонлик пичоғини ушлаб турган Неоптолемга бўйин эгмай, ўзи меҳробга қараб борди. Аммо Поликсена ўзини ўлдириши керак бўлган йигитнинг қўл тегизишига йўл қўймади. У Аид салтанатига қул сифатида тушиб кетишни истамасди. Ўзи меҳроб ёнига бориб, кўкрагини яланғочлади. Неоптолем ғам-алам билан оҳ тортаркан, унинг кўксига пичоқ санчди, Ахилл шарафига бунёд этилган қурбонгоҳ қип-қизил қонга беланди.

Поликсена қурбон қилингандан сўнг юнонлар узоқ ватани сари кетишди. Улар юртларига қайтаётиб, йўлда жуда кўп мусибатларни бошдан кечиришди. Кўп қаҳрамонлар ватанларини кўролмай халок бўлишди.

Троя тор-мор келтирилаётган чоғдаёқ ғазабланган Бокира Афина юнонлар ва Атрей ўғиллари ўртасида бир-бирига нисбатан катта хусумат уйғотди. Менелай дарҳол Юнонистонга сузиб кетмоқчи бўлди, Агамемнон эса қурбонлар келтириб, Афинанинг қўнглига раҳм солмагунча юнонлар Трояда қолишлари лозим дея талаб қиларди. Агамемнон маъбуданинг қўнглига қандай қилиб раҳм солишни билмасди, ака-укалар баҳси кун бўйи давом этди. Эртасига эрталаб юнонлар кемаларининг муайян қисми қўлга киритилган беҳисоб ўлжалардан ўз улушини олиб, Трояни тарк этди. Нестор, Диомед, Неоптолем, Идомений ва Филоктет сузиб кетишди. Бир қанча вақт ўтгач, Менелай ҳам сузиб кетди. У Нестор ва Диомедга Лесос оролида етиб олди. Трояни Одиссей ҳам тарк этганди, бироқ у Тенодосда ўзининг йўлдошлари билан баҳслашиб қолди ва тагин орқага, Агамемнон хузурига, Трояга қайтиб келди.

Лесбосда йиғилган қаҳрамонлар у ердан Эвбей оролига сузиб кетишди. Эвбейда, маъбуд Ҳефестга бағишланган бурунда улар Посейдонга қурбон келтириб, сузишда давом этишди. Орадан тўрт кун ўтгач, Диомед Аргосга, Нестор эса Пилосга етиб келди. Шунингдек, Идомений, Филоктет ва Неоптолем ҳам омон-эсон ватанларига қайтиб келишди.

Аммо Менелайга бағоят кўп азоб-уқубатни бошдан кечиришга тўғри келдию, Суний бурни, Аттиканинг шарқий чеккасида маъбуд Аполлон Менелайнинг дарғаси Фронтисни камон ўқи билан жароҳатлаб ўлдирди. Менелай қирғоққа етиб келгач, Фронтис хашаматли дафн маросими ўтказди, шундан сўнггина йўлида давом этди. Унинг кемалари хатарли Маля бурни, Лакониянинг жанубий-ғарбий чеккасини айланиб ўтганда Зевс жуда шиддатли бўрон пайдо қилди. Денгизда тоғдай келадиган баҳайбат тўлқинлар вужудга келганди. Бўрон Менелайнинг кемаларининг бир қисмини Крит оролига ҳайдаб кетди, у ерда улар қояларга урилиб, чилпарчин бўлиб кетишди. Улардаги юнонлар катта азият чекиб омон қолишганди. Менелай ва бошқаларнинг кемалари эса хийла вақтгача очик денгизда сарсон-саргардон елавериб, ниҳоят, Миср соҳилларига етиб келишди. Менелай етти йил бадалида ажнабий халқлар ўртасида сарсон-саргашта кезиб юрди. У сидонликлар, ҳабашлар ва бошқа халқлар диёрида ғарибона кезди. У Кипрда, Финикияда ва ҳадсиз-худудсиз подалари билан шуҳрат қозонган узоқ Ливияда ҳам бўлганди. Менелай ўзи бўлган ўлкаларда жуда катта инъому эҳсонга эга бўлган, бешумор бойлик тўплади. Мисрда Фооннинг хотини Полидамна соҳибжамол Еленага сеҳрли ўсимликлар ширасидан тайёрланган дори совға қилади. Ўша дорини винога қўшиб ичган киши энг аччиқ ғам-аламини ҳам унутарди, ниҳоят, Мисрдан қайтаётганда Менелай Фарос оролига келиб қолди. Ушбу оролда Менелай йўлдош елнинг эсишини йигирма кун кутди. Орол бўм-бўш эди, озиқ-овқат ҳам тугай деб қолганди. Ҳаммага очликдан ўлиш таҳдид соларди, Менелай ва унинг ҳамроҳларини денгиз худоси Протейнинг қизи маъбуда Идофея кутказди. У Менелай олдида пайдо бўлиб, унга Протейни қўлга олиш ва уни худолар хоҳиш-иродасини баён этишга мажбур қилиш йўлини ўргатди. Субҳи содиқда, эндигина тонг маъбудаси Эос самога парвоз этганда Менелай ўзининг уч нафар кучли ва жасур ҳамроҳлари билан денгиз қирғоғига борди. У ерда уларни тўрт дона тюлень териси билан Идофея кутиб турарди. Идофея ўша териларни Менелай ва унинг шерикларига тутқизди, уларга териларнинг бадбўй хиди азоб бермасин деб, уларнинг бурунларига худолар емаги – амброзия суртиб қўйди. Менелай ва унинг шериклари денгиз қирғоғида кимирамасдан ётарди. Ниҳоят, Протей тюленлар подаси билан денгиз қирғоғига сузиб чиқди. У тюленларни санадида, бамайлихотир кумга ётиб, ухлаб қолди. Менелай қаттиқ наъра тортаркан, шериклари билан Протей устига ташланди. Қаттиқ кураш бошланди. Протей арслонга, илонга, қоплонга, қобонга, сув ва дарахтга айланарди, аммо Менелай ва унинг шериклари маҳкам ушлаб, сира қўлдан қўйишмасди. Ниҳоят, чол тобе бўлиб, ўзининг собиқ қиёфасига кирди ва Менелайдан нимани билмоқчи эканлигини сўради.

Менелай денгизсоҳиб чолдан ўзидан худолардан ким ғазабланганини ва нега унга йўлдош ел юбормаётганини сўраб олди. Протей Менелайга Мисрга қайтишни ва у ерга худоларга гекатомбани (юзта хўкиз) қурбон келтиришни амр этди, ўшандагина худолар унга раҳм қилиб, йўлдош ел етказишга ҳамда ўз ватанига омон-эсон қайтишини баён этди. Афсунгар Протей Менелайга ўзининг ва хотини Еленанинг тақдири қандай бўлишини каромат қилди ҳамда уларнинг Троядан чиқиб кетаётганларида қахрамонлардан ҳар бирини нима кутаётганини, бошидан нима кечажагини бирма-бир башорат айлади. Менелай Протейнинг амрини ижро этди. У Мисрга қайтиб, худоларга қурбон келтирди. Худолар унга йўлдош ел ато этишди, у омон-эсон жонажон Спартага етиб келди ва у ерда узоқ йиллар бахтли ҳаёт кечирди. Менелай ва хотини соҳибжамол Елена вафотидан сўнг ҳеч қандай қайғу кўрмай, мангу яшайдиган масъудлар оролига кўчирилганди.

Агамемнон ҳам ватанига қайтаётганда катта хавф-хатарни бошидан ўтказди. Ўзи ва ҳамроҳлари Эвбей ороли соҳилларига эсон-омон етиб келишди. Шу ерда, нақ Ҳерей бурнида жуда қаттиқ бўрон кўтарилди. Уни юнонлардан ғазабланган Афина юборганди. У, айниқса, Оилейнинг ўғли Аяксга қаттиқ ғазабланди. Кўп кемалар қояларга урилиб нобуд бўлди. Аякснинг кемаси ҳам парчаланиб кетди. Агар ерни ларзага келтирадиган буюк маъбуд Посейдон аралашмаса, у денгиз пўртаналари ичра гумдон бўларди. У тўлқинларга Аяксни Ҳерей қоясига томон қаратиб ташлашни амр этди. Аякс халос бўлганди. Лекин уни ўзига бино қўйганлиги ҳалок этди. У аҳмоқона ғурур билан худоларнинг ёрдамисиз, ҳатто уларнинг хоҳиш-иродасига қарши борган ҳолда ўзим халос бўлдим дея қичқириб юборди. Маъбуд Посейдон ўзи халос этган кишининг қўрс сўзларини эшитиб турарди. Ғазаб алангасида ёниб турган маъбуд уч айрим найзасини силтадию, у билан устида Аякс турган қояга зарба берди. Қоя иккига бўлинди. Унинг ярми даҳшатли гулдурос билан денгизга кулаб тушаркан, ўзи билан бирга Аяксни ҳам олиб кетди. У Посейдон ҳозиргина халос этган пўртанада ҳалок бўлди. Агамемноннинг кемалари эса бўрондан зўрға омон қолиб, ниҳоят, жонажон соҳилларга етиб келди. Лекин ўзининг олтинга бой Микенасига қайтиб келиши Агамемнон учун шодлик эмасди. Зероки уни у ерда бевафо хотини Клитемнестра қўлидан бўладиган ўлим кутарди.



ОДИССЕЯ

ОДИССЕЙ НИМФА КАЛИПСО ХУЗУРИДА

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Троя остоналаридан Итакага қайтаркан, қахрамон Одиссей ниҳоятда кўп фалокат, кўп ваҳимали хавф-хатарни бошидан кечирди. У ўзининг барча ҳамроҳларидан жудо бўлди, улар ҳалок бўлишди, шум қисмат бирортасини ҳам аямади. Узоқ саргардонликдан сўнг Одиссей Огигия оролидаги Калипсо исмли нимфаникига келиб қолди. Одиссейга етти йил бадалида кудратли сеҳргар Калипсоникида изтироб чекишга тўғри келди. Саккизинчи йил кетаётганди. Одиссей жонажон Итака ва ўз оиласини дея ҳасрат чекарди, у ватанимга кўйиб юбор деб ялинарди, аммо Калипсо уни ҳамон ўз хузурида сақларди. Ниҳоят, Олимпсоҳиб худолар Одиссейга раҳм қилишди. Худолар йиғинида Зевс қизи бокира Афинанинг илтимосига кўра, денгиз худоси Посейдоннинг Одиссейни унинг ўғли циклон Полифемнинг кўзини кўр қилгани учун ундан ғазабланиб, уни ҳамма жойда таъқиб этсада, ватанига қайтаришга қарор қилди.

ИТАКАДА ОДИССЕЙ ЙЎҚЛИГИДА УНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ЭТИБ, БЕБОШЛИК ҚИЛГАН ХУШТОРЛАР

Худолар Одиссейни ватанига қайтаришга қарор қилганда жанговар маъбуда Афина шу заҳотиёк юксак Олимпдан ерга, Итакага тушди-да, тафийлар подшоси Мент қиёфасига кириб, Одиссейнинг уйига борди. У ерда Одиссейнинг хотини Пенелопага совчилик қилаётган авбош хушторларни учратди. Улар зиёфатлар бериладиган хонада, уларга қуллар ва хизматкорлар тайёрлайдиган зиёфатни кутиб, ошиқ ўйнаб ўтиришарди. Афинани биринчи бўлиб Одиссейнинг ўғли, Телемах кўрди. Телемах хаёлий (сохта) Мент билан самимий саломлашди. У уни уйга бошлаб борди-да, куёвликка иштиёқмандлардан сал нарида алоҳида ёзилган дастурхон атрофига ўтқазди. Зиёфат бошланди. Хушторлар қоринларини тўйғазишгач, кўшиқ тинглаб кўнгилларни ёзиш учун кўшиқчи йигит Фемийни даъват этишди. Фемий кўшиқ айтаётганда Телемах Мент томонга энгашиб, хушторлар эшитмайдиган қилиб, улар бошига солаётган фалокатлардан шикоят эта бошлади. Телемах отаси Одиссейнинг шу пайтгача ватанига қайтмаётганидан ғамга ботарди. Отаси келсайди, Телемахнинг ўзи ўйлаганидек, бошидан кечираётган барча мусибатларга чек қўйилган буларди. Телемах меҳмоннинг кимлигини, исми нима эканлигини сўради. Бокира Афина ўзини Мент деб таништиргач, Одиссейни танишини, ўғли Телемахнинг унга ўхшашини, гўё уйда нималар юз бераётганидан беҳабардек, талмовсираб, Телемахдан тўй бўлаётгани, ёки бирорта байрамни нишонлаётганини, деб сўради. Нега унинг меҳмонлари бунча ўзбошимчалик қилишмоқда? Шунда Телемах меҳмонга барча аламини тўкиб сочди. У меҳмонга ўша баттол куёвларнинг онаси Пенелопани улардан бирини ўзига эрликка танлашга мажбур этаётганларини, уларнинг қандай ўзбошимчалик қилиб, мол-мулкни талон-тарож этаётганларини ҳикоя қилиб берди. Афина Телемахнинг сўзларини диққат билан тинглагач, унга Итака халқидан ҳимоя сўрашни, халқ йиғинида жазманлардан шикоят қилишни маслаҳат берди. Афина, шунингдек, Телемахга Пилосга бориб кекса Нестордан ва Спартага бориб, шоҳ Менелайдан Одиссейнинг тақдири қандай бўлганини билиб олишни маслаҳат қилди. Телемахга шундай маслаҳатлар бераркан, Афина Телемахни тарк этди. У қушга айланиб, Телемахнинг кўзидан ғойиб бўлди. У шундагина худо билан суҳбатлашганини англади.

Шу он Пенелопа ўз хобгоҳидан пастга, зиёфатхонага тушиб келди. У Фемийнинг Троя остоналаридан қайтиб келаётган қахрамонлар ҳақидаги қўшиғини эшитиб қолди. Пенелопа Фемийдан бу ғамгин кўшиқни кўйиб, бошқасини қуйлашни илтимос қилди. Лекин Телемах унинг сўзини бўлди. Қўшиқ танлашда у эмас, балки Зевс айбдор, чунки унга айнан шу қўшиқни айтиш учун илҳом бераётган ўша деди Телемах. Телемах онасидан ўз хобгоҳига қайтиб, уй бекаси – аёлга хос йиғириш, тўкиш, чўриларнинг ишини кузатиш ва уйдаги тартиб-интизомни йўлга қўйиш каби юмушлар билан шуғулланишини илтимос қилди. У онасидан ўзига тегишли бўлмаган ишларга аралашмасликни илтимос қиларкан, отаси Одиссейнинг хонадонидан унинг ўзигина ҳукмрон эканлигини баён этди. Пенелопа ўғлининг сўзларига диққат билан қулоқ солдида, ўз хосхонасига кириб, ичкаридан бекитиб олди

ва Одиссейни эслаб аччиқ алам билан кўз ёши тўка бошлади. Ниҳоят, Афина уни ширин уйқуга чўмдирди.

Пенелопа кетгач, куёвлар унинг эри ким бўлиши керак дея хийла вақт баҳслашишди. Кўп ўтмай Телемах уларнинг баҳсини бўлди. У куёвларга ўзининг уйини хонавайрон қилишни ман этсин дея халқ йиғинига ёрдам сўраб мурожаат қилажагини айтди. Телемах уларга худоларнинг ғазаби билан таҳдид соларди. Лекин унинг таҳдиди куёвларга асло таъсир этмади, улар ҳамон ярим тунгача шовкин солиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш ва жанжал-сурон кўтаришда давом этишарди. Жазманлар тунда тарқалишди.

Телемах Одиссейнинг содиқ жорияси, болалигида ўзига энагалик қилган кекса Эвриклея хамроҳлигида ўз хобгоҳига йўналди. У ерда Телемах ўз тўшагига ётди. У туни билан мижжа қоқмай, Бокира Афина берган маслаҳатни ўйлаб чиқди.

Эртаси кун эрталаб Телемах жарчиларга халқ йиғинини чақиришни амр этди. Унга Телемахнинг ўзи ҳам келди, унинг қўлида найзаси ҳам бор эди, орқасидан эса иккита ит югуриб келарди. У шундай келишган эдики, йиғилганлар унга ҳайрат билан қарашарди. Кекса чоллар икки томонга сурилиб, унга йўл беришди, у отасининг ўрнига ўтириб олди. Телемах халққа ўзини ўзбошимчалик қилиб хонадонини талаётган беор хушторлардан ҳимоя қилинг деган илтимос билан мурожаат этди. У ёрдам беринг дея Зевс ва одиллик маъбудаси Фемида номидан илтижо қиларди.

Ғазабга тўла нутқини тугатгач, Телемах ўзининг жойига бошини қуйи солиб ўтирганди, кўзларидан қатра-қатра ёшлар тиркириб кетди. Бутун бошли халқ йиғини сукутга чўмди, аммо жазманлардан бири бўлмиш Антиной Телемахга кўрсларча жавоб бера бошлади. У Пенелопа хушторлардан бирортаси билан никоҳдан ўтишдан ҳазар қилиб, айёрликни ишга солди, ахир у серхашам чойшабни тўқиб бўлгач, улардан бирини эрликка танлайман деган эди-ку. Дарҳақиқат, кун бўйи Пенелопа чойшабни тўқирди, аммо тунда уни тагин чуватиб ташларди. Антиной Пенелопа жазманлардан бирини ўзига эрликка танламагунча Одиссейнинг уйини тарк этмаймиз дея таҳдид соларди. Антиной ҳатто Телемахдан онасини отасиникига юборишни талаб қиларди. Шу билан уни ўзига эр танлашга мажбур қилмоқчи бўларди. Телемах онасини уйдан қувиб юборишдан бош тортди. У куёвлар дастидан бошидан кечираётган ҳақорат ва ёвузлик учун Зевсни гувоҳликка чорлади. Яшинчакнатар Зевс шикоятни эшитдию, шундай аломат пайдо қилди: халқ йиғини тепасига баланд учаётган иккита бургут кўтарилдию, улар халқ йиғини ўртасигача учиб келишдида, бир-бирига ташланишди. Улар ўзларининг кўкраклари ва бўйинларини ғажиб, қонга беланишди ва ҳайратга тушган халқ кўзидан ғойиб бўлишди. Қушларга қараб фол очувчи Ҳалиферс йиғилганларга ушбу аломат Одиссейнинг тезда қайтиб келишидан дарак бераётганини, куёвларнинг шўри қурияжагини баён этди. Одиссей ҳеч ким танимайдиган ҳолда қайтиб келади ва уйини талаётганларни аёвсиз жазолайди. Ҳалиферс йиғилганларга ана шуни баён этди. Куёвлардан бири Эвримах қушларга қараб фол очувчига қараб, унинг устидан қулиб, ҳақорат қила бошлади. У Одиссейнинг ўзини ҳам ўлдирамиз дея таҳдид қиларди. Эвримах кеккайганича, куёвлар ҳеч кимдан: на Телемахдан, на қушларга фол очувчи афсунгардан кўркмасликларини ошкор этди. Телемах куёвлар билан ўзбошимчалик энди бас қилинлар деб пачакилашиб ўтирмади. У халқдан ўзига тез вақт ичида Пилосга, Нестор ҳузурига бориб, отаси ҳақида бирор нарсани билиб келиш учун тез юрар кема бериши илтимос қилди. Телемахни фақат Одиссейнинг дўсти, заковатли Менторгина қўллаб-қувватлади. У халойикдан хушторларнинг Телемахга озор бераётганига бепарво бўлгани учун таъна қиларди. Фуқаролар миқ этмай ўтиришарди. Леокрыт исмли жазман ўрнидан турди-да, Телемахни ҳақорат қиларкан, Одиссей қайтиб келгач, куёвларни уйдан ҳайдаб юборишга уриниб кўрса борми, ҳалок бўлиши табиий дея таҳдид соларди. Леокрыт шундай кўрс ва кўпол эдики, у ўзбошимчалик қилиб, ҳатто халқ йиғинини тарқатиб юборди.

Телемах чуқур қайғуга ботган ҳолда денгиз қирғоғига йўл олди, у ерда Бокира-Афинага илтижо ила мурожаат қилди. Маъбуда унинг кўз ўнгида Ментор қиёфасида пайдо бўлди. Маъбуда унга хушторларни тинч қўйишни маслаҳат берди, чунки улар ақлдан озган ҳолатда, кун сайин ўз ўлимини яқинлаштирмоқда. Маъбуда Телемахга кема топиш ва Пилосга боришга ҳамроҳлик қилишга ваъда берди ва унга уйга бориб, узок сафар тадоригини кўришга амр этди.

Телемах маъбуданинг айтганларига риоя қилди. Хушторлар уйда ўтиришган, улар зиёфат қуришга ҳозирланаётган эдилар. Антиной Телемахни истехзо билан кутиб оларкан, унинг қўлидан ушлаб, зиёфатда иштирок этишга даъват қиларди. Лекин, Телемах қўлини жаҳл билан тортиб олди-да, хушторларга худолар қаҳри билан таҳдид солиб кетди. Телемах вафодор жория Эвриклеяни чақириб олди ва сафарга зарур нарсаларни олиш учун Одиссейнинг бой омборига борди. Пилосга

боришни қарор қилганини фақат Эвриклеяга айтиб, ўзининг йўғида онасига ғамхўрлик қилишни тайинлади. Телемахнинг жорияси унга Итакани ташлаб кетма дея ялина бошлади, у Одиссейнинг ўғли халок бўлади дея кўрқарди. Лекин уни ниятидан қайтариб бўлмасди, ўз сўзида қатъий турарди.

Шу аснода Бокира-Афина Телемах қиёфасига кириб, бутун шаҳарни айланиб чиқди, йигирма нафар навқирон эшкакчи йигитни танлади, Ноемоннинг ҳузурига кириб, ундан кема беришни илтимос қилди. Ноемон ўзининг ажойиб кемасини бажонидил берди. Йўлга чиқиш учун ҳамма нарса муҳайё этилганди. Афина хушторлар зиёфат қуриб турган хонага кириб, уларнинг барчасини қаттиқ уйқуга чўмдирди. Сўнгра у тагин Ментор қиёфасига кириб, Телемахни қасрдан ташқарига олиб чиқди ва денгиз бўйига, кемага бошлаб борди. Телемахнинг ҳамроҳлари Эвриклея тайёрлаган озиқ-овқатларни зудлик билан келтириб, кемага юклашди. Телемах сохта (хаёлий) Ментор билан кемага чиқиб олди. Афина йўлдош шамол юборганди, дарҳол кемани очик денгизга олиб чиқишди.

ТЕЛЕМАХ НЕСТОР ВА МЕНЕЛАЙ ҲУЗУРИДА

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Маъбуда Афина Телемахга саодатли сузиш ато этганди. Келгуси куни эрталабданок куёш худоси Ҳелиос ўзининг қордай оппоқ отларини кўшиб, самовот саҳнига чиққанда Телемахнинг кемаси Пилосга етиб келганди. Телемах Несторнинг ҳамроҳларини денгизлар худоси Посейдонга қурбон келтираётганда учратди. Пилосликлар бир талай хўкизларни бўғизлаб, қурбонгоҳда дабдабали зиёфат қуришарди. Ясатилган тўккизта дастурхон атрофида бешумор пилосликлар давра қуриб ўтиришарди. Нестор хизматкорлар эндигина овқат тарқатаётганда олдинда Ментор қиёфасидаги маъбуда Афина бошлаб келаётган ажнабий меҳмонларни кўриб қолди. Пилоснинг кексайиб қолган подшоси ажнабийларни самимий кутиб олди. Унинг ўғли Писистрат уларни зиёфатга таклиф этди. Писистрат Афинага бир қадах вино узатдида, уни маъбуд Посейдон шарафига сипқоришни илтимос қилди, чунки ушбу зиёфат ўшанинг шарафига берилаётганди. Ёш Писистрат биринчи қадахни тутқазгани учун Афинага ёқиб қолди.

Зиёфат ниҳоясига етгач, Нестор ажнабий меҳмонларнинг қаердан келганини сўради. Телемах унга ўзининг Одиссейнинг ўғли эканлигини, Пилосга отасининг тақдирини билиб олгани келганини билдирди. Нестор олдида қаҳрамонлар ичида ақллилиги туфайли ўзи энг кўп ҳурмат қиладиган Одиссейнинг ўғли турганини билиб олгач, ғоят қувониб кетди. У Телемахнинг ўз отасига фақат қиёфаси билан эмас, балки донолиги билан ҳам ўхшаганлиги учун ҳайратланарди. Нестор Телемахга қайтишда қаҳрамонларнинг бошидан кечирган кўнгилсиз воқеалар ҳақида сўзлаб берди. Лекин у Одиссей ҳақида ҳеч нарса дея олмади. Нестор Телемахга уйини хонавайрон қиладиган ўша саркаш ва авбош куёвлар дастидан ҳали қанчалар озор тортишга тўғри келганини айтиб, ачиниб қўйди. Донишманд қария унга яхшиси уйга қайт дея маслаҳат бераркан, аввал шоҳ Менелай ҳузурига ташриф буюришинг керак, зероки у ватанига бошқаларга кўра кеч қайтди, у Одиссей ҳақида бирор нарса билиши мумкин, деди. Одиссейнинг ўғлига худоларнинг, хусусан, Бокира Афинанинг отасининг қаерда эканини билишга ёрдам беришига Несторнинг ишончи комил эди.

Оқшом қўнди. Телемах ўз кемасида тунаш учун тайёрланаётганди, Нестор унга рухсат бермади. Одиссейнинг ўғлининг ўз қасрида тунаб қолишини истарди. Ментор ҳам Телемахга Несторникида тунаб қолишни маслаҳат берди. Ўзи эса кемасига боришга тайёрланарди, чунки, унинг айтишича, қарзларини ундириш учун кавкон(кавказлик)лар юртига сузиб кетиши керак эди. Шундай деркан, хаёлий Ментор дафъатан денгиз бургутига айландию, ҳайратда қолган пилосликлар кўзидан ғойиб бўлди. Нестор ва ўша ерда бўлганларнинг барчаси Телемахга Афинанинг ўзи ёрдам бераётганини тушунишди.

Эртаси куни эрталаб Нестор буюк маъбуда шарафига зарҳалланган мугузли бузоғини қурбон қилди. Қурбон келтирилгандан ва зиёфатданг сўнг Несторнинг ўғиллари маҳодага отларни кўшишди. Унга Несторнинг кенжа ўли Писистрат ва Телемах миниб, Менелай ҳузурига йўл олишди.

Отлар жуда тез югурарди. Йўловчилар кечга яқин қаҳрамон Диокл яшаётган Фера шаҳрига етиб келишди. У Писистрат ва Телемахга бир кечага бошпана берди, улар субҳи содиқда, тонг бўзармасдан йўлга равона бўлдилар ва кечга яқин Спартага етиб келдилар.

Телемах билан Писистрат Спартага келганларида у ерда, Менелай саройида катта тантана бўлаётганди: Менелай қизини Троя остоналаридаёқ хотинликка беришга қарор қилган Ахиллнинг ўғли Неоптолемга узатарди. Бундан ташқари, Менелай ўғли Мелопентнинг тўйини ўтказаетганди. Менелайнинг меҳмонлари шоду хуррам кайфу сафо қилишди. Лира чалиб қўшиқ айтаётган хонанда-

лар уларнинг кўнглини овлашарди, икки йигит эса лира садолари остида рақс тушишарди. Зиёфат айна авжига чиққанда Телемах ва Писистрат саройга келиб қолишди. Уларни Менелайнинг хизматкори кутиб олди. У ажнабий меҳмонларни кўрдию, Менелайнинг хузурига югурди ва мусофирларни саройда қабул қиладимиз, йўқми дея сўради. Менелай дарҳол отларни бўшатиб, мусофирларни зиёфатга таклиф этишни амр этди. Сафарларда қанча-қанча фалокатларни бошдан кечирганида у ҳам кўп кишиларнинг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлганди, шу боис Менелай ҳар қандай меҳмонни бажонидил қабул қиларди. Хизматкор шохнинг амрини бажо келтирай деб шошилди. Хизматкорлар отларни кўшиб, мусофирларни саройга бошлаб келишди. Телемах ва Писистрат ажойиб тосхонларда ювиниб, тоза кийимларни кийиб, зиёфатхонага ташриф буюришди. Менелай қасридаги ғайриодатий бойлик ва ҳашамат уларни хайратга солди. Менелай мусофирларни самимий кутиб оларкан, уларни ўзи билан ёнма-ён ўтказди.

Менелай бераётган зиёфат бағоят дабдабали ўтди. Телемах Писистратга томон энгашаркан, пичирлаб, бунақа ҳашаматни ҳеч жойда кўрмаганлигини, фақат Зевснинг қасри бундан аъло бўлиши мумкин дея ўйлаётганини баён этди. Телемахнинг сўзларини эшитиб ўтирган Менелай табассум қиларкан, фонийзотлар умрибоқий худолар билан тенглашолмайди, унинг қасридаги бойлик чексиз экан, ўша бойликни қўлга киритишда бошидан кечирган машаққат ва хавф-хатар ҳам катта ва ваҳималидир. Лекин унинг бошидан кечирган хавф-хатар катта бўлса-да, Одиссейнинг чекига тушган хавф-хатар, азият ва укубат билан қиёслаганда ҳеч нарса эмас, деди Менелай. Отаси ҳақидаги гапларни эшитган Телемах йиғлаб юборди. Шу пайт Менелайнинг зебо сочли хотини Елена кириб келди. Унинг ортидан чўрилари олтин чарос ва ичига эшилган ип солинган, чеккалари зарҳалланган кумуш сават олиб юришарди. Мусофирларга нигоҳ ташларкан, Елена улардан бирининг Одиссейга ўхшашлигидан хайратланганди. У бу ҳақда Менелайга айтди. Унинг сўзларини эшитиб турган Писистрат ҳақиқатан ҳам улар кўриб турган йигитнинг Одиссейнинг ўғли Телемах эканлигини айтди. Менелай ниҳоятда қувониб кетди, ахир, унинг олдида ўзи учун қанчадан қанча фалокатларни бошидан кечирган дўсти Одиссейнинг ўғли турарди. У Одиссейнинг жасоратлари, юнонларнинг Троя остоналарида бошидан кечирган аламли дақиқалар ҳақида эслаб бошлади. Одиссей тўғрисида Елена ҳам ҳикоя қилди. Отаси хусусидаги хотиралар Телемахнинг кўзларида ёш пайдо қилди. Троя остоналарида ҳалок бўлган акаси Антилохни эсларкан, Писистрат ҳам йиғлаб юборди. Ҳалок бўлган дўстлари ҳақида ўйга толган Менелайни ҳам ғам-андух чулғаб олди. Шунда Елена зиёфатда ўтирганларнинг кўнглини овлай, уларни аламли ўй-хаёллардан фориг этай дея уларнинг қадахларига сеҳрли ўсимлик ширасидан куйиб қўйди. Қайғу-аламни унут қиладиган ушбу ширани Еленага Миср маликаси Полидамна армуғон этганди. Зиёфатга чек қўйиш вақти келди. Кўп ўтмай шох ва унинг меҳмонлари ором олгани кетишди. Спарта подшоси Телемах билан бўладиган мулоқотни эртанги кунга қолдирди.

Эртасига шох Менелай ўз хобгоҳидан чиқиб, Телемах тунаган хонага кирди ва ундан Спартага келиши сабабини сўради. Телемах Спартага отасининг тақдирини билгани келганлигини айтди. Шох Менелай Одиссейнинг ўғлига ўзининг барча саргузаштлари ҳақида ҳамда қандай қилиб денгиз худоси Протей Троя остоналаридан қайтаётган қаҳрамонлар тақдири хусусида ҳикоя қилганларини сўзлаб берди. Ўшанда Протейнинг айтганига қараганда нимфа Калипсо оролида тутқинликда изтироб чекмоқда. Менелайнинг Телемахга отаси тўғрисида билдира олганлари шулар, холос. Спарта подшоси Телемахни ўн кун ўз хузурида меҳмон бўлиб қолишга кўндирди бошлади. Аммо Телемах подшодан ўзини ушлаб қолмасдан дарҳол уйга қайтишга рухсат этишини илтимос қилди. Менелайнинг Телемах билан қилган суҳбати узоқ чўзилди.

Улар суҳбат қуришаркан, қасрда тагин меҳмонлар йиғила бошлашди. Ҳадемай яна қувноқ зиёфат бошланмоғи даркор эди.

ХУШТОРЛАРНИНГ ТЕЛЕМАХНИ ИТАКАГА ҚАЙТГАНИДА ЎЛДИРИШГА ҚАРОР ҚИЛГАНЛИКЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Телемах Пилос ва Спартада бўлган пайтида куёвлар тасодифан уларнинг хузурига келиб қолишди. Ноёмондан унинг Итакани тарк этганини билиб қолишди. Улар Телемах Пилос ва Спартадан ёрдам олиш учун кетган бўлса керак дея ўйлаб кўрқиб қолишди. Антиной куёвларга кемани керакли яроғ-аслаҳа билан таъминлаб, денгизга чиқиш, у ерда Телемахнинг келишини кутиш ва кўққисдан ҳужум қилиб ўлдиришни маслаҳат берди. Куёвларнинг ҳаммаси унинг фикрига қўшилди. Эшкакчиларни

йиғиб, денгиз қирғоғига боришди, кемани ташлаб, у ерда пистирма қуриш учун Астерид ороли томон сузиб кетишди.

Пенелопа уларнинг ёвуз ниятини билиб олди. У саросимага тушиб қолди. Телемахнинг Итакадан сузиб кетганини унинг ўзи ҳам билмасди-да ахир. Пенелопа Одиссейнинг отаси, кекса Лаэртга хизматкорини юбориб, неварасига таҳдид солаётган хавф-хатардан огоҳ этмоқчи бўлди. Лекин жория Эвриклея уни бундай қилмасликка ундади. У Пенелопага маъбуда Афинадан ёрдам сўраб ёлворишни маслаҳат қилди. Пенелопа Эвриклеянинг маслаҳатини бажо келтириб, маъбудага қурбон келтирди ва унга илтижо қила бошлади. Сўнгра ўзининг ҳашаматли хобгоҳига кириб, уйкуга чўмди. Афина унинг илтижоларига кулоқ солди. У ухлаётган Пенелопага синглиси Ифтиманинг арвоҳини юборди. Арвоҳ Пенелопага Телемахнинг ҳалок бўлмаяжagini баён этди. Пенелопа ундан эрининг тақдири ҳақида сўраганида арвоҳ ҳеч нарса демасдан, енгил туман янглиғ кўздан ғойиб бўлди. Пенелопа уйғонаркан, унга ушбу арвоҳни маъбудалар юборганини фаҳмлади.

ОДИССЕЙ НИМФАЛАРНИНГ КАЛИПСО ОРОЛИНИ ТАРК ЭТДИ

Умрибоқий худолар ўз кенгашларида Афина Телемахнинг ватанига бешикаст қайтишига ёрдам бериши ва унга хушторларнинг хужум қилишига йўл қўймаслиги керак деган қарорга келдилар. Ҳермес эса Оигия оролига учиб бориши ва нимфа Калипсога Одиссейни озод қилишни амр этиши лозим. Яшинчақнатар шу заҳотиёқ Ҳермесни Калипсо ҳузурига юборди.

Ўзининг қанотли шиппак(сандал)ларини кийиб, қўлига ҳассасини олган Ҳермес фикр тезлигида Олимпдан елиб кетди. У денгиз бургути сингари учиб, кўз очиб юмгунча Оигияга етиб келди. У жуда хушманзара, ажойиб орол эди. У ерда осмонўпар чинорлар, тераклар, қарағайлар, арчалар ва сарвлар дабдабали савлат тўкиб ўсарди. Майсазорларда ширали ўтлар, бинафша ва нилуфар гуллар муаттар хид таратарди. Орол тўртта булоқ сувидан баҳраманд бўлиб, дарахтлар ора иланг-биланг жилғалар жилдираб оқарди. Оролда салқин бир моғора бор эди. Нимфа Калипсо худди ўша моғорада яшарди. Моғоранинг атрофида ток навдалари гуркираб ўсар, шиғиллаган узум бошлари осилиб турарди. Ҳермес ғорга кирганда Калипсо ўтириб, олтин моки билан ғаройиб нақшдор чойшаб тўқирди. Одиссей моғорада йўқ эди. У денгизга нигоҳини қадаганича ёлғиз ўтирарди. Жонажон Итакани эсларкан, Одиссейнинг кўзларидан селдай ёш оқарди. У кунларни ана шу зайл ғамгин ва ёлғиз ўтказарди.

Ғорга қираётган Ҳермесни кўрган Калипсо сапчиб ўрнидан турди. У Ҳермесни манзират қилгач, унга маъбудлар таоми – амброзия ва оби ҳаётдан баҳраманд бўлишга тақлиф этди. Маъбудлар таомидан мириққан Ҳермес Нимфага худолар ва одамлар подшоси – Зевснинг хоҳиш-иродасини баён этди. Калипсо Одиссейдан ажралиши кераклигини билиб олгач, қайғуга чўмди. У уни умрбод оролда, ўз ҳузурида сақлаб қолишни, унга умрибоқийлик ато этишни истарди. Аммо у Зевс иродасига қарши боролмасди.

Ҳермес Калипсога тарк этгач, у денгиз бўйида ғамга ботиб ўтирган Одиссейнинг олдига бориб, унга шундай деди:

– Одиссей, кўз ёшларингни арт, энди ғамга берилма. Сени ватанингда юбораман. Бор, болгани олда, дарахтларни йиқитиб, ўзинга сол ясаб ол. Унга ўтириб, ватанингда сари йўлга равона бўласан, мен сен учун йўлдош ел юбораман. Агар худоларга шу матлуб бўлса, ватанингда қайтгайсан.

– Маъбуда, – деди Одиссей Калипсога, – сен менга ватанга қайтишни эмас, балки бутунлай бошқа нарсани раво кўраётганга ўхшайсан. Наҳотки, мен (шалағи чиққан) шалақ сол билан шундай суронли денгизни сузиб ўтаман, Ахир уни кўп ҳолларда энг тезюар кема ҳам бехатар сузиб ўтолмайди. Йўқ, маъбуда, мени ҳалоқ этишни ўйламаётганлигинг ҳақида худоларга хос – бузилмас онт ичганингдагина ўшандай солга ўтиришга журъат этаман, холос.

– Одиссей, сени фониётлар ичида энг заковатли ва энг узокни кўрадиганлардан дейишлари тўғри экан! – хитоб этди Калипсо. – Стикснинг сувлари ҳаққи, онт ичаманки, мен сенингни ўлимингни истамайман.

Калипсо Одиссей билан моғорага қайтиб келди. Ўша ерда овқат пайти у Одиссейни қолишга кўндира бошлади. Одиссей қайтишида қанчалар хавф-хатарни бошидан кечиришига тўғри келишини билсайди, униқанда қолиб кетган бўлурди дейди. Лекин Одиссей ватанга қайтиш ишқи билан ёнарди, Калипсо уни ҳеч қандай ваъдалар билан жонажон Итака ва оиласини унутишга мажбур этолмасди.

Эртасига эрталаб Одиссей сол ясашга киришди. Одиссей тўрт кун меҳнат қилди, дарахтларни йиқитар, тўсинларни йўнар, уларни бир-бирига боғлар ва тахталарни қоқиштирарди. Ниҳоят, сол тай-

ёр бўлганди, унга мачталар ва елкан ҳам ўрнатилди. Калипсо Одиссейга йўлга зарур озиқ-овқат, ас-боб-анжом, хуллас, барча кўр-кутини бериб, у билан хайрлашди. Одиссей йўлдош ел билан ҳаракатланадиган солни денгизга олиб чиқди-да, елканларни ёйиб юборди.

Одиссей йўлни Плеяда – етти опа-сингил ва катта айиқ юлдузлар туркуми орқали аниқлаб, ўн сак-киз кун сузди. Ниҳоят, узоқ-узоқлардан ер кўринди, бу феакияликлар ороли эди. Шу он Одиссейнинг солини эфиоплар юртидан қайтиб келаётган маъбуд Посейдон кўриб қолди. Денгизлар ҳукмдори каттиқ ғазабланди. У ўзининг уч айрили найзасини олиб, у билан денгизга зарба берди. Даҳшатли бўрон кўзгалди. Осмонни булутлар қоплади, денгизда эса ҳамма томондан ёпирилган шамоллар қутура бошлади. Одиссей даҳшатга тушиб қолди. Кўркинч чулғаган Одиссей Троя остоналарида шон-шараф билан ҳалок бўлган қаҳрамонларга ҳавас қиларди. Баҳайбат тўлқин Одиссейнинг солига урилди-да, уни денгизга чўктириб юборди. Қудратли денгиз пўртаналари ичра шўнғиб кетган Одис-сей зўрға сузиб чиқди. Унга хайрлашаётган чоғда нимфа Калипсо берган либос ҳалал берарди. Лекин у ўзининг солини қувиб етиб, олдидан унга ёпишиб, зўр машаққат билан палубага чиқиб олди. Ша-мол солни хоҳлаган томонга аёвсиз итқитарди. Гоҳ шимол шамоли Борей уни қувар, гоҳ жануб ша-моли – Нот, гоҳ машрик шамоли – шовқинли Эвр у билан ўйнар, кейин уни мағриб шамоли – Зефирга томон улоқтирарди. Баҳайбат тоғдай келадиган тўлқинлар солни тўрт томондан исқанжага оларди.

Денгиз маъбудаси Левкотей Одиссейни ана шундай хавф-хатарни бошдан кечираётганда кўриб қолди. У денгиз қаъридан ботқалдоқ (балиқчи ўрдак) қиёфасида парвоз қилиб чиқди-да, Одиссейнинг солига ўтирди ва ўзининг асл қиёфасига кирди. Левкотей унга мурожаат қиларкан, кийимини ечиб, ўзини солдан денгизга ташлашни ва қирғоққа сузиб чиқишни амр этди. Маъбуда Одиссейга ғаройиб бир ёпинчиқ берди, ўша уни қутқазмоғи керак эди. Шундай дедию, Левкотей тагин ботқалдоқ қиёфасига кириб, учи кетди. Лекин Одиссей солни ташлаб кетишга журъат этолмасди. Аммо шу он Посейдон тоғдай келадиган баҳайбат тўлқинни кўтариб, Одиссейнинг солига ирғитди. Кучли шамол бир тўда сомонни қандай учираб кетса, ўша тўлқин ҳам солнинг тўсинларини ўшандай чирпирак қилиб юборди. Одиссей тўсинлардан бирини зўрға ушлаб, унинг устига ўтириб олди. У зудлик билан усти-бошини суғуриб, Левкотей берган ёпинчиққа бурканиб, ўзини денгизга ташлади ва орол томон сузиб кетди. Бунни кўрган Посейдон шундай хитоб этди:

– Бор, энди билганингни қилавер! То биров сени қутқазмагунча суронли денгизда сузавер. Энди мендан мамнун бўлсанг керак, шоввоз!

Шундай дея хитоб қиларкан, Посейдон отларини денгиз тубидаги қасрига елдириб кетди. Одис-сейга ёрдамга маъбуда Афина етиб келди. У шимол шамоли – Борейдан авжига чиқиб, қутураётган денгизни тинчита бошлади.

Одиссей суронли денгизда уч кечаю уч кундуз сарсон-саргардон сузиб юрди. Эртасига денгиз осойишталик касб эта бошлади. Одиссей тўлқин чўққисида туриб, ернинг узоқ эмаслигини кўрди ва бағоят қувониб кетди. Бироқ у эндигина қирғоққа қараб сузаётганда қирғоққа урилаётган тўлқинларнинг шовқини қулоғига чалинарди. Тўлқинлар қирғоқбўйи қоялари ва сув ости тошлари ўртасида бир-бирига урилиб, ўқирарди. Шу аснода ҳам унга Бокира Афина ёрдам бермаганида Одис-сейнинг ўлими муқаррар эди, чунки унинг улкан қояга урилиши табиий эди. Одиссей қоядан ушлаб олишга улгурганди, аммо орқага қайтган тўлқиннинг кучи уни қоядан ажратиб, денгизга томон суриб кетди. Одиссей энди қирғоқ бўйлаб сузаркан, қирғоққа чиқиб олиш учун жой изларди. Ниҳоят, у дарёнинг мансабини кўрди. Одиссей дарё худосидан ёрдам сўраб, илтижо қилди. Унинг илтижосини эшитиб турган худо ўз оқимини тўхтатди ва Одиссейга қирғоққа етиб боришга қўмаклашди. Пуркудрат қаҳрамон қирғоққа чиқиб олди, узоқ сузиш уни ҳолдан тойдирган эди, шу боис хушдан кетиб, ерга қулади. Одиссей зўрға ўзига келди. У Левкотейнинг ёпинчиғини ечиб, орқасига қарамасдан, уни сувга ташлади. Ёпинчиқ шитоб билан сузиб, маъбуданинг қўлига қайтиб келди. Одиссей эса қирғоқнинг бир чеккасида иккита улкан зайтун дарахтини топганди, уларнинг тагида қуруқ япроқлар уюм-уюм бўлиб ётарди. У тун совуғидан ҳимояланиш (сақланиш) учун япроқлар ичига кўмилиб олди, маъбуда Афина эса уни каттиқ уйқуга чўмдирди.

ОДИССЕЙ ВА НАВСИКАЯ

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Одиссей қуруқ япроқларга кўмилиб ухларкан, маъбуда Бокира Афина феакияликлар шахрига бор-ди. У ерда у шоҳ Алкиной қасрига кириб, денгизчи Димантнинг қизининг қиёфасига кириб ухлаётган малика Навсикая хузурида пайдо бўлди. У Навсикаядан либосларингни ўйламаяпсан дея таъна қила



бошлади. Ёш маликага Афина тўйнинг яқинлигини эслатиб, ўз туғишганларини ва ўзини куёвнинг уйига бошлаб борадиганлар учун тоза кийимлар тайёрлаши кераклигини баён этди. Маъбуда Навсикаяни дархол чўрилари билан денгиз қирғоғига бориб, кийимларни ювишга шошилтирди. У шундай дедию, ўзи нурафшон Олимп томон меърож айлади.

Навсикая субҳи содиқда уйғониб кетди. Кўрган туши уни хайратга солди. У шу ондаёқ онасининг хузурига югурди. У онаси Аретани ўчоқ ёнида учратди. У жориялари билан бирга алвон рангли ип тайёрлаётганди. Отасини эса Навсикая эшик олдида феакиялик оқсоқоллар кенгашига бораётганда кўриб қолди. Навсикая отасининг олдида борди-да, ундан дарёга кийимларини ювиб келиш учун хачирлар қўшилган аравани беришни илтимос қилди.

– Кир босган кийимларимиз кўпайиб кетибди, – деди Навсикая, – уларни ювишга бораман. Ахир сиз оқсоқоллар кенгашида кийимларингизнинг тозалиги билан ажралиб туришингиз керак, навкирон ўғилларингиз-чи, феакиялик қизлар даврасига топ-тоза кийимларини кийиб боришни исташади. Кийимларни тоза тутиш – менинг вазифам.

Навсикая шуларни айтдию, бутун борлиғи билан ёниб, кутиб юрган бўлажак никоҳи ҳақида лом-мим демади. У ҳақда сўз очишга иймаганди. Лекин Алкиной қизининг пинҳоний фикрини тушунди, унга нозик табассум билан нигоҳ ташларкан, кулларига саватли аравани тайёрлашни ва унга хачирларни қўшишни амр этди. Навсикая шошилиш тарзда тарадудини кўра бошлади. Малика Арета унга кизи ва чўрилари ишдан сўнг чанқоғини қондирсин дея овқат ва вино берди. У уларга чўмилгандан сўнг баданларига суртсин дея олтин идишда хушбўй ёғ ҳам бериб қўйди.

Навсикая ва унинг чўрилари қирғоқ сари шод-хуррам йўлга равона бўлишди. Улар ҳовузга етиб келгач, унда кийимларини обдон ювиб, чайқаб ва қурисин дея денгизнинг кумзор қирғоғига тўшаб қўйишди. Ёш қизлар юмушларини битиргач, дарёда ювиниб олишди ва баданларига хушбўй ёғдан суртишди. Кейин овқатланиб олгач, улар дарё соҳилида копток ўйнаб кўнгил ёзишди. Бокира Афина Одиссейни айна шу чоқда уйғотишни мўлжаллаганди. Навсикая коптокни дугоналарига ташлади, қизларга кўринмай турган Афина бўлса, уни ўзининг чўнг куллари билан қайтариб юборганди, у денгизга тушиб кетди. Қизларнинг ҳаммаси қаттиқ қийкириб юборишди. Ўша қийкириқдан Одиссей уйғониб кетди. У нима қилишини билмай турарди: бошпанасидан чиқсинми ё йўқ? Ниҳоят, у шохшаббага ўралиб, қизларнинг хузурига чиқди. Денгиз балчиғига ва сув ўтларига беланган Одиссейнинг кўриниши кўрқинчли эди. Кўркиб кетган қизлар тум-тарақай бўлиб кетишди. Фақат Навсикая қолди, унга маъбуда Афина жасорат бахш этганди. Аммо Одиссей соҳибжамол қизга яқин боришга ботинолмасди. У узокдан туриб унга ёрдам бергин дея ялина бошлади:

– Ҳой соҳибжамол қиз, сенга илтижо билан қўлларимни ёзиб ёлвораман. Гўзалликда сен маъбуда Артемидага тенгсан! Сен ҳам маъбуда эмасмисан? Агар сен фонийзот бўлсанг, шундай қизи бўлган ота-она қандай бахтли экан! Сен ўз гўзаллигинг билан менга бир пайтлар Делосда, маъбуд Аполлон меҳроби ёнида хайратга соладиган хушқад сарвни эслатдинг. Соҳибжамол қиз, менга раҳм қилгил! Суронли денгиз пўртаналарига қўшилиб, йигирма кун давомида сарсон-саргардон бўлиб, ҳолдан тойганман. Жилла бўлмаса бир парча латта-путтангдан бергин, яланғоч танимни бекитай! Шу ёрдамнинг учун худолар барча орзуларингни ижобат айлағай! Улар сенга бахту саодатли қайлиқ насиб этгай!

– Мусофир, – деди Навсикая Одиссейга, – сўзларингдан билиб турибман, сен оддий одам эмассан, худолар сенга донолик ато этган экан. Лекин Зевс зоти олийларни ҳам, зоти пастларни ҳам, бахтга ҳам, бахтсизликка ҳам дучор этади. Зевс сенга раво кўрган нарсага бардош бер. Сен бу ерда, бизлар билан ҳеч нарсага муҳтож бўлмайсан. Мен сенга шаҳарга борадиган йўлни кўрсатаман. Мен – феакияликлар ҳукмдори Алкинойнинг қизиман.

Навсикая чўриларини чорлаб, уларга Одиссейга тоза усти-бош келтиришни ва уни овқатлантиришни амр этди. Одиссей дарёда обдон ювиниб, баданига хушбўй ёғ суртиб, ўзига берилган либосларни кийиб олди. Афина эса Одиссейга шундай гўзаллик бахшида этдики, у денгиз қирғоғида ўтирганда Навсикая ҳатто, наҳотки худолардан бири ерга келиб қолган бўлса деб хаёлидан ўтказди. Соҳибжамол малика шундай эркакни қайлиқликка бажонидил танлаган бўларди. Чўрилар Одиссейга овқат ва вино келтиришди, у ўзини қийнаб турган очлик ҳамда ташналиқдан халос бўлди.

Шу аснода шаҳарга қайтиш учун ҳамма нарса аллақачон тайёрлаб қўйилганди. Навсикая Одиссейни ортимдан юр дея таклиф этди. У Одиссейдан фақат бир нарсани – шаҳарга ўзи ва чўрилари билан кирмаслик, балки шаҳар дарвозаси олдида, Алкинойнинг маъбуда Афинага бағишланган боғ-ўрмон ёнида кутиб туришни, ўзига саройга ёлғиз киришга ижозат этишини илтимос қилди. Малика феакияликларнинг ўзининг соҳибжамол мусофир йигит билан бирга келаётганини кўриб, ўзига куёв топган-

га ўхшайди деган фиску фужур гапларни айтишидан кўрқарди. Бундан ташқари, Навсикая Одиссейга, саройга кирганда даставвал малика Аретанинг олдида тиз чўкиб, ёрдам ҳақида ялинишни маслаҳат қилди, чунки маликани бу ердаги бутун халойиқ унинг донолиги учун маъбуда ўрнида кўради. Шундай деркан, Навсикая хачирларни шаҳар томон ҳайдаб кетди. Унинг ортидан Одиссей ва чўрилар борардилар. Малика Одиссей ва чўрилари ўзининг ортидан улгурсин дея хачирларнинг югуришини секинлатарди.

ОДИССЕЙ ШОҲ АЛКИНОЙ ҲУЗУРИДА

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Навсикая саройга қайтганида укалари унинг истикболига чиқиб, хачирларни аравадан бўшатиб, кийимлар солинган саватни ичкарига олиб киришди. Навсикая эса ўзининг хосхонасига ўтиб кетди, у ерда унинг учун энагаси чўри Эвримедуза лаззатли таом тайёрлаб қўйганди.

Одиссей дарвоза олдида бироз кутгач, шаҳарга кириб борди. Феакияликлардан бирортаси қахрамонни танимамай ҳақорат қилмасин дея маъбуда Афина уни қоп-қора булутга бурқаб, кўринмайдиган қилиб қўйди. Шаҳар дарвозаси олдида маъбуда Афинанинг ўзи унинг кўз ўнгида феакиялик қиз киёфасида пайдо бўлди, Одиссей унга Алкиной саройини кўрсат дея мурожаат қилганди, Афина уни кузатиб қўйишга розилик бераркан, дуч келган кишига савол бериб мурожаат қилавермаслик керак, чунки феакияликлар меҳмондўст эмас дея маслаҳат берди. Одиссей маъбуданинг ортидан чурқ этмасдан борарди. Шаҳарнинг мухташамлиги, кемалар қатор бўлиб турган бандаргоҳ, кенг шаҳар майдони ва одам ўтиб бўлмас баланд деворлари Одиссейни тонг қолдирарди. Ниҳоят, улар Алкиной саройига келиб қолишди. Одиссейни тарк этаркан, маъбуда тагин бир бор, Навсикая таъкидлаганидек, малика Аретага илтижо билан мурожаат қилишни амр этди. Шундай маслаҳатларни берди-да, Афина кўздан ғойиб бўлди.

Агар Одиссейни шаҳарнинг мухташамлиги тонг қолдирган бўлса, Алкиной қасрининг муаззамлиги ва мухташамлиги уни бир неча чандон ҳайратга солганди. Қаср тамоман оппоқ мисдан иборат бўлиб, деворларининг юқори қисми темир билан музайян этилган эди. Соф олтиндан қўйилган эшик саройга олиб борарди, унинг ёндорлари кумушдан, бўсағаси эса мисдан ясалганди. Эшиклар олдида маъбуд Ҳефест томонидан ясалган иккита тирик, умрибоқий ит турарди, улардан бири олтиндан, бошқаси кумушдан ясалган. Одиссей қасрга кирди. У ерда у қимматбаҳо ғилофлар билан қопланган дабдабали тарзда безатилган курсиларни кўрди. Тагкурсиларда қўлларида машъаллар ушлаб йигитларнинг олтиндан қўйилган ҳайкалчалари турарди. Алкинойнинг қасри ғаройиб эди. Лекин ҳаммасидан кўра сарой қошидаги боғ айникса жозибалидир. Унда ўсиб турган дарахтларда турфа мевалар кишин-ёзин мангу ғарқ пишиб ётарди. Боғда илиққина мағриб шамоли – Зефир ғир-ғир эсиб турарди. У ердаги узумлар йил бўйи шода-шоода бўлиб, осилиб турарди. Зилол сувлари мудом жилдираб оқиб турадиган булоқлар бор эди, бошқа бир булоқ эса шундайгина саройнинг бўсағасидан оқиб турарди. Одиссей хийла вақтгача ҳайрат ичра туриб қолди. Ниҳоят, зиёфатхонага кирди. У ерда Алкиной, Арета ва энг аслзода феакияликлар ўтирарди. Улар маъбуд Ҳермес шарафига хушбуй вино ичиб, назр-ниёз қилишмоқда эдилар. Булутга бурқанган Одиссей Аретанинг ёнига келиб, унинг оёғига йиқилди. Шу он Афина туманни таркатди, буюк қахрамонни ҳамма кўрди. Барчаси ҳайрат бармоғини тишлаб қолишди. Одиссей бўлса қаттиқ овоз чиқариб, маликага бечора сайёҳга ёрдам беринг дея илтижо қиларди. Ўз илтимосини изҳор этаркан, Одиссей ўзини чеккага олдида, ҳимояга муҳтож киши сифатида ёнидаги қулга ўтириб олди. Кекса феакияликлардан бирининг маслаҳатига кўра, Алкиной Одиссейнинг қўлидан ушлаб, ўзининг ёнига ўтказди. Хизматкорлар Одиссейга емак ва вино келтиришди, барча ўтирганлар мусофир ва сайёҳларнинг ҳомийси яшинчақнатар Зевс шарафига вино ичиб, назр-ниёз қилишди. Алкиной эртаси кунга ҳаммани мусофирнинг шарафига бериладиган катта зиёфатга таклиф этди, чунки Алкиной Одиссейни ўзининг ҳузурига фонийзот киёфасида ташриф буюрган худолардан бири бўлса керак деб ўйларди. Лекин Одиссей Алкинойни ишончидан қайтарди. У подшога нимфа Калипсо оролидан қайтишда қанча азоб-укубатларни бошдан кечирганини сўзлаб берди, Одиссей, шунингдек, ўзига малика Навсикая денгиз бўйида қандай ёрдам берганини хикоя қилди. Одиссейни камоли диққат билан тинглаган Алкиной унинг донолигига қойил қолиб, шундай хитоб қилди:

– Эй Олимпнинг мурувватли маъбудлари! Агар сизлар Навсикаяга мана шу мусофирга монанд эр-ни раво кўрган бўлсайдингизлар, мен унга сеп учун бешумор бойлик бахшида этган бўлурдим! Аммо,

сени, мусофир, хоҳиш-иродангга қарши туриб, оролимизда ушлаб қолмаймиз. Биз сени ватанингга етказамиз. У қанча узоқ бўлмасин, денгиз феакияликлар кўнглига қутку сололмайди!

Зиёфат ниҳоясига етганда анча кеч бўлиб қолганди. Малика Арета Одиссейга тўшак тайёрлашни амр этди, кўп ўтмай уйкуга кетди. Алкинойнинг саройи ҳам қаттиқ уйкуга чўмди.

Эртасига эрталаб Алкиной барча феакияликларнинг Одиссейни қандай қилиб ватанига етказиш ҳақидаги кенгашга келишини талаб этди. Бокира Афинанинг ўзи жарчи қиёфасига кириб, фуқароларни майдонга чорлаш учун бутун шаҳарни айланиб чиқди. Алкиной Одиссейни ҳам майдонга бошлаб келди ва ўзи билан ёнма-ён ўтқазди. Кўп ўтмай барча халойиқ йиғилди. Феакияликлар қахрамонга ҳайрон бўлиб қарашарди. Бокира Афина унга таърифлаб бўлмайдиган гўзаллик ва улғворлик бахш этганди. Подшо Алкиной йиғилганларга мурожаат қиларкан, шундай деди:

– Фуқаролар, кулоқ осинг! Юртимизга мусофир келиб қолди, у бизга ватанимга қайтишга ёрдам берингиз дея ёлвормоқда. Мусофирларга ёрдам беришдан ҳеч қачон юз ўгирмаганмиз. Келингиз, кемани тайёрлаб, меҳмонимизни ватанига элтайлик. Сузишга отланаётганларнинг барчасини, оқсоқолларни ҳам зиёфатга таклиф этаман. Қасримдаги мусофирни катта зиёфат билан эъзозлайлик. Унга кўшиқчи Демодокни ҳам таклиф этсинлар, у ўзининг дилрабо кўшиқлари билан меҳмонларнинг кўнглини хушнуд этгай.

Алкиной фикрини шундай баён этди. Шу заҳотиёқ эллик икки нафар эшқакчи кемани сузишга шайлай бошлашди. Оқсоқоллар Алкинойнинг ордидан саройга кириб келишди. Хизматкорлар иккита хўкиз, ўн иккита кўй ва саккизта чўчка сўйиб, ҳашаматли зиёфат тайёрлашди. Алкинойнинг хизматкорларидан бири қасрга кўзи ожиз кўшиқчи Демодокни бошлаб келди. Меҳмонлар давра қуриб, ўтириб олишди, шодиёна зиёфат бошланди. Меҳмонлар мириқиб овқатланиб бўлишгач, Демодок тепасида, миҳда осилиб турган кифарасини кўлига олди, унинг жарангдор торларига бармоқларини теккизганда тантанали зиёфат чоғида икки буюк қахрамон Ахилл ва Одиссейнинг бахшлашганлари тўғрисидаги кўшиқ янграб кетди. Одиссей кўшиқни тингларкан, хаёлидан ғамгин хотиралар биринкетин ўта бошлади, кўз ёшлари тирқираб кетди. Феакияликлар кўз ёшларини кўришмасин дея, у бошини алвон ридоси билан ёпди. Демодок кўшиғини тугатди. Одиссей кўз ёшларини артди-да, олтин қадахни кўлига олиб, умрибоқий худолар шарафига сипқорди. Демодок тагин Троя остоналарида қахрамонларнинг кўрсатган жасоратлари ҳақида куйлай кетди. Одиссей яна йиғлаб юборди. Унинг кўз ёшларига ҳеч ким аҳамият бермади, фақат шоҳ Алкиной нега мусофир кўз ёши тўкапти дея ўйланиб қолди, у бу ёшларнинг сабабини англаб етди.

Меҳмонлар лаззатли таомлардан мириққандан сўнг Алкиной уларнинг ҳаммасини майдонда йиғилишга ва у ерда ўйинларда иштирок этишга даъват қилди. Ҳамма шоҳнинг ордидан эргашди, Одиссей у билан ёнма-ён борарди. Феакиялик йигитлар хилма-хил машқларни бажаришда мусобақалаша бошлашди: тез югуриш, кураш, сакраш, муштлашиш ва диск (гардиш) ирғитиш сингари мусобақалар ниҳоясига етаётганда кудратсоҳиб, соҳибжамол Эвриал Алкинойнинг гўзалликда тенги йўқ ўғли Лаодам ёнига бориб, кўринишидан бакувват туюлган мусофирни ҳам мусобақаларда иштирок этишга таклиф қилишни баён этди. Лаодам даставвал иккиланиб қолди, сўнг Одиссейнинг олдига бориб, уни лутфан ўйинларда иштирок этишга таклиф қилди. Лекин Одиссей рад этди – уни ватан қайғуси эзарди. Одиссейнинг рад жавобини эшитган Эвриал ҳазил аралаш деди:

– Мусофир! Сенинг ёш ва навқирон йигитлар билан тенглашолмаслигингни кўриб турибман. Сен умри денгизларда ўтган савдо билан шуғулланадиган олиб сотар бўлсанг керак афтидан.

Одиссей қовоғини важоҳат билан солди-да, Эвриалга шундай жавоб берди:

– Сен кўнгилини оғритадиган гапни айтдинг, Эвриал! Сенга қараб, шуни уқдимки, худолар одамга ҳамма нарсани раво кўрмас эканлар. Худди шундайин, улар сенга гўзалликни ато этиптию, доноликдан маҳрум айлабди. Сен шу гапинг билан мени ранжитдинг, лекин билиб қўй, мусобақалар бобида мен тажрибага моликман. Кўп жангларда қатнашганман, қанчадан қанча ғам-аламни бошдан кечирганман, лекин барибир кучимни синаб кўраман.

Одиссей шундай дедию, баҳайбат бир тошни олиб, чўнг қўли билан ирғитди. Тош феакияликлар тепасидан шувиллаб ўтиб кетди. Тагин тош бошларига тегиб кетмасин дея барча энгашди, лекин у халойиқдан анча узоққа учиб кетди ва шунча масофага бориб тушдики, бирорта феакиялик йигит гардишни, гарчи у Одиссей ирғитган тошдан анча енгил бўлсада, шундай узоқликка ирғитолмасди. Афина феакиялик қария қиёфасига кириб, тош тушган жойни кўрсатди. Шунда қувончга тўлган Одиссей шундай хитоб қилди:

– Мусофир, Эвриалнинг тўпориларча қилган истехзоси сени ўйинлар иштирокчиларининг барчасини мусобақага чақирришга ва ўзининг беқиёс катта кучингни кўрсатишга мажбур этди. Балки сен ҳамма соҳада бизлардан устундирсан, аммо тез югуришда эмас, зероки худолар феакияликларга тез югуришда энгилмаслик ато этишган, тагин, бунинг устига, уларни дунёдаги энг мохир денгизчилар қилиб яратган. Бундан ташқари, бизлар барчамиз қўшиқ айтиш, мусиқа, қувноқ рақс ва ҳашаматли зиёфатларни севамиз. Ҳозир бу ерга рақс бобида энг мохир йигитларни таклиф қилишади, ўшанда бизнинг ушбу санъат билан беҳуда фахрланмаётганимизга ишонч ҳосил қиласан.

Алкиной қўшиқчи Демодокка кифара келтиришни амр этди. Хизматкори унинг амрини шу ондаёқ бажо келтирди. Демодок хизматкорнинг қўлидан кифарани олиб, олтин торларни чертиб, қувноқ бир қўшиқни куйлай кетди. Унинг ашуласига жўр бўлган йигитлар энгилгина рақсни ижро эта бошлашди. Одиссей уларга завқ-шавқ билан қарар ва ҳаракатларининг мисли кўрилмаган гўзаллиги уни тонг қолдирарди. Йигитларнинг рақси ниҳоясига етгач, шоҳ Алкиной барча оқсоқолларга Одиссейга биттадан кимхоб либос ва бир талантдан олтин инъом этишни амр этди. Эвриал эса бундан ташқари, Одиссейни таҳқирлагани учун уни алоҳида эъзозлаши керак эди. Шу дамдаёқ Эвриал ўзининг кимматбаҳо қиличини Одиссейга бераркан, деди:

– Эй мусофир! Агар мен сенинг юрагинга раҳбна солган бўлсам, уни кўнглингдан чиқар! Худолар ватаниннга қайтишда сафарингни беҳатар этгай, тезда омон-эсон бориб, хотининг ва оиланг билан дийдор кўришгин!

– Сени ҳам худолар асрагай Эвриал! – деди Одиссей. – Ушбу армуғонинг билан гуноҳингни юваркансан, қиличнинг менга совға қилганинг учун зинҳор пушаймон бўлма.

Қуёш ҳам ботай деб қолганди, ҳамма шоҳ Алкиной саройига шошилди. У ерда Одиссей Алкиной томонидан ўзи учун тақдим этилган хобхонага кирди, инъом қилинган нарсаларни Арета юборган нафис нақшланган каттакон қутига жойлаштирди, уни ип билан айлантриб, унга Кирка ўргатганидек, мохирона боғлаб, чиройли тугун чиқарди. Одиссей башанг кийиниб, зиёфат берилаётган хонага кириб борди. У ерда у Навсияка билан учрашиб қолди. Малика унга айрилиқ алами ифодаланган сўзлар билан мурожаат қилди:

– Соҳибжамол мусофир! Сен ҳадемай ватаниннга қайтасан, у ерда мени эслагин. Омон қолганинг учун мендан ҳам қарздорсан.

– О, соҳибжамол Навсияка! – дея жавоб берди унга Одиссей. – Агар яшинчақнатар Завс менга ватанимга омон-эсон қайтишни насиб этса, ўшанда менинг ҳаётимни сақлаб қолганинг учун ҳар куни маъбудага ибодат қилгандай сен учун ҳам ибодат қиламан.

Шундай деркан, Одиссей Алкиной билан ёнма-ён ўтириб олди, зиёфат ҳам бошланди. Зиёфат чоғида Одиссей Демодокдан Троя остоналарида юнонлар томонидан ясалган ёғоч от ҳақидаги қўшиқни куйлашни илтимос қилди. Демодок куйлай бошлади. Одиссей яна аччиқ кўз ёшлари тўкарди. Мусофирнинг кўз ёши тўқаётганини кўрган Алкиной Демодокни қўшиқ айтишдан тўхтатди ва нега ҳар гал Троя остоналаридаги қахрамонларнинг жасорати ҳақидаги қўшиқни тинглаганда мусофир кўз ёши тўқади дея сўради. У мусофирдан кимлигини, отасининг ва онасининг кимлигини айтишни сўради. Алкиной унинг ким бўлишидан қатъий назар ватанига элтишга ваъда берди. У денгизлар худоси Посейдоннинг хоҳиш-иродасига қарши бориб, сайёҳларни ватанларига элтган феакияликларни жазолашни билса-да, ўз ваъдасининг устидан чиқишга сўз берди. Посейдон феакияликларга пайти келиб сайёҳларни юртларига элтаётган кемаларини қояга айлантираман, шаҳарни мангуга тоғ билан ёпаман, дея таҳдид соларди. Алкиной шундай бўлишини биларди, лекин Одиссейни ватанига элтишга қарор қилди. Энди Алкиной ўзи билан ёнма-ён ўтирган ушбу мусофирнинг кимлигини билишни истарди. Шунинг учун ундан кимлигини ва барча саргузаштларини ҳикоя қилиб беришни илтимос қилди.

– Шоҳ Алкиной, – деди унга Одиссей, – сен менга бошимдан ўтказишга тўғри келган барча азоб-оқубатлар, ўзимнинг кимлигим, туғилган жойим, отамнинг кимлиги ҳақида билишни истайсан. Билиб ол, мен Лаэртнинг ўғли, Итака ороли подшоси Одиссейман. Нимфа Калипсо оролини тарк этгач, бошимдан нималарни кечирганимни биласан. Энди мен сенга Троя остоналаридан сузиб кетаётганимда бошимдан ўтган воқеалар хусусида сўзлаб бераман. Қулоқ сол!

Одиссей шундай дедию, ўзининг саргузаштлари ҳақидаги қиссани бошлади.

ОДИССЕЙ ЎЗ САРГУЗАШТЛАРИНИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ. КИКОНЛАР ВА ЛОТОФАГЛАР

– Троя остоналаридан йўлга чиққанимизда, – ҳикоясини бошлади Одиссей, – йўлдош ел қўл келди, сарҳадсиз денгизда осойишта, киконлар юртига етиб келдик. Уларнинг шаҳри – Исмарни забт этдик, халқини кирдик, аёлларни асирга олдик, шаҳарни эса тор-мор айладик. Мен ҳамроҳларимни тезроқ ватанимизга сузиб кетайлик, дея кўндира бошладим, бироқ улар қулоқ осишмади. Шу аснода шаҳарнинг омон қолган одамлари атрофдаги киконларни ёрдамга чақириб, бизларга хужум қилишди. Уларнинг сони ўрмондаги барглар, ўтлоқлардаги кўклам гулларининг сонидек кўп эди. Киконлар билан узок вақт жанг қилдик, киконлар бизлардан устун келгач, бизларга қочиб қутулишга тўғри келди. Мен ҳар бир кемадан олти нафар жасур эшкакчини йўқотдим. Очиқ денгизга чиқишдан олдин ўзимиз билан бирга бўлмаган ўртоқларимизни уч марта кичкириб чақирдик, аммо улардан дарак бўлмади, ўлдирилган ҳамроҳларимизга қайғуриб, қутулганимизга суюниб, очиқ денгизга чиқдик.

Эндигина очиқ денгизга чиққандик, яшинчақнатар Зевс шимол шамоли худоси Борейни биз томон юборди. У денгизда даҳшатли бўрон кўзғади. Осмонни қоп-қора булутлар қоплади. Атрофга зулмат чўкди. Суронли шамол Борей елканларимизни уч марта юлиб ташлади. Ниҳоят, катта машаққат билан эшкаклар ёрдамида кимсасиз оролга етиб олдик. У ерда икки кечаю икки кундуз бўрон тинишини кутдик. Учинчи куни мачталарни созлаб, елканларни ёйиб, узок йўлга равона бўлдик. Лекин барибир суюкли юртимизга етиб келолмадик. Бўрон пайтида йўлдан адашдик. Ниҳоят, сузишимизнинг ўнинчи кунида бир оролга келиб қолдик. Бу лотофаглар ороли эди. Қирғоқда гулхан ёқиб, ўзимиз учун егулик тайёрлай бошладик. Мен ушбу оролда қанақа халқ яшашини билиб келиш учун учта ҳамроҳимни юбордим. Уларни лотофаглар (нилуфархўрлар) самимий кутиб олиб, уларга ширин нилуфар берипти. Ҳамроҳларим уни еган заҳотиёқ ўз ватанларини унутишиб, жонажон Итакага қайтишдан бош тарта бошлашди. Улар лотофаглар оролида бир умрга қолиб кетмоқчи бўлдилар. Лекин бизлар уларни зўрға кемаларимизга келтириб, қочиб кетмасин деб боғлаб қўйдик. Шу пайт мен барча ҳамроҳларимга эшкаклар ёнига ўтиришни, иложи борича лотофаглар оролини тезда тарк этишни амр этдим. Чунки бошқалар ҳам ширин лотос(нилуфар)дан еб ватанини унутмасин тагин деб кўрқардим.

ОДИССЕЙ ЦИКЛОПЛАР ОРОЛИДА. ПОЛИФЕМ

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Узок йўлни сузиб ўтгач, мен ҳамроҳларим билан ҳеч қандай қонун-қонидани билмаган ваҳший циклоплар оролига келиб қолдик. Улар зироатчилик билан шуғулланмасалар-да, ернинг ўзи ҳамма нарсани мўл-қўл қилиб етказиб бераркан. Баҳайбат циклоплар моғораларда яшаркан, ҳар бири ўз оиласини билади, холос, уларда халқ йиғинлари бўлмас экан. Биз уларнинг ерига бирдан кириб борганимиз йўқ, даставвал кичик бир оролнинг кўрфазига кириб бордик, у циклоплар оролига яқин жойда экан. Орол жуда серҳосил ерларга молик бўлса-да, у ерга ҳеч қачон ҳеч ким қадам қўймаган. Ушбу оролда ёввойи эчкилар ниҳоятда кўп экан, одам зотини кўрмаганидан биздан мутлақо ҳайқишмасди. Тунда кемаларимизни қирғоққа боғлаб, шу ерда уйкуга кетдик, эрталаб эчки овлаш билан машғул бўлдик. Ҳар бир кемага тўққизтадан эчки тўғри келди, мен сузган кемага эса ўн дона эчкини жойладим. Овдан сўнг кун бўйи зиёфат куриб дам олардик. Циклопларнинг овози ва подаларининг мараши бизгача етиб келарди. Келгуси куни эрталаб мен ўз кемамга ўтириб, қанақа халқ эканлигини билиб олиш учун циклоплар оролига сузиб кетишга қарор қилдим. Биз кенг буғоздан шитоб билан сузиб ўтдик-да, қирғоққа етиб келдик. Денгиз бўйида бизлар олдида гуркираб дафна дарахтлари ўсган ва баҳайбат тошлар билан ўралган моғорани кўрдик. Ўзим билан бирга ўн икки нафар ишончли ҳамроҳларимни, меш тўла вино ва озиқ-овқат олиб, циклопнинг моғорасига бордим. Кейинчалик билиб олганимиздек, ушбу циклоп энг ваҳшийларидан бўлиб, бошқалардан алоҳида яшар ва ёлғиз ўзи подасини боқиб юраркан. У бағоят баҳайбат, махлуқона кучли бўлиб, манглайида биттагина кўзи бор эди, холос. Бизлар унинг моғорасига кирганимизда у уйида йўқ экан, у подасини боқиб юрган экан. Циклопнинг моғорасида саватларда жуда кўп миқдорда пишлоқ ва ҳар хил идишларга қатиқ солинганди. Моғорада улоқлар ва кўзичоқлар учун махсус тўсиқлар қилинганди. Шерикларим энг яхши кўзичоқ ва улоқларни, пишлоқларни кемага олиб кетайлик деганда бахтга қарши мен уларга қулоқ солмагандим. Мен циклопнинг ўзини кўрмоқчи бўлдим. Ниҳоят, циклопнинг ўзи ҳам келиб қолди. У моғорага кираверишда ерга баҳайбат бир даста ўтинни ташлади. Циклопни кўрганимизда ҳаммамиз даҳшатга тушганимиздан моғоранинг қоронғи бурчагига тикилиб олдик. Циклоп подасини моғорага камади-да, эшикни ўрнига ағдариб, эчки ва қўйларини соға бошлади. Уларни соғиб бўлгач, ўзига

овқат тайёрлаш учун олов ёқди. Шунда у бизларни кўриб қолди-ю, момоқалдиқдай гулдираган овоз билан қичқирди:

– Кимсизлар? Қаердан келиб қолдинглар? Биламан, такасалтангларча денгизма денгиз санқиб, халқларни бахтсизликка дучор этадиганлардансиз.

– Бизлар барчамиз юнонлармиз, – дея жавоб бердим циклопга, – Троя остоналаридан сузиб чиққанмиз. Кучли бўрон туфайли бу ерга келиб қолдик. Бизларни меҳмон сифатида, дўстона қабул қилишингни сўраймиз. Ўзинг яхши биласан сайёҳларни ранжитиб, уларга меҳмондўстлик қилмаганларни Зевс жазолайди.

– Мени худолардан кўрқади деб ўйлаётган бўлсанг, сен бу ерга узоқдан келганга ўхшайсан, мусофир! – ёвузларча қичқирди менга циклоп. – Зевсинг ким бўпти менга! Мен Зевснинг ғазабидан кўрқмайман! Мен сизларни аяйдиганлардан эмасман! Мен хоҳлаганимни қиламан, бас! Айт-чи, кемаларинг қаерда?

Циклопнинг нима учун кемамни сўраётганини тушундим ва унга жавоб бердим:

– Бўрон кемамни соҳилбўйи қояларига дуч келтирдию, у чилпарчин бўлди, мен ва шерикларим омон қолди, холос.

Циклоп менинг сўзларимга жавоб бермади. У ўзининг баҳайбат қўллари билан дарров шерикларимдан икки нафарини тутиб олдида, ерга уриб ўлдирди. Сўнг уларнинг таналарини майдалаб, пишириб еди. Бизлар сўз билан тасвирлаб бўлмайдиган даҳшатга тушиб, Зевсдан нажот истаб, ялина бошладик. Циклоп ўзининг ўта даҳшатли кечки овқатини еди-да, ерга чўзилиб, ухлаб қолди. Мен уни ўлдирмоқчи бўлиб қиличимни яланғочладим, аммо кираверишга ағдариб ўйилган улкан қояга кўзим тушгач, бундай йўл билан қутулмаслигимизни тушундим. Тонг отди. Циклоп тагин икки нафар шеригимни ўлдирди. Уларни еб бўлгач, подасини моғорадан ҳайдаб чиқди, эшикни яна қояни ағдариб ёпди. Узоқ вақтгача қутулиш йўлини изладим, ниҳоят ўйлаб топдим. Моғорада мачтага ўхшаган каттакон тўсин топдим. Циклоп ундан ўзига тўқмоқ ясамоқчи бўлган чоғи. Қиличим билан тўсиннинг бир учини қирқиб ташладим, уни ўткирлаштирдим, кўмир билан куйдириб, яшириб қўйдим. Циклоп кечқурун подасини ҳайдаб келди. У тагин икки нафар шеригимни ўлдирди, ўзининг жирканчли овқатини еб бўлгач, ётмоқчи бўди. Мен унинг ёнига бориб, бир қадах вино ичишни таклиф этдим. Циклоп винони ичди-да, менга шундай деркан, яна талаб қилди:

– Яна битта куйда, исмингни айт, мен сенга совға тайёрламоқчиман.

Мен циклопга иккинчи қадахни узатдим, у учинчисини талаб қилди, учинчи қадахни ҳам тўлдирдим. Уни циклопга узатарканман, унга дедим:

– Сен исмингни билмоқчимисан? Менинг исмим – Ҳечким.

– Ҳой, Ҳечким, кулоқ сол, мен сени ҳаммадан кейин ейман, ана шу менинг сенга совғам бўлади, – дея мазах қилиб жавоб берди циклоп. У учинчи қадахни симирди-да, маст бўлиб, ерга кулади ва уйкуга кетди.

Шунда мен ўртоқларимга имо қилдим, ўткирланган тўсинни кўтариб, уни гулханда ёндирдик ва циклопнинг кўзини куйдирдик, у даҳшатли оғриққа чидаёлмай ёниб турган қозикни суғурди ва бошқа циклопларни ёрдамга чорлай бошлади. Улар югуриб келиб, нима бўлганини сўрай бошлашди:

– Нима бўлди сенга? Сени ким ранжитди? Подангни ўғирлаб кетишдими, нима бало? Нега бизни уйғотдинг?

Ёввойиларча бўкирган Полифем уларга шундай жавоб берарди:

– Мени куч билан эмас, Ҳечким айёрлик билан ўлдираяпти.

– Агар сени ҳечким ранжитмаган бўлса, бундай бўкиришинг нима хожати бор? Агар бордию касалга чалинган бўлсанг, бу Зевснинг хоҳиш-иродаси, уни ҳечким ўзгартиролмайди.

Циклоплар шундай деркан, узоқлашишди.

Тонг отди. Полифем қаттиқ инграш билан кириш жойидан тошни силжитди, ҳар бир қўй ва эчкининг орқасидан пайпаслаб, ташқарига чиқарарди. Шунда мен шерикларимни қутқазиб мақсадида учта қўйни бир-бирига боғлаб чиқдим, ўртадаги қўйнинг тагига биттадан шеригимни боғладим. Ўзим эса Полифемнинг энг яхши кўрган баҳайбат қўчқорининг қалин жунларига ёпишиб, тагидан осилиб чиқдим. Тагига шерикларим боғланган қўчқорлар Полифемнинг олдидан бирин-кетин ўтаверди. Охирида тагида мен осилган қўчқор борарди. Полифем уни тўхтатиб, қандайдир аблаҳ Ҳечким ўзининг бошига шундай кулфатни солганидан зорлана бошлади. Ниҳоят, ўша қўйни ҳам қўйворди. Муқаррар юз берадиган ҳалокатдан ана шундай халос бўлгандик. Бизлар Полифемнинг подасини шитоб билан кемалар томон ҳайдаб борардик, у ерда бизни шерикларимиз кутиб турарди. Шерикларим-

га ҳалок бўлганлар учун йиғлашни ман қилдим. Полифемнинг кўйларини зудлик билан кемаларга киритдик ва қирғоқдан сузиб кетдик. Бизлар одам овози эшитиладиган масофагача сузиб борганимизда циклопга қараб қаттиқ қичқирдим:

– Қулоқ сол циклоп! Золимлигинг туфайли Зевснинг қаҳрига дучор бўлдинг. Энди бахтиқаро сайёҳларни ўлдириш ва ейиш насиб этмайди.

Сўзларимни эшитган циклоп ғазаб билан каттакон қояни кўтариб олдида денгизга ташлади. Қоя кеманинг бурнини чилпарчин қилишига озгина қолди. Унинг залваридан денгизда катта тўлқин вужудга келган кемам қирғоққа сакраб кетди. Лекин мен кемани лангар билан орқага итардим, яна денгизда сузишда давом этдик. Сузиб кетарканмиз, Полифемга томон қичқирдим:

– Билиб кўй, Полифем, сени Итака подшоси Одиссей кўр қилди.

Ғазаб ўтида ёнаётган Полифем унга жавобан шундай хитоб этди:

– Кароматсоҳибнинг башорати тўғри чиқди! Мен Одиссейни қандайдир бахайбат, девқомат баходир деб ўйлардим, мен сени бунчалик ожизу нотавон деб асло ўйламагандим!

Полифем уни кўриш имконидан махрум этганим учун мени жазоласин дея отаси Посейдонга ёлвора бошлади. У аввалгисидан ҳам катта қояни денгизга ташлади. Қоя кеманинг куйруқ қисмидан нарига тушди. Беқиёс улкан бир долға кемамга урилиб, уни денгизнинг ичкараси томон улоқтирди. Бизлар ана шу зайл ҳалос бўлган эдик. Кемаларнинг қолганлари бизни кутган оролга эсон-омон етиб келдик. Ўша ерда худолар шарафига катта қурбонлар келтирдик. Ушбу оролда тунни ўтказиб, эртасига чексиз-чегарасиз денгиз бўйлаб, ҳалок бўлган дўстларимиз учун қайғуриб, йўлимизда давом этдик.

ОДИССЕЙ ЭОЛ ОРОЛИДА

Орадан кўп ўтмай бизлар Эол оролига етиб келдик. Денгизда сузиб юрган бутун бошли Эол ороли бузилмас мис деворлар билан ўралган, денгиз тўлқинларидан чиқиб турган қирғоқлари эса осма қоялар орқали қад кўтариб туради. Ушбу оролда Эол (хотини) рафиқаси, олти нафар ўғли ва олти нафар қизи билан яшайди. Эолнинг ҳаёти осойишта ва дориломон кечарди. Кунларни у ҳашаматли қасрларида ўз оиласи билан қувноқ зиёфат қуриб ўтказарди. Эол бизларни бир ой мобайнида зиёфатлар билан сийлар ва менинг Троя остоналаридаги қаҳрамонларнинг жасоратлари ҳақидаги ҳикояларимни мириқиб тингларди.

Ниҳоят, мен ундан бизга ватанимизга қайтишга рухсат бер дея илтимос қила бошладим. Эол рози бўлди. Хайрлашаётганимизда у менга кумуш ип билан боғланган каттакон меш берди. Ушбу меш ичида Эолга тобе шамоллар жойлашганди. Фақат мағриб шамоли – Зефиргина эмин-эркин эсарди. У менинг кемаларимни жонажон Итакага ҳайдаб бориши керак эди. Эол то ватанимга қайтмагунимча мешнинг оғзини очишни қатағон этди. Лекин буюк Зевс менга ватанга қайтишни насиб этмаган экан. Итакага қараб сузишимизнинг ўнинчи кунида кўзимга Итака кўринай деганда худолар мени қаттиқ уйкуга чўмдиришган экан. Ҳамроҳларимга мешни очишни ман қилганим учун улар ўзаро гаплашиб, унга Эол кўп олтин ва кумуш берган бўлса керак дея ўйлашибди. Шерикларим қизиксиниб мешни очиб юборибди. Унинг ичидаги шамоллар чиқиб, денгизда даҳшатли бўрон кўзгаган экан. Мен бўроннинг шовқинига уйғониб кетдим, саросимада ўзимни денгизга ташлай дебман, аммо тақдирга тан бериб, хилъатимга ўраниб, куйруқ томонга ётиб олдим.

Бўрон бизни яна Эол оролига ҳайдаб келди. Шерикларимдан бири билан Эол саройига бордим ва унга тағин ватанимга қайтишга ёрдам бер дея ялина бошладим. У мени саройидан қувиб юбораётиб, сендайларга, яъни худолар нафратланадиган ва таъқиб қиладиганларга ҳеч қачон ёрдам бермайман.

Аччиқ кўз ёшлари тўкиб, саройни тарк этдим.

ОДИССЕЙ ЛЕСТРИГОНЛАР ҲУЗУРИДА

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Биз денгиз бўйлаб йўлга отландик. Олти кечаю олти кундуз суздик. Ниҳоят, қандайдир оролга келиб қолдик. Тинч бир кўрфазга кирдик. Ўн битта кемам қирғоққа келиб тўхтади, шерикларим уларни соҳилбўйи кумликка чиқариб қўйишди. Ўзимнинг кемамни эса кўрфазга кириш жойида қолдиргандим. Атрофга қараб олай деб қоя устига чиқиб олдим. На пода, на экинзор кўринарди, узоқ-узоқларда тутун кўтариларди, холос. Ушбу оролда кимлар яшаётганини билиб келиш учун уч нафар ҳамроҳимни юбордим. Улар йўлга тушишди. Катта шаҳар яқинидаги қудуқ олдида шерикларим бўйи тоғдай келадиган бир қизни учратишган экан, у уларни отаси Антифат саройига бошлаб борибди, у лестригонлар ҳукмдори экан. Улар қасрда Антифатнинг ниҳоятда баланд бўйли хотинини кўриб



колишибди. У оксоқоллар кенгашидан қайтган эрини чақиршни амр этибди. Кейин югуриб келиб, шерикларимдан бирини тутиб олиб, уни тилка-пора қилиб ташлапти ва унинг гўшtidан ўзига овқат тайёрлатибди. Шерикларим тўмтарақай бўлиб қочиб қолишди ва кемаларига югуриб келишди. Антифат лестригонларни чақириб олди. Улар денгиз қирғоғига югуриб боришди. Лестригонлар бутун бошли қояларни кемаларга томон ирғитиб, уларнинг шалағини чиқаришди, шерикларимнинг ҳаммасини ўлдириб, ўликларни қозикларга тизиб, шаҳарга олиб кетишди. Мен зўрға ўз кемамда ўтириб қутулиб қолдим. Ўн иккита кемадан ихтиёримда биттаси қолди.

ОДИССЕЙ СЕҲРГАР КИРКА ОРОЛИДА

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Бизлар ҳалок бўлган дўстларимиз учун қайғуриб, бепоён денгиз бўйлаб узоқ суздик. Ниҳоят, сумбул сочили сеҳргар Кирка яшайдиган Эея оролига етиб келдик. Кирка маъбуд Хелиоснинг қизи эди. Ушбу сокин кўрфазда икки кунни ўтказдик. Учунчи кун белимга қиличимни осиб, найзамни олиб, оролнинг ичкарисига кириб бордим. Баланд қоя устида туриб, ўрмоннинг ичидан, узоқда кўтарилаётган тутунга кўзим тушди. Кемага қайтиб, оролда кимлар яшаётганини билиб келиш учун бир неча нафар ҳамроҳларимни юборишга қарор қилдим. Кемага қайтаётиб, каттакон кийикни найза билан ўлдиришга муваффақ бўлдим. Уни кемага олиб келиб, ўзимизга егулик тайёрладик, таомдан мириқиб, вино ичиб, денгиз тўлқинлари шовқини остида уйкуга кетдик. Эрталаб ҳамроҳларимни икки гуруҳга ажратдим. Бирига ўзим бошчилик қилдим, иккинчисига Эврилох. Оролнинг ичкарисига ким бориши учун қуръа ташладик, у ерга бориш Эврилох ва унинг ўн икки нафар шериклари чекига тушди.

Улар йўлга равона бўлишди ва кўп ўтмай Кирканинг саройига етиб олишди. Сарой қошида қўлга ўргатилган арслонлар ҳамда бўрилар юрарди. Улар менинг шерикларимни кўргач, уларнинг яқинига югуриб келишди ва гўё хўжайинларига эркалик қилган итлардек эркалик қила бошлашди. Кирка уларни сеҳрли ичимлик билан шундай измига солганди. Шу он саройдан шерикларимнинг қулоғига жарангдор қўшиқ садоси чалинди. Киркани чақириб олишди. У чиқиб, уларни самимият билан ичкарига таклиф этди. Саройда уларга вино берганда сеҳрли гиёҳ ширасидан қўшди. Шерикларим винони ичишди, Кирка эса уларнинг ҳар бирига ҳасса тегизиб, ҳаммасининг ақл-заковатларини сақлаб қолган ҳолда, чўчкаларга айлантирди. Кейин уларни оғилга ҳайдаб киритди ва аччиқ кўз ёши тўқаётган шерикларимга овқат ўрнида чўчкаёғоқ ташлади. Ёлғиз Эврилохгина қутулиб қолганди. У шериклари билан бирга саройга кирмаганди.

Эврилох кемага югуриб келди-да, ҳамроҳларимнинг бошига тушган мусибат ҳақида даҳшатга тушиб ҳикоя қилди. Мен шу заҳотиёқ фақат бир нарсани – ҳамроҳларимни қандай ҳалос этсам экан деган ўй билан Кирканинг саройига йўл олдим. Йўлда кетаётганимда олдимда келишган йигит қиёфасига кирган маъбуд Ҳермес пайдо бўлди. У менга шерикларимни сеҳргар Кирка ҳукмидан қандай озод қилишимни ўргатди ва менга Кирканинг сеҳру жодусига акс таъсир кўрсатадиган ўсимлик илдизини берди. Мен Кирканинг саройига келдим. У мени иззат-икром ила қарши олиб, саройга бошлаб борди-да, ҳашамат ила безатилган ўриндиққа ўтказиб, сеҳрли ичимликни келтириб, уни ичишимни таклиф этди. Мен уни бамайлихотир ичдим. У мени таёғи билан туртаркан, деди:

– Тур, чўчкахонага кир-да, у ерда бошқалар қатори ағанаб ётавер.

Маъбуд Ҳермес амр этганидек мен қилични яланғочлаб, сеҳргар Киркага ташланиб, уни ўлдираман дея таҳдид сола бошладим. Кирка менинг олдимда тиз чўкди.

– Ҳой, сен кимсан? – хитоб қилди у. – Шу пайтгача ҳеч ким менинг сеҳрли ичимлигимдан ҳалос бўлолмаганди. Энди билдим, сен маккор Одиссейсан! Сенинг ҳузуримга келишингни қачонлардир Ҳермес башорат қилганди.

Шунда қиличимни қинига солиб, Киркани менга зиён-заҳмат етказмасликка қасам ичишга мажбур қилдим. У худоларнинг бузилмас қасамини ичди. Кирка мендан ўзиникида қолишни илтимос қилди ва менга дам олишни таклиф этди. Ҳордиқ олаётганимда Кирканинг жориялари – дарё ва жилғалар худоларининг қизлари бағоят мазали таом тайёрлашганди. Серҳашам либосларга бурканиб, зиёфат қасрига кириб, тўкин дастурхон атрофига ўтирдим ва чигал хаёлларга чўмдим. Кирка мендан маҳзунлигим сабабини сўради. Мен ҳамроҳларим илгариги қиёфасига кирмагунларигача ҳеч нарса емайман деб жавоб бердим. Кирка шу ондаёқ чўчкаларни оғилдан ташқарига олиб чиқиб, уларнинг баданларига сеҳрли ёғ суртиб, илгариги қиёфаларига келтирди, улар ҳатто аввалгидан ҳам чиройли ва кучли бўлишганди. Улар мени кўргач, қувониб кетишди, уларнинг шодлиги ҳатто Киркани ҳам



хаяжонга солди. Сеҳргар Кирка мендан денгиз бўйига бориб, у ерда қолган ҳамроҳларимни ҳам унинг қасрига бошлаб келишимни илтимос қилди. Эврилохнинг маккора Киркага ишониб бўлмайди дея қаршилиқ кўрсатишига қарамасдан, мен шу заҳотиёқ Кирканинг илтимосини бажо келтирдим ва барча ҳамроҳларимни унинг қасрига бошлаб келдим. Бизлар Кирканинг қасрида йиғилганимизда у бизларни дабдабали зиёфат билан сийлади.

Бизлар Кирканинг қасрида бир йилни ўтказдик. Йил тугагач, мен Киркадан энди бизларга юрти-мизга қайтишга ижозат беришини илтимос қила бошладим. Сеҳргар Кирка рози бўлди. У менга вата-нимга қайтишдан аввал Ер ости салтанати Аидга тушиб, Фивалик кароматсоҳиб Тиресийнинг кўланкасида ўз тақдиримни билиб олишим кераклигини айтди. Кирка Ер ости кўланкалар салтана-тига кириш йўлини нечук топишимни сўзлаб берди ва қандай қурбонлик қилиб, ўликлар кўланкасини қай тарзда чорлаш лозимлигини ўргатди. Мен сеҳргар Кирканинг маслаҳатларини обдон тинглагач, йўлга равона бўлдик. Зулмат салтанати – Аидга кириш йўлини топиш учун узоқ йўл босишимиз Ер-нинг нариги чеккасига боришимиз керак эди.

ОДИССЕЙ ЕР ОСТИ САЛТАНАТИ АИДГА БОРИБ КЕЛАДИ

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Мен ҳамроҳларимга қаерга йўл олаётганимизни баён этганимда улар даҳшатга тушишди, шунга қарамай буйруғимга итоат этиб, кемага чиқишди, биз узоқ шимол сари сузиб кетдик. Сеҳргар Кирка бизга йўлдош ел юборди. Ўша ел кемамизни дарҳол олға бошлади. Ниҳоят, бизлар кекса Ўқенус сув-ларига етиб келдик ва Ҳелиос одамлар учун ҳеч қачон нур сочмайдиган ғамгин (мотамсаро) кимме-рийлар мамлақати соҳилларига келиб тўхтади. Ушбу мамлакат мангу совуқ туман билан қопланган бўлиб, уни мудом қалин тун шафағи чулғаб тураркан. Ўша ерда биз кемамизни қирғоққа олиб чиқдик ва бизга Кирка берган кўй ва қора кўчқорни ер ости маъбудларига қурбон қилиш учун олдик-да, ул-кан қоя ёнида Ахертга қуйиладиган Коцит ва Пирифлегетонт дарёларига яқин жойга бордик. У ерга келгач, мен қиличим билан чуқур бир хандақ қазидим, унинг устида уч хил: бол, вино ва сув ис-теъмол қилиш билан ичкилик назр қилдик, ҳамма нарсага арпа уни сепиб, хандақ устида қурбонликни бўғизладим. Қурбонликнинг қони чуқурга қуйиларди. Тумонат арвоҳлар чуқурга ёпи-рилиб келди-да, қурбонликнинг қонини биринчи бўлиб ким ичмоғи кераклиги ҳақида баҳслаша бош-ладилар. Уларнинг орасида ёш келинлар, йигитлар, кексалар ва жангларда ҳалок бўлган эркакларнинг арвоҳлари бор эди. Мени ва ҳамроҳларимни даҳшат чулғади. Биз қурбонликларни қуйдириб юборгач, ғамгин маъбуд Аид ва унинг хотини маъбуда Персефонага хитоб қилдик. Мен ўлганларнинг арвоҳини чуқурга яқинлаштирамаслик учун унинг ёнида қиличимни яланғочлаб ўтирдим. Унга би-ринчи бўлиб ёш Эльпенорнинг арвоҳи яқинлашиб келди. Унинг арвоҳи бизлардан аввал ўликлар арвоҳи салтанати қопқаларигача югуриб келди. Эльпенор менга арвоҳим Ер ости салтанатида ором олсин, мени дафн этгин дея ялинарди. Мен унинг илтимосини бажо келтиришга ваъда бердим. Чуқурга томон онам Антикляянинг арвоҳи ҳам учиб келди. Мен Итакани тарк этганимда у тирик эди. Бу ҳол мен учун нечоғлик аламангиз бўлмасин, уни қурбонликнинг қонидан биринчи бўлиб кароматсоҳиб Тиресий бахраманд бўлмоғи керак эди. Ниҳоят, Тиресийнинг арвоҳи пайдо бўлди. Қондан мириқиб ичаркан, вужудсиз арвоҳ менга юзланди-да, ерни ларзага келтирувчи маъбуд По-сейдоннинг мендан ғабаланаётганини баён этди, чунки унинг ўғли – циклоп Полифемнинг кўзини кўр қилгандим. Лекин Тиресийнинг башорат қилишича, мен Посейдоннинг хоҳиш-иродасига зид ўлароқ, агар ҳамроҳларим Тринакрия оролида Ҳелиоснинг ҳўкизларига тегмаса, ватанимга етиб оларканман. Лекин, бордию, менинг ҳамроҳларим ҳўкизларни ўлдиришса, уларнинг барчаси ҳалокатга учрайди, фақат мен ҳалос бўлиб, катта машаққат ва мусибатлардан сўнг уйимга қайтиб ке-ларканман. У ерда хушторлардан қасос оламан, аммо кейинчалик қўлимга эшкак олиб, денгизда су-зишни билмаган, ҳеч қачон кемаларни кўрмаган халқни учратмагунча сарсон-саргардонликда юриш-га мажбур бўларканман. Мен ўша халқни менга йўлиққан кишининг нега елкамда белкурак кўтариб юрганимни сўраганидан билиб оларканман. Ўша мамлакатда мен Посейдонга қурбон келтиришим керак экан, шундан сўнггина уйга қайтишим мумкин эди. Уйимда эса мен барча маъбудларга бағоят катта қурбонликлар келтиришим зарур экан, ўшандагина мен умрим сўнгигача Итакада тинч ва хо-тиржам яшашим мумкин бўларди. Афсунгар Тиресий мана шуларни башорат қилдию, ортига қайтиб кетди. Мен бир талай арвоҳларни кўрдим, онамнинг арвоҳи қонидан мириқиб симиргач, менга ўзининг ўлимигача Итакада нималар юз берганини, отам Лаэртнинг, Пенелопа ва ёш Телемахнинг тириклигини айтиб, менинг қўнглимга таскин бахш этди. Мен ўша суюкли онамни қучай деб уч мар-

та унга томон қўлларимни чўздим, бироқ унинг енгил кўланкаси ҳар гал сирғалиб кетди. Аид салтанатида кўп қаҳрамонларнинг кўланкаларини кўрдим, уларнинг ҳаммаси (даҳшатли) кўрқинчли горгона Медузани юбормасин дея кўрқиб турардим.

Бизлар зудлик билан кемани кекса Ўқёнус сувига туширдик ва киммерийлар мамлакатини тарк этдик. Кўп ўтмай бизлар Эея оролига етиб келдик, кемамиз қирғоққа тақалганда барчамиз осойишта уйкуга чўмдик.

ОДИССЕЙНИНГ СИРЕНАЛАР ОРОЛИ ВА СКИЛЛА ҲАМДА ХАРИБДА ЁНИДАН СУЗИБ ЎТИШИ

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Эртаси куни Эльпенорнинг жасадини дафн этиб, унинг қабри устида баланд кўрғонтепа вужудга келтирдик. Бизнинг қайтиб келганимизни билиб олгач, сеҳргар Кирка денгиз қирғоғига етиб келди. Унинг ортидан жориялари пайдо бўлди, улар кемага буюк пазандалик санъати билан тайёрланган лаззатнок таомлар ва вино билан тўлдирилган мешлар олиб келишди. Бизлар денгиз қирғоғида то тунгача кайфу сафога берилдик. Ҳамроҳларим ухлашаётганида сеҳргар Кирка менга йўлимда дуч келадиган хавф-хатар ҳақида ҳикоя қиларкан, улардан қандай халос бўлишни ўргатди.

Тонг шафағи эндигина алвон тусга кириб, само саҳнини музайян этганда ҳамроҳларимни уйғотдим. Кемамизни сувга туширдик, эшкакчилар аҳилона эшкаклар ёнига ўтириб олишдию, кема очик денгиз сари йўлга тушди. Йўлдош ел елканларимизни таранглаштираркан, кемамиз денгиз бўйлаб осойишта суза бошлади. Сиреналар ороли ҳам унга узоқ эмасди. Шунда мен шерикларимга шундай дея мурожаат қилдим:

– Дўстлар! Бизлар ҳадемай сиреналар ороли ёнидан сузиб ўтишимиз керак. Улар ўзларининг кўшиғи билан олдиларидан сузиб бораётган денгизчиларни мафтун қилиб, азоб-уқубатли ўлимга дучор этадилар. Уларнинг оролида умри хазон бўлганларнинг сўнгалари қалашиб ётипти. Уларнинг кўшиғини тинглаб ҳалок бўлмасликларингиз учун қулоқларингизни майин мум билан бекитаман. Мени эса кеманинг мачта(шоти)сига боғлаб қўясизлар, сеҳргар Кирка менга сиреналарнинг кўшиғини тинглашга ижозат берди. Бордию, мен уларнинг кўшиғига берилиб, мени бўшатинглар дея илтимос қилсам, сизлар мени баттар қаттиқ боғланг. Шундай деган захотиёқ йўлдош ел тинди. Шерикларим елканни тушириб, эшкаклар ёнига ўтириб олишди. Сиреналар ороли аллақачон кўзга ташланганди. Ҳамроҳларимнинг қулоқларини мум билан бекитдим, улар эса мени кеманинг шотисига шундай маҳкам боғлашдики, бирорта бўғинимни қимирлатолмасдим. Кемамиз орол ёнидан тез сузиб ўтарди, ундан сиренларнинг сеҳрловчи кўшиғи тараларди.

– Биз томон сузиб келавер, ҳой буюк Одиссей! – сиреналар шундай куйлашарди. – Кўшиғимиздан завқланай десанг, кемангни биз томон бургин. Бирорта ҳам денгизчи бизнинг кўнгильторлар кўшиқларимизни тингламасдан ўтиб кетмайди. Улардан завқланиб, кўп нарсани билиб олгач, бизни тарк этишади. Бизлар барчамиз юнонларнинг маъбудлар хоҳиш-иродаси билан Троя остоналарида қандай машаққат тортганидан, ер юзида нималар бўлаётганидан огоҳмиз.

Уларнинг кўшиғига маҳлиё бўлиб, мени ечиб юборинглар дея ишора қилдим шерикларимга. Лекин айтганларимни эсларканлар, мени янада маҳкам боғлаб қўйишди. Шерикларим сиреналар ороли кўздан ғойиб бўлгач, қулоқларига тикилган мумни олиб ташлашди, мени эса кеманинг шотисидан ечиб олишди.

Кемамиз осойишта сузиб борарди, аммо мен тўсатдан узоқдан қулоққа чалинаётган даҳшатли шовқинни эшитдим, шу он тутун кўзга ташланди. Мен бунинг Харибда эканини билардим. Ҳамроҳларим кўрқиб кетишди, дарҳол эшкак эшишдан тўхтаб қолишди, кемамиз ҳам юришдан тўхтади. Ҳамроҳларимнинг аҳволдан хабар оларканман, уларга далда бера бошладим.

– Дўстлар! Жуда кўп мусибатларни бошдан кечирдик, қанча-қанча хавф-хатарга чап бердик, – дедим мен, – енгиб ўтишимиз керак бўлган олдимиздаги хатар Полифем ғоридагидан хавфли эмас. Жасорат касб этинглар, қани эшкакларга маҳкам ёпишинглар! Зевснинг ўзи мадад бўлғай. Кемани тутун кўринган (жойдан узоқроққа) ва даҳшатли шовқин эшитилган жойдан узоқроққа йўналтиринглар. Қояга яқин йўналтиринглар!

Мен ҳамроҳларимнинг руҳини кўтардим. Улар бор кучи билан эшкак эша бошлашди. Лекин Скилла ҳақида мен уларга ҳеч нарса демадим. Скилла фақат олти нафар ҳамроҳимнинг умрига зомин бўлишини билардим, Харибда томонга йўналтирсайдик, ҳаммамиз ҳалок бўлардик. Ўзим эса Кирка-

нинг маслаҳатларини унутиб, қиличимни суғуриб, Скилланинг ҳужум қилишини кутиб ўтирдим. Мен уни беҳудага илғашга уринган эканман.

Кемамиз тор бўғоз орқали шитоб билан сузиб борарди. Харибданинг денгиз сувини қандай ютаётганини кўриб турардик: унинг жағларида тўлқинлар жўшиб-тошар, тубсиз қорнида эса денгиз балчиғи ва тупроқ гўё қозонда қайнагандек қайнарди. У сувни буркиратиб чиқарганда теварак-атрофда даҳшатли гулдираш вужудга келар, шўр сув катралари қоянинг тепасигача кўтариларди. Мен эса даҳшат ичра қолиб, ранги-кутим учиб, Харибдадан кўз узолмасдим. Шу он Скилла ўзининг олти-та баҳайбат жағини ҳам очиб, уч қатор тишларини ғижирлатиб, олти нафар ҳамроҳимни юҳодай ютиб юборди. Уларнинг қўллари ва оёқларининг ҳавода ялт этиб кўзга ташланганини кўриб қолдим ҳамда мени ёрдамга чорлаётганини эшитардим, холос. Скилла уларни ўзининг моғорасига кираверишда ямлаб ютиб юборди. Боёқишларнинг менга томон қўл силтаб ялинишлари беҳуда эди. Биз Харибда ва Скилладан жуда катта машаққатлар билан ўтиб олдик ва маъбуд Ҳелиос ороли – Тринакрия сари сузиб кетдик.

ОДИССЕЙ ТРИНАКРИЯ ОРОЛИДА. ОДИССЕЙ КЕМАСИНИНГ ҲАЛОКАТИ

Кўп ўтмай узокдан маъбуд Ҳелиос ороли кўринди. Биз тобора унга томон сузиб борардик. Ҳелиос ҳўкизлари ва қўйларининг маърашини яққол эшитиб турардим. Тиресийнинг башорати ва сеҳргар Кирканинг огоҳлантиришларини эслаб, ҳамроҳларимни оролда тўхтамасдан сузиб ўтиб кетишга кўндира бошладим. Бағоят катта хавф-хатарга дучор бўлмасдан ўтиб кетишни истардим. Лекин Эврилохнинг жавоби шундай бўлди:

– Одиссей, сен қандай бераҳмсан! Сен гўё мисдан куйилгандай, сира толиқишни билмайсан. Бизлар толиқдик. Қанча тунларни уйқусиз ўтказдик, сен бўлсанг бизга қирғоққа чиқиб, озгина тамадди қилиб, дам олишни ман қилиб ўтирибсан. Тунда денгизда сузиш хатарли, кемалар тунда бўронга дуч келса борми, худоларнинг хоҳиш-иродасига қарамасдан, бешафқат шамоллар натижасида чилпарчин бўлиб кетишади. Йўқ, бизлар қирғоққа чиқишимиз керак, эртага тонгдаёқ йўлга равона бўламиз.

Ҳамроҳларимнинг қолганлари ҳам Эврилохнинг фикрига қўшилишди. Мен фалокатдан қочиб кутулиб бўлмаслигини фаҳмладим. Оролга етиб келгач, кемани қирғоққа олиб чиқдик. Мен ҳамроҳларимни маъбуд Ҳелиоснинг ҳўкизларини ўлдирмасликка қасамёд қилишга мажбур этдим. Ўзимиз кечки овқатни тайёрладик, тановул чоғида Скиллага ем бўлган шерикларимизни кўз ёши тўкиб хотирладик. Кечки овқатдан сўнг барчамиз қирғоқда тинчгина уйқуга кетдик.

Тунда Зевс ўта даҳшатли бўрон кўзғатди. Дарғазаб Борей ваҳимали ўқира, бутун осмонни булутлар қоплар, тун борган сайин зулмат кўйнига чўмарди. Эрталаб бўрон туфайли шикастланмасин дея кемамизни қирғоқ бўйидаги моғорага киритдик. Мен яна бир бор шерикларимдан Ҳелиоснинг подасига тегмасликни илтимос қилдим, улар менинг илтимосимни бажо келтиришга ваъда беришди. Ўша ёқимсиз шамоллар бутун бошли бир ой эсиб турдию, бизлар йўлга тушолмадик. Ғамлаб қўйилган кўр-кут озик-овқатлар тугади. Ов қилиб, балиқ овлаб яшашга тўғри келарди, Очлик ҳамроҳларимни борган сайин изтироб чекишга мажбур эта бошлади. Кунлардан бир кун мен маъбудлардан бизга йўлдош ел юборсин дея оролнинг қоқ ўртасига бориб, танҳоликда уларга ялина бошладим. Мен узлатга торган ҳолда илтимосимни ижобат айласинлар дея Олимпсоҳиб маъбудларга ёлвордим. Маъбудлар мени билдирмасдан теран уйқуга чўмдиришди. Мен ухлаётганда Эврилох ҳамроҳларимни Ҳелиос подасидан бир нечта ҳўкизни ўлдиришга кўндирган экан. У ватанимизга қайтгач, Ҳелиос шарафига муаззам маъбад бунёд этамиз, унга қимматбаҳо армуғонлар тайёрлаб, кўнглини оламиз дерди. Маъбудлар уларни ҳўкизларни ўлдиргани учун ҳалок этсада, очликдан ўлганча денгизга ем бўлганлари афзалроқ.

Ҳамроҳларим Эврилохнинг фикрига қўшилишган эди. Улар подадаги энг яхши ҳўкизларни танлаб ўлдиришибди. Улар қурбонлик уни ўрнида эман япроқларидан, вино ўрнида сувдан фойдаланганлар, чунки бисотимизда на ун, на вино қолганди. Шундай қилиб, улар гўштнинг бир қисмини маъбудларга қурбонликка сарфлашган. Қурбонликка ташланган гўштни гулханда қовура бошлаган эди. Шу аснода мен уйғониб, кема томон борардим. Қовурилган гўштнинг ҳидини узокда туриб сездим ва қандай воқеа юз берганини дарҳол пайқадим. Даҳшатга тушарканман, шундай хитоб қилгандим:

– О, Олимпсоҳиб, буюк маъбудлар! Нечун мени уйқуга чўмдирдингиз? Ҳамроҳларим катта жиноятга қўл уриб, Ҳелиоснинг ҳўкизларини ўлдирибди.

Шу орада нимфа Лампетия маъбуд Ҳелиосни юз берган вакеадан хабардор қилади. Буюк маъбуд каттиқ ғазабланди. У маъбудаларга менинг ҳамроҳларим уни қандай таҳқирлагани ҳақида шикоят қилади. Ҳатто мангуга Аиднинг зулмат салтанатига тушиб, худолар ва одамларга ҳеч қачон нур сочмайман дея таҳдид солади. Дарғазаб қуёш маъбудининг кўнглига раҳм солиш учун Зевс ўз чакмоғи билан менинг кемамни чилпарчин қилиб, ҳамроҳларимнинг барчасини маҳв этаман дея яниб қўяди.

Мен ҳамроҳларимнинг қилиғи учун улардан беҳудага таъна қилардим. Худолар бизга даҳшатли аломат кўрсатишди. Ҳўкизлардан шилинган терилар тирикдек ҳаракат қилишар, гўштлар эса мунгли товуш чиқариб, маърарди. Бўрон олти кун увуллади, шерикларим ҳар куни Ҳелиоснинг ҳўкизларини ўғирлашарди. Ниҳоят, еттинчи куни бўрон тўхтади ва йўлдош ел эсди. Шу заҳотиёқ бизлар йўлга тушдик. Аммо Тринакрия эндигина кўздан ғойиб бўлган чоғда яшинчақнатар Зевс тепамизда ваҳимали булутлар пайдо қила бошлади. Зефир увуллаб хуруж қила бошлади, бўрон бошланди. Кемамизнинг шотиси худди таёқдай синиб тушди. У тушаётиб дарғамизнинг бошини иккига бўлиб юборди, у ўлик ҳолда денгизга чўкиб кетди. Зевснинг чакмоғи чарақлаб кетди-да, кема пайраха сингари парчаланди. Ҳамроҳларимнинг барчасини денгиз ютиб юборди. Ёлғиз ўзимгина омон қолдим. Шотининг синиғини ва кеманинг куйруқ қисмини зўрға ушлаб олдимда, иккисини бир-бирига боғладим. Бўрон тинди. Нот хуруж қила бошлади. У мени тўппа-тўғри Харибда томон элтарди. Харибда шу он ўкириб, денгиз сувини ютаётганди. Мен Харибда ёнидаги қоя устида ўсиб турган анжир дарахтининг бутогидан зўрға ушлаб олдимда шундайгина даҳшатли Харибда устида осилиб қолдим. Мен қачон Харибда сув билан бирга кемамнинг шотисини ва куйруқ қисмини қайтариб ташларкан дея узоқ кутдим. Ниҳоят, улар унинг баҳайбат жағлари орасидан сузиб чиқишди. Мен анжирнинг бутокларини қўйиб юбордимда, ўзимни кемамнинг синиқлари устига ташладим. Харибда комидан ана шу зайл халос бўлдим. Баҳайбат Скилладан ҳам Зевснинг иродаси ила халос бўлгандим. У менинг ўкираётган денгиз долғалари ичра сузаётганимни пайқаман эди.

Тўққиз кун бадалида ҳадсиз-худудсиз денгизда овора бўлиб, ва ниҳоят, тўлқинлар мени нимфа Калипсо оролига келтириб ташлади. Бу ҳақда сизларга ҳикоя қилгандим, Алкиной ва Арета, мен, шунингдек, сизларга нечук бекиёс катта хатарлардан сўнг сизнинг оролингизга келиб қолганимни ҳам ҳикоя қилгандим, бу тўғрида такрор сўзлаб бериш ақлдан эмас, албатта, сизни зериктирган бўлурдим.

Ўз саргузаштлари ҳақидаги қиссани Одиссей шундай тугатди.

ОДИССЕЙНИНГ ИТАКАГА ҚАЙТИБ КЕЛИШИ

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Эртаси куни феакияликлар сузиб кетиш тараддудини кўриб қўйишди. Улар кемаларга Одиссейга тақдим этилган қимматбаҳо совғаларни ортишди. Шахсан Алкинойнинг ўзи Одиссейни кузатиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда раҳнамолик қилди. Ҳамма нарса тайёр бўлганда Алкинойнинг қасрида Зевсга қурбон келтирилиб, хайрлашув зиёфати берилди. Одиссей оқшом кўнишини сабрсизлик билан кутарди. Қуёшнинг ғарбга томон оғаётганини кўрган Одиссей оқшом яқин дея қувонганидан ичига сиғмай кетди. Оқшом шафағи қуюқлаша бошлаганда Одиссей шоҳ Алкиной ва маъбудмонанд Арета билан хайрлашди, кейин кема томон йўл олди. Унинг ортидан эса чўри қизлар вино ва совғалар солинган кутиларни ҳамда йўл озикасини кўтариб боришарди. Одиссей кемага чиқаркан, ўзи учун тайёрлаб қўйилган тўшакка ётиб олди. Кучли эшкакчилар эшкакларни шиддат билан эша кетишди, кема очик денгизга чиқиб олганда худолар уни уйқуга чўмдиришди; у манзилга етганча тинчгина ухлади. Кема шунқордай тез елиб, субҳи содиқда наядалар – сув илоҳалари маскани бўлган моғорага яқин жойда Итака қирғоқларига етиб келишди. Феакияликлар ухлаётган Одиссейни оҳистагина қирғоққа олиб чиқишди ва уни кум устига ётқизишди. Феакияликлар томонидан тақдим этилган барча совғаларни унинг ёнида қолдиришиб, ўз юртлари сари йўлга равона бўлишди. Посейдон қайтиб келаётган кемани кўргач, ўзининг иродасига хилоф суратда Одиссейни ватанига элтиб қўйишгани учун феакияликлардан каттиқ ғазабланди. Посейдон улар устидан яшинчақнатар Зевсга шикоят қила бошлади. Зевс укасига феакияликлар кемаси ўзларининг бандаргоҳига кириб келаётганда уни юксак қояга айлантриб жазолашни маслаҳат қилди. Посейдон феакияликлар оролига зудлик билан келди-да, у ерда кеманинг қайтишини кута бошлади. Шу он кўм-кўк денгизда кема кўринди. Денгизчиларни кутиб олиш учун қирғоқда тумонат одам йиғилди. Ана, кема бандаргоҳга кирай деб турибди. Дафъатан у қояга айланиб қолди. Ушбу мўъжиза ҳақида шоҳ Алкинойни хабардор қилишди. У Посейдоннинг сарсон-саргардон бўлиб қолган мусофирларни денгиз орқали ўз юртларига элтиб қўяётганлари учун феакияликларни жазолайман дея солган таҳдидини ижро этганини дарҳол тушун-

ди. Шоҳ Алкиной оролда яшовчиларнинг барчасини бир жойга тўплаб, уларга шаҳарга кириш йўлини баланд қоя билан тўсмаслиги учун Посейдон унинг кўнглига раҳм соладиган қурбонлар келтиришни амр этди. Феакяликлар Посейдонга уни жаҳлдан туширмақчи бўлиб, астойдил ялина бошладилар ва мусофирларни уларнинг юртларига минбаъд ҳеч қачон элтмасликка онт ичишди.

Шу аснода Одиссей денгиз қирғоғида уйғониб кетди. У жонажон юрти – Итакани танимади, чунки маъбуда Афина бутун теварак-атрофни туманга буркаганди. Одиссей талвасага тушиб қолди. Феакяликлар уни қандайдир кимсасиз оролда қолдириб кетишган бўлса керак деган хаёлга борди-да, ўзининг шум қисматидан шикоят қилиб, айюханнас солиб қичқира бошлади.

Орқасига бурилиб, феакяликлар тақдим этган совғаларнинг ёнида ётганини кўрди. Уларнинг ҳаммаси жойида эди. Одиссей хафакон бўлиб қирғоқ томон юраркан, ажойиб бир йигитни учратди. У ундан бу ер қанақа мамлакат эканини сўради ва тўсатдан ўзининг Итакада эканини эшитиб қолди. Йигит Одиссейдан кимлигини сўради. Эҳтиёткор Одиссей ўзининг мусофир эканлигини, туғилган жойи Крит бўлиб, у ердан Идомейнинг ўғли Архилохдан қасдини олиш учун уни ўлдириб, қочиб келганини баён этди. У финикияликлар кемасида Пилос ёки Элидага жўнаб кетаман деб ўйлаганини, лекин финикияликлар ғаламислик қилиб, у шу ерда, қирғоқда ухлаб қолганида унинг барча бойликларини ўғирлаб, ўзини шу ерда ташлаб кетганларини сўзлаб берди. Унинг бу қиссасини тинглаб турган йигит жилмайиб қўяркан, қиёфасини ўзгартирди. Одиссейнинг кўз ўнгида Афина-Паллада турарди. У Одиссейни эҳтиёткорлиги учун мақтади ва унга ўзи ёрдам беражанини айтиб, унинг руҳини кўтарди; маъбуда агар шу пайтгача унга ҳадеганда ёрдам кўрсата олмаган экан, бунинг бирдан бир сабаби Посейдонни ғазаблантирмаслик эди, холос дея жавоб берди. Афина Одиссейга ўзининг кимлигини ҳеч кимга билдирмасликни амр этди. Аммо Одиссей ўзининг ниҳоят, Итакада эканлигига сира ишонч ҳосил қилолмаётганди. Шунда Афина Итакани чулғаган туманни тарқатиб юборди, Одиссей ўз ватанини таниди. У ерга йиқилиб, шодлиги ичига сиғмай, уни ўпа бошлади. Афина Одиссейни мискин бир гадога айлантирди. Одиссейнинг афти-ангорини ажин қоплади, елкалари чўкиб, озиб-тўзиб кетди, бошидаги чиройли кўнғир сочлари тушиб кетди, кўзлари киртайиб, хира тортди, ковоқларини қасмоқ боғлади. Афина уни ифлос ва жилдур кийимларга буркаб, елкасига ип билан боғланган ямоқли хуржун ташлади, қўлига таёқ ушлатиб қўйди. У Одиссейга феакяликлар тақдим этган совғаларни могорада яшириб, гадоқ қиёфасида чўчкабоқар Эвмей ҳузурига боришни амр этди. Ўзи эса шу ондаёқ Одиссейнинг ўғли Телемахни ортга қайтариш учун Спартага елиб кетди.

ОДИССЕЙ ЭВМЕЙ ҲУЗУРИДА

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Одиссей чўчкабоқар Эвмейнинг кулбасига яқинлашиб келганда, у уйга кираверишда ёлғиз ўтириб, ишламоқда эди. Одиссейни кўриб қолган итлар ғазабкор ҳуришиб, унга ташланишди. Агар Эвмей югуриб келиб, уларни ҳайдаб юбормаганда, улар Одиссейни тилкапора қилиб юборган бўлурди.

– Ҳой мусофир, – деди Эвмей гадоқ қиёфасидаги Одиссейни танимасдан, – сен ҳалок бўлсайдинг, мени Одиссейнинг ўлими эзаётган ғам-аламдан бошқа янги ғам-андух ҳам эзган бўларди. Қани уйимга юр, қорнингни тўйғазай, биратўла дамнингни оласан.

Одиссей Эвмейнинг дағал тошлардан қурилган кулбасига борди. Уй ёнидаги ҳовлида чўчкалар учун оғиллар жойлашганди. Эвмей Одиссей билан бирга уйга кирганларида мезбон уни эчки териси билан ёпилган катта бир боғ ўтин устига ўтказди. Кейин у чўчка болалари қамалган оғилга кириб, улардан иккитасини бўғизлаб, қовурди. Эвмей ёғоч қадахга вино қуйиб, мусофир йигитнинг олдига қўйди-да, овқат тайёрлаётиб, Одиссейнинг хонадонини худди денгиз қароқчиларидек талаётган ва сон-саноксиз подаларини маҳв этаётган бебош хушторлардан ғам-алам билан шикоят қила бошлади. Одиссей Эвмейнинг гапини диққат билан тингларкан, бу хушторлардан қандай ўч олишни ўйларди. Овқат пайтида Одиссей Эвмейдан унинг хўжайини ҳақида сўрай бошлади, чўчкабоқар ўз хўжайинининг ҳалок бўлганини баён этганда Одиссей унинг ҳадемай қайтиб келажагини айтиб, қасам ичди. Аммо Эвмей унинг қасамига ишонмади. Эвмей мусофирдан унинг кимлигини сўради. Одиссей унга ўзининг бошидан кечирган фалокатлар ҳақида ёлғон-яшиқ қиссани ҳикоя қилиб берди.

У унга катта акалари отасидан қолган меросни бўлишда ўзини қандай чув туширишганини, кейинчалик бой меросхўр аёлга уйланиб, бойиб кетганини, Троя остоналарида бўлганини, ватанига қайтиб келгач Мисрга жўнаб кетганини гапириб берди. Уларнинг шаҳарларини талаганлари учун мисрликлар унинг барча ҳамроҳларини қандай маҳв этганларини, ўзининг эса Миср подшосига ялиниб-ёлвориб халос бўлганини, Мисрда етти йил қолиб кетгач, у ердан Финикияга жўнаб кетганини,



финикияликлардан бири уни Ливияга кетишга ундаганини, у билан бирга жўнаб кетганини, аммо Зевс уларнинг кемасини ўз чақмоғи билан чилпарчин қилганини, фақат ўзи омон қолганини, тўлқин уни феспротлар мамлакати қирғоғига иткитиб ташлаганини ҳикоя қилиб берди. Ўша оролда гўё Феспротлар подшоси унга Одиссей жуда катта ва бой совғалар билан ватанига қайтиб келади деган эмиш. Ниҳоят, у феспротлар кемасида Дулихийга жўнаб кетганмиш, лекин феспротлар уни кул қилиб сотишни ўйлаб қўйганмиш, аммо улар эндигина Итака қирғоқларига келиб қолганда бардош бериб, қочиб қолганини баён этди. Эвмей ушбу уйдирмаларнинг ҳаммасига ишонди, бироқ феспротлар подшосининг Одиссей ҳақидага гапига ишонмади. Эвмей мусофир йигитнинг Одиссей тўғрисида ҳикоя қилишидан мақсади унинг бу ерда, Итакадаги яқинларидан совғалар олиш дея ундан таъна қилди. Лекин Одиссей унга шундай деди:

– Кулоқ сол, Эвмей, агар Одиссей қайтса, менга янги усти-бош берсин, ваъда бер, агар мен сени алдаган бўлсам, чўпонларни чақириб, мени қоя чўққисидан денгизга ташла, токи минбаъд ҳар хил дарбадарлар зинҳор бундай ёлғон-яшиқларни тўқишга журъат этишмасин.

Кўп ўтмай чўпонлар подаларини ҳайдаб қайтиб келишди. Улар семиз чўчқалардан бирини бўғизлаб, кечки овқатни тановвул қилиш учун ўтириб олишди. Овқат чоғида Эвмей мусофирни меҳмон сифатида сийларкан, энг яхши гўшт бўлагини ва вино тўлдирилган биринчи қадахни ҳам унга узатди.

Барчаси тинчгина овқатланаётган пайтда бирдан ҳовлида кучли бўрон хуруж қилиб, ёмғир ёға бошлади. Совуқ бошланди. Одиссейнинг ҳатто ухлаётган пайтида ёпингани ҳеч нарса йўқ эди. Шунда у Эвмей ва чўпонларга унга ёпингани бирор нарса беришармикан дея ишора тарзида шундай бир қиссани ҳикоя қила бошлади:

– Кулоқ сол, Эвмей, сизлар ҳам кулоқ солинглар, – дея гап бошлади Одиссей. – Бир куни Троя остоналарида Менелай, Одиссей ва мен пистирмада ётган эдик. Тунда қамишзорда совуқ тушиб, паға-паға қор ёға бошлади, мен ўзим билан бирга халатимни олишни унутган эканман, ниҳоят, бу ҳақда Одиссейга айтдим. У дарҳол хийла ишлатди. Ўрнидан турди-да ёнида ётган жангчиларни уйғотиб, ёмон туш кўрганини, кемаларимиздан анча узоқлашиб кетганимизни, шу боис қандайдир ваҳима таҳдид солаётганини, кимнидир Агамемнонга ёрдамга юбориш кераклигини айтди. Шу заҳотиёқ жангчилардан бири ўрнидан қалқиб, елкасидаги ёпинчиғини ташлаб, кемалар томон югуриб кетди. Шунда мен унинг ёпинчиғига бурканиб, тонгача маза қилиб ухладим.

Эвмей унинг нимага ишора қилаётганини тушунди. У Одиссей учун ўчоқ ёнида қўй ва эчки териси тўшаб, жой тайёрлади, ёпиниш учун эса ўзи қишда кийиб юрадиган халатни берди. Одиссей ширин уйқуга чўмди. Эвмейнинг ўзи эса уйда ётмади, қиличини елкасига осиб, найзасини кўлига олиб, халатини ёпиниб, қоя этагида ўтлаётган подаси томон йўл олди.

ТЕЛЕМАХНИНГ ИТАКАГА ҚАЙТИШИ

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Гадой қиёфасига киритилган Одиссейни тарк этаркан, маъбуда Бокира Афина зудлик билан Спартага етиб келди. У шоҳ Менелай саройига боргач, тўппа тўғри Телемах ва Писистрат ухлаётган хобгоҳга кириб кетди. Писистрат тинчгина ухларди, аммо Телемах уйқуда ҳам безовта эди. Телемах отасини ўйлар, уйқусида ҳаловат йўқ, ғам чекарди. Афина Одиссейнинг ўғли ёстиғи томон яқинлашди-да, унга деди:

– Телемах, бутун мол-мулкингни ташлаб келган ватанингга қайтиш вақти етди. Авбош хушторлар уни талон-торож қилмоқда, дарҳол қайтмасанг, улар ҳамма нарсаи талаб кетишади. Аёлларнинг беқарор ва субутсизлигини ҳам ўйлаб қўй. Бордию, онанг Эвримахга турмушга чиқишга розилик берса, у холда сени унутиб, фақат иккинчи эридан кўрган болаларига ғамхўрлик қилади. Ҳаялламай, уйингга қайт, лекин бир нарсаи ёдингдан чиқарма: улар сенга тузоқ тайёрлашмоқда. Унга тушмаслик учун, сен орол ёнидан тунда сузиб ўт, эрталаб, субҳи содиқда Итака қирғоқларининг овлоқ бирор жойида паноҳ топгин. Кемани шаҳарга жўнат, ўзинг эса чўчкабоқар Эвмей хузурига бор-да, у ердан келганлигинг ҳақида Пенелопага чопар юбор.

Афина шундай дедию, кўздан ғойиб бўлди.

Телемах шу ондаёқ Писистратни уйғотди ва уни орқага, Пилосга қайтишга шошилтира бошлади. Лекин Писистрат Телемахни тонг отишини кутишга кўндирди. Менелай билан хайрлашмасдан, тунда жўнаб кетиш мумкин эмасди. Кўп ўтмай само саҳнида тонг маъбудаси Эос намоён бўлди. Тонг отди. Менелай йигитлар хобгоҳига кирди. Одиссейнинг ўғли шоҳ Менелайни кираверишдаёқ қаршилаб



оларкан, зудлик билан ватани – Итакага қайтишга ижозат беришини илтимос қилди. Менелай Телемахни йўлдан қолдирмоқчи эмасди, ундан совғалар тайёр бўлгунча кутиб туришни ва шу аснода йўлга тушиш олдидан овқатланиб олишни илтимос қилди.

Менелай қулларига тезроқ нонушта тайёрлашни амр этиш учун чиқиб кетди. Сўнг Елена ва ўғли Мегапентни чақириб, улар билан ўзининг хазинасига кириб, у ерда Телемах учун ҳадялар танлашди. Соҳибжамол Елена Телемахнинг бўлажак қайлиғи учун ўзи тўқиган ҳашаматли либосни совға дея танлади.

Ёш қахрамонлар мириқиб овқатланишгач, Менелайдан совғаларни олиб, йўлга тушиш тадоригини кўришди. Менелай вино тўлирилган қадах билан саройидан ташқари чикдида, худоларни чорлаб, улар номига назр-ниёз қилди ва йигитлардан кекса Несторга таъзим бажо келтиришни илтимос этди. Телемах маҳодага чиқиб, эндигина отларнинг тизгинини қўлига олганда қаср узра чанғалида ғоз ушлаган бургут пайдо бўлди. Менелайнинг хизматкорлари қийқиришиб, бургут ортидан қувиб кетишди, лекин у баландга кўтарилиб, саройнинг ўнг томонида кўздан ғойиб бўлди. Ҳамма бунинг маъбудлар аломати эканлигини тушунишди, Телемах Менелайдан ушбу аломат сирини изоҳлашни илтимос қилди. Спарта подшоси ўйга ботди. Унинг номидан соҳибжамол Елена жавоб берди:

– Сизларга айтадиган сўзларимга кулоқ солинг! Буни менга Олимпсоҳиб маъбудлар аён этишди. Бургут ғозни нечук ушлаб тилка-пора этган бўлса, Одиссей ҳам уйига қайтгач, жазманларни ўшандай маҳв этади. У ҳатто қайтган бўлса керак, уларни қандай ҳалок этишни ўйлаётгандир, балки.

– О, Соҳибжамол Елена! – хитоб этди Телемах. – Агар буюк Зевс сен айтган нарсани ижро этса, уйимга қайтгач, мен сени маъбуда сифатида эъзозлайман.

Шу сўзларни баён этаркан, Телемах отларига қамчи босди, отлар Пилос сари шамолдай елиб кетишди.

Йигитлар Ферада қахрамон Диокликида тунашди, эртасига эрталаб Пилосга етиб келишди. Телемах Писистратдан Нестор саройига бормайлик дея илтимос қилди, зеро Одиссейнинг ўғли у ерда, кекса Нестор ҳузурида тағин бир кун ушланиб қолишдан кўрқарди. Писистрат дўстининг илтимосини маъқуллаб, Нестор ҳузурига бормагани учун отасининг хафа бўлишини билса-да, уни тўппа-тўғри кемасига олиб келди. Писистрат ҳатто Нестор унинг қайтаётганини билиб қолса, қирғоққа келиб, Телемахни ўзи ушлаб қолмасин дея тезроқ сузиб кетишга ундай бошлади. Телемахнинг ҳамроҳлари шошилинч суратда шотиларни жой-жойига қўйишиб, эндигина жўнаб кетишга шайланганда афсунгар Феаклимен кема олдига келди. У қотиллик қилганлиги учун қасос олишларидан кўриқиб, Аргосдан қочиб келаётган экан. Феаклимен Телемахдан ўзини Итакага олиб кетишни ўтиниб сўрай бошлади, у ерда уни ўлдирилган кишининг қариндошлари таъқиб этишолмасди. Телемах розилик билдириб, уни кемасига чиқарди. Кемани қирғоқдан шитоб билан ечиб олишди, унга йўлдош ел мадад бўлиб, очик денгизга чикди ва манзил томон елиб кетди.

Шу он Одиссей ҳали Эвмейникида эди. У эрталабдан шаҳарга хайр-садақа йиғишга ҳам бормоқчи бўлди, ҳатто жазманларга хизматкорлик қилиш фикри бор эди. Лекин Эвмей Одиссейга уларнинг ўта бебош ва бешафқат эканлигини ҳикоя қилиб бераркан, у фикридан қайтди. Шунда Одиссей Лаэрт ва хотини Пенелопа хусусида саволлар бера бошлади. Эвмей ҳамма нарсани мусофирга эмас, балки Одиссейнинг ўзига ҳикоя қилаётганидан мутлақо хабари йўқ эди. Ниҳоят, Одиссей Эвмейнинг ўзи Итакага қандай келиб қолганлиги ҳақида гапириб беришини илтимос қилди. Эвмей бажонидил розилик билдирди ва Одиссейга ўзининг Сира ороли подшоси Ктесийнинг ўғли эканлигини сўзлаб берди. Кунлардан бир кун оролга финикиялик савдогарлар келганлигини, улар отасининг чўриси – финикиялик қизни юртингга элтамиз деб ўғирлаганликларини, у билан ўзини (Эвмейни) ҳам олиб кетганликларини, финикиялик савдогарлар эндигина Финикия қирғоқларига сузиб келганда Артемида ўзининг камон ўқи билан хоин қиз-чўрини жароҳатлаганини, финикияликларнинг Итака қирғоқларига яқинлашганларида уни – Эвмейни Лаэртга сотиб кетганликларини сўзлаб берди.

Одиссей Эвмейнинг ҳикоясини диққат билан тинглади. Эвмей ҳикоясини тугатганда тун яримдан ўтган эди. Одиссей ва Эвмей ётишди, аммо уларнинг уйкуси кўпга чўзилмади, бироздан сўнг осмонда тонг юлдузи чарақлай бошлади, тўшакларини тарк этишлари керак эди. Ўша куни тонгда Телемах ҳам Итакага етиб келди. У Бокира Афина амр этганидек, кемасини қирғоқнинг овлоқ бир жойига олиб кирди, ундан тушаркан, дўсти Перайдан Феоклименни вақтинча бир ерга беркитишни илтимос қилди ва ўзи Эвмейнинг ҳузурига боришга шошилди. Тасодифан уларнинг тепасида чанғалида кабутар ушлаган Лочин пайдо бўлди. Феоклимен секингина Телемахнинг қўлидан ушлаб, унга шивирлаб шундай деди:

– Бу бахтли аломат, Телемах. Итакада сенинг уруғингдан кудратли уруғ йўк, сизлар Итакада мангу хукмронлик қиласизлар.

Бундай башоратдан Телемах бағоят хурсанд бўлди. У ҳамроҳларига кемани шаҳарга кириш бандаргоҳига ҳайдаб боришни амр этди-да, ўзи эса севинчи ичига сиғмай чўчкабоқар Эвмей ҳузурига йўл олди.

ТЕЛЕМАХ ЭВМЕЙ ҲУЗУРИГА КЕЛАДИ. ОДИССЕЙ ВА ТЕЛЕМАХ

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Одиссей ва Эвмей эрта уйғонишганди. Улар ўзларига нонушта тайёрлаб, танларини овқат билан бақувват қилишга киришдилар. Тўсатдан Эвмейнинг итлари яқинлашиб келаётган Телемахга қувончни англаувчи вовиллаш билан ташланишиб, унга думларини ликиллатиб, суркала бошлашди. Одиссей қадам товушларини эшитгандай бўлди, шу он Эвмейнинг кулбасига кираверишда Телемахнинг ўзи кўзга ташланди. Чўчкабоқар Эвмей унинг истикболига отилди. У ичкари кирган Телемахни қучоқлади, севинч кўз ёшларини тўқаркан, уни ўпа бошлади. Узоқ айрилиқдан сўнг ота ўзининг яккаю ягона ўғлининг қайтиб келишидан қандай суюнса, Эвмей ҳам Телемахнинг қайтиб келганига шундай қувонди. Одиссей ўрнидан туриб, кириб келган ўғлига ўз ўрнини бўшатмоқчи бўлди. Телемах унга тавозе билан мурожаат қиларкан, деди:

– Ўтир, мусофир! Бездан бўлма, Эвмейнинг ўзи менга ўтиришга жой тайёрлайди.

Эвмей дарҳол Телемахга ўриндиқ ҳозирлади-да, унга овқат ва вино тутқазди. Нонушта вақтида Телемах Эвмейдан бу мусофирни Итакага ким олиб келганлигини сўради. Эвмей унга Одиссейдан эшитган ўша уйдирма қиссани ҳикоя қилиб берди ва ундан мусофирни меҳмон қилишни илтимос этди. Лекин Телемах бундай қилишга ваъда беролмади. Телемахнинг ўзи шундай ёш бўлса, бунинг устига уйда бир гала авбош эркаклар тихирлик қилиб турган бўлса, бундай манзиратни қандай эпласин, ахир. У мусофирга совға сифатида янги кийим ва қилич юборишим ҳамда ватанига қайтишга ёрдам беришга ваъда қилишим мумкин деди. Одиссейнинг Телемахга раҳми келди, у гўё ҳеч нарса билмагандек, уни хушторларнинг бебошликлари борасида саволга тутди, уларга нисбатан Итака халқи ва туғишганлари адоват кўрсатаётгани, йўқми дея сўради тагин.

– Безори ва бебош жазманларни ўрнингдан ҳайдаб чиқаришга урингандан, уларнинг ҳақоратларига бардош бергандан, мол-мулкингнинг талон-тарож қилишини ўз кўзинг билан кўриб тургандан кўра, ўз уйингда ўлганинг афзал, – дея тугатди саволларини Одиссей.

Лекин Телемах бу саволга нима деб жавоб бера оларди, у фақат яккаю ягона фарзанд қандай қилиб авбош хушторлар оломонига қарши кураша олсин, бунинг устига, улар унинг ўзини ҳам ўлдириш ниятида бўлишса, нима деяди. Телемах ўзининг қайтиб келганлиги ҳақида ҳатто Пенелопага билдиришдан хавфсирарди. У Эвмейни шаҳарга ўзининг қайтиб келганидан онасига хуфёна хабар беришга, бу ҳақда жазманлар ҳеч нарса билмасин дея қатъий таъкидланганлигини айтиши керак эди. Бу тўғрида неварасининг тақдирини не бўлдиқан дея безовта бўлаётган Лаэрт Пенелопани ўзининг энг вафодор чўриси орқали воқиф этиши керак эди.

Эвмей Телемахнинг топширигини бажо келтириш учун зудлик билан жўнаб кетди. У чиқиб кетгандан сўнг Телемахга кўринмайдиган Бокира Афина Одиссей кўз ўнгида пайдо бўлиб, уни кулбадан ташқарига чақириб олди-да, девор тўсиғи ёнида унга асоси билан тегиниб, илк қиёфасига қайтарди ва Телемахга ўзининг кимлигини ошкор этишни амр қилди.

Одиссей кулбага қайтиб келганида Телемах унга хайрат ичра назар ташлади. Одиссей шундай чиройли ва пурвикор эдики, унинг наздида умрибоқий худолардан бири кириб келгандай бўлди.

– О, мусофир! – хитоб этди Телемах. – Сен энди тамоман ўзгача қиёфада намоён бўлдинг! Сен умрибоқий маъбудлардан бирсан! Гуноҳимиздан ўт! Биз сенинг шарафингга буюк қурбонлар келтирамиз.

– Йўк, мен маъбудлардан эмасман! – жавоб берди Одиссей. – Мен мени деб бебош хушторлар дастидан не-не кулфатларни бошидан кечирган сенинг отанг, Одиссейман.

Одиссей ўғлини меҳр билан қучди-да, кўзларидан ёшлар дув-дув оқаркан, уни ўпа бошлади. Бирок Телемах отасининг чиндан ҳам ватанига қайтиб келганига бирдан ишонч ҳосил қилолмасди. Ахир уни ҳозиргина кексайган, бахти қаро бир мусофир қиёфасида кўриб турган эди-да. Наҳотки, у шунчалик ўзгарса, наҳотки, фонийзот шундай мўъжизаларни вужудга келтиришга қодир бўлса? Телемахни шубҳаю иштибоҳлар чулғаб олганди. Одиссей ўзини мусофирга айлантирган ҳам, уни ўзининг ҳақиқий қиёфасига қайтарган ҳам маъбуда Афина эканини айтиб, Телемахнинг шубҳаларини

тарқатди. Телемах ўзининг олдида отаси турганига ишонч ҳосил қилгач, уни кучди. Уларнинг кўзларидан қувонч ёшлари тиркираб кетди. Ниҳоят, учрашувнинг илк севинчини бошдан кечиришгач, Телемах отасидан ватанга қандай қайтиб келганини, уни тезюар кемада Итакага ким келтирганини сўради. Одиссей ўғлига ўзини феакияликлар қандай олиб келишганини, қандай қилиб совғаларини чуқур моғорада яширганини, маъбуда Афинани қандай учратганини ва нечук уни Эвмейникига юборганини сўзлаб берди. Одиссей Телемаждан хушторлар тўғрисида сўраб олди. У қаҳру ғазаб ўтида ёнаркан, улар берган барча азоб-уқубатлар, ўтказган ситамлар учун интиком олмоқни истарди. Бунинг имкони бормикан? Ахир, улар бир талай-ку, турфа томонлардан йиғилишган. Улар бир юз ўн олти нафар. Наҳотки, иккаласи – Одиссей ва Телемах шундай тўпори оломон билан очикчасига жангга киришса? Лекин Одиссейнинг оддий фонийзотлар бас келолмайдиган қудратли ёрдамчилари мавжуд, ўша мадаккорлар – яшинчакнатар Зевс ва унинг қизи Бокира Афина. Ўшаларнинг ёрдамига умид боғлаган Одиссей шундай қилмоқчи бўлди: Телемах шаҳарга, жазманлар хузурига бориши керак, унинг ортидан эса тиланчи – мусофир сифатида Эвмей билан бирга ўзи хайру садақа йиғиш баҳонасида бормоғи шарт эди. Куёвликка иштиёқмандлар уни ҳарчанд таҳқирлашса-да, Одиссей барчасига чидади. Сўнгра Одиссей томонидан берилган ишорага кўра Телемах ўзи ва отаси учун қурол қолдиради, қолганларини эса ташқарига олиб чиқиши зарур. Энг асосийси – Одиссейнинг қайтиб келганини ҳечким, ҳатто Пенелопа ҳам билмаслиги керак, зероки ҳамма куллар ва чўрилар ҳам Одиссейга содиқ эмасди. Одиссей ва Телемах хийла вақтгача кенгашиб олишди.

Шу аснода Телемахнинг кемаси шаҳарга етиб келди. Ҳамроҳлари дарҳол Пенелопага ўғлининг қайтиб келганлиги ҳақида чопар орқали хабар беришди. Эвмей ўша чопар билан Одиссей саройи олдида учрашиб, Пенелопа хузурига бирга киришди. Чопар Пенелопага баланд овозда ўғлининг келганлигини билдирди. Эвмей эса унга томон энгашиб, Телемахнинг ўзига айтган гапларини бирма-бир айтиб берди. Пенелопа яна ўғлининг ўзи билан бирга бўлишидан ниҳоятда суюнди.

Телемахнинг қайтиб келганлиги ҳақидаги хабар кўп ўтмай жазманларга ҳам етиб борди. Улар кўрқиб кетишди. Барчаси майдонга йиғилишиб, унга қарши қандай хийла қилиш ҳақида кенгаша бошладилар. Антиной Телемахни ўлдириш керак дея маслаҳат берди, чунки у улар учун бирдан бир тўсиқ. Лекин Амфином бундай қилишга розилик бермади. У Зевсни ғазаблантиришдан кўрқарди, шу боис аввало маъбудлар яхши аломат кўрсатишса, Телемахни ўлдиришга ўзи тайёр эканлигини, акс холда Телемахга қўл кўтаришга ҳеч кимга маслаҳат бермайман деди Амфином. Барчалари Амфиномнинг фикрига қўшилиб, Одиссейнинг саройига боришди.

Жарчи Медонт жазманларнинг суиқасди ҳақидаги хабарни Пенелопага етказди. У уларнинг олдида чиқиб, шум ниятлари учун қаттиқ таъна қилди. Пенелопа айниқса, бир пайтлар Одиссей отасини халқ ғазабидан халос этган Антинойдан аччиқ ўпқаланарди. Эвримах Пенелопага далда бера бошладди. У жазманлар ҳеч қачон Телемахга қўл кўтармайди дерди. Лекин Эвримах гарчи шундай деган бўлса-да, Телемахни қандай қилиб маҳв этишни ўйлаб юрарди.

Шу аснода Эвмей ўз кулбасига қайтди. Маъбуда Афина Одиссейни Эвмей билмасин дея тагин мусофирга айлантирди. Чўчкабоқар шаҳарда кўрганларини ҳикоя қилиб берди-да, кечки овқатни тайёрлашга киришди, барчаси қорин тўйғазиб, ётиб олишди.

ОДИССЕЙ МУСОФИР СИФАТИДА ЎЗ САРОЙИГА КЕЛДИ

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Эртаси куни эндигина осмоннинг бир қирраси субҳидамнинг алвон рангидан кизарганда Телемах шаҳарга томон йўлга тушди. У кетаётиб, Эвмейга мусофирни хайру садақа йиғиб келиш учун шаҳарга бошлаб боришни амр этди. Телемах уйга келаркан, аввалига ўзининг кекса энагаси Эвриклеяни учратди. Кириб келаётган Телемахни кўрган қария ўзида йўқ хурсанд бўлди, уни йиғи аралаш кучди. Барча чўрилар Одиссей ўғлининг истиқболига чиқишди. Ўғлининг қайтиб келганини билиб олган Пенелопа ҳам унга пешвоз чиқди. У ўғлини кучаркан, саёҳат чоғида унинг нималар ҳақида билиб олганини сўрай бошлади. Лекин Телемах унга ҳеч нарсани сўзлаб бермади, Феоклименни уйига бошлаб келиш учун шаҳар майдонига боришга шошилди.

Телемах шаҳар майдонига келганда хушторлар галаси уни қуршаб олди, уларнинг ҳар бири қандайдир эзулик тилашга шошилишарди, аммо уларнинг қалб тубида Телемахга ўлим истаги бор эди. Орадан кўп ўтмай, майдонга Телемахнинг йўқлигида Феоклименга бошпана берган Перай Феоклимен билан майдонга кириб келишди.



Ўша ондаёқ Телемах Феоклименни уйига таклиф этди ва у билан кетди. Уйда, ажойиб мрамар хаммомда обдон ювинишиб, овқатланишга ўтиришди. Пенелопа уларнинг ҳузурига келиб, стол ёнида ўз иши билан банд бўлиб ўтирди. Телемах онасига ўзининг Пилос ва Спартага қилган саёҳати ҳақида хикоя қилиб берди. Телемахнинг отаси ҳақида ҳеч нарса билиб олмагани Пенелопани ғамга чўмдирди. Лекин Феоклимен уни юпата бошлади. У Одиссейнинг Итакадалигини, қаердадир яшири-ниб, жазманларга ўлим ҳозирлаётган бўлса керак деб ишонтирарди. Феоклимен, агар Одиссей Итакага қайтмасайди, маъбудлар Телемах қайтиб келаётганда аломат пайдо қилишмасди, деди.

Пенелопанинг Телемах ва Феоклимен билан қилган суҳбати чоғида хушторлар ҳовлида найза ва гардиш итқитиш билан овора эдилар. Улар Одиссейнинг уйига гала-гала бўлиб, бостириб киришди ва зиёфатга ҳозирлик кўришди. Жарчи Медоний уларни зиёфатхонага чақирди.

Шу пайт Одиссей Эвмей билан бирга шаҳарга томон секин бормоқда эди. Одиссей бемадор тиланчи қиёфасида таёққа суянганди. Улар шаҳарга яқинлашиб қолганда, аҳоли сув оладиган булоқ ёнида чўпон Мелантийни учратишди. Эвмейни мусофир билан кўрган сурбет Мелантий уларни ҳақорат қила бошлади ва шундай деб қичқирди:

– Бир ярамас бошқа бир ярамасни етаклаб бораяпти! Ҳей, овсар Эвмей, бу гадоини қаерга бошлаб бораяпсан? Ҳой, эҳтиёт бўл, бунинг Одиссейнинг уйига журъат этиб кирса борми, хушторлар унинг нақ қобирғаларини пачақ қилиб юборишади.

Шундай дея қичқираркан, Мелантий Одиссейнинг оёғига куч билан қаттиқ зарба берди, лекин унинг зарбасидан Одиссей гандиракламади. У сурбетни боши билан ерга уриб ўлдиришдан ўзини зўрға тийди. Эвмей Одиссей қайтиб келса, аҳволинг ёмон бўлади дея унга дўқ-пўписа қилди. Мелантий унинг Одиссейнинг қайтиб келишига беҳуда умид боғлаётганини, Телемахнинг ҳам ҳадемай жазманлар томонидан ўлдирилажагини, Эвмейнинг ўзи эса қандайдир ажнабийларга сотилажагини айтиб, дағал жавоб берди. У ана шундай дўқ-пўписаларни айтиб, жўнаб қолди.

Одиссей билан Эвмей секин ўз йўлларида давом этишди. Ниҳоят, улар Одиссей саройига яқинлашишди. У ердан кифара садолари ва ашуланинг янграши эшитилди. Зиёфат айна авжида эди. Эвмей ва Одиссей ўзаро қаттиқ овоз чиқариб гаплашаётиб, ҳовлига киришди. Шундайгина дарвоза ёнида, гўнг тўдаси устида Одиссейнинг кексайган ити – Аргус ётарди. Хўжайинининг овозини эшиттар-эшитмас у қулоғини диккайтди. Вафодор Аргус ўз эгасини таниди, думини ликиллатди, хўжайинининг истиқболига отилмоқчи бўлиб, ўрнидан туришга уринди, бироқ ҳаракатланишга мадори қолмаганди. Ташландик бўлиб қолган кекса жонивор сўнгги нафасини чиқармоқда эди. Одиссей ҳам ўзининг вафодор ити Аргусни таниди. Унинг кўзларидан ёш тирқиради. Уни Эвмей кўриб қолмасин дея дарҳол кўли билан артди. Аргус силкинди-ю, жони узилди. У ўз эгасини йигирма йил кутди, уни тиланчи қиёфасида бўлсада, дарҳол таниди.

Эвмей зиёфатхонага биринчи бўлиб кирди ва Телемахнинг ёнига ўтириб олди. Эвмейдан сўнг Одиссей ҳам кирди. Аммо у меҳмонлар олдига бормади, кираверишдаёқ эшикка ястаниб ўтирди. Шу ондаёқ Телемах нон ва гўштдан Одиссейга олиб боришни ва унга ҳеч тортинмасдан меҳмонлар олдига бориб, хайр-садақа сўрайверсин дейишни амр этди. Одиссей ўрнидан туриб, меҳмонларни айланиб чиқа бошлади. Унга ҳамма хайр-садақа берарди, фақат Антиной рад қилиб, унга хайр-садақа бермади. Лекин Одиссей қаттиқ туриб сўрайверди. Бераҳм, дағал Антинойнинг жаҳли чиқди, у Одисейни ўзидан узоклаштириб, хайдаб юборди. Одиссей ундан нари кетаркан, шундай деди:

– Ҳа, мендан нонинг, бунинг устига, бировнинг нонининг қобиғини дариг тутмоқдасан, уни менга бергинг келмади, демак, ақлинг жойида эмас экан.

Антинойнинг қаҳри келиб, ўриндикни кўлига олиб, уни бор кучи билан Одиссейга қараб итқитган эди, унинг яғринига урилди. Лекин Одиссей шундай кучли зарбадан ҳатто гандиракламади, у бами-соли кўзғалмас қоядай тураверди, фақат бошини ваҳимали силкитиб қўйди-да, тагин ўша эшик ёнига ўтирди ва шундай деди:

– Ўз мол-мулкини ҳимоя қиларкан, киши қалтироқларга бардош беролса, ҳеч нарса йўқотмаган бўлади. Модомики, интиқом илоҳалари – Эринниялар гадоларни ҳимоя қиларкан, у ҳолда бу ерда Антинойни никоҳ эмас, ўлим кутмоқда.

Одиссейнинг истехзоли сўзларини эшитган Антиной баттар ғазаб отига минди, аммо жазманлар ундан уйга келган мусофирни таҳқиқлагани учун таъна қила бошладилар, чунки шундай пайтлар бўлганки, одамлар ҳузурига умрбоқий худолар ҳам мусофир қиёфасида келишган. Отасини ҳақоратлагани учун Антинойдан Телемах ҳам ғазабланди, бироқ шартни эслаб, ғазабини тийди.

Антинойнинг бадбахт мусофирни ҳақоратлаганини Пенелопа ҳам билиб олганди. У кўрс ва кўпол Антинойдан баттар нафратланадиган бўлди. У Эвмейни ёнига чақириб олдида, ундан мусофир ҳақида бирор нарсани билмоқчи бўлди, Одиссейнинг бир пайтлар мусофирнинг отасига меҳмон бўлганини билиб олгач, шундай хитоб этди:

– Эҳ, Одиссей қайтиб келса Телемах иккаласи хушторлардан шафқатсизларча қасос олишига ишонаман!

Пенелопа шундай деган эди ҳамки Телемах қаттиқ акса урди. Ушбу аломат Пенелопани бениҳоя қувонтирди, у энди одамларнинг эртами-кечми эрининг кўлидан ҳалок бўлишига ишончи комил эди.

Пенелопа Эвмейга мусофирни хузурига бошлаб келишни амр этди, ундан Одиссей ҳақида бирор нарсани сўрамоқчи бўлди. Лекин Одиссей ҳозироқ Пенелопанинг хузурига боришни рад қилди, у беғоналарнинг жаҳлини чиқармаслик учун кеч тушгунча кутишни илтимос қилди. Пенелопа розилик билдирди.

Жазманларнинг зиёфати борган сайин сершовкин бўлмоқда эди.

Оқшом кўнди. Эвмей аллақачон уйига кетганди. Жазманлар ҳали-бери тарқаладиганга ўхшамасди. Ногаҳон эшик олдида бутун Итакада машҳур бўлган еб тўймас, очофат ва ичкиликбоз тиланчи пайдо бўлди. Унинг исми Ир эди. Эшик олдида турган мусофирни кўриб қолган Ир уни ҳайдаб юбормоқчи бўлди, Одиссей бўлса сира кетмасди. Шунда Ир у ҳозироқ кетмаса уни дўппослаяжани айтди. Жанжал бошланди. Бундан хабар топган Антиной ўзига ва хушторларга кўнгилочар эрмак бўлади дея Ирни мусофир билан урушишга мажбур қиларди. Ғолибга мукофот сифатида қоврилган эчки гўшти, бундан ташқари, ҳар кун хайр-садақа олишга келишга рухсат этиладиган бўлди. Барча Ир ва Одиссейни ўраб олди ва уларнинг кучларини синаб кўришга ундай бошлашди. Одиссей Ир билан урушишга розилик берди, лекин у даставвал ҳаммадан Ирга ёрдам бермаслик учун қасам ичишларини талаб қилди. Улар қасам ичишди. Шунда Одиссей кўйлагини ечиб, у билан белини боғлади. Жазманлар Одиссейнинг пуркудрат баданига, унинг сермушак кўлларига, кенг кўкрак ва яғринларига ҳайрат билан қарашарди. Ир ўлгудай кўрқди, аммо Одиссей билан уришмай иложи йўқ эди, чунки қуллари уни ушлаб, белини боғлашди ва Одиссейга қарши кўйишганди. Ир кўрқканидан оёғида зўрға турарди. Одиссей унга разм соларкан, ўйга толди: уни мушт билан уриб ўлдирайми ёки попугини пасайтирайми? Кучли зарба билан шубҳа туғдиришим мумкин, деган қарорга келди Одиссей. Шунинг учун Ир унинг елкасига зарба берганда ўз навбатида Одиссей унинг нақ кулоғининг тагига туширди. Ир ерга кулади, у оғриқдан додлаб юборди. Одиссей унинг оёғидан ушлаб, зиёфатхонадан ҳовлига олиб чиқди, у ерда дарвоза ёнига ўтказди-да, елкасига унинг йиртилган хуржунини ташлади, кўлига эса таёғини тутқазиб кўйди. Одиссей мусофирни аблахларча ўзининг уйдан ҳайдаб чиқаришга журъат этган Ирнинг таъзирини берди. Жазманлар Одиссей уларни ўша шилқим Ирдан халос этгани учун жуда қувонишди. Улар уни қувнаб-қувнаб табриқлардилар, улардан Амфином исмлиси Одиссейга вино тўлдирилган қадаҳ тутқазаркан, маъбудлар бойлик ва бахт юборсин дея қутларди. Улар ичида энг одамохуни Амфином бўлиб, бошқаларни бебошлик қилишдан тияр ва ҳамиша Телемахни ҳимоя қиларди. Одиссей буни биларди, шу боисдан, Амфиномни халос этмоқ мақсадида унга бу тўдани тарк этишни маслаҳат қиларкан, отасининг хузурига қайтишга ундади, чунки ҳадемай Одиссей қайтиб келади, уларнинг барчасига ҳалокат таҳдид солмоқда, деди. Лекин Амфином Одиссейнинг маслаҳатига қулоқ осмади, ўзи ўлимнинг истикболига чиқмоқда эди.

Шу он маъбуда Бокира Афина Пенелопани уларда ўзи билан никоҳдан ўтишга янада кучлироқ эҳтирос уйғотмоқ учун, Одиссей ва Телемах унинг ўзларига бўлган вафдорлиги ва севгисини баҳоласинлар дея хушторлар олдида чиқишга ундади. Шу заҳотиёқ Пенелопа Эвриномани чақириб, унга ўзини зиёфатхонага, жазманлар хузурига бошлаб бориш учун икки нафар чўрисини олиб келишни амр этди. Эвринома чиқиб кетгач, маъбуда Афина Пенелопани қисқа муддатли уйқуга чўмдирди, унга уйқусида шундай гўзаллик ато этдики, у муҳаббат маъбудаси Афродита янглиг чехраси ёришиб кетди. Қирган чўрилар Пенелопани уйғотишди. Пенелопа ўрнидан қалқиб турди-да, жазманлар хузурига кирди. Улар кириб келган Одиссейнинг хотинига завқ-шавқ билан тикилиб қарашарди. Пенелопа эса Телемахни ёнига чақириб олди-да, ундан ўз уйида мусофир бояқишни ҳақорат қилишга йўл қўйгани учун таъна қила бошлади. Телемах онасининг таънасини итоаткорлик билан тинглади. Жазманлардан бири Эвримах Пенелопага мурожаат қиларкан, унинг гўзаллиги ва латофатини таърифлай бошлади. Пенелопа унинг гапларини тингларкан, Одиссей уни тарк этгандан буён илгариги тароватидан маҳрум бўлганлигини, Одиссей қайтиб келган куниёқ тагин илгариги гўзаллигини қасб этажани баён этди. У хушторларга таъна қиларди. Зероки улар уни бировлари

билан никоҳдан ўтишга мажбур қилишиб, ўзларининг узлуксиз зиёфатлари билан Одиссейнинг хонадонини вайрон қилмоқда эдилар. Ўтмиш замонлар асло бундай эмасди, у пайтларда хушторлар қайликни совғаю армуғонлар ила ўзларига оғдирар, аммо бировнинг мулкига кўз олайтиришдан узоқ эдилар. Бироқ йигитлар Пенелопанинг таъналарини назар-писанд қилишмасди. Уни диққат билан тинглагач, ўз хизматкорларини қимматбаҳо ҳадялар келтиришга юборишди, Пенелопани турфа совғалар билан ўз томонларига оғдиришга маҳтал бўлиб, унга беҳисоб катта ҳадялар улашишди. Пенелопа совғаларни ҳеч нарса демасдан қабул қилди-да, чўрилари билан ўз хобгоҳига кириб кетди.

Пенелопа эндигина чиқиб кетган ҳам эдики, хушторлар чўриларга зиёфатхонани янада кучлироқ ёритиш учун тагин учта чироқ келтириб ёқиб қўйишни амр этишди. Чўрилар амрни бажо келтиришди. Одиссей эса чўриларга бориб ўз ишларинг билан машғул бўлинглар, чироқларни ўзим кузатаман деди. Лекин Меланто исмли чўри уни таҳқирлаб, сўка бошлади. Одиссей унинг устидан Пенелопага шикоят қиламан дея яниб қўйди. Чўрилар унинг дўқ-пўписаларидан чўчиб, зудлик билан чиқиб кетишди. Одиссей чироқларнинг ёнишини кузата бошлади. Эвримах хушторларнинг кўнглини чоғ этиш учун Одиссейни мазах қила бошлади:

– Зиёфатимиз ёруғликда ўтсин, кўнгиллар хуфтон бўлмасин деб мана бу мусофирни қандайдир маъбуд атайлаб бизларга юборганга ўхшайди, афтидан. Ёруғлик анави чироқлардан эмас, унинг бирор-туки йўқ кал бошидан таралаётгандай.

Барчалари қаҳқаҳа уриб кулиб олишди, Эвримах Одиссей устидан баттар кула бошлади. Одиссей унга хотиржамгина жавоб қайтарди:

– Эвримах! Манманликни ошириб юбординг шекилли, сен ўзингни фақат атрофиндагиларни ожиз деб ўйлаганинг учун кучли чоғлаб турибсан. Бордию, шу заҳот Одиссей қайтиб келса, ўшанда мана бу кенг эшик думингни хоҳа қилиб қочмоқчи бўлганинга торлик қилган бўлурди.

Эвримах ўта ғазабланиб, ўриндикни қўлига олдида, уни Одиссейга қаратиб иткитди. Бироқ Одиссей чакқонлик қилиб, зарбага чап берди. Ўриндик вино куйиб бераётган қулнинг қўлига урилдию, у инграганча ерга йиқилди, қўлидаги қадах эса отилиб кетди. Ҳамма шовқин кўтарди. Улар, ана шу мусофир пайдо бўлгандан буён зиёфат чоғида жанжал ва можаролар авж олди дея аччиғлана бошлашди. Лекин Телемах жанжалларнинг сабаби бунда эмаслигини, ҳамма гап мастликдалигини, сурункали зиёфатларга чек қўйиш кераклигини уқдирди. Улар яна қадахларини лиммо-лим тўлдириб ичишди-да, уйларига тарқалишди.

Ҳамма тарқалгач, Одиссей Телемахга энди қуролларни зиёфатхонадан олиб чиқиш керак деди. Телемах Эвриклеяни чақириб, хизматчи қиз ва аёлларни хобгоҳларига бекитиб, чиқармасликни амр этди, чунки улар қуролларнинг ташқарига олиб чиқиладганини кўрмаслиги керак эди. Эвриклея Телемахнинг амрини бажо келтирди. Телемах ва Одиссей қуролларни зиёфатхонадан олиб чиқа бошлашди, маъбуда Афина ўз чироғини ёқиб, бошқаларга кўринмаган ҳолда уларга ёруғлик тарқатиб турди. Телемах кўзга кўринмас чироқдан тарқалган ёғдуни кўриб ҳайратда қолди, бу ёғдунинг қаердан тушаётганини Одиссейдан сўради, лекин отаси ўғлига бундай савол беришни ман этди. У Телемах ўзининг саволлари билан худоларнинг ғазабини келтирмасин дея қўрқарди. Қуролларнинг барчасини йиғиштириб бўлишгач, Одиссей Пенелопанинг хобгоҳига кирди. Пенелопа Одиссей ҳақида бирор нарса билмоқчи бўлиб, мусофирни сабрсизлик билан кутарди. Телемах эса ўз хобгоҳига кириб, тинчгина уйкуга кетди.

ОДИССЕЙ ВА ПЕНЕЛОПА

Телемах ўз хобгоҳига ухлагани кирганда Пенелопа чўрилар билан зиёфатхонага кириб келди. Чўри қизлар ўз бекалари учун фил суягидан қилинган ва кумуш билан безатилган ўриндик келтириб, ўчоқ олдида қўйишди, ўзлари эса атрофида хушторлар ўтириб, кайфу сафо қилган столларни йиғиштиришга киришишди. Меланто исмли чўри қиз ҳамон Одиссейга хужум қилиб, уни сўқиб, уйдан ҳайдаб чиқармоқчи бўлди, у агар Одиссей ҳозироқ чиқиб кетмаса, унинг бошига ёниб турган ўтин (сўхта ўтин) билан тушираман дея таҳдид сола бошлади. Унга хўмрайиб қараб қўйган Одиссей шундай деди:

– Нега мендан ғазабланыяпсан? Тўғри, мен гадоман! Чекимга тушгани шу бўлса, нима қилишим керак, ахир, мен ҳам бир пайтлар бой эдим, лекин Зевснинг хоҳиш-иродаси шундай экан: ҳамма нарсадан мосувою маҳрум бўлдим. Кўп ўтмай, балки сен ҳам хусну тароватингдан маҳрум бўлурсан, ўшанда беканг сендан нафратланади. Ёдингда тут, Одиссей қайтиб келса, кўрслигинг учун жавоб бе-

ришга тўғри келади. Бордию, у келмаса, бу хонадонда Телемах яшайди, у ўз чўриларининг ўзларини қандай тутишини билади. Унинг назаридан ҳеч нарса четда қолмайди.

Одиссейнинг сўзларини Пенелопа ҳам эшитди-да, ғазаби қайнаб кетди ва Мелантога қараб деди:

– Занжирбанд итдай дуч келган кишига хурганинг хурган! Ўзингни қандай тутаетганлигингни биламан! Бунақа хулқинг учун бошинг билан жавоб берасан хали, мусофирни бу ерга шахсан чақиртирганимни наҳотки билмасанг?

Пенелопа Одиссей учун ўчоқ ёнига ўриндиқ қўйишни амр этди, Одиссей унинг ёнига ўтириб олганда у Одиссей ҳақида саволлар бера бошлади. У Пенелопага бир пайтлар унинг ўзи ҳам Одиссейни Трояга бораётиб, Крит ороли қирғоқларига яқинлашаётганда кучли бўронга дуч келиб қолганда меҳмон қилганини ҳикоя қилиб берди. Пенелопа мусофирдан Одиссейни йигирма йил муқаддам кўрганини эшитгач, йиғлаб юборди. У тўғри айтаётибдими йўқми дея синамоқчи бўлиб, ундан Одиссейнинг ўшанда қандай кийимда эканини сўради. Мусофир учун ўша вақтда ўзининг қандай кийинганини таърифлашдан осон нарса йўқ эди. У унинг кийимини майда-чуйдасигача таъриф этгандагина Пенелопа ишонди. Мусофир уни Одиссей тирик дея ишонтитаркан, унинг яқинда феспротлар мамлакатади бўлганлигини ҳикоя қилди.

– Одиссей ҳадемай келади! – деди мусофир! – Одиссей йил тугамасдан, янги ой чиқмасдан қайтиб келади.

Пенелопа унга жон деб ишонардию, аммо Одиссейнинг ҳамон қайтиб келмаётгани унинг ҳафсаласини пир қиларди. Пенелопа чўриларига мусофир учун юмшоққина тўшак тайёрлашни амр этди. Одиссей унга ташаккур изхор этаркан, даставвал кекса Эвриклеядан оёқларини ювишни илтимос қилди.

Эвриклея мусофирнинг оёқларини ювишга бажонидил розилик билдирди; у ўзининг қадди-қомати, бутун қиёфаси, ҳатто овози билан ҳам Эвриклеянинг ўзи энагалик қилган Одиссейни эслатарди. Эвриклея мис тосда сув келтириб, мусофирнинг оёқларини ювмоқчи бўлиб энгашган эди, ногаҳон унинг кўзи мусофирнинг оёғидаги чандиққа тушди. У ўша чандиқни яхши биларди. Бир вақтлар у Автоликнинг ўғиллари билан Парнас тоғи ёнбағирларида ов қилиб юрганда унга қобон қаттиқ жароҳат етказганди. Худди ана шу чандиққа қараб Одиссейни таниди. У ҳаяжон ва ҳайрат ичра қолди, қўлидаги сув тўла тос ағдарилиб кетди. Унинг кўзларида ёш қалқиди, қувонганидан қалтироқ товуш билан деди:

– Одиссей, қадрдон болагинам, бу сенмисан? Нега сени дарҳол танимадим-а?

Эвриклея Пенелопага ниҳоят эринг Одиссей қайтиб келибди демоқчи бўлганди, Одиссей кўлини унинг оғзига босиб, гапиргани қўймади ва секингина деди:

– Ҳа, мен сен энагалик қилган Одиссейман! Жим, сиримни сотма, билъакс мени маҳв этган бўласан. Қайтиб келганлигим хусусида ҳеч кимга оғиз оча кўрма! Гарчи менга энагалик қилган бўлсанг ҳам аяб ўтирмайман, қаттиқ жазолайман, агар чўрилар сен туфайли менинг келганлигимни билиб олсалар, уларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари учун шафқатсизларча адабини бераман.

Эвриклея сир сақлашга онт ичди. Одиссейнинг қайтиб келганлигидан бағоят суюнди, тагин сув келтириб, унинг оёқларини ювиб қўйди. Нима бўлаётганини Пенелопа сезмади, унинг диққатини маъбуда Афина жалб этганди.

Одиссей тагин олов қаршисида ўтириб олганда Пенелопа ўзининг аччиқ қисматидан шикоят қила бошлади, у яқинда кўрган тушини таърифлади. Гўё қандайдир бургут унинг оппоқ ғозларининг барчасини талка-пора қилганмиш, улар учун Итака аёллари бирга қўшилиб йиғлаганмиш. Лекин дафъатан тагин учиб келиб, саройнинг тепасига қўниб, одамчасига овоз чиқариб, шундай деганмиш: «Пенелопа, бу туш эмас, балки юз берадиган воқеанинг аломатидир. Ғозлар – бу хушторлар, мен эса ҳадемай қайтиб келадиган Одиссейман».

Одиссей Пенелопага унинг туши ўзи кўриб турганидек, шундай яққолки, таъбирлашга ҳам арзимайди, деди. Бироқ Пенелопа ҳатто шундай тушга ҳам бовар қилолмасди, у Одиссейнинг охир-оқибат келиб қолишига ишонмасди. У мусофирга эртаси куни жазманларини синаб кўришга қарор қилганлигини айтди: Одиссейнинг ўқ-ёйини олиб чиқиб, уларга тортиб, нишонга уришни таклиф қилмоқчи, шунинг уддасидан чиққанини танлашга қарор қилганини баён этди. Мусофир Пенелопага ўша синовни пайсалга солмасликни маслаҳат қилди ва қўшиб қўйди:

– Куёвлардан кимдир ёйни тортиб, нишонга уришидан аввал Одиссей қайтиб келади.

Пенелопа мусофир билан гаплашаркан, унинг Одиссей эканлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Пенелопа мусофир билан тун бўйи суҳбатлашишга тайёр бўлса-да, лекин унинг ором олиш пайти

бўлганди. У ўрнидан туриб, ўз чўрилари билан хобгоҳи томон кетди, маъбуда Афина уни ширин уйқуга чўмдирди.

Одиссей ўзига хўкиз ва кўй териларидан тўшак тайёрлади, бироқ кўзига уйқу келмади. У ҳамон шилқим жазманлардан қандай қилиб қасос олишни ўйларди. Маъбуда Афина унинг тўшагига яқин келди-да, юпатаркан, ўз ёрдамини ундан дариг тутмаяжанини, кўп ўтмай барча кулфатларига чек қўйилажаганини айтди.

Ниҳоят, маъбуда Афина Одиссейни уйқуга чўмдирди. Аммо у узоқ ухлай олмади, уни Пенелопа-нинг қаттиқ овоз чиқариб йиғлагани уйғотиб юборди, у маъбудлардан Одиссейнинг қайтиб келишига йўл қўймаптилар дея нолирди. Одиссей ўрнидан туриб, тўшагини йиғиштирди, ҳовлига чиқди-да, ушбу тонгда қулоғимга чалинадиган илк сўзлар менга хайрли аломат бахшида этгай дея Зевсга илтижо қила бошлади. Зевс Одиссейнинг илтижосини ижобат этди, шу он самода момоқалдирос овози янграб кетди. Қўл тегирмонда ун тортаётган чўрилардан бирининг шу кун Одиссейнинг уйида зиёфат қилаётган жазманларнинг сўнгги куни бўлсин дегани Одиссей эшитган илк сўзлар эди. Одиссей беҳад қувонди. У энди душманлардан ўч олишда яшинчақнатар Зевснинг ёрдам беришига ишонч ҳосил этди.

ОДИССЕЙ ХУШТОРЛАРНИ МАХВ ЭТДИ

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Эрталаб чўрилар зиёфатхонага оломондай кириб келишди ва уни жазманлар зиёфати учун хозирлай бошлашди. Эвриклея чўриларни сувга юборди, эданни (полни) ювишни, ўриндиқларни янги алвон чойшаблар билан қолашни, идишларни тозалаб қўйишни амр этди. Кўп ўтмай Телемах ҳам ўз хобгоҳидан чиқди, у Эвриклеядан мусофирнинг тунни нечук ўтказганини сўраб, ўзи шаҳар майдони томон кетди. Эвмей, Филотий ва Мелантий зиёфат учун эчки, қўй ва чўчқаларни ҳамда битта сигирни хайдаб келишди. Эвмей ва Филотий боёқиш мусофирга сарсон-саргашта жаҳон кезишга тўғри келади дея ачиниб қўярканлар, у билан самимий саломлашишди. Филотий Одиссейни эсларкан, ўз хўжайинига раҳми келарди. У мусофирга нигоҳ ташларкан, нахотки, ўзининг хўжайини ҳам ғурбатда бошпанасиз юрган бўлса дея хаёлга толди. Эвмей ва Филотий Одиссейни уйига қайтарсинлар дея маъбудларга илтижо қила бошладилар. Одиссей ўзининг содиқ хизматкорларига далда бермоқчи бўлиб, Филотийга томон бурилди ва шундай деди:

– Буюк Зевс номи билан онт ичаманки, сен бу ердан кетишга улгурмасдан Одиссей қайтиб келади, шунда унинг бебош кимсалардан нечук интиқом олишини кўрасан.

Эвмей ва Филотий мусофирга самимий муносабатда бўлсалар, бироқ кўрс ва доғули Мелантий тагин Одиссейни ҳақоратлар, агар у бу уйдан чиқиб кетмаса, дўппослайман деб дўқ-пўписа қиларди. Одиссей Мелантийга ҳеч нарса демасдан, фақат хўмрайиб, ковоғини осилтирди. Ниҳоят, барча йиғила бошлади. Улар Телемахни ўлдиришга қасд қилган эдилар, аммо маъбуд томонидан зухур этилган аломат ниятларидан қайтарди. Жазманлар стол атрофига ўтириб олгач, зиёфат бошланди. Телемах қопқа олдига Одиссей учун ўриндиқ ва стол қўйди-да, унга овқат ва май келтиришни амр этди. Шунда Одиссейнинг ўғли ваҳимали тарзда шундай деди:

– Мусофир! Ана шу ерда ўтириб, менинг меҳмонларим билан кайфу сафо қилавер. Шуни билиб қўй, сени ҳақорат қилишга ҳеч кимга йўл қўймайман. Менинг уйим қандайдир қаланғи-қасанғилар йиғиладиган ковоқхона эмас, балки шох Одиссейнинг саройидир.

Телемахнинг сўзларини эшитган Антиной аблаҳларча хитоб этди:

– Дўстлар! Майли, Телемах бизга истаганча таҳдид солаверсин! Зевс ваҳимали аломатни зухур эт-масайди, уни бир умрга тинчитган бўлурдик, у бунчалик манфур вайсақига айланмасди!

Телемах унинг бу дўқ-пўписасини жавобсиз қолдирди. Одиссей унга шартли ишора қилмагунча жимгина ўтириб, кутарди. Маъбуда Афина Одиссейнинг қалбида интиқом алангаси баттар ловулласин дея меҳмонларнинг авбошлигини кўзгарди. У жунбушга келтирган хушторлардан бири – Ктесипп хитоб этди:

– Гапимга қулоқ осинглар! Мусофир Телемахни анча таом ва майга туширди. Бизлар ҳам унга бирор нарса беришимиз керак. Мен аллақачон хайр-садақа тайёрлаб қўйганман.

Шундай деркан, Ктесипп сигирнинг оёғини олдида, уни кучининг борича Одиссейга томон улоқтирди. У зарбага зўрға чап берди. Телемах Ктесиппга ваҳима билан деди:

– Бахтинг бор экан, нишонга уролмадинг! Менинг найзам нақ мўлжалга теккан бўлурди, ўшанда отанга сен учун тўй эмас, дафн маросимини ўтказишга тўғри келарди. Тағин такрорлайман, уйимдаги меҳмонларни ҳақорат қилгани йўл қўймайман.

Ҳеч ким жавоб қайтармади, Агелай уларга мусофирни ҳақорат қилишни тўхтатинглар дея маслаҳат бера бошлади.

Ногаҳон маъбуда Афина уларни жинниларча кулишга ундади, уларни ақлдан оздирди. Барчалари ёввойиларча докадай оқариб кетишди, кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади, қалблари чуқур ғам-аламга чулғанди. Улар ёввойи ҳайвонлар сингари гўштни хомлайин ея бошлашди. Ақлдан жудо бўлган жазманлар Телемахнинг устидан кулишарди. Аммо у истехзою мазах қилишларга мутлақо эътибор бермай, жимгина турарди. Пенелопа ўзининг хобгоҳида хушторларнинг тўкин зиёфат устидаги қаҳрли қийқириқларини эшитиб турарди. Уларга маъбуда Афина ва Пенелопанинг эри хозирлаган бундай ҳашаматли зиёфатни одамлар учун ҳеч ким тайёрламаганди.

Ниҳоят, Пенелопа ўрnidан туриб, Одиссейнинг хазинаси сақланаётган омборхона томон йўналди. У Одиссейнинг таранг тортилган ёйини олди. Ушбу ёй бир вақтлар Эвритга мансуб бўлиб, уни Одиссейга Эвритнинг ўғли, Ифий совға қилганди. Пенелопа Одиссейнинг ёйи ва камон ўқлари тўла садоғини олиб, зиёфатхонага кириб келди. У устун ёнида туриб, деди:

– Гапимга кулоқ солинг! Мен сизларга Одиссейнинг ёйини келтирдим. Ушбу ёйни тортиб, ўқни ўн икки ҳалқа орасидан ўтказган кишига ерга чиқаман.

Пенелопа Одиссейнинг ёйини Эвмейга узатди. У ўз хўжасининг ёйини кўриб, хўрлиги келди ва аччиқ кўз ёшлари тўкди, уни хушторларга элиб берди. Содик Филотий ҳам йиғлаб юборди. Жазманлар Одиссейни деб кўз ёши тўкаётганлари учун улардан ғазабланишди. Телемах эса ҳалқалар жойлаштирилган лангарларни ерга ўрнатди ва текислаб чиқди. У ёйни биринчи бўлиб тортмоқчи бўлди, уни уч бор эгди, лекин камалак ипини буколмади. Уни тортишга тўртинчи марта ҳам уриниб кўрди, бироқ Одиссей унга бош силкитдию, Телемах ўзини синашдан тийди. Хушторлар таранг тортилган камалак ипини навбат билан тортишга қарор қилишди. Биринчи бўлиб Лейод уриниб кўрди, бироқ камалак ипи шундай таранг эдики, уни озгина бўлса ҳам эголмади. Шунда Антиной Мелантийни чақириб, унга ёйга суртиш учун чўчка ёғи келтиришни амр этди.

Чўчка ёғи суртилган ёйни тортиш осон деб ўйлаганди Антиной. Лекин уринишлари беҳуда кетди, уларнинг бирортаси ҳам ёйни тортолмади.

Шу он Эвмей ва Филотий зиёфатхонадан чиқишди, уларнинг ордидан Одиссей ҳам чиқди. У ховлида ўзининг содик хизматкорларини тўхтатди-да, уларга оёғидан чандиқни кўрсатиб, ўзининг кимлигини аён қилди. Эвмей ва Филотий жуда суюниб кетишди ва хўжайинларининг кўл-оёғидан ўпа бошлашди. Одиссей уларни тинчлантирди. Ўша он Эвмейга мен ёйни қўлимга олганимда Эвриклея олдига бориб, унга чўриларнинг ташқарига чиқишига йўл қўймасин дегин дея амр этди. Филотийга эса дарвозаларни маҳкам бекит дея буйруқ берди. Одиссей шундай буйруқларни бергач, зиёфатхонага келиб, охистагина эшик олдидаги ўз жойига ўтириб олди.

Одиссей қайтиб келганида Эвримах ёйга чўчка ёғи суртиб, уни оловга тутиб турган эди. Эвримах уни қизитиб тортишга уринди, бироқ эголмасди. Уринишларнинг барчаси беҳуда эканлигига ишонч ҳосил қилган жазманлар ёй тортишни эртаси кунга қолдириб, яна зиёфатга берилишди. Шунда Одиссей дафъатан куёвларларга мурожаат қилиб, ёйни тортишга ижозат беришларини илтимос қилди. Улар бундай илтимосни эшитгач, унинг устидан кула бошладилар. Улар мусофир бизни шарманда қилиши мумкин дея ич-этларини ердилар. Пенелопа эса ёйни мусофирга берсинлар дея қатъий талаб қиларди. Телемах унинг сўзини бўлди-да, онасидан ўз хобгоҳига киришни илтимос қилди, Эвмейга эса ёйни Одиссейга беришни амр этди. Эвмей ёйни олиб кетганда барчалари зарда билан қийқиришди. Эвмей кўрқиб кетди, лекин Телемах унга ёйни мусофирга олиб бор дея буюрди. Ёйни Одиссейга тутқазаркан, зудлик билан Эвриклея ҳузурига югуриб, унга Одиссейнинг амрини етказди. Филотий бўлса қопқаларни маҳкам бекитди.

Одиссей ўз ёйини қўлига олди-да, уни диққат билан кўздан кечира бошлади. Қўшиқ айтишга шайланаётган хонанда ўз кифараси(сози)ни шундай кўздан кечиради одатда. Одиссей сира машаққат чекмай ёйни эгди-да, камалак ипини тортиб юборди, сўнг у таранг тортилганми дея бармоғи билан чертиб қўйди. Камалак ипи ваҳимали жаранглади. Куёвларнинг ранги-кути учиб кетди. Самода момоқалдирок гумбурлади – бу Зевснинг Одиссейни огоҳлантириши эди. Одиссей камон ўқини жойидан турмасдан нишонга тўғрилади. Камон ўқи ўн иккита ҳалқанинг ҳаммасининг ёнидан зинғиллаб ўтиб кетди. Одиссей Телемахга мурожаат қиларкан, шундай хитоб айлади:



– Телемах! Меҳмонинг сени уятга қолдирмади! Кўрдингми, ёйни тортарканман, уни бир зумда маромига етказдим. Йўқ, ҳали кучим жойида экан! Энди жазманларни бошқатдан меҳмон қиламиз, уларга янги емак тайёрлаймиз. Энди бизнинг зиёфатимизда соз ўзгача жаранглайди!

Одиссей қошини чимириб, Телемахга имо қилди. Телемах қиличини белига тақиб, кўлига найзасини олдида Одиссей билан бирга ўрнидан турди.

Одиссей жулдур кийимини ечиб ташлади-да, шундайгина бўсағада туриб олди, садоғидаги камон ўқларини оёғининг тагига тўқаркан, хитоб қилди:

– Менинг мўлжалим зое кетмади! Энди ҳеч ким ўқ узмаган нишонни танладим. Унга уришда менга тирандоз Аполлон кўмаклашади!

Шундай хитоб этаркан, Одиссей Антинойга қаратиб ўқ узди. Антиной айни вино ичаман деб қадахни сипқоришга шайланган дақиқада ўқ унинг томоғига санчилди. Қонга беланган Антиной гандираклар кетди-да, столга ёпишди, уни тўнтариб юборди ва ўлик ҳолда ерга кулади. Барча қийқириб, ўрнидан сапчиб кетди. Улар қуролларини излашди, аммо улар жойида эмасди. Одиссей бўлса, тагин баттар ваҳимали қичқирарди:

– Э, малъун итлар! Сенлар мени келмаса керак деб ўйладингларми? Одиссей хонадонини бемалол талон-торож қилаверамиз деб ўйлагансанлар шекилли! Йўқ, энди сизлар ўлимга маҳкумсанлар!

Эвримах бизларга раҳм қил деб беҳудага ялинарди, хазинасини талон-торож қилганлари эвазига жарима тўлашга ваъда берарди. Хушторлар ўзларини ҳимоя қилишларига тўғри келишини фаҳмлашди. Улар қиличларини яланғочлаб, Одиссейнинг ўқларидан сақланишга интила бошлашди. Эвримах кўлида қиличи билан Одиссейга ташланди, аммо унинг кўксига ўқ қадалдию, ерга кулади ва дарҳол жони узилди. Одиссейга Амфином ташланган эди, бироқ Телемах уни қиличи билан жароҳатлади. Телемах Амфиномни ўлдирди-да, қурол келтириш учун омборхонага югурди. У тўртта дубулға, тўртта қалқон ва Одиссей, ўзи, Эвмей ҳамда Филотий учун саккизта найза келтирди. Телемах қурол келтиргач, улар жазманларга томон бирин-кетин ўқ узавердилар, ҳар отилган ўқ бировининг ҳаётига зомин бўларди. Одиссей обдон қуролланиб олди, унинг ёнида ўғли Телемах, содиқ хизматкорлари Эвмей ва Филоктей қиличларини ўйнатиб туришарди.

Хоин Меланций Телемахнинг қурол олиб келишга борганини кўриб қолганди. У ҳеч кимга билдирмасдан омборхонага кириб, у ердан ўн иккита қалқон ва найзани олишга улгурди, чунки отасига қурол олиб боришга шошилган Телемах омборхонанинг эшигини бекитишни унутган эди. Хушторлар ҳам қуролланишди. Уларнинг тасодифан қуролланганини пайқаган Одиссей кўрқиб кетди. Уларга кимдир қурол етказганини тушунди. Бахтига Эвмей билдирмасдан қурол келтиргани борган Меланцийни кўриб қолди ва бу ҳақда Одиссейга билдирди. У Эвмей ва Филотийга уни ушлаб олиш ва омборхонанинг ўзида ип билан маҳкам боғлаб ташлашни амр этди. Эвмей ва Филотий билдирмасдан, секингина омборхонага кириб келишди, Меланцийни у ердан қурол олиб чиқаётганда тутиб олишди ва ерга ётқизиб, оёқ-қўлларини букиб, орқасига боғлаб, уни шу зайлда тўсинга осиб қўйишди, унинг устидан кулиб, масхаралаб шундай дейишарди:

– Энди қуролларга қоровул бўлиб турасан, Меланций! Сени шундай майин тўшакка ётқиздикки, эрталаб сира ухлаб қолмайсан.

Улар шундай дейишдию, Одиссейга ёрдамга шошилишди.

Шу сонияда Одиссей ҳузурида Бокира-Афина Менторни ёрдам беришга даъват эта бошлади, жазманлар агар у Одиссейга ёрдам берса, ўлдирамиз дея таҳдид солишарди.

Афина улардан баттар ғазабланди. У Одиссейдан хушторлар билан Троя остоналаригидек жасуруна жанг қилмаяпсан дея таъна қилди-да, ногоҳдан қалдирғочга айланиб, пирр этиб, душманлар тепасидаги тўсинга кўнди. Жазманлар Одиссей, унинг содиқ хизматкорлари – Эвмей, Филоктей ва ўғли Телемахга қаратиб уч бор найза итқитишди, аммо маъбуда Афина уччаласини ҳам бошқа томонга оғдирди. Одиссей ва унинг сафдошлари ҳар гал тўрт кишини жароҳатлашарди. Филотий кўрс ва кўпол Ктесиппни найза билан уриб ўлдирди ва тантанавор тарзда хитоб этди:

– Энди тинарсан, оғзи бузук қоски! Одиссейни ўша сигирнинг оёғи билан сийлаганинг учун сенга муносиб совға.

Жароҳатланган хушторлар бирин-кетин ажал паймонаси тўлиб, ерга кулашарди. Маъбуда Афина дафъатан уларнинг тепасида туриб, даҳшат соладиган қалқонини силкитиб юборди. Барчаси саросимага тушиб жиннилар сингари ўзларини тўрт томонга уриб, югуришарди. Ёзда яйловда сўналар галасига дуч келган хўкизлар шундай ҳолга тушади. Одиссей, Телемах, Эвмей ва Филотий уларга кабу-

тарларга зарба бераётган лочин янглиғ зарба беришар, ҳалок бўлаётганлар ваҳимали чинқиришарди. Улар ҳеч жойдан паноҳ тополмасдилар.

Лейод Одиссейнинг олдига югуриб келдида, унга раҳм қилгин дея ёлвора бошлади, Одиссей раҳм қилмади, қиличи билан унинг бошини кесиб ташлади. Одиссей Телемахнинг илтимосига кўра фақат кўшиқчи Фелитни аяди, чунки у ўз иродасига зид ўлароқ, хушторларга кўшиқ айтиб беришга мажбур бўлганди. Одиссей, шунингдек, сигир терисига бурканиб олган жарчи Медонтни ҳам аяди. Одиссей Фемий ва Медонтга ховлига чиқиб, ўзини кутиб туришни амр этди. Одиссей рақибларидан бирортаси тирик қолмадимикан деб ҳамма ёқни қараб чиқди, лекин уларнинг барчаси ўлдирилганди, уларнинг бирортаси ҳам қочиб кутулолмади.

Шунда Одиссей Эвриклеяни чақириб келишни буюрди. У шу ондаёқ ўз хўжаси олдига келаркан, Одиссей унинг кўз ўнгида куёвларнинг жасаdlари ўртасида худди хўкизларни чавоқлаб, қонга ботган ҳолда турган шердай гавдаланди. Одиссей хушторларга раҳм-шафқат қилмоқчи бўлиб, хатога йўл қўйган чўриларни чақириб келишни амр этди. Эвриклея ўн икки нафар чўрини чақириб келди. Улар хўнграб йиғлаган ҳолда Одиссейнинг буйруғига биноан жазманларнинг жасаdlарини ташқарига олиб чиқишлари ва уларни сарой пешайвонида ёнма-ён қўйишлари керак эди. Чўрилар жасаdlарни ташқарига олиб чиқишди, улар барча юмушларни битиргач, Одиссей уларни маҳв этишни амр этди. Нуксонларга йўл қўйган чўриларнинг барчаси осилди, улар Одиссей ва Пенелопага қарши қилган иғвою жиноятларини ўлим билан ювишди. Одиссей хоин Мелантийга қилмишига яраша қаттиқ азоб бериб, қатл эттирди.

ОДИССЕЙ ПЕНЕЛОПАГА СИРИНИ БАЁН ЭТАДИ

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Чўрилар ва Мелантий қилмишларига яраша жазоланганда Одиссей Эвриклеяга гуноҳлардан фориг қиладиган тутатқи келтиришни амр этди ва бутун зиёфатхонани тутунга чулғади. Одиссейнинг барча чўрилари тўпланишди. Улар ўз хўжайинларининг қайтиб келганидан ғоят суюниб, уни куршаб олишаркан, оёқ-кўлларидадан ўпишарди. Ўз хонадонида истикомат қилувчилар билан яна дийдор кўришаётганидан ҳаяжонланган Одиссейнинг ўзи ҳам йиғламоқда эди.

Одиссей ўзининг ҳамхонадонлари билан кўришиб, саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашаётганда Эвриклея Пенелопанинг хобгоҳига югурди, уни уйғотиб, мана ниҳоят, эринг қайтиб келди, хушторларнинг барчасини ўлдириб, улардан қасосини олди деган қувончли хабарни баён этди. Пенелопа бунга сира бовар қилгиси келмасди. У Эвриклея ўзини мазах қилапти деб ўйларди. Эвриклея ўз бекасини ҳақиқатан Одиссейнинг қайтиб келганига, Пенелопанинг ўзи хийла вақтгача суҳбатлашган ўша мусофирнинг Одиссейнинг ўзи эканлигига, уни оёғидаги чандиғидан таниб олганига, лекин Одиссей ўзининг қайтиб келганини Пенелопадан сир тутишга амр этганига ишонтирмоқда эди. Эвриклеянинг қатъий туриб ишонтиришига қарамасдан, Одиссейнинг ёлғиз ўзининг хушторларнинг ҳаммасини ўлдиришига кўзи етмасди. Ниҳоят, Пенелопа зиёфатхонага боришга розилик билдирди. У ерга келаркан, Пенелопа ўзини Одиссейнинг кучоғига ташлансинми ёки мусофирнинг ҳақиқатан ҳам ўзининг эри эканига ишонч ҳосил қилсинми – дарҳол қарорга келолмай турарди. У мусофир билан ёнма-ён ўтириб олди. У унга тикилиб қараркан, гоҳо кўз ўнгида Одиссей тургандек туюлса, гоҳо тагин иштибоҳларга берилиб кетарди. Унинг иккиланишларини кўрган Телемах гина қила бошлади:

– О, суюкли онажоним, – дерди Телемах, – наҳотки, шунчалик бағритош бўлсангиз. Эрингиз қайтиб келди ниҳоят, сиз бўлсангиз бир оғиз сўз айтолмай донг қотиб ўтирибсиз. Шунча йиллар айрилиқни бошидан кечирган аёлнинг эрини шундай совуқ кутиб олганига сира ақлим бовар қилмайди.

– Болагинам, кўриб турибсан, ҳаяжонланганимдан тилим калимага бормай турибди, – дея жавоб берди Пенелопа Телемахга, – агар мусофир чиндан ҳам Одиссей бўлса, иккаламизнинг ўртамизда бир сир бор, ўшани баён этганда бир-биримизни билиб оламиз.

Одиссей жилмаяркан, Телемахга деди:

– Ўғлим! Онангн ҳаяжонга солма. У менга саволлар берса, Одиссей эканлигимга ишонч ҳосил этади. Мана бу жулдур кийимда онанг мени таниши қийин. Энди биз исён кўтарилмаслиги учун жазманларнинг ўлганини шаҳар сокинлари(аҳолиси)дан қандай сир тутишимиз кераклигини ўйлашимиз керак. Ахир, биз энг аслзода йигитларни ўлдирдик, табиийки, уларнинг яқинлари биздан қасос олмоқчи бўлишади.

Одиссей барча кул ва чўриларга халойикнинг саройда тўй-шодиёна бўлапти деб ўйлаши учун Фемий кифараси садоларига жўр бўлиб, ашула ва раксга тушишга амр этди. Унинг амрини ўша заҳотиёк бажо келтиришди, дарҳақиқат, сарой олдидан ўтаётганларнинг ҳаммаси хушторлардан бири билан Пенелопанинг тўйи бўлапти деб ўйлашарди.

Одиссей обдон ювиниб, ўзининг ҳашамдор либосларини кийиб, қасрига кираркан, Пенелопанинг қаршисига ўтириб олди. Афина унга илоҳий гўзаллик бахш этганди. Одиссей Пенелопани ишонтириш учун фақат иккаласига маълум бўлган сирни очишга қарор қилди. Эвриклеяни чақириб, унга тўшак ҳозирлашни амр этди, Пенелопа эса Эвриклеяга дерди:

– Майли, унга тўшак тайёрла, Эвриклея, аммо Одиссейнинг ўзи жиҳозлаган хобгоҳда тайёрла. Хобгоҳдаги ёғоч ўриндикни силжитиб, ўшанинг устида жой ҳозирла.

– О малика, – хитоб этди Одиссей, – мен ўзим ясаган ўша ўриндикни ким ҳам жойидан кўзгата оларди? Ахир, ўзинг биласан-ку, у сарой олдида ўсган баҳайбат зайтун дарахтининг тўнқасидан қилинган. Уни ўзим кесиб, атрофини девор билан ўраб, ундан тўшак-жой қилгандим, кейин уни олтин, қумуш ва фил суяги билан безаганман, лекин, балки, менинг йўғимда уни биров арралаб жойидан кўзгатгандир?

Пенелопа энди олдида турган кишининг Одиссей эканига амин бўлганди. Тўшак-жойнинг қандай қурилганининг сирини фақат иккаласи биларди. Шунда Пенелопа Одиссейнинг қучоғига отилиб, уни ўпа бошлади. Одиссей ўзининг вафодор хотинини қучаркан, уни бағрига босиб, ширин-шакар бўсаларга кўмиб ташлади – бўрондан халос бўлиб, қирғоққа чиқиб олган денгизчи ерни шундай ўпиши мумкин эди. Одиссей ва Пенелопа бир-бирини қучганча узоқ йиғлашди. Агар Афина тунни узайтириб, тонг маъбудаси алвон бармоқли Эосга унинг ҳузурига парвоз қилишни қатагон этмаганида эди, улар тонгни нақ шу зайлда кутиб олишган бўларди.

Одиссей ва Пенелопа зиёфатхонани тарк этиб, ўз хобгоҳлари томон боришарди. Телемах барча кул ва чўриларга ракс ва қўшиқни тўхтатишни амр этди, бутун сарой уйқуга чўмди. Фақат Одиссей ва Пенелопага уйқу ёт эди. Одиссей унга ўз саргузаштларини ҳикоя қиларкан, Пенелопа бутун вужуди қулоқ бўлиб тингларди. Пенелопа ҳам Одиссейнинг йўқлигида хушторлар ўзининг бошига не-не шўришу ғавғоларни солганини сўзлаб берди.

КУЁВЛАР АРВОҲЛАРИ АИД САЛТАНАТИДА

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Маъбуд Ҳермес хушторлар арвоҳларини одамларнинг кўзини юмдириб уйқусини келтирадиган асоси (таёғи) билан чақириб олди. Арвоҳлар маъбуд ортидан аянчли бир овоз чиқариб, учиб боришди. Уларнинг чиқарган товуши бирортаси ўзи осилиб турган тошдан узилиб тушганда қоронғи ғорда ҳадиксираб кетганидан чийиллаб учаётган кўршапалакларнинг овозини эслатарди.

Куёвларнинг арвоҳлари қоронғи йўлдан, Ҳермеснинг ортидан тизилиб, елиб кетишди. У уларни борган сайин узоқроққа, кекса Ўқёнус (Океан) олдидан, куёш маъбуди Ҳелиос олдидан, уйқу худолари истиқомат қилаётган мамлакатлар олдидан, Лавкала қоялари олдидан бошлаб борарди. Ниҳоят, улар асфоделлар (ёввойи лолалар) ўсиб ётган ўтлоқларга етиб боришди. У ерда ўлганларнинг арвоҳлари яшарди. Уларнинг арвоҳларини илк бор буюк Ахиллнинг арвоҳи кутиб олди, унинг ёнида Патрокл, Антилох ва Аякс Теламон ўглининг қўланкалари борарди. Бу ерга шоҳ Агамемноннинг куёвларнинг арвоҳлари ичида бир пайтлар Одиссейни Троя жангига даъват этгани Итакага келганда уйда меҳмон бўлган Амфимедонтнинг арвоҳидан сўради: (китобда 421-бет).

– Айт-чи, бу зулмат салтанатига оломондай бўлиб келганларининг сабаби недир? Бирор тўфон хуружида ўлдинларми ёки сизлар мол-мулкни талаган душманларнинг ўлдирдими?

Амфимедонтнинг қўланкаси Одиссей қайтиб келмайди дея улар Пенелопага совчи қўйганларини, Пенелопа вафодор бўлганлиги туфайли никоҳ ҳақидаги таклифларни эшитишни ҳам истамаганлиги, ниҳоят, Одиссей қайтиб келиб, ўзининг уйда куёвликка ишқибозларнинг бебошлик қилганликлари, унинг мол-мулкни талон-торож этганликлари учун улардан шафқатсизларча ўч олганлиги ҳақида сўзлаб берди. Агамемноннинг арвоҳи Одиссейнинг барча хавф-хатарни мардона бартараф қилганлигидан шодланиб, хитоб этди:

– Эҳ қандай бахтлисан, суюкли Одиссей! Пенелопанинг шон-шухрати оламни чулғади, уни қўшиқларда тараннум этарлар, унинг хотираси мангу яшайди. Менинг тақдирим ўзгача эди. Менга хотиним хоинлик қилди. Одамлар наздида унинг хотираси абадулабад жирканч бўлиб қолади.

ОДИССЕЙ ЛАЭРТ ХУЗУРИДА

Субҳидамда Одиссей, Телемах, Эвмей ва Филотий энг яхши аслаҳалари билан қуролланиб, Лаэрт хузурига кетишди. Пенелопага эса Одиссей саройдан бошқа ерга чиқмасликни амр этди, чунки хушторларнинг ўлими ҳақидаги хабарнинг бутун шаҳарга тарқалишини у биларди. Қалин булут билан ниҳон этилган Одиссей ва унинг ҳамроҳлари шитоб билан юришиб, шаҳардан чиқиб кетишди. Улар кўп ўтмай ўзининг қуллари ва кекса хизматкор аёл билан яшаётган Лаэртнинг уйига келишди. Одиссей ўзининг ҳамроҳларини уйга юбораркан, овқат тайёрлаб қўйишни амр этди, ўзи эса Лаэртни излаб бокқа йўл олди. Одиссей ўзининг қартайиб қолган отасини ишлаётган ҳолда учратди. У ёш бир дарахнинг тагини бўшатаётган эди. Унинг энгил-боши бошдан оёқ ямоқланган, оёғида эски шиппак, бошида эчки терисидан тикилган тўзиган бўрк, кўлида эса кўлқопи бор эди. Одиссей отасини шу ҳолатда кўргач, йиғлаб юборди. Чолнинг гадойдек кийинганига Одиссейнинг дили жуда-жуда эзилди. Одиссей отасига бирдан сирини баён этсинми ёки отаси уни танидими, йўқми дея аввал ўзининг кимлигини пинҳон тутсинми деган хаёлга бораркан, иккиланарди.

Ниҳоят, Одиссей муайян бир қарорга келиб, отасига яқинлашаркан, уни танимаган кишидек, оддий одам билан гаплашаётганидек, боғ кимники эканлигини, хўжайиннинг исми нима эканини сўрай бошлади. Одиссей ўзи ҳақидаги ёлғон-яшиқ қиссани сўзлаб бераркан, ўзини мусофир деб таништирди ва шундай илова қилди:

– Қачонлардир Одиссейни уйимда меҳмон сифатида қабул қилиб, унга қимматбаҳо совғалар тақдим этганман. Энди бўлса унинг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлай деб келдим. Айтинг-чи, мен чинданам Итака оролидаманми?

Кекса Лаэртнинг кўзларида дув этиб ёш қалқиркан, шундай жавоб қилди:

– Мусофир! Сен чинданам Итакадасан, аммо бу ерда Одиссейни учратолмайсан. Унинг уйини ёвуз одамлар эгаллаб олди. Одиссей ҳалок бўлгандир. Мен унинг отаси бўламан. Айт-чи, сен ўзинг кимсан? Қаердан келгансан?

Одиссей тагин ўзини уйдирма исм билан атаркан, у Одиссейни беш йил бурун меҳмон қилганини баён этди. Буни эшитган Лаэрт чуқур ғамга ботди. У ердан икки кўли билан тупроқни ховучлаб, бошидан сочаркан, аламига чидолмай қаттиқ оҳ тортди. Одиссей отасининг аламига энди тоқат қилолмади. У отасини кўксига босаркан, хитоб этди:

– Ота! Мен Одиссейман! Маъбудлар хоҳиш-иродаси ила Итакага қайтиб келдим! Йиғламанг энди! Уйимни хонавайрон қилган хушторлардан қасос олдим!

Лаэрт унинг сўзларига дарҳол ишонмай, у олдида ўғли турганини исботлайдиган далиллар талаб қилди. Шунда Одиссей оёғидаги чандиқни кўрсатди ва ўзининг болалигида Лаэрт унга совға қилган мевали дарахтларни санаб берди. Чол қувонганидан йиғлаб юборди ва Одиссейни қучаркан, шундай хитоб этди:

– О, падари бузруквор Зевс! Агар ўша ғаддор ёвузлар ўз гуноҳини ўлим билан ювган бўлсалар, демак, нурафшон Олимпда ҳали маъбудлар бор экан! Лекин Итаканинг барча аҳолиси ўз туғишганлари учун ўч олмоқ ниятида бу ерга келади дея кўрқиб турибман.

Аммо Одиссей отасини юпатди-да, уни емак тайёр турган уйга бошлаб борди. Лаэрт обдон ювиниб, тоза кийимларини кийди: маъбуда Афина унга бардамлик ва ёшлик бахш этди. Ҳаммаси шодиёна кайфият билан овқатланишга ўтиришди. Шу пайт кекса қул Далий ўзининг ўғиллари билан келиб қолди. У ичкари кираркан, ҳайрат ичра жойида қотиб қолди, овқатланаётган меҳмонга қараб, унинг Одиссей эканини таниди. У Одиссейга томон отилиб, маъбудлардан унга омонлик ато этишларини илтижо қиларкан, оёқ-қўлларини ўпа бошлади. Кекса Лаэрт хузуридаги зиёфат бағоят кўнгилли ўтди.

ФУҚАРОЛАР ИСЁНИ ВА ОДИССЕЙНИНГ УЛАР БИЛАН КЕЛИШУВИ

Шу аснода барча хушторларнинг қайтиб келган Одиссей томонидан ўлдирилганлиги ҳақидаги хабар бутун шаҳарга тарқалди. Уларнинг қариндошлари тумонат одамлар билан бирга қахру ғазабларини сочиб, Одиссей саройига ёпирилиб келишди ва ўлдирилганларнинг жасадларини олиб чиқишди. Кейин эса шаҳар майдонига йиғилишиб, нима қилиш кераклигини муҳокама қила бошлашди. Антинойнинг отаси, кекса Эвпейт бутун халқни Одиссейга қарши исён кўтаришга ва хушторларнинг ўлими учун ўч олишга даъват этарди. Фақат кўшиқчи Фемий ва жарчи Медоний Одиссейга қўл кўтармасликка кўндирди, чунки маъбудларнинг Одиссей томонида эканини уларнинг ўзлари кўрганди, куёвлар Зевс иродасига кўра ҳалок бўлишди. Одиссейни қароматсоҳиб Галиферс ҳам химоя қила бошлади. У фуқароларга ўзи ва Менторнинг ўша йигитларга Одиссейнинг уйда бебош-

лик қилмасликка даъват этганларини эслатди. Фуқароларнинг ўзи айбдор аслида. Бошларига ортиқча бало-қазоларни орттириб ўтирмаслик учун фуқаролар Одиссейга бўйин эгишлари керак. Фуқароларнинг муайян қисми Галиферснинг сўзларига кулоқ осиб, итоаткорлик қилди, Эвпейт бошлиқ фуқаролар эса кўлига қурол олишди.

Бу ҳолни сарбаланд Олимпда туриб кўриб ўтирган маъбуда Афина яшинчақнатар Зевсдан сўради:

– Падари бузрукворим Зевс! Айт-чи, қандай қарорга келдинг? Бир-бирига адоват кўрсатаётганлар ўртасида уруш чиқармоқчимисан ёки тинчлик ўрнатмоқчимисан?

– Суюкли қизим менинг! – жавоб берди Зевс Афинага. – Ахир Одиссей хушторлардан қасос олиши керак деган қарорга келган эдинг-ку. У қасосини олди, у шундай қилишга ҳақли эди. Итака подшоси Одиссей бўлади. Разилларнинг ўлими унут бўлиб кетади. Аввалгидек Итакада муҳаббат ҳукм суради, у ерда бойлик ва осойишталик бўлади.

Зевс шундай деди-ю, Афинани Итака сари елишга даъват этди. Фуқаролар тумонат бўлиб, Лаэртнинг уйига яқинлашиб келмоқда эдилар. Уларни Долийнинг ўғилларидан бири кўриб қолди. Уйда ўтирганларнинг барчаси қуролланиб олишди. Ҳаттоки кекса Лаэрт ва Долий ҳам қуролланди. Улар уйдан ҳовлига чиқишди. Маъбуда Афина Ментор қиёфасида Одиссейнинг кўз ўнгида пайдо бўлди. Маъбудани таниган Одиссей қувониб кетди ва Телемахга мурожаат қиларкан, деди:

– Ўғлим! Ўзингнинг ер юзидаги энг шавкатли наслга мансублигингни исбот қил!

– Суюкли отажоним! – хитоб қилди Телемах. – Кўрасан, сенинг шавкатли наслингга иснод келтирмайман!

Унинг сўзларини кекса Лаэрт ҳам эшитди. Унинг қалби шодликка тўлди ва шундай хитоб айлади:

– Аё маъбудлар, қандай саодатли кун бахш этдингиз бугун менга! Мен қандай шодман бугун! Ўғлим ва неварам ким жасур дея бахшлашмоқда!

Афина Лаэртнинг ёнига келдида, нишонга олмасдан, маъбуда Афина ва отаси Зевсни ёрдамга чорлаб, душманга қаратиб найза итқит дея амр этди. Лаэрт найзани бир силтади-ю, итқитиб юборди. Найза Эвпейтнинг мис дубулғасини тешиб ўтди, унинг бош суягини иккига бўлиб ташлади, у бежон бўлиб ерга қулади. Одиссей ва Телемах ҳам душманларга ташланишди. Агар Афина ваҳимали наъра тортмаганда Итаканинг барча фуқаролари қирилиб кетарди.

– Итака фуқаролари, бас қилинг урушни! Қон тўкмай, дарҳол тарқалинг!

Итака сокин(аҳолиси)ларининг барчаси даҳшатга тушишди. Уларнинг қўлларидан қуроллар тушиб кетди, ўзлари эса маъбуда Афинанинг хитобини эшитгач, ерга қулашди. Улар ўзига келгач, ҳаётларини сақлаб қолиш учун учун тумтарақай бўлиб кетишди. Одиссей қаттиқ наъра тортаркан, қочиб кетаётганларни таъқиб эта бошлади. Лекин Зевс яшин чакнатган эди, у ярқираб, ерга, Афинанинг олдига келиб тушди. Маъбуда Афина Одиссейни тўхтатаркан, шундай деди:

– Эй Лаэртнинг маъбудмонанд ўғли, ғазабингни бос! Қонли жангдан ўзингни тий, тағин яшинчақнатар Зевс сенга қаҳру ғазаб ўтини сочмасин!

Суюниб кетган Одиссей Итака фуқароларини таъқиб этишдан тўхтади. Кўп ўтмай маъбуда Афина Ментор қиёфасига кириб, халқ ва подшо Одиссей ўртасида ўзаро онт ила мустаҳкамланган устувор тинчликни барқарор этди.



АГАМЕМНОН ВА УНИНГ ЎҒЛИ ОРЕСТ

АГАМЕМНОННИНГ ЎЛИМИ

Эсхилнинг «Агамемнон» трагедияси асосида баён этилган

Агамемнон Троя бўсағаларидаги жангга жўнаб кетаётганида хотини Клитемнестрага Троянинг қачон кулаши ва қонли урушга чек қўйилишини баён этишга ваъда берганди. У юборган чопарлар тоғ чўққиларида гулхан ёкишлари лозим эди. Шундай хабар чўққидан чўққига ўтиб, кўп ўтмай унинг саройигача етиб келиши, шу билан Клитемнестра буюк Троянинг кулаганлигидан бошқалардан аввал хабардор бўлиши керак эди.

Трояни ишғол этиш тўққиз йилга чўзилди. Сўнгги, каромат қилинганидек, у қулайдиган ўнинчи йил бошланганди. Энди Клитемнестра Троянинг кулаши, эри Агамемноннинг қайтиб келиши ҳақида ҳар кун хабардор бўлиши мумкин эди. Эрининг тасодифан келиб қолишдан ҳайиққан Клитемнестра кулига ҳар кун кечкурун баланд қаср тепасига чиқиб кузатишни амр этарди, қул тун зулматида тикилиб турарди. У илиқ ёз кунларида ҳам, момақалдирик ва бўрон чоғида ҳам, изғириндан аъзоибадан увишиб, акашак бўлиб кетадиган қаҳратон қишда ҳам тунда қаср тепасида туриши шарт эди. Кунларни кувиб кунлар ўтарди, малика иродасига тобе бўлган қул эса ҳар тун шарт қилинган хабарни кутарди. Уни Клитемнестра сабрсизлик билан кутарди. Аммо бу ҳол эрини шоду хуррамлик билан кутиб олиш учун эмасди асло! У уни бошқа бир киши, Эгисф туфайли унутганди, у ўша кун, шох Агамемнонни ўлдиришни ўйлаб қўйганди.

Қоронғу тун. Шарқ эндигина оқара бошлаганди. Тонг яқинлашарди. Қулнинг кўзига тоғнинг узок чўққиларидан бирида ловуллаб ёнаётган олов ташланди. Бу кўпдан буён кутилган хабар эди.

Буюк Троя кулаганди. Ҳадемай Агамемнон уйига қайтиб келади. Қул ўзида йўқ хурсанд, чунки энди машаққатли тунги қоровулликка чек қўйилади. У Клитемнестра хузурига шошиларкан, унга хушхабарни етказди. Аммо бу Клитемнестра учун хушхабармиди?

Ўзига шубҳаю иштибоҳлар кўланка ташламасин дея Клитемнестра ўзини бу хушхабардан қувонаётган кишидек кўрсатаркан, чўриларини чақириб олди-да, миннатдорлик рамзи сифатида маъбудларга қурбон келтиришга киришди. Ич-ичидан қувонган доғули Клитемнестра Агамемнонни махв этишни ўйларди.

Агамемнон саройи олдида шаҳар аҳолиси ҳам тўпланганди, ниҳоят, буюк Троянинг кулаганлиги ҳақидаги хабар кўп ўтмай ҳамманинг қулоғига етиб борган эди.

Оқсоқоллар, гарчи гоҳо уларни шубҳаю иштибоҳлар чулғасада, ҳадемай уларнинг подшоси келадия, уни сарой олдида кутиб олишади. Етиб келган чопар ушбу шубҳаларни тарқатиб юборди. Агамемноннинг узокда эмаслигини баён этди. Суюнганидан ичига сиғмай турган Клитемнестра яна макру ҳийла ишлатмоқчи бўлди. У саройга гўёки эрини кутиб олиш учун ҳамма нарсани тайёрламоқчидек шошилди, лекин аслида-чи, у эрини кутиб олиш учун эмас, балки уни ўлдириш учун шошиларди.

Ниҳоят, узокда ўзининг ғолиб қўшини билан маҳодада ўтириб келаётган Агамемнон кўринди. Гуллар ва яшил майсалар билан ясанган аскарлар виқор билан келишмоқда эди, улар ортидан эса улкан ва бир талай асираларни келтиришмоқда эдилар. Маҳодада подшо билан ёнма-ён шох Приамнинг афсунгар қизи Кассандра ўтирарди. Халойиқ подшони қаттиқ қийқириклар билан кутиб олди. Клитемнестра ҳам унинг истикболига чиқди. У қасрга олиб берадиган йўлга алвон газламалар тўшашни амр этди. Клитемнестра Агамемнонни маъбудни кутиб олгандай қарши олмоқда эди. У шунақа эҳтиромга муносиб бўлгани учун худолар ғазабига дучор бўлмайин дея қўрқарди ҳатто. Агамемнон шиппақларини ечиб, ўз қасри томон йўл олди, унинг ортидан маккора Клитемнестра унга уни қандай кутганлигини, айрилиқ (ҳижрон) чоғларида қандай изтироб чекканини ҳикоя қилиб берарди. Лекин қасрга кираверишда Агамемноннинг хотини тўхтаб қоларкан, шундай дея хитоб этди:

– Зевс! Зевс! Илтижоларимни ижобат айла! Менга ўйлаб қўйган режамни ижро этишда мадақкор бўл!

Шу сўзларни ифодаларкан, Клитемнестра қасрга кирди. Агамемноннинг қасри олдида фуқаролар жимгина уймалашиб туришарди. Уларнинг қалбини юз берадиган чўнг мусибат туйғуси чулғаб олгандай тарқалишмай туришарди.

Ногаҳон қасрдан Агамемноннинг ўлими олдидан дахшатли чинқириғи кулоққа чалинди. Агамемнон ҳаммомдан ювиниб чиқаётганда Клитемнестра уни ўлдирди. У эрининг устига кенг ва узун чойшаб ташлади, у худди тўрга тушгандай ўралиб чиқади-ю, ўзини ҳимоя қилолмайди. Клитемнестра ойболта билан уч марта зарба берадию, эрини ўлдирди.

Клитемнестра қўлида қип-қизил қонга беланган ойболта, уст-бошига қоп сачраган ҳолда халқ хузурига чикди. Унинг ёвузлигини кўрган фуқаролар дахшатга тушишди, у бўлса, гўё жасорат кўрсатгандек ғурурланарди. Лекин оз бўлсада, уни виждон азоби чулғаб олади, қотиллик учун изтироб чекажаги, Агамемнон учун шафқатсиз қасоскор чиқажаги унинг кўнглига кутку соларди.

Эгисф ташқарига чикди. У аллақачон шоҳона либосга бурканиб, кўлига шоҳнинг асосини ушлаган эди. Халқ қаттиқ ғазабга келганди. Агар Клитемнестра ҳимоя қилмасайди, уни тилка-пора қилиб юборишарди. Агамемноннинг ўлиmidан ғамга ботган фуқаролар бирин-кетин тарқала бошладилар. Эгисф эса қабих ёвузлик ила ҳокимиятни қўлга олгач, Клитемнестра билан қасрга кириб кетиди. Аммо тақдирдаги интиқомдан халос бўлиш уларга насиб этмаганди, уларга ёвузлиги учун бешафқат жазо таҳдид соларди, бераҳм ёзмиш уларга шуни муносиб кўрмоқда эди.

ОРЕСТ ОТАСИНING ЎЛИМИ УЧУН ҚАСОС ОЛАДИ

Эхилнинг «Хоэфлар», яъни «марҳум шарафига унинг қабрида ичкилик назр қилаётганлар» трагедияси асосида баён этилган

Агамемнон ўлгандан сўнг орадан кўп йиллар ўтиб кетди. Кунлардан бир кун унинг саройга яқин жойда жайлашган қабрига мусофир кийимидан икки ёш йигит келиб қолди. Улардан бири кўринишидан ўн саккиз ёшларда бўлиб, белига қилич осиб олган, иккинчиси эса ёши сал каттароқ, кўлида иккита найзаси бор эди. Йигитларнинг кичиги қабрга яқинлашиб, бир тутам сочини кесиб, уни қабр устига қўйди. Бу Агамемнон ҳалок бўлган қуни энагаси томонидан қутқазилган ва ватанидан узоқда Фокида подшоси Строфий томонидан тарбияланган Агамемноннинг ўғли Орест эди. У билан бирга келган йигит Строфийнинг ўғли Пилад эди. Сарой қопқаси олдида қора кийинган чўрилар кўзга ташланганда Орест эндигина отаси учун қурбон келтирган эди. Улар Агамемнон қабрига боришаётганди. Ораларида ўлдирилган шоҳнинг қизи Электра ҳам бор эди. Чўрилар сингари у ҳам қора либосга бурканганди, унинг сочлари кесилган, подшоҳнинг қизи чўрилардан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмасди. Орест ва Пилад шошилинич суратда қабрнинг орқасига яширинишди ва чўрилар нима қиларкан дея қараб туришарди. Улар қабрга яқинлашаркан, қаттиқ овоз чиқариб йиғлай бошлашди, қабрнинг атрофида уч марта айланишди. Чўриларни Клитемнестра юборганди, чунки у тунда машъум тушлар кўрганди, у Агамемноннинг арвоҳи ғазабланаётган бўлса керак дея кўрқарди. Чўрилар унинг кўнглига раҳм солишлари керак эди. Лекин улар Агамемнонни ўлдиргани, уларни сиқувга олгани учун Клитемнестрадан нафратланишарди. Клитемнестранинг уларни сиқувга (исканжага) олганининг сабаби – улар троялик асирлар эдилар, у уларга қараб, ўлдирилган эрини ёдга оларди.

Электра Агамемноннинг кўланқасидан раҳму шафқат сўраш ўрнига чўри қизлар маслаҳатига кўра худоларни Клитемнестрадан интиқом олишга даъват эта бошлади. Бошқача йўл тутолмас эди зотан. Электра қотила онасини бутун вужуди билан ёмон кўрарди.

Қурбон келтириш ниҳоясига етгач, чўрилар эндигина кетишга шайлангандилар ҳамки, Электра қабр устида ётган бир тутам сочни кўриб қолди. Унинг сочларига ўхшашлигини пайкагач, бу Орестнинг сочи эканлигини билди. У соч тутамини кўлига оларкан, нега Орестнинг ўзи келмади, нега у фақат сочларини юборди экан дея ўйланиб қолди. Шунда Орест секингина опасига яқинлашиб келдида, унинг отини айтиб чақирди. Электра Орестни дарҳол таний олмади, ахир у уни болалигидагина кўрганди, холос. Лекин Орест опасига унинг ўзи тўқиган кийимни кўрсатди. Электра қувониб кетди. Орест унга бу ерга Дельфада онаси ва Эгисфдан отангнинг ўлими учун интиқом ол деб амр этган маъбуд Аполлон иродасига кўра келганини ҳикоя қилди. Аполлон Орестга агар унинг амрини ижро этмаса ақлдан оздираман дея таҳдид солганди. Орест жонажон опасидан ўзининг келганини ҳеч кимга билдирмасликни ва эҳтиёт бўлишни илтимос қилди.

Электра сарой томон жўнаб кетгач, кўп ўтмай Орест ва Пилад ҳам эшикни тақиллатиб қолишди. Улар ўзларининг истикболига чиққан хизматкорга Клитемнестрани кўриш ва унга муҳим бир хабар-

ни етказиш кераклигини айтишди. Хизматкор уни саройдан чакириб келди, Орест унга Фокида подшоши Клитемнестрага Орестнинг ўлганлигини, унинг жасадини нима қилиш кераклагини билиб олишни илтимос қилди, деди. Бу хабардан Клитемнестра ғоят суюниб кетди: эрини ўлдиргани учун ўч оладиган киши энди ўлди. Клитемнестра Орестнинг ўлими ҳақидаги хабардан Эгисфни ҳам воқиф этди, у ўзини ҳамма жойда қўриқлаётган жангчиларини ҳам ўзи билан бирга бошлаб келмасдан саройга шошилди. Эгисф нақ ўлимга шошиларди. У эндигина саройга қадам қўйганда бағрига санчилган Орестнинг қиличидан ерга кулади. Даҳшатга тушган қуллардан бири Клитемнестрани ёрдамга чорлай бошлади. У ёвузлиги учун жазо кутаётганини тушунди.

Тўсатдан Орест ўзининг қонга беланган қиличи билан унинг хузурига кирди. Клитемнестра Орестнинг оёғига йиқилиб, ахир ўзининг онаси эканлигини, уни кўкрак бериб вояга етказганини айтиб, мени аягин дея ёлвора бошлади. Орест онасини ҳимоя қилолмасди, чунки у Аполлоннинг амрини бажо келтириши лозим эди. У онасининг кўлидан ушлаб, Эгисфнинг жасади ётган ерга судраб келдида, уни ҳам ўша ерда ўлдирди. Шундай қилиб, Орест отасининг қасосини олди.

Клитемнестра ва Эгисф ҳалок бўлганлигидан хабардор халойиқ даҳшатга тушган ҳолда сарой қопқалари олдида тўплана бошлади. Фуқароларнинг бирортасида ҳам ҳамманинг нафратига сазовор бўлган Эгисф ва маккора Клитемнестрага нисбатан заррача бўлсин ачиниш ҳисси уйғонмади. Саройнинг қопқалари очилди, Эгисф ва Клитемнестранинги қонга ботган жасадларини ҳамма кўрди, уларнинг ёнида Орест турарди. Ушбу қотилликни қилган Орест ўзини ҳақли сезарди: ахир у маъбуд Аполлоннинг амрини бажо келтирди – отасининг ўлими учун интиқом олди. Лекин дафъатан Орестнинг кўз ўнгида шафқатсиз интиқом илоҳалари Эриниялар пайдо бўлди. Уларнинг бошларида заҳарли илонлар биланглаб турар, кўзларида эса ғазаб ўти чакнарди. Уларни кўрган Орест саросимага тушиб қолди. Унинг ақл-хуши хиралашаётгандек туюлди. У саройни тарк этаркан, Эриниялар таъқибидан қочиб, амри бажо келтирилган маъбуд уни ҳимоя қилади деган умидда Аполлоннинг Дельфадаги маъбадига йўл олди.

АПОЛЛОН ВА АФИНА-ПАЛЛАДА ОРЕСТНИ ЭРИНИЯЛАР ТАЪҚИБИДАН ХАЛОС ЭТАДИ

Эсхилнинг «Эвменилар» трагедияси асосида баён этилган

Қасоскор Эриниялар таъқиб этган, сарсонлик-саргардонликлар ва ғам-алам изтиробини бошидан кечирган Орест ниҳоят, муқаддас Дельфага келиб, Аполлон маъбади қошидаги юмалоқ тош-омфал узра ўтириб қолди. Даҳшатли маъбудалар уни ҳатто Аполлон маъбадигача таъқиб қилиб келишди, лекин тирандоз-маъбуд уларни у ерда уйкуга чўмдирдию, ваҳимали кўзлар юмилди.

Аполлон эса Эринияларга билдирмасдан Орестнинг олдига келиб, унга Афина шахрига боришни ва у ерда Афинанинг ҳайкалидан ҳимоя илтижо қилишни амр этди. Маъбуд бечора Орестга ёрдам беришни ваъда қилди, ўзининг укаси худо Ҳермесни унга ҳамроҳликка берди. Орест оҳистагина ўрнидан тураркан, маъбаддан чиқди ва Ҳермес билан Афинага йўл олди.

У эндигина кетган эди ҳамки, гўё ер қаъридан кўтарилгандай Аполлон маъбадида Клитемнестранинги кўланкаси пайдо бўлди. У ухлаётган Эринияларни кўргач, уларни уйғотиб, онасининг қонини тўккан қотилни таъқиб этмай қўйдинлар дея уларга таъна қила бошлади. У уларни яширинган Орест ортидан тушишга шошилтирар, унга бир дақиқа бўлсада осойишталик бермасликка даъват этарди. Лекин Эриниялар ғафлат уйқусига чўмишганича ётишарди, улар уйку аралаш қочиб кетаётган қотил ортидан таъқиб этаётгандек қичқириб, инграб қўйишарди. Ниҳоят, Эриниялардан бири зўрға кўзини очди-да бошқаларини ҳам уйғотди. Орестнинг ғойиб бўлганини пайқаган Эринияларнинг ғазаби қайнаб кетди. Улар қотилни кўлларидан чиқариб юборган Аполлондан гина қила бошлаганда у уларга ўз ёни билан таҳдид солди ва уларни ўз маъбадидан қувиб юборди. Ғазаб ўтида ёнаётган маъбудалар эгасиз қолган подадай Орестнинг изидан тушишди.

Шу аснода Орест Афинага етиб келди ва у ерда маъбуда Афинанинг ҳайкали ёнига ўтириб олдида, уни қучганича ялина бошлади. Кўп ўтмай Эриниялар елдай учиб келишди. Улар ҳамма жойда Орестни излашарди. Қахру ғазаби тошган интиқом илоҳалари бадбахт Орестни тилка-пора қилишга тайёр эдилар, бироқ Афинанинг муқаддас ҳайкалини таҳқирлашга журъат этишолмади.

Эринияларнинг ваҳимали қийқириқларини эшитган маъбуда Афина қуролларини яркиратиб, уларнинг кўз ўнгида пайдо бўлди. Эриниялар маъбуда Афинадан Орестни ўзларининг ҳукмига топширишни зўр бериб талаб қилишарди, улар Орестга онасини ўлдиргани учун қаттиқ азоб бериш пайида эдилар. Орест эса маъбудадан ўзини ҳимоя қилишни илтижо этарди. У маъбуда Афинага отаси



Агамемноннинг маккора онаси томонидан халок этилганини эслатди. Нахотки, Орест ўз хоши-иродасига кўра онасидан интиқом олса? Ахир у Аполлоннинг амрини бажо келтирганди-ку. Орест Афинага мени ўзинг суд қил дея ялинарди.

Афина Орестнинг илтижоларига қулоқ солиб турарди. Унинг ишини ҳал этиш учун Афина оқсоқолларидан ҳакамлар танлади. Ушбу маҳкама-ареофаг ўша пайтдан эътиборан Афинада мавжуд бўлиши ва қачонлардир амазонкаларнинг қароргоҳи ҳисобланган, улар Тесейга ҳужум қилган тепаликда йиғилиши керак эди. Ўша тепалик шундан буён Арес тепалиги деб аталади, чунки амазонкалар унинг шарафига қурбонлик келтиришарди.

Афина томонидан танланган ҳакамлар тўпланган бўлиб, овоз бериш вақтида ҳакамлар ичига тошчалар ташлашга иккита кути келтирилди, ҳукм бошланди. Унда ҳакам сифатида маъбуда Афина ҳам иштирок этди. Атрофда халойиқ, ҳакамлар ишни қандай ҳал этишар экан дея тўпланиб туришарди. Эриниялар Орестни айблашар, унинг маҳкум этилишини талаб қилишарди. Орестни ҳимоя қилиш учун маъбуд Аполлоннинг ўзи ҳам келди. Вазифасини бажараркан, Аполлон шошмасдан гапира бошлади. У унинг хатти-ҳаракатини оқларди, зеро Орест Клитемнестрадан бешафқат ёвузлиги – буюк қаҳрамон шоҳ Агамемнонни ўлдиргани учун қасос олди. Ҳа, Орест пировардида унинг иродасини бажо келтирди. Айбловчилар Эриниялар фикрини тинглаб, овоз беришга киришдилар.

Орестни айблаш ва оқлаш учун бир хил миқдорда овоз берилган бўлса, у оқланади деган қарорга келинди. Ҳакамлар овози ҳисоблаб чиқилганда оқловчилар ҳамда айбловчиларнинг овози тенг миқдорда эканлиги маълум бўлди. Айбловчилар ва оқловчиларнинг овози тенг бўлганлигининг сабаби – Орест учун маъбуда Афина ҳам овоз берганди. «Орестнинг онаси йўқ, фақат отаси – худо Зевс бор, шу боисдан мен Орест учун овоз бердим», деди Афина.

Шундай қилиб, Орест оқланди, Эриниялар уни таъқиб этишни тўхтатишлари керак эди.

Эринияларнинг ғазаби тошиб кетди, чунки маҳкама – суд уларни жиноятчиларга қаттиқ азоб бериб жазолашдек аслий ҳуқуқдан маҳрум этарди. Эриниялар бутун Аттикани пайҳон қилиб, уни мусибатлар мамлакатига айлантирамиз дея таҳдид солмоқда эдилар. Лекин Афина маъбудаларнинг ғазабини юмшатди. У уларни абадий Аттикада, барча афиналиклар ҳурмат-эҳтиром бажо келтирадиган муқаддас моғорада қолажақларига ишонтирди.

Ваҳимали маъбудалар розилик билдиришди. Фуқаролар уларни беқиёс катта тантана билан Афина ва унинг қоҳинлари бошчилигида Арес тепалиги этагидаги муқаддас моғорага бошлаб кетишди.

Ўшандан буён Эриниялар бутун Аттика ҳимоячиларига айланишди, уларни Эвменийзодалар деб атаётди.

ОРЕСТ АРТЕМИДАНИНГ ТАВРИДАДАГИ МУҚАДДАС ҲАЙКАЛИ ЗИЁРАТИГА ЖўНАЙДИ

Еврипиднинг «Ифигения Тавридада» фожияси асосида баён этилган

Орест Эриниялар таъқибидан бутунлай халос бўлмаганди. Ареопаг маҳкамаси қарорига уларнинг ҳаммаси қўшилмаганди. Баъзилари Орестга туну кун осойишталик бермай, уни таъқиб этишарди. Ниҳоят, изтироблар гирдобидида қолган Орест тагин Дельфага, Аполлон ибодатхонасига қочиб кетди. У ерда Аполлон унга узоқ Тавридага бориб, у ердан Артемиданинг муқаддас ҳайкалини келтиришни амр этди. Бу хатарли жасорат саналарди. Тавридада яшовчи таврлар қабиласи ўша ҳайкални зиёрат қилишга келган барча мусофирларнинг ўзларини унга қурбон келтирарди. Орестнинг тақдири ҳам шундай тугаши мумкин эди.

Шунга қарамасдан, Орест узоқ йўлга равона бўлди. У Эриниялар таъқибидан халос бўлишни истарди.

Дўсти Пилад билан эсон-омон Тавридага сузиб келгач, кемасини соҳил бўйидаги қоялар орасига яшириб, Артемида ибодатхонасига томон йўналди.

Орест бир пайтлар юнонлар маъбуда Артемида шарафига қурбонлик қилмоқчи бўлган опаси Ифигениянинг ушбу маъбадда қоҳина эканлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Орест ва Пилад ҳайкални кундузи ўғирлаб кетишга журъат этолмагач, оқшом қунишини кута бошладилар. Лекин уларни чўпонлар кўриб қолди ва уларга ҳужум қилишди, узоқ курашдан кейин уларнинг кўлларини боғлаб, подшо ҳузурига бошлаб келдилар. Подшо уларнинг иккаласини ҳам Артемида шарафига қурбон қилинсин деган қарорга келди.

Эрталаб уларни боғлиқ ҳолда ибодатхонага олиб келишди. Ифигения ҳеч қандай шак-шубҳасиз укасини ўз қўли билан ўлдириши керак эди. Тунда у даҳшатли туш кўрди, гўё зилзиладан отасининг



касри вайрон бўлиб, оқ-сарғиш жингала сочлар чиқиб турган битта устун қолганмиш, у ўша устунни қурбонлик келтиришга ҳозирлаб, уни обдон ювганмиш. Ифигения укаси Орест ҳалок бўлган, унинг шарафига қурбонлик келтириш керак деган қарорга келди. Шу пайтда шоҳ хизматкорлари Ифигениянинг хузурига қўллари боғланган Орест ва Пиладни бошлаб келишди. У уларнинг кимлигини ва қаердан эканликларини сўрай бошлади. Юнонлар эканлигини билиб олгач, Агамемноннинг тақдири ва ўз укаси Орест ҳақида сўрай бошлади. Орест ва Пилад уни қувонтирарли бирор нарса дейишга ожизлик қилишарди.

Нихоят, Ифигения йигитларнинг фақат биринигина қурбон қилишга, иккинчисини эса Орест тирикми йўқми эканлигини, опаси Ифигения тириклигини билдириш учун Юнонистонга юборишга қарор қилди. Шунда опаси билан укаси учрашиб тургани маълум бўлиб қолди. Орест ва Ифигения учрашганларига бағоят суюнишди. Аммо улар қандай қутулишсин? Тавридадан қандай қилиб қочишсин?

Ифигения ёлғонни ишга солишга қарор қилди. У таврлар подшосига Артемиданинг ҳайкали таҳқирланган, уни ва маъбудага бўладиган қурбонликни денгизда ювиш керак деди. Подшо унинг фикрига қўшилди.

Ифигения маъбаддаги жориялари билан бирга тантанавор алпозда денгиз соҳилига, Орестнинг кемаси яширилган жойга етиб келди. Жориялар Артемиданинг ҳайкалини кўтариб боришар, шоҳнинг хизматкорлари эса қўллари боғланган Орест ва Пиладни бошлаб боришарди. Соҳилга келгач, Ифигения шоҳнинг хизматкорларига узоқлашишни амр этди, чунки улар тозаришнинг сирли русумини кўрмасликлари керак эди. Хизматкорлар кетгач, Ифигения укаси ва унинг содиқ дўсти Пиладни бандиликдан озод қилди-да, улар билан кемага шошилди. Тозариш русумидан шубҳаланган шоҳнинг хизматкорлари соҳилга югуриб келишди, у ерда улар Орест Ифигенияни олиб кетмоқчи бўлган кемани кўриб, ҳайрат бармоғини тишлаб қолишди. Шоҳнинг хизматкорлари ўз қоҳинасини тортиб олиш учун Орестга ташланишди. Жанг бошланди, лекин Орест ва Пилад шоҳ хизматкорларини қочишга мажбур этишди. Орест Ифигения билан бирга кемага чиқиб олишди. Эшкакчилар эшкаклари ёнига ўтириб, очиқ денгизга чиқиб олишди. Аммо Тавридани тарк этиш ҳадеганда насиб этмаганди.

Шиддатли бўрон кемани қайтадан қирғоққа қайтарди. Агар маъбуда Афина ёрдамга етиб келмаганда кемадаги юнонларнинг барчаси таврлар подшоси исканжасида қолиб ҳалок бўлардилар. У таврлар подшоси хузурига келиб, унга фақат Ифигениягагина эмас, балки унинг укаси ҳамда барча ҳамроҳларига, ҳатто Артемида ибодатхонасидаги барча жорияларга Юнонистонга қайтаришни амр этди. Подшо маъбуда иродасига қарши туrolмади. Энди бир пайтлар маъбуда Артемида таврлар юртига олиб келган Ифигения ватанига қайтиши мумкин эди.

Орестнинг ватан сари сузиши бехатар эди. У юртига қайтгач, ўзи бўлмаган чоғда тахтни эгаллаган Эгисфнинг ўғли Алетни ўлдирди. Ўзининг содиқ дўсти, ўзи учун ўлимдан ҳам қайтмайдиган Пиладга Орест синглиси Электрани хотинликка беради. Ифигения эса Аттикага яқин жойдаги денгиз соҳилида қад кўтарган Артемида ибодатхонасининг қоҳинаси бўлиб қолади.



ФИВА ТУРКУМИ

ЭДИП. УНИНГ БОЛАЛИГИ, ЁШЛИГИ ВА ФИВАГА ҚАЙТИШИ

Софоклнинг «Эдип-шоҳ» трагедияси асосида баён этилган

Фива подшоси Кадрнинг ўғли Полидор ва хотини Нюктиданинг Фива устидан ҳукмронликни қўлга киритган Лабдак исмли ўғли бўларди. Лабдакнинг ўғли ва вориси Лай эди. Кунлардан бир кун Лай шоҳ Пелопсни зиёрат қилади ва уникида, Писда узоқ муҳлат меҳмон бўлиб қолади. У Пелопснинг меҳмондўстлигига кўрнамаклик билан жавоб беради. Лай Пелопснинг ёш ўғли Хриссипни ўғирлаб, ўзи билан бирга Фивага олиб кетади. Ғазабланган ва ғамга ботган ота Лайни лаънатланаркан, уни худолар жазоласин, ўзи эса жонажон ўғлининг қўлидан ҳалок бўлсин дейди. Хриссипнинг отаси Лайни шундай қарғарди, отанинг ушбу қарғиши ижобат бўлмоғи лозим эди. Етти дарвозали (қопқали) Фивага қайтиб келгач, Лай Менойкейнинг қизи Иокастага уйланади. Лай Фивада узоқ йиллар осойишта ҳаёт кечиради, у фақат бир жиҳатдан қийналарди, боласи йўқ эди. Ниҳоят, Лай Дельфага бориб, худо Аполлондан зурриётсизлик сабабини билмоқчи бўлади. Аполлоннинг қоҳинаси пифия Лайга ваҳимали жавоб берди. У дейди:

– Лабдакнинг ўғли, худолар сенинг истагингни ижобат айлайди, ўғил кўрасан, лекин билиб қўй, сен ўз ўғлининг қўлидан ҳалок бўласан. Пелопснинг қарғиши ижобат бўлади!

Лай даҳшатга тушди. У узоқ вақт ўйга чўмаркан, бешафқат тақдир амридан қандай қутулмоқнинг йўлини излайди. Ниҳоят, ўғлини туғилган заҳотиёқ ўлдираман, деган қарорга келади.

Кўп ўтмай Лай ўғилли бўлади. Золим ота эндигина туғилган ўғлининг оёқларини тасма билан боғлаб, унинг тўпигини ўткир пичоқ билан ёрадида, қулини чақириб уни ёввойи хайвонлар тилкапора қилсин дея гўдакни Киферон тоғлари ёнбағридаги ўрмонга ташлаб келишни амр этди, лекин қул Лайнинг амрини бажо келтирмайди. Унинг гўдакка раҳми келади ва уни ҳеч кимга билдирмасдан Коринф подшоси Полибнинг қулига беради. Қул эса болани Полибга олиб боради, фарзандсиз бўлган шоҳ уни ўзининг меросхўри сифатида тарбиялашга қарор қилади. Шоҳ Полиб болага ярадор оёқларининг шишиб кетганига қараб Эдип деб ном беради.

Шу зайдда Эдип Полиб ва унинг хотини Меропаникида уларнинг фарзанди каби ўсди, Эдип ҳам уларни ўзига ота-она деб биларди. Лекин кунлардан бир кун Эдип ўсиб, вояга етганда зиёфат чоғида унинг дўстларидан бири ширакайф ҳолда Эдипни асранди дея дилига раҳна солди. Унинг кўнглига шубҳалар қўланка ташлади. У Полиб ва Мeroпа хузурига келиб, ўзининг туғилганлиги ҳақидаги сирни баён этишни талаб қила бошлади. Аммо Полиб ва Мeroпа унга ҳеч нарса дейишмади. Шунда Эдип Дельфага бориб, у ерда ўзининг қандай дунёга келганлигининг сирини билмоқчи бўлди.

Эдип оддий сайёҳ сифатида Дельфага жўнашга қарор қилди. У ерга келгач, орақулдан (қароматсоҳиб) сўради. Унга Нуроний Аполлон башорат соҳибаси Пифия номидан шундай жавоб берди:

– Эдип, тақдиринг ғоят мудҳиш! Отангни ўлдириб, онанга уйланасан, ундан туғилган болаларни худолар лаънатлайди, улар ҳамманинг нафратига сазовор бўлишади.

Эдип даҳшатга тушди. Шум қисматга қандай қилиб чап беради, падаркушлик балосидан қандай ҳалос бўлади, онаси билан бўладиган никоҳдан-чи? Ахир, башорат соҳиб унинг ота-оналари кимлигини айтмади-ку! Эдип Коринфга бошқа қайтмасликка қарор қилди. Борди-ю, ота-онаси Полиб ва Мeroпа бўлса-чи? Наҳотки, у Полибнинг қотили ва Меропанинг эрига айланади? Эдип мангу оворай жаҳон, насл-насабининг тайини йўқ кимсадек дарбадарликни ихтиёр этмоқчи бўлди.

Аммо, наҳотки, машъум тақдир амридан қутулиб бўлса! Эдип тақдир тақозосидан нечоғлик ҳазар этмасин, барибир, у ўзига насиб этган йўлдан боради.

Эдип Дельфадан беватан, дарбадар кишидек кетиб қолди. Кейин қаерга боришини билмасдан дуч келган дастлабки йўлни танлади. Бу Фивага бошловчи йўл эди. Эдип Парнас этагидаги уч томонга бошлайдиган йўл бошидаги тор дарада маҳодада кетаётган пурвиқор, оппоқ соқолли қарияни учратди. Маҳодани жарчи чол бошқарар, хизматкорлари эса унинг ортидан борарди. Жарчи Эдипга кўрслик билан қичқириб, унга йўл бўшатишни амр этди ва камчи билан ўқталди. Жаҳли чиқиб турган

Эдип жарчини уриб, махода олдидан ўтиб кетмоқчи эди, аммо чол асоси билан Эдипнинг бошига туширди.

Дарғазаб бўлган Эдип чолни таёғи билан шундай урдики, у юз тубан ағдарилдию, тил тортмай ўлди. Эдип чолни бошлаб бораётганларга ташланди ва ҳаммасини дўппослади, фақат қуллардан бит-тасигина яширинишга улгурди. Такдир амри ана шу зайл ижобат бўлди. Эдип билмасдан отаси Лайни ўлдирганди. Ўша чол Лай бўлиб, Аполлондан қандай қилиб Фивани қонхўр Сфинксдан қутқизишни сўраш учун Дельфага бораётганди.

Эдип тинчгина йўлида давом этди. Ушбу қотилликда у ўзини айбдор ҳисобламасди, чунки жанжални биринчи бўлиб чол бошлади, у бўлса, ҳимояланди, холос. Эдип танлаган йўлдан бораверди ва, ниҳоят, Фивага етиб келди.

Фивада бекиёс катта ғам-андуҳ ҳукм суради. Кадмнинг шахрини икки муносабат жароҳатлаганди. Тифон ва Эхиднадан дунёга келган қазои бало Сфинкс Фива яқинидаги Сфингшон тоғида уя қуриб олиб, ҳар кун янги-янги қурбонлик келтиришни талаб этарди, бунинг устига, қул Лай ноъмалум шахс томонидан ўлдирилган деган хабар келтирди. Фуқароларнинг ғам-аламини кўрган Эдип уларни ўша мусибатдан холос этишга қарор қилди. Сфинкснинг олдига унинг ўзи боришга аҳд этди.

Сфинкс – аёл, танаси эса арслон шаклида, ўткир панжали ва улкан қанотлари бўлган баҳайбат махлук эди. Худолар кимдир Сфинкс ўртага ташлаган жумбоқни ҳал этмагунча Фива яқинида қолади дея қарор қилишганди. Ушбу жумбоқни Сфинксга музалар (илҳом илоҳалари) айтган эдилар. Сфинкс олдидан ўтган барча йўловчиларга ўша жумбоқни берар ва уни ҳал этишга мажбур қиларди, лекин уни ҳеч ким уддалай олмасдан, барчаси Сфинкснинг ўткир панжаларида ўларди. Бир талай фивалик шавкатли йигитлар Фивани Сфинксдан халос этишга уриниб кўрди, бироқ уларнинг барчаси ҳалок бўлишди.

Эдип Сфинкснинг ҳузурига келди, у эса ўзининг жумбоғини баён этди:

– Айт-чи, эрталаб тўрт оёқда, кундузи икки оёқда, кечкурун эса уч оёқда юрган ким? Ер юзида яшовчи ҳеч бир жонзот шунчалик ўзгармайди. Тўрт оёқда юрганда унинг кучи камаяди, бошқа пайт-дагига қараганда ҳаракати сустлашади.

Эдип бир зум ҳам ўйга ботмасдан, дарҳол жавоб қайтарди:

– Бу одам! У болалигида, эндигина ҳаёт тонги отаётганда кучсиз бўлиб, тўрт оёқда эмаклайди. Кундузи, яъни вояга етганда у икки оёқда юради, кечкурун, яъни кексалигида у қартайиб, таянчга муҳтож бўлганда қўлига таёқ олади, ўшанда у уч оёқда юради.

Эдип шу зайл жумбоқни ҳал этди. Сфинкс эса қанотларини қоқиб, ўзини қоядан денгизга ташлади. Худолар томонидан кимдир Сфинкснинг жумбоғини ҳал этса, у ҳалок бўлиши керак дея қарор қилинди. Эдип Фивани мусибату фалокатдан шу тахлит озод этди.

Эдип Фивага қайтиб келганида фиваликлар уни шоҳ деб эълон қилишди, чунки ўлдирилган Лай ўрнига ҳукмрон бўлган Креонт аввалдан Фивани Сфинксдан озод этган киши подшодир дея қарор қилганди. Фиванинг янги шоҳи Эдип Лайнинг беваси Иокастага уйланади, ундан икки қиз – Антигона ва Исмена, икки ўғил – Этеокл ва Полиник туғилади. Шундай қилиб, тақдирнинг иккинчи амри ҳам ижобат бўлди: Эдип ўз онасига уйланади, ундан болалари туғилади.

ЭДИП ФИВАДА

Софоклнинг «Эдип-шоҳ» трагедияси асосида баён этилган

Халқ томонидан шоҳ деб эълон қилинган Эдип Фивада доноларча шоҳлик қиларди. Бу ерда узок йиллар осойишталик ҳукм сурди. Лекин машъум тақдир Эдипни бахтсизликка маҳкум этганди. Фивага бекиёс катта фалокат (мусибат) таҳдид соларди. Тирандоз-маъбуд Аполлон Фивага мисли кўрилмаган даҳшатли касаллик юборди. У ёшу қарини бирдай ҳолдан тойдириб, ҳалок этаверди. Фива бамисоли улкан қабристонга айланди. Дафн этилмаганларнинг жасадлари кўчалар ва майдонларда қўланса ҳид чиқариб ётарди. Ҳамма ёқда дод-фарёд ҳукм суради, ҳамма жойда она ва болаларнинг йиғиси эшитиларди. Фивада фақат ўлат келтирувчи касалликкина эмас, балки очлик ҳам ҳукм суради, чунки экин далаларида ҳосил унмайди, подада ҳам ўлат тарқалганди. Бу Кадмнинг шахри сўнгги кунларини кечираётганга ўхшарди. Фуқароларнинг худолар шарафига қурбон келтирганликлари, улардан нажот сўраб ялинганликлари беҳуда эди. Худолар илтижоларга тамоман бепарво бўлдилар. Мусибат кун-сайин авж оларди.



Одамлар шоҳ Эдипнинг хузурига ундан ҳалокатли мусибатдан қутулишга ёрдам беришини илтимос қилиб келишди. Ахир фуқароларга Сфинксдан холос бўлишда ёрдам берди-ку, Эдипнинг ўзи Фивада ва ўз қавми учун изтироб чекарди, у Иокастанинг акаси Креонейни Дельфага, Аполлон хузурига ўша мусибатдан қандай халос бўлишни билиб келиш учун юборди. Эдип унинг келишини сабрсизлик билан кутарди.

Ниҳоят Креонт ҳам келиб қолди. У башорат соҳибнинг жавобини келтирди. Аполлон Фивани мусибатга дучор этган кишини қувиб чиқариш керак дея амр этганди. Фуқаролар шоҳ Лайнинг қонини тўққан қотилни шаҳардан чиқариш ёки қатл қилиш билан жазолашлари лозим. Хўш, Лайнинг қотилини қандай топиш мумкин? Ахир, у йўлда ўлдирилган, у билан бирга ҳамроҳлари ҳам нобуд бўлганди, битта кулигина омон қолибди. Эдип қандай бўлмасин, у кимлигидан қатъий назар, қаерда яширинаётган бўлса ҳам топиши шарт эди. Эдип қотилни қандай топишни маслаҳатлашиш учун бутун халқини мажлисга чорлайди. Халойиқ Кароматсоҳиб Тиресийни кўрсатиб, фақат ўшагина ёрдам бериши мумкинлигини айтади. Кўзи ожиз кароматсоҳиб Тиресийни бошлаб келишди. Эдип ундан Лайнинг қотили кимлигини айтишни илтимос қилди. Кароматсоҳиб унга нима ҳам дея оларди? Ҳа, у қотилнинг кимлигини биларди, аммо айтолмади.

– Ҳой, менга ижозат бергин, уйимга борай, тақдиран маҳкум этилган юкни кўтариш сенга ҳам, менга ҳам енгил бўлади, – дейди Тиресий.

Лекин Эдип жавоб беришни талаб қилади.

– Манфур чол, сен жавоб беришни истамаяпсан! – хитоб этди. – Ўжарлигинг билан шоҳнинг ғазабини келтирасан.

Тиресий хийла вақтгача ўжарлик қилди, қотилнинг кимлигини баён этмади. Лекин, ниҳоят, Эдипнинг ғазабни кўзгайдиган сўзларига ҳай бераркан, дейди:

– Қотил ўзингсан, Эдип, ўзинг шу мамлакатни бошқараётганлигинг билан уни таҳқирладинг. Излаётганинг ўша қотил ўзингсан. Сен ҳар биримиз учун ҳамма нарсадан азиз бўлган зот – онангга уйландинг.

Тиресийнинг ушбу сўзларига қулоқ соларкан, Эдипнинг қаҳри келди. У каромат соҳибни ёлғончи деб айтади, унга қатл этаман деб таҳдид солади, салтанатимни эгаллаш учун Креонт сени шундай дейишга кўндирган дейди. Тиресий унинг қаҳр билан айтган барча сўзларини бемалол, ич-этини емасдан тинглайди, чунки у ўзининг ҳақлигини биларди. У Эдип гарчи кўзи очиқ бўлса-да, ўзи истаристамас қилаётган ёвузликни кўрмайди, англамайди. Эдип қаерда истиқомат қилаётганини, ўзига ўзи душман, ўз оиласига душман эканлигини кўрмайди. Унинг дўқ-пўписаси Тиресийга таҳдид сололмайди. У Эдипга ҳеч қандай тап тортмасдан қотилнинг шу ерда, ўзининг кўз ўнгида турганини айтади. Гарчи келгинди – қотил Фивага мусофир сифатида келиб қолган бўлсада, у аслида туғма фивалик. Машъум тақдир ҳукми ижобат бўлади: кўзи очиқ басир бўлади, бой кашшоққа айланади, у ҳамма нарсасидан мосувою маҳрум бўлиб, Фивадан кетади, қувғиндига айланади.

Фуқаролар Тиресийнинг сўзларига камоли диққат билан қулоқ солишарди, улар унинг ҳеч қачон ёлғон сўзга оғиз очмаганини билишарди.

Эдип бўлса, дарғазаб ҳолда Тиресийни айблади. У Креонтни Фивага ҳукмдор бўлишга интилишда айблайди. Ниҳоят, Иокаста ҳам келади: Эдип унга Тиресийнинг айтганларини ҳикоя қилиб беради ва унинг акасини ёвуз ниятликда айблайди. У Иокастадан Лайнинг қандай ўлдирилганлиги, Лайнинг яккаю ягона ўғлининг Киферон ёнбағирларидаги ўрмонга қандай ташланганлиги хусусида сўрайди. Иокаста унга ҳамма нарсани сўзлаб беради. Эдипнинг кўнгида қандайдир шубҳалар ўрлай бошлади. Инсон қалбига кутқу соладиган ваҳимали ҳодиса унинг юрагини эзади.

– О, Зевс! – хитоб этди Эдип. – Мени неларга маҳкум этмоқчи бўлибсан! Эҳ, нахотки, кўзи ожиз Тиресий эмас, мен кўр бўлсам!

Эдип ўлим чангалидан халос бўлган қулнинг қаердалигини, ўликми тириклигини сўрайди, ўша қулнинг Киферон тоғи ёнбағрларида пода боқаётганини билиб олади. Шу заҳотиёқ унга одам юборарди. У ҳақиқат нечоғлик даҳшатли бўлмасин, уни билиб олишга қарор қилади, қулнинг ортидан одам юборилган пайтдаёқ Коринфдан хабарчи келади. Уни дарҳол чақириб келишади. У шоҳ Полибнинг касалликдан ўлгани ҳақидаги хабарни келтирганди. Демак, Полиб қулининг қўлидан ўлмаган. Модомики, Эдип Полибнинг ўғли экан, демак, тақдир ҳукми ижобат бўлмаган, ахир тақдир ҳукмига кўра, Эдип отасини ўлдириши керак. Балки, Эдип Полибнинг ўғли эмасдир? Энди Эдип машъум тақдир ҳукмидан халос бўлдим дея умид қилади. Аммо хабарчи уни бундай умид қилишдан маҳрум этди.

Унинг айтишича, Полиб унинг отаси эмас, уни Коринф подшосига болалигида ўзи олиб келганини, унга шоҳ Лайнинг чўпони берганини айтади.

Эдип хабарчининг сўзларини дахшат ичра тинглайди, тахликали ҳақиқат борган сайин равшанлашарди.

Ниҳоят, чўпоннинг ўзи гувоҳлик бермоқчи бўлди. У аввалига ҳеч нарса дейишни истамади, ҳамма гапни сир тутишга уринади. Лекин Эдип агар у тўғриси айтмаса, қаттиқ жазолайман дея дўқпўписа қилди.

Чўпон кўрқанидан, бир пайтлар ўша хабарчига берган бола Лайнинг ўғли эканлигини, отаси уни ўлимга маҳкум этганини, аммо у бадбахт гўдакка раҳми келганини айтади.

Эдип ўшанда, масъум гўдаклигидаёқ ўлиб кетса бўлмасмиди, гўдаклигидаёқ ўлишига қўймагани учун у чўпондан нолийди! Энди Эдипга ҳамма нарса равшан бўлди. Иокастанинг Лайнинг ўлими ҳақидаги ҳикоясидан отасини ўзи ўлдирганини, чўпоннинг сўзларидан у Иокаста ва Лайнинг жонажон ўғли эканлигини билиб олади. У қанча ҳазар қилмасин, машъум тақдир ҳукми ижобат бўлди. Ҳафсаласи пир бўлган Эдип саройига жўнади. У отасининг қотили, онасининг эри, болалари унга айни замонда ҳам бола, она томонидан эса улар билан ака-ука.

Саройда Эдипни янги зарба кутмоқда. Иокаста дахшатли бу гапларга бардош беролмасдан ўз хобгоҳида осилиб ўлади. Ғам-аламдан ақлдан озган Эдип эса Иокастанинг кийимидаги тўқасини олиб, унинг тиғи билан кўзларини ўяди. У энди қуёш нурини, болаларини, жонажон шаҳри Фивани кўришни истамасди. Унинг учун ҳамма нарса барбод бўлганди, унга энди ҳаёт қувончи ёт эди. Эдип Креонтга, мени Фивадан қувиб юборгин, фақат болаларимга ғамхўрлик қилсанг бас, дея ялинади.

ЭДИПНИНГ ЎЛИМИ

Софоклнинг «Эдип Колонда» трагедияси асосида баён этилган

Креонт Эдипни Фивадан дарҳол қувғин қилмади. У бирмунча вақт ўзининг ғам-андухига чўмиб, саройда ҳаммадан узоқлашиб яшади. Лекин фиваликлар Эдипнинг Фивада қолиши мамлакатимизга нисбатан худоларнинг ғазабини қўзғатиши мумкин дея ҳадиксирашарди. Улар кўзи кўр Эдип қувғин қилинишини пайсалга солмасликни талаб қилишди. Бундай қарорга Эдипнинг ўғиллари Этеокл ва Полиник ҳам қаршилиқ кўрсатишмади. Улар Фивага ўзлари ҳукмдор бўлишни исташарди. Фиваликлар Эдипни қувғин қилишди, унинг ўғиллари ҳокимиятни Креонт билан бўлиб олишди.

Кўзи кўр, қартайган Эдип қувғин қилинди. Антигонадек олийжаноб, катта ирода соҳибаси бўлган кизи бутун умрини отасига бахшида этмаганида Эдип ожизона ҳалок бўлурди. У Эдипга қувғин чоғида ҳамроҳлик қилди. Бахти қаро чол Антигона етагида элма-эл ўтиб борарди. Антигона уни тоғлар ва ўрмонлар оша эҳтиётлаб бошлаб борар, машаққатли йўлнинг барча азоб-укубатини хатарларини у билан баҳам кўрарди.

Улар ниҳоят, Афина шаҳри яқинидаги Аттикага келиб қолишди. Антигона отасини қаерга бошлаб келганини билмасди. Унча узоқ бўлмаган жойда эндигина балкиб чиққан қуёш нурларига йўғрилган шаҳарнинг деворлари ва миноралари кўзга ташланарди. Унинг яқингинасида чирмовиқлар ва узум тоқлари чирмашиб кетган ям-яшил дафназор яшнаб турарди. Ўрмонзорда ахён-ахёнда кумушдек ялтираган зайтун дарахтлари диққатни жалб этарди. Ўрмондан булбулларнинг чах-чахлаб сайраганлари қулоққа чалинарди. Ям-яшил водий бўйлаб қаттиқ шарқираб жилғалар оқар, ҳар ёнда нарғис гулларининг юлдузчалари кўринар, майин заъфарон эса ўзининг сарғиш оламини кўз-кўз қиларди. Жафокаш Эдип яшил ўрмонзорда, дафна дарахтининг кўланкасида тошга ўтириб олди, Антигона эса бу ернинг қанақа жойлигини билмоқчи бўлиб, юришда давом этди. Олдидан ўтиб кетаётган ўша ерлик одамлардан бири Эдипга, Афинага яқин бу жой Колон, Эдип ўтирган ўрмонзор Эвменийзодаларга мансуб, атрофдаги манзил эса Посейдон ва паҳлавон Прометейга мансублигини, ўрмонзорда кўриниб турган, буюк қаҳрамон Тесей, Эгейнинг ўғли бошқараётган Афина шаҳридир, дея тушунтирарди. Буни эшитган Эдип ўша кишидан кимнидир шоҳ Тесейга юбориш лозим дея илтимос қила бошлади ва агар Тесей унга вақтинча бошпана беришга рози бўлса, унга буюк ёрдам кўрсатажagini айтди. Қишлоқлик одамнинг бечорахол, бунинг устига, кўзи ожиз чолнинг Афинанинг қудратли подшосига ёрдам кўрсатишига ишониши қийин эди. Ўша деҳқон шубҳаларга чўмган ҳолда Эвменийзодаларнинг муқаддас ўрмонида ўтирган ва Тесейга бекиёс катта ёрдам кўрсатишни ваъда қилаётган кўзи ожиз чол хусусида ҳикоя қилиш учун Колонга йўл олди.

Эдип ўзининг Эвменийзодаларнинг муқаддас ўрмонида эканини билиб олгач, умр шомининг сўнги соати етиб келганини, барча изтиробларига чек қўйилажagini англади. Аполлон аллақачон

унинг машаққатли узоқ саргардонликдан сўнг маъбудаларнинг муқаддас ўрмонида ўлади, кимки унга бошпана берса, бағоят катта инъомга сазовор бўлади, уни қувғин қилганлар худолар томонидан каттиқ жазоланади, деганди. Эдип Эвменийзодаларнинг буюк худолар эканини, ўзини бир умр бешафқат таъқиб этганини энди тушунди. Эдип бундан сўнг ором топажагига ишонади.

Шу аснода Колон фуқаролари ўзлари киришга журъат этолмаган ҳатто ўша ваҳимали маъбудаларнинг номларини талаффуз этишга, уларнинг муқаддас қадамжосига нигоҳ ташлашга кўрққан Колон фуқаролари Эвменийзодалар ўрмонига киришга журъат этган ким экан дея ўрмонга шошилиб келишади. Эдип колонликларнинг овозини эшитаркан, Антигонадан ўзини ўрмон ичкарисига бошлаб боришни илтимос қилади, лекин колонликлар уни ўрмонни таҳқирловчи деб атагандан сўнг у колонликларга ўзининг кимлигини баён этди. Шунда улар даҳшатга тушишди. Кўз ўнглагида Эдип турарди! Юнонистонда ким ҳам унинг аянчли тақдирдан воқиф эмасди, тасодифий айбдорни, бахтиқаро Лайнинг ўғли қилган жиноятларни ким билмайди! Йўқ, колонликлар Эдипнинг бу ерда қолишига йўл қўймасдилар, маъбудаларнинг ғазабидан кўркишарди. Улар на Эдипнинг илтижоларига, на Антигонанинг ялинишларига қулоқ солишади, улар кўзи ожиз чолнинг Колон ўрмонини дарҳол тарк этишни талаб қиладилар. Наҳотки, бутун Юнонистонда муқаддас шаҳар сифатида донғи кетган, ҳимоя сўраб ялинганга ҳомийлик қилган шаҳар Эдипга бошпана бермаса? Ахир, Эдип бу ерга ўз хоҳиши билан келмаган-ку, унинг келиши фуқароларга эзгулик келтириши лозим. Ниҳоят, Эдип фуқаролардан ҳеч бўлмаса Тесей келгунча кутишларини илтимос қилди. Эдип шу ерда қола оладими ёки бу ердан қувиллаши кераклигини Афина подшоси ҳал қилсин.

Фуқаролар Тесей келгунча уни тинч қўйишга розилик беришди. Шу пайт узоқда қандайдир маҳода кўринади, унда кенг барли кўйлак кийган аёл келмоқда эди. Антигона синчиклаб қаради, маҳодада ўтирган аёл синглиси Исмена эканини билиб олади.

– Ота, – дейди Антигона, – бу ерга қизинг Исменанинг келаётганини кўраяпман, ҳозир унинг овозини эшитасан.

Эдипга яқинлашиб келаркан, Исмена маҳодадан тушди ва отасининг кучоғига отилди.

– Отажон, бахти қаро отажоним! – хитоб этди Исмена. – Ниҳоят сени ва Антигонани яна кучмоқдаман.

Эдип Исменанинг келишидан хурсанд, энди унинг қизлари ёнида: унинг содиқ ҳамроҳи ва дастёри Антигона ҳамда отасини ҳеч қачон унутмаган, Фивада бўлаётган воқеалар ҳақида доимий сурагиде ҳабардор қилиб турган Исмена. Исмена Эдипни унга энг қайғули хабарларни билдириш учун изларди.

Эдипнинг ўғиллари даставвал Фивани биргаликда бошқаришарди. Лекин кенжа ўғли ҳокимиятни ўз қўлига олиб, акаси Полиникни Фивадан қувиб юборганди. Шунда Полиник Аргосга бориб, у ерда ўзига ҳомийлар топади. Энди у ҳокимиятни қўлга киритиш ёки жангда ҳалок бўлиш мақсадида Фивага қўшин тортиб келмоқда. Исмена, шунингдек, Дельфадаги башоратсоҳиб Эдип кимнинг томонида бўлса, ўша ғалаба қилади дея башорат қилганини ҳикоя қилиб берди. Исменанинг кўп ўтмай бу ерда Этеокл билан бирга Фивада ҳукмдорлик қилаётган Креонтнинг пайдо бўлишига ва Эдипни куч билан ўзига қаратишига ишончи комил эди. Эдип на у ўғлининг, на бу ўғлининг томонида бўлишни истамасди. У ўғилларидан болаларнинг отаси олдидаги бурчга нисбатан ҳокимиятга интилишни юқори қўйганликлари учун ғазабланди. У оталарини Фивадан қувғин қилаётганда лом-мим демаган ўғилларига ёрдам беришдан бош тортди. Йўқ, улар отасининг ёрдами билан Фива устидан ҳукмронликни қўлга киритолмайдилар. Эдип шу ерда, Афинанинг ҳимоячиси бўлиб қолади!

Колон фуқаролари Эдипга агар Афинада мангу қолишга қарор қилган бўлсанг, Эвменийзодалар шарафига уларнинг қўнглига раҳм соладиган қурбонлар келтиришни маслаҳат берадилар. Эдип кимдир қурбон келтирсин дея илтимос қилади, чунки мен қартайганман, бунинг устига, кўзим ожиз, бу юмушни амалга оширишга кучим етмайди. Қурбон келтиришни Исмена ўз зиммасига олади ва Эвменийлар ўрмонига боради.

Исмена эндигина ўрмон сари йўлга равона бўлган эди ҳамки, Эвменийзодалар ўрмонига Тесей ўз шотирлари билан ташриф буюради. У Эдипни самимий кутиб олади, уни ўз ҳимоясига олишга ваъда беради. Тесей мусофирнинг қисмати нақадар мушкул эканини, ҳам унинг чекига қанчалар машаққат тушишини яхши биларди. Унинг ўзи ҳам ғурбатда барча азоб-уқубатни бошидан кечирган, бинобарин, бахти қаро, саргашта юрган Эдипни ўз ҳимоясига олишни рад этолмайди. Эдип Тесейга ҳомийликка олгани учун ташаккур изҳор этади ва айни замонда Эдип ҳам уни ҳимоя қилажагини баён этади. Унинг қабри мангуликка Афинанинг содиқ ҳимоячиси бўлади, дейди у.



Лекин Эдипга шу заҳотиёқ ором топиш насиб этмаганди. Кетгач, ўзининг кичик бир отряди билан Фивада Креонт келиб қолади. У ўзи ва Этеокл учун Полиник ҳамда унинг иттифоқчилари устидан ғалабани таъминлаш мақсадида Эдипни ўзига қаратмоқчи бўлади. Креонт Эдипни ўзи билан олиб кетишга кўндиришга уриниб кўради. У Эдипни Фивага боришга, у ерда ўз туғишганлари орасида осойишта яшашга ҳамда уларнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлишга ундайди. Лекин қарори қатъий. Ахир Креонтга ишонмайди. Эдип Креонтнинг нима учун ўзининг Фивага боришга кўндираётгани сабабини яхши биларди. Йўқ, у улар билан кетмайди, у ўзини шунчалар азоб-укубутга маҳкум этган кишиларга ғалабани раво кўрмайди. Эдипнинг қарори қатъий эканлигини кўрган Креонт Эдипни зудлик билан бўлсада Фивага олиб кетаман деб унга таҳдид сола бошлайди. Эдип унинг дўк-пўписаларидан кўркмайди, зероки у Тесей ва афиналиклар химоясида. Лекин Креонт ичи қоралик билан кўзи ожиз, бечора (ночор) Эдипга қизи Исменанинг қўлга олинганини билдиради. Креонт Эдипга яккаю-ягона таянч бўлган фидойи қизи Антигонани ҳам қўлга киритаман, дея дўк-пўписа қилади. Креонт қора ниятини ўша заҳотиёқ амалга оширади, у Антигонани ушлаб олишни амр этади. Унинг афиналикларни ёрдамга даъват этиши, отасига қараб қўлларини ёзиб, ёлвориши беҳуда кетади, уни олиб кетадилар. Эдип энди тамоман нотавон бўлиб қолади, унинг учун кўраётган, ёруғ жаҳонга боқаётган кўзларини тортиб олишди. У Эвменийзодаларни гувоҳликка чорлайди, Креонтни лаънатларкан, унинг бошига ҳам шундай кулфат тушишини, ўзидек болаларидан жудо бўлишини талаб, нола қилади. Креонт зўравонлик устига зўравонлик қилаверади. У Эдипни ҳам ушлаб олиб кетмоқчи бўлади. Колонликлар Эдипга ёрдам беришмоқчи бўладилар, бироқ улар озчилик ҳамда Креонтнинг отряди билан курашишга кучлари етмайди. Колонликлар қаттиқ хайқиришаркан, кишиларни Эдипга ёрдам бериш учун чорлайдилар. Хайқирикни эшитган Тесей ўз шотирлари билан шошилганича етиб келади.

Тесей Креонтнинг зўравонлигидан ғазабланади. Бу ерда, Эвменийзодалар ўрмонида Эдип ва унинг қизларини асир қилишга қандай журъат этди, нахотки, у Афинада бешумор одам борлигини ўйламаса, нахотки, у Афина химоясида бўлган кишиларни зўравонлик билан асир оларкан, Тесей билан ҳисоблашмаса? Нахотки, уни Фивада қонунга хилоф равишда ҳаракат қилишга ўргатган бўлсалар? Йўқ! Тесей Фивада қонунни менсимасликка йўл қўйганликларини яхши билади. Креонт ўз халқи ва шахрини шарманда қилмоқда. Ёшига кўра у кекса бўлсада, хатти-ҳаракатлари телба ёшларникидай. Тесей Эдипнинг қизларини дарҳол қайтариб беришларини талаб қилади. Креонт ўз ҳаракатини Тесей олдида оқлашга интиларкан, Афина отасини ўлдириб, ўз онасига уйланган кишига бошпана бермаслигига ишонганини баён этади. Лекин Тесей ўз қарорида қатъий туриб, Креонтдан Эдипнинг қизларини беришни талаб этади ва Эдипнинг қизларини қайтариб бермагунча ҳеч қаерга кетолмаслигини айтади. Креонт Тесейнинг талабига бўйин эгди, кўп ўтмай кекса Эдип тагин ўз қизларини қучишга муваффақ бўлди, худоларни унга шафе бўлишга даъват этаркан, Афинанинг буюк подшосига ташаккур изҳор этди.

Тесей эса Эдипга шундай дейди:

– Эдип, гапимга қулоқ сол, мана бу ерда, Креонт келгунга қадар мен қурбон келтирган Посейдон меҳроби ёнида бир йигит ўтирипти, у сен билан гаплашмоқчи.

– Хўш, ким экан у йигит? – сўради Эдип.

– Билмайман. Йигит Аргосдан келган экан. Ўйлаб кўр-чи, Аргосда яқин кимсаларинг борми, йўқми? – сўради Тесей.

Буни эшитган Эдип шундай хитоб қилди:

– О, Тесей, ўша йигит билан гапиришга ундама мени! Сенинг гапларингдан унинг менинг нафратга сазовор маълун ўғлим Полиник эканини тушундим. Унинг сўзлари менга изтироб келтиради, холос.

– Лекин, у сенинг ҳузурингга ялиниб келган, унга рад жавобини бериб, ўзингни худолар ғазабига дучор этма.

Полиникнинг шу ерда эканини эшитган Антигона отасининг наздида кечириб бўлмайдиган нуқсонга йўл қўйган бўлса-да, унинг гапига қулоқ солишни илтимос қилади. Эдип ўғлининг илтимосини тинглашга ваъда беради, Тесей унинг келишига розилик билдиради.

Полиник келади. Кўзларида жиққа ёш. У кўзи ожиз, гадой кийимида ўтирган, юзида муттасил очлик ва муҳтожлик излари кўришиб турган отасини кўриб, йиғлади. Полиник отасига қандай зуғум ўтказганини энди тушунди. У қўлларини отасига томон чўзаркан, шундай дерди:

– Мендан юз ўғирманг, бирор сўз айтинг! Жавоб беринг, мени жавобсиз қолдирманг! Ҳой сингиллар! Отамни бирор нарса дейишга унданглар, лоақал бир оғиз гапиринг.

У Антигона учун келганини айтишни сўрайди, шундай қилса, Эдип уни жавобсиз қолдирмайди.

Полиник укаси томонидан Фивада қандай қувғин қилинганини, Аргосга жўнаб кетганини, у ерда Адрастнинг қизига уйланганини, у ерда ҳуқуқан катта ўғилга тегишли бўлган ҳокимиятни қўлга олиш учун ўзига ёрдамчилар топганини сўзлаб беради.

– О, ота! – шундай дея давом этди Полиник. – Бизлар, Фивага қарши бораётганлар сизни ўртага солиб, болаларингиз ҳурмати, ёлворамиз, ғазабингизни унутинг ва мендан ватанимни тортиб олиб, ўзимни қувғин қилган Этеоклдан интиқом олишга ёрдам беринг. Агар башоратсоҳиблар ҳақиқатни айтаётган бўлса, ғалаба сиз бор томонда бўлади. Лутфан тингланг мени! Маъбудларни ўртага солиб ёлвораман, юринг мен билан! Мен сизни ватанингизга қайтараман, бу ерда, ғурбатда мендек гадоё бўлиб қоласиз.

Эдип ўғлининг сўзларига кулоқ солмади. Илтижолар унга таъсир этмади. У ўғли Полиникка Фивани қўлга киритиш учун керак холос. Уни Фивадан қувғинди қилган ўшамасми? Уни оворай жаҳон этган ҳам ўшамасми? Эдипнинг жулдурвоқилиги ўша туфайли эмасми ахир? Ҳар иккала ўғли ҳам ўзларининг фарзандлик бурчини унутди, фақат кизлари унга содиқ бўлиб, унга хамиша ғамхўрлик қилиб, ҳурматини бажо келтиришарди.

– Йўк, мен сенга Фивани хокитуроб этишга қўмаклашмайман. Фивани забт этишдан аввал ўзинг қонга беланиб қулайсан, сен билан бирга уканг Этеокл ҳам қулайди! – дея хитоб қилди Эдип. – Сенларни лаънатлаганим лаънатлаган, токи отанинг ҳурматини нечук бажо келтиришни билинглар. Йўқол бу ердан оқпадар, малъун! Қарғишларим ижобат бўлғай! Уканг билан курашиб ўл. Сени қувғин қилганни ўлдир! Сенларнинг ўрталарингга биродарқушлик низосини солган Эвменийзодалар ва Адрастни чорлайман, сенларни ўшалар жазоласин. Бор, Эдипнинг ўғиллари қанақа инъомларни баҳам кўришларини ҳамроҳларингга етказ.

– Эҳ, шўрим курсин! Эҳ, мен бахтиқаро! – Хитоб этди Полиник. – Наҳотки, мен отамнинг жавобларини уларга етказолсам! Йўк, мен тақдирим билан лом-мим демай бақамти бўламан!

Полиник кетди, отаси уни на кечирди, на ҳимоя ваъда қилди, Полиник Антигонанинг Аргосга қайт, ўзингга ҳам, укангга ҳам, Фивага ҳалокат келтирадиган урушни бошлама деган илтимосларига ҳам кулоқ солмасдан кетди.

Эдип умр шомининг сўнгги соати яқинлашаётганди. Беғубор осмонда момақалди роқ гумбураб, чақмоқ чақа бошлади. Эвменийзодалар ўрмондаги кишиларнинг барчаси Зевснинг ушбу ваҳимали аломатидан саросимага тушиб туришарди. Яшин устига яшин. Яна чақмоқ чарақлади. Ҳамма кўрққанидан қалтираб кетди.

Эдип эса шу он кизларини ёнига чақириб, уларга шундай деди:

– Ҳой болаларим! Дарҳол Тесейни чақиринглар! Зевснинг ушбу момақалди роқлари менинг ҳадемай Аиднинг зулмат салтанатига тушишимдан дарак бераяпти. Ҳаялламанглар! Тесейга одам юборинглар! Ўлимим яқин!

Эдип шу сўзларни айтган заҳотиёқ гўё уларни тасдиқлаётгандай момақалди роқ гулдирди. Тесей шошилич суратда Эвменийзодалар ўрмонига келди. Унинг овозини эшитаркан, Эдип шундай деди:

– Афина ҳукмдори! Менинг куним битганга ўхшайди, Зевснинг чақмоғию момақалди роғи менинг ўлимимдан дарак бераяпти, мен сенга берган ваъдамни бажо келтириб ўлмоқчиман. Мен ўладиган ерга сени ўзим бошлаб бораман, лекин сен менинг қабримнинг қаердалигини ҳеч кимга билдирма, у сенинг шаҳрингни минглаб қалқон ва найзалардан кўра яхшироқ асрайди. Мен сенга бу ерда айтолмаган нарсани ўзинг эшитасан. Ушбу сирни сақла, уни ўлаётганингда катта ўғлингга айт, у эса уни ўзининг меросхўрига билдиради. Кетдик, Тесей кетдик, болаларим. Энди мен, кўзи ожиз сизларнинг йўлбошчингиз бўламан, мени эса Ҳермес ва Персефон бошлаб боради.

Тесей, Антигона ва Исмена Эдипнинг ордидан юриб кетишди, у уларни худди кўзи очик кишидек бошлаб борарди. У тамоман зулматга чўмган ўликлар кўланкаси салтанатига тушиладиган қияликка келиб, у ерда тош узра ўтириб олди. Эдип ўлимга тайёрланаркан, кизларини кучди-да, шундай деди:

– Болаларим, бугундан буён сизларнинг оталарингиз йўқлик оламига йўл олади. Мени аллақачон ўлим худоси Танат ўзиники қилиб олди. Энди менга ғамхўрлик қилиш сингари мушкул бурч уқубатидан халос бўласиз.

Антигона ва Исменага қаттиқ хўнграб йиғлай-йиғлай оталарини кучишди. Бехосдан теранликдан сирли товуш эшитилди: «Тез бўл, Эдип! Нега бунча имиллаб юрасан? Ўта ҳаяллаяпсан!». Эдип сирли



товушни эшитгач, Тесейни ёнига чакирди, унинг кўлига кизларининг кўлларини кўйиб, унга уларга химоячилик қиласан дея ялинди. Тесей Эдипнинг илтимосини бажо келтиришга қасам ичди. Эдип кизларига, «Кетинглар» дея амр этди. Эдип Тесейга очмоқчи бўлган сирдан ва ўша онда содир бўладиган ҳодисадан улар хабардор бўлмасликлари лозим эди. Антигона ва Исмена кетишди. Улар бир чеккага чиқиб, сўнгги бор оталарига нигоҳ ташланмоқчи бўлиб ортларига бурилишганда у жойида йўқ эди, гўё ваҳимали шарпага дуч келгандек фақат кўллари билан кўзларини ёпганча Тесей турарди. Кейин Антигона ва Исмена Тесейнинг тиз чўкиб, муножот қилаётганини кўриб қолишди. Эдип ўзининг жафокаш ҳаётини шу зайл ниҳоясига етказди, унинг қандай ўлгани ва қабрининг қаердалигини фониёларнинг бирортаси ҳам билмасди. У Аид салтанатига дард (оғрик) сезмасдан, инграмасдан дохил бўлди, бунақаси ҳеч бир одамга насиб этмаган.

ЕТТОВЛОН ФИВАГА ҚАРШИ

Эсхилнинг «Еттовлон Фивага қарши» ва Еврипиднинг «Финикияли аёллар» трагедиялари асосида баён этилган

Кўзи кўр Эдип Фивадан қувғин қилинганда унинг ўғиллари ҳокимиятни Креонт билан ўзаро бўлиб олишганди. Уларнинг ҳар бири навбат билан бир йил мобайнида давлатни бошқаришлари керак эди. Этеокл ҳокимиятни акаси Полиник билан баҳам кўришдан бош тортди, у акасини етти дарвозали Фивадан қувиб юборди ва Фива устидан ҳукмронликни ўз кўлига киритди. Полиник шоҳ Адраст ҳукмдорлик қилаётган Аргосга чекинди.

Шоҳ Адраст келиб чиқиши жиҳатдан Амифаонийзодаларга мансуб эди. Қачонлардир икки қаҳрамон – буюк кароматсоҳиб Мелампод ва Биант, қаҳрамон Амифаоннинг ўғиллари шоҳ Пройтнинг кизларига уйланишган эдилар. Бу воқеа шундай содир бўлганди. Пройтнинг кизлари маъбудларнинг қаҳрини келтирганлари туфайли жазоланган эдилар. Худолар уларни телбалик дардига дучор этишди. Жиннилиги хуруж қилганда Пройтнинг кизлари ўзларини сигир дея тасаввур этиб, атрофдаги дала ва ўрмонларда маъраб югуришарди. Пройтнинг кизларини даволашнинг сирларини билган Мелампод уларни тузатишини баён этди, бунинг учун Пройтдан тасарруфидаги худуднинг учдан бир қисмини беришни талаб қилди. Пройт бунга рози бўлмади. Мусибат кучайгандан кучайди, бошқа аёлларга ҳам жиннилик юқиб қолди. Пройт яна Меламподга мурожаат этди. Мелампод энди худуднинг учдан бир қисмини эмас, учдан икки қисмини беришни талаб қилди: бир қисми ўзига, бошқа бир қисми укаси Биантга тегиши керак эди. Пройт розилик бериши керак эди. Мелампод ёшлар отряди билан тоғларга йўл олди, барча жинни аёлларни ва Пройтнинг кизларини узоқ таъқиб қилгандан сўнг тутиб келишди ва даволади. Пройт ўз кизларини Мелампод ва Биантга хотинликка берди.

Меламподнинг Антифат исмли ўғли, Антифатнинг – Оикл, Оиклнинг эса Амфиарай исмли ўғли бор эди. Биантнинг Тал исмли ўғли бўларди, унинг болалари Адраст ва Эрифила. Мелампод ва Биантнинг авлодлари Адраст ва Амфиарай вояга етганларида улар ўртасида низолар авж ола бошлади. Адрастга Сикионга шоҳ Полибнинг хузурига қочишга тўғри келди. У ерда шоҳнинг кизига уйланиб, Сикион устидан ҳукмронликни кўлга киритди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай туғилган шаҳри, Аргосга қайтди. Адраст Амфиарай билан ярашиб, унга синглиси Эрифилани хотинликка берди. Адраст ва Амфиарай ўзаро қасам ичишиб, бордию ораларида баҳс-мунозара юз берса, Эрифила ҳакамлик қилади, улар ҳеч сўзсиз унинг қарорларига риоя қилишга келишишди. Аммо Амфиарай ушбу қарорнинг унинг ўзига ва бутун қавмига ҳалокат келтиришини ўйлаб кўрмаганди.

Шоҳ Адраст саройига кеч тунда Полиник келиб қолди, у Адрастнинг химоя ва ёрдамига муҳтож эди. Полиник саройга кираверишида ўз юртида амакиси ва амакиваччаларини ўлдириб, Аргосга қочиб келган Ойнейнинг ўғли, қаҳрамон Тидейни учратди. Иккалови ўртасида қаттиқ можаро юз берди. Саркаш ва қашшанг, ҳеч кимнинг эътирозига чидай олмайдиган Тидей дарҳол қуролига ёпишди. Полиник ҳам қалқони билан кўкрагини тўсаркан, қиличини яланғочлади. Қаҳрамонлар бири-бирига ташланишди. Уларнинг мис билан қопланган қалқонларига зарб билан урилайётган қиличлари шакирлаб кетди. Улар тунда худди дарғазаб асрлонлардай жанг қилишарди. Адраст жанг қилаётганларнинг шовқинини эшитиб, саройдан ташқарига чиқди. Иккала йигитнинг бири-бирини еб юборгудек жанг қилаётганини кўриб, ҳайратга тушди. Улардан бири, Полиник арслон териси, Тидей эса баҳайбат қобон териси ёпинганди. Шунда Адраст башоратсоҳибнинг кизларининг бирини арслонга, бошқасини қобонга эрга берасан деган башоратини эслади. У қаҳрамонларни дарҳол ажратиб,

меҳмон сифатида ўз саройига бошлаб кетди. Кўп ўтмай Адраст кизи Деипилани Полиниска, Аргеяни эса Тидейга хотинликка берди.

Полиник ва Тидей Адрастга куёв бўлиб олишгач, ундан ўз ватанларидаги ҳокимиятни қўлга кириштиришга ёрдам беришини илтимос қила бошладилар. Адраст уларга кўмаклашишга розилик берди. Лекин ўша юришда қудратли жангчи ва буюк башоратсоҳиб Амфиарайнинг иштирок этишини ҳам шарт қилиб қўйишди.

Даставвал етти дарвозали Фивага қарши юришга қарор қилишади. Амфиарай унда қатнашишдан бош тортди, у қаҳрамонларнинг бу юриши маъбудлар хоҳиш-иродасига хилоф эканлигини биларди. У Зевс ва Аполлонинг арзандаси сифатида уларнинг иродасига қарши бориб, худоларнинг ғазабини келтиришни истамасди. Тидей Амфиарайни кўндиришга қанчалик уринмасин, ўз қароридан қайтмай тураверди. Саркаш, қайсар Тидей ғазаб ўтида ёнарди, уларни Адраст яраштирмасайди, қаҳрамонлар умрбод бир-бирларига душман бўлиб қолишарди? Амфиарайни юришда иштирок этишга мажбур қилиш мақсадида Полиник айёрликни ишга солишга қарор қилди. У Амфиарайни Фивага қарши юришда иштирок этишга мажбур қилсин дея Эрифилани ўз томонига оғдиришга жазм қилди. Эрифиланинг ҳарис ва таъмагирилигини билган Полиник унга Фиванинг илк подшоси бўлган Кадмнинг хотини Ҳармонияга мансуб бўлган қимматбаҳо маржонни совға қилишга ваъда берди. Бундай ҳадяга кўнгли суёт кетган Эрифила эри ушбу юришда иштирок этиши керак деган қарорга келди, унинг ўзи бир пайтлар Эрифиланинг ҳар қандай қарорига лаббай деб жавоб беришга онт ичди. Шундай қилиб, Эрифила қимматбаҳо маржонларга учиб, эрини муқаррар ўлимга юборди. Ўша маржонга эга бўлган кишининг бошига мусибат тушишидан у беҳабар эди.

Ушбу юришда иштирок этишга бир талай қаҳрамонлар розилик беришди. Унда Пройтнинг бақувват авлодлари, худолар сингари қудратли Капаней ва Этеокл, аркадлик машҳур овчи аёл Аталлантинг ёш ва соҳибжамол ўғли Партенопай, шавкатли Гиппомедонт ва бошқа бир талай қаҳрамонлар қатнашдилар. Полиник, шунингдек, Микенага ёрдам учун мурожаат қилди. Микена ҳукмдори ушбу юришда иштирок этишга розилик берганди, бироқ бу ниятидан ўзининг ваҳимали аломатлари билан яшинчақнатар Зевс қайтарди. Шунга қарамасдан, катта қўшин йиғилди. Фивага қарши етти нафар йўлбошчи қўшин тортаётганди, уларнинг барчасининг бошлиғи Адраст бўлди. Қаҳрамонлар ўлимга бақамти бўлишаётганди. Улар бу юришни бошламасликни илтимос қилган Амфиарайнинг башоратларини менсимадилар. Уларнинг ҳаммаси Фива деворлари ёнида бўладиган жанглар иштиёкида ёнардилар.

Қўшин юришни бошлади. Амфиарай ҳам оиласи билан хайрлашди, у қизларини, ўғилларини, тамоман ёш Алкмеон ва халқ энагасининг қўлидан тушмаган жажжи Амфиолохни кучди. Амфиарай жангга жўнаш олдида ўғли Алкмеондан отангни ўлимга юбораётган онангдан қасос ол дея худони ўртага солиб, илтижо қиларди. Ғам-андухга чўмган Амфиарай маҳодага сўнги бор ўтираётганини биларди. Амфиарай маҳода устида тик турган ҳолда хотинига қарата, қиличини яланғочлаб, пўписа қилиб қўйди ва ўзини ўлимга маҳкум этаётгани учун уни лаънатлади.

Қўшин Немейга эсон-омон етиб келди. Ўлгудай чанқаган жангчилар у ерда сув излай кетишди. Улар биронта ҳам булоқ тополмадилар, чунки уларни нимфалар ўзининг хоҳиш-иродасига қарши юришга шайланган қаҳрамонлардан ғазабланган Зевснинг амрига биноан кўмиб ташлашган эдилар. Ниҳоят, улар қўлида Немей подшоси Ликургнинг ўғли Офельтни ушлаб турган собиқ Лемнос маликаси Гипсипилани учратишди. Гипсипилани Лемнос аёллари барча эркакларни кириб ташлашганда отаси Фоантни асраб қолганлиги учун қул қилиб сотиб юборилган эди. Энди Лемнос маликаси Ликург хонадонидида чўри бўлиб, унинг ўғлига энагалик қиларди. Гипсипила жажжи Офельтни майсалар устига ўтказди-да, ўзи жангчиларга ўрмондаги кўмилган булоқни кўрсатгани кетди. Гипсипила эндигина Офельтдан узоклашган эди ҳамки, буталар орасидан баҳайбат илон судралиб чиқди, гўдакка жангчилар ва Гипсипила, Ликург хотини билан Эвридика югуриб келишди, аммо илон Офельтни аллақачон бўғиб қўйганди. Ликургга қиличини яланғочлаб Гипсипилага ташланди. У уни ўлдирган бўлурди, бироқ Тидей ҳимоя қилди. У Ликург билан жанг қилишга тайёр эди, бироқ уни Адраст билан Амфиарай ушлаб қолишди. Улар қон тўкилишига йўл қўйишмади. Қаҳрамонлар Офельтни дафн этишди ва унинг дафини шарафига Немей ўйинларига асосан бўлган ҳарбий ўйинлар уюштиришди. Амфиарай Офельтнинг ўлими бутун қўшин учун ваҳимали аломат эканлигини, ушбу ўлим барча қаҳрамонларнинг ҳалок бўлишидан дарак бераётганини тушунди. Амфиарай Офельтни Архемор (ўлимга бошловчи) деб атади ва барча қаҳрамонларга Фивага қарши юришни тўхтатайлик деб маслаҳат бера бошлади, аммо улар хамишагидек қулоқ осмасдан ўжарларча ўз ўлимлари томон бо-

ришарди.

Калин ўрмонли Киферон тоғи даралари оша кўшин Асоп соҳиллари – етти дарвозали Фива деворларига келиб қолди. Йўлбошчилар уни дарҳол қамал қилишга киришмадилар. Улар музокаралар учун Фивага Тидейни юборишга қарор қилишди. Фивага келган Тидей бу ерлик аслзодаларни Этеокликдаги зиёфатда учратди. Улар Тидейнинг гапига қулоқ солмасдан, кулиб, уни зиёфатда иштирок этишга таклиф қилишарди. Қаҳри келган Тидей душманлар ичида бир ўзи бўлишига қарамай, уларни яккама-якка курашга даъват этди ва бирин-кетин ҳаммасининг устидан ғолиб келди, чунки Афина-Паллада ўз арзандасига ёрдамлашганди. Фиваликларнинг ғазаби қайнаб кетди, номдор қаҳрамонни маҳв этмоқчи бўлишди. Улар Меонт ва Ликофон бошчилигида ўз қароргоҳларига қайтаётганларида пистирмадан туриб хужум қилиш учун эллик нафар йигитни юборишди. Тидей шу ерда ҳам омон қолди, у барчасини кириб ташлади, у маъбудлар амрига биноан фиваликларга Тидейнинг жасорати ҳақида билдиргин дея Меонтни ўлдирмади.

Шундан сўнг фиваликлар ва Аргосдан келган қаҳрамонлар ўртасидаги адоват баттар авж олди. Етти нафар йўлбошчиларнинг барчаси уруш худоси Аресга, жами жанг маъбудларига ва ўлим худоси Танат шарафига қурбонликлар келтиришди. Кўлларини қурбонлик қонига ботириб, ё Фива деворларини вайрон этиш, ёки жангда ҳалок бўлиб Фива ерларини қонга белаш лозим дея қасам ичишди. Аргос кўшини хужумга тайёргарлик кўрди. Адраст кўшинларни тақсимлади, йўлбошчиларнинг ҳар бири етти дарвозанинг биридан кириши керак эди.

Пройт дарвозаси қаршисида қонга ташна қудратли Тидей ўз кўшини билан туриб олди, у қутурган аждарҳони эслатарди. Унинг дубулғасида учта тож ҳилпираб турарди, унинг қалқонида юлдузли қопқора осмон, ўртада эса тун чироғи – тўлин ой тасвирланганди. Электра дарвозаси қаршисида хайбатли Капаней ўз бўлинмалари билан таҳдид солиб турарди. У худолар хоҳишларига зид бўлсада, ҳатто чакмоқчакнатар ғазабига учрасада, барчасининг иродасига қарши бориб, шаҳарни забт этаман дея дўк-пўписа қиларди. Кананейнинг қалқонида кўлида машъал ушлаган яланғоч қаҳрамон тасвирланганди. Пройтнинг авлоди Этеокл Ней дарвозаси қаршисида туриб олди. Унинг қалқонида қамал қилинган шаҳар минорасига нарвон билан чиқаётган киши тасвирланган бўлиб, остига «Мени уруш худоси Арес ҳам йиқитолмайди» деб битилган эди. Афина дарвозаси қаршисида Гиппомедонт туриб олди. Унинг қуёшдан ялтираган қалқонида оғзидан ўт сочаётган Тифон тасвирланганди. Гиппомедонтнинг жанговар наъраси қаҳрли жарангларди, унинг қараши ҳаммага ўлим билан таҳдид соларди. Навкирон ва соҳибжамол Партенопай ўз бўлинмасининг Бореад дарвозасига томон бошлаб кетди. Унинг қалқонида чангалида ўлаётган фиваликни ушлаб турган Сфинкс тасвирланганди. Башоратсоҳиб Амфиарай Гомолоид дарвозасини қамал қилмоқда эди. У мана шу урушнинг сабабчиси Тидейдан ғазабланар, уни қотил, шаҳарларни вайрон этувчи, кишиларни ғазаблантирувчи, кишилар умрига зомин бўлувчи ва энг қабиҳ ишларга бошловчи ифвогар деб аямай сўкарди. У бу юришдан нафратланар, ўзининг жонажон шаҳри бўлган Фивани вайрон этиш учун бегона кўшинларни бошлаб келган Полиника таъна қиларди. Амфиарай ушбу иштирокчиларни авлодларининг лаънатлашини биларди. Амфиарай, шунингдек, ўзининг ҳам шу жангда ҳалок бўлишини, унинг жасадини Фива замини ютишини ҳам сезиб турарди. Амфиарайнинг қалқонида ҳеч қандай аломат-белги йўқ, унинг кўринишининг ўзи ҳар қандай белигидан таъсирли эди. Сўнгги, еттинчи дарвозани Полиник қамал қиларди. Унинг қалқонида қуролланган қаҳрамонни бошлаб бораётган маъбуда сурати тасвирланганди, унда «Мен ушбу эркакни ғолиб сифатида ўз шаҳрига, оталари хонадонига олиб кираман» деган сўзлар ифодаланганди. Фиванинг мустаҳкам деворларини вайрон қилиш учун ҳамма нарса тайёр эди.

Фиваликлар ҳам жангга тайёргарлик кўриб кўйишганди. Этеокл ҳар бир дарвозага машҳур қаҳрамон бошчилигида жангчилар бўлинмасини тайинлади. Тидейга қарши Астахнинг пурқудрат ўғли Меланипп турарди, у Кадм томонидан ўлдирилган илоннинг тишидан ўсиб чиққан жангчилардан бирининг авлоди эди. Капанейга қарши Этеокл Артемиданинг ўзи хомийлик қилаётган Полифонтни юборди. Креонтнинг ўғли Мегарей Пройтид Этеокл хужум қилиши керак бўлган дарвоза олдида турарди. Ойнорни ўғли Гипербий Гиппомедонтга қарши, Партенопайга қарши эса қаҳрамон Актор, Амфиарайга қарши эса куч-қувват жихатдан навкирон, ақл-заковат жихатдан донишманд Лейсфен юборилди. Фива қаҳрамонлари орасида Посейдоннинг енгилмас, пурқудрат ўғли Периклимея ҳам бор эди.

Урушни бошлашдан аввал Этеокл башоратсоҳиб Тиресейдан унинг оқибати қандай бўлишини сўраб олди. Тиресий, агар Аресга (чунки у ўзига бағишланган илоннинг Кадмий томонидан ўлдирилганлиги учун ундан ҳамон ғазабланарди) Креонтнинг ўғли Менокей қурбон қилинсагина



ғалабага эришиши мумкин дея башорат килди. Ушбу башоратдан хабардор ёш Менойкей Фива девори устига чиқиб, бир пайтлар Аресга бахшида бўлган илон яшаган моғорига қараб турган ҳолда кўксига қиличини қадади. Креонтнинг ўғли шу зайл дунёдан ўтди. У жонажон Фивани кутказиш учун ўзини кўнгилли тарзда қурбон килди. Ҳамма нарса фиваликлар ғалабасидан дарак берарди. Дарғазаб Ареснинг кўнглига раҳм солинган, у барча маъбудлар иродасига ва зухур этган аломатларга риоя этувчи фиваликлар томонида эди. Лекин фиваликлар ҳам ғалабага осонгина эришмагандилар. Деворлар ҳимоясини таъминлаб, Аполлон ибодатхонаси ёнида жангга кирганларида душман хужуми зарбидан чекиниб, яна деворлар ёнида паноҳ топишга тўғри келганди. Аргосликлар чекинаётган фиваликларни таъқиб этишга ташланишаркан, яна деворларга хужум қила бошладилар. Ўзига бино кўйган, ғайриинсоний кучи билан ғурурланган Капаней деворга нарвон кўйиб, эндигина шаҳарга кирай деганда чидаб туrolмади, у ўзининг иродасига қарши бировнинг Фивага киришга журъат этишига йўл кўя олмасди. Капаней эндигина нарвон узра туриб олганда унга томон ялтираган чакмоқ урилди. Зевс Капанейни жароҳатлаб ўлдирди. У тамоман ўт ичида қолганди, кўп ўтмай уни тутаб турган жасади пастда турган аргосликлар оёғи остига кулаб тушди.

Ёш Партенопай ҳам Фивани қамал қилаётиб ҳалок бўлди. Пуркудрат Периклимея девор устида туриб унинг бошига қоядай келадиган баҳайбат тошни ташлаб юборди. Ўша тош Партенопайнинг бошини мажақлаб ташлаганди, у ерга куладию, жон берди.

Аргосликлар деворлардан узоқлашишди, улар Фивани хужум билан забт этолмасликларига ишонишди. Энди фиваликлар яйрашса бўларди, чунки Фиванинг деворлари бузилмасдан мустаҳкам турарди.

Шунда рақиблар Фива устидан ҳукмронлик кимга тегишини ака-ука Полиник ва Этеоклнинг яккама-якка кураши ҳал қилиши керак деган қарорга келишди. Эдипнинг ўғиллари яккама-якка курашга тайёрланишди. Фива дарвозасидан қурол-аслаҳаси ялтираган Этеокл чиқди. Унинг қаршисига аргосликлар қароргоҳидан Полиник чиқди. Энди биродарқушлик жанги бошланмоғи керак эди. Ака-ука бир-бирига нисбатан нафрат ўтида ёнишарди. Улардан бири муқаррар ҳалок бўлмоғи шарт. Лекин буюк ва бешафқат тақдир маъбудалари Мойралар бошқа нарсадан дарак беришарди. Қасоскор Эвменизодалар Эдипнинг лаънатлаганини, Лайнинг жиноятларини ва Пелопснинг лаънатлаганларини унутган эмасдилар.

Ака-ука даҳшатли равишда яккама-якка курашишар, улар бамисоли ўлжасига ташланган сержаҳл арслонлардек жанг қилишди. Кўкракларини қалқонлари билан тўсиб, нафратга тўла кўзлари ила бир-бировининг ҳаракатларини аниқ кузатар, бешафқат жанг қилишарди. Этеокл қоқилиб кетганди, шу заҳотиёқ Полиник укасига найза итқитди ва уни белидан яралади. Ярасидан тизиллаб қон кета бошлади, зарба бераётганда Полиникнинг елкаси очилиб қолди, шунда Этеокл унинг елкасини нишонга олиб найза санчди. Полиникнинг совутига урилган найза эгилиб дастаси синиб кетди. Этеокл фақат қиличи билан қолди, у ерга энгашиб, баҳайбат тошни олиб акасига итқитди, тош Полиникнинг найзасига тегиб, уни чил-парчин қилиб юборди. Энди ака-ука фақат қиличлари билан қолишди. Улар қалқонлари билан кўкракларини бекитиб жанг қилишарди. Иккалови ҳам яраланган, совут-қалқонлари қонга бўялганди. Этеокл жадаллик билан бир қадам орқага ташланди. Полиник бундай бўлишни кутмаганди, шунда укаси қалқонини кўтарди-да унинг қорнига қиличини қадади. Полиник ерга кулади, ярасидан қон шиддат билан оқарди, унинг кўз олди қорайди, Этеокл ғалабаларидан хурсанд бўлиб, ўлдирилган акасининг ёнига югуриб келиб, унинг қурол-аслаҳасини ечишга уринди. Иродали Полиник сўнгги кучларини йиғиб, қаддини кўтарди ва укасининг кўкрагига қилич қадади. Ана шу зарбадан сўнг унинг арвоҳи Аид салтанати зулматига равона бўлди. Этеокл эса худди илдизларидан жудо бўлган эман дарахтидай акасининг жасади узра ағдарилди, уларнинг алвон рангли қонлари бир-бириникига қўшилиб кетди. Ака-ука яккама-якка курашининг ваҳимали оқибатига фиваликлар ва аргосликлар даҳшат ичра қараб туришарди.

Қамал қилинаётганлар ва қамал қилаётганлар ўртасидаги ярашув узоққа чўзилмади. Ўртада қонли жанг яна авж олди. Ушбу жангда маъбудлар фиваликларга ҳомийлик қилишди. Гипкомедоний ва Пройтнинг ўғли Этеокл ҳалок бўлди, енгилмас Тидей Меланип томонидан ўлар даражада жароҳатланди. Шундай бўлишига қарамасдан, Тидей ўзида Меланипдан қасос олишга куч топди-да, уни найза билан жароҳатлади. Қонга беланиб ўлаётган Тидейни кўрган Афина-Паллада Зевсдан ўз арзандасини кутказишга ижозат беришни ва ҳатто унга умрибоқийлик ато этишни илтижо қилди, Афина Тидейнинг олдига шошилди. Лекин шу онда Амфиарай Меланипнинг бошини чопиб ташлади. Жинниларча қаҳри келган Тидей унинг бош суягини синдириб, ёввойи ҳайвондек душманининг миясини

симира бошлади. Тидейнинг ғазаби ва қонхўрлигини кўрган Афина даҳшат ичра сесканиб кетди ва ундан юз ўғирди, ўлаётган Тидей Афинанинг ортидан ўзининг сўнгги илтижоси ўзига насиб этмаган умрибоқийликни ўғли Диамедга бахшида этишни сўрашга улгурди, холос.

Фиваликлар аргосликлар устидан ғолиб келишди, уларнинг қўшини қирилди. Амфиарай ҳам ҳалок бўлди. У Байтон бошқараётган маҳодада қочиб кутулмоқчи бўлди. У қудратсоҳиб Периклимеяни таъқиб этди. Буюк башоратсоҳибга Периклимея етай деганда Амфиарай уни жароҳатлаш учун найза ўқталганди ҳамки, тўсатдан Зевснинг чакмоғи чакнаб, момоқалдирак гулдиради, шунда ер ёрилиб, Амфиарайни жанговар маҳодаси билан ўз қаърига тортиб олди. Қаҳрамонлардан фақат Адраст қочиб кутулди. У ўзининг елдай учқур оти Арайин туфайли халос бўлиб, Афинада яширинди, ўша ердан Аргосга қайтди.

Фиваликлар шод-хуррам тантана қиларди, зероки Фива озод бўлганди. Улар ҳалок бўлган қаҳрамонларини тантанавор тарзда дафн этишди, аммо Аргосдан келган қаҳрамон ва жангчилар дафн этилмади. Ўз ватанига қўл кўтарган Полинник дафн этилмади, унинг жасади жанг майдонида ётарди.

Аргослик қаҳрамонларнинг дафн этилмай қолиб кетганидан уларнинг хотинлари ва оналари хабардор бўлишди. Улар тамоман ғамга ботган ҳолда Адраст билан бирга фиваликларни ўлганларининг жасадларини қайтариб беришга мажбур қилишда ёрдам берсин дея Аттикага, шоҳ Тесей хузурига илтижо қилиб келишди. Улар Елевсиндаги Деметра маъбади олдида Тесейнинг онасини учратишди ва унга ўғли Тесейдан аргослик жангчиларнинг жасадларини қайтариб олишда ўзларига ёрдам беришни илтимос қил дея ёлворишди. Тесей анчагача иккиланиб, ниҳоят, аргослик аёллар ва Адрастга ёрдам беришга қарор қилди. Худди шу пайтда Фива подшоси Креонтдан элчи келганди. У Тесейдан Аргосдан келган аёлларга ёрдам бермасликни ва Адрастни Аттикадан қувиб юборишни талаб қилди.

Тесейнинг ғазаби қайнаб кетди. Креонт қандай қилиб уни ўзига бўйсундиришга журъат этдийкан? Нахотки, Тесей ўз азму қарорлари устидан ҳукмрон бўлмаса! Тесей Фивага қўшин тортиб, ғолиб чиқиб, ҳалок бўлган барча жангчиларнинг жасадини қайтариб беришга мажбур қилди. Элевфер ёнида етти жойда гулхан ёқилиб, жангчиларнинг жасади ёндирилди. Йўлбошчиларнинг жасадлари эса Элевсинга келтирилиб, ўша ерда ёндирилганди, уларнинг хокини (кулини) хотинлари ва оналари ўз ватани – Аргосга олиб кетишди.

Фақат Зевс чакмоғидан ўлган Капанейнинг хоки Элевсинда қолди. Унинг жасади муқаддас ҳисобланиб, яшинчақнатар Зевс томонидан ўлдирилганди. Афиналиклар улкан гулхан ёқишиб, унда Капанейнинг жасадини ёндиришди. Олов аланга олиб, унинг тиллари жасадга тегай деб қолганда Капанейнинг хотини, Ифитнинг соҳибжамол қизи Эвадна Элевсинга етиб келди. У суюкли эрининг ўлимига чидай олмади. Дафн маросимида кийиладиган либосига бурканиб, гулхан устида муаллақ турган қояга кўтарилди ва ўша ердан ўзини аланга устига ташлади.

Эвадна шу зайл ҳалок бўлди, уни кўланкаси эрининг кўланкасига қўшилиб, Аиднинг зулмат салтанатига равона бўлди.

АНТИГОНА

Софоклнинг «Антигона» трагедияси асосида баён этилган

Фиваликлар аргосликлар устидан ғалаба қозонгач, Этеокл ва ҳалок бўлган бошқа жангчилар шарафига дабдабали дафн маросимлари ўтказдилар, ажнабий қўшинларни Фивага қарши бошлаб келгани учун Полинникни дафн этмасликка қарор қилдилар. Унинг жасади ёввойи ҳайвон ва йиртқич қушлар тилка-пора қилсин дея Фива деворлари ёнида, очик далада қолдирилди. Полинникнинг арвоҳи мангу саргардонликка маҳкум этилган бўлиб, у ўликлар арвоҳи салтанатида орому осойишталик тополмаётганди.

Эдипнинг олижаноб, ҳар қандай ҳолда ўзини қурбон қиладиган фидойи қизи Антигона акаси маҳкум этилган бадномликни кўргач, жуда қаттиқ изтироб чекди. У ҳеч нарсага қарамасдан Полинникнинг жасадини ўзи дафн этмоқчи бўлди. Креонтнинг Полинникни барча дафн удумларига риоя қилиб кўмишга журъат этган кишига ўлим билан таҳдид солиши уни кўрkitолмасди. Антигона синглиси Исменани ўзи билан бирга боришга даъват этарди, у эса опасига ёрдам беришга журъат этолмасди, негаки, Креонтнинг ғазабидан кўрқарди. Ҳатто Антигонани Фива подшосининг иродасига қарши бормасликка ундар, унга онаси ва укаларининг бошига тушган кулфат ўзларининг бошига тушишини эслатарди. Нахотки, Антигона ўзини ҳалок этмоқчи бўлса?

Антигона Исменанинг ундовларига кулоқ осмади, акасининг олдидаги бурчини бир ўзи бажо келтиришга тайёр, Полинникни дафн этса бас, ҳеч нарсадан зорланмасдан, ҳамма азоб-укубутга бардош беришга ҳозир. Антигона ўз қарорини бажо келтирди.

Орадан кўп ўтмай Креонт ўз амри ижобат бўлмаганини билиб олди. Қўриқчилардан бири унга кимдир Полинникнинг жасади устига тупроқ тортиб, дафн удумини бажо келтирганини ҳикоя қилиб берди. Креонтнинг жаҳли ҳаддидан ошиб, Полинникнинг жасадини дафн удумларига биноан қўмган кишини топса қўриқчини шафқатсизларча жазолаяжагини баён этди, ўз таҳдидини албатта бажо келтиришга Зевс номи билан қасам ичди.

Қўриқчилар Полинникнинг жасади ётган ерга боришди, унинг устидаги тупроқни сидириб ташлашди ва парчаланиб кетаётган жасаднинг қўланса хидидан қочиб, яқиндаги тепаликда ўтириб олишди. Тўсатдан туш пайти бўрон кўтарилди, уюрма шамолдан бутун далани чанг булути чулғаб олди, бўрон авжига чиққанда қўриқчилар жасад узра энгашиб, Полинникка йиғлаётган қизни кўриб қолишди, унинг ғамгин овози полопонидан айрилган қушнинг ҳазин товушидек жарангларди. У ер ости худоларига назр-ниёз қилаётганда қўриқчилар тутиб олиб, Креонт хузурига бошлаб кетишди. Ўша қиз Антигона эди.

Креонт Антигонани серзарда бир тарзда қарши олди ва ундан жиноят қилганлигига иқроп бўлишни талаб этди. Антигона ўз айбини яшириб ҳам ўтирмади. У Креонтнинг амрини ижро этмагани, аммо маъбудлар иродаси ва қонун талабини ижро этди. Антигона ўз акасини дафн этиб, унинг олдидаги бурчини адо этгани, ўлим уни қўрқитолмади, у ўлимга ташна, зероки унинг ҳаёти ғам-аламдан иборат. Жаҳл отига минган Креонт фақат Антигонанигина эмас, балки унинг ёрдамчиси деб ҳаёл қилган Исменини ҳам қатл этаман дея таҳдид соларди. Креонтнинг Исменани ҳам ўлдирмоқчи эканини эшитган Антигона даҳшатга тушади. Наҳотки, синглисининг ўлимида айбдор бўлишга тўғри келса. Хизматкорлар Исменани олиб кетиш учун келишади. Опаси учун ғамга ботган Исменанинг кўзларидан ҳалқа-ҳалқа ёшлар тўкиларди. Опасига ўлим таҳдид солаётгани эшитган қўрқоқ, ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган Исмена Креонт саволларига жасуруна жавоб бераркан, опасининг қисматини баҳам кўражагини айтади. У Креонтга акаси Полинникни дафн этишда қатнашганини қатъий суръатда баён этади.

Лекин Антигона айбсиз Исменанинг беҳуда изтироб чекишини истамайди. Шунга қарамасдан Исмена опасига ялинади:

– Опажоним, мени рад этма, сен билан бирга ўлишга муносиб эмаслигимни айтма! Айт-чи, сенсиз ҳаётнинг менга нима қизиғи бор? Мени таҳқирлама!

Антигона синглисига шундай жавоб беради:

– Йўқ, сен мен билан бирга ўлмаслигинг керак! Қилмаган ишни қилдим демаслигинг лозим! Менинг ўлимим ҳам етади! Сен ҳаётни танлаган эдинг, мен ўлимни!

Исмена Креонтга Антигонага раҳм қил дея ёлворади, унга ўғлининг қайлиғини ўлимга маҳкум этаётганини ўйлаб кўришни эслатади. Аммо Креонтга Исменанинг ёлворишлари таъсир этмайди. У ўғли Гемоннинг жиноятчини хотин қилишига йўл қўймаслигини баён этади. Йўқ, Антигона ўлиши керак, ўлим уни Гемондан жудо қилади.

Креонт ўз хизматкорларига Антигона ва Исменани мабодо қочиб кетишга уринишмасин дея саройга бошлаб бориб, у ерда ушлаб туришни амр этади. Хизматкорлар Эдипнинг қизларини олиб кетишди. Халойиқ сукут сақлаб турарди. Улар Антигонага ачинишар, унинг жасорат кўрсатганини эътироф этишарди. Антигона Креонтга агар халқнинг ҳокимиятпараст Креонтдан қўрққанидан тили қисик бўлмасайди, у Антигонани Полинникни дафн этгани учун айбламасди деганда тамоман ҳақ эди.

Креонтнинг ўғли, ёш Гемон қайлиғининг бошига тушган мусибатдан хабар топгач, отасининг хузурига келиб, шафқат сўраб ёлворди. Гемон бутун халқ айбсиз Антигонага ачинаётганини, ҳалол-покиза жасорат кўрсатгани учун унга ўлим таҳдид солмоқда дея зорланаётганини биларди. Гемон отасидан ўжарлик қилмасдан, ўзининг янглишаётганини эътироф этишини илтимос қилди.

– Фиваликларнинг барчаси Антигонани айбдор эмас деб ҳисоблайди! – дейди Гемон отасига тап тортмасдан. – Ота, сизнинг ноҳақликка мойиллигингизни кўриб турибман. Сиз ўзингиз маъбудлар қонунини буздингиз!

Креонтнинг баттар жаҳли чиқди. Уни фақат Антигонага бўлган муҳаббати ҳимоя қилишга мажбур этапти деб ўйлайди. У дарғазаб бўлиб ўғлига қичқирди:

– Ҳой, сен аёлларнинг малъун қули сифатида фикр юритаяпсан!

– Йўк, – дея жавоб беради Гемон, – кабиҳ ишга ачинганимни ҳеч қачон кўрмайсиз. Мен сизни кўллаган эдим-ку!

Лекин Креонт Гемоннинг сўзларини эшитмайди, у Антигонани қатл этишга қатъий қарор қилганини айтади.

Отасининг шундай қарорини эшитган Гемон дейди:

– Агар у ўлса, бошқа бир кишининг умрига ҳам зомин бўлади.

Аммо Креонтнинг ғазаби ҳаддидан ошганди. У ўз жангчиларига Антигонани келтириб, шу ерда ўғлининг кўз ўнгида ўлдиришни амр этади.

– Йўк, у менинг кўз ўнгимда ўлмайди! – дея хитоб этади Гемон. – Ота, мени энди ҳеч қачон кўрмайсиз! Ўзингизнинг лаганбардор, хушомадгўй дўстларингиз ўртасида ақлдан озаверасиз.

Гемон шу сўзларни айтиб кетди. Халқнинг Креонтнинг шу ғазаби ҳалокат келтиради дея уни эҳтиёткорликка даъват этгани беҳуда эди. Креонт сўзидан қайтмади, шу боис ўғли уни ташлаб кетди.

Ана Антигонани мудҳиш қатлга бошлаб келишмоқда. Креонт уни Лабдакийзодалар макбарасида тириклайин дафн этишга қарор қилди. Антигона сўнгги йўлини босмоқда, у Ахеронт соҳиллари сари бормоқда. У макбарада тириклайин бекитиб ташланади. У одамлар орасида эмас, ўликлар орасида қолиб, на ўлик, на тирик бўлади. Уни дўстлари сўнгги йўлга кузатишмайди, унинг учун ҳеч ким йиғламайди, уни ўлимга олиб бормоқдалар. Энди у ёруғ жаҳонни кўрмайди.

Эндигина Антигонани бошлаб келганларида ёш бола етаклаган башоратсоҳиб Тиресий Креонт ҳузурига келади, қурбон келтириш чоғида унга маъбудлар томонидан мудҳиш аломатлар аён бўлганди. Маъбудлар жасаднинг дафн этилмаганлиги, чириб бораётган жасадни итлар ва паррандалар еб-чўкиб кетаётганлиги туфайли дарғазаб бўлмоқда. Жиннилиги тутган Креонт Полиникнинг жасадини кўмиш керак дея маслаҳат берган Тиресийнинг сўзларига ҳам қулоқ солмайди. У бордию Зевснинг ўзининг бургути тананинг бир парчасини ўша яшинчақнатарнинг ўзига олиб борганда ҳам Полиникнинг жасади дафн этилмасдан қолади дейди. Креонт Тиресийни сотилган, шу боисдан таъмагирлиги учун маслаҳат бермоқда деб айблайди. Тиресий Креонтга ҳамма қабоҳат сен туфайли дейди унга қаҳр билан таҳдид соларкан. У Антигонани тириклайин макбарага бекитиб, маъбудларни таҳқирлади, Полиникнинг жасадини бадном этаркан, худолар қонунини бузди. Маъбудлар уни шу учун жазолайдилар. Креонтнинг бутун хонадони ғамга чўмади, Креонт учун кадрдон бўлган барча яқинлари жазодан қочиб қутулолмайди. Раҳм-шафқатни билмаган Эриниялар шубҳасиз Креонтдан интиком олишади. Бешафқат қасосдан уни ҳеч нарса халос этмайди.

Афсунгар Тиресийнинг сўзлари Креонтнинг кўнглига кутқу солди. У ўзининг Полиникни дафн қилмаслик ҳақидаги буйруғини бекор қилди. Креонт далага шошилади ва дафн удумларини амалга ошираркан, Аид ва Ҳекатага ўзидан ҳамда Фивадан қаҳрланмасликни илтижо қилади. Дафн удумини амалга ошириб, Креонт ўз шотирлари билан Антигонани чиқариб олиш учун Лабдакийзодалар макбарасига боради. Кеч бўлган эди! Антигона ўз либосидан сиртмоқ қилиб осилди. Креонт макбарада ўз қайлиғи учун йиғлаб турган Гемонни учратди. Креонт унга макбарадан чиқ, деб ялинади, аммо беҳуда. Гемон отасининг кўз ўнгида ўз кўкрагига қиличини қадайдди. У ўлаётган ўз суюклиси жасади устига ағдарилади. Креонт саросимага тушади – у ўзининг сўнгги ўғлидан жудо бўлади. У жасад ёнида юм-юм йиғлайди.

Шу аснода чопар Креонтнинг хотини Эвридикага Гемоннинг ўлими ҳақида хабар келтиради. Эвридика унинг гапларига лом-мим демай қулоқ солди-да, саройнинг ички бўлмасига кириб кетди. У ҳам Гемон сингари кўксига қилич санчиб, ўз-ўзини ўлдирди. Эвридика ўз-ўзини ўлдирди дегунча Креонт саройга югуриб келади. Унинг қўлида ўғлининг жасади. Бу ерда, сарой қошида уни янги фожиали алам – хотинининг ўлганлиги ҳақидаги хабар кутарди. Ҳокимиятпараст Креонтнинг мағрур иродаси букилиб, руҳи чўкканди. У саросимага тушган ҳолда изтиробларига чек қўйсин дея ўлимни чорлайди. Креонт ўзига суюкли зотларнинг барчасидан айрилди.

АВЛОДЛАР ЮРИШИ

Ҳар хил асарлар асосида баён этилган

Етговлоннинг Фивага қарши юришидан сўнг орадан ўн йил ўтди. Шу аснода Фива остоналарида жанглarda ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг ўғиллари балоғатга эришдилар. Улар оталарининг мағлубияти учун фиваликлардан қасос олишга қарор қилишди ва янги юришни мўлжаллаб қўйишди. Ушбу юришда Адрастнинг ўғли Айшалай Амфиарайнинг ўғли Алкмеон, Тидейнинг ўғли Диамед, Полиникнинг ўғли Ферсандр, Партенопайнинг ўғли Промак, Каранейнинг ўғли Сфенел, Типоме-

донтнинг ўгли Полидор, Менестейнинг ўгли Эвриналлар иштирок этишди. Бу юриш тамоман ўзгача шароитларда юз берарди. Авлодларга (Фивага қарши янги юришни мўлжаллаган йўлбошчилар шундай номланган эди) худоларнинг ўзи ҳомийлик қиларди. Дельфалик башоратсоҳиб, агар ушбу юришда Амфиарайнинг ўгли Алкмеон иштирок этса, авлодлар ғалаба қозонади деб олдиндан башорат қилганди.

Полиникнинг ўгли Ферсандр Алкмеонни ушбу юришда иштирок этишдан бош тортмасликка ундай бошлади. Алкмеон хийла вақтгача иккиланиб турди. У отасининг сўнгги васиятини адо этмасдан, ўз эрини муқаррар ўлимга юборган онасидан ўч олмасдан Фивага қарши юришда иштирок этишга қарор қилолмай турарди. Отаси Полиник каби Ферсандр ҳам Алкмеоннинг онаси Эрифиланинг ёрданидан фойдаланишга азм этди. У унга Кадмнинг хотини Ҳармониянинг қимматбаҳо либосини совға қилиб, уни сотиб олди, бу кийимларни унга Афина-Палладанинг ўзи тикиб берганди.

Бир пайтлар Ҳармониянинг маржонларига ошиқ бўлган Эрифилла бу гал унинг либосига мафтун бўларкан, Алкмеон ва укаси Амфилакни Фивага қарши юришда иштирок этишга мажбур қилди.

Авлодлар қўшини Аргосдан Фива сари йўлга тушди. Қўшин айтирли даражада катта эмасди, аммо у ғолиб келиши керак эди. Қўшиннинг йўлбошчиси отаси Тидей янглиғ кучли ва жасур Диамед эди. Оталарининг қасосини олиш истаги билан ёнган қахрамонлар шоду хуррамлик билан боришаётган эди.

Улар Фива яқинидаги Потния деган жойда Амфиарай исмли башоратсоҳибдан юришнинг оқибати қандай бўлиши хусусида сўраб олишди. Башоратсоҳиб Амфиарай шуҳратининг меросхўри Алкмеонни Фива дарвозалари оша ғалаба билан қайтаётганини кўриб турганини баён этди. Авлодлар енгади. Фақат биринчи юриш пайтида қутулган ҳалок бўлиши керак. Ниҳоят, авлодлар қўшини етти дарвозали Фивага етиб келди. Бутун атрофни пайҳон қилган авлодлар шаҳарни қамал қилишга киришди. Фиваликлар қамал қилувчиларнинг хужумини қайтармоқчи бўлиб дарғазаб Эшеоколнинг ўгли шох Лаодамант бошчилигида майдонга чиқишди. Қонли жанг бошланди. Ўша жангда Лаодамант қиличидан зарба еган Айдиалей ҳалок бўлди, Лаодамантнинг ўзи эса Алкмеон томонидан ўлдирилди. Фиваликлар енгилгач, мустаҳкам деворлари ортидан паноҳ топа бошладилар.

Мағлуб бўлган фиваликлар қамал қилувчилар билан музокара қилишга ўтди, ўзлари эса тунда Тиресийнинг маслаҳатига биноан раҳбарларига билдирмасдан ўз хотин-бола чақалари билан бирга Фивадан кўчиб кетишди. Улар шимолга, Фессалияга томон силижишди. Фиваликларга узок йиллар ёрдам берган ва уларни неча бор ҳалокатдан холос этган афсунгар Тиресий йўлда, нимфа Тельпуза булоғи ёнида ўлади.

Катта йўлни босиб ўтган фиваликлар Фессалиядаги Ҳестиодийзодалар ерига етиб келишди ва у ерда жойлашишди.

Авлодлар забт этган Фива батамом вайрон этилганди. Қўлга киритилган бешумор бой ўлжаларни авлодлар ўзаро бўлиб олишди. Ўлжанинг энг аъло улуши бўлмиш Тиресийнинг кизи, башорат соҳибаси Мангони улар дельфалик ҳамкасбига ҳадя қилишди.

Авлодлар эсон-омон ватанига қайтиб келишди. Полиникнинг ўгли Ферсандр эса Фивани қайта тиклаб, у ерда ҳукмдорлик қила бошлади.

АЛКМЕОН

Ҳомернинг «Одиссея» достони асосида баён этилган

Фивага қарши юришдан қайтиб келгач, Алкмеон ўз отаси Амфиарайнинг васиятини адо этди. Отасининг ўлими учун онасидан интиқом олди. Алкмеон волидасини ўз қўли билан ўлдирди. Онасини ўлаётди қотил ўгли ва у паноҳ топадиган мамлакатни лаънатлади.

Қасоскор маъбудалар Эриниялар Алкмеондан ғазабланиб, у қаерда паноҳ топишга уринмасин, уни таъқиб қиладиган бўлишди. Паноҳ топишга интиларкан, бадбахт Алкмеон хийла вақтгача сарсон-саргардон бўлиб юрди, у қабиҳ одамнинг қотили сифатида тозариши лозим эди. Ниҳоят, у Аркадиядаги Псофида шаҳрига келди. У ерда уни қотиллик қабоҳатидан шох Фегей фориг этди. Алкмеон Фегейнинг қизи Арсинояга уйланди, энди Псофидада тинч яшасам керак деб ўйларди. Лекин тақдир унга буни раво кўрмади, уни ҳамон таъқиб этарди. Псофидада одамларга қирон келтирувчи очлик ва ўлат тарқалди. Ҳамма жойда ўлим ҳукм сурарди. Алкмеон Дельфада, Аполлон ибодатхонасидаги коҳина-башоратсоҳиба Пифияга мурожаат қилди, Пифия унга Псофидани тарк этиб, дарё маъбуди Ахелой ҳузурига боришни тавсия қилди. Фақат ўша ердагина у онасини қатл этганлик қабоҳатидан фориг бўлиши ва лаънат олган вақтда ҳали мавжуд бўлмаган мамлакатда ором топиши мумкин эди.



Алкмеон Фегей хонадонини, хотини Арсиноя ва ўгли Клатайни ташлаб, Ахелой хузурига жўнаб кетди. У йўл-йўлакай Калидонда ўзини меҳмоннавозлик билан қабул қилган Ойнейникида тунади.

Алкмеон, шунингдек, феспротлар юртида ҳам бўлади, лекин улар уни маъбудлар ғазабидан кўрққанидан ўз мамлакатидан ҳайдаб чиқаришади. Ниҳоят, Алкмеон Ахелой дарёларига келиб қолади. У ерда уни дарёлар худоси Ахелой онасининг қотили қабоҳатидан фориғ этади ва унга қизи Каллирояни хотинликка беради. Алкмеон Ахелой дарёсида йиғилиб қолган қум ва лойлардан пайдо бўлган жойда маскан куради. Ана шу орол Алкмеонни онаси лаънатлаган пайтда мавжуд эмасди. Мудҳиш қисмати Алкмеонга шу ерда ҳам тинч яшашни раво кўрмади. Каллироя Полиник ва унинг ўгли Ферсандр Эрифилага совға қилган қимматбаҳо маржон ва Афина-Палладанинг ўзи тўқиган либос тўғрисида билиб олгач, эридан ўша қимматбаҳо нарсаларни олиб келишни талаб қилди. Каллироя ўша нарсаларга эга бўлган кишининг ҳалокатга учрашдан хабари йўқ эди. Алкмеон бориб, Фегайдан маржон ва либосни беришни талаб этди. Айни пайтда Фегайга ўша бойликларни Дельфа башорат соҳибига бағишлаб, яшинчақнатар маъбуддан узр сўрамоқчи эканлигини айтди. Фегай унинг сўзларига ишониб, қимматбаҳо маржонни Алкмеонга берди. Лекин Алкмеоннинг қули Фегайга маржон ва либоснинг кимга тақдим этилишини айтиб қўйди. Қаҳри келган Фегай ўғиллари Проней ва Агенорни чакириб, уларга Алкмеон Ахелой дарёси мансабига қайтаётганда унга пистирмадан туриб хужум қилишни амр этди. Улар отасининг амрини бажо келтириб, Алкмеонни ўлдиришди.

Алкмеоннинг биринчи хотини Арсиноя эрининг ўлганини билиб қолди. У уни ҳамон севарди. Ғамга ботган Арсиноя укаларини лаънатлади. Укалари эса уни Аркадияга, шоҳ Агапенор хузурига олиб боришди, уни эрини ўлдирганликда айблаб, ўлимга ҳукм этишди.

Алкмеоннинг ўлими ҳақидаги хабар Каллирояга ҳам етиб борди. У Фегайнинг ўғилларидан ва Фегайнинг ўзидан ўч олишга қарор қилди. Лекин ким қасоскор бўлиши мумкин? Каллироянинг ўғиллари Акарнон ва Амфотер ҳали бешикдаги гўдак эди. Каллироя ўғилларини ҳозироқ қудратсоҳиб йигитларга айлантир дея Зевсга илтижо қила бошлади. Зевс Каллироянинг илтижосини ижобат айлади. Унинг ўғиллари бир кечадаёқ ўсди ва вояга етиб Фегайга, Агапенор хузурига отланишди ва у ерда Фегайнинг ўғилларини ўлдиришди. Кейинчалик Псофидада Фегайнинг ўзини ҳам ўлдиришди. Шундай қилиб, бир пайтлар Эрифила томонидан Полиник ва Ферсандрдан олинган қимматбаҳо совғалар Фегай ва унинг оиласининг тугашига сабабчи бўлди.

Акарнон ва Амфотер қимматбаҳо маржон ва Афина-Паллада томонидан тикилган либосни олиб, онасининг розилиги билан Дельфага Аполлонга тақдим этишди. Акарнон ва Амфотер ватанларида яшаб қолишмади. Улар Акарноннинг номи билан Акарнания деб аталган мамлакатга кўчиб кетишди ва ўша ерда салтанатга асос солишди.

МУҲДАРИЖА

Умрбоқий ривоятлар

3

Биринчи қисм

Худолар

Дунё ва худоларнинг келиб чиқиши	5
Зевс	6
Зевснинг туғилиши	6
Зевс Кронни кулатди. Олимп худолар билан титанлар кураши	6
Зевснинг Тифон билан кураши	7
Олимп	7
Посейдон ва денгиз худолари	8
Даҳшатли Аид салтанати	9
Ҳера	10
Ио	11
Аполлон	12
Аполлоннинг туғилиши	12
Аполлоннинг Пифон билан кураши ва дельфа кароматсоҳибининг шарти	12
Дафна	12
Аполлон Адмет хузурида	13
Аполлон ва илҳом маъбудалари	14
Алоэй ўғиллари	14
Марсий	15
Асклепий	15
Эскалап	15
Артемида	15
Актеон	16
Афина-Паллада	17
Афинанинг туғилиши	17
Арахна	17
Ҳермес	18
Ҳермес Аполлоннинг сигирларини ўғирлайди	19
Арес, Афродита, Эрот ва Гименей	20
Арес	20
Афродита	21
Пигмалион	21
Нарцисс	22
Адонис	23
Эрот	24
Ҳемей	24
Ҳефест	24
Деметра ва Персефона	25
Персефонанинг Аид томонидан ўғирланиши	25
Триптолем	28
Эрисихтон	28
Тун, Ой, Тонг ва Куёш	29
Фазтон	30
Дионес	32
Дионеснинг дунёга келиши ва тарбияланиши	32
Дионес ва унинг мулозимлари	33
Ликург	33
Минийнинг қизлари	33



Тереннинг денгиз қароқчилари	34
Икарий	34
Мидас	35
Пан	35
Пан ва Серенга	36
Паннинг Аполлон билан беллашуви	36
Қаҳрамонлар	
Беш аср	37
Девкалион ва Пирра (Тўфон)	38
Прометей	39
Пандора	44
Эак	45
Данайлар	45
Персей	47
Персейнинг туғилиши	47
Персей Медуза гогонини ўлдирди	48
Персей ва Атлас	49
Персей Андромеахани қутқазди	50
Персейнинг тўйи	51
Персейнинг Серифга қайтиши	52
Персей Аргосда	53
Сизиф	53
Беллерофонт	54
Тантал	55
Пелопс	57
Европа	58
Кадм	59
Зет ва Амфион	62
Ниоба	63
Ҳеракл	64
Ҳераклнинг туғилиши ва тарбияланиши	64
Ҳеракл Фивада	66
Ҳеракл Эврисфей хизматида	66
Немей арслони (биринчи жасорат)	66
Лерней аждари (иккинчи жасорат)	67
Стимфал қушлари (учинчи жасорат)	67
Кереней охуси (тўртинчи жасорат)	68
Эриманф қобони ва кентаврлар билан бўлган жанг (бешинчи жасорат)	68
Шоҳ Авгий отхонаси (олтинчи жасорат)	69
Крит хўкизи (еттинчи жасорат)	70
Диомед отлари (саккизинчи жасорат)	70
Ҳеракл Адмет ҳузурида	70
Ипполитанинг камари (тўққизинчи жасорат)	72
Ҳеракл Лаомедонтнинг қизи Ҳесиопани қутқазади	74
Герийон сигирлари (ўнинчи жасорат)	74
Кербер (ўн биринчи жасорат)	75
Хесперидларнинг олмалари (ўн иккинчи жасорат)	76
Ҳеракл ва Эврит	78
Ҳеракл ва Деянира	79
Ҳеракл Омфала ҳузурида	80
Ҳеракл Трояни забот этади	80
Ҳеракл худолар билан бирга титанларга қарши курашади	81
Ҳераклнинг ўлими ва унинг Олимп худолари жумласига дохл бўлиши	82
Ҳеракл авлодлари	85

Кекроп, Эрихтоний ва Эрихтей	86
Кефал ва Прокрида	87
Прокна ва Филомела	88
Борей ва Орифия	90
Дедал ва Икар	91
Тесей	92
Тесейнинг туғилиши ва тарбияланиши	92
Тесейнинг Афина йўлидаги жасоратлари	93
Тесей Афиинада	94
Тесейнинг Критга сафари	95
Тесей ва Амазонкалар	97
Тесей ва Пейрифой	97
Еленани ўғирлаш. Тесей ва Пейрифой Персифонани ўғирлашга журъат этишади. Тесейнинг ўлими	98
Мелеагр	99
Кипарис	100
Орфей ва Эвридика	101
Орфей ер ости салтанатида	101
Орфейнинг ўлими	102
Хиацинт	103
Полифем, Акид ва Галатея	104
Эгизаклар, Кастор ва Полидевк	105
Атрей ва Фиест	106
Эсак ва Ҳесперия	107

Иккинчи қисм

Қадимги юнон эпоси

Аргонавтлар

Фрикс ва Хилла	109
Ясоннинг туғилиши ва тарбияланиши	109
Ясон Иолкда	110
Ясон ҳамроҳлар танлайди ва Колхида юришига тайёргарлик кўради	111
Аргонавтлар Лемнода	112
Аргонавтлар Кизик ярим оролида	112
Аргонавтлар Мизияда	113
Аргонавтлар Вифинияда (Амик)	113
Аргонавтлар Финей хузурида	114
Симплегадалар	115
Аретада ороли ва Колхидага етиб келиш	115
Ҳера ва Афина Афродита хузурида	116
Ясон Эет хузурида	117
Аргонавтлар Медеяга ёрдам сўраб мурожаат қилишади	118
Ясон Эет топширигини ижро этади	120
Медея Ясонга олтин терини ўғирлашда кўмаклашди	121
Аргонавтларнинг қайтиши	121
Ясон ва Медея Иолкда. Пелейнинг ўлими	124
Ясон ва Медея Коринфда. Ясоннинг ўлими	125

Троя туркуми

Елена – Зевс ва Леданинг қизи	127
Пелей ва Фетида	127
Париснинг ҳукми	128



Париснинг Трояга қайтиши	129
Парис Еленани ўғирлайди	129
Менелай Трояга қарши урушга тайёргарлик кўради	130
Ахилл	131
Троя	132
Юнонистон қаҳрамонлари Мизияда	132
Юнонлар Авлидада	133
Юнонларнинг Троя соҳиллари томон сузиши. Филоктет	135
Троя қамалининг дастлабки тўққиз йили	136
Ахиллнинг Агамемнон билан аразлашуви	138
Халқ йиғини. Терсит	142
Менелейнинг Парис билан олишуви	144
Пандар қасамига хиёнат қилади. Жанг	146
Ҳектор Трояда. Ҳекторнинг Андромаха билан видолашуви	149
Жангнинг давом этиши. Ҳектор ва Аякснинг яккама-якка олишуви	150
Трояликлар ғалабаси	152
Агамемнон Ахилл билан ярашишга уринади	153
Одиссей ва Диомед трояликлар қарогоҳига айғоқчи сифатида отланадилар. Рессинг отлари	154
Юнонлар қароргоҳи ёнидаги жанг	156
Кемалар ёнидаги маҳораба	158
Патроклнинг жасоратлари ва ўлими	161
Патроклнинг жасади учун кураш	164
Фетида Ҳефест хузурида. Ахиллнинг қурол-аслаҳаси	167
Ахиллнинг Агамемнон билан ярашуви	168
Ахилл трояликлар билан жангга киради	169
Ахилл ва Ҳекторнинг яккама-якка жанги	173
Патроклнинг дафн этилиши	175
Приам Ахиллнинг чодирда. Ҳекторни дафн этиш	176
Амазонкалар билан жанг. Пенфесилия	178
Ҳабашлар билан жанг. Мемнон	179
Ахиллнинг ўлими	180
Телемон ўғли Аякснинг ўлими	181
Филоктет. Троянинг сўнгги кунлари	182
Троянинг кулаши	184
Юнонларнинг ўз ватанларига қайтишлари	186

Одиссея

Одиссей нимфа Калипсо хузурида	189
Итакада Одиссей йўқлигида унинг мол-мулкани талон-тарож этиб, бебошлик қилган хушторлар	189
Телемах Нестор ва Менлай хузурида	191
Хушторларнинг Телемахни Итакага қайтганида ўлдиришга қарор қилганликлари хусусида	192
Одиссей нимфаларнинг Калипсо оролини тарк этди	193
Одиссей ва Навсикая	194
Одиссей шоҳ Алкиной хузурида	196
Одиссей ўз саргузаштларини ҳикоя қилади	199
Киконлар ва латофагалар	199
Одиссей циклоплар оролида. Полифем	199
Одиссей Эол оролида	201
Одиссей лестригонлар хузурида	201
Одиссей сеҳргар Кирка оролида	202
Одиссей ер ости салтанати Аидга бориб келади	203
Одиссейнинг сиреналар ороли ва Скилла ҳамда Харибда ёнидан сузиб ўтиши	204
Одиссей Тринакрия оролида. Одиссей кемасининг ҳалокати	205



Одиссейнинг Итакага қайтиб келиши	206
Одиссей Эвмей хузурида	207
Телемахнинг Итакага қайтиши	208
Телемах Эвмей хузурига келади. Одиссей ва Телемах	210
Одиссей мусофир сифатида ўз саройига келди	211
Одиссей ва Пенелопа	214
Одиссей хушторларни махв этади	216
Одиссей Пенелопага сирини баён этади	219
Куёвлар арвоқлари Аид салтанатида	220
Одиссей Лаэрт хузурида	221
Фуқаролар исёни ва Одиссейнинг улар билан келишуви	221

Агамемнон ва унинг ўғли Орест

Агамемноннинг ўлими	223
Орест отасининг ўлими учун қасос олади	224
Аполлон ва Афина-Паллада Орестни эриниялар таъқибидан холос этади	225
Орест Артемиданинг Тавридадаги муқаддас ҳайкали зиёратига жўнайди	226

Фива туркуми

Эдип. Унинг болалиги, ёшлиги ва Фивага қайтиши	228
Эдип Фивада	229
Эдипнинг ўлими	231
Еттовлон Фивага қарши	235
Антигона	239
Авлодлар юриши	241
Алкмеон	242

Адабий-бадий нашр
Н. А. КУН
ҚАДИМГИ ЮНОН
АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИ
Рус тилидан
Пошали УСМОН ва Фазлиддин ШУКУР таржимаси.
“Звرافшон” нашриёти, Самарқанд, 2005, 250 бет.

Мухаррирлар	Ў. НИЁЗОВ, А. УБАЙДУЛЛАЕВ.
Мусаввир	А. УМАРОВ.
Тех муҳаррир	Г. ҚОДИРОВА.
Мусахҳих	К. БАХРОМОВА.

2004 йил 5 декабрда теришга берилди. 2005 йил 15 апрелда босишга рухсат этилди. Қоғоз ўлчами 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб табағи 29. Нашр табағи 29,2. Адади 1000 нусха. Буюртма 109.

“Зарафшон” нашриёти, 703000.
Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтида чоп этилди.
703051, Самарқанд шаҳри, Воҳид Абдуллаев кўчаси, 3.

